

Б. АБДОЛНИЁЗОВ

**ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИ—
ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН
ҲОЗИРГАЧА**

УРҒАНЧ

Б. АБДОЛНИЁЗОВ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ НОМЗОДИ

ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИ—
ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН
ҲОЗИРГАЧА

Урганч, 1992

636
А-13

Монографияда муаллифнинг кўп йиллик изланишлари асосида Хоразм воҳасида чорвачиликнинг тарихий тараққиёти, унинг ҳозирги замондаги аҳволи, тармоқни янада такомиллаштириш омиллари тилга олинган.

Молларнинг зотлари, наслчилик иши, уларни озиклантириш ва асраш шароитлари, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сифатини ошириш, ем-хашакларни тайёрлаш, қайта ишлаш, чорвачиликда кўп меҳнат талаб қилинадиган жараёнларни механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари, тармоқнинг иқтисод масалалари келтирилган.

Монография хўжалик раҳбарлари ва чорвачилик мутахассислари, қишлоқ хўжалиги олийгоҳларининг талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Библиотека

СамСХИ

350239

Хоразмнинг қадимги чорвачилиги етарлича ўрганилмаган соҳа бўлиб қолмоқда. Ушбу иш бор бўлган илмий-адабий манбалар, археологик қазилар натижалари, архив маълумотларини, чорвадорлар, аҳоли ахборотларини ва муаллиф изланишларини умумийлаштиришнинг дастлабки натижасидир. Бироқ муаллиф бу масала тўла ёритилди деган даъводдан йироқ.

Маълумки, чорвачилик соҳасидаги тарихий тадқиқотлар, фан ва тажрибанинг бошқа кўнгина соҳаларидагидек, кутубхона ва архивлардаги босма ва қўлёзма фондлардаги ҳақиқий маълумотларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган малакали мутахассислар кучи билан бу маълумотларни таққослаш ва умумлаштиришни талаб этади.

Ушбу мавзунинг ўрганиш чорвачиликни бошқаришнинг кўпгина масалалари бўйича аниқ маълумот йўқлиги билан қийинлешади. Шунинг учун ҳам биз ушбу муаммони умумий—тарихий кўришишда, уни теварағида қадим замонларда жойлашган районлар ва давлатлар билан бирга ўрганишга тўғри бўларди деб ҳисоблаймиз.

Шунинг билан бирга чорвачиликни ўрганишга икки нуқтаназардан ёндошни лозим — иқтисодий-иқтисодий (одамзотнинг моддий-маданияти фаолиятини ва равнақ топишини) тавсифи), экологик (табиий-иқтисодий омиллар, озуқа базасининг хусусиятлари, касалликлар таъсири ва ҳоказо). Бу бизнинг фикримизча қадимги Хоразм чорвачилиги тарихини бўйича мавжуд бўлган камчи материалларини тўлароқ тасвирлашга имкон яратади.

Хоразм воҳасининг ўзига хослигини, айниқса табиий — иқлимий шароитларини, чорвачиликни бошқаришни, ушбу мавзунинг етарли ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, тармоқнинг ижтимоий борица тарихий ва ҳозирги ҳолатини ўрганиб, чорвачиликни келгусида равнақ топиши бўйича илмий жиҳатдан асосланган тавсияномаларни бердик. Хоразм чорвачилиги, унинг маҳсулотига тобора оқиб бораётган тала-

били қондиришда ўзига лойиқ ўзини ёритишга ҳаракат этди.

Ушбу китобни ёзишга ўзларининг финр ва мулоҳазалари амалий ёрдами билан ўз ҳиссаларини қўшган Хоразм вилояти агросаноат уюшмасида меҳнат қилаётган мутахассисларга, ҳўжаликларда ишлаётган червадорларга чуқур миннатдорчилигини билдираман.

ХОРАЗМ СЎЗИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўрта Осиёнинг табиий харитасига бир назар ташласангиз: Амударёнинг қуйи оғимида, Қорақум ва Қизилқум оралигида яшил рангга бўялган учбурчак шаклини кўрасиз. Бу — Хоразм воҳасидир.

Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрни тутган, жаҳон фан ва маданиятига улкан ҳиссасини қўшган воҳа бу. Машҳур математик ва астроном, алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад ал—Хоразмий, буюк энциклопедист аллома Абу—Райдон Беруний, атоқли шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий ватани бу.

Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста»да ва Эрон шоҳи Дурў (эрампздан олдин VI-аср) сафарларининг тавсифларида учрайди.

Н. И. Веселовский ёзади: «Хоразм сўзининг келиб чиқиши шубҳасиз ориёли, лекин унинг маънисини ҳар хил тушутирилади».1 Яқут ўзининг «Моаджем эль-бульдон» номи лугатида бу юртнинг аҳолиси тўғрисидаги афсонани келтириб, унинг номини қуйидагича тушутиради: «Хўвар—гўшт ва «резм» —ўтин, яъни гўшт ва ўтин ўлкаси. Бюрнуф «куари» сўзи—овқат, «зам»—ер, яъни бу овқат бераётган ер—«унундор ер» деб ҳисоблайди.

Вамберича «даҳ» сўзи нстайдиган, «резм-разм» — ўрин, яъни «Хоразм» — урушлар ўрни, урушқоқ халиқ.

Машҳур олим С. П. Толстов «Хоразм» — «Хваризамин» — хгарри» — қабилани ерини билдиради деб ҳисоблайди.

Яқут Калави «Хоразм» сўзи тўғрисида гапириб, «Хоразм» битта шаҳарни номи эмас, бу туманини (ўлкани) номи. Унинг энг йирик шаҳри «ал-Журжониядир» деб ҳисоблайди.

1. Н. И. Веселовский. Хива хонлигининг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган тарихий-географик маълумотлари очерни. СПО, 1877.

Профессор А. Мадраҳимов «Хоразм» — этник сўзи, қабиланинг номидан келиб чиққан деб ҳисоблайди.²

Хоразм вилоятининг ҳудуди Ўзбекистон жумҳуриятининг шимолий-ғарбий қисмида, Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган. Бу ерда иқлим кескин континентал иқлимдир.

Ўртача бир йиллик ҳарорат 12 даражадир. Ёзда энг юқори ҳарорат 43-44 даража иссиққа, қишда минимал ҳарорат—31-32 даража совуққа етади. Йиллик фойдали ҳароратлар йиғиндисини 2268 дан 2309 даражани ташкил қилади. Йиллик ёгингарчилик миқдори 70-90 мм атрофида.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг даражаси ва ташкил қилинишига сугоришининг асосий манбаи бўлган Амударёдаги сувнинг кескин ўзгариши ва сарфланиши кўп таъсир қилади, (400 дан 5500 м³ (сек.).

Эндилликда Амударё Хоразмга йил сайин кам сув келтирмоқда, бу юқорида жойлашган ўлкаларда оби-ҳаётнинг кўпроқ олинishi билан боғлиқдир. Бу ҳодиса бора-бора Орол денгизининг сув сатҳи кескин камайишига олиб келди, натижада бу юқори сув ҳавзаси йўқолиши мумкин. Табиийки, бундай ҳолат Хоразмнинг табиий-иқлимий шароитини кескин ўзгаришига олиб келади.

Вилоят ҳудуди 4550 км² дан иборат бўлиб, 11 маъмурий туманга бўлинган, уларнинг таркибига 90 та жамоа, 27 та давлат хўжалиғи, 13 та туманлараро ва хўжаликлараро корхоналар, ердан фойдаланувчи бошқа ташкилотлар кирди.

1990 йилда қишлоқ хўжалик экинлари 235,6 миң гектар ерга экинган. Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтининг маълумотиغا кўра вилоят ҳудудида ҳаммаси бўлиб ўзлаштиришга лойиқ бўлган 259,0 миңга яқин ер мавжуд. Ундан тарафари вилоят ихтиёрида Қорақалпоғистон ва Туркманистон республикалари ҳудудларида узоқ муддат фойдаланишга берилган 278 миң гектар йилловлар мавжуд.

Вилоят ҳудудида 3 та шаҳар ва 8 та туман марказлари жойлашган. 1991 йил 1 январга бўлган маълумотларга кўра аҳолининг умумий сони 1,1 миллион кишини ташкил қилган. Хоразм вилоятининг аҳолиси Ўзбекистон аҳолисининг 5 фоизини ташкил қилса, вахта етиштириш жумҳурият миқдорини 6,5—7,0, шели—17,8 фоизини ташкил қилади.

Вилоят, қишлоқ хўжалиғи, асосан, вахта, шели етиштиришига ихтисослашган. Чорвачилик, сабзавотчилик, балдорчи-

2. А. Мадраҳимов, «Хоразм» сўзининг маънослари, «Фан ва турмуш» ж-ли, № 2, 1974, 31-бет.

лик, узумчилик, помидорчилик ёрдамчи тармоқлар сифатида ривожланган, уларнинг салмоғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг умумий миқдорига камчилдир. Лекин замонлар ўзгариши ва йил сайин бу соҳалар ўзига лойиқ ўринларни эгалламоқда. Умуман меҳнат, моддий ва пул бойликларини вилоят бўйича тақсимланишида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши етакчи ўрни эгаллайди.

Саноат, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, озуқавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кейинги йилларда вилоят ҳудудига Хива гилам комбинати, ўт ўриш машиналари заводи, экскаватор-ремонт заводи, Туялмўйин гидронншооти, Урганч, Хива, Қўшқўпирдаги силкат гипс заводлари, Хонқа ун комбинати ва ҳоказо йирик корхоналар қурилиб ишга туширилди.

Воҳада истеъдодли ва меҳнатсевар одамлар яшаб меҳнат қиладилар, уларнинг меҳнати эвазига бутун дунёга маълум бўлган катта моддий, маданий бойликлар яратилган.

ХОРАЗМНИНГ ҚАДИМГИ ЧОРВАЧИЛИГИ

Ҳозирги замон чорвачилиги тажрибаси, молларнинг янги зотларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштиришда муҳим бўлган моллар ва зотларни хонакилаштиришнинг келиб чиқишини, уларнинг конституцияси ва экстерьерини ўрганиш масаласини ёритишда уй ҳайвонларининг суяк қолдиқларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қадимги овчилик ва қорамолчиликни тасаввур қилишда ҳайвонлар суяклари, одамнинг қурол-яроғлари ва расмлар (аввало қоялардаги тасвирлар), асосий манба ҳисобланади. Бутун маданий қолдиқ йиғиндиси қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Чунинчи, молчиликни аниқлашда молларни асраш наллари— гўнг, қўтонлар, оғиллар ва ҳоказолар ҳам муайян аҳамиятга эгадир.

Зоотехника адабиёти Хоразмнинг қадимги чорвачилигини тўғрисида жуда кам маълумотга эгадир. Ҳозирги вақтда бизнинг қўлимизда В. И. Цалкиннинг антиқ ва эўрта асрдаги Хоразм шаҳарлари қазилмаларидан олинган суякларни ўрганган ниҳоятда қизиқарли, ўз мазмунини бўйича гоёт бейилмий асари бор бўлиб, у Хоразмнинг қадимги чорвачилигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Хоразм ҳудудига қазиш ишлари профессор С. П. Телетов раҳбарлигидаги Хоразм археология—этнографик экспедиция томонидан ўтказилган. Каунчи—тепадан (Тошкент

яқинида), топилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқларини В. И. Громова томонидан, Фарғона воҳасидан топилган археологик маъбулар асосида Ю. А. Заднепровский томонидан йиғилган маълумотлардан, ушбу масала бўйича айрим бошқа муаллифлар фикрларини таққослаш учун фойдаландик.

В. И. Цалкин тасвирлаган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳозирги Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган қадимги шимолий ва жанубий Хоразм ёдгорликларига мансубдир, улар Амударёнинг икки қирғоғида ҳам жойлашиб, эрадан олдинги VII-V асрлардан деярли янги эрanning XV-XVIII асригача бўлган Хоразмнинг узоқ ўтмиш тарихий даврини акс эттирди.

Хоразмнинг қадимги молчилиги тўғрисида илк бор эра-миздан олдинги III-мингинчи йилликнинг иккинчи ярмидан— II миғ йилликнинг бошларигача бўлган давр тилга олинади, топилган суякларнинг кўп қисми ситир ва қўйга мансуб (80%).³ Шунини қайд қилиш керакки, Жанубий ва Шимолий Хоразмдаги суяк қолдиқларини солиштирма ўрғанилиши улар ўртасида жиддий тафовут йўқлигини кўрсатди. Ҳар хил даврларда асралган моллар суякларининг катта-кичиклигида ҳам фарқ кам бўлган.

Хоразм тарихининг бир ярим-икки миғ йил давомида мол суягининг ўртача ўлчами жиддий ўзгармаган, демак, шу ҳайвонларни ўртача бўйи ҳам ўзгармаган. Бу қизиқ ҳолисани, эҳтимол, тарихнинг шу узоқ даврида молни сақлаш ва ҳўжаликда фойдаланиш хусусиятининг барқарорлиги билан тушунтириш мумкин бўлади. Бу давр ичида озуқавий шароитларнинг нисбий барқарорлигини ҳамда қон-паразит каналари борлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Уй ҳайвонларини ҳар бирини алоҳида таърифлашдан олдин пода тузилиши ҳамда вақт ўтиши билан уй ҳайвонларининг бу тузилишининг ўзаро нисбати тўғрисида тўхтайтимиз. Ҳар хил ёдгорликдан олинган солиштирма маълумотлар, ҳаттоки Ўзбекистон, Хоразм ҳудудлари чегарасида подада фойдаланилган ҳар хил ҳайвонлар ўртасидаги ўзаро нисбатда анча фарқ борлигини кўрсатади. Масалан, агарда Хоразмда бронза давридаги (Тупроқ-қалъа шаҳри), Каунчи—тепадаги (Тошкент яқинида), пастки маданият ва Фарғонадаги (Далварзин) суяк қолдиқларининг ўзаро нисбати тенглаштирилса, шу кўринадики, агарда Хоразмда майда шоҳли молнинг

3. В. И. Цалкин, Шарқий Оврупо ва Ўрта Осиё қабилаларининг қадимги чорвачилиги, М. 1966, 113-бет.

суяк қолдиқлари нисбатан кўп—ҳамма суякларнинг 74 фоизи бўлса, Каунчи—тепада—33,1, Далварзида эса атиги 29,5 фоиздир. Кейинги икки маъзилгоҳларда суяк соми бўйича улар қорамолдан кейин иккинчи ўринни эгаллайдилар — 59,0 ва 49,0 фоиз.

1-жадвал.

Ўзбекистоннинг қадимги ёдгорликлари бўйича бронза даврида қишлоқ хўжалик молларининг суяк қолдиқлари таркиби (% ҳисобида).

Моллар тури	Хоразм, Тупроқ- қалъа	Фарғона, Далварзин	Тошкент Каунчи—тепа
Майда шохли мол	74,0	29,5	33,1
Ириқ шохли мол	17,5	49,0	59,0
От	4,4	20,87	7,07
Туя	0,6	0,42	0,83
Чўчқа	2,5	—	—
Эшак	1,0	0,21	—

От суяги қолдиғи тўғрисида гап кетганда, улар сои жиҳатидан ҳамма солиштирилаётган маъзилгоҳларда учинчи ўринни эгалладилар, лекин Далварзида уларнинг соми (20,87%), Каунчи-тепа ва Хоразмдагилардан анча кўндир.

Ю. А. Заднепровский маълумотларига кўра, отнинг суяги Фарғона воҳасида (Чуст ва Далварзин маъзилгоҳлари бўйича ўртача).—ошхона қолдиғидир. Ириқ ва майда шохли молнинг гўштидек от гўшти ҳам овқатлик сифатида ишлатилган. Шунинг билан бирга бу ерда оддан миниладиган, эҳтимол, улов ҳайвон сифатида ҳам фойдаланилган. Хоразмда, Каунчи-тепада ва Далварзида пода таркибидagi айирмалар балки сир хил бўлмаган табиий шаронглар билан тушунтириши мумкин бўлар. Хоразмда чегараланган фойдали ерлар зўр бўлиб деҳқончилик учун фойдаланилган, қорамол учун яйловлар соми эса подага нисбатан етарли бўлмаган.

Шу билан бир пайда қўй ва эчкилар бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ҳеч бирисидек, катта қум яйловларини ўзлаштира оладилар. Шунга ўхшаш ерлар бу жойда кўп бўлган.

Уй эшакларининг суяклари эрамыздан олдинги VII—V

асрларга яқин Хоразмнинг деярли ҳамма ёдгорликларининг маданий қатламларида топилган. Демак, эшак бу даврда кенг тарқалган ҳайвон тури бўлган. Хоразм ёдгорликларидан олинган суякларни кўздан кечирган мутахассисларнинг фикрича уй эшагининг суяги бошқа тур ҳайвонларникига қараганда яхши сақланган. Буни улар эшаклар ишчи ҳайвон сифатида ишлатилиб, овқатликларда фойдаланилмаган деб тушунтирадилар.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Фарғона воҳасида бронза асрида уй эшакларининг сони кам бўлган, Каучи-тенда эса—улар бўлмаган. (1 жадвал).

Зоотехника адабиёти эшаклар, айниқса, Ўрта Осиё эшаклари Хоразм воҳасидаги қишлоқ аҳолиси томонидан миниладиган ва юк ортиладиган ҳайвон сифатида ҳаттоки ҳозир кенг фойдаланилса ҳам, анча камчил маълумотларга эга.

Бу жуда беор, ишчан ҳайвондир. Ўз вақтида Е. А. Богданов, Келлер, Брем Осиё ва Ўрта Осиёда эшакнинг бирмунча устуликка эга эканликларини қайд қилганлар, уларнинг кучини тузилиши ва катталигини ҳақир ва той билан тенглаштирганлар.

П. М. Михайлов маълумотларига кўра, уй эшагининг Хива тури (бу турга Хива ва Қорақалпоқ эшаклари киради), Ўрта Осиёдаги бошқа тур эшакларга қараганда бир қатор фойдали хусусиятларга, бирмунча ривожланган тана тузилишига, анча мустаҳкам конструкцияга ва етарли ҳараматчанлигига эгадир¹.

Эшакнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлган вақти тўғрисида алоҳида айтиш керак. Аввал эшак бу ерда эрампздан олдин 200 йиллар ва эрампз бопланганида пайдо бўлган деб ҳисобланган (В. И. Громова, 1947). Лекин кўп йилларича кузатишлар шунини кўрсатдики, уй эшагининг суяги эрампздан 2 кинг йиллар олдинги манзилгоҳларда (Тақдирбой 3. Байрам—Али шаҳри яқинида, Ўзат кўл, Атрок шаҳридан шимолроқда, Турманистон), Хоразмда эса эрампздан олдинги VI—V асрларда учраган.

Юқоридаги далиллар асосида уй эшаги Ўрта Осиёда эрампзнинг 2 мингичи йиллиги ўрталарида пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Уй кўнчаси Хоразм чорвачилигида муҳим аҳамиятга эга бўлмаган бўлсада, унинг суяклари эрампзнинг VIII ғаригача (Ислон дини пайдо бўлишигача), ҳамма ёдгорликларда учрай-

4. П. М. Михайлов, Қорақалпоқ АССР аниқчилиги. Қалнини номидаги Турман КХИ асарлари, С. IV. 1940. 173-бет.

ди. Суякларнинг сақланиши ёмон ҳолатига сабаб—чўчқа гўштини овқатда фойдаланиши билан боғлиқ бўлса керак. Ҳазининг катта-кичиклиги бўйича қадимги Хоразм чўчқаси Шимолий Қора денгизга яқин қазилмаларидан маълум майда шарқий Оврупо турига яқиндир.

Бронза даврида Далварзинда (Фарғона водийси), чўчқа суяги топилмаган. Чустда эса шунга ўхшаш суяклар аниқланган, лекин бу зоологларда шубҳа туғдирган⁵. Каунчи—тепаннинг маданий қатламида чўчқа суяги умуман йўқ.

Шуни қайд қилиш керакки, бронза даврида уй чўчқасининг суяклари Хоразмдан, Чустдан бошқа анча кам сонла Анау III-қатламида топилган; Волга четида, Ҳанубий Урал четида, Ғарбий ва Шарқий Қозоғистонда улар учрамади.

Эрамининг IX асридан бошлаб Хоразм маданий қатламларида уй чўчқасининг суяклари топилмаган. Бу шубҳасиз. Ислоом динининг тарқалиши билан боғлиқдир. Чунки Ислоом ўз диндорларига чўчқа гўштини истеъмол қилишини ман қилади.

Қадимги Хоразм ёдгорликларининг маданий қатламларида бошқа ёввойи сўт эмизувчиларнинг суяк қолдиқлари топилган. Хоразм қабилаларининг комплекс ҳўжалигида овнинг аҳамияти ҳамма вақт ҳам чегараланган бўлган. Улар жумласига Бухоро бугуси, жайрон, сайгақ, Қизилқум қўчқори, тўнғиз, кулон, тулки, нерсак ва бошқалар кирди. Бу ҳайвонлардан ташқари сувда сувувчи парранда ҳамда ҳозирги вақтда ҳам Хоразм тўқайларида учрайдиган қирғовул (сулгин), билан ов қилинган.

Хоразмининг узоқ ўтмишидаги одамлар ов қилган ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ўрганилган. Ёввойи ҳайвонлар, қадимги ёдгорликларда (эраминдан VII аср олдиндан эрамининг IV асригача), ҳайвонларнинг умумий сони 4,2 дан 12,1 фозга тенг бўлган.

Хоразмининг айрим туманлари аҳолиси ов ҳайвонларининг турлар таркиби бўйича ажралганлар. Масалан, Амударёнинг чап қирғогидаги овчиларда сайгақ муҳим овчилик тури ҳисобланса, жайрон ва Бухоро бугуси камроқ овланган, дарёнинг ўнг томонидаги хоразмликларда биринчи ўринни жайрон, кейин бугу, ёввойи қўчқор, кулон, тулки ва қўён-талайлар эгаллаган. Амударёнинг қуйи қисмида яшаган аҳолининг ов ўл-

⁵ Ю. А. Заднепровский, Фарғонанинг қадимги ершунослик маданияти, (СССР археологияси бўйича манбалар ва кузатишлар, № 118), СССР ФА нашриёти, М-Л, 1962 й.

жаси бир хил ва 4 та турдан—жайрон, бугу, тўнғиз ва тулкидан иборат бўлган.

Ҳамма вазиятларда ҳам улар гўшт учун ов қилинган туқли ҳайвонлар бўлган.

Мўйнали ҳайвонлардан тулки, қорсақ, оқ сасиқ қузан, қуён ов қилинган. Қадимги Хоразмда ов кўпроқ гўшт топши мақсадида қилинган. Мўйна эса унинг иккинчи даражали маҳсулоти бўлган деган хулосага келинган.

Энди қадимги Хоразм ёдгорликларидаги қишлоқ хўжалик молларининг турлари бўйича нисбатлар масаласини кўриб чиқишга киришамиз.

2-жадвал.

Жакубий Хоразм ёдгорликларида қишлоқ хўжалик моллари турларининг сон жиҳатидан нисбати (фонз ҳисобида).

Ҳайвон тури	Ёдгорликлар			
	Эрамыздан олдинги VII—V асрлар	Эрамыздан олдинги IV—эрамызнинг I-нчи асрлари	Эрамызнинг III—VIII асрлари	эрамызнинг иккинчи минг йиллиги
Пирлик шоҳли мол	32,6	16,3	14,7	7,8
Майда шоҳли мол	49,7	58,2	68,0	86,3
Чўчқа	3,4	16,8	6,8	—
От	8,2	3,9	6,4	3,0
Эшак	4,1	3,0	2,8	1,8
Туя	2,0	1,8	1,3	1,1

2-жадвалдан Хоразмнинг деярлик икки минг йиллик маданий қатламларидаги тарихида ҳайвонлар турлари ўртасидаги нисбатда муҳим ўзгаришлар кўришиб турибди. Қайд қилиш керакки, майда шоҳли мол, аввало, қўйлар, ҳамма даврда ҳам Хоразм чорвачилигида устун ўринларни эгаллаган. Лекин, агарда эрамыздан олдинги VII—V асрлар ёдгорликларида майда шоҳли мол 49,7 фоиз бўлса, кейинги асрларда подада улар анча кўпайганлар, ниҳоят, эрамызнинг X—XII асрлардаги ёдгорликларида, ўртача 86,3 фоиз бўлган.

Хоразм чорвачилигида қорамол бош сони икки минг йил мобайнида деярлик 4 марта камайди. Лекин қишлоқ хўжалик молларининг бу тури ҳар доим ҳам подада тенг сонга эга бўлмаган. Агарда эраמידан олдинги VII—V асрлардаги ёдгорликларнинг маданий қатламларида қорамол умумий моллар сонининг 32,6 фоизига тенг бўлган бўлса, кейинги асрларда қорамол сони доимо камайган ва эрамининг иккинчи 4 мингичи йиллигидаги ёдгорликларда ҳаммаси бўлиб 7,8 фоизга тенгдир.

Тахминан шунга ўхшаш, лекин камроқ даражадаги камайиш от, эшак ва туяга хосдир. Уларнинг камайиши тегишлича 2,7, 2, 3 ва 1,8 мартага тўғри келган.

Хоразм чорвачилигида уй чўчқасининг суякларини исломдан олдинги даврдаги ҳамма ёдгорликларда учраган бўлсада эрамининг VII—асри охириларидан бешлаб бутунлай йўқолиб кетган.

Қишлоқ хўжалик моллари турлари нисбатининг ўзгариши сабаблари ҳозиргача тушунарли эмас. В. И. Цалкин бундай вазиятни қадимги деҳқончиликнинг ривож топishi билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

«Унинг ривожланиши билан сугориладиган ерлар доирасида қорамол ва отлар ўтлайдиган яйловлар қисқариши лозим эди. — деб ёзади у—бундай шароитда жуда кам ҳосилли яйловлар билан ҳам қаноатланадиган қўй ва эчкиларини сақлаш хўжалик жиҳатидан самарали бўлиб қолди».

В. И. Цалкиннинг ушбу фикрига биз деярли қўшилмаймиз, лекин бундай фикр от тўғрисида кетганда бирмунча шубҳа туғдиради. Деҳқончиликни ривожланиши чорвачиликни ҳам ривож топishiга олиб келиши керак эди. Чунки Хоразмнинг сугорма деҳқончилиги шароитида уловбон куч ва далаларни ўнгитиш старли миқдорда бўлмаса деҳқончиликни янада ривожланиши дарғумон эди. Шундай қилиб, қорамол, от, туя сонлари камаймаслиги лозим эди.

Жанубий Хоразмда қорамол, от бош сонлари ўзгариши, эҳтимол, сувқа базаси старли бўлмаганлиги билан изоҳланса керак. Эҳтимол, деҳқончиликка асосланган воҳа ва чўlining ўтмиш ҳалиги сувқавий маҳсулот билан таъминлаш қувватига эга бўлмагандир. Бенибарин, Амударё қўйи қисмида жойлашган қишлоқ Хоразмнинг археологик ёдгорликларида таъминлан қишлоқ хўжалик моллари турларининг келтирилган нисбати ушбу фикрни тасдиқлайди.

В. И. Цалкин. Келтирилган асар. 151-бет.

Буни қорамол бош соғини бу ерда деярли ўзгармаган ҳолда сақлашни мисолида ҳам кўра бўлади. Бундай вазит тушунарлидир. Чунки Шимолий Хоразмда қорамолни йил давомида яйловда боқиб учун етарли миқдорда ер бўлган. Ундан ташқари бу жойларнинг аҳолиси, айниқса қорақалпоқлар, бу ерда келиб қолган вақтларидан бешлаб қорамолчилик билан шуғулланганлар ва подасида деярли ҳамма вақт ҳам қорамолга эътибор билан қаралган.

Шимолий Хоразм шароити чорвачиликни ривожлантиришда қадимдан энг қулай бўлганлиги учун Амударё қўйи қисмида яшаётган аҳолининг чорвачилигида қорамол, от, эшак ва туяларнинг аҳамияти жанубий Хоразмдагига қараганда юқорироқ бўлган.

Жанубий Хоразмда эса деҳқончилик ривожланиши билан сўқавий экин энгладиган ерлар камая бошлаган, шунинг учун ҳам аҳоли вақт ўтиши билан қиш шароитига озуқа тайёрлаб боқилиши лозим бўлган қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ҳамма турларини қисқартиришга мажбур бўлган.

Туялар бош соғи камайиши тўғрисида гапирладиган бўлса В. И. Цалкиннинг фароғи тўғри бўлмаса керак. Чунки бу табиатан бақувват, қўшнинг табиий шароитига аъло даражада мослашган транспорт, юк ташувчи ҳамда гўнг берадиган ҳайвон бош соғи ҳаммаша етарли бўлиши керак эди. Фикриниқча, Хоразм ёдгорликларида топилган сўёқ қолдиқлари подада туялар соғи бўйича тўғри таассурот бераолмайди. Чунки бу шаҳарлардаги ошхона қолдиқлари ичида туянинг суяклари ҳақиқатда ҳам камроқ бўлиши мумкин, лекин туялар қўшнинг ичкарироғида—ўзларининг мақоғ туманида етарли бўлгандир.

Қўйида Хоразм халқ хўжалигида кең тарқалган ва унинг ривожига катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик моллари турларининг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталмоқчимиз.

ҚОРАМОЛ

Урта Осиё—молларни илк урчитилган ва хонакилаштирилган ҳудудлардан ҳисобланади. Е. А. Богданов,⁷ У. Дюрст, В. И.

7. Е. А. Богданов, Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, М. 1937.

Громова⁸, Б. С. Сивчик⁹ Урта Осиёни биринчилар қаторида хонакилаштирилган молларнинг қадимги ватани деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг фикрича ҳозирги Урта Осиё давлатлари худудида евойи қорамол, ёввойи от, қўйни ўрғаниш ва хонакилаштириш бошқа элатларга қараганда олдин бошланган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг шаклланишида жаҳон маркаси бўлиши Марказий Осиёда қорамолнинг зотлари барпо этила бошланган.

Ўқиз ва сизир қадимги Хоразм аҳолиси хўжалигида ҳар доим ҳам муҳим роль ўйнаган. Юқорида айтилганидек, деярли икки миғ йил ичида қорамол бош сон жиҳатидан қўй ва эчкилардан кейин иккинчи ўрнида бўлган. Қайд қилиш кераки, Хоразмдаги диний эътиқодлар ва маросимлар билан боғлиқ бўлган кўп ривоятларга қараганда, биринчи ўрнида хўқиз, кейинчалик қўчқор, туя ва ҳеказолар туради. Қорамолга муносабат Хоразм аҳолисида, айниқса, яхши бўлган, унга одамга қилингандек гамхўрлик қилганлар. «Сара хўқиз» деб Хоразмда тез-тез айтилади.

Хўқизни ҳеч бир вазиятда ҳам ўриш мумкин эмас эди, оёқ билан уни ўриш, айниқса, гуноҳ ҳисобланган.

Мабодо хўқиз ёки сизир касалланса унинг бўйига одамлариникидек тумор осганлар, насанд тутатганлар.¹⁰

Шаббозда (ҳозирги Беруний шаҳри, Қорақалпоғистон), қадим замонда сизир сутини сотиш иснод ҳисобланиб, сизирни бўлмаган киши уни қўшинисидан олиши мумкин бўлган. Гурлэн ва Шовот сестоналарида яшаган одамларда бир ривоят бўлган, буида сизир сути учун алоҳида сонол идиш—қулоқли кўза ишлатилган, унга бошқа суюқлик солиниши ман қилинган. Бутун Хоразм бўйлаб «сизир булоқ» деган ўзига хос матаи қанот ёйган, «сизир—бахт келтиради» дейилган.

Ҳазорасида тўқлик ва хотиржамлик бўлиши учун уйининг эгаси уйининг дўстлари билан сизирни уи атрофи бўйлаб айлантирган.

Қорамолнинг суяк қолдиқлари қадимги Хоразмнинг деярли ҳамма ёдгорликларининг маданий қатламларида топилган.

8. В. И. Громова, Урта Осиё қадимги уй ҳайвонларининг ўрғанишига манбалар, Тошкент, 1940, 41 бет.

9. Б. С. Сивчик, СССРда зебусмон мол. М. 1948, 5-бет.

10. Г. Н. Снесарев, Хоразм ўзбекларининг мусулмончилигидан олдинги доимий эътиқодлари ва маросимларининг реликтлари, М. 1969, 309-бет.

Бу қолдиқлар айрим озув тишлар, энгакнинг синиқи ва четки скелетнинг ҳар хил қисмлари (метаподиялар, бармоқлар суяги, тўпниқ суяклари ва ҳоказо), кўрсатилган. Қорамол гушти овқатда фойдаланилганлиги туфайли суякларнинг сақланиши ёмон ҳолатда бўлган.

Қайд қилиш кераки, қадимги Шимолӣй ва Жанубий Хоразмнинг суяк қолдиқларида жиддий фарқ бўлмаган ҳамда ҳар хил даврга қараб суяк ўлчамидagi тафовут деярли топилмаган. Бу Хоразмнинг асрлар мобайнидаги тарихида уни сақлаш ва хўжалиқда фойдаланиш шароити ўзгармаганлигини кўрсатади.

Яқин сақланган суяк қолдиқларини ўрганish қадимги Хоразм қорамолининг бўйи тўғрисида тасаввурга эга бўлишга имкон берди.

(см ҳисобида):

	П	СМ	М
Сигирлар	45	106—126	117,5
Ҳўкзалар	3	127—128	127,5
Бичилган хўкзалар	6	130—135	132,0

Келтирилган маълумотлардан кўринаётгани, жинсий ажратув («деформизм»), Хоразм молининг танаси катта —кичиклигида екин фойдаланган. В. И. Цалкиннинг фикрига кўра, қадимги Хоразм моли шоҳли ва узун шоҳли бўлган, калак моллар кам учраган, шоҳларининг ўзақлари узун ва оғир бўлган.

Урта Осиёнинг ҳозирги абориген зотлари кўрсаткичларини таққослаганда қадимги Хоразм моли улардан бирмунча йирик бўлган. Я. Я. Лус ва Н. Н. Колесник маълумотларига кўра Қирғизистоннинг кўчманчи халқидаги молда яғрин баладлиги сигирларда 99 дан 125 сантиметргача, ўртacha 111,7 см, хўкзаларда эса 109—128,5 сантиметргача, ўртacha 118,8 см. бўлган.

Б. С. Сивчин фикрича 4 ёшдан катта бўлган—зебунинг хуробан яки сигирларининг яғрин баладлиги 89 сантиметрдан 127 сантиметргача, ўртacha 106,2 сантиметрга тенгдир. Яғрин баладлиги бўйича қадимги Хоразм моли эртанги темир асрнинг қадимги Оврўпо молидан тахминан 6—7 сантиметр ва қадимги рус молидан 13 см. устун турган.

Қадимги Хоразм қорамоли тўғрисидаги маълумотларни Каузин—тепа (эрамыздан VI—II аср олдин), Жениссар (ши-

1. Б. С. Сивчин, СССР да зебусмон мол. М. 1948, 7-бет.

моллий Қизилқум, Қувандарё ҳавзаси), Ёз—тепа (Байрам—Али шаҳри тумани, Туркменистон), Марилар (Гаурқалъа). Билан тенглаштирилганида, кейинги уч шаҳарнинг маданий қатлами тегишлича эрамининг биринчи минг йиллиги ва иккинчи минг йилликнинг биринчи ярми ва эраמידан олдин биринчи минг йилликнинг ўрталари—эрамининг биринчи минг йиллигининг ўрталари санаси билан белгиланади.

В. И. Цалкин «Ўрта Осиё шаҳарларининг аҳолиси эртаги темир асри ва ўрта асрлар даврида асраган молнинг катта-кичиклигида кўп айирма бўлмаган»—деб хулоса қилади.

Сирдарё шаҳарларидаги мол Хоразм молидан, эҳтимол, бирмунча баланд ва йirik суякли, бўлган. Ёз—тепа ва Гаур—қалъа қазилмалари маҳаллий мол ўзининг ўлчамлари ва юн-қа суяклилиги билан Хоразм молига яқин турган деган хулосага келган.¹²

Кауичи—Тева молн В. И. Громова фикрича қисқа шоҳли бўлиб, майда зотлар туркумига хос бўлган. Унинг катта-кичиклиги неолит ва бронза давридаги қорамол ўлчамига тенг келади, ўн ундан бирмунча устулик қилади, лекин алаулик, қадим Украина ва Шарқий Оврўпо чўллариининг узун шоҳли молдан анча кичик.¹³

Шундай қилиб бу мол ҳам, афтидан, қадимги Хоразм молдан анча кичик бўлган.

Четгаралайган ҳужжатлар гарчи қорамол подаси таркиби тўғрисида ишонч билан гапиришга имкон бермаса-да, В. И. Цалкин томонидан келтирилган дастлабки маълумотлар маълум қизиқиш уйғотади. У бутун метанодиялардан хулоса қилиб, Хоразм молининг пода таркиби қуйидагича деб хулоса қилган (% да):

Сигирлар—84,9, буқалар—3,8, бичилган ҳўкизлар—11,3, Эҳтимол, сигирлар таркибига муаллиф бузоқ ва гунакинлар метанодияларни киритгандир.

Бичилган ҳўкизлар гуруҳини бўлиши муаллифга, «Хоразм халқи қишлоқ ҳўкилиги ишларида эраמידан минг йиллик асрдан олдин молдан фойдаланган», деган хулоса қилишга имкон берди.¹⁴

Юқоридагига ўхшаш ҳодиса, шаронт Оврўпанинг маҳаллий қабилаларида ҳам рўй берган. Юқоридагиларни неботлан

12. В. И. Цалкин. Келтирилган асар, 117-бет.

13. В. И. Громова. Келтирилган асар, 53-бет.

14. В. И. Цалкин. Келтирилган асар, 114 бет.

учун Хитой манбаларидаги маълумотларни келтириш ўрин-
лидир. «Тан сулоласининг тарихи» китобида шундай таъриф-
ни ўқиймиз: «Хамма гарбий варварлар орасида улар (хо-
размликлар—А. Б.), хўнизларни араваларга қўшадиган ягона
мақдур; савдогарлар уларда узоқ юртларга борадилар». ¹⁵

Шубҳасиз, араваларга бичилган хўнизлар қўшилган. Бу
тўғрида В. В. Баргольд¹⁶ ҳам маълум қилади: «Турк ўлка-
ларининг ҳаммасидан фақат бу ерда (Хоразмда) бичилган
хўкиз билан юрадиган аравача бор».

Бўйдор, бақувват, чидамли, шунинг билан бирга, ёввош
ва имсен нэмга бўйсунмадиган молларга эга бўлиш учун
халқлар қадим замонлардан бери буқаларни бичганлар.

Шундай савол туғилади: Хоразм, айниқса, Амударё
қуйи қисмида молларнинг бошқа абorigен молларга қара-
ганда йиринчилигини нима билан изоҳлаш мумкин? Фикримиз-
ча бунинг учун айрим сабаблар бор: биринчидан, бу ерда
якши яйлов ўтлоғи мавжуд, иккинчидан, Хоразмнинг кескин
континентал шароити туфайли чорвадорлар қишга (айниқса
қийи даври мол ўти билан таъминланмаган жойида), қишлоғ
нинг оғир шароитни ўтказма билмадиган бақувват, соғлом, йирин
ва чидамли молларни қолдирганлар.


Шубҳасиз, танилан ҳам шу йўналишда ўтказилган. Бундан
ташқари, келтирилган маълумотлар Хоразмда ўрқачисиз мол
кўп бўлган деган хулосага келтиради. Бу мол, эҳтимол, мон-
гол молининг бир хили бўлса керак. Кейинги замонларда,
эрамининг XVII—XVIII асрларида, Хоразм молига Қолмиқ
мол ҳам таъсир қилгандир, чунки Қолмиқ қабилалари Жун-
гариядан кўчиб, ҳозирги Астрахан вилояти ҳудудида, яъни
Хоразмнинг шимолий чегарасининг бевосита яқинида жой-
лашганлар.

Ушбу фикрни тасдиқлаш учун К. К. Саковскийнинг куза-
тин натижаларини келтириш мумкин, у шундай хулосага кел-
ганки, қорамолнинг Урта Осиё хили қорақалпоқ гуруҳи кра-
ниологик жиҳатдан 4 краниологик турга, жумладан:

¹⁵ С. П. Толстов. Қадимги Хоразм, 14-бет.

¹⁶ В. Э. Баргольд. Қадим замонлардан XVIII асргача
Орол денгизи ва Амударё қуйи ерлари тўғрисида маълумот-
лар. I. III. «Фан» нашриёти. М. 1965, 35-бет.

¹⁷ К. К. Саковский. Қорақалпоғистон АССРнинг отлари,
эшаклари, қорамолли ва эчкилари тўғрисида Туркманистон
КХИ асарлари, I—IV, 1940, 166-бет.



- а) Осиё турининг илк хилидаги катта шоҳли мол;
 б) катта шоҳли, олдинги сузувчи шоҳ томон. бу кўпинча қирғиз моллига мансуб;
 в) катта шоҳли тик кўтарилган шоҳ, қолмиқ моллига хос белги.
 г) Зебусимон (уркачсиз ёки Озарбайжон сондагосига ўхшаш, куртак ҳолатидаги ўркач).

Текширилган бош суякларининг ҳаммаси кўпроқ қирғиз ёки қолмиқ қорамоли белгилари билан Ўрта Осиё зотларининг қони қўйилган бўлиб, келиб чиқиши — дурагайдир. Шундай хулосани кўп зоотехниклар тасдиқлашади. Оддий чўл моллини монгол (қолмиқ) билан чапиштириш натижасида олинган маҳсул деб ҳисобланган қирғиз моли тўғрисида ҳам айтса бўлади.

Я. Адамец¹⁸ 1911 йилда Павлова томонидан тасвирланган Забайкальедаги Чина дарёсидан топилган ёввойи мол (қолдиқлари, шарқий Бухоро моли бош суякларини билан жуда ҳам ўхшашлигини кўрсатади. Бу моллар шу гуруҳга мансуб эканлиги тасдиқланган). Уларнинг ҳаммаси катта шоҳли молнинг Ўрта Осиё зотларига тааллуқлидир.

Зебусимон молни қадимги Хоразмда пайдо бўлиш масаласи катта қизиқиш уйғотади. Маълумки, зебусимон мол фақат олдинги СССР ҳудудида эмас, балки бутун дунёда кенг тарқалган ва маҳаллий хиллари билан ҳозир бўлган, Б. С. Сивчик зебусимон молнинг ватани марказий Осиё деб ҳисоблайди. Олдинги СССРда зебусимон молнинг хили учта: хорасани, қураминли ва талишинли.

«Зебу билан қариндошлиги туфайли бу (Зебусимон мол — А. В.), молда биринчисига қанчалик яқинлик бўлса, кўкракнинг қилтиқли ўсимталари ва қисман бел умуртқаларининг тузилиши бу уларнинг иккига бўлинишидир» — деб ёзади К. К. Саковский¹⁹. В. Н. Громова, М. Г. Ерсфеевлар фақат зебуга хос орқа умуртқанинг текисланган қилтиқли ўсимтаси турман (юқоридики келтирилган таснифлаш бўйича қурамин моли — А. В.), молада, В. Н. Цалкин эса зебусимон молда Тў — қирилган — қалъадан (Амударёнинг ўнг қирғоғи, Тўрт-

¹⁸ Я. Адамец. Умумий зоотехния, М. 1936, 23-бет.

¹⁹ К. К. Саковский. Келтирилган асар, 164-бет.

кўл шаҳридан 40 км. шарқда, эрампдан IV аср олдин эрампнинг I асри), ва Кўҳна—Урганчдан (ҳозир Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида), топилган суяк қолдиқларида аниқлагандир. Ҳзининг тузилиши бўйича зебуникига ўхшаш суяклар. Зебусиён молга хос юпқа суяклилиги, қадимги Хоразмнинг Кювели—гирдан (Амударёнинг чап қирғоги, эрампдан VII—V аср олдинги қатлам), то Кўҳна—Урганчгача бўлган кўпгина ёдгорликларда топилган.

В. И. Громова²⁹ Каунчи—тепада зебу қоининг аралашши қорамолчилик пайдо бўлишининг жуда илк пайтларида. Балким эрампдан олдинги иккинчи минг йилликда бўлгандир деб ҳисоблайди.

Бу Ҳиндистон ва Фарбдаги қўшни мамлакатлар билан қадим маданий алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Ҳиндистонда, Мохенжо—Доруда эрампдан 2750-2500 йил олдинги даврларга қарашли зебу тасвири топилган. Эрампдан минг йил олдин у Месопотамияда пайдо бўлган.

В. И. Громова, шундай қилиб, зебу Туркистонда Месопотамиядан олдин тарқалган деб ҳисоблайди.

Жанубий Туркманистон манзилгоҳларида муҳр—қолиплар топилган. Улар бу ерда эрампдан икки минг йилликни биринчи ярмида тарқалган бўлган. Шу муҳрларнинг бирида ҳўкиз тасвирланган; бу юм тайёрланиши бўйича ҳайратда қолдирадиган нафислиги билан ажралади: ҳўкиз қалта оёқларда турибди, унинг тумшуги юмалоқ, бўртма кўз билан бевазган, беши қайрилган шохлар ва гулбаргқулоқлар яқинлайди. Қадимги усто—заргар бўйнидаги ўркамга атайлаб диққатни жалб этган ва худди шу тафсилот шубҳасиз бизнинг олдимизда молнинг Ҳиндистон зоти эканлигини кўрсатади. Ҳинд дарёси водийсида машҳур қадимги Мохенжо—Дору, Хореша ва кўпгина бошқа шаҳарларда қазини ишлари олиб берилганда аниқ шунга ўхшаш ўркамли ҳўкизлар тасвирланган муҳрлар топилган, уларнинг тирик авлодлари ҳозир ҳам Ҳиндистонда яшамоқда.

В. И. Сараниди юфорида келтирилган мисоллар асосида Жанубий Туркманистон ва Ҳиндистон ўртасида эрампдан аниқ минг йилнинг биринчи ярмидан олдин ҳам нафақат ма-

²⁹ В. И. Громова, Ўрта Осиёнинг қадимги уй молларини ўрганув: маълумлари, Тошкент, 1940, 41-бет.

даний ҳатто савдо алоқалари ҳам бўлган деган хулоса чиқаради.²¹ Бу маълумотлар зебу эраמידан олдинги икки минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёга тарқалган деган хулосага келилади.

Н. А. Мавлоновнинг²² фикрича, зебу Ўрта Осиёда эраמידан 1000—1200 йиллар олдин пайдо бўлган. У зебусимон молларнинг маҳаллий турларини барпо бўлишини VIII асрда пайдо бўлган персия моли, мўғуллар томонидан Ўрта Осиёга боғиб олинганидан сўнг—мўғол моли билан чагиштириш натижасида вужудга келган деб тушунилади.

Юқорида айтилганидек, бронза даврида Сирдарё қўйи қисмида аҳоли тарқибни аралаш бўлган Кўкча 3 (жанубий Орол яқини), мезордаги бош суяклар иккита антропологик түр берди: шимодий—ғарбдан келганларга мансуб кесик—андронов ва эраמידан икки минг йилликнинг ўрталаридан олдин келгучи бўлмаي маҳаллий бўлган, эҳтимол, суярган аҳолиси билан тасаввур қилган ҳинд—дравидонд.²³ Буларнинг ҳаммаси жанубий Орол яқинининг Волга бўйи, Урал яқини, Кавказ, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Қозоғистон аҳолиси билан кенг маданий алоқалар бўлганлигинидак далилат беради.

Шундай қилиб, В. Н. Цалкиннинг ўз текширишлари асосида қадимги Хоразм аҳолисида зебусимон мол эраמידан бир минг йил олдин бўлган, лекин бош сони жиҳатидан эҳтимол, ўрнатилган молдан нам бўлган деган хулосасига қўшилса бўлади.

МАЙДА ШОҲЛИ МОЛ

Майда шохли молнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги масала старин ўрганилмаганлиги туфайли муаллифлар фикри бир-бирига тўғри келмайди. Уларнинг баъзилари Ўрта Осиёда бурама шохли эчки бўлган ёки маркур хонакилантирилган деб ҳисоблайди. (бурама шохли эчкининг ватанини Бухоро деб ҳисоблайдилар—А. Б.), унинг қони ҳозир ҳам кучли даража Ўрта Осиё уй эчкиларида сезилади.

²¹ В. И. Сарганиди. Қорақумнинг йўқолган санъати сирлари. М. 1967.

²² Н. А. Мавлонов. Ўзбекистон қорамолчилиги, Тошкент, 1966, 10-бет.

²³ Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари, биринчи том, Тошкент, 1964, 32-бет.

Е. А. Богдановнинг²⁵ фикрича «қўйларнинг келиб чиқиши маркази — шубҳасиз Осиё бўлган».

Қўйларни хонакилаштириш Осиёдан бошланганини А. А. Раҳимов²⁶ ҳам таъкидлайди.

Майда шохли мол бронза давридаги Алау III, Чуст, Далваржин (Фарғона), «Кипел» (Урал), Кичик Красноярскдаги «Уст—норим», Алексеев (Гарбий Қозоғистон), Трушников (Шарқий Қозоғистон) манзилгоҳларида асосий роль ўйнайди. Лекин бу ёдгорликларнинг айримларида майда шохли молнинг аҳамияти пасаяди ва улар ўз мавқега эга бўлмайди.

Қадимги Хоразм тарихида қўй ва эчки ҳар дони подадаги моллар сони жиҳатидан биричи ўрнини эгаллаганлар. Майда шохли молнинг суяк қолдини бошқа тур моллариникига қараганда ҳам кўндир. С. П. Толстов раҳбарлигидаги олдинги СССР Фанлар академиясининг археология—этнография экспедицияси томонидан ҳар хил ёшдаги бўлган молларнинг 1400 бешдан деярли 14,5 минг суяк йиғилган.

Дарҳақиқат, бошқа қишлоқ хўжалик молларига қараганда уларнинг суяклари кичкинароқ бўлганлиги ҳамда қўй ва эчкилар гўшти овқатда фойдаланилгани учун суяклари ёмон сақланган.

Уй ҳайвонларининг бошқа турларидаги каби фақат панжа ўсаги ва оёқ нафтидаги суяклар яхши сақланган. Суякларнинг асосий кўпчилиги—ўзининг тиш системаси шаклланишини تامомламаган ёш моллариникидан, лекин овқатда фойдаланилган моллар 2 ёшдан катта бўлган.

В. И. Цалкин томонидан ҳамма суяк қолдиқларида ўтказилган текширишлар, ургочи қўйларнинг кўп қисми (80%) — калак, фақат 20% шохли бўлганлигини кўрсатади.

Калак ва шохли молларнинг борлиги Хоразмнинг тасвирий санъатида ҳам ақс эттирилган, бу тасвир С. П. Толстов томонидан Жанбас—калакда топилган.

²⁴ В. И. Громова, Келтирилган асар, 41 -бет.

²⁵ Е. А. Богданов, Келтирилган асар, 167-бет.

²⁶ А. А. Раҳимов, Ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши, «Фан ва турмуш» журнали, 12, 1970

В. И. Цалкин²⁷ қайд қиладики, қадимги Хоразм ёдгорликларида қўйларнинг панижа ўзаги ва оёқ қафтидаги суяклар жуда катта ўзгарувчанликка эгадир, шунинг асосида у молларнинг суяк қолдиқлари бир-бировидан ажралиб турган ҳар хил зотларга, аҳтимол, икки хил зотга мансубдир деган хулоса чиқаради.

Қадимги Хоразм қўйларининг панижа ўзаги суякларининг ўртача ўлчамини бошқа ёдгорликлардаги ва ҳозирги замон қўйлари билан солиштирганда шунини кўрсатадики, агарда Хоразмдаги қўйларнинг майда зотида панижа ўзаги суякларининг ўлчами 117,5 мм., йирикда эса 144,5 мм. бўлса; қирғиз зотида — 139,0 мм., қадим рус ўрмон қўйида 122,5 мм., Қизилўрдаликда—134,5 мм., эртемирасрлик туркман қўйида—140,0 мм., ҳозирги туркман қўйида—147,0 мм., ҳозирги Қорақалпоғистон қоракўл қўйида—145,6 мм (қўчқорларда), яъни Хоразмнинг йирик зотли қўйлари панижа ўзаги суякларининг ўлчами бўйича ҳозирги замон туркман думбали қўйлари ва қорақалпоғистоннинг қоракўл зотининг қўчқорлари билан деярли жуда ўхшашдир.

Суякларнинг бошқа қисмларини ўрганиш (маълумотлар тана ўлчамлари ва метаподиялар тузилиши бўйича), қадимги Хоразм қазилмаларидаги қўйларни ҳозирги замон қоракўл қўйлари билан бўлган ўхшашлиги думбалиларга қараганда каттароқ деган тахмин қилишга асос беради.²⁸

Агарда қўйнинг майда зоти антиқ даврларнинг ёдгорликларида топилган бўлса кейинчалик у мутлақо йўқолган (Шеллаха—кала, Эрамизнинг VIII—XIV асри, Амударёнинг чан қирғоғи. Кўхна — Урганч шаҳрининг гарб доғида), яъни уни йирикроқ зотли қўй томонидан суриб чиқариш ҳодисаси бўлган.

Қадимги Хоразм қўйларининг кўпчилик қисмида яғрин ба-ландлиги 60 сантиметрдан 70 сантиметрни, ўртача 66,6 сан-тиметрни ташкил қилган.

²⁷ В. И. Цалкин, Антиқ ва эрўрта асрдаги Хоразм фауна-си, СССР ФА Хоразм археология—этнографик экспедицияси-нинг илмий асарлари, Т. 1. М. 1952. 224-бет.

²⁸ В. И. Цалкин, Шарқий Оврўпо ва Ўрта Осиё қабила-ларининг чорвачилиги, 126-бет.

И. Т. Полкошников²⁹ маълумотларига кўра, XIX асрнинг йигирманчи йилларидаги Қорақалпоғистон қорақўл қўйларининг яғрини баландлиги ўртача 66,26 см., ўзгариши 55 сантиметрдан 78 сантиметргача, қўчқорларда ўртача 70,35 см., ўзгариши 61 сантиметрдан 79 сантиметргача бўлган. Шундай қилиб, уларни қадимги қўйлар билан жуда катта ўхшашлиги кўришиб турибди.

Қайд қилиш керакки, Хоразм воҳасидаги ҳозирги замон қўй зотларининг остеологияси бўйича зоотехника адабиёти маълумотларга эга эмас. Бу масalani солиштириб ўрганиш қадимги Хоразм қўйларининг келиб чиқиши, ташқи ва ички тузилиши (экстерьер ва интерьер) бўйича анча янги маълумотларга эга бўлинар эди.

Қорақўл этли қўйларнинг келиб чиқиши масаласида, айниқса уларни келиб чиқиш жойи бўйича, бир-бирига қарама-қарши фикрлар бор. Ваъзи манбаларда қорақўл қўйлари ўрта Осийдан келиб чиққан деган фикр юритилса, айримларида қадим замонлардан бери Бухоро, аниқроғи унинг қум қисми—қорақўлчиликнинг маркази ҳисобланади, бу ҳудуд қадимда ва ҳозирги замонда ҳам Хоразм воҳаси билан тугаш бўлган дейилади.

Адабий манбаларни ўрганиш натижасида Л. Адамец қорақўл Арабистондан (Месопотомия) келиб чиққан, ўрта Осийга (Бухорога, Хоразмга), бу туманларни босиб олгандан сўнг араблар келтирган ва Бухоро уларни иккинчи Ватани деган хулосага келган.

С. Боголюбский Е. А. Богданов³⁰ китобига ёзилган изоҳда таъкидлайди: «Ичингалак тери берувчи қўйларининг дастлабки барио бўлиш вилояти—Богдод атрофлари. Қорақўлга ўхшаш тери тўғрисидаги энг қадимги маълумотлар эрамиздан 1400 йил олдин шу тери билан ўралган шох ридоси топилган хеттлар ватанидан аниқланди».

Л. Адамец фикрича, (овис вигней) дан келиб чиққан ёғ думбали қўйларнинг пайдо бўлиши, Сирия, Месопота-

²⁹ И. Т. Полкошников, Қорақалпоғистоннинг қорақўлчилиги, 1927 йилдаги Жетисуи вилояти чорвачилиги ва Қорақалпоғистон автоном вилоятининг қорақўлчилигини текшириш бўйича УОДД экспедициясининг маълумотлари, УОДД асарлари, X серия, 2 чиқариш, 1930.

³⁰ Е. А. Богданов, Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, М. 1937.

ниҳ. Паластин чўлларида амалга оширилган. Егли думбалининг доместикацион мутациялари (ўзгариши), худди шу ерларда вужудга келган ва шу типдаги қўйлари селекция қилиш натижасида эраминдан 2000 йил илгари, эҳтимол, ундан ҳам олдин, пайдо бўлган.

Қорақўл қўйлари Арабистондан келиб чиққан дейувчи айрим муаллифлар Ўзбекистоннинг аҳолиси қора қорақўл қўйларининг «араби», қуланларини — «ширази» деб айтиши билан исботламоқчи бўладилар. Қизиги шундаки америкалик тадқиқотчи Юнг қорақўл қўйлариининг келиб чиқишини донаторни (Арабистоннинг зоти, аслида Ўзбекистонда донатор деб қорақўл қўйлариининг тигиз ловнясимон жингалаклар билан қопланган майда жингалакли терига айтилади), думбали ва афгон қўйлари билан чапиштириш натижасида амалга оширилган деб фараз қилади.

«Қорақўлчилик бўйича раҳбарлик» китобининг муаллифлари (Б. Н. Васи, Е. Г. Васина—Попова, Н. Н. Грабовский, Э. Н. Крымская, В. А. Петров)и ҳамда Н. Я. Аверьянов ҳозирги замон қорақўл қўйлари қадимги зот бўлмай бирмунча яқин вақтда келиб чиққан деб фараз қиладилар. Уларнинг фикрича «қорақўл жингалаки ҳосил бўлишининг ягона йўли — бу чапиштириш йўлидир, унинг натижасида жингалак ҳосил бўлиши учун керакли бўлган жун қатламнинг узунлиги, таркиби ва унинг расми вужудга келиши мумкин».

Қадимдан Ўрта Осиёда боқилаётган думбали қўйлариини оммавий чапиштиришда бир хиллик ва чинчироқ жунли зотлар қатнашган, улар эса қорақўл типидagi жингалак ҳосил бўлиши учун талабга жавоб беради. Лекин бу вазият қайси даврда бўлган деган саволга жавоб ҳали топилмаган.

Абсриген (тубкой) келиб чиқиш тарафдорлари қорақўл ватани — Ўрта Осиё, қорақўлчиликнинг маркази — Бухоро деб ҳисоблайдилар. Анаудаги (Туркманистон), қазилмалар даврида бу ерда эраминдан 6 минг йил илгари асосий хусусиятлари бўйича қорақўл қўйларига яқин қўйлар урчитилган деб исботланган.³¹

В. Н. Цалкин³² қўйлариининг суяк қолдиқларини остеологик

³¹ Қорақўлчилик бўйича раҳбарлик, М., 1972, 125—126-бетлар.

³² СССР қорақўли, «Союзпушнина», 66, М., 1971.

³³ В. Н. Цалкин, Шарқий Оврупо ва Ўрта Осиё габионаларининг қадимги чрвачилиги, М., 1966, 128-бет.

текшириш натижасида қоракўл қўйлар Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён кенг тарқалган деган хулосага келди.

У. Камоловнинг³⁴ фикрича, қоракўл териси ва қоракўл қўйлари Ўрта Осиёда жуда қадимдан товар эквиваленти ҳисобланган. Феодал муносабатлар ривожланиш даврида эса қоракўл териси савдо-сотиқ хом-ашёсига айланган, маҳаллий товарлардан у биринчи бўлиб баҳо олган, натижада хорижга чиқариладиган маҳсулотга ўзгарган. Феодал муносабатлар даврида бойлар қоракўл териларидан безак сифатида фойдаланганлар, улар ҳокимларга, элчиларга, азна меҳмонларга ва бошқаларга савга тариқасида тақдим этилган.

Шунинг учун ҳам Сомонидлар ҳукмронлик қилган даврида (864 ичи йилдан 999 йилгача), Бухорода қоракўл терилари билан савдо айниқса ривож топган.

Бу тўғрида араб тарихчиси ибн-Хауқал (X—аср) ўзида бор бўлган маълумотларга асосланиб, туриллар чорвачилиги тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Ҳеч бир мамлакатда Туркистондангидек қўнқорлар йўқ. Қўй (у ерда) йилга олти ва еттинчи итдек туғади. Туркистон ва Хорасм вилояти аҳолиси шундан эбдини сўяди ва уларни терисидан фойдаланади. Чунки уларнинг терилари қизил, қорамтир қизил тусдадир.

Бир дена тери рангига қараб, бир динорнинг чорағи, дан икки диноргача, ундан кам ёки эбд баҳоланади (қўзимеқлар орасида ҳам қера терилар бўлади). Уларнинг тозаллиги ва чиройи туфайли икки динор, уч ва ундан кўнга баҳоланади.

Қизил ва қера бўлмаган териларнинг ўн денаси бир дегем ёки шунга яқинга сотилади. Мен бунини сабабини сўраганимда, менга қўйлар кечаю-кундуз яйлов тарқ қилмайдилар, ирчим молларга месдир, уларни соғлиги ва рангини тозаллигини кўпайтиради. Буларни иботлаш учун муҳтожлик қолмайди ва бу уларни ҳаққоний эканлигини тасдиқлайди».³⁵

Худди шу тўғрида ал-Мавдиси ҳам ҳикоя қилади: «У (Хоразм—А. Б.) балиқ ва қўй билан бой. Бу ер гўзлар ва тюрклар билан савдо жойи».³⁶

³⁴ У. Камолов. Чорвачилигини ривожлантириш резервлари. Тошкент, 1971, 3-бет.

³⁵ Ибн-Хауқалнинг «Китоб ал-месалик ва -л месалик»идан ирчалар. Туркманлар ва Туркманстон тарихи манбаларидан. 181-бет.

³⁶ ал-Мавдисиининг «Аҳсан ат-тақасимфимаърифат ал-ақалим» китобидан ирчалар. ТТТМ, 186-бет.

Шуниси қизиқки, Амударёнинг қуйидаги шарқий қисмида жойлашган Кердер (Курдар, Кардор) қадимий шаҳарни тасвирлаб «Худуд ал—Алем» муаллифи ёзади: «Кардор — аҳолиси ва экинлари кўп шаҳар. Бу ердан анча тери четга олиб кетилади».³⁷

Янги археологик текширишлар асосида Кердернинг раvнақ топиши IX-X асрга тўғри келади деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, муаллиф тери тўғрисида гапириб, қорақўл терисини кўзда тутган бўлса керак, чунки бу туман Қизил—қумнинг— қорақўлчиликнинг марказини бевосита қумли жойларга яқиндир. Қайд қилиш керакки, агарда «Худуд ал—Алем» муаллифлари қорақўл терини кўзда тутган бўлсалар, Хоразм худудида бу тери тўғрисидаги энг қадимги ёзма манбадир.

Қорақўл терилари қадим замонлардан бери Бухоро бозорига Ўрта Осиёнинг, шу жумладан Хоразмнинг қорақўлчилик туманларидан келтирилган.³⁸

В. И. Стояновская қорақўл зоти абориген (маҳаллий), зот, у Ўзбекистонда эса, эҳтимол, эрамизнинг VII асрида Арабистондан келтирилган тери берувчи қўйлар қонини маҳаллий думбали қўйларга қўйиб, кейинчалик усталлик билан молларни танлаш ва саралаш натижасида барпо этилган деб ҳисоблайди.³⁹

Хоразм шоҳлари тарихини яхши биладиган З. М. Буниятов қизиқарли маълумотлар келтиради. XVII аср Осмон тарихчиси Ибрагим Эфенди Печевни асарида XII асрнинг схирига XIII асрнинг бошларига тўғри келадиган маълумотлар ёзилган: «Шейх Шихаб ад-Дин айтган: «Шундай психоз ва хашаматчилик брасида менга уни кийими ва қўнчоқ терисидан тикилган телпаки арзон туюлди».⁴⁰ (Ҳан султон Муҳаммад—Хоразмий хони тўғрисида кетмоқда).

Юқорида келтирилган фикрлар билан принципиал жиҳатдан келишиб, ушбу масала бўйича бошқачароқ ривоятни ҳам аслаш мумкин. Маълумки, одамзод тарихида ҳеч бир босқинчи ўзи ишғол қилган вилоятларга ўзининг моддий

37. Туркманлар ва Туркменистон тарихининг маъбалари (МКГТ), т. 217-бет.

38. У. Камолов. Келтирилган асар, 6-бет.

39. В. И. Стояновская, Қулранг қорақўл қўйларини урчи-тиш, 1966.

40. З. М. Буниятов. Хоразм шоҳлар тарихи тўғрисида маълумотлар, 1987.

маданиятини энг яхши намуналарини келтирмаган. VII—VIII асрларнинг араб босқинчилари, саркарда Кутейба ибн—Мульмаға ўхшаганлар, Беруний маълумотига кўра, хоразмлик олимларни қувгонлар, бутун илмий китобларни ёққанлар, шундайлар узоқ ерларга Арабистондан ўзининг энг яхши тери берувчи қўйларини келтирмаса керак.

Шу нуқтан назардан, фикримизча қорақўл зотини маҳаллий зот деб, Бухоронинг қумлик худуди эса ҳар доим қорақўлчилик маркази бўлган деб ҳисобласа бўлади.

Бу ажойиб зот, чамаси маҳаллий думбалик қўйларни бир хил ва чилчироқ жузли Ўрта Осиё зоти (зотлари) билан чапиштириб барпо этилган. Кейинчалик узоқ давр ичидаги қорақўл чингалаки ва териданги расми сифатига қараб молларни танлаш ва саралаш, маҳаллий чорвадорлар асрлар мобайнида қилган меҳнати натижасида бу бутун дунёга танилган қўйларининг қорақўл зоти яратилган.

Хоразм воқасининг думбали қўйлари деярли ўрганилмаган. Думбали қўйларни келиб чиқишини С. Боголюбовский тюрк—монгол халқлари билан боғлайди.

Унинг фикрича, улар балки, марказий Осиё арғаласидан келиб чиққан. Бу типнинг вужудга келиш вақти маълум эмас.⁴¹

3-жадвал

Асрлар давомида подада қўй ва эчкиларнинг нисбати

Қадимги Хоразм ёдгорликлари	Қўй, (фонз)	Эчки, (фонз)
Кюзели-гир (эрамиздан VII-V-асрдан илгари)	39	61
Қўй қирилган—қалъа (эрамиздан IV аср илгари)	42	58
Тупроқ-қалъа (эрамизнинг III асри)	63	37
Беркут-қалъа (эрамизнинг VIII асри)	75	25
Кўҳна—Урганч (эрамизнинг XV—XVII асрлари)	80	20

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, икки минг йиллик давр мобайнида қўй ва эчкилар ўртасидаги нисбат анча ўзгарган. Агарда эртароқ ёдгорликларда эчки кўли бўл-

⁴¹ С. Боголюбовский, Е. А. Богдановичин «Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши» китобига изоҳлар, 196 - бет.

ган бўлса (58—61%), кейинроқларида уларнинг сонлари деимо қисқариб, эрамининг XV—XVII асрларида 20%га тушиб қолган.

Шундай қилиб, Хоразм чорвачилигида эчкиларнинг хўжалик аҳамияти деимо пасайиб, қўйлар томонидан сиқиб чиқариш ҳодисаси йққол кўриниб турибди.

ОТ

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, от—одамзод томонидан ўргатишган ва хонакилаштирилган энг қадимги моллардан бири бўлган. Бу — Ўрта Осиёда, аниқроғи ҳозирги Туркманистон ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларида амалга оширилган.

Айрим муаллифлар Ўрта Осиёдаги Аму ва Сирдарёлар яқин жойлашган кенг вилоят ҳудуди отнинг хонакилаштирилган аниқ ўчиси деб фараз қиладилар. Бу ерда ёввойи отнинг келишган ва ингичка оёқли тури ўргатилиб хонакилаштирилган. Уларнинг қолдиқлари Анаудаги қазилмаларнинг энг пастки қадимги қатламида топилган.⁴²

Кўп маълумотларнинг далолат беришича от ҳатто дунёнинг маданий жихатдан анча ривож топган Месопотамия ва яқин шарқнинг қадим замонлардаги бешқа давлатларига ҳам Ўрта Осиёдан тарқалган.

От бу ерда эраминдан илгариги 2280-йилларда пайдо бўлган. Қизилги шундаки, қадимги сумерааккадликлар тилида от «шарқ эшаги» деб, хеттлар тилида «Шарқдан келтирилган ҳайвон», деб юритилган.⁴³

От дастлаб хонакилаштирилган юртларда ва халқларда кўп асрлар давомида бешқа тур хонакилаштирилган ҳайвонлардек одамга озиқ-овқат берадиган мол сифатида хизмат қилган. Шунинг учун унинг қадимги Хоразм ёдгорликларида топилган суяк қолдиқлари яхши сақланмагандир. Шубҳасиз айтиш мумкинки, қадимги Хоразмда от жуда кенг тарқалган уй ҳайвонларидан бири бўлган. От тасвирланган кўп сочли ҳайкалчалар ҳам бундан далолат беради.

Суяк манбасининг таҳлили В. И. Цалкинга қадимги Хоразм оти тўғрисида бир неча хулоса чиқаришга имкон берди: а) қадимги Хоразм от бош сонининг кўп қисми аҳал тақа ва унга яқин йсмуд отидан бешқа турга мансуб, уларнинг

⁴² От тўғрисидаги китоб, М., 124-бет.

⁴³ Ўрта Осиёнинг от зотлари, 1937, 12-бет.

бўйи пастроқ (Хоразм отларининг бўйи, эҳтимол, 136 сантиметрга яқин бўлган), лекин суяк скелети тириклиги билан ажралиб турган, яъни Қорақалпоғистонда урчиладиغان отларнинг ҳозирги замон қозоқ зотига яқин туради.

6) Турроқ қалъадан топилган отнинг яқин сақланган битта калла суюгини ўрганиш уни кўп кўрсаткичлар бўйича ахал-такага ўхшашлигини кўрсатди.

Ахал-така отларини энг яқин биладиган етакчи мутахассислардан бири М. И. Белонегов бу калла суюгининг келиб чиқиши бўйича ахал-така ва йомуд, яъни туриман отлари билан бир манбадан деб ҳисоблайди. Бу от йирин, яғрин баландлиги 156 см, ва ундан ҳам баланд бўлган. Лекин улар камдан-кам учраганлар ва В. И. Цалинининг фикрича, эҳтимол, фақат маҳаллий оқ суюқчиларга тааллуқлидир. Ўзининг ушбу хулосасини у калла суюғи топилган Турроқ-қаладаги маданий қатлам бутун Хоразм шоҳларининг саройи бўлган деб асослайди.

Бошқа ривоятни ҳам келтириш мумкин. Қозоғистон кўлига қўрилган шимоллий Хоразмда, қозоқ зотига яқин кўпроқ отлар урчилган, ахал-така ва йомуд отларига ўхшашлари эса қадимдан жанубий Хоразмда сақланган, бу ерга Турроқ — қалъа ҳудуди ҳам қарайди.

Хоразмда қадимдан учқур, бедев от бўлганлиги қуйидаги маълумотлар билан исботланади.

«Турроқ-қалъадан (Амударёнинг ўнг қирғоғи), эрамининг VIII асридаги маданий қатламдан топилган катта муҳрдаги босмада ингичка, чиройли, оққушинидек эгилган бўйин ва катта бўлмаган қуруқ боши тасвирланган от юқори зотли, ҳозирги тақаларнинг энг яқин наъояндаларига яқинлигини кўрсатади» деб ёзади С. П. Толстов.⁴⁴

Хитой сайёҳи ва ишбилармон Чжан—кянь Гарб юртларга, жумладан Фарғонага, эраминдан олдин тахминан 140-, 135 йиллари келган. Ўзининг хотира ёзувларида: «Даванлилар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик билан шугулланиб, шол ва буғдой экадилар. Уларда узумдан тайёрланган мусалмае бор. Аргумоқлар кўпдир. Бу отлар қонли терга эга ва осмон отлари зотидан келиб чиқадилар»—деб ёзган⁴⁵. Шунинг айтиш ўринлики, китобдаги низоҳда Н. Я. Бичурин бу отлар

44. С. П. Толстов. Қадимги Хоразм, Москва, 1948, 216-бет

45. Н. Я. Бичурин. Ўрта Осиёда қадимда яшаган халқлар тўғрисидаги маълумотлар. П. 1950.

нинг келиб чиқишига оид жуда қизиқарли тушунча беради «Даванликларнинг ўлкасида—деб ёзади у — баланд тоғлар кўп. Шу тоғларда тутиб бўлмайдиган отлар бордир. Шунинг учун ҳам бешжунли, яъни олачипор бойталларни танлаб тоғ этагига тоғли отлар билан чатишиш учун юборадилар. Шу бойталлардан қси тёрли тойчалар туғилади, шунинг учун ҳам улар осмон зотли отларнинг тойчаси деб аталади».

Н. Я. Бичурин фикрини давом эттириб яна ёзади: «Хитой ҳоқони Эрш шаҳридаги даван аргумоқларига эга бўлмоқчи бўлган. Эршга эга бўлмоқ биринчи марта муваффақиятсизлик билан тугади.

Кейинчалик (тахминан эрамиздан олдинги 103—102-йиллари), 60 минг лашкардан иборат катта қўшини шайланди Қўшин ихтиёрида 10 минг ҳўкиз, 30 минггача от ва 10 минггача эшак, ҳачирлар, туялар бўлган. Бу қўшин Даванни қамал қилгач даванликлар—«урушни тўхтатишлар, биз сизга ҳоҳлаган аргумоқларни берамиз» деганлар. Агарда рози бўлмасанглар, ҳамма аргумоқларини сўйиб ташлаймиз» — дейинди.

Даванликлар Кангюйдан (Хоразмни хитойликлар «Кангюй» деб номлаганлар — А. Б.), ёғдамчи аскарларни кутганлар. Қўшини келди ва хитойликлар шартга рози бўлдилар, даванликлар аргумоқларини хитойликларга танлаб олишга руҳсат қилдилар. Хитойликлар бир неча ўн беш аргумоқларини, ўрта ва наст сифатдаги 3000 беш айғир ва бойталларни олдилар».⁴⁶

Қайд қилиш керакки, хитойликлар Фарғонадан узумнинг уруғидан ташқари бедани (хитойча—«му-су»), ҳам олиб кетдилар. Беда отларини, аввало даван аргумоқларини озиқлантириш учун кўзда тутилган бўлса керак.⁴⁷

Хитой манбаларида даван отлари тўғрисида охириги марта яшаш эрамизнинг 479 йилига тўғри келади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан Кангюй (қадимги Хоразм), Давань (қадимги Фарғона), билан қални ҳарбий ва савдо алоқаси ўринатган. Шундан равшанки, эрамизнинг II асрида хоразмликлар, эҳтимол, даванликлардагидан ёмон бўлмаган отга эга бўлганлар ва шубҳасиз бу от машҳур аҳал-така зотига ўхшаш бўлган.

Қадимги Хоразмда от ибодати билан боғлиқ айрим таф-

⁴⁶ Н. Я. Бичурин, Келтирилган асар, 162—166-бетлар.

⁴⁷ Ю. А. Заднепровский, Фарғонанинг қадимги ершулоқлик маданияти, СССР. Ф. А. нашриёти, М-Л, 1962, 181-бет.

силолар борки, улар тўғрисида ҳам айтиш ўринлидир. чунки, ҳайвонлар тасвирида у биринчи ўринни эгаллайди. «Отларнинг Хоразм тасвирий санъатидаги алоҳида ўрни — деб ёзади С. П. Толстов—Ўрта Осиёнинг қадимги, мусулмончилиқдан олдинги эътиқодидан йирик, лекин ҳали баҳоланмаган ўрин тўғрисида эсга солишни мажбур қилади». ⁴⁸

Ўрта Осиёда, жумладан Хоразмда, жуда кўп сонли муқаддас жойлар бор, улар Алиёнинг афсонавий оти—«Дул-дул» билан боғлиқдир, уни ёрдамида Авлиё—сайёр, олижаноб одам ўз жасоратларини кўрсатган.

Хоразмнинг жанубий чегарасида, Амударёда, «Дул-дул отлаган» деб номланган тор—дара мавжуд. Афсонада айтилишича «Дул-дул отлаган» жойда дарёдан Авлиё Алиё отлаган. Авлиё оти, чап тмонидан қоя тошдан сакраб, дарёни отлаб ўнг қирғоқдаги қояда пайдо бўлган, лекин гоёят катта тош қояда зарбадан от орқа оёғидан ажралиб, дарёга тушган. унинг кегидан Авлиё оти ҳам қоядан йиқилиб тушган. Отни сувдан чиқариш учун авлиёга жуда кўп ҳаракат қилишга тўғри келди, у бу ўлкани қаргаб, унга бадний ҳолсизлик тиллаган». ⁴⁹

«Дул-дул» тўғрисидаги маълумотларни биз Ўрта Осиёнинг бешта жойларида, жумладан Бағирдан Душангача бўлган майдонда топамиз, бу ерда Малик—Аждар мазори яқинида от учун тошдан ясалган «Дул-дул» қозиги кўрилади. Ўрта асрнинг Ниса худудида бу отнинг изидаги 3 нуқта борлиги аниқланган. Отнинг бу ибодатини М. Е. Массон қадим замонларда бу ерда барпо этилган аргументларнинг энг айб зоти билан боғлайди. ⁵⁰

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, хоразмликларнинг муқаддас китоби Авестанинг кўпгина қаҳрамонлари номи деимо «аси»га тамом бўлади, бу «от» маъносини билдиради. Масалан, Виштасп Хоразмнинг энг қадимги шаҳарларидан бири—Ҳазорасп билан боғлиқ, географик номлардан «Ҳазорасп» — «иниц отлар» деб таржима қилинади.

XIX асрнинг ярмида бу ерларга ташриф буюрган форс

⁴⁸ С. П. Толстов. Келтирилган асар. 207-бет.

⁴⁹ М. Н. Богданов, Хива воҳаси ва қорақум саҳроси табиётининг очерки, Тошкент, 1882, 54-бет.

⁵⁰ М. Е. Массон, Жанубий — Туркменистон комплекс — археологик экспедициясининг асарлари, Т. П. Ашхабад, 1951, 67-бет.

шаҳзодаси Риза—кули—мирза йомудларни ўзлари йомуд отларини келиб чиқиши тўғрисида айтиб берган қизиқарли афсонани келтиради: «Сулаймон донишманд вақтларида.. Газараси (Ҳазараси, фореча—нинг отлар) қалъасининг яқинида, у ерда ҳозир ҳам аломати бор булоқ мавжуд. Шу булоқдан ҳар куни қаердан учиб келгани номанълум минглаб қанотли отлар сув ичганлар.

Бир куни Сулаймоннинг кўнглига шу отларга эга бўлиш фикри келди ва шу ният билан у отларга маст қилувчи суюқликни қўйишни буюрди. Суюқлик аралаштирилган сувни ичганидан сўнг отлар ҳушини йўқотишди. Сўнгра, уларнинг ҳаммаси ўшланди ва қанотлари кўйдирилди. Худди шу отлардан ҳозирги йомуд зотли отлар ташкил топдилар. Улардан Газараси қалъасининг номи қолган».⁵¹

Хоразм воҳаси халқларида «Гўр-ўғли» туркмай дostonи жуда машҳурдир. «Гўр-ўғли» дostonининг боши қаҳрамони «Гир—от» қанотли бўлган ва бу от билан Гўрўғли ўзининг кўп мардонавор жасоратларини кўрсатган.

Юқорида келтирилган маълумотлар жанубий Хоразм ҳудудига, машҳур туркман отлари боқиладиган туманга тааллуқлидир. Буларнинг ҳаммаси қадимги хоразмликларда яшигани, аввало миниладиган от бўлган деган хулоса чиқариш имконини беради.

Бироқ вақт ўтиши билан, Хоразм марвачилигида бошқа тур қишлоқ хўжалик молларининг роли каби отнинг аҳамияти ҳам пасаяди ва отлар сони камаяборади.

ТУЯ

Ўрта Осиё ҳудудидан дромедар ва бактрианлар тарқалган табиий чегара ўтади. Ушбу масалага бироз аниқлик киритиб, бир ўрқачли туяни Орол денгизидан Шарққа тарқалиши, табиий шимолӣ чегараси Амударё деб ҳисоблаш мумкин, жанубий эса икки ўрқачли учун—Сирдарёдир. Бундан Амусирдарёлар ўртасидаги макон туяларнинг икки зотини табиий қўшилган чегараси, дурагай турлари кенг тарқалган доирасидир.⁵¹

⁵¹. Форé шаҳзодаси Риза-кули—Мирза томонидан тузилган Амударё вилоятининг қисқача очерки, СПб, 1875.

⁵¹. В. В. Донченко. Қорақалпоғистон туялари, «Совет ўлканашунослиги», М., 1936, Москва, 241-бет.

Қадимги хоразмликларга икки тур туя ҳам маълум бўлган. Авеста бўйича туя—уруш худоси Веретдагнининг тимсолларидан бири, унга махсус Яшт бағишланган (Авеста. Яшт, XIV, 11—13), бу қиёфада худо—ҳайвонот Авеста томонидан ҳосил берувчи куч манбаи сифатида тасвирланади.

«Ва тўртинчи марта олдига келди
Аҳуда берган Веретдагна
Куч билан тўлган туя қиёфасида.
Қаттиқ ғазаб билан модага ташланган,
Кучли оёқларини тиширчилаётган,
Осинган юнглари билан халқни кийинтирган,
Урнотадиган ворлардан энг кучга эга.
Энг кўп қувватли».⁵²

Юқорида айтилганидек, Хоразм терракоталари (терракота—куйдирилган қизғиш—жигар ранг чил балчиқ), орасида турли хил ҳайвонлар тасвири муҳим ўрин эгаллайди.

Бу, аввало, от, кейин—туя. «Шу билан бирга, —деб ёзди С. П. Толстов—бу чорвачилик тарихига қизиқиш уйғотса керак—Жанбас—қалъадаги ҳайкалчаларда туянинг икки тури — бактриан ва дромадер—ҳам келтирилган. Бир ўрқачли туянинг тасвири қадимги Хоразмда Беш—тепа тепалигининг қояларида, Султон—Унзотонинг Амударёнинг ўнг қирғоғидаги тор тепалиги, шимолий—ғарбий тоғ этакларида»⁵³. «Хоразмнинг икки дарё мамлакатлари билан алоқалари — деб ёзди В. И. Цалкин,—Урта Осиёга бир ўрқачли туяни қириб келиш йўлини, эҳтимол, вақтини ойдинлаштиради».⁵⁴

Туяларнинг суяк қолдиқлари оз миқдорда бўлсада кўпгина Хоразм ёдгорликларида топилган. Туя суякларининг кўп қисми емирилган, бу уларнинг гўштини овқатликларда ишлатилганини кўрсатади. Урганган йирик суяклар, шубҳасиз, дурагай туяларга мансубдир.

⁵² Г. Н. Снесарев, Хоразм ўзбекларининг мусулмончилигидан олдинги диний эътиқодлари ва маросимларининг релектлари, М. 1969.

⁵³ С. П. Толстов. Келтирилган асар, 205-бет.

⁵⁴ В. И. Цалкин. Келтирилган асар, 141-бет.

МОЛЛАРНИ ИЛК ЎРГАТИЛИШИ ВА ХОНАКИЛАШТИРИЛИШИ. ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Нисби овқатликларга бўлган талабни қондириш учун дастлаб мева, ёнгоқ ва илдизлар билан озиқланган, кейинчалик овқат таркибига балиқ киритилган. Қурол-яроғ ясалиши ва ривожланиши билан одам аввало илвасинга, кейинчалик йирик пода ҳайвонлари—мамонт, ёввойи от, шимоллий бугу билан овчилик қила бошлади.

Овчилик одамларни яшаш воситалари билан таъминлади, ов ҳайвонлари фақат овқатликлар бўлиб қолмай одамга керакли бошқа маҳсулотлар — тери, суяк ва шоҳ, мой, чандир, қушлар—безак ва ўқ ёйлари учун парлар, булар ўз навбатида унга нисбий ўтроқ яшашга ўтиш имкониятини берди.

Ўтроқ яшаш—озуқабоп ўсимликларни парвариш этиш—деҳқончилик билан шуғулланишдан бошланган. Деҳқончилик ўзининг юқори поғонасига ўтиши учун одамнинг янги, йирик маданий ютуғи—ҳайвонларни ўргатиш ва хонакилаштириш амалга ошмоғи лозим эди. Шубҳасиз ҳайвонларни ўргатиш ва хонакилаштириш ер юзида бир пайтда эмас, балки ҳар хил шароитда ўтган. Бундай вазият турли хил ҳайвонларга ҳам тааллуқлидир.

Ф. Энгельс⁵⁵ худди Амударё ва Сирдарё водийси энг қадим замонларда ҳайвонларни ўргатиш жойи бўлган, шунинг натижасида чўпонлик—қорамолчиликка ўтиш имконияти тугдирилган деб ҳисоблайди.

Л. П. Потапов⁵⁶ фикрича, уй молини ўргатиш ва дастлабки урчитиш умуман Осиёда ҳали неолитик даврларда, деярли эра-миздан 3 минг йил илгари пайдо бўлган. Демак, бу вазият кўчма қорамолчиликдан анча олдинроқ вужудга келган.

Е. А. Богдановнинг⁵⁷ айтишича, хонакилаштириш аста-

55. Ф. Энгельс. Оила, ҳусусий мулкчилик ва давлатни келиб чиқиши, М., 1970, 24 бет.

56. Л. П. Потапов. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўчма-чи халқларидаги патриархал—феодал муносабатларининг моҳияти тўғрисида, ЎзССР ФА нашриёти. Тошкент, 1955, 18-бет.

57. Е. А. Богданов. Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, М., 1937.

секинлик билан амалга ошган. Ҳамма одамларда бир хил истеъдод ва ҳайвонларни ўргатиш қобилияти бўлмагандек, ҳамма элатларда ҳам у бир вақтда ўргатилмаган. Қўпчилик халқлар анча ҳайвонларни ўргатганлар, бошқалари эса фақат бир-иккисини ўргатишган ёки бирини ҳам ўргата олмаган. Уй ҳайвонларини ўргатиш қандайдир бир жойда ва қандайдир бир халқни иши эмасдир.

Л. Адамец⁵⁸ ҳайвонларни тутиб ўргатиш айрим халқларни ҳар хил тарқалган жойларида вужудга келган деб ҳисоблайди.

Одамзод томонидан ёввойи ҳайвонларни ўргатиш мезо-лит (12—10 минг йил илгари), даврида бошланган деб ҳисобланади. Биринчи ўргатилган ҳайвон деб ҳамма итни ҳисоблайди.

Биринчи хонакилаштирилган ҳайвонлар эса чўчқалар, эчкилар, қўйлар ва ҳоказо.

Хонакилаштиришнинг шундай кетма-кетлигини А. А. Раҳимов⁵⁹ ҳам беради.

Левин С. А. Биковский⁶⁰ маълумотларига кўра, триполчиларда биринчилар қаторида ҳўкиз ва чўчқа, шулар билан биргалликда эчки хонакилаштирилган. Ҳўкизни ўргатиш уларда эчкидан, умуман майда шоҳли молдан ва чўчқадан олдинроқ бошланган.

Бизнинг назаримизда турли жойларда ҳайвонлар турларини ўргатиш ва хонакилаштириш кетма-кетлиги ҳар хил бўлганлиги тўғри фараз бўлса керак. Айрим жойларда олдин майда, бошқаларда—йирик мол хонакилаштирилган.

Қорамол ҳамма вазиятларда қўй ва чўчқа билан тўла муносиб ўрини устулик қилмасада эгаллайди (трипол маданияти), Гарбий Оврўпо ва Анаудаги қазималар шунга ўхшаш тасвирни кўрсатади.

Муаллифлар томонидан ҳайвонларни ўргатишнинг бошланғич жараёнини тушунтириш масаласи катта қизиқинч касб этади. Масалан, Б. Р. Бегораз—Танинг финрича (С. Н. Биковский китобида), бу қўйидагича содир бўлган. Ийрик чорвачилик катта ҳайвонларга қилинадиган овдан алоҳида йўл

⁵⁸ Л. Адамец. Умумий зоотехния 1-нчи нашр, Сельхозгиз, М. 1936, 7-бет.

⁵⁹ А. А. Раҳимов. Ҳайвонларни хонакилаштириш», «Фан ва турмуш» журнали, № 12, 1970.

⁶⁰ С. Н. Биковский. Ҳайвонларни хонакилаштириш масаласига доир, «Совет этнографияси» журнали, № 3, Ленинград, 1934, 8-бет.

билан барпо бўлган. У чўлда, ўтли қумлоқда ривожланади. Илк дехқончиликка қараганда у бетўхтов жойидан қўзғалиш билан боғлиқ ва бутунлай эркаклар ишидир. Қуринов ёрдамида тўсиққа қувиб киритилган ҳайвонлар бирдангина ўлдирилган. Қари ҳўниэлар ва ситирларни тоза гўшт учун сақлаб қолганлар, ёш молларни йўқолиб кетишига йўл қўймаганлар, яъни аста-секин одамзод овқат эҳтиёжини қуритилган ва дудлаб қотирилган туридан тоза гўштни эҳтиёт қилишга ўтади.

Шундай қилиб тўсиқ билан ов қилишдан йирик молни илк ўргатиш ривож топган. бў вазият «тўсиб олиш» деб аталади.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги замонда ҳам шунга ўхшаш ўргатиш усули қўлланилади.

Масалан, Ҳиндистон, Цейлон ва Ҳинди—Хитойда ёввойи филларни улкан ва чидамли тўсиққа қувиб киритиб ушлайдилар, кейинчалик уларни аста-секинлик билан ювшликка, кейинчалик ишга ўргатадилар.

Янги ҳайвонларни тутиш ва қариларини сақлаш учун тўсиқ эндиликда керак бўлмай қолади.

Илгари овчи бўлган одам, энди подачига айланади, тўсиқдан ўзининг бўлгуси подаси билан чиқиб чўл бўйлаб, яйловдан-ййловгача эркин юрабошлайди.

Подалар кенгайиб, мол боқувчиларининг янги ҳаёти «номадизм» деб юритила бошланади.

С. Н. Биковский⁶¹ фикрича, биринчи мол боқувчи эркак бўлган, фақат омирлаб қолган хонакилаштирилган ҳайвонлар хотинлар ихтиёрига берилган, чунки биринчи уй ҳайвонлари майда эмас, йирик бўлган. Аввало бу қорамол—унинг билан фақат овчи—эркак муомала қилган.

Ҳўниэ билан бирга чўчқа ҳам хонакилаштирилган. Булар билан ҳам эркак машғул бўлган, чунки ёввойи чўчқани, айниқса тўнгизни овлаш ёввойи буқани овлашдек хавфли бўлган. Шунга ўхшаш услубда эчки ҳам хонакилаштирилган.

Бу ҳайвонларнинг ҳаммаси олдин гўшт учун хонакилаштирилган. Фақат анча вақт ўтиб ил йиғирини ва тўқини пайдо бўлиши билан эчкига, кейинчалик қўйга қараш хотинлар қўлига ўтди, лекин бунгача бутун теридан фойдаланиш тадбири амалга оширилган.

Молни ўргатиб ва аста-секин хонакилаштириш билан бир пайтда унинг этаси молчи—чўпонга ўзгарди, бошқасида —

61. С. Н. Биковский, Келтирилган асар, 22-бет.

хонзиллаштирилган молдан деҳқончиликда феодаланиб, эркак оила ва ибтидоий жамият тарихида бурлишни тавъминлади. Бу тўғрида Ф. Энгельс шундай деган:

«...Ёввойи лашкар ва овчи уйида хотин биринчи, ўзи эса иккинчи ўрин билан қаноатланган, лекин юмшоқроқ подачи, ўзининг бойлигидан фахрланиб, биринчи ўринга чиқди, хотинни эса—иккинчисига чекинтирди».⁶²

Бошоқли ўсимликларни экиш, аввало, молнинг сэм-хашаққа-бўлган талабини қондириш билан боғлиқ бўлган, кейинчалик—одамларга муҳим озиқ-овқат манбаи бўлди (арийликларда ва семитларда—А. Б.).

Анча кейин уй моли юк тортувчи куч сифатида ишлатила бошланди. Натигада деҳқончиликнинг йирик бўлинимаси—далаччиликни барпо этиш мумкин бўлди.

Ф. Энгельс фикрича бу ёввойиликнинг энг юқори поғонасида, яъни темир асрга тўғри келган.

Уй ҳайвонларини ўргатиш ва подаларни урчиши бунгача мисли кўрилмаган бойлик манбаини барпо этди. бутунлай янги иқтисодий муносабатларни яратди.

Осиё одамлари ўргатиш ва келгусида ўргатилган ҳолатда сақлаш мумкин бўлган молларни топдилар. Ёввойи ургочи бўйвол кетидан овлаш керак эди, ўргатилган она буйвол эса ҳар йили бузоқ, ундан ташқари, сўт берадиган бўлди.

Арийликларда, селиктларда ва туравликларда меҳнатнинг асоси—олдин ўргатиш ва фақат кейинчалик уни урчишиш ва асраш бўлди. Чўпонлар қабилалари Ёввойиларнинг қолганлари ичидан ажралиб чиқдилар. Бу биринчи йирик меҳнатнинг иқтисодий бўлинишидир.

Уй ҳайвонларини ўргатиш ибтидоий жамиятнинг моддий ишлаб чиқаришининг умумий ривожланиши билан жуда яқин боғлиқдир. Чўпон қабилалари бошқа ёввойилардан анча кўп маҳсулот етказибгина қолмай, улар ҳайъта етказган воситалар ҳам бошқача бўлган.

Уларда олдинчиларга қараганда фақат сўт, сўт маҳсулотлари ва тўштак анча кўп миқдорда етиштирилиб қолмай, тери, жун, эчки тивити ва хомашё миқдори ўсиши билан боғлиқ бўлган йиғирилган ва мато ҳам кўпая бошлади. Бу биринчи марта доний алмашнинг амалга оширди.

Уй ҳайвонларини урчишиш аввало, эҳтимол, чегараланган миқдорда амалга оширилган бўлса керак. Кейинчалик эса у хўжа-

⁶² Ф. Энгельс, Келтирилган асар, 1970, 178 -бет.

лик фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Хонакилаштирилган ҳайвонлар яшаш учун одамга қалсир ҳосилталар берардилар. Улар гўшт, жун, ёғ, суяк, транспорт ва ерга ишлов бериш учун уловбop куч бўлди ва, ннҳоят, уй ҳайвонларининг сўтидан фойдаланиш рўй берди.

Хонакилаштириш, шубҳасиз, узоқ давом этган ва крйин жараён бўлган ва ибтидоий одам уни қаттиқ меҳнат билан амалга оширган. Тахминан 140 минг хонакилаштириш мумкин бўлган ҳайвонлардан бугунгача фақат 17 га яқинигина хонакилаштирилган.

Одамзот ҳайвонларни ўргатиб ва хонакилаштириб вақт ўтиши билан ундан ерни ҳайдаш учун фойдалана бошлаган.

Омочдан фойдаланиладиган деҳқончилик ривожланиши билан уй молларини урчитиш ҳам ривожлана бошлади. Қорамолчилик пайдо бўлган. Олдин қорамолчилик одамнинг гўшга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун хизмат қилган. Сўтни истеъмол қилиш эса анча кейин бошланган. «Зороастризмда снғир сўти илоҳий деб ҳисобланган. Снғир сўтидан ва хаома ичимлигидан Зороастранинг уни онаси бошлаган»,— деб ёзади С. П. Толстов.⁶³

Айрим мол боқувчи қабилалар қорамолнинг йирик подаларига эга бўлишса-да, овқатда на сўт, на сўт маҳсулотларини истеъмол қилганлар. Буларга, масалан, Африканиннг кўнгина молчилари Хитой Хинди—Хитой ва Хиндистоннинг анча қисми халқлари кирди—улар сўтни истеъмол қилмайдилар.

Шунинг билан бирга тескари ҳодиса ҳам мавжуд Африканиннг айрим қабилалари овқат учун сўтдан фойдаланиб, деярли гўшт емайдилар.

Қўзиги шундаки, Африканиннг молчилик билан шуғулланадиган кўпчилик қабилаларида сўт овқатда истеъмол қилинади-ю, эркеклар снғирларни соғиб, ёғ қиладилар. Араб халқларида эса эркеклар ургочи туяни, хотинлар эса снғирларни, эчки ва қўйларни согадилар. Айрим турк ва Оснённинг монгол халқларида ҳам эркеклар бойталларни, хотинлар—снғир, эчки ва қўйларни согадилар.

Ибтидоий қорамолчилик, албатта, оддий турда вужудга келди, унинг жадал ривож топиши маълум шароитлар, аввало, яхши ўсган етарли ўт-ўлан бўлгандагина бўлиши мумкин.

63. С. П. Толстов, Қадимги Хоразм, М. 1948, 347-бет.

Ибтидоий чорвачиликни ривожланиши анча вақт, эҳти-
мол, озуқа базаси муаммосига, айниқса, қиш даврида боғлиқ
бўлса керак.

Шунинг учун ҳам тушунарлики, ер куррасининг маълум
қисмида серўт ҳудудларда—Марказий кичик ва Ўрта
Осиёда, марказий Африканинг Ғарбий қисмида, Жанубий
Африкада—қорамолчилик ривож топган.

Тоғлиқ жойларда аввалдан чорвачилик яйдоқ ҳолатда ри-
вожланди, чунки бундай шароитда қўл сонли молга озуқа
тайёрлаш қийин бўлган.

Чорвадор қабилаларнинг хўжаликлари ривожланиши на-
тижасида ва уруғдошлик жамияти барпо бўлгандан одам
маълум ҳудудга у ёки бу тарзда қўнғил қўйган, Яйловлар
ва қўнғил жойи фақат йил фасли ўзгариши билан амал-
га оширилган.

Юқорида айтилганидек, подани қабилалар томонидан маҳ-
сулотнинг зиёд ишлаб чиқарилиши натижасида доимий айир-
бошлашга имконият яратилди. Аввал бу айирбошлаш қабил-
алар ўртасида амалга оширилди. Мол айрим одам-
ларни мулкига ўтганидан ва айирбошлашнинг ягона
шакли барпо бўлганидан сўнг—айирбошлаш айрим шахслар ора-
сида ҳам бўла бошлади. Бу шароитда мол сотиладиган нарса
бўлиб, унга ҳамма бошқа хом-ашёлар айирбошлади, яъни мол
пул вазифасини бажарадиган бўлди.

Балиқчиликнинг ривожланиши ибтидоий одамнинг хўжа-
лик тармоғи сифатида, шубҳасиз, нисбий ўтроқ ҳолларининг
бошланиши билан боғлиқ. Лекин бу у бир жойда яшаш-
ни бошлади деган гап эмас, бир вақтда овчилик қилиб, балиқ
тутиб, ибтидоий одам йил фаслига қараб доимо кўчиб юрган,
яъни унинг ҳаёти кўчма шаклида бўлган, бу ўз навбатида
ривожланган чорвачиликка ҳам хосдир.

Фақат омовча асосланган деҳқончилик ривож топиши би-
лач одам кўчманчиликдан ёки «номадизм»дан бутунлай ўзиб,
барқарор ўтроқ ҳолатда яшашга ўтади.

Моллар подасини боқаётган қабилалар бундай ҳаёт услу-
бида ҳатто ёздаги ўтлоқлар-яйловлар ҳудудида чегараланган
бўлиши мумкин. Бу ва молларни қиш даврида сақлаш
шароитлари пода ўсишини тўхтатди. Бу ўринда бир ҳақиқ-
ий савол туғилади: — деҳқончилик подаларини қишда пичан
ем-хашак билан таъминлаб билмасмиди? Пичан ўриш
воситалари йўқ бўлган вазиятда буни бажариш
қийин эди. Юқорида баён этилганидан шундай ху-

деса чиқариш мумкинлиги, ибтидоий хўжалиқ ўзида ибтидоий чорвачилик билан овни, балиқчиликни дастаки сўқа билан деҳқончилик қилишни ва ёввойи ҳолатда ўсган мевани йиғишни мужассамлашган комплекс хўжалиғи бўлган. Тармоқ аҳамияти тушунчасида бирикув одамининг яшаш жойига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Булар ҳаммаси шубҳасиз ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ласт даражада бўлганлиғига боғлиқ эди.

Фақат уй молларини асраган қабилалар кўчманчиликка ўтиб, ўзининг молига ўт излаш мақсадида йил давомида ва бундай ҳаёт шаклига ўзининг турмушини мослаганидан сўнг, чорвачиликнинг ем-хашак муаммоси муваффақиятли ҳал бўлди.

Худди шу ҳолат чорвачиликнинг ривожланишига кагта турки бўлиб, уни хўжалиқдаги мустақил ва етакчи тармоққа айлантирди, бу ўз навбатида чорвачилик қабилаларини ёввойи қабилалардан ажратилишини яқунлади ва бириктириб «бирлик меҳнатини ижтимоий бўлинишини мустақамлади». — деб ёзади Л. П. Потапов.⁶⁴

Маданиятнинг рўёбга чиқишида чорвачиликни роли тўғрисидаги масала бирмунча қизиқини касб этади. Бир муаллифлар, масалан В. В. Пнотровский маданият тараққий этиши учун жамият томонидан фақат керакли бўлган маҳсулот эмас, балки кўшимча маҳсулот ҳам барпо этилмори лозим, деб ҳисоблайди.

Жамият орасида табақаланишга чорвачиликдан олинган кўшимча маҳсулотни ўзлаштириш сабабчи бўлди.

Ўзининг фикрини муаллиф ишлаб чиқариш кучларини қўли даражада ривожланганида чорвачилик кўшимча маҳсулотга анча енгил эришган деб исботлайди.

Деҳқончилик олдин бунчалик барқарор ва мустақам бўлмаган эди, деҳқончилик маҳсулотини ташини ёки кўчириши лозим эди, мол эса ўзи силжиган яъни «ўлуғ дарёлар маданияти жамиятининг чорвачилик ривож топиши босқичидан ўтган, деҳқончилик маданиятидан олдин жамиятда чорвачилик асослар юз берган» — деб ёзади В. В. Пнотровский.⁶⁵

Муаллиф фикрини ривожлантира бериб жамиятти синф-

⁶⁴ Л. П. Потапов, Ўрта Осиё ва Қозоғистон кўчманчи халқларида патриархал—феодал муносабатлар меҳнати. ЎзССР нашриёти, Тошкент, 19-бет.

⁶⁵ В. В. Пнотровский «Билим—куч» журнади, № 1, 1972, 19-бет.

ларга бўлиниши чорвачилик томонидан эртароқ босқичда таъминланган давлатни вужудга келиши эса чорвачиликни деҳқончилик билан бириктириш натижасидир дейди. Агарда чорвачилик жамияти давлат бўлса, у деҳқончиликка ўтади. Мисол тариқасида Б. Б. Пиотровский қадимги маданият ўчоқлари—Миср, Месопотамияни келтирди. Деҳқончилик пайдо бўлиши биланоқ ривожланишда пастроқ поғонада турган қўшнилاردан, масалан, Ливиядан Мисрга минглаб бош қорамол, эшак, эчки, қўй ўтқарила бошланди.

Яқин Шарқда қўшни мамлакатларга нисбий яқин ҳудудларда, деҳқончилик ва чорвачилик бараварига ривожланган. Шунга асосланиб, А. Б. Лундин⁶⁶—«давлат шу икки хўжалик тури қўшилиши билан барпо бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам деҳқончиликда уловбоп молдан фойдалана бошлаганлар, дастлабки сўқа деҳқончилик эса сунъий суғориш ташкил қилинганида ҳам давлат барпо этилиши учун ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражасини етарли қилаолмайди» — дейди.

Бешқа муаммолар фикрича, чорвачилик ҳар доим ҳам деҳқончиликдан олдин ривожланмаган ва чорвачилик асосида давлат барпо бўла олмайди.

А. А. Раҳимов⁶⁷ фикрича, одамзот мезолит давридамоқ моллардан фақат озуқавий мақсаддагина фойдаланилмаслигини билиди, шунинг учун ҳам уларни қўлга ўргата бошлади.

Хонақилаштириш, уни тақомиллаштириш давомида моллар табиий ва сунъий танлаш натижасида ўзини маҳсулдорлигини ошириш учун янги яшаш шароитига мослашдилар. Ургатилгандан сўнг бу молларда янги фойдали хусусиятлар пайдо бўлди. Ҳозирги замон кишлоқ хўжалик моллари шундай хусусиятларга эгадирки, масалан, қорамолнинг сўтдор зотларининг сўт маҳсулдорлиги сўт берин даврида (1 ктация дасомида), 15000—20000 кг. ва ундан ҳам зиёд сўт миқдорига етди. Қорамолнинг ўзвояи турлари эса лактация давомида атиги 500—600 кг. яъни ўзини бузоғига етатиш миқдордагина сўт беради. Яъни қўйлардан 1—1.5 килограммга яқин дағал жуи қирғиб олинган бўлса, ҳозирги вақтда ставрополь зотида махсуб қўйқоридан 30 килограммдан зиёдроқ жуи қирғиб олинади. Шунинг билан бирга хона-

⁶⁶ А. Б. Лундин, Келтирилган журнал, 21-бет.

⁶⁷ А. А. Раҳимов, Ҳайвонларнинг хонақилаштирилиши, «Фан ва турмуш» журнали, № 12, 1970.

килаштириш молларининг тусини, тери сифатини ва босиқа биологик хусусиятларини ўзгартиришга ҳам сабаб бўлди.

Қайд қилиш керакки, эндиликда одамнинг маҳсулот ишлаб чиқаришига талаби ўзгармоқда. Агар, кўп асрлар қорамол уловбой мол сифатида, аввало ерларни ҳайдаш, чигирларда сув чиқаришда фойдаланилган бўлса, ҳозирги вақтда улардан биринчи галда сут, гўшт етиштириш талаб этилади.

Шунинг билан бирга оддий деҳқончилик ҳам вужудга кела бошлади. Меҳнат қуроллари ўзгарди, тошдан тuzатилган қурошлар ўрнини мисдан ва бронзадан тuzатилган қурошлар эгаллай бошлади.

Қулолчилик иши такомиллаша борди. қўл тегиримони ясалди, капалар ўрнига девор лойдан қурилган уйлар қурила бошлади.

Қайд қилиш керакки, Анау маданияти, эҳтимол, қадимги Хоразмдагидан бирмунча кейинги ва бироз ривож топган даража билан ажралса керак, бунга шу ҳолат келтирадиган, Анаунинг ҳаттоки пастки қатламларида ҳам уй моллари—қўй ва ситир қолдиқлари, ёввойи ҳайвонлар—бугу, ёввойи чўча суякларини учрайди.

Ўзбекистоннинг тоғли қисмларидаги қазинишларда ёввойи ҳайвонлар билан бир қаторда уй моллари, қўйинча, эчки суякларини ҳам учрайди. Топилган суяклар бу ерда уй моллариники: 80%—ситир ва қўйникидир (балким эчкиникидир), қолганлари ёввойи жегетойники.

Эраמידан олдинги 2 минг йилликнинг иккинчи ярми — суярган маданиятининг даври Хоразмда Жануб, Эрон тоғлари ва унга яқин давлатлар вилоятларидаги янги этник элемент пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ҳша ўлкаларда эраמידан IV минг йил олдинроқ ўтроқ деҳқон ва чорвадорлар маданияти ривожланган. Шундай қилиб, «Қўйи Амударёнинг кенг вилояти неолит ва энеолит даврида жанубнинг қадимги деҳқончилик анъаналари ва баландроқ маданияти билан шимол—бу жанубнинг ўзига хос ёввойи чет—овчилар ва балиқчилар жойлашган вилоят ўртасидаги алоқа минтақасидир».⁶⁸

Хоразм тарихидаги келгуси давр—тозабоғаб—қўл бронза асрларининг маданияти. У мамлакатнинг дашт-саҳро кенгликларида эраמידан олдинги II минг йилликнинг иккинчи во-

⁶⁸ Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари, I том, «Фан» нашриёти ЎзССР, Тошкент, 1964, 16-бет.

рагидан эрамиздан олдин биринчи минг йилликгача бўлган вақтда кенг тарқалган.

Уларнинг хўжалиги чорвачилик — деҳқончиликка ҳос бўлган. Қават 3 манзилида яшовчилар аллақачон деҳқончилик билан шугулланганлар (уларнинг маконидаги дон янчадиган асбоб, оддий сугориш тармоғининг қолдиқлари бундан далolat беради). Шу даврда чорвачилик катта аҳамиятга эга бўлган: ҳўкиз, қўй, от суяклари, уларнинг лойдан ясалган таналари топилган.

Қадимги Хоразм қулдорлик давлатининг ташкил қилиниши арафасида бу ерда амиробод маданияти ривожланган. Эрамиздан олдинги IX—VIII асрларда Якка—Порсен ўрта аср қалъасида турувчилар деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланганлар.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, эрамиздан XI—X вчн аср олдин Хоразмда ибтидоий сугориш пайдо бўлди⁶⁹ ва шу даврдан бошлаб қадимги хоразмликлар хўжалигида деҳқончилик ривожланиши ҳукмдорлик қила бошлади.

Бронза даврида Жанубий Акчадарёси тармоғида деҳқончилик аллақачон маълум аҳамиятга эга бўлган.

Эрамизнинг биринчи минг йиллиги бошларида Хоразмда темир асри бошланди, бу омочли деҳқончиликни ривожланишига ва янги ерларни ўзлаштиришига имкон берди.

Чорвачиликнинг аҳволи тўғрисида бу ерларда топилган қорамол, қўй, отларнинг суякларига қараб фикр юритса бўлади.

С. П. Толстов бу ҳудудда бронза даврида чорвачилик ривожланишида гўштбон ва сутбон йўналишлар бўлганлигини фараз қилади. Шунинг билан бирга шимолий Акчадарё тармоғида турувчилар овчилик, балиқ тутиш, чорвачилик билан шугулланганлар, аҳтимол, ибтидоий деҳқончилик бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, чўпончилик чорвачилигининг ривожланиши хўжаликнинг бошқа турлар билан бир қаторда, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам-ашё манбаларининг нотекис тақсимланганлиги айрим қабилалар орасида ўзаро алмашув ва маданий муносабатларнинг ривожланишига айрим қабилалар гуруҳларининг узок масофаларга кўчишига имкон берди. Жанубий Орол ёнидаги аҳолининг Волга дарёси яқинидаги,

⁶⁹ Я. Ғуломов, Хоразмда сугоришни тарихи, Тошкент 1958.

Урал атрофлари, Кавказ, Урта Осиё ва Қозғистоннинг жанубий вилоятлари аҳолиси билан маданий алоқалари бўлганлиги тасдиқланган.⁷⁰

Эрамининг иккинчи минг йиллигида Амударё ва Сирдарё суви билан сугориладиган Закаспий ва Урал ёнидаги ерларда қадимда ўша даврда юксак маданият яратган кўп сонли халқлар яшаганлар, Айрим ёзма гувоҳликлар, жумладан, зороастризм динининг муқаддас китоби—Авеста шу даврга (эраминдан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталари) оиддир. Бу китоб қадимги Хоразм худудида барпо этилган деб ҳисобланади (С. П. Толстов, А. П. Чайковский ва бошқалар).

С. П. Толстов Авеста эраминдан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарида барпо этилган деб ҳисоблайди. М. М. Дьяканов эса эраминдан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларида, эраминдан IV—VIII асрдан олдин (Авестанинг қадимсўқ қисмлари), Авеста жамияти қорвачилик ва деҳқончилики биларди, деб ёзади.

Хоразм вакил Зенд—Авестада учрайди. К. А. Иностранцев ҳаттки Хоразм ва умуман сиф—сақларнинг кўпинчи давридаги бутун ҳудуд, Эроннинг четки шимолий шарқ чегарасидан, Орл ва Каспий ёнидаги чўллاردан Ҳиндистонгача эрий маданиятининг ўчоги бўлган, шунинг учун ҳам у Хоразмни ва унга яқин ўлкаларни, Вендиладнинг биринчи ёнидаги Айриан—Эм—Вазждо ном билан айтилган ерлни мамлакат деб ҳисоблайди. Аура-Мазда томонидан яратилган биринчи днёр деб айтилган.⁷¹

Сугориладиган деҳқончилик бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Лекин, кўпинча улар қерамол, туя, от беққан ўтроқ қорвадорлар бўлганлар. Уларнинг манзиллоҳлари хатарли хусусиятга эга бўлган. Пул маълум бўлмаган ва асосан алмашувда мол ўлчов бўлиб хизмат қилган.

Авестада тўғридан-тўғри жамият камбағал ва бойларга бўлиганлиги, бунда бойлик мол сови билан белгиланганлиги тўғрисида айтилган. Ҳамма мулкий қизиқишлар мол доира-сида инфодаланган. Пода, отлар, қорвачиликка мос ерларнинг сөрбонлиги—мана шуларни Авеста мадҳияларининг қаҳрамони

⁷⁰ Очерклар, келтирилган асар, 31-бет.

⁷¹ Сирдарё вилоятининг Амударё бўлимидаги кўманчи ва ўтроқ маҳаллий хўжалики ва ердан фойдаланиш бўйича қилинган текшириш маълумотлари, 1-2 нашр, Тошкент, 1915.

84-85.

лари худолардан сўрашган, «Жамият мол қўп ва камбағалларни аллақачон билган Авеста—Йима, Ативё, Пурушасе ва Бошқалар қахрамовлари «нода билан бой», «хўкиз билан бой», «отлар билан бой» дейилган доимий васфлар билан сўзлаганлар, Узар билан қўч бўлган».^{72, 73}

Хоразмнинг антик ва эрўрта аср фаунасини муҳокама қилиб, В. Н. Цалкин шу давр хўжалигида овчиликнинг умумий иқтисодий аҳамияти унчалик катта бўлмаган деб ҳисоблайди. Аҳоли хўжалигининг асосини овчилик эмас деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қилган. Бизнингча бундай даъво асоссиз бўлур эди.

Эҳтимол, деҳқончилик ва чорвачилик барпо бўлишидан олдин овчилик ва балиқчилик қадимги хоразмликлар хўжалигида, айниқса, Амударёнинг қуйи туманида муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин. Кейинчалик бу қадимги хоразмликлар хўжалигида катта иқтисодий самара бермаган ва кесини тасвирлаб қолмаган.

Юқорида тилга олинган Ёзма маълумотларга кўра, Ўрта Осиё кейинликларида ўша вақтларда саклар, массагетлар ва бошқа қабилалар яшаганлар. Хоразмликлар сакларга яқин бўлганлар. Таҳминан эрамининг IV асрдан олдин—эрамининг I асрида Хоразмга шимолӣ—шарқдан бу даврда турklar билан қарашган Сирдарё ёнидаги қабилаларнинг вакиллари кириб кела бошлади. Шу вақтларда Закаспий ва Орол яқинида яшаган қабилалар хўжалигида иккита йўналиш кўзга ташланар эди.

Утроқ суғориладиган деҳқончилик воҳанинг марказий туманларида, Амударё қуйи қисмининг юқорисенда яъни қадимги Хоразм худудида аҳолининг асосий машғулот, тирикчилик манбаи бўлган.

Хоразм худуди чеккаларида Оқчадарё тармоқланган пастки қисмида Сарикамиш дельтаси ва Жанадарё қирғоқларида хўжаликлар чорвачилик устунигида уйғун бирлик ташкил бўлган, Узар бундан ташқари молни қишга, ем-хашак билан, таъминлайдиган оддий деҳқончилик—овчилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Кейинчалик чўл аҳолининг оддий деҳқончилик—чўпонлар хўжалиги чорвачилигини ривожлан-

72. С. П. Толстов, Қадимги Хоразм маданиятининг извдан, СССР Фан нашриёти, М.Л, 1948, 96-бет.

73. Б. Г. Гафуров, Тожиқ халқининг тарихи, 1-нчи том, 3 нчи нашр, М., 1955, 38-бет.

тиришга ихтисослашган, унинг маҳсулоти воҳа аҳолиснинг деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотига алмашланган.

Бу даврга келиб сугориш ва темирчилик янада ривож топиши катта роль ўйнаган.

Тахминан эрамиздан олдин VII—VI асрларда Хоразмда синфий қўлдорлик давлати тузилган, бу сугориш системасининг ривожлантиришга сабаб бўлди. Лекин тезда Хоразм Эрон давлати томонидан босиб олинди ва унга бўйсунадиган бўлди. Натижада деҳқончилик ва чорвачилик тажрибаси билан ўзаро алмашиш имкони туғилди. Чорвачиликнинг юксалиши айни шу даврга тўғри келади.

Эрамиздан олдин IV—V асрларда Хоразмнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди—ибtidoий жамият тузилмасида инқироз бешланиб, йирик патриархал—қўлдорлик давлати барпо этилди. Бу даврда давлат иқтисодининг анча мустақамлаган бир неча муҳим тadbирлар ўтказилди. Улардан бири йирик каналлар қурилиши бўлди. Амударёнинг ўнг қирғоғида узунлиги 70 км. бўлган Гавҳар канали, чап томонида—Полвонёп ва Чарманёп шулар жумласидадир.⁷⁴

Амударёнинг икки қирғоғида ҳам экин майдонлари анча кенгайди, хоразмликлар қўмлардан катта ер майдонининг ўзлаштириб олдилар ва уларни гуллаган далаларга айлантirdилар. Бу далаларда жўхори, тарик, буғдой, поллиз экинлари ўсиб, шафтоли, ўрик дарахтлари гуллаб, узум еттиштирилди.

Хоразм иқтисодиётининг ўсиши ҳарбий соҳанинг кучайишига имкон туғдирди. Эрамиздан олдин VI асрда Хоразм давлати ўз худудларининг кенгайтириш мақсадида қатор босқинчилик урушларининг олиб борди.

Антик тарихчи Геродот кўрсатганideк, Хоразм давлати ўша даврда ўзига Иканубий Туркменистон ерларининг бўйсундирди, Аммо Хоразмнинг қудратли давлат бўлиб бориши Эрон ҳукмронларига тинчлик бермасди.

Эрамиздан олдин IV асрнинг ўзида Хоразм тўла мустақил давлат бўла олди, Эрамиздан олдинги IV асрдан эрамизнинг II асригача бўлган давр Хоразм тарихида «Кангюй» даври дейилади. Биринчи марта «юксак ва муқаддас» Канга дидори Авестада, кейинчалик «Кангюй» —Хитой солиномаларида эслатилади (эрамиздан олдин II асрнинг охирилари). С. П.

74. Я. Гуломов, Келтирилган асар, 87-бет.

Толстовнинг фикрича Авестанинг «Канга» ва Хитой манбаларидаги «Кангюй» номи остида Хоразм яширинмоқда.

Кангюй — бу Амударёнинг қуйи, Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги, Зарафшон ҳавзасидаги қадимги Ўрта Осиё давлатидир.⁷⁵

Бу даврда (эрамиздан олдин VII—V асрлар), Хоразмда юксак ривожланган чорвачилик мавжуд бўлган, В. И. Цалкиннинг фикрича «бу даврда маҳаллий чорвадорларга қишлоқ хўжалик моллари: қорамол (ҳам ўрқачсиэ, ҳам ўрқачлиси), қўй, эчки, чўчқа, от, эшак, туя маълум бўлган.⁷⁶

Энг қадимги Хоразм ёдгорликларида таъкидланишича Амударёнинг чап қирғоғида, Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятидаги Кўҳна-Урганч шаҳридан гарбдаги Кюзели—қирда қорамол, эчки ва қўй (82% дан кўпроқ) муҳим моллар ҳисобланган. Бошқа турлардан от бор, чўчқа жуда кам (3,4%), маҳаллий чорвачиликда эшак ва туялар жуда мўътадил ўринга эга бўлган.

Бу ерда туб аҳолининг ўтроқ хўжалигида чорвачилик, деҳқончиликка нисбатан муҳим аҳамиятга эга эди.

«Мол аҳолининг асосий бойлиги бўлган»,— деб ёзади С. П. Толстов.⁷⁷

Кейинчалик деҳқончилик хўжаликнинг етакчи тури бўла бошлайди, деҳқончиликка қараганда чорвачиликнинг салмоғи бироз камаяди.

Эрамиздан олдин VII—VI асрларда шаҳарда ички, бўш бўлган мслхона қилиб фойдаланилган майдонлар турар жойлар билан қурила бошланди, мана шунинг ўзи эрамиздан олдин IV асрга келиб, хўжаликда чорвачилик роли бирмунча пасайганини кўрсатади. Поданинг таркиби ўзгаради, архаик даврга қсрамол, от, туянинг кўллиги хос; Кангюй даврида эса подада майда шоҳли мол устулик қилади, чўчқалар сени деярлик 5 марта сшади.

75. Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари. 1-чи том, Тошкент 1964, 48-бет.

76. В. И. Цалкин, Шарқий Оврўпо ва Ўрта Осиё қабилаларининг қадимги чорвачилиги, М. 1966, 150-бет.

77. С. П. Толстов, Қадимги Хоразм, М. 1948

Арханг даврда Соғда, Бактриялар билан мавжуд бўлган маданий алоқалар бузилди ва эраמידан олдинги IV асрдан II асрнинг охиригача Хоразм ўзига хос маданиятини ёлғиз ўзи ифодалаган. Бундай маҳдудликда, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский), мустамлакалар таркибига қўшилмаган Ўрта Осиёнинг ягона давлати бўлиб қолган Хоразмнинг сиёсий ақралганлиги, эҳтимол, ифодаланган бўлса керак⁷⁸.

Ҳунармандчилик ва савдони муваффақиятли ривожлантириш учун Хоразм ташқи савдо алоқаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг доимий алмашувиغا муҳтож эди. Ажралганлик ҳолатидан чиқиш фақат шимолга, шимолий шарққа ва шимолғи—ғарбга боғлиқ бўлиши мумкин эди, айнан шу томонга Хоразм ҳукмронларининг ҳаракати йўналтирилган эди.

Би— атрофдаги ёввойи қабилалар антик даврлардан бери деярли бутун тарих мобайнида Хоразмдаги иктимоний—сиёсий тузумга таъсир қилганлар.

Барак—Там — антик даврнинг охирига хос ёдгорликлардан биридир. Бу ердан кўприкчи, паҳмоқ, жузли гиламнинг парчаси топилган. Чўлда топилган, ўзига хос ёғочсиз, лекин қобиргаси лойдан бўлган ўтов айнан шу даврга тўғри келади. Бу манзилгоҳда яшаган одамларнинг ҳаётида чорвачилик етакчи роль ўйнаган. Бу тўғрида қурилишида қўлланилган усул ғиштлар усти сопол билан эмас, балки қорамол, от ва туя суякларидан қоплангани далолат беради.

Эрамининг I асри охиридан Хоразм Кушанларнинг Ҳиндистон—Ўрта Осиё империяси таркибига кирган.

Тери ва ёғочдаги ёзувларнинг ривожланиши ўша даврга тўғри келади. Шарқий Орол ёнида яшаган аҳолида шу вақтда чорвачилик муҳим роль ўйнаган. Шу билан бирга қорамолнинг анча фойзи қўчманчи бўлмай, яйловда боқиладиган бўлиши мумкин.⁷⁹

Эрамининг IV—V асрларида Хоразм инқирозни ўз бошидан кечирди, экиладиган ерлар, серўт яйловлар қисқарди. Шунга ўхшаш ҳолат деярли бутун Ўрта Осиёда рўй берди.

Қулдорлик жамияти ичида янги феодал тузум пайдо бўла бошлади. Бу даврда (халқларнинг улғу кўчиш замони), қўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларининг ўтроқ, деҳқончилик вилоятларига ҳужуми кўчайди.

Хоразмликлар қўшинлари билан савдо алоқалари қил-

⁷⁸. Очерклар. Келтирилган асар, 50-бет.

⁷⁹. Очерклар. Келтирилган асар, 158-бет.

ганлар «Тан сўлоласи тариҳида» (хитой манбалари), араблар босиб олган даврдаги хоразмликларнинг қуйидаги таърифи учрайди: «бутун ғарб ёввойиларнинг орасида бу ягона ҳалқдир, қайсики буқаларни аравага қўшади, савдогарлар уларда узоқ юртларга борадилар». ⁸⁰ (Шубҳасиз, булар буқалар бўлмаган, улар балки ахталанган ҳўниздир—А. Б.).

712-йилги Хоразм араблар томонидан босиб олинди. Улар анча ривожланган юртни бешафқат вайрон қилдилар, олимларни қувғин қилдилар, китобларни ёқдилар. Шунинг учун ҳам бу давр Хоразм ҳаёти қўлёзмаларда жуда бўш ёритилганлиги табиийдир.

Хоразм иқтисодида VIII асрдан жонланish бошланган. IV—VIII асрларда ёввойи атроф билан алоқа айниқса қалтив бўла бошлади.

Атрофдаги қабилалар воҳага кирабошладилар. Савдо кўпинча шимолий кўчманчи атроф билан олиб борилди.

IX—X асрларда Хоразм маркази Бухоро бўлган сомонийлар давлати таркибига кирган эди, бу ердаги чет вилоятда марказий вилоятдагидек ижтимоий-иқтисодий воқеалар рўй берди.

Бизнинг назаримизни араб жўгроф—сайёҳи Абу—Исҳақ ал—Истаҳри маълумоти жалб этди. «Китоб ал—масолиқда» (сайёҳатир ва юртлар китоби), у ёзади: «Земм, (ҳозир Керки шаҳри, Туркменистон—А. Б.). — Амударёнинг чап қирғоғидаги йирик шаҳар. Қўйчиликнинг йирик маркази бўлган».

Қайд қилиш керакки, Керки ҳамма вақт ҳам бирдан — бир қорақўлчилик тумани ҳисобланган, бу ердан қорақўл терилари Бухоро бозорига келтирилган, Хоразм чап қирғоғининг жанубий атрофида аҳоли яшайдиган йирик жой ва кучли қалъа бўлган.

Дарган номи билан аталадиган (ҳозирги «Дарган—Ота» йирик темир йўл станцияси ёнида—А. Б.), шаҳар Амударёдан ўтадиган муҳим кечув жойида жойлашган ва Бухородан келадиган Амуля (Чорйўй) ва Марвдан Хоразмга борадиган йўлдаги муҳим жой ҳисобланган.

Ал—Истаҳри Гурганиж ва унинг савдо алоқаларини қайд қилади: «У (Гурганиж)—Гузлар билан бўлган савдо ўрни ва бу ердан карвонлар Жўржонга (Каспий денгиз қирғоғидаги вилоят), Ҳазарларга ва Хўросонга жўнаганлар».

⁸⁰ С. П. Толстов. Қадимги Хоразм. 14 -бет.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси Хоразм атрофида қўй ас-
ралганлигидан далолат беради. Араб тарихчиси ибн—Хаукала
(X аср), унинг даврида қорақўл терилари Ўрта Осиё бо-
зорларида донмий ва муҳим савдо нарсаи эди деб ёзади.⁸¹

«Хоразм X—XII асрларда бир томондан халифат давлат-
лари, иккинчидан—Шарқий Оврўпо ва Ғарбий Спбирнинг бе-
поён кенглиги ўртасидаги муҳим иқтисодий алоқалар маркази
бўлган».—деб ёзади С. П. Толстов.—Хоразм шаҳарлари, ай-
ниқса Урганч, феодал тузумидаги марказ бўлган, Кятни тезда
иккинчи ўринга чекиртирдилар. Шарқ ва Шимол йирик юк
тушириш ва ортиш савдо пункти бўлган».⁸²

X асрда Кят шаҳри (ҳозирги Беруний шаҳри ёнида, Қора-
қалпоғистон худуди), «Гузлар Туркистонининг дарвозаси»,
«савдогарлар йиғиладиган жойи, туркларни, Туркистонни, Мо-
вароуннахрни ва хазарлар вилоятидаги товарларнинг омбор-
хона жойи бўлган».⁸³

Ал-Макдиси Хоразмдан бешқа давлатларга юборилган мол-
ларнинг рўйхатини келтиради. Хоразмдан кул ранг олмахон,
оқсичқон, чўл тулкиси, сувсар тулки, сув қундузи мўйнала-
ри, бўйланган қуёи, эчки терилари, мум, ўқёй, теракнинг оқ
тўстлони, қалпоқлар, балиқ елими ва балиқ тошлари, сув
қундузининг яроғ—аслаҳаси, анбар (муаттар ҳид), кинмухт
(тери сорти), асал, ўрмон ёнгоғи, соқаллар, мочилар, совутлар,
қайини, славянларнинг қўллари, қўй ва сигирлар—буларнинг
ҳаммаси булгарлардан. «Унда (Хоразмда) узум, кўп майиз,
шишириқлар, кунжут, йўл йўл кийимлар, гиламлар, кўрпалар,
гўзал кимхоб, «мульхам» чойшаби, қўллар, рангли кийимлар,
энг кучли кишилар таранг қиладиган камонлар, махсус сир,
зардоб, балиқ етиштирилади».

«Бу ерда кемалар қурилиб, пардозланади»⁸⁴

Бу ерда ал—Макдиси Хоразмда етиштириладиган товарлар
билан бир қаторда, фақат тўппа-тўғри (транзит), ўтка-
зилладиган кўп товарлар номларини келтиради. Бу маълумот-
лар Хоразмнинг Шарқий Оврўпо ва Қозогистон чўллари
аҳолиси билан кенг савдо алоқалари бўлганликларини кўрсат-
тади.

⁸¹. СССР қорақўли. Бухоро, М. 2-бет.

⁸². С. П. Толстов. Қадимги Хоразм. 14-бет.

⁸³. Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари. 86-бет.
(Худуд ал-Алем, текст, 26 -бет, МИИТ. 1 т. 216-бет.

⁸⁴. С. П. Толстов. Қадимги Хоразм. 14-бет.

Хоразм учун айниқса мамлакатга сўйилган ва юк мол, терилар, мўйналар ва қулларни келтирадиган қўшни кўчманчилар билан савдо катта аҳамиятга эга бўлган.⁸⁵

Шу ўринда ал—Истахрининг катта эътиборга лойиқ маълумотларини келтирамиз: «Уларнинг юртида (хоразмлик одамларни), олтин ва кумуш конлар ва ҳеч қандай қимматбаҳо тошлар йўқ, уларни бейликларининг кўп қисми турклар билан қилинадиган савдодан ва мол боқшидан». Ушбу маънада Хоразмда ривожланган чорвачилик бўлганлиги ва у шубҳасиз хўжаликда катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирилади. Уша даврнинг адабий манбаларидан (X аср), фақат «Худуд ал—Алем» муаллифининг мулоҳазалари мавжуд, холос.

Бунда у «Кердерда кўп тери бор»—деб ёзади. Бу шаҳарнинг жойлашганини олимлар ҳозирги Чимбой (Қорақалпоғистон) шаҳри билан айнан бир деб қарайдилар. Араб жиографи Ёдут сўзлари бўйича Кердерда, «Мол-мулк ва мол, ишёқмаслардан ташқари, ҳаммада бор». Эҳтимол, қорақўл териларининг ҳаммаси ўша вақтда Бухорога келтирилиб сотилган, у ердан эса бошқа юртларга олиб кетилган.

Ўрта асрдаги Хоразмнинг сиёсий ҳаётида Ҳазария ва дашт қабилалари билан алоқалар катта аҳамиятга эга бўлган. X асрнинг бошларида Хоразмнинг отлиқ қўшинлари (шубҳасиз отлар ҳам Хоразмдан бўлган—А. Б.). 10 минг аскарлик корпус... —хазар армиясининг ўзагини ташкил қилган».⁸⁶

VIII аср ўрталарида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кенг даштларида кўчманчи ва ярим кўчманчи турк қабилаларининг йирик сиёсий бирлашмалари вужудга келди. Уларнинг асосий қисми VIII—X асрлар мобайнида Етти дарё ва Сирдарё бўйлаб жойлашган.

Шарқий Туркистондаги кенг даштларни чорвачилик, дехончилик ва овчилик билан шугулланган карлуклар эгаллаганлар.

Иккинчи турк қабиласи—чигили. Иссиққўлдан шимолий—шарқда яшаганлар. Бу халқ қорамол, от ва қўйларининг катта едаларига эга бўлган.

⁸⁵ Сирдарё вилоятининг Амударё бўлимидаги кўчманчи ва ўтроқ маҳаллий хўжаликни ва ердан фойдаланиш бўйича қилинган текшириш маълумотлари. 1-2 нашр, Тошкент, 1915, 97-бет.

⁸⁶ Очерклар. Келтирилган асар, 91-бет.

Исеингулдаж жанубда турн қабилаларн—Ягма—янаган, уларнинг хўжалигида —овчилик ва чорвадан —от ва қўйларни боқиш устулик қилган.

Чўлдаги турн қабилалар бирлашмасининг энг ғарбдаги ларн—оғуз ва печенеглардан иборат қабилалар уюшмаси бўлган. Ҳозирги замон тадқиқотчилари VIII—X асрлар Орёл яқинидаги дашт қабилалар бирлашмалари асли қорақалпоқ элатлари шаклланишининг бошланиши бўлган деб фарз қиладилар.

Бу қабилалар Хоразмнинг кучли сиёсий ва маданий таъсирида бўлганлари ҳолда ўзларига хос комплекс чорвачилик деҳқончилиги маданиятининг анъаналари ва ярим кўчманчи ҳаётини урф-одатларини сақлаганлар.

X асрда оғузлар давлати айниқса кенг ҳудудга эга бўлган. Қайд қилиш керакки, ибн—Фадлан фикри бўйича, Устюрт шимелидаги оғузлар ўтроқликни ва деҳқончиликни билмаган. Кўчманчи чорвадор бўлганлар. Лекин улар тўпланишининг бош тумани — Сирдарёни қўйи қисмида оғузлар ярим ўтроқ халқ улар фақат чорвачилик эмас, балки деҳқончилик билан ҳам танишлар. Улар тарих, бугдой, беда экинлар. Уларнинг уйларида уй моли учун молхона албатта бўлган.⁸⁷

Унинг маълумоти бўйича «бой гузларнинг» ўн минг боши ва юз минг бош қўйлари бўлган; гузлар берган қалим таркибида «туя ёки от ёки шуларга ўхшашлар» бўлган. Оғузлар Хоразм, Хазария, Русия билан яқин савдо алоқаси ўрнатганлар.

Кўпгина адабий манбаларни ўрганиш бизнинг фикримизга шуни кўрсатадики, деҳқончиликнинг ривожланишини сугормачилик (ирригация) билан тенглаштириб бўлмайди. Бу тўғрида гапирилса хоразмликлар ўтроқ ҳолатда бўлиб, бутун воҳани эгаллаганида албатта тўғри бўларди. Сув муаммоси бу ерда ҳар дам жуда ўткир бўлган. Шунинг учун ҳам унинг аҳволи ўтроқ ҳолат бошланишидан сугорма иншоотларни қуришни бошлаганлар, яъни Хоразм воҳаси шароитида сув муаммосини исббий ечилиши деҳқончилик маданияти ривожланишига олиб келиши мумкин эди. Лекин Амударёдан сув олинишидан деҳқонларнинг далаларига боришигача уловбой кучнинг зўр бериши керак эди, бунга туя, от, ҳўйилар хизмат қилганлар.

⁸⁷. Ибн—Фадлан саёҳати... текст, 199 б. 59 бет.

Далаларга ишлов бериш, уларни гўнг билан бойитиш учун албатта чорвачиликнинг ривож топиши керак эди.

Шундай қилиб, қадимги хоразмликларнинг деҳқончиликда бунчалик катта маданиятга эришганликларида чорвачиликнинг ҳам хизмати бордир.

Шунинг учун биз дангал айтишга ҳақлимизки, деҳқончилик ўтроқ хоразмликларнинг хўжаликларида иқтисодий жиҳатдан муҳим роль ўйнаганлиги шубҳасиз. Чунки етарли ривожланмаган чорвачиликсиз у равнақ топиши қийин эди ва шунинг учун бу вилоятни деҳқончилик—чорвачилик хўжалиги, Амударё қўйи қисмида эса балиқчилик ҳам яъни комплекс хўжалик бўлган деб қарашимиз керак. Шунинг учун ҳам «Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари» китобининг муаллифлари «Хоразм воқасининг бу қисмидаги аҳоли, чўл қабилалари ва халқлар бутун тарих мобайнида, табиий шароитларга мослашиб ҳаётни ярим ўтроқ ҳолатда, деҳқончиликни чорвачилик, балиқчилик, хунармандчилик билан бoғлаб олиб борганлар» деб ҳисоблашга ҳақлидирлар.

Огузлар яқиндаги ҳудудларда печенеглар ҳам ёнма-ён яшаганлар. X асрнинг араб манбаларига кўра, печенеглар Хоразмнинг шимоли—ғарбида ва шимоли—шарқида истиқомат этишган. Печенеглар чорвачилик билан, эҳтимол, деҳқончилик билан ҳам шугулланганлар, қисман кўчириладиган кўчманчи ўтовда, қисман шаҳарларда яшаганлар. Маълумки, улар тариқ ва бутдой экианлар, руслар улардан қорамол, от ва қўйларни сотиб олишган.

X асрнинг охириларида Сомонийлар давлати бўлини бошлади, ундан атрофидаги ерлар бўлиб олинди.

995 йилда Урганч амири Маъмун ибн—Муҳаммад Жаъубий ва Шимолий Хоразмнинг ягона давлат қилиб бирлаштирди ва Хоразм шоҳ унивоини қабул қилиб, Мамунидлао сулоласига асос солди.

Қайд қилиш керакки, кейинчалик, айниқса Маъмун ибн-Маъмун ҳукмронлик қилганида Урганчда ўша давр фанининг энг машҳур намояндалари—ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн-Сино, ал-Хаммар ва бошқалар тўпландилар, улар Маъмун академиясини ташкил эттирди. Бу олимларнинг кўчилиши табиий фанлар билан шугуллансаларда, чорвачилик масалалари бўйича бизга ҳазиргама маълум бўлган адабий манбалар йўқ ҳисоби. Лекин академия аъзолари орасида чорвачилик масалалари билан қизиққан олим ҳам борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

XI аср ўрталарида Хоразм альжукларнинг кенг ва кучли давлати қарамлигига тушди, бу давлатнинг пойтахти Мари шаҳри бўлган. XII асрнинг охирида эса ҳукмронлик улуғ Хоразм шоҳлар сулоласига ўтди, уларнинг босқинчилик эвб-сати шунга олиб келдики, XIII асрнинг бошларида уларга қарайдиган ерлар мисли кўрилмаган даражага етди—ғарбда Озарбайжондан шарқда Ҳиндистонгача ва шимолда Сир-дарёдан жанубда форс қўлтигигача эгалланди.

XII асрда Хоразмда етук феодал жамияти қарор топган деб ҳисобланади.

XI асрдан XIII асрнинг бошларигача бўлган даврда Хоразм юксак иқтисодий чўққига кўтарилиб, айниқса қишлоқ хўжалигида дуруст натижаларга эришди.

Хоразмни халқаро савдо йўллари кесиб ўтди. Улар ёрдамида хоразмликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижий давлатларга чиқарганлар. Хоразм шоҳлар ҳукмронлик қилган бошқа туманлардан Хоразм воҳасига отлар, қорамол, қўйларнинг энг яхши зотлари келтирилган деб биз фараз қилсак мантиқли бўлади.

Уша даврда Хоразмга ташриф буюрган араб сайёҳи Ебул шундай ёзди: «Мен ҳеч қачон бундай одамий вилоятни кўрмаганман, Дунёда Хоразмдан мўл-кўлчилик бўйича устунилик қиладиган вилоят бор деб фараз қилмайман».

Хоразмда машҳур адабиётчи ва тилшунос ал-Замахшарий (XII аср), медицина, астрономия, математика бўйича қимматли асарлар муаллифлари Муҳаммад ибн-Умар, ал-Жоғрийий (XIII аср) ва бошқалардек кўзга кўринган олимлар яшаб ижод қилганлар.

1221 йили Хоразм мўғуллар томонидан босиб олинди. Улар Хоразм давлатининг ишлаб чиқариш кучларининг қўлчилик қисмини йўқотдилар ва хўжалик ривожланишини тўхта-ддилар. Лекин мўғулларга хоразмлик мард ўғлон Жалоладдин Маугуберди бошлиқ жангчилар биринчи зарба берди-лар. Кейинчалик Волгадаги Марказда Хоразм унинг тарки-бига, жанубий қисм — Чигатоё улуси таркибига қўшилди.

XIV асрнинг 60-нчи йиллари бошларида, Олтин Ўрдада бошланган жанжаллардан фойдаланиб, Шимолий Хоразм ундан чиқди ва «Кўнғирот» сулоласи ҳокими бошчилигида мустақил давлат бўлди. Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфи шимо-лий ва жанубий Хоразмни бирлаштиришни яқунлади. Хоразм иқтисоди яна ривожлана бошлади, қишлоқ хўжалиги, савдо юксалди, Ибн-Батута гувоҳлик қилишича, Хоразм қовунари

илгари ҳам катта мақтовларга сазовор бўлган, XIV асрда аввалгидек «Ҳиндистон ва Хитойнинг энг чекка ерларигача олиб борилган».⁸⁸

1372—1388 йилларидаги даврда Хоразм бошқа Ўрта Осиё давлатининг ҳукмрени — Темур билан кураш қилган, у 1388 йили Урганччи олди ва вайронага айлантирди.

Кейинчалик Хоразм бир неча марта қўлдан—қўлга ўтди ва ниҳоят, 1505 йили ўзбек хонларининг ҳокимлиги тамомила ўришилди. Қўл ўтмай мустақил ўзбек хонлиги—Хива хонлиги ташкил топди. Унинг таркибига туркманлар ҳам кирди.

П. П. Иванов⁸⁹ XV асрда Ўрта Осиёда «Тўқмоқ» номи билан маълум бўлган ўзбек чўлининг ички ҳаётини қуйидагича тасвирлайди.

Айрим қабилалар бошида, ўз ер - мулки чегарасида ўзини, қўлинча наслий асладолари турган, улар, асосан, маъмурий, сиёсий ва суд ҳокимлигини соҳиб бўлишган.

Унинг, одатда, яйловлар тўғрисида фармон берish ҳуқуқи бўлган, бу қўчманчиларнинг хўжалик ҳаётига унинг таъсирини қўнайтди. Енгилган қабилаларнинг моли-мулки одатда талон-тароққа учраган. Бу ижтимоий тартиб бир қабила ёмон эҳволга тушиши ва иккинчисининг кўтарилишини таъминлади. Чўлда шаклланган урф-одат у ёки бу сиёсий бирлашма бошида, айниқса агарда у анча катта бўлиб, мустақилликка таловон бўлса, албатта Чингизийлардан хон бўлишини талаб этган (маълумки айрим ўзбек қабилалари ўз обрўсини ошириш ва унинг билан бирга қўшилар устидан ҳукмронликни мустаҳкамлаш ниятида ўзларига ҳоким қилиб Чингизхоннинг авлодидан чақирганлар). Бундай хон ҳарбий тadbирларда ўзининг нўкар деб аталадиган хон қўшини, одатда хароб бўлган, ёлланма қўчманчиларга таянишга интилган. Хоннинг хизматкори сифатида нўкар от оз миқдорда совга олган, ҳолдаҳел маълум шарт асосида мол улуши берилган.

Шундай қилиб, бу даврда қадимги уруғдошлик муносабатларини анча тургун сарқитига қарамай, жамиятнинг феодаллашиш жараёни рўй берди.

Қўчманчи аҳоли йилнинг ҳар қандай мавсумида ҳам ўз моли ва бошқа мулки билан, масофани ҳисоблашмасдан, бир

⁸⁸. Очерклар. Кўрсатилган асар, 115-бет.

⁸⁹. П. П. Иванов, Ўрта Осиё тарихи бўйича очерклар (XVI—XIX асрнинг ўртаси), «Шарқий адабиёт» нашриёти, М., 1958, 23-бет.

жойдан иккинчи жойга кўчишда имкон берадиган ўзгача ҳаракатчанлик билан ажралиб турган. Шу билан бирга кўчманчи хоҳлаган вақтда ўзини одатдаги яйлов жойини ташлаб кетиши мумкин эди.

XIV—XVI асрлардаги шарқ тарихчиларининг маълумотлари шуни кўрсатадики чўлда у ёки бу номақбул олий ҳукмронга қарайдиган ҳудудларда аҳолининг бошқа ҳудудларга оммавий кўчиш одатдаги воқеа бўлган. Ҳаттоки кучли марказлашган ҳокимият ва унинг билан боғлиқ бўлган зўрлаш бошқармасининг йўқлиги эркинлик билан хўжаликни олиб бориш имкониятидан маҳрум бўлган ва шунинг учун ўз қабиласининг бой қисмидан иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган кўчишлик чўл аҳолисининг шахсий мустақиллиги таъминланмади. Бундан ташқари қабила жамоасининг ҳукмрон табақалари кўп сонли молга эга бўлган, XIV аср сайёҳларининг айтишича, айни пайтда унинг сони бир неча ўн минглаган бўлган ва яйловларни амалий равишда ўз қўлида тутиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бойлар чўл аҳолисининг фақат камбағаллашган қисмининг эмас, балки ўз давридаги кўчманчи чорвадорларнинг ҳаммасини ўзларига бўйсундирганлар.

Юқоридагилардан хулоса шуки, XIV—XV асрлар кўчманчи жамияти жуда мураккаб иқтисодий бирлик бўлган; унда янги пайдо бўлаётган феодал муносабатлари элементларини қадимги уруғдошлиқда яшаш шакллари билан бирга қўшилишни ўзига хос хусусият бўлган.

XIV—XV асрларда ўзбек чўлларининг кўчманчи аҳолиси қандай хўжалик ҳаёти ҳамда маданий-маънавий шароитларда яшаганлиги бизга етарли маълум эмас.

Пилнинг фаслига қараб молни кенг жойлардан кўчириш билан боғлиқ бўлган яйлов чорвачилиги хўжаликнинг асосий тармоғи бўлиб қолаверди.

Оила ва ҳаракатдаги бошқа мол-мулк аввалги, эр даврлардагидек ахталанган хўкинзлар, от ёки туя қўшилган 4 гилдиракли араваларда кўчирилган. Кўчишнинг бундай усули қозоқ ва нўғойлар орасида XVI асрда ҳам сақланиб қолди, кейинчалик эса у отда, туяда кўчириш билан алмашинди.

Темур эгаллик қилган ерлар таркибига жумладан жанубда Астрабоддан Хоразмгача (Хивагача), туркманлар эгаллаган туманлар кирарди. Шимолда XV асрда туркманлар бутун ўзининг тарихий давомидагидек бир-биридан мустақил, қатъ

қабилаларга бўлинган, улардан ҳар бири ажралган худудни эгаллаган ва ҳаёт кечирганлар.

Туркманларнинг асосий машғулоти яйлов чорвачилиги бўлган, шунинг учун ҳам улар кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Сугориладиган ерлар етарли бўлмаганлиги сабабли туркманлар орасида деҳқончилик суст ривожланган. шунинг учун ҳам қабилалар одам оёғи егиши қийин узоқ туманлардан яшаш жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

1723—1725 йилларда асосан туркманлар жойлашган Сирдарёнинг ўрта ва пастки оқимидаги деҳқончилик воҳаси ҳамда Орол дёвизи қирғоқлари Жўнгар истилосига учради.

Қорақалпоқларнинг ерлари шимолда қозоқлар билан, жанубда Бухоро хонлиги билан чегарадош бўлган. Қозоқлар хонлиги кўчманчи чорвачиликка асосланган, қорақалпоқлар эса ярим ўтроқ ҳолатда ҳаёт кечириб, сугорма деҳқончилиги, қорамол асраш ва балиқчилик билан шуғулланганлар. Қорақалпоқ савдогарлари деҳқончилик воҳалари (Бухоро ва Хива) ва қозоқ чўлининг кўчманчи аҳолиси ўртасида савдо воситачилари бўлиб хизмат қилдилар, улар Орол ўбеклари ва Хива билан савдо қилиб, бу ерларга мол, мўйнани юқорида эсга олинган Жўнгар истилоси сўнг «қўйи» деб аталмиш қорақалпоқлар Сир ва Амударёлар яқинида ўзлаштирилмаган ерларга, келгусида Хива хонлигига кўчиб ўтдилар ва XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бoshiларида ҳозирги Қорақалпоғистоннинг деярли бутун ҳудудини эгалладилар. XVII аср охири XVIII аср boshiларида қорақалпоқлар Жанадарёнинг ўрта ва пастки оқимидаги ерларда яшадилар, бу ерларда улар деҳқончиликтан бешқа қорамол асрани билан ҳам шуғулландилар.

Жанадарё ва Сирдарёларнинг қўйи қисмидаги қаминзорлар енгир ва илчи буқаларга туғанмас озуқа бўлиб хизмат қилди. Чорвачилик қорақалпоқларда деҳқончиликка боглиқ, деҳқончилик эса ўз навбатида қорамолнинг ерга ишлов беришда керак бўлган бош уловбоп кучига боглиқ бўлган.

Айрим қорақалпоқ феодаллари албатта, майда шоҳла молга (қўй, эчки) эга бўлганлар.⁹⁰

XVIII асрдаги қорақалпоқлар хўжалигининг Сирдарёда бўлган даврини тасвирлаб Н. П. Иванов хулоса қилади: «Қўйи вилоятни ўзига табиий хусусиятлари XVIII—XIX асрда қорақалпоқларга батамом кучини деҳқончиликка қаратиш-

⁹⁰ Очерклар. 148-бет.

га имкон бермади ва уларда хўжаликни бошқа тармогини — чорвачиликни ривожлантиришга имкон берди». Узоқ масофаларга кўчиш ва шу тариқа буқадан фойдаланиш имконияти йўқлиги, дарё қуйи қисмидаги қамишзорлар ҳозир ҳам кўй миқдорда босиб турган қамишни молнинг асосий озуқаси сифатида фойдаланишга қорақалпоқларни мажбур қилди. Бу ҳолат, эҳтимол, пода тартибига таъсир қилган бўлса керак, бунда қозоқ кўчманчи хўжаликка қарама-қарши, қорақалпоқлар хўжалигида жуда кам қўй ва эчки бўлиб қорамол устунлик қилган.

Қорақалпоқлар қиш фаслига қамишдан озуқа тайёрлашни амалга оширганлар.

Амударё қуйи қисмига ўтиб, улар ўзларининг хўжалик урф-одатларини сақлаб қолдилар. ҳаётларини ярим кўчманчи тарзда кечирганлар ва балки наир деҳқончилиги, қорамол боқиш ва балиқчилик билан шуғулланганлар.

Қорақалпоқлар Хива хонлигига ўзининг мулки билан мелини, аввало қорамолни, ўтказганлар деб фараз қилиш мантуқан тўғри бўлур эди.

XVI асрнинг биринчи ярмида туркман феодал уруғлик ҳукмрон табақаларининг ўзбек феодаллари билан бирлашиш жараёни бошланди, бу жараён келгусида янада кучли даражада майдаланишига, ажралишларига ва уларнинг устидан ўзбек феодаллари ҳукмронлиги мустаҳкамланишига олиб келди. Хива хонлиги туркман кўчманчи туманларига Болхон тоғлари ва Мангишлоқгача доимо динни етказиб берганлиги муҳим бўлган. Хива эса туркманлар учун қуллар билан савдо қилиш марказидан бири ва чорвачилик маҳсулотларини сотадиган бозор бўлган.

Қайд қилиш кераки, Жанубий Хоразм ўзбекларининг хўжалиги тўғрисида бизга кўп нарса номаълум. Лекин, шубҳасиз, қадим замонларда ҳам ҳозирги Хоразм вилояти худудида аҳоли ҳар доим чорвачиликдан кўра кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланганлар, чунки ҳозиргидек ўша даврларда ҳам бу ерда яйлов ерлари кам бўлган, чорвачилик учун эса катта яйлов майдонлари ҳамма вақт ҳам муҳимдир. Жанубий Хоразмда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зотларидан ташқари молларни асраш усуллари, озуқавий шaroитлар қадим замонларда ҳам XIX—XX асрнинг бошларидагидек бўлган, бу тўғрида қуйида баён қилинади.

XVI асрда воҳага кириб келган кўчманчи ўзбекларда ўт-

роқликка ўтиш бутунлай XIX асрнинг биринчи ярмида таъминланди.

Хоразм билан Россия ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқаларнинг бошланиши ўрта асрларга тўғри келади. XVI—XVII асрларда эса бу алоқа кенгайди, бунда Рус давлати Поволжье (Қозон 1552 йилда, Астрахань, 1556 йилда), Приуралье ва Грбий Сибирини қўшди.

Ўрта Осиё хонликлари Москвага ўзларининг элчиларини юбордилар, уларни яхши қабул қилдилар. Бошланаётган савдо алоқалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Шу маъсадда XVI ва XVII асрнинг бошлари давомида Россия хонликлари билан элчилар олишди. 1670 йилдан Хива билан алоқалар бошланди. 1700 йилда келган хивалик вакил — Пётр Великийга Шонивэзоннинг ёрлигини тоширди, унда у унга бўйсунадиган халқлар билан Россия фуқаролигига қабул қилишни илтимос қилган. 1716—1717 йилларда Пётр I князь А. Бекович—Черкасский бошчилигида экспедиция юборади, у Амударёнинг аввалги ўзани—Ўзбойни ўрганиши, уни сугориши имкониятини аниқлаши, кейинчалик эса Хоразм воҳасига кириб, Хива хонлиги билан савдо-дипломатик алоқаларни ўрнатилиши лозим эди. Лекин бу уриниш, маълумки, жуда аянчли йқунланди. Хива хони А. Бекович—Черкасскийни ўлдирди ва унинг аскарлари деярлик бутунлай қириб ташланди.

Лекин бунга қарамай савдо алоқалари тўхтамади. XIX аср бошларидан Россияда капиталистик муносабатлар ўсиши билан унинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо муносабатлари анча кенгайди.

XIX аср бошида Россия Ўрта Осиёга 988 минг сўмлик, XIX асрнинг биринчи чораги охирида 4390 минг сўмлик товар келтирган. Ўрта Осиёдан Россияга товар келтириш 2071 мингдан 5759 минг сўмга кўпайди.⁹¹

XVIII аср охирида Хоразм ўзбеклари Сирдарё қорақалпоқлари билан қизғин савдо алоқаларини олиб борганлар, улар «ярим кўчманчи тарзда турмуш кечирганлар ва, эҳтимол, кайр деҳқончилик қорамол асраш ва балиқчилик билан шугулланганлар».⁹²

XVIII—XIX асрлар маррасида қорақалпоқларнинг катта

91. Ўзбекистон халқларининг тарихи, II. I. Тошкент 1947, 215-бет

92. «Очерклар. Келтирилган асар, 153-бет.

гуруҳи дарёнинг қуйи ғарб қисмида, яъни Амударёнинг чап қирғоғида жойлашганлар. А. Е. Величко ўша вақтда ёзганидек, «қорақалпоқлар манзилгоҳларининг шимолий — ғарбий тумани анча кенг майдон бўлди. Кўҳна Урганч, Усть-юрт ва Қўнғирот ўртасидаги бутун пастлиқни қорақалпоқ кўчманчилири эгаллаганлар».⁹³

Қорақалпоқлар XVII аср охиридан XVIII аср ўрталаригача Спирдарёнинг ўрта ва пастки оқимидаги ҳудудда яшаганлар. Қozoқлар кенг чўллари эгаллаганлар, уларнинг хўжалиги учун катта радиусда кўчадиган кўчманчи чорвачилик ҳос бўлган.

Т. А. Жданко⁹⁴ Орол яқинида қомилега ярим ўтроқ хўжалиқнинг 3 турини ажратади.

Биринчисига у қумлик зонадаги чорвачилик устулик қилмаган, лекин донмий бўлмаган суғорма деҳқончиликни хўжалиқларни киритади. Бу хилга мисол қилиб туркманлар хўжалигини келтиради.

Иккинчи турга у дарёнинг қуйи туманларидаги деҳқончилик ва чорвачилик тенг нисбатда бўлган хўжалиқни киритган. Бу хилга у туркманлардан, «қўлдаги» йомутларни қўшган.

Учинчи турга деҳқончилик устулик қилган, лекин чорвачилик, кўпинча қорамол ҳам катта ролга эга бўлган хўжалик киритилган. Бу хилга қорақалпоқлар, туркманлардан эса «хизир» қабиласи хўжалиқлари киритилган.

М. Н. Богданов⁹⁵ XIX асрдаги воҳа аҳолисини тубандаги элементларга бўлади: ўзбеклар—воҳанинг маданиятли аҳолиси (культиваторлар), қорақалпоқлар—ўтроқ чорвадорлар, туркманлар, қирғизлар (қozoқлар—А. Б.)—ярим ўтроқ чорвадорлар.

Шундай қилиб, қорақалпоқлар деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик билан шугулланганлар. Қайд қилиш керакки, 1873 йили Хива хонлигининг ўнг қирғoқ қисми, асосан, қорақалпоқлар билан банд бўлиб, Россияга қўшилган ва Туркестон, генерал—губернаторлик таркибига киритилган. Чап қирғoқдаги қорақалпоқлар эса Хива хонлигида қолган. Улардан ташқари хонлик таркибида қozoқлар ғарбий, жану-

⁹³ Очерклар. Келтирилган асар, 158.

⁹⁴ Т. А. Жданко, Патриархал—феодал муносабатлар, СССР ФА нашриёти, 1957.

⁹⁵ М. Н. Богданов, Хива воҳаси ва Қизил-қум саҳроси табиғатларининг очерклари, Тошкент, 1882, 123-бет.

Сий қисмларида эса туркманлар яшаганлар.

Хива хонлигида ҳаммаси бўлиб 519437 нафар одам, шу жумладан ўзбеклар ва сартлар—366615, туркманлар—136640, қорақалпоқлар—19985, қозоқлардан—17610 нафар одам яшаган. Хонлик ҳудуди Россияга қўшилгунча (1873 йилгача) 148611,4 кв. м. ҳисобланган. Амударёнинг ўнг қирғоғи Россияга қўшилганидан сўнг 62225,8 кв. м. га камайган.⁹⁶

Кейинги йилларда Россия Ўрта Осиёда мол сотиладиган янги бозорларни бевосита босиб олишга киришди ва 1867 йилга келиб бу ҳудудда Туркистон генерал—губернаторлиги ташкил бўлди, кейинчалик Бухоро ва Қўқой бўйсундирилди. 1873 йили эса Хива хонлиги ҳам босиб олинди. 1873 йил 12 августда Россияни Хива хонлиги билан сулҳ шартномасига («Гандимён битими» Хива шаҳри яқинидаги қишлоқ номи билан аталади), қўл қўйилган.

Туркистоннинг босиб олиниши Россия учун сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унинг мустамлакачилик ва молиявий томондан қизиқиши катта бўлган. «Молиявий сиёсат нуқтаи назардан,— ёзади граф К. К. Пален; бу давлат даромад манбаи ва ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун янги бозордир».⁹⁷

Туркманлар Хива хонлиги тарихида XVI асрнинг бошларида ташкил қилинишидан бошлаб катта роль ўйнайдилар. Бу давлат ҳаётида туркманларнинг аҳамияти Хоразм воҳасининг сугорма ерларига аста-секинлик билан юриш ва ўтириш жараёнида кучайберган.

XIX аср охири—XX аср бошларидаги маълумотларга кўра, Хоразм воҳаси аҳолисининг 21—23 фоизини туркманлар ташкил этиб, улар аҳоли сони бўйича иккинчи этник гуруҳ бўлганлар.

Мангишлоқ, Устюрт ва Қорақумнинг кенг қумликларида яшаган туркман қабилалари, хўжалик ва сиёсий жиҳатдан қадимдан Хоразм воҳаси билан яқиндан алоқада эдилар. Хоразмда чорвачилик маҳсулотларини донга ва шаҳарлик хўрнамандлар ишлаган нарсаларга алмашганлар. Совуқ қишда улар ўз подалари билан Хоразм воҳасининг четларига

⁹⁶ Р. Косбергенов, XIX асрнинг охирида—XX аср бошларида Хива хонлигида қорақалпоқ аҳолисининг аҳволи, Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг асарлари, III, Т. 214-бет.

⁹⁷ Туркменистондаги халқ хўжалигини таърифлаш учун маълумотлар, биринчи қисм, биринчи бўлим, С. П. 1911, муқаддима.

кўчиб келганлар, бу ерда молга хашак топиш енгилроқ бўлган. Туркман қабилаларининг сиёсий тарихи Хоразм тарихида ажралмасдир.

Туркман қабилалари асосий қисмининг Ғарбий Туркманистондан деҳқончилик воҳаларига бўлган ҳаракати XVI асрнинг ўрталарида бошланди ва икки томонлама ўтди—Хоразмга ва Копет-Дог тоғ этакларига. Ҳар хил сабаблар бу ҳаракатга ундаган ва унга имконият тугдирган. Мангишлоқ, Устюрт ва Қорақумнинг камҳосил яйловларида хашак ва сувнинг етишмаслиги чорвачилик ривожланишини чегаралаган ва туркманларни хўжаликнинг бошқа турлари кўпинча, баллиқчилик ва овчилик ва кам даражада деҳқончилик билан бирга кўшиб олиб боришга мажбур қилган.

Чорвачилик маҳсулотларининг етишмовчилигини туркманлар деҳқончилик воҳасидан келтирилган дон билан тўлдирганлар. Лекин фақат шулар туркманларнинг воҳага кўчишига сабаб бўлмаган. Амударё оқимининг ўзгариши натижасида содир бўлган сувнинг таққислиги ҳам уларни ўтроқ ҳолатини содир қилди.

Кўпчилик шимолий туркман қабилалари учун ўзларидан кучли кўчманчиларнинг XVI асрда—ногайларни, XVII асрда—қолмиқларни, XVIII аср ва XIX аср бошларида—қозоқларнинг ҳужумлари уларнинг кўчишига бевосита туртки бўлди; улар билан курашда туркман қабилалари фақат ўзларининг ерларини йўқотдилар, жануб ва шарққа чекинтирибгина қолмай, кўп ҳолларда батамом талашга йўлиққан ва молдан ажралган, буларнинг ҳаммаси уларни воҳаларга кўчишга мажбур қилган.

Хива хонларининг туркманларга қарши юришлари ҳам уларнинг ўтроқ яшашга ўтишларида муҳим роль ўйнади.⁹⁵

XX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИ

XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлиги чор Россиясига қарам феодал давлат деб тасарруф қилинган.

1874 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги, Россияга ўтган ерларда Сирдарё вилояти таркибига кирган Амударё бўлими таъкид қилинган. Ўша пайтда Хива хонлигининг аҳолиси 800 минг кишидан зиёд бўлган, шу жумладан ўзбеклар —

⁹⁵ Ю. Э. Брегелъ, Хоразм туркманлари XIX асрда, М. 1961.

60%, туркманлар—26,8% қорақалпоқлар, қозоқлар, араблар, эронийлар ва бошқалар—13,2%. Аввалгидек Хива хонлиги асосан қишлоқ хўжалик ўлкаси бўлиб қолаверди, бу ерда 90% аҳоли қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган.

Деҳқонлар дончилик, пахтачилик, богдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва бошқа ҳар хил касблар билан банд эди. Хива хонлигининг иқтисодий манбаини суғорма деҳқончилик ташкил қилган.⁹⁹

XIX аср охири—XX аср бoshларида давлат ўз қўлида бутун ер-мулкнинг учдан бир қисmini тўплаган. Қишлоқ хўжалик ер-мулки билан бир қаторда, бунга Қорақум ва Қизилқумлар, кўп сонли кўллар ва ҳоказо жуда кўп майдонлар кирган.

XIX асрнинг охириги чорагида товар-пул муносабатларининг ривожланishi хонлидаги деҳқончилик туманларининг иқтисодланishiга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтиришга имкон берди.

Хива хонлиги 2 туманга (шимолий ва жанубий) бўлинган, буларнинг ҳар бирида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биттаси устунлик қилган.

Шимолий туманга Амударёнинг қуйи қисмидаги ва оролардаги ерлар кирган. Ер бу туманда деҳқончиликка яроқсиз эди. Амударёнинг ҳар йилиги тошини кўпгина кўллар ва ботқоқликлар ҳосил бўлишига олиб келди. Шимолий доирада ернинг катта қисмлари яйлов сифатида фойдаланилди. Ҳар йили бу ерга Россиянинг фуқаролари—қозоқлар ўз подалари билан келганлар. Шунинг учун ҳам бу ердаги аҳоли чорвачилик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Чорвачилик маҳсулотларига бўлган катта талаб, савдо муносабатларига аста-секинлик билан йирик чорвадор ер эгаларини ҳам тортиди.

Жанубий ҳудуд—60% га яқин аҳоли яшайдиган бу ер кўпинча деҳқончилик туманларини бирлаштирган. Бу туманда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқлари—пахтачилик, пиллачилик ва қорақўлчилик ривожланган.

Юқорида айтилганидек, чорвачилик кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг асосий иши бўлган. Гиршфельд ва Галкинлар маълумотларига кўра,¹⁰⁰ чорвачилик билан кўрилат-

⁹⁹ А. С. Содиқов. Революциядан олдинги Хивада деҳқонларнинг аҳоли тўғрисидаги айрим маълумотлар. ОДУ асарлари, янги серия, 140 нашр, 1958.

¹⁰⁰ Гиршфельд ва Галкин. Хива хонлигининг ҳарбий-статистик тасвири, II қисм, Тошкент, 1902, 126-бет.

ган даврда 5,9% ёки 30515 киши шугулланган, шулардан 50,2% туркиманлар, 25,8% — қozoқлар, 24% — қoraқалпоқлар эди.

Чорвадорларда феодал ер мулки кўпинча жамоа ер эгалари билан ишқобланган, чунки улар жамоа билан кўчганлар.¹ Лекин бу бейларга, оталиқларга, оқсоқолларга яйловларни ва бошқа ерларни тўлиқ бошқаришга тўсиқчилик қилмаган.

Ер-мулк эгалари қудуқларидаги сувдан фойдаланиши учун унинг хўжайинига деҳқонлар маҳсулот ёки пул тўлашлари лозим эди. Масалан, Кўхна Урганч туманидаги мулкдор ўзининг қудуқларидаги сувдан фойдаланилигани учун 27 кўй ва 4 туя ундирган.

Бейлар, оталиқлар, бахшилар, катхудолар ва бошқа бадавлат чорвадор хўжаликлар йирик подаларга ва яйловларга эга бўлганлар. Яйлови ва ери бўлмаган камқувват хўжаликлар катта хўжаликларга қўшилишига мажбур бўлганлар. Аул жаммасининг аъзолари феодал мулкидан фойдаланганлиги учун ҳар хил тўлашларга мажбур бўлганлар.

Уругдош чорвадорлар, кўмак, саун (камбағалларга боқиб учун мол бериш) баҳонаси билан ҳосилини йиғиштирганлар, хашак жамғоринида ишлаганлар, қўйларни қирққанлар ва ҳоказо.

Маҳсулот рентаси ҳам — оғайничилик, молқосар (бей, оталиқ учун мол сўйиш), сабиталар ҳам ўзига яраша фойдаланилган, улар зиёфатларга кетган ҳаржларни қоплаш учун бей, оталиқда «ёрдам» бериш баҳонаси билан феодал фойдасига йиғилган.

Бадавлат чорвадорлар чўпонларни камбағаллашган хўжаликларда асоратга солувчи оғир шартлар билан ишга ёллаганлар.

Йирик феодал — мол эгалари солиқлардан озод қилинганлар, солиқнинг асосий оғирлиги хон хазинасига «закоат», «салғит — кесим» «чўп-пули», «чангара» (ўтов солиғи) каби солиқ тўлаган ва ҳар хил меҳнат шартлари бўлган камқувват хўжаликларга тушган.

Россиянинг Оренбург ўлкаси орқали Хива билан савдоси фақат мол алмашиш хусусиятга эга бўлган. Хивадан Россияга (1804-1827 йиллари) пахта хом ашёси, кўн товарлари, без, шпак газламаси, тери чиқарилган. Хива билан савдонинг анча қисми Манғишлоқ ва Астрахан орқали амалга оширилган.

¹01. Е. В. Бунақов. XIX асрда Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатларининг тарихига доир, «Совет шарқшунослиги», П. СССР ФА нашриёти, М-Л, 1941, 15-бет.

тери чиқарилган. Хива билан савдонинг аьча қисми Манғиш-
лоқ ва Астрахан орқали амалга оширилган.¹⁰¹

XIX аср охири—XX аср бошларида чорвачиликнинг мулк
ахамияти ошади. Хонлиқга ҳар йили туркманлар Закаспий
ендолятидан 42 минггача, Хива савдогарлари эса—75 мингдан
102 минг гача қўй келтирганлар.¹⁰² 90-йиллар охирида савдода-
ги товар айирбошлаш 70 минг сўмни ташкил қилди.

Чорвачилик маҳсулотларини ташқарига чиқариш аста-се-
кин кўпаяборди: тери, қорақўл териси, жуи, сарийғ ва ҳо-
назолар кўплаб олиб кетилган. Ҳаммаси бўлиб чорвачилик
маҳсулотлари чиқарилди: 1893 йили 379774 сўмга (бутун
экспортнинг 44%), 1894 йили 316 минг сўмга (16%), 1899
йили—264 минг сўмга (11%).

Колониал даврдан (1873 йил) олдинги йилларга қараганда
90-чи йилларда чорвачилик маҳсулотларини ташқарига чи-
қариш 12-15 марта кўпайди.¹⁰³

Аста-секинлик билан Хива воҳасидаги туманлар бўйича
чорвачиликни ихтисослаштириш мўлжалланади: шимоллий
доирада— гўшт—сутчилик, жанубда —қўйчилик (думбали ва
қорақўл қўйларини боқиб). Хонлиқнинг Шимоллий доирасида
60% дан зиёд қорамол бўлган, Жанубда эса бутун думбали
қўйларининг тахминан 70% ва қорақўл қўйларининг 80%,
уларнинг 40% дан зиёди Ҳазорасп бекчилигида.¹⁰⁴

Туячилик—чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган. Темір-
йўллар бўлмаганлиги туфайли ташқарига чиқариладиган ва
хонлиқка келтириладиган юкларнинг учдан икки қисми туялар
ёрдамида бажарилган.

Хива иқтисодига Россия маблағининг кириб келиши гўшт
—сутчилик чорвачилигининг ривожланишига имкон берди.
Табиурал хўжаликларни бузилишига ва уларни аста-секинлик
билан товар хўжалигига айланишига, зиёд маҳсулот ишлаб
чиқарилишига олиб келди. Товар-пул муносабатларининг ри-
вожланиши билан чорвачилик хўжаликларида ҳукм сурган
патриархал—феодал муносабатлари бузила бошланди.

102. Гиришфельд ва Галкин. Келтирилган асар, 172-бет.

103. ЁзССР МДА, Ф, ОП, П, иш 827. 15-18-бетлар, 1294
иш, 86-бет.

104. А. Содиқов. Келтирилган асар, 40-бет.

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЧОРВАЧИЛИГИ

Юқорида айтилганидек, қорақалпоқ халқининг асосий қисми XVII асрдан XVIII асрнинг ўрталаригача Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидаги ҳудудда яшаганлар. Қорақалпоқлар кичик жуздаги қозоқлар билан қўшни яшаб қозоқ хонларининг иқтисодий ва сиёсий қарамида бўлганлар. Улар ярим кўчманчи бўлиб ҳаёт кечиринган; чорвачилик, деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғулланганлар. Бундай комплекс хўжалик қорақалпоқларда қадим замонлардан ташкил топган.

Қорақалпоқлар хўжалигида деҳқончиликдан сўнг чорвачилик иккинчи тармоқ бўлган. Қозоқлар, асосан, йил мобайнида ўз оёғи билан ўтлайдиган қўй, от ва туяларни боққан бўлсалар, қорақалпоқлар фақат ёз фаслида ўз оёғида ўтлагаи қорамол сақлаганлар, қишда эса улар учун хашак тайёрлаш керак эди.

Шундай қилиб, қорақалпоқларда—чорвачилик деҳқончиликдан, деҳқончилик эса, ўз навбатида, ерга ишлов беришдаги асосий уловбоп куч—қорамол сақлашишга боғлиқ эди.

Қорақалпоқ тузилмасидаги комплекс хўжаликнинг хусусиятлари миллий маталда ўз аксини топган эди: «Уч ой—сут, уч ой—қовунлар, уч ой—қади, уч ой—балиқ—бир амаллаб кун кечирамиз».

XVIII асрнинг бошларида «қуйи» қорақалпоқларнинг асосий қисми олинроққа—жанубий-ғарбга, Хива чегарасига чекиниб, кўпинча Кувандарё ва Жанидарё орасидаги ва қисман Амударёнинг шарқий қуйи қисмидаги ҳудудда йнгилабашладилар. Бу ерда Сирдарё яқинидагидек деҳқончиликнинг етакчилигида кўпроқ қорамол урчитиш билан шуғулланувчи чорвачилик ривожланган.

XIX аср бошларида хўжалик комплекс шаклда бўлган, бу ўз навбатида деҳқончиликнинг ўзгарувчанлигини тўлдирган ва Амударёнинг сув шароитида сугорма шохобчалари ва ерларни ўзлаштиришдаги барқарорлик бўлмаганлиги туфайли фалокатга учраганда очликдан қутқаришга ёрдамлашган.

Чорвачиликни бошқариш усуллари қорақалпоқлар Сирдарёда яшаган вақтларидагидек бўлиб қолди. Ёздаги кўчмачилар, асосан, пода ва отарларни яхши ёзги яйловларга ўтказиш билан боғлиқ бўлиб қолган.

Хива хонлиги чор Россияси томонидан босиб олинганидан (1878 йил) ва Амударё бўлими ташкил қилингандан сўнг чорвачиликни ривожлантириш бўйича айрим чора-тадбирлар

дабул қилинди. Кўпроқ даромад келтирувчи моллар—қўйлар-
ниж қорақўл, майин жули ва сутбоп қорамол зотларини асраш-
га алоҳида эътибор берилди. Шу нуқтан-назардан Туркистон ге-
нерал-губернатори Кауфманинг Туркистон ўлкасида наму-
нали қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш фарозини тушуниш
мумкин. Бунинг натижасида Хива хонлигига немис-меннонит-
лар кўчиб ўтганлар.

Амударё бўлимида қорақўл ва майин жули қўйларнинг
сони 1900 йилдаги 75 минг бешдан, 1914 йилдаги 82,3 минг
бошгача, 1913 йилда эса—97.6 минг бошгача кўпайди.¹⁰⁵

Қорамол бош сони ҳам бирмунча кўпайди: 1902 йилда
у 74,5 минг беш бўлган бўлса,¹⁰⁶ 1913 йили 85,7 минг
бошга етди.¹⁰⁷

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида чорвачиликнинг бошқа
турлари билан бир қаторда сариёғ ҳам четга чиқариладиган ашё
бўлди. Фақат Чимбой туманидан чет эл бозорига йилига 3
минг пуд сариёғ отказиб берилган.¹⁰⁸

XIX асрнинг биринчи ярмида қорамол урчигини қорақалпоқ-
лар хўжалигининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Буни шу
йилларнинг шоҳидлари ва текширувчиларининг кўпгина фикр-
лари кўрсатади. «Мол уларда қуйидагича,—деб ёзади Риза
Қули Мирза,—отлар ишчи куч сифатида фойдаланиладиган
шоҳли мол ва қўл бўлмаган қўй, туллар дярли йўқ, агар-
да бир ёки иккиси кўришиб қолса, бу ерда бой одамларнинг
бириники бўлиб чиқади».¹⁰⁹

«Қорақалпоқларнинг касби —деб ёзади М. Н. Богданов,—
қорамол сақлаш... қорамол қорақалпоқларнинг асосий бойли-
гидир». Унинг фикрича «қорамол қўртларнинг чақишига чи-
дамли, шунинг учун ҳам қорақалпоқлар ўз чорвачилигини мол-
нинг фақат битта шу тури билан чегаралашга мажбур
бўлганлар».¹¹⁰

¹⁰⁵ Сирдарё вилоятининг 1911 йил бўйича маълумоти,
Тошкент, 1913, 60-65-бетлар.

¹⁰⁶ Очерклар. Келтирилган асар, 231-бет.

¹⁰⁷ Сирдарё вилоятининг 1913 йил бўйича маълумоти
Тошкент, 1913, 38-45-бетлар.

¹⁰⁸ Ж. Уббиниязов. Қорақалпоқлар хўжалиги 36-бет.

¹⁰⁹ Риза қули Мирза. Амударё бўлимининг қисқача очер-
ки. Спб. 1875.

¹¹⁰ М. Н. Богданов. Хива воҳаси ва Қизилқум табиётининг
очерклари, Тошкент, 1882, 116, 374-бетлар.

Қорақалпоқлар қорамол боқишда Амударё қўйи туманлари эга бўлган шебатан чегараланган озунавий манбалардан фойдаланганлар. Бундай муносабатда қорақалпоқлар чорвачилиги қозоқларникидан кескин ажралган, чуқки, маълум бўлишича, қозоқларда беш ролли хўжалиқнинг яйлов-кўчманчи системаси билан боғлиқ бўлган қўйчилик ва қисман йилчилик ўйнаган. «Қорақалпоқ туманлари, — деб ёзади П. П. Иванов — Хива бозорларига қорамолни асосий сўказувчилари бўлганлар, қозоқ ва туркманлар эса бу ерда ўзларининг қўйлари, отлари ва туяларини сотганлар».¹¹¹

Қорақалпоқлар хўжалигида қорамолнинг устунлигини Хивадаги солиқлар рўйхати ҳам кўрсатади. Уларда жуда кўп қорамол бўлганлар учрайди, шунинг билан бирга қўйи, эчкиси бўлганлар деярли йўқдир.

Кўчманчи қорақалпоқларда уй моллари подасининг таркиби туманларнинг табиий-иқлим шароитларига (қурт-қумурсқа, сув йўллари ва ҳоказо) боғлиқ бўлган.

«...Шунинг билан бирга ҳар хил турдаги сўт ва нон кўчманчи қорақалпоқларда миллий таомлар ҳисобланади, шунинг учун ҳам биз уларда қорамолнинг катта подаларини учратамиз» — деб хабар қилади А. В. Каульбарс.¹¹² Кўчманчи қорақалпоқларда қўй ва эчкилар подаси кўп сонлидир.

Кўчманчиларга улар жун, сўт, гўшт берганлар ва демак уларни уй-рўзгорига маълум зарурийликни ташкил қилганлар. Бундан ташқари қўй ва эчкилар Амударё қўйи бозорларида алмашиш товари бўлиб хизмат қилганлар.

М. П. Данилевский¹¹³ «қўшни хонлик (Хива) чегарасида кўп юрган қорақалпоқлар, қорамол, қўй ва туядан иборат бўлган дурустгина чорвачиликка эгадирлар — биринчиси кўпроқ» — деб ёзган.

Хива хонларининг 1872 йилга доир 52-сонли дафтарига қорақалпоқларнинг 13 қуренида (қўш ташлаган жой), қорақалпоқ ва қозоқларнинг 115237 бош қорамолни бўлган, (Хива давлат ҳужжатлари, 71-бет). Бу дафтардаги рўйхат бўйича

¹¹¹ П. П. Иванов. Қорақалпоқлар тўғрисидаги янги маълумотлар, «Совет шарқшунослиги», III, 1945, М—Л, 69-бет.

¹¹² А. В. Каульбарс. 1873 йилги шахсий кузатишлар бўйича тасвирланган. Амударёнинг қўйи қисми, император рус жуғрафик жамият ёзувлари, 9, СПб, 1881, 546-бет.

¹¹³ М. П. Данилевский, Қорақалпоқистоннинг қадимги ерлари ва уларни ўзлаштириш истиқболлари, «Қарақалпоқия» тўплами, С. 1934.

ҳисоблаганда фақат 2650 бош қорамол қozoқларники бўлиб чиққан.¹¹⁴

Туя улар учун кўчиш пайтида транспорт воситаси сифатида хизмат қилган, сут, жун ва ҳар хил оғир юкларни карвон йўлларида ўтказилиши учун олинадиган даромаднинг берган. Туяларни ўрчатишнинг асосий тумани Қизилқум, Устюрт ва уларга яқин жойлашган Амударёнинг қуйи қисмидаги қумлоқ жойлар бўлган.

Хоразм воҳасида 104450 бош туя бўлган, улардан Амударё бўлимида 13100, Хива хонлигида эса 91350 бош. Қozoқлар, кўпинча, икки ўрқачли (айиртуя), намроқ бир ўрқачли (нор) туяларни асраганлар. Кейингиларни туркманлар боққанлар.¹¹⁵

Оғлар кўчманчи қoрақалпоқларнинг уй моллари ичида охириги ўрнини эгаллаганлар. Уларнинг энг бойлари 15-20 дан зиёд от сақламаганлар.

ҚУЙИ АМУДАРЁДАГИ ҚOZOҚЛАРНИНГ ЧОРВАЧИЛИК ХҲЖАЛИГИ

Ушбу масала тарихий нуқтаи—назардан У. Х. Шалекенов¹¹⁶ томонидан батафсил ўрганилган. Унинг маълумотлари бўйича Амударё қуйи қисмидаги қozoқларда деҳқончилик кўчманчи ва ярым кўчманчи чорвачилик билан бирга қўшиб олиб борилган. Бу ерларда чорвачилик экстенсив ҳолатда бўлган.

Аста-секинлик билан ўтроқ ҳолатга ўтабориш натижасида қozoқларда хўжаликнинг комплекс хили юзага келди.

Чорвачилик билан бир қаторда улар деҳқончилик ҳам Орол қирғoқлари ва дарёнинг қуйи қисмида—балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Хоразм қozoқларининг фақат озгина қисми Амударё қуйи қисмида ўрнашганлар, сўнг кўчманчи ва ярым кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Қozoқларнинг бу қисмига Қизилқумнинг гарбий қисмида Жанадарёда, қисман Ойбугир бўғозида ва Устюртда кўчманчи бўлганлари киради. Уларнинг асосий касби — чорвачилик. Бу қozoқларнинг ҳаёти, бошқа кўчманчиларникидек,

114. С. Камалов, XVIII—XIX асрдаги қoрақалпоқлар (Ўрта Осиё хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихига оид) «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968, 100-бет.

115. Гиришфельд ва Галкин, Келтирилган асар, 175-бет.

116. У. Х. Шалекенов, Амударё қуйи қисмидаги қozoқлар «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966.

молга боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам тасодифий эмасми, қозоқлар саломлашганларида бир-бирларидан «мол ҳам жондэринг аманба?» деб сўрашишган. Шу тўғрида Ч. Ч. Валихонов¹¹⁷ ёзади. «Қирғизни саломлашиши ҳам ўзгача—сени молнинг ва оиланг согми? Қирғизнинг фаровонлик ва бахт манбаи бўлган мол—оиласидан ҳам зиёд эканлиги тушунарлидир. Хотин молда, болалар—сенга—дейди қирғиз мақоли».

Оролга яқин яшаган қозоқлар Амударё қуйи қисмида ўрнашганларидан сўнг улар ўтроқ ва ярим ўтроқ яшаб қўшнилари билан яқин алоқада бўла бошладилар. Чорвачилик уларда энди деҳқончилик билан қўшилди ва ўзини етакчи соҳа сифатида аҳамиятини йўқотди. Хива хонлиги ҳудудида юқориди айтилганидек, кенг яйловлар Устюрт платосининг шарқий қисмида ҳисобламаганда деярли йўқ эди. Лекин бу яйловларда Хива хонлигини Қўқча Урганч, Шўманой ва Қўнғирот бекчилигида яшаган фақат адай уруғидан бўлган йирик мол эгалари ва феодаллар кўчиб мол боққанлар.

Куз килиши билан улар қиш юмшоқроқ ва мол учун яйлов ўти қўл бўлган Амударё қуйи қисмидан қайтиб келганлар. Бу кўчманчилар маълум масофада жойлашган ўзларининг қудуқларига эга бўлганлар.

«Устюрт туя ва қўйлари озиқлантириб қўймай, унга ўргатилган адай отларини ҳам боқадиган нуқул қора шувоқ билан қонланган. Нўғай қабилаларидан қолган шунда чуқур қудуқлардаги мазали бўлмаган сув, одамларга хизмат қилди. Мол эса қишги яйловда қорли шувоқни ейди».¹¹⁸

Қизилқумнинг Ғарбий қисми Хива ўлкасига қараган, бу ерда кичик жуз қозоқлари кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Улар чорвачилик билан шуғулланиб, қисқа масофаларда, керак бўлишига қараб у қудуқдан бу қудуққа кўчиб мол боққанлар. Қизилқумлик чорвадор—қозоқлар Бухоро амири фуқаролигида бўлганлар. Устюртлик биродарларидек, қизилқумлик қозоқлар қўй, эчки ва туя асраганлар. Улар от ва қорамол ўстириш билан деярли шуғулланишмаган. Буни қумлик ерларда бу молларга ўт бўлмаганлиги билан ҳамда шунинг биланки, Хива хонлари қорамондаги қозоқларни хўжаликка ҳамма нарса—гўшт, сут, кийим, жун ва ҳоказоларни бе-

¹¹⁷ Ч. Ч. Валихонов. Танланган асарлар, Олма-Ота, 1958. 293-бет.

¹¹⁸ А. К. Гейннинг адабий асарлари тўплами, 1 том, Спб, 1897, 147-бет.

рувчи қўйчилик ихтисослаштирилганлиги билан тушунтирилади.

Шубҳасиз, бунга қоракўл терисини ҳам қўйини керак. Қўйчилик катта товар аҳамиятига эга бўлган. Бунд Урта Осиё савдоси тарихининг таниқли тадқиқотчиси А. А. Тетеревнинов қайд қилган:

«Қирғизнинг (қозоқнинг — У. Ш.) иқтисодий турмушида қўй энг муҳим роль ўйнайди. Бу мол рус ҳамда Урта Осиё савдогарлари томонидан юқори баҳоланади».¹¹⁹

Амударё қўйи қисмида яшаган ўтроқ ва яримўтроқ қозоқлар ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар. Лекин бу ердаги хўжаликда у бош ролини ўйнамаган. Агарда четий қозоқлар хўжалигида қўй, эчки ва туя устунлик қилган бўлса, ўтроқ қозоқларда—қорамол ва от устунлик қилган.

ХОРАЗМ ТУРКМАНЛАРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Хива хонлиги аҳолисининг учдан бир қисмидан камроғи (26,8%) туркманлардан иборат бўлган.¹²⁰ Улар хонлик четларида, қум билан маданий ерларнинг чегарасида яшаб, асосий сўғоринш кавалларнинг қўйи қисмини эгаллаганлар.

Туркманлар ярим кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Уларнинг бир қисми деҳқончилик, иккинчиси—чорвачилик билан шуғулланган. Уларнинг анчаси қадимдан Хива хонлигининг ҳарбий қўшинларида отлик навкарлар бўлиб хизмат қилганлар.¹²¹

Юқорида айтилганидек, Хоразмга туркманларнинг бир неча қабилалари кўчганлар. Хўжалик белгилари бўйича улар бир-биревидан анча фарқ қилганлар. Агарда Хоразмга Маиғишлойдан, Болхандан ва Ғарбий Қорақумдан XIX асрнинг бошларида келган йомудлар, асосан, ҳали кўчманчи бўлиб, уларнинг хўжалигида чорвачилик устунлик қилган бўлса, жанубдан айрим қабилалар (қорадошли, чўкленлар, али-или ва Бухородан (со-

¹¹⁹ У. Х. Шалекенов. Келтирилган асар. 112-бет.

¹²⁰ П. В. Погорельский, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги (1873—1917 йил) Хива хонлигининг иқтисодий ва сийсий тарихининг очерки, Ленинград дорилфундузининг нашри, 1968.

¹²¹ Қорақалпоғистон, АССР тарихининг очерклари, I том, Тошкент, 1964, 253—254-бетлар.

келганлар кўжалигида деҳқончилик, эҳтимол, етатчи роль ўйнай бошлаган.¹²²

Улар ўртасида оралиқ ҳолатни, эҳтимол, чоударлар эгаллаганлар.

Уларда Хива хонлигига кўчишидан олдин ҳам, йомудлардан моли кам бўлган, кўжалигида Каспий денгизида балиқчилик ва тюлень овлаш ҳар доим анча ўринни эгаллаган. XVIII аср охирида XIX аср бошларида эса Орол яқинига кўчиб ўтган чорвадорларнинг бир қисми кенг ҳайдаладиган ерларга эгалик қилдилар.

Ота, арабчи ва ших кичик қабилалар бошқалардан кўпроқ кўчманчи бўлиб қолганлар. Улар қисман фақат XIX аср ўрталарида ўтроқ ҳолатга ўтишга бошладилар, қисман эса XIX асрда ҳам кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Шундай қилиб, Хоразмга XIX асрда кўчиб ўтган туркман қабилаларидан кўпчилиги биринчи навбатда икки энг йирини—йомудлар ва чоударлар—кўчиш пайтида, асосан, кўчманчи—чорвадор бўлганлар.¹²³

Хоразм туркманларининг кўжалиги тўғрисидаги 1873 йилгача бўлган маълумотлар жуда камлиги ва қарама-қаршилигини афсус билан қайд қилиш керак.

Г. М. Данилевский маълумотларига кўра, Марв ва Саракс райониди кўчманчилик қилувчи туркманлар туяларни кўпроқ, қўйларни эса кам сақлайдилар. Ҳатто бой туркманда ҳам 1000 бошдан зиёд қўй сони камдан-кам учраган, лекин уларнинг кўпчилигида 200 бош ва ундан ҳам кўп туя бўлган.¹²⁴ «Қорамол ва оддий зотли отлар бўйича туркманлар камбағалдир», —деб ёзади муаллиф. Шунинг билан у ўтроқ хонлик доирасида кўчманчилик қилувчи туркманлар қорақалпоқлардек, қорамол, қўй ва туялардан таркиб топган дурустгина чорвачиликка эга деб тасдиқлайди.

Албатта М. И. Иванови¹²⁵ сўзлари бўйича, туркманлар эгаллик ва чорвачилик билан, айниқса отчилик билан шуғулланадилар. Уларнинг кўпчилиги деҳқончилик ишлари тасм бўлганидан сўнг кўчманчи ҳаёт кечирадилар.

А. Вамбери сафар таассуротларида Ғозовот туманидаги

¹²² Ю. Э. Брегель, Хоразм туркманлари XIX асрда, Шарқий Оврўло нашриёти, М, 1961, 45 - бет.

¹²³ Ю. Э. Брегель, Келтирилган асар, 50-бет.

¹²⁴ Г. М. Данилевский, Келтирилган асар, 91-бет.

¹²⁵ М. И. Иванови, 1839—1840 йил Хивага қилинган қишги сафарининг баъни, Спб, 1874, 39-бет.

(Хоразм вилоятининг Қўшқўшир тумани худуди) «Ярим ўтроқ туркманлар»ни тилга олади.¹²⁶

1873 йилдан сўнг Хива хонлиги тўғрисидаги ёзишмаларда туркманларда ўзбекларга қараганда деҳқончилик унчалик ривожланмаганлиги, уларда чорвачилик каттароқ аҳамиятга эга эли, туркманлар «ярим кўчманчи» ҳаёт кечираётганлиги ва ҳали ҳам кўчманчи турмушининг анча таркибий қисmini сақлаб қолганликлари қайд қилинди.^{127, 128}

Хивалик йилномалар XIX асрнинг 50-, 60-йилларида Хива хонларининг қўзғолон қилган туркманлар билан курашини воситаларидан энг асосийси, уларни бозорларга киришини ман этишдан иборат бўлган деб хабар қиладилар.¹²⁹

Шундан қўриниб турибдики, кўпчилик Хоразм туркманлари XIX асрнинг биринчи ярмида, асосан, ҳали барқарор топган ўтроқлик ҳолатга эга бўлмаганлар ва уларнинг хўжалигида чорвачилик (ярим кўчманчи ёки ййловда боқиб шайлида) анча муҳим роль ўйнаган.

Етарли бўлмаган манбалар асосида XIX асрнинг охири — XX аср бошларида Хоразм туркманларининг пода таркибида қўйлар устунлик қилган, иккинчи ўринда—қорамол, кейинчалик туя ва отлар бўлган деб фикр юргизиш мумкин.

«Шубҳасиз, XIX аср бошларида—деб ёзди Ю. Э. Брегель,¹³⁰—туркманларда қорамол кам бўлган, лекин туялар анча кўп бўлган бўлса керак», лекин XIX асрнинг ўрталарига келиб, Г. М. Данилевский таърифича, «ўтроқ хонлик доирасида кўчманчилик қилувчи туркманларда қорақалпоқларга ўхшаб, қорамол ҳаммасидан кўп бўлган». Бу ерда муаллиф, шубҳасиз, Сариқамиш туманида Лаузанга яқинроқ яшаган туркман қабилаларни назарда тутган бўлса керак.

Кўчманчилик билан турмуш кечираётган туркманларда қорамол бўлмаган.

XIX аср охирида Хоразм туркманларининг ҳар бир оиласида ўртача ўзбекларга нисбатан қорамол кўп бўлган. Лекин XIX асрнинг биринчи ярмида нисбат бошқача бўлганлиги эҳти-

¹²⁶ А. Вамбери, Ўрта Осиё бўйича саёҳат, М. 1865.

63-бет.

¹²⁷ А. Л. Кун, 1873 йилдаги Хива хонлигига сафар, РГО хабарлари, X, 197.

¹²⁸ М. Н. Богданов, Хива воҳаси ва Қизилқум табиёти очерклари, Тошкент, 1882, 124-бет.

¹²⁹ МИТТ, II, Т. 600, 615, 633-бетлар.

¹³⁰ Ю. Э. Брегель, Келтирилган асар, 63-бет.

молдан ҳоли эмас. Хива хонлигида қўйларнинг аксарият кўпчилиги туркманларники бўлган. М. Н. Богданов¹³¹ маълумотлари бўйича, XIX асрнинг охирида ҳам шундай бўлган. Туркманлар қўлида Хива хонлигидаги туяларнинг кўпчилиги қисми бўлган. Шу билан бирга уларни, кўпинча бошқалардан кейинроқ ўтроқ ҳолатга ўтган ёки ҳали кўчманчилик ишлаётган, масалан йомудлар ёки ота туркманлар, XIX асрнинг биринчи ярмида эса, чоударлар ҳам урчитар эдилар.

Гиршфельд ва Галкин¹³² маълумотларига кўра, йомудларда 79 минг бош туя яъни Хоразм воҳасидаги бутун туяларнинг 75% га яқини бўлган.

Туялар Қорақум ва Мангишлоқ кўчманчилирида поданинг асосий қисмини ташкил қилган. Бу районларда туялар бутун молларнинг кўпчилигини ташкил қилган, қўй ва эчкилар фақат кам сонда сақланиши мумкин бўлган, подада қўйларни кўпчилиги эса ярим ўтроқлик хўжаликка ўтилишидан далолат беради.

Туркман хўжалигини ўша йиллар шоҳиди шундай таърифлаган: «Кўп сонли бўлмаган мол, қўйлардан, эчкилардан бир неча сигирлардан ва туялардан иборат».¹³³

4-жадвал

**XIX АСР ОХИРИ—XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА
ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ МОЛ БОШ СОНЛАРИ**

Моллар тури	1896-1898 й	1909.—1910 й	1909-1910
			йиллар 1896-1898 йилларга нисбатан
Отлар	97300	107600	+10300
Туялар	91350	70000	-21350
Эшаклар	15600	21200	+6200
Қорамол	176400	175000	-1400
Қўй ва эчкилар	858900	438800	-390100

ЭСЛАТМА: Гиршфельд маълумотлари, 6, II қисм, 6 илова, IV боб, 3 жадвал.

В. Лобачевский, 6 илова, В. Погорельский итобидаги 105-бет.

¹³¹ М. Н. Богданов, Келтирилган асар, 127-бет.

¹³² Гиршфельд ва Галкин, Хива воҳасини ҳарбий—статистик тасвирлаш II-қисм, Тошкент, 1903, 148-бет.

¹³³ Биснинг қўшиқлар, М, 1902, 10-бет.

Қайд қилиш керакки, Хива хонлигида 1909-1910 йилларда 1896-1898 йилларга қараганда мол бош сони кескин камайди. «Бу, аввало, туркман хўжаликларининг хароб бўлиши, туркманларнинг кўпчилиги қисми деҳқончиликка ўтиши билан изоҳланади. 134.

1905-1906 йилларга мансуб маълумотларга кўра, Хива хонлигида 100000 бош от, 130000 бош туя, 120000 бош қорамол, 960000 бош қўй, эчки ҳисоблаб чиқилган. Лекин, бунга қарамасдан воҳада мол бош сони анча кўп бўлган.

5-жадвал

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА XIX АСРНИНГ ОХИРИДАГИ
МОЛ БОШ СОНИ**

	қорамол	эчкилар	Қўйлар		қорамол ҳисобга ўтказганда	Қорамол тўғри келади	
			қоракўл	одди думбалаар		1 кв. чак қўримга	100 кишига
Амударё бўлими	109700	3100	7200	191500	130000	1,7	60,7
Хива хонлиги	176400	15000	49800	809100	276000	5,1	53,3
Воҳа бўйича жами	286100	18100	57000	1000600	406700	3,1	56,9

Эслатма: 1. жадвалга Хива хонлиги ҳудудида вақтинча яшаётган русларда бўлган 120 миң бошга яқин мол киритилмаган;

2. 1 чақирим—1,06 кмга тенг масофа ўлчови.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, воҳада яшаган 100 кишига 56,9 бош қорамол, Хива хонлигининг шимолида эса 100 кишига 166 бош Шуманай ва Қўнғирот беклигида 364,9 ва 623,7 бош мол тўғри келган, хонликдаги 176400 бош қорамолдан 117600 боши яъни унинг 66,6 фоизи Чимбой ва Шуманай бекликларда жамланган.

Гириффельд ва Галкин маълумотларига кўра, қўйларни кўшича, туркман ва қозоқлар асраганлар, фақат йомудлар-

134 В. Погорельский, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги (1873-1917) Хива хонлигининг иқтисодий ва саноат тарихи очерклари. Ленинград дорилфунуни нашриёти, 1968.

нинг ўзларида 500000 бош қўй бўлган. 1000600 қўйдан туркман ва қozoқлар ҳиссасига 75 фоизга яқини тўғри келган.

«Қорамол ва қўй Хива хонлигида ташқарига чиқариб савдо қилинмайди, улар фақат ички бозорларда ишлатилади, бунинг устига қўйлар аҳоли эҳтиёжига ҳам етишмайди» деб маълум қиладилар Гиршфельд ва Галкин.

Хива туманида молнинг ўртача айланиши 1200000 сўмдан кам бўлмаган. 1886 йилдан 1902 йиллар мобайнида ҳар бир бош молга, бир пуд гўшга ўртача харид нархлар қуйидагича бўлган (Гиршфельд ва Галкин маълумотлари, 1902 йил баҳолари).¹³⁵

Б-жадвал

1886-1902 ЙИЛЛАРДА МОЛ ВА ГЎШТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ

Во а қисмлари	Бир бош мол баҳоси			бир пуд гўшт баҳоси		
	Қорамол	қўйлар		қорамол гўшти	қўй гўшти	қўй мойи
қора- к/л		қозо- қ/и				
Амударё						
бўлими	20 сўм	6 сўм	3 сўм	1 с. 80 т	3 с. 20 т	6сўм
Хива						
хонлиги	25 сўм	6 сўм	5 сўм	2 сўм 37 т	3 сўм 40 т	6 сўм 40
Воҳада						
ўртача	22 сўм 50 т.	6 сўм	4 сўм	2 сўм 18 т	3 сўм 30 т.	6 сўм 20 т.

Тирик мол билан савдо қилишдан ташқари аҳолига қўй жуви ва ундан бўлган буюмлар, молнинг териси катта даромад келтирган, улар қўй миқдорда Россияга олиб кетилган.

Юфорида келтирилган маълумотлар асосида XIX аср охири—XX аср бошларида Хива хонлигининг ўтроқ қисмида қорамолчилик қўшимча тармоқ ҳисобланса, хонлиқнинг четида—у муҳим роль ўйнаган деб хулоса қилса бўлади.

Қорамолни урчиши йўли билан кўпроқ Хива хонлиги доирасида яшаган қорақалпоқлар ва кўчманчи қozoқлар, қўйлар ва эчкилар билан—туркман ва қozoқлар, туяларни урчиши билан эса туркманлар шугулланганлар.

¹³⁵ Гиршфельд ва Галкин, Келтирилган асар, 115 бет.

ҚОРАМОЛ

Қорамол Хоразм воҳаси аҳолисининг ҳаётида катта ўрни тутган. Буқалардан, асосан, деҳқончилиги ва транспорт учун ишчи кучи сифатида фойдаланилса, сигирлар аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлаган. А. В. Каульбарс¹³⁶ таъкидлайдики, кўчманчи чорвадорларнинг сутчилик ҳўжалиги анча ривож топган, аҳолининг эҳтиёжини таъминлаб қолмай, ёр турида Амударё қўйи қисми бозорларида муҳим сотини ашёси сифатида ишлатилган. Сут маҳсулотларидан аҳоли кенг фойдаланган. Масалан, сут ёр учун қайта ишланган ва Хўжайлидаги арман савдогарларига сотилган, улар эса ёрни Красноводскга олиб кетганлар.

Воҳадан тахминан 15.216.000 пуд ёр четга чиқарилган. Шунинг қайи қилиш керакин, бу маҳсулотни сотишдан олинган даромаднинг кўп қисми Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманига тўғри келган.

Бундан ташқари, А. В. Каульбарс таърифича, «нон билан бирга ҳар хил турда сут кўчманчи қорақалпоқларда миллий овқатлигини ташкил қилади».

Чорвачилик маҳсулотидан яна бири— тери ҳам муҳим роль ўйнаган. Хива хонлиги ҳудудида XIX асрнинг 70-йилларида кўн заводи (Петр-Александровскда), ва тери хом ашёсига бошланғич ишлов берувчи бир неча майда корхоналар бўлган. Воҳадан тери, жун ва қорақўл териси Оренбургга, сигир мойи эса— Бокуга олиб кетилган.¹³⁷

Воҳадаги ўтроқ аҳолининг молни таърифлаб, Г. М. Данилевский¹³⁸ ёзади: «Шоҳли мол умуман жуда майда, кам кучли ва оддий зотлидир, ҳўжаликлар уни фақат дала ишлари учун асрайди».

Оддий зот деб автор зебусимон молни ҳисобласа керак, chunkи бундай таъриф зебусимон молга мансубдир. Бироз кейинги адабий манбаларни бир нечасини ўқиб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, М. Н. Богданов¹³⁹ «Хива воҳаси ва Қизилқум саҳроси табиатининг очерилари»да шундай деб ёзади: «Воҳада қорамолнинг жанубий Осий зоти— зебу ҳам кенг тарқалган. Бу тўғрида на Эверсмани ва Леман, на Базинер, на Данилевскийларнинг эсламаганлигила-

¹³⁶ А. В. Каульбарс. Келтирилган асар... 550 бет.
¹³⁷ В. Лобачевский. Хива тумани. Туркестон ҳарбий округининг ҳарбий стратегик тасвири, Тошкент, 1912, 91-92 бет.

¹³⁸ Г. М. Данилевский. Келтирилган асар, 94 бет.

¹³⁹ Г. М. Данилевский. Келтирилган асар, 117-118 бет.

рғни тушуниб бўлмайди», яна «...зебу кўпинча оддий мол билан хонликнинг шарқий ва жанубий қисмларида учрайди». Бу ерда шуни эсга келтириш керакки, муаллиф воҳанинг ўт-роқ аҳолисидаги молни жанубий-Осиё зотини зебу деб бер-корга номламаган. XIX асрнинг ўрталарида, эҳтимол, бу молни зебусимон деб тасдиқ қилиш асоси бўлмаган, чунки ўша замон адабиётида бундай бўлиши ҳали ўзи қилин-маган эди. Чўзилган, хўжисимон бош, шоҳларнинг ҳолати ва йўналиши, ўрқачдаги ва ҳоказо, яъни Зебунинг бошқа-лардан фарқлаб турадиган бош хусусиятлари аҳолининг ўт-роқ қисми молига мансуб бўлган. Лекин қорақалпоқларнинг молни тўғрисида гап кетганда бунга бошқачароқ қараш керак. Бу мол жуда камдан-кам вазиятда оддий мол ҳисобланган. Муаллиф қирғиз (қозоқ—А. Б.) чўл молни шу ердаги шоҳли молга ўз ўрнини берган деб фикр юргизади.

Зебу Амударё қуйи туманида ўзининг наст бўйи билан ажралиб туради, деб таърифлайди М. Н. Богданов.

Шунинг билан бирга Зебунинг ҳамма даражадаги дура-гайлаш белгилари билан бу ердаги маҳаллий молнинг кўп сонли дурагайлари учраган. Бу муаллифга «соф зотли зебу-лар дурагайларга қараганда жуда кам учрайди» деб айтишга асос бўлган.

Адабий манбалар кўчманчи қорақалпоқлардаги «мол воҳа-нини қолган қисмида яхши ва йирикроқ» деб тасдиқлайди. «Бу молнинг зоти анча яхшидир. Хўбилар жуда йирик, ба-қувват, кучли, сипирлар ҳам анча баланд бўйли ва кўп сут берадилар».

Муаллифлар қорақалпоқларнинг кўчманчи шоҳли молига қолмиқ ва қозоқ молни анча таъсир кўрсатиши мумкин эканлиги тўғрисида ҳеч нима демайдилар.

Хива воҳаси қорамолчилигини тасвирлаб, унинг «зоотех-никавий жиҳатдан ҳеч қандай қимматли хусусиятлари йўқ, ўзини зотсизлиги, зебу билан оддий буқадан олинган кўпчи-лик дурагайлари ва ўзининг сифатлари бўйича ҳам шундай. Бу ернинг молни жуда майда ва хатто шимолний вилоятдаги бизнинг деҳқон молидан ҳам анча майдароқ»— дейди М. Н. Богданов. Маҳаллий қорамолни наст бўйли эканлиги тўғри-сида муаллиф тушунча бермайди. Бундай ҳолат, аввало, си-пирларни ёмон озиклантириш, ёш бузоқларни қониқарсиз ўс-тириш ҳамда умуман чорвачиликни экстенсив усулда олиб борилиши билан тушувтириб бўлса керак. Шунга ўхшаш фикрни биз Гиррифельд ва Галкинда ҳам ўқиймиз: «Воҳада-

ти қорамол жуда заиф, у асосан майда ва ўтроқ ўзбеклар томонидан фақат далачилик ишлари учун сақланади».

М. Н. Богданов бу ердаги қорамолнинг туси тўғрисида гапириб, қорақалпоқ, қирғиз (қозоқ—А. Б.), ва туркман маҳаллий моли ўзига хос тусга эга эмас ва ҳар хил нозик турларда бўлади деб тасдиқлайди.

Ғарбий Оврўпонинг асл зотларига хос тоза, зич, кулранг ва малла (сарик) рангли ёруғ бўёқлар деярли йўқ. «Хива молида бундай тусларнинг йўқлиги—деб ёзади муаллиф,— меннинг фикримча, молларни жуда паст маданий даражада эканлигининг ёрқин белгисидир». Албатта кулранг ёки малла (сарик) туснинг бўлиши зотнинг маданийлиги тўғрисида мезон бўлаолмайди, лекин тусларнинг хилма-хиллиги молнинг маҳаллий гуруҳини паст бирлашуви тўғрисида фикр юритади.

М. Н. Богданов, А. В. Каульбарс ва бошқа муаллифлар томонидан тасвирлаш пайтида Хива воҳасида завод зоти бўлган эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Воҳага завод зотларининг кириб келиши Хива хонлигида немис-меннонитларнинг пайдо бўлиш вақти билан боғлиқ.

Немис-меннонитлар 1881 йилгача Саратов вилоятида яшаганлар, у ерда улар Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман томонидан ўлкада намунали қишлоқ хўжалигини барпо этиш учун қақирилган, лекин келган аҳолига ҳам мажбурий харбий хизмат тарқалиши туфайли улар хондан Хива хонлигига кўчиб ўтишга рухсат сўраганлар. Рухсат берилди, хон уларни ўз фуқаролигига қабул қилди ва уларга Кипчак бекчилигидан Лаузон яқинидаги ерни ажратиб берди, бу ерга улар 1882 йили кўчиб келдилар.¹⁴⁰

Лекин улар бу ерда қисқа вақт яшадилар, чунки уларни молини бўрлаб ҳайдаб кетган туркман—кўчманчилар билан бир қанча марта тўқнашини бўлди. Фақат бу воқеалардан сўнг улар Хива шаҳрига яқин жойлашган «Оқ мачит» қишлоғига — Хоразм вилоятининг Янгизариқ туманидаги «Оқ мачит» жамоа хўжалиги худудига ўтказилди. Бу ерга улар бутун мулки билан ўзининг колонист молини ҳам келтирдилар (кейинчалик бу мол қизил немис, 1940 йилдан бери эса қизил чўл зоти деб номланди).

140. Гирифельд ва Галкин. Келтирилган асар.

МАИДА ШОҲЛИ МОЛ

Қўй ва эчкиларни урчишти билан Хива воҳасида асосан, туркман ва қozoқлар, қисман қорақалпоқлар шугулланганлар. Бунга уларнинг жойлашини имконият тугдирган.

Ҳозирги вақтда биз XIX аср охири XX асрнинг бошларида бу ерларда асралган мол зотларини зоотехникавий жиҳатдан таърифлаш учун жуда оз адабий манбаларга эгамиз. Асосан М. Н. Богдановнинг «Хива воҳаси ва Қизилқум табиъатининг очерклари» китобида келтирилган маълумотларга асосланамиз.

Маданий воҳа чегараси ва унинг четида XIX аср охири XX аср бошларида қўйларнинг янги зоти: думбали ва қуйруқ ёгли ҳамда уларнинг дурағайлари учраган.

Думбали қўйлар, асосан, Амударёнинг ўнг қирғогида қozoқлар томонидан урчирилган, лекин уларнинг анча сони ўзбекларда, қорақалпоқларда ва туркман-йомудларда, чоударларда ва ҳоказоларда учраган. Маҳаллий думбали қўй ўзининг катта бўлмаган бўйи билан ажралиб турган. Шубҳасиз, бу ерда М. Н. Богданов уларни хисор ва бошқа йирик думбали зотларга қараганда назарда тутган. Уларнинг жуни қирғиз (қozoқ—А. Б.) қўлининг шимолий қўйлариникидек дағал эмас, лекин уларда думбали қўйларга хос белги сақланган юмшоқ тивитни ва уни ташқаридан бекитадиган дағал сочи борлиги («песига» деб номланади), бу зот бошқа ҳамма уй зотларидан ажратиб туради деб таъкидлайди.

Бўйидаги жуни ёлни эслатиб, анча узун бўлган. Бу зот қўйлари ҳар доим шоҳсиз бўлган; қўчқорларнинг шоҳлари катта эмас, лекин гоъят катта шоҳли қўчқорлар ўзининг эгилган шакли билан ёввойи тоғ қўчқорларни эслатганлари ҳам учраган, тўғриси улар камчил бўлган. Бундай шоҳли қўчқорлар маҳаллий аҳоли томонидан юқори баҳоланган, чунки улар қўчқорларни уриштирганлар.

Маълумотчиларнинг кўрсатишича, бўрдоқига боқилган қўйларда думба анча катта бўлган.

Маҳаллий думбали зот қўйлари, аввало, аҳолининг гўшга бўлган талабини қондириш учун боқилган. Маҳаллий аҳоли уларнинг жунидан, сутидан ҳам фойдаланган, чунки уларнинг бош сони воҳада кўп бўлган. Маҳаллий аҳоли бу қўйларни «қozoқи» деб номлаган. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Гиршфельд ва Галкин уларни «қozoқ думбали қўйлар» деб таърифлайдилар.

Шу муаллифларнинг маълумотларига қараганда, XIX

асрининг охири—XX аср бошида думбали қўйлар сони анча бўлган—1000600 бош, шулардан Хива хонлигида 309100 бош, Амударё бўлимида эса 191500 бош. Ҳозирги вақтда бу қўйлар аҳолининг ўтроқ қисмида, жумладан Хоразм вилоят худуди чегарасида камдан-кам учрайди. Ҳали яқин йилларда (1940-1950 йиллари) уларни ҳамма ерларда аҳоли хонадонидан учратиш мумкин эди, лекин кейинги йилларда уларнинг сони анча қисқарди.

Думбали қўйларнинг қорақўл қўйлари томонидан сиқиб чиқарилгани бунга шубҳасиз сабаб бўлди, чунки думбали қўйларни яқка хўжаликда сақлаш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди.

ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙИ

Қорақўл зоти—Ўрта Осиёнинг энг қадимги қўй зотларидан бири, қорақўлчилик маркази бўлган Бухорога қўйни—Хоразм худудида азалдан урчитилади. Лекин XIX асрда унга бу ерда унчалик эътибор берилмади. Эҳтимол, шунинг учун, қорақўл қўйлар сони анча кам—ҳаммаси бўлиб Хоразм воҳасида 57000 бош бўлган.

Гиршфельд ва Галкин⁴¹ таърифича воҳада қўйлар аҳоли эҳтиёли учун етишмайди ва уларни Закаспий вилоятидан, (ҳозирги Туркманистон худуди) ҳайдаб келтирилади. «У ердан Хива боёхонасининг ахбороти бўйича—деб ёзадилар улар,—ҳар йили хонликка рус фуқаролари, молфурушлари 42000 бошга яқин ва Хива молфурушлари томонидан 75000 бошдан зиёд қўй ҳайдаб келадилар». Қўйлар билан, асосан, туркманлар ва қозоқлар савдо қилганлар.

Ёғли қўйруқчилар жумласига қарайдиган қорақўл қўйи туркманларнинг ҳар хил қабилалари ва асосан Амударёнинг чап қирғоғида яшайдиган ўзбеклар томонидан урчитилган.

М. Н. Богданов томонидан қорақўл қўйларига берилган таъриф умуман ҳозирги қўйларнинг хусусиятларига айнан ўхшаган. Бу қўйлар думбали қўйлар, бўйи сал пастроқдир, уларнинг жуни ҳар хил рангда—оқ, сариқ, қора, баъзан кул-ранг. Уша йилларнинг адабий манбаларидан кўриниб турибдики, қорақўл қўйлар бошқаларга қараганда аҳоли томонидан юқори баҳоланган, чунки уларнинг қўзилари маълум қимматбаҳо қорақўл терисини берадилар. Бу терилар, жуда натта миқдорда Россияга жўнатишган. «Қорақўл терилар билан савдонинг марказий бозори—деб ёзади М. Н. Богданов—

⁴¹ Гиршфельд ва Галкин. Келтирилган асар. 121 бет.

Урганч шаҳри, бу ерда унга ишлов берилиб, сараланиб, Казан ва Оренбург орқали, Нижегородний ярмаркаси ва Қозонга—Россиядаги қорақўл териси сотиладиган бош бозорларга жўнатишган. Урганч савдогарларининг айтишларича, улар қорақўл териларининг кўпчилигини Шўраҳон бозорида, аста-турманлардан сотиб олганлар».

Юқорда кўрсатилганидек, воҳада қорақўл қўйлар камроқ бўлган, лекин тахминан XX асрнинг бошларига келиб Хоразм аҳолисида қўйларнинг қозоқ думбали зотини қорақўл қўйлари билан, бу икки зотни чапиштириш йўли билан алмаштиришга интилиш бошланган. «Ҳозирги вақтда,—деб ёзадилар Гиршфельд ва Галкин.—бу усул билан олинган кўпгина қорақўл қўйлари мавжуд, улар териларининг чироғи бўйича ҳақиқий қорақўл қўйлариникидан ёмси эмас. Чидамлилиги ва жунининг ишиқлиги бўйича эса қирғиз (қозоқ—А. Б.) қўйларидан паст бўлмаган».

Қорақўл қўйларини думбали қўйлар билан чапиштириш натижасида олинган дурагайларнинг экстерьер—конституционал хусусиятлари ҳамда жун қатламининг яхшилаш тўғрисида гап кетганда, аҳтимол, бунда муаллифлар қорақўл терисининг расмини назарда тутмагандирлар, chunkи совет даврида қорақўл қўйларининг бошқа зотлар билан кўп марталаб ўлказилган чапиштириш, шу жумладан думбалилар билан, масалан, хисёр қўйлари билан чапиштириш натижасида қорақўлчиликнинг асосий маҳсулоти — қорақўл терисининг яхшиланishi рўй бермаган, аксинча, дурагайларда қорақўл териси ўзининг расмини, асл нуҳасини ва ҳаказоларни кескин йўқотган. Иккинчидан, аҳолининг айниқса ўтrock қисми, думбали қўйларни қорақўл қўйлар билан алмаштиришга мажбур бўлган. Chunkи чегараланган яйловларда бу қўйларни (думбалиларни) эшит олиш учун боглаб сақлаган ҳолатда урчитиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса керак.

Қорақўл қўйлар эса, асосан, маълум, уларни табиғатига мос шаронда сақлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган, кўпинча қумлоқ жойларда урчитилган. Бундан ташқари, қорақўл тери билан савдо қилиш мумкин бўлган.

Бу хусусиятларнинг ҳаммаси, аҳтимол, аҳолини қозоқ думбали қўйларини қорақўл қўйларга аста-секин алмаштиришга мажбур қилган.

Эчки

Эчки ҳам Хоразм ҳудудида қадим замонлардан бери урчирилган. XIX аср охирилари XX аср бошларида бу ерда фақат битта маҳаллий эчки зоти бўлган.

Эчкилар ўртача бўйи, катта бўлмаган шохлари, осилган қудуқлари билан таърифланган. Уларнинг жуни узун, илдизка, майини, тароқ ёрдамида тараладиган тивитдан таркиб топган, бундай жун тивитли деб аталадиган шолрўмол ва шарфларни тўқишга кетган. Эчки тивитининг кўп қисми унга ишлов берилмаган турда Урал қозоқларига жўнатилган, бу ерда ундан тивитли рўмоллар тўқилган.

Ундан ташқари, эчки сут берувчи мол сифатида сақланган. «Эчки—камбағалнинг сийри» дегани бежиз бўлмаган.

Қаноатлилиқ, Хоразм воҳаси шаронтига мосланганлик тунга сабаб бўлдики, деярли бу ўлкада яшаган қабилалар бирови кўп миқдорда бошқаси камроқ даражада эчкиларни сақлаганлар, лекин уларнинг сони қўйлариникига кўра анча кам бўлган.

Ниҳоят, қўйлар подасида эчки йўлбошчи ҳисобланган; эчкиларни боқини ва асраш шаронти қўйларникидек бўлган.

Иилқичилик

Хоразм воҳаси аҳолисининг ҳўжалигида от уй моли сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. От воҳа аҳолисининг деярли ҳамма қисмида бўлса-да, туркманларда, айниқса, йомуд қабиласида, отларни урчитиш уларнинг меҳр қўйган машғулияти бўлган. Воҳанинг кўп қисмида ҳар бир оилада ички-учдан кўп от бўлмаган, чунки ййлов йўқлиги туфайли у отни йил давомида қуруқ ем-хашак билан боққан, айни ем-хашак етишмаганлиги унга отларнинг кўпчилигини сақлашга имкон бермаган. XIX аср охири—XX аср бошларида воҳада ҳаммаси бўлиб 159600 бош от бўлган, шу жумладан Хива хоклигида—97300, Амударё бўлимида—62300 бош.

Воҳанинг маданий қисмида от, ассосан, аравага қўшиладиган мол бўлган. Чеккада, ярим кўчманчи қабилаларда ундан, кўпинча мишиладиган от сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари, деярли ҳамма ерда у юк моли бўлиб хизмат қилган. Шу нуқтан—назардан айрим муаллифларнинг (Гиршфельд ва Галкин), хабарларини қайд қилиш керакки, йилқичилик воҳада кўпчилик одамлар ўтроқ ҳаёт кечириётганлиги туфайли умуман унчалик ривож топмаган; уларда ишчи

мол бўлиб, хўкиз ва ахталанган хўкиз хизмат қилган, сил-жиш учун эса эшаклардан фойдаланилган.

Бизнингча масаланинг бундай қўйилиши воҳада отнинг аҳамиятини унчалик тўғри изоҳлаш эмасдир. Шунинг эъдан чиқармаслик керакки, ўн минглаган аравалар оғир юкларни ташиш учун деярли ягона восита сифатида отлар ёрдамида қаракатга келтирилган.

Бундай ҳар хил фойдаланиш хизмати бошқа сабаблар билан бирга воҳада отларни бир неча тури борлигига сабабчи бўлган.

Хоразмда йилқиччиликнинг энг қимматли қисми аргумоқлар бўлган. Улар ўзига катта эътиборни ва анча мураккаб қарашни талаб қилганлар, шунинг учун воҳада бошқа отларга қараганда айниқса қиммат баҳоланган.

Г. М. Данилевскийнинг «Хива хонлигининг тасвири»¹⁴² китобига мурежаат қилинса, аргумоқларни муаллиф сифат туркман оти деб ҳисоблайди, бу бўйчан, нафис ва енгил тавдали, араб отларига ўхшаб тўғри думгазали, узун ва чиройли жойланган бўйни билан ажралиб турадиган отдир. Муаллиф бу отнинг тор кўкраги ва юқори оёқлари унинг етишмовчилиги деб кўрсатади, лекин шу пайтнинг ўзида унга қарамасдан, «улар кучли ва жуда тез юришларга чидамли, ҳамма вақтда жиззакни, тезкор, эпчил ва оёқлари бақувват» деб таърифлайди.

Гиршфельд ва Галкинлар¹⁴³ тасдиқлашича, аргумоқлар яъни отларнинг туркман зоти икки тур бўлади. Биринчи турга улар туркман зотининг ҳақиқий ўзини, лекин чатиштириш ватижасида олинганини киритадилар. Бу отлар араб—келиб чиқишидаги кўпгина белгиларни мужассамлаган, уларни кўпинча йомудлар урчитадилар ва шунинг учун ҳам улар «йомуд отлари» деб номланган.

Йомуд оти ахалтакадек—қадимги туркман отининг зотидир. У ўзига яқиндан ёндашган ҳар хил от зотлари таъсирини учираган.

Мавжуд маълумотларга кўра, туркман аскарларига Тамерлан томонида XIV асрда совға қилинган кўпгина араб отлари йомуд йилқиччиларининг уюрига тушиб қолган. Кейинчалик шу уюрнинг ўзига монгол, қозоқ ва маҳаллий отлар қўшилган.

¹⁴² Г. М. Данилевский. Хива хонлигининг тасвири, СПО, 1851.

¹⁴³ Гиршфельд ва Галкин, Келтирилган асар, бет.

Ўзининг кўп йиллик ҳаётида йомуд оти миниладиган от сифатида урчитилган ва фойдаланилган. Дехқончилик маданиятини ривож топиши билан у ҳар томонлама фойдаланиладиган от бўлабошлаган.

Иккинчи турга муаллифлар хоросан деб аталадиган отни киритадилар, уни, асосан, Илонли туманида яшайдиган имрели ва қорадошли туркман қабилалари урчитгаилар. Улар чоударларда ҳам учраган.

Бошқа муаллифлар, масалан М. Н. Богданов, аргумоқларни икки турга бўлмайдилар ва уларни туркман зоти деб қарайдилар. Лекин улар зотнинг ўзида асосий турдан кўп сонли ўзгаришлар борлигини тасдиқлайдилар. «Туркман оти жуда маданиятли, қўлга ўрганган от-айғирларни синчиклаб танлаш маҳсулидир»—деб ҳисобланади.

Қайд қилиш керакки, ўзининг чопар сифатлари бўйича машҳур айғирлар туркманларни бутун бир уругига маълум бўлган ва улар бу отнинг қони тоза бўлишини ҳимоя қилиш учун гамхўрлик қилганлар, уларни шажарасини тўғри юритганлар.

«Чўлиқлар бошқа кўчманчиларига қараганда туркман отининг зотлигини яхши билган ва у ўзини биясини ёмон, зотсиз айғир билан ҳеч қачон қочирмаган».¹⁴⁴

Ўзининг экстеръери (ташқи кўриниши), ва конституцияси бўйича аргумоқлар яъни туркман отлари, воҳада урчитиладиган бошқа зотлардан кескин ажралиб турган. Бу от баланд бўйли, боши унчалик катта бўлмаган, пешонаси араб отидан кенг эмас, тумшуги ингичка тор бўлган, бу кучсиз, юшқа тарзда тузилган пастки жағ билан ва катта бўлмаган ганаши. Бурун тешиги анча кенг ва очиқ, лекин асл араб отиникидан кенг эмас. Қулоқлари ўрта катталиқда, тўғри турган, лекин кўп отнинг қулоқлари осилган. Туркман аргумоқлари бошининг умумий кўриниши гоят ўзига хос ва бу тур билан ким танишган бўлса—бу зотни ажратиб турадиган ажойиб белгиси бўлади.

Бўйи ингичка, узун ва эгилувчан, яхши айғирлар чопганида уларнинг бўйи чиройли оққушиникидек эгилади. Отларнинг кўпчилиги бўйини тўғри ва горизонтал тутадилар, бундай ҳолат аргумоқларга одатдир, чунки бўйи доимо наматлар ва ёпиқлар билан қийиалади. Танаси кўп қисмида бирмунча қисқа, бу айниқса узун оёқларда кўзга ташланади. Айил чуқурдир, лекин қобургалар тикка эмас ва кўпроқ қа-

¹⁴⁴ М. Н. Богданов. Келтирилган асар. 112 бет.

фаси ён бошдан қисилган, унинг натижасида кўкракининг олдидаги торлик ва етишмаслик айниқса сезиларли. Мушаклар ҳам жуда ривожланган эмас. Қорни—чайирдир. Буйрақлар жуда яхшидир. Думгазаси тўғри, қуруқ ва бурчаксимон. Думи юқори ва бўлимда қўйилган, унинг сочлари узун, деярли попугига етадиган, лекин тигиз эмас, шунинг учун думи кабарда отидек оддий туюлади. Оёқлари умуман яхши қўйилган, айниқса орқа оёқлари. Кучли бўғимлар, жуда яхши мушаклар ва тўғри скелет билан улар оғирдир. Орқа оёқлари ва умуман аргумоқнинг ортки қисми софқонли инглиз отининг турини эслатади. Лекин бу таассурот узун ва эгри ошиқлар (туёқ усти бўғни суяги) ва ясси, узун туёқчалар, ёмон ривожланган кўкрак билан аргумоқни етишмовчиликлар билан бузади, жуда кучли обрўсизлантиради, лекин бу отларнинг яшаш шароитларига эътибор бериш керак. Уларни кўпинча туркман қумларида урчиладилар ва шунинг учун узун ошиқлар ва кенг туёқлар деб ҳисоблаш лозим, чунки улар бўш қумлик тупроқда отга аввало эгилувчанлик беради.

М. Н. Богданов аргумоқ унчалик чиройли эмас, тўғриси тузалиши келишмаган ва шунинг учун чирой бўйича Россиянинг миниладиган от зотлари вакиллариغا тенглаша олмайди, дейди.

Туркман зотининг кўп учрайдиган туси қизил-қўнғир, малла-қўнғир, қўнғир-тўриқ, қора ва тоза малла. Саман, думи ва ёли оч сарғиш жийрон туслилари деярли бўлмайди. Олтиндай сап-сарик, қўнғир, сап-сарик—тўриқ камдан кам учрайди. Анча кул ранг туслилари учрайди.

Аргумоқнинг муҳим юриши—одим ва елиш. Йўртиб чопиш билан улар деярли юрмайдилар, лекин аргумоқнинг йўртишининг ўзи оёқлар узунлиги ва тана қисқалиги учун келишмайдиган, силкинадиган ва оғир. Одими аксинча, катта, эркин ташланадиган.

Туркманлар йўргалашга ўхшаш тезланган одим билан отда юришни хуш кўрганлар. Аргумоқнинг сакраб чопиши енгил, мулоим ва катта-катта. Бунинг билан у кўп жиқатдан инглиз чопқир отига ўхшаб кетади. Ўзининг кузатишлари асосида М. Н. Богданов туркман аргумоқи қирғиз (қозоқ) чўл отидан кескин фарқ қилувчи, одатдаги ўрнатилиб белгиланган зотни тасаввур қилади, деб хулоса чиқаради.

Туркман зоти орасида ҳам кўп оғишлар бор. Юқорида тасвирланган от тури кўпинча туркман-йомудлар қабиласида тўпланган. М. Н. Богданов туркман чопқир оти рус йил-

қичилигига қиммат бўлган таркибий қисм сифатида синчиклаб ўрганишга ва синашга сазовор деб ҳисоблайди, бу от миниладиган чўл зотларини такомиллаштиришда қимматбаҳо араб ва инглиз чопқирларидан аҳамиятлироқ бўлиши мумкин.

Отга қараш одати туркманларда ажралиб турган. Туғилганиданоқ аргумоқ туркманининг уйи ёнида бўлади: олдин эмиб юрганида—боғланмасдан, онаси ёнида, кейинчалик—уйи боғлайдилар ва у оёғи билан юриб сўдиган ўтни билмайди.

Биринчи ёз охирига бориб, туркман тойчани кигиз ва намат билан фақат танаси эмас, салки унинг бўйинини ҳам ўрайди, шу боисдан аргумоқнинг бутун боши ишқаланади.

Тойчанинг қорни қаппайиб кетмаслиги унинг хомсемиз, тўла ва ишга қобилиятсиз бўлмаслиги учун озқани кунда бир неча бор оз-оздан бериб боқадилар.

Сувви ҳам нам - камдан, кунига 3 - 4 марта ичирадилар. Озиқлантиришда кўпинча қуруқ ҳолатдаги беда, камроқ миқдорда арпа берилган. М. Н. Богданов қайд қилганидек, отга қараш хетивларининг вазифасига кўрган, Туркманлар ўз тойларини минилишини жуда эрта, деярли бир яшарлигида бошлаганлар. Бешта муаллифларининг фикрича, икки ярим-уч ярим ёшига етганида отлар миниб юриш учун фойдалана бошлашади. Муаллифлар яна шу вазиятни қайд қиладиларки, кўн туркман отларининг орқасица эгар яралайди ва буни отнинг терисини позиклиги билан тушунтирадилар, чунки тойчани ёшлигидан ҳар хил кигиз ва намат билан қенлайдилар. Лекин, аҳтимол, бу туркманларнинг отлари йилнинг ҳамма фаслида очиқда сақланиши билан боғлиқдир. Қишда уларни қалин кигиз билан бўйинини, кейинчалик бутун кўкрагини ўраб, отнинг тиззасигача туширадилар. Ундан ташқари, қишда улар учун қордан тозалаб чуқурлик қазадилар, унда от кучли шамолдан пана тонади. Беда ҳам уларни кигиз билан кўёшининг куйдирадиган нурларидан ҳимоя қилиш учун бостирадилар, боши ва кўкрагига алоҳида қалиноқ кийимзадилар.

Воҳада тасвирланган отлар турларидан бошқа айрим пайтда, кўпинча хон ва амалдорларда ахал-тақа отларининг сиз яхши нусхаларини учратиш мумкин эди. Бундан ташқари, маданий воҳа чегарасида аргумоқнинг ҳар хил маҳаллий отлар билан чагиштириш натижасида олинган миниладиган дурагай отлар кўп бўлган. Масалан, бу тонфага ота туркманлар отларини киритиш мумкин. Руслар Хивага юриш қилган пайтда ота-туркманлар Бухоро хонлиги чегарасига

кўчганлар ва, эҳтимол, ўша томонга ўзларининг энг яхши отларини ҳам олиб кетган бўлсалар керак.

М. Н. Богданов қайд қилганидек, «ота-туркманларнинг отлари зотлилиги бўйича йомуд отларидан пастроқ турадилар ва: Бухоро аргумоқлар турини эслатадилар».

Коразм воҳасида туркман зотидан бошқа қозоқ, қорақалпоқ зотли отлар ҳам бўлган. Қозоқ зоти кўпинча Қизилдум ва Устюрт қозоқлари орасида тарқалган, чидамлилиги ва бориға қаноат қилувчилиги билан ажралиб турган. Қирғиз (қозоқ—А. Б.) отининг кўримсизлиги туфайли бей ва ўтроқ маҳаллий аҳоли хўжалигида мининг учун уни бошқа зотлар билан алмашлаганлар. Улар паст бўйли, фақат айримлари икки аршинга, (аршин—0,71 м), етганлар, улар кучли бўлган, лекин кўримсиз, семиз сёқли ва кенг туёқли, қалин бўйивили ва кўпинча чиройли бўлмаган боши билан бу от аҳоли томонидан кўпинча аравага кўшишда ва дала ишларида фойдаланилган. Қозоқ отлари тоза қонлироқ, туркман отлари билан чатиштирилганида ўзини маълум турга хошлигини тезда йўқотганлар.

Ўтроқ қозоқ аҳолиси Амударё қўйи қисмида ўзларини отлари билан бирга қорақалпоқ зотларининг қорабайир, бундан, тўқим, ханназод каби отларини сақлаганлар.

А. В. Каульбарс ¹⁴⁵ маълумотига кўра, Амударё дельтасининг шимолий қумлик қисмида кўчманчи бўлиб яшаган қорақалпоқларда («Кўл-Дауле» аймоғи), қозоқ отларининг туркман аргумоқлари билан чатишган яхшигина дурагай отлари бўлган, шу билан бирга қорақалпоқ отлари умуман қозоқ отига мансубдир.

Шундай қилиб, воҳада туркман ва қозоқ зотли отлар асосий от бўлганлар, бошқалари эса улардан озгина ўзгарганларидир. Қорабайир эса, ўша йиллардаги муаллифларнинг яқдил фикри бўйича, туркман зотининг қозоқ оти билан чатиштириши натижасида олинган дурагайлардан келиб чиққан. Улар воҳада миниладиган отларининг кўп қисмини ташкил қилганлар.

М. Н. Богданов фикрича, «қорабайирда, дурагай сифатида, ҳеч қандай ўзига хос ва тайинланган белгилари бўлиши мумкин эмас».

Қорабайирнинг бўйи қозоқ отларидан баланд ва туркман

¹⁴⁵ А. В. Каульбарс, Амударё қўйи тумани, 1873 йилда ўзининг текширишлари асосида тасвирланган, ИРГО ёзувлари, 9 т. РИВ, 1881. 549 бет.

отларидан паст, М. Н. Богдановнинг таърифича қozoқ отларидан бўйчан ва аргумоқлардан узунроқ. Кўпинча улар аргумоқни нуқсонли кўкраги, ошиги ва туёғи наслдан-наслга ўтган. Лекин кенг тузилган ва ҳаттоки айрим қисмлари салмоқли бўлган нусхалари ҳам учраган.

Бундай отларнинг кўпчилиги Шўраҳонда бўлган. Қорабайирларни ўрганиш М. Н. Богдановга бу отлар айниқса чидамли ва миннига яхши деб ҳисобланга асос бўлган. «Аргумоқдек нозик бўлмай, қорабайир чидамлилиги ва борига қаноат қилувчилиги бўйича қирғиз (қozoқ—А. Б.) отларининг яхшиларига тенг келган, югуришининг кучи ва тезлиги бўйича, албатта, чўлнинг майда отларидан устун келган»,— дейди муаллиф.

Хива сафарини (1873 йил) Туркистон отрядида ҳар хил турдаги, кўпинча, Туркистон ўлкасидан, Сирдарёдан қорабайирлар кўп бўлган. М. Н. Богданов уни қорабайирларни иссиқликка, қумга, сувсизликка, ўт тақчиллигига чидамлилиги ҳайратда қолдирганини қайд қилади ва бу фазилатлар бўйича ҳаттоки тузилиши нозик қорабайирлар қozoқ ва қирғиз отларидан қолинмаган.

«Йўртиб чопиш уларда салкитадигандир, одими—кенг, сакраб чопиши енгил ва кенгдир. Бу хусусиятлар бўйини эгилувчанлиги билан қорабайирни, миниладиган от сифатида чўл қирғиз (қozoқ—А. Б.) отдан анча устун қўйди»—деб ҳисоблайди М. Н. Богданов.

Қайд қилиши керакки, айрим қабилаларда юқорида айтилган от зотларидан бирмунча бошқачарoқ отлар бўлган, улар жумласига Мангишлоқдаги Адай отларини киритса бўлади. «Улар қорабайирларнинг ўзидир, фақат бирмунча ўзгарган турларидан»—деб ёзади муаллиф.

Ўтроқ одамларнинг оти кўпинча аравага қўшилган, лекин уларда аравага қўшиладиган от зоти бўлмаган. Айрим йирик савдо нуқталарида аравада баъзан бўйчан, тузилиши бўйича бироз йирик нусхалари ҳам учраган, лекин улар аравага қўшиладиган Россия отларига қараганда бирмунча кучсизроқ, йўртиб чопиш уларда яхши эмас, кучсиз елка эса катта оғирлиқни тўртишга имкон бермайди.

Кейинчалик муаллиф воҳанинг ўтроқ қисмидаги савдо нуқталари ёнида—Гурлап, Кят (Қорақалпоғистондаги ҳозирги Беруний шаҳри), Шовот, Хонқа, Урганч туманида у бошқа ишчи отлардан кескин фарқ қиладиган отларни кўрган. Улар паст бўйли, чиройли тўғри бошли, жуда кенг кўкракли, яхши думгазали ва думалоқ шаклли, кучли сёқли

ва тўғри ошиқли, яъни аравага қўшиладиган Хива отига етишмаган барча хусусиятларга эга бўлган. У бошқа жойлардан келтирилган ва воҳада мутлақо тасодифий таркибдир, энг аниқи—тоғлик юртдан келтирилган.

Воҳадаги отларга нарх унчалик қиммат бўлмаган; асл аргумоқдан бошқасига фақат фавқулодда вазиятларда минйладиган отлар аргумоқларнинг қизил зоти 70 сўмдан 250 сўмгача, қорабайирлар—40 дан 150 сўмгача ва қозоқ эотлари 20 дан 40 сўмгача баҳоланган.

Фақат ягона бир мақсад билан—қандай қилиб ўртинсиз эсдан чиқариш бу мол—отни аждодларимиз ўтмишда эъзозлаганигини, бугун чорвачиликнинг соҳаси сифатида йилчиликни қанчалик тезроқ тикланиши кераклигини билмиш учун китоб муаллифи—тувсқ М. Н. Богданов маълумотларига кўра бети федроқ тасвирлади.

1920 ЙИЛДАН ҲОЗИРГАЧА БУЛГАН ДАВР ИЧИДАГИ ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

Хива шаҳрида 1920 йил апрель ойининг охирида бўлиб ўтган халқ вакилларининг биринчи Умумхоразм қурултайи собиқ Хива хеплиги тугатилиб мустақил Хоразм Халқ совет республикаси тузилганини эълон қилди.

1917 йил арафасида Хива хонлигида сугориладиган ёрларнинг умумий ҳажми тахминан 492 миң гектарни ташкил қилди. Хонлик ҳудудида 800 миңдан 1 миллионгача едам яшаган.

Гражданилар уруши натижасида Хоразмнинг экин майдони 1920 йида 67,7 фозга қисқарди, молларнинг умумий бош сони 1 миллион 328 миңдан 703734 бошга камайди, яъни деярли 2 марта қисқарди.¹⁴⁶

К. Б. Мухамедбердиев маълумотига кўра, шунчи мол сони революциядан олдинги даврга қараганда 30 фозга, қорамол сони—60 фозгача майда шохлик мол—25 фозгача камайган.¹⁴⁷

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Қишлоқларда камбағаллар комитетлари тузилди. 1921 йил март ойининг бошларига 12 туман пай-

¹⁴⁶ Тўпланма «Ўрта Осиё иқтисодий райони», Тошкент, 1922, 40-42 бетлар.

¹⁴⁷ К. Б. Мухамедбердиев, Хоразм революциясининг тарихи, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 152 бет.

багаллар комитети ташкил қилинди, уларнинг ҳар қайси бир неча овул ва қишлоқ комитетларини бирлаштирган. «Қўшчи» уюшмасининг бошланғич ташкилотларининг шохсбчалари кенгайди.

Қишлоқда ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши чорвачиликнинг ҳолати ва ривожланишига ижобий таъсир қилди. Қишлоқ хўжалик кооперациясининг ташкил қилинганлиги аҳамиятга эга бўлди.

1922 йилнинг ўрталарига келиб вилоятда 14 кооператив ташкил қилинди. Кооперация деҳқон хўжаликларида мол бош сонини кўпайтиришига ва унинг маҳсулдорлиги ошишига қаратилган қатор зоотехникавий тадбирларни ўтказди: молларни қочирish пунктлари ташкил қилинган, назорат—ассистентлик иши ўтказилган, сигирларни боқиш, бузоқларни ўстириш бўйича ёрдам кўрсатилган ва ҳоказо.

1923 йилда бир неча туманларда 4 от заводи ва от қочирувчи пунктлар ташкил қилинди. Молларни урчитиш ва асраш бўйича оммабоп адабиёт чоп этилди.¹⁴⁸

Чорвадорларга қарз (ссуда) бериш ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалик банки ва наслчилик хўжалиги бошиқарувлари 1924 йилнинг ноябрида имтиёзли баҳоларда Хоразм деҳқонларига 5000 бош қорамол сотди. Янги Урганчда, Қўнғиротда тиббий—ветеринария пунктлари очилди.¹⁴⁹

Ўтказилган тадбирлар натижасида ва Хоразм деҳқонларининг астойдил меҳнати туфайли Республика қишлоқ хўжалиги аста-секин тикланиб ривожлана борди. Масалан экин майдони 1922 йили 1921 йилга нисбатан ҳамма туманларда 4 марта кўпайди, 1922 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳамма туридан мўл ҳосил олинди.

1924 йилда бир десятинадан (1 десятина—10925, 4 кв. м) олинган ўртача ҳосил қуйидагича бўлди: пуд ҳисобинда (бир пуд—16,38 кг), буғдой—49 (7,34 центнер), арпа—51 (7,65 центнер), шоли—60 (8,99 центнер), маккажўхори ва жўхори—72 (10,80 центнер), мош ва нўхат—42 (6,3 центнер), пахта—54 (8,1 центнер), поллиз—194 (29,09 центнер), беда—274 (41,08 центнер).¹⁵⁰

1921 йилнинг июлида Хоразм Халқ социалистик жумҳурияти (ХХСЖ) Советларининг марказий иқроия комитети озиқ-овқат солиги тўғрисида қарор қабул қилди. ХХСЖ деҳ-

149. Ёз ССР МДА, ф. 69, оп. 1, д. 52, 93-101 барақлар.

150. ХВДА, ф. 199, оп. I арх. 20,42 барақ.

148. Ёз ССР МДА, Ф. 73, оп. 1, д. 70, 26 барақ.

қончилиқ нозирлигининг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 1922 йилда озиқ-овқат солиғи ҳисобига давлат омборларига 150 минг пуд бугдой (1457 тонна), 150 минг пуд жўхори (1457 т) ва 3 млн. пуд беда (49140 т) тушди.

Хоразм марказий ижроия комитети декрети билан молдан ҳам қаттиқ солиқ ўрнатилди: серка учун—олтин 10 тийин, кўчқорга—олтин 20 тийин, отга—олтин 60 тийин, туяга—олтин 80 тийин, ҳар хил қорамол учун—олтин 50 тийин, 4 туядан, 4 отдан, 4 буқадан, 4 сигирдан ва 40 қўйдан зиёд моли бўлмаган хўжаликлар ҳамда Қизил Армия аскарлари солиқдан озод қилинганлар.¹⁵¹

Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тобелигини ҳимоя қилиш мақсадида ХХСЖ ҳукумати савдонинг муҳим турларига, ташқи савдога давлат монополиясини киритди. Мамлакатдан пахта, қорақўл териси, жун, пилла ва бошқаларни четга чиқариш монополия деб эълон қилинди.

Хоразм савдо нозирлиги ва «Хорушма» 1922 йили Нижнегород ярмаркасида иштирок қилдилар, бунда 7000 донага яқин қорақўл териси, 1000 тача тулки териси, 1000 дан зиёд гилам сотилди.¹⁵²

1923 йил 10 октябрда Советларнинг IV умум Хоразм қурултойида Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) эълон қилинди, 1924-1925 йилларда эса Ўрта Осиёни миллий—ҳудудий ажратиш натижасида унинг кўпгина туманлари Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР таркибига кирди.

Миллий чегараланишдан сўнг (1924 й) ХССР худуди чегараланди, яйловлар анча камайди ва шунинг учун мол бош солиғи ҳам чорвачилиқ маҳсулотлари миқдори ҳам табиий равишда камайди. Бундан аҳолини маҳсулот билан таъминлаш учун чорвачилиққа жиддий эътибор қаратилиши лозимлиги равшан кўринди.

1925 йилда вилоят ер бўлими базасида чорвачилиқ кичик бўлими ташкил қилинди, лекин маҳаллий бюджетнинг ҳаддан ташқари ночорлиги бу муҳим тармоқни ривож топшишга имкон бермади.

Вилоят статистик бюросининг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 1924 йили Хоразм вилоятида 57611 хўжаликда: ҳамма турдаги ва ёндаги қорамол 33823 бош, 40037 беш

151. ЎзССР тарихи, III, т. «Фан» нашриёти. Тошкент. 1967.

152. ЎзССР МДА, ф. 71, оп. I, д. 45,5 varaқ.

от, 45555 бош ашак, 15782 бош туя, 33917 бош қўй ва эчки бўлган. ¹⁵³

Қорамол орасида қорақалпоқ моли, от ўртасида ахал-тақа ва йомуд йўналиши ва уларнинг ҳар хил ўзаро бирикмалари устуллик қилди.

Зоотехникавий жиҳатдан илмий иш ўтказиш учун маблагларни вақтинча қолдириш ва қўл остида бор бўлган материалдан фойдаланиб, молларни яхшилаш бўйича тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилишга тўғри келди. Бундай тадбирлардан қочирини пунктларини, наслдор қорамол етказувчи хўжаликларини, қўйларни стандартизация подаси ва от корхонасини барпо этиш бўлган. Ташкил қилинаётган наслдор молларни етказувчи корхонанинг мақсади наслдор, текширилган мол боласини олиш ва ўстириш бўлган, унинг билан қочирини, агрономчилик пунктлари ва бошқа тажриба кўрсатув корхоналари тўлдирилган. Бундан ташқари наслдор моллар маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам тарқатилган.

1925 йилда биринчи марта 4392 сўм ажратилди ва моллар, ўтларни текшириш учун экспедиция ташкил қилинди. Бу экспедициянинг мақсади—молларнинг сови ва сифатини, айримларининг ҳолатини, яйлов масаласини ва молларни сақлаш шароитларини ўрганиш эди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Хоразм вилоят ер бўлимининг инспекторлик пунктида ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилинди. Тадбирлар жумласига Хива, Янги Урганч, Гурландаги мавжуд қочирини пунктлари ва 1926 йилда очилган учта—Ғозовотда (ҳозирги Қўшқўпир тумани), Ҳазораспда ва Манғитда (ҳозир Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани) ташкил қилиш кирган. Бу пунктларда иккита айғир-қочирувчи, иккита буқа, иккита қўчқор сақлаш режалаштирилган.¹⁵⁴

1925 йил май ойида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик банки 660 бош молга эга бўлган, булар мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик ўртоқликлари бўйича қуйидагича тақсимланган: Урганч тумани—Уйғур қишлоғи—50, Урганч—50, Хонқа—30, Қиёт—Қўнғирот—30, Ҳазорасп—45, Питнак—30, Бөгөт—40, жами 275 бош; Гурлан тумани бўйича—Гурлан—30, Шовот—50, Қиёт—30, Қиличбой—30, Манғит—30, Моноқ—35, жами 205 бош;

Хива тумани бўйича—Қўшқўпир—40, Ғозовот—50, Ших-Оқдарбанд—40, Остона—25, Янгиариқ—25, жами 180.

¹ 153. ХВДА, ф. 598, п. 1. ед. хр. 5, 156 бет.

¹ 154. ХВДА, ф. 598, оп. 1. ед. хр. 5, 157. бет.

Қочириш пунктлари ушбу банк буқалари ҳисобига тўлдирилган. Наслдор буқалар, асосан, деҳқонлардан ва «Оқ мачит» немис қишлоғидан (ҳозир Янгариқ туманининг «Оқ мачит» жамса хўжалиги ҳудуди) сотиб олинган, чунки бу даврда шу қишлоқда вилоятда энг яхши 120 бош қорамол бўлган.

Хива уезди, Оқдарбанд волостидаги «Қирқўл» қишлоғида (ҳозир Қўшқўпир туманининг ҳудуди) Қурбонбой Жабборберган ўғлидан 140 сўмга тўрт ёшли, қора—ола тусли, зебуга мансуб наслдор буқа сотиб олинди.¹⁵⁵

Тошҳовуз вилоятидаги Порсу уездининг «Қораилган» қишлоғидан (ҳозир Туркменистон ҳудуди) айғирларни 300 сўмдан, Гурлан уездидаги Манғитдан (ҳозир Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани) 400 сўмга ярим йомуд зотли айғирни сотиб олдилар. 1926 йил 17 июндаги наслдор мол етказувчи корхона мол-мулкининг рўйхатида бўлган: айғирлар—4 бош, биялар—7 бош, 3 дан 13 ёшгача, буқа—1 бош, ситир—3 бош, шундан қора тусли—2 бош, қўнғир—1 бош, хўкизча — 1 бош.¹⁵⁶

Ҳар бир зоопункт маҳаллий зоотехникавий амалдаги ҳақиқатни ифодаловчи, чорвачилик жиҳатидан маданий-матрифий муассаса бўлади деб режалаштирилди.

1920 йилнинг 13 сентябрида Москвада РСФСР ва ХССР билан иқтисодий битим имзоланди. Бунга мувофиқ РСФСР Хоразм жумҳуриятининг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш қуроллари, саноат хомашёси, техника, кадрлар билан унга ёрдам қилади.¹⁵⁷

Ўша битим асосида Хоразмга мутахассис—зоотехниклар—Свистуцкий, А. Вергай ва бошқалар келиб чорвачиликни юксалтириш бўйича ишлари бошқардилар. Кейинги йилларда бу ерда Орлов наслдор молларни етказувчи корхонанинг муддирини бўлиб ишлаган. 1924 йилнинг охирида унинг муовини қилиб Богибек Нурниёзов тайинланади.

1928 йилдан бошлаб округ зоотехники бўлиб Епанешников, 1929 йилдан бошлаб зоотехник Томлинг ишлаган. Кейинги йилларда вилоят зоотехнигини бўлиб, мутахассислигини бў-

¹⁵⁵ ХВДА, ф. 17, оп. 2, арх. 75, 11.15 varaқ.

¹⁵⁶ ХВДА, ф. 17, оп. 2, арх. 76, 18 varaқ.

¹⁵⁷ Ўзбекистон КИМК қошидаги партия тарихи институтининг партия архиви, ф. 123, оп. 13, д. 6, 15-16 varaқлар.

Янча агроном бўлсада Старух Сергей Николаевич ишлаган.

1925 йили вилоят ер бўлимининг инструкторлик пункти таркибига қўйидаги мутахассислар кирган: чорвачилик, эпизотия, пиллачилик асаларичилик бўйича, қочиринш пунктларининг мудирин, бир вақтда, у наслчилик отхонанинг ҳам мудирин бўлган.

Октябрь революциясидан кейин ҳукумат наслчилик ишларини ташкил қилиш ва наслдор молларни сақлаш бўйича кескин чораларин қабул қилди. 1918 йил 19 июлда «Наслчилик чорвачилиги тўғрисида» декрет чиқарилди, бунда наслдор моллар умумхалқ мулки деб эълон қилинди ва наслдор молларнинг хўжаликлари, заводлари ва молларни етиштирувчи корхоналар ташкил қилиниши зарур эканлиги қайд этилди.

1920 йилининг январда наслчилик чорвачилиги тўғрисидаги декретни ривожлантириш мақсадида «Меҳнат хўжаликларидан наслчилик чорвачилиги тўғрисида»ги қарор қабул қилинди, наслдор молларни урчиши ва ўстириш билан шугулланувчи кооператив ва шахсий меҳнат хўжаликларига у қатор имтиёз берилди. Лекин бу декретларга тўла мос келган ишни амалга ошириш имконияти бўлмади, чунки вилоят бюджетини ҳаддан ташқари камбағал эди.

1925 йилда «Саёт» қишлоғида (ҳозир Хива туманидаги «Саёт» қишлоқ Совети ҳудуди) пункт соғилди, унда агрономлик мутахассислигидан ташқари маданий-чорвачилик йўналишини бўлган; қишлоқ хўжалик молларининг наслдор, маданийроқ турларини деҳқонлар орасида тарқатиш талаб қилинади. Хива агропунктининг мудирин бўлиб шу даврда Найденов А. А. ишлаган.

1926 йилда Хоразм вилоятида давлат бюджетин билан 3 та агроучастка ишлади: Хива уездида— «Саёт» қишлоғи, 1 буқа яғим иғиц бўлган, Янги Урганч уездида— Бакалов ҳовлиси.— мол бўлмаган. Гурлан уездида— шаҳар қошида, яримголланд наслидаги 1 та буқа сақланган.

Маҳаллий бюджетда Хива шаҳри яқинида наслчилик хўжалиғи жойлашган, бу ерда 1926 йили 1 январда ситил минтақадиган турдаги 1 та айғир, битта бня, эмадиган яримголланд наслдаги тойча, битта буқа—яримшевиц, симментал эстига мансуб битта бўғоз ситир, яна битта ситир яримголланд наслдаги мол бўлган. 1925 йили бу агропунктдан ажратиб наслдор мол етказувчи корхона ташкил бўлади. 1926 йилда унинг учун 49619 сўм смета тасдиқланади. Бу корхонанинг ўрин ўзининг вазифасига айнан мосдир: 22

бош маҳаллий абориген зот қорамолга мўлжалланган наслдор мол тайёрловчи корхона таркибидаги ипак қурт уруғи тайёрлаш станцияси ташкил қилиш пайтида иккита ситгир бўлган—битта симментал зотига мансуб, 11 ёшда, 514 кг тирик вазида, иккинчиси—дурагай, голланд зотга мансуб, 12 ёшда, 420 кг; улардан ташқари 3 та қочирувчи буқа—биттаси соф швиц зотли, яна биттаси—дурагай, швиц—симментал ва учинчиси—голланд зотига мансуб—дурагай. Бу мол Хоразм худудида бир неча йилни ўтказган ва жуда яхши мослашган. Кейинги ҳолат мутахассислар томонидан зоотехникавий ишни яхшиланган зотлардаги молни келтириш билан тўғрилаш мумкин, лекин улар Хоразм шароитида пираплазмоздан азобланади ва шунинг учун ҳам марказий миёёсда кўп сонли мол билан наслдор молларни етказувчи корхона ташкил қилиш жуда ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади, шундагина бу мол Хоразмда аста-секинлик билан мослашади ва пираплазмозга бардош бера олади.¹⁵⁸

Қайд қилиш керакки, молни аста-секинлик билан мослашиши тўғрисидаги хулоса келгусида эсдан чиқарилди ва 50-йилларда уни йилнинг март-апрель ойларида келтирабошладилар ва мол иссиқ иқлимга мослаша олмаганлиги туфайли пираплазмоз билан касалланди, бу келтирилган молни оммавий равишда нобуд бўлишига олиб келди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб келгусида наслдор молларни келтиришни иссиқ тушабошлаганидан сўнг—сентябрь-октябрь ойларида амалга ошира бошладилар, бувада келгуси иссиқ давр келишигача 9-10 ой вақт бор эди, шу давр ичида мол бирмунча мослашишига улгурган. Бундан ташқари келтирилган мол учун ёзнинг иссиғида қундалик сувда чўмилтириш ташкил қилинди, молни иссиқдан сақлайдиган кўпгина бостирмалар қурилди.

Ўзбекистон ССР халқ комиссариатининг қишлоқ хўжалик бошқармаси 1926 йил 14 январида 3665 сонли хати билан жойларда абориген (маҳаллий) турдаги молларни яхшилаш йўли билан ишни олиб бориш лозимлиги тўғрисида ёзади. Улар швиц зотига мансуб молларни келтиришга қатъий қаршилик қилиб, ўз фикрларини бу молни олиш жуда қийинлиги билан асослаганлар, иккинчидан, Ўзбекистон шароитида улар гемоглобулинли иситма (пираплазмоз) билан касалланадилар ва нобуд бўлиши 70 фонздан зиёдни ташкил қилади, шунинг учун швицларни келтириш хавфли тадбирдир.¹⁵⁹

¹⁵⁸. ХВДА, ф. 598, оп. 1. ед. хр. 5, 155 бет.

¹⁵⁹. ХВДА, ф. 17, оп. 2. арх. 75, д. 11.

Эҳтимол бундай фикр тўғри ҳам бўлгандур, чунки молви боқиб ва асраш шароитлари жуда содда бўлган ва албатта, иссиқ иқлимга ва бундай озуқавий шароитга мослашмаган келтирилган мол касалланган; пираплазмознинг даволаш йўқлиги яъни ундаги етишмовчилик уни нобуд бўлишига олиб келарди. Бундай оғоҳлантиришга кўпчилик керакли эътибор бермадилар, натижада жуда кўп наслдор мол йўқотилди. Бундай вазият 50-60-йиллари ҳам давом қилаверди. Шу давр ичида Хоразмга 17550 бош наслдор мол келтирилди, ўша йиллар бўйича уларнинг сақланиши ўртача 32 фоизни ташкил қилди.

Хоразмга йилнинг баҳорги ва ёзги ойларида бошқа жумҳуриятлардан мол келтирилиши мумзин эмаслиги ўрганилиб исботланганлигидан кейингина ва энг муҳими—боқиб ва асраш шарт-шароитлари яратилди, уларни сақланиши бирмунча яхшиланди, лекин наслдор молларни келтириш пода-нинг зотлилик таркибини яхшилашга ва мол маҳсулдорлигини оширишга ёрдам қилган бўлсада, лекин мол бош сонининг кескин кўпайиши рўй бермади. Бундан ўзимизга жуда муҳим, хулоса қилишимиз керакки, мол сотиб олиб келтиришга унчалик берилмоқ керак эмас, унинг ўрнига бузоқларни йўналтирилган тарзда ўстириш масаласи билан жиддий шуғулланимоқ зарурдир.

Қорамол бўлак наслдор мол етказувчи корхонада иккита бия ҳам сақланган. Қорақалпоғистон ва Каттақўрғон қўйхонасидан 100 бош она қўй ва 20 та қўчқор сотиб олини ҳам муъжалланган.

1925 йил 17 июнь кунига наслдор молларни етказувчи корхонада 4 та айгир, 7 та бия, қора ва қўнғир тусли 4 та сигир (голланд ва швиц зотларидан бўлса керак), 1 та буца, 1 та хўкизча сақланган.

1926 йил охирида наслдор молларни етказувчи корхона-нинг штати бир мудар ва учта отбоқардан иборат бўлган. Қўйидаги моллар асралган: наслдор айгирлари—7, сигирлар—2, буқалар—4, тойчалар—5, биялар—2, қочар—1, қорақўл қўйлар—13, ишчи отлар—2 жами 36 бош. Қўйлардан бошқа ҳамма молларнинг семизлиги яхши бўлган. 160

1927 йилда сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалик артели ташкил қилиш бўйича ташаббускор турух тuzилди.

160. ХВДА, ф. 17, ол. 2, арх. 165, 168 varaq.

Ййлов ерларнинг етарли эмаслиги деҳқонларни молни қўлинича боғлаб асрашга мажбур қилди. Деҳқончилик маданияти анча паст бўлганлиги туфайли деҳқонлар озуқавий экинлардан хаддан ташқари паст ҳосил олардилар. Молни, ассан, гауш, тўпон, беда, шунингдек тасодифий озуқалар— дунжара, капак ва шолни уни билан боққанлар. Фақат шаҳарга яқин жойлашган қишлоқларнинг аҳолиси ўзининг маҳсулотини соф сут шаклида сотдилар. Унинг сифати қалбакилаштирилганлиги ва ифлослиги туфайли яхши эмас, шунинг учун у ўзини таъм ва озуқавий сифатини йўқотади ва шунинг учун маҳсулот жуда кам миқдорда сотилган. Буларнинг ҳаммаси деҳқонни зотни яхшилашга қизиқтирмаган.

Сигирларнинг йиллик соғими 720-1040 килограмм, 3-5 фонз ёғлилик атрофида бўлган. ¹⁶¹

Сут артелини ташкил қилиш билан маҳсулотни состиш мўлажалланган эди, бу ўз навбатида, сут берувчи мол зотини кўпайтириш ва яхшилашга қизиқишни уйғотиш, деҳқонларни сут маҳсулотларини машина ёрдамида қайта ишлашга ўргатиш режалаштирилган эди. Бунинг билан тармоқнинг даромадлиги ошади.

1927 йилнинг бошларига келиб, Хоразм вилоятида 194339 бош ҳамма тур ва ёшлардаги, умумий баҳоси 15,2 миллион сўмлик қорамол бўлган. Молларни семизлиги умуман ўртача, лекин сигирларники— паст бўлган. ¹⁶²

Вилоят деҳқон хўжаликларидagi чорвачилик аввалгидек оддий усулда, қочирувчи—буқаларга, уларнинг маҳсулдорлик ва экстерьер— конституционал сифатларига ҳеч бир талаб қўймасдан олиб борилган. Натижада мол кичрайган, маҳсулдорлик (сут, гўшт ва уловбоп) пасайган. Шунинг ҳаммасидан чиқармаслик керакки, ўша йиллари вилоятда қишлоқ хўжалиги, ассан, ишчи молнинг уловга яроқли кучи билан олиб борилган, улар Хоразмда 1927 йилда 112554 бош бўлган, шулардан отлар 43607 бош, ахталанган хўйизлар 60539 бош ва туялар 8408 бошни ташкил қилган. ¹⁶³

Бу вақтга келиб молнинг асосий қисми шахсий секторда бўлган эди, шу билан бирга айрим шахсларда 180 дан 300 бошгача ва ундан ҳам кўп қоракўл қўйлари бўлган.

1926-1927 йиллари беданинг озуқавий ва уруғлик ўсим-

¹⁶¹ ХВДА, ф. 199, оп. 1, ед. хр. 20, 112-114 варақлар (27. II. 1927 й. Хива)

¹⁶² ХВДА, ф. 17, оп. 2, арх. 165, д. 3.343 варақ.

¹⁶³ ХВДА, ф. 17, оп. 2, арх. 165, д. з. 3-45 варақ.

лик сифатидаги аҳамияти катта бўлган. Бу йилларда беда экин майдонининг 12 фоизини ташкил қилган (27,0 минг га).

Воҳада жўхори анча майдонини эгаллаган. Масалан, 1926 йилда 29,0 минг гектар ер жўхори билан банд эди (экин майдонининг 13,3 %); 1927 йилда эса—35,8 минг га (15,1 %).

Жўхори донининг бир қисми, арпани ўринини босиб, молга бериларди. Ундан ташқари сугорилган ернинг 3,1 фоизи (7,0 минг га), кўклайин едириш учун (говуш), жўхори экинлар эди. Шундай қилиб, жўхори бутун сугориладиган ернинг 18 фоизидан кўпроғига экинлар эди.

Хоразмда экинлар орасида жўхорининг устулик қилиши Африканинг—бу экиннинг Ваташида—айрим районларидаги экинлар нисбатини эслатади.¹⁶⁴

Улуғ олим Н. И. Вавиловнинг ушбу хулосасига Амударё қуйи туманларидаги экологик вазият ўзининг энг юқори чўққисига етганди, ер—ўлканинг асосий бойлиги, ўзининг унумдорлигини йўқота бошлаганида айниқса бутун қулоқ солиш лозим эди. Виз буни шунинг учун ҳам айтаямизки, келгусида жўхорини далалардан маккажўхори сиқиб чиқара бошларди. Ҳолбуки у 1926-1927 йилларда воҳада фақат 100-200 гектарда экинлар эди. Гап шундаки, жўхори маккажўхорига қараганда шўрланган тупроқга мослашгандир, сугорилган ерда эса—унинг кўп ҳолатдаги ҳосилдорлиги ундан кам эмас. Бундан ташқари, маккажўхорининг ҳосилдорлиги кейинги йилларда пасая босилади. Масалан, агарда 1985 йилда вилоят бўйича ўртача ҳар бир гектардан 259 центнер кўк масса ҳосили олинган бўлса, 1991 йилда бу кўрсаткич атиги 170 центнер бўлди. Шунинг учун ҳам силос учун маккажўхори ўрнига жўхори экиладиган ерлар анча кўпаймоғи керак. Шунинг билан бирга дон учун маккажўхорини, чамаси, режалаштирилган майдонга экин лозим, чунки озуқабон дон беришда маккажўхорининг олдига чиқадиган экинлик йўқ.

Донли экинлардан анча майдонда кузги бугдой (1927 йил—66,2 минг га—сугориладиган ерни 27,9 %) тариқ (1927 йил—9,0 мингга—3,8 %) экинлар.

Кунжут, зигирдек мойли ўсимликлар ҳам анча фоизни ташкил қилганлар.

¹⁶⁴ Н. И. Вавилов. Хива воҳасида экиладиган ўсимликлар (ботаника—агрономчилик очерки), амалий ботаника, генетика ва селекция бўйича асарлар, т. XX, Ленинград, 1929.

Бу экинлар аҳоли ва чорвачиликни мой ишлаб чиқарилишига бўлган талабни таъминлаганлар.

Бу даврга келиб, чорвачиликнинг ривожланиши фақат хоҳиш бўлиб қолмай, балки қатъий заруратга айланди. Чунки вилоятнинг 58112 хўжалигидан 14340 таси отсиз ва 12000 гача хўжалик қорамолсиз эди. Ушбу хўжаликларни уловбоси куч билан тўлдириш учун она моллар сонини кескин кўпайтириш лозим эди, (жами 2200 бия ва 32800 бошгача сиғир мавжуд эди, холос).

1927 йили Хоразм вилоятида 334831 одам яшарди, шундан қишлоқда 304923, шаҳарда—29908.

Кўришиб турибдики, чорвачилик, асосан, сугорма деҳқончилиikka керак ишчи молдан иборат эди ва подада кўпинча ахталанган хўкис, от, туя, эшак сақланарди, улардан Хоразмда транспорт мақсадида ҳамда сув чиқариш, далаларга сув бериш учун фойдаланганлар.

1927-1928 хўжалик йилида экин майдони қуйидагича бўлган: буғдой билан 30430 гектар ер, шоли билан—6560, тарих экинлари билан—3058, мош билан 1604 га, жўхори билан—20563, беда билан 16370 га ер банд бўлган. Ундан ташқари 44266 тонна дон, 8618 тонна пахта кунжараси, 1572 тонна кунжут кунжараси (шулардан 3276 тонна ўғитга кетган молга бериш учун 6914 тонна қолган), 117936 тонна—говуш.

7 жадвал

**1928 ЙИЛДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
ЙИЛЛИК ОЗУҚАВИЙ НОРМАЛАР (БИР МОЛГА
СЕНТНЕР ҲИСОВИДА)**

Мол тури	Жўхори	беда	говуш	сомон	жўхори пояси
От	5,87	14,7	4,42	5,87	—
Ишчи хўкис	—	8,8	7,4	7,53	5,87
Туя	5,87	7,4	8,8	—	7,4
Эшак	—	4,42	4,1	—	4,42
Қорамол	—	1,47	7,4	7,4	5,87
Майда шохли	—	1,47	—	1,47	—
мсл					

Бу озуқавий нормалар ва уларнинг сарфи бўйича ем-хашак баланси тузилган.

8-жадвал

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ 1928 ЙИЛГИ ЕМ-ХАШАК
БАЛАНСИ (ТОННА ҲИСОБИДА)**

Озуқа тури	Кирим	Чىқим	±
Беда	189635	197260	-7625
Сомон	100676	133515	-32839
Жўхори пояси	87574	84115	+3459
Ғовуш	117936	122893	-4957

8-жадвалдан кўришиб турибдики, ҳажмли озуқалардан 42299 тонна етишмаган, у яйловдаги ўтлар ва қўшни жумҳуриятлардан келтирилган емлар билан қопланган.

1926-1927 йилларда молларни яйловда асраш кўпинча боғлаб бериш билан навбатланган. Вилоятда чорвачилик бой бўлмаса-да, яйлов билан таъминланган.

Дағал ўтлар ва омухта емлар аҳоли томонидан етарли миқдорда тайёрланган ва вилоятга бошқа виллоятлардан ем-хашак келтиришга муҳтожлик бўлмаган, чунки чорвачиликни ҳўжаликнинг ўзида тайёрланадиган ем-хашак билан олиб бериш мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

9-жадвал

**НАСЛДОР МОЛ ЕТКАЗУВЧИ ҚОРҲОНАНИНГ
МОЛИГА СУТКАЛИК ЕМ-ХАШАК БЕРИШ
НОРМАСИ, (КГ).**

Мол тури	беда	дон озуқаси	Кепак	сомон
Айғир	4,9	3,7	3,3	6,1
Бойтал	8,2	2,4	3,3	6,1
Буқа	8,2	—	3,3	6,1
Сигир	8,2	—	3,3	6,1

Мутахассислар деҳқонларга ёш молни ўстира бориб озуқанинг сифатини, уни ўз вақтида беришни, зиёд бермаслигини кузатиш лозимлигини ўргатдилар. 40 кг тирик вазнга бир

озуқа бирлиги (дон озуқасини), ҳамда организмнинг нормал ўсиши, шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун керак бўлган маҳсулот буқанинг 30 фоизини бериш норма ҳисобланган. Еш молнинг озуқаси энг юқори сифатли бўлмоғи керак. Чунки сифатсиз озиқлантирилган молнинг келгусида суяги заиф, ўзи кучсиз бўлади. Еш мол тоза ҳавода етарли ҳаракат қилишига алоҳида эътибор берилган. Кўриниб турибдики, бу 1926 йилда маълум бўлган, лекин бугунги айрим мутахассислар бунини озуқа етишмаслиги ҳамда ташкилий етишмасчиликлар туфайли ҳаётга тадбиқ қилаолмаётдилар.

Лекин бу тадбир албатта амалга ошмоғи лозим. Шунинг учун ҳам мутахассис бу масалада жуда принципиал вазиятда туриши ва ўз фикрини ишлаб чиқаришда қўлланмоғи даркор.

1929 йилда молни боқиш бўйича биринчи тажрибалар ўтказилди. Масалан, 1929 йилнинг 15 февралидан 18 мартгача бўлган давр ичида сигирларни намунали озиқлантириш бўйича тажриба ўтказилди.

Сигирларга озуқа бериш аста-секин кўпайтирилди, биринчи гуруҳда 8,33 озуқа бирлигидан бошлаб—11,83 озуқа бирлигигача, иккинчи гуруҳда—9,34 дан 12,88 озуқа бирлигигача. Биринчи гуруҳда соғим 2,25 фунтдан (0,921 кг) 9 фунтгача (3,690 кг), иккинчи гуруҳда 5 дан 11,5 фунтгача (2,748 дан 4,709 кг гача) кўпайди.¹⁶⁵

Сигирларга говуш, бугдой сомони, кепак, кунжака, беда пичани берилди. Бошқа тажрибада 245 кг тирик вазини сигирга 6,50 озуқа бирлиги берилганида 3,5 фунт (1,433 кг) сүт берган, 9 озуқа бирлиги берилганида эса маҳсулдорлик 5,5 фунтгача (2,252 кг) кўпайган, яъни ем-хашакни 2,5 озуқа бирлигига кўпайтириш сутини 2 фунтга (0,819 кг) кўпайтиришига олиб келди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажрибасалар жуда паст, маҳсулдорлик кам бўлсада, лекин шунинг билан бирга бир неча ижобий хусусиятларга эга бўлган. Ҳумладан маҳаллий шаронгга мосланиш, қон-паразит касалликларига чидамлик, сутнинг ёғи юқори бўлганлиги билан соғлиқ озиқлантириш ва асраш шаронгларига қаноатли маҳаллий зебусмон зот сигирларда ўтказилган.

Бундан ташқари яғринида бирмунча ўрқачи бўлган бу молнинг ахталанган буқалари ер ҳайдашда жуда ғайратли бўлган.

¹⁶⁵ ХВДА ф, 199, ед. хр. 331, оп. 1, д. 12. 104-105 бетлар.

Ушбу тажрибаларнинг ўтказилиши, Россия вакиллари мутахассис-чорвадорлар, маҳаллий чорвачиликнинг (гап қорамолчилик тўғрисида), асрлар давомидаги қолоқлигини бартараф этиш, зоотехния қондаларини ишлаб чиқаришга талбиқ қилиш, яъни молни озиклантиришдаги илғор усулларни жорий этиш, қийин шароитларда катта иш қилдилар, тажрибаларни бошловчи бўлдилар.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ўша йилларда Хоразм чорвачилиги анча паст даражада бўлган. Моллар энг кам нармада боқилганида ҳам йилига 42 мида тонна ем-хашак етишмаган. Албатта бундай озиклантириш ва ёмон асраш шароитида вилоят чорвачилиги зарар келтирган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий қийматининг атинги 5 фоизини берган.

Шу йилларда соҳадаги ишлар қандай даражада бўлганлигини Ўзбекистон ССР деҳқончилик назоратига вилоят чорвачилик бўлими ходимлари йўллаган хатдан ҳам кўриш мумкин: — «вилоятдаги ягона расм устахонасида имконият бўлмаганлиги туфайли, қочирувчи буқаларнинг расми қўшимча теборилади» — дейилган. 166

1923 йилнинг ўзида вилоятда молнинг умумий сонидан 2130 бош от, 586 бош туя, 23883 бош қорамол, 27000 бош қўй-эчки ҳарajat қилинган. Лекин гўшт маҳсулотларига бўлган ҳақиқий талаб анча кўп бўлган, шунинг учун ҳам қўшни вилоят ва жумҳуриятлардан вилоятга 7073 бош қорамол ва 113 мида бош қўй-эчки келтирилган. 167

Шунинг билан бирга, аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари, далачиликни — ишчи мол ва ўғит билан таъминлаш, бу соҳани, айниқса эътибор, гамхўрлик билан ривож топтиришга мажбур қилди. Аҳоли молнинг таркибини яхшилашга интиларди, бунинг учун улар зоопункт ва агромарказларга ўз молларини яхшиланган буқалар билан қочирини учун ҳар қуни ҳар битта қочирувчи буқага 3,8 ситирини келтираддилар. 168

Вилоятда ветеринария жиҳатидан бsr йўғи тўртта ветучастка, битта ветсанпункт ва битта ветбаккабинет (баккабинет ташкил қилиниши 1926-1927 хўжалик йилига тўғри келди), томонидан хизмат қилинарди. Бу ветеринария муасса-

166. ХВДА, ф. 17, оп. 2, арх. 75, д. 11

167. ХВДА, ф. ед. хр. 206, оп. 1,1-7 варақлар.

168. ХВДА, ф. 199, ед. кр. 206, оп. 1, 26-33 варақлар.

саларнинг ҳаммасига атиги уч ветеринария доктори ва тўртта ветфельдшер томонидан хизмат кўрсатиларди.

Ветучасткалар тўрт туманда—Хива, Янги Урганч, Гурлан ва Хонқада жойлашганди. Чорвачиликнинг қониқарсиз олиб борилиши билан бирга, мутахассисларнинг ҳаддан ташқари етишмаслиги моллар ўртасида касалликларни, айниқса юқумлиларнинг йўқотишга имкон бермаганди. 1926 йилда овсил эпизоотияси Хива туманида, айниқса «Саёт», «Оқёп» ва «Оқ мачит» қишлоқларида зўрайди, бу ерларга амалий докторлик ёрдами кўрсатиш мақсадида вилоят ветеринария доктори ва ветфельдшер келдилар.

1927-1928 хўжалик йилида юқумли касалликлардан қуйидагилари аниқланган эди: маңқа—16 бош, қуйдирги—35, қўтир—203, қўтириш 11, итаар чумаси—24, кирма темиртки—6, қоқшол—2, актиномикоз 1, сил—8, пироплазмоз—4, симптоматик кўк яра—1.

Қуйдирги касалининг бирдан ўйилиши иккита ўчққда—Янги Урганч ва Хива туманларида қайд қилинган; ветеринария мутахассисларининг астойдил ишлаганликлари тугайли ўз вақтида чоралар кўрилди ва бу юқумли касалликларнинг ўчоги тезда тугатилди.

Ўша пайтда вилоят чорвачилигида фақат бир зоотехник ишлаган. Қисман туманлар агрономлари бу соҳадаги ишларни амалга оширганлар. Қишлоқ хўжалик кооперацияларида зоотехниклар бўлмаган. Албатта оз сонли мутахассислар билан чорвачиликка хизмат қилиш жуда қийин эди. Буни эътиборга олган Хоразм вилоят ер бўлими 1928-1929 хўжалик йилида ветучасткалар сонини олтига кенгайттирди. Ҳазераси ва Маъинтада иккита участка зоотехникавий пунктлар очиб, уларнинг штатини зоотехниклар ва қорақўлчилик бўйича мутахассислар билан тўлдирилди. 1929 йилда Хива қишлоқ хўжалик техникуми ташкил қилинди. Янги Урганчда 25 айғир-қочирувга мўлжалланган завод отхонасини ташкил қилиш наслдор буқаларни, эшакларни, қўчқорларни сотиб олиш, қорақўл қўчқорлари билан «харамда» деб номланган қочиринини жорий этиш ҳар бир туманда далачилик ишларидан бўш вақтларда молларни кўрсатув озиқлантирилишини ташкил этиш, баҳорги қўзиларни кампаниясида бутун подаларни бонитировка (молларни сифатини баҳолаш), қилиш, завод отхонасида янқа хўжалик—чорвадорлар ўртоқликлари учун кўр-

сатув усули—бойтоқларни сунъий қочирини ўтказиш режалаштирилган. 169

Бу даврда вилоят қорамоли, асосан, маҳаллий зебусимон мол ва бошқа зотлар билан уларни дурағайлари қатнашган.

Вилоятда молларнинг оммавий равишда туғиши кўпинча, февраль ва март ойларида бўлган. 10 ой давом этган сут бериш даврида сиғирлар 720 дан 1040 килограммгача сут берадилар. Кунига 7,5-10 килограмм сут берадиган сиғирлар ҳам бўлган.

Вилоятнинг айрим туманларида агрозоомутахассислар томонидан 1929 йили ўтказилган кўрсатув озиқлантиришларнинг натижалари сиғирларнинг сут маҳсулдорлигини озиқлантириш ва асраш шароитларини яхшилаш 50 ва ундан ҳам кўп фонзга кўпайтириш мумкинлигини кўрсатди. Бу хил мол орасида уларни «ўзида» яхшилаб зоотехникавий ишни ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилинди.

Қайд қилиш керакки, Хоразм вилояти чорвачилигига Хива тумани ҳудудида тирикчилик қилган, яхшигина қорамол наслига эга бўлган, немис колонияси чорвадорлари ижобий таъсир кўрсатишди.

Худди шу ерда истиқомат қилган колониячи Отто Генрихович Шмидтдан 1926 йили қочирини пунктлари учун голланд қони бўлган, қора тусли иккита буқа сотиб олинган. 1927 йилнинг май ойида қорақалпоқ вилояти ер бошқармаси Хоразм ер бошқармасига хат ёзиб, колониячиларда қизил немис зотли мол бор деб ҳисоблаб, уларнинг молни тўғрисида айрим маълумотларни хабар қилишларини илтимос қилади, бунга вилоят зотсизини А. Вергай «Хоразмда ҳақиқатан ҳам 32 ҳовлидан иборат «Оқ—Мачит» немис колонияси мавжуд» деб хабар қилади.

1884 йили немислар Хоразмга ҳақиқатда қизил колонияли молни келтирганлар, лекин вақт ўтиши билан бу мол ўзгарган, бунинг сабаби бир томондан иқлимий шароитлар бўлса, иккинчи муҳим томони—янгиланган қонни қўйиш учун гемозигот буқаларнинг йўқлигидир.

Юқорида айтилганидек, Хоразмда, «Оқ мачит»даги немис колониясида қизил колонияли мол бўлган ва, эҳтимол, шунинг учун ҳам вилоятга қизил немис зотига мансуб мол ларни естиб олиш учун лимит ажратилган.

Хоразм вилояти учун марказлашган тартибда қизил немис зотини 10 бош қочирувчи буқаларини биринчи марта 1928

169. ХВДА, ф. 199, ед. хр. 206, оп. 1, 26-33 варақлар.

йилда Ўзбекистон ССР ер халқ назирати томонидан сотиб олиш амалга оширилган. Сотиб олинган буқаларни қабул қилиш учун вилоят зоотехниги Епанешников Тошкент шаҳрига командировка қилинган. Қабул қилиш пайтида наслчилик ишига фақат 6 буқа лаҳқатлилиги аниқланди. Яроқсиз 4 буқа ўрнига ер халқ назирати депосидан хўкизчалар олинди. Ундан ташқари, «Колланск» ўқув хўжалигидан 6 буқа сотиб олинган. Вилоятга ҳаммаси бўлиб 16 буқа келтирилган. Буқаларнинг ўртача тирик вазни 192 дан 320 килограммгача бўлган. Улар юқори семизликда бўлганлар. Булардан бўлак 1929 йили яна 19 бош қорамол ва 30 бови эл сотиб олинган.¹⁷⁰

Қайд қилиш керакки, адабиёт ва архив манбаларга қараганда, қизил немис зоти Ўзбекистонда биринчи марта 1928-1932 йилларда пайдо бўлган ва у кўпинча Азов-Қора денгиз ўлкасидан келтирилган.¹⁷¹

Шунинг билан бирга, қизил немис зоти моллари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илк бор 1882 йилда, Хоразм вилояти ҳудудида эса—1884 йили пайдо бўлган.

«Ҳозирги вақтда немис хўжаликларида колониячиларнинг қизил мели йўқ—дéb тасдиқланди А. Вергай.—У ердаги мол голланд, швиц ва симментал зотларининг қисман қўйилган қони бор маҳаллий зотларга мансуб мол бўлган».

Немис колониясидаги мол ҳар хил тусли, лекин кўпроқ қора ва олачинор бўлган. Бунда колонияда маҳаллий зотга мансуб мол бор—деган А. Вергай.—ноҳақ ёки бу молни четга бермаслик учун атайин ёзилган хат бўлиши керак. Бексаларнинг ҳикоялари бўйича биз биламиз—XIX аср охири—XX аср бошларида немис-меннитларда қизил мол бўлган. XX аср бошларида Қирғизистондан (1904 й), ҳамда Волга бўйидаги ва Украинадаги немис колонияларидан бу ерга голланд ва швиц буқалари, кейинчалик эса симментал зотига мансуб буқалар келтирилган.¹⁷²

1927 йилга келиб уларда ссф зотли голланд мели бўлган, буни архив маълумотлари ҳам кўрсатади.

1925-1926 йилларда немис колониясида подани тўлдириб туриш Хоразм вилояти ер бўлимининг зоотехникавий пунктидаги буқалар билан амалга оширилган. Кейинги йиллар давомида бошқа жойлардан мол келтириш бўлмаган.

¹⁷⁰ ХВДА, ф. 199, ед. кр. 331, оп. 1, д. 12, 132 varaқ.

¹⁷¹ С. Г. Давидов. Ўзбекистоннинг маҳаллий молини яхшилашга доир масалалар, «Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришга» журнали, № 2, 1929.

¹⁷² ХВДА, ф. 69, оп. 1, ед. кр. 547, 117 бет.

Колонияда яшайдиган кўпчилик хўжаликларнинг асосий даромади чорвачилик маҳсулотларидан бўлган. 1934 йил 15 октябрга 52 хўжаликда 112 сигир, 43 от, 42 буқа, 5 эшак сақланган. Сутни қайта ишлаш учун колонияда 13 та сепаратор бўлган. Ёзда пишлоқ, қуюқ қаймоқ Хива, Урганч, Тошхўвус ва вилоятнинг бошқа туманларидаги бозорларда сотилган.

Вилоят қорамолининг асосий қисмини маҳаллий мол ташкил қилган уларни яхшилайдиган зотлар—швиц, кейинчалик симментал ва қизил немис молли деб ҳисоблаган вилоят бош зоотехниги А. Вергай; қолмиқ ва украин чўл кулранг зотлари эса ишчи молни яхшилайдиган, шунинг билан бир пайтда наслга бутун молга сингдириладиган сифатлари кучли тарзда ифодаланган зебусимон молнинг курамини ва хоросан гуруҳларини «ўзларини ўзда» урчитиш масаласи қўйилган.

Яхшилайдиган зот сифатида швиц ва симменталларни танлаш, аввало ушалиб бораётган маҳаллий молнинг тирик вазнини ошириб, кейинчалик ундан ишчи мол сифатида фойдаланиш, эҳтимол, кўзда тутилган бўлса керак. 173

Қорақалпоғистон ва Қозғоғистонда, шунингдек маҳаллий вилоят отлари ҳам умуман майда суякли бўлиб, уларнинг қўпол экстерьер етишмовчиликлари бўлган. Она молларнинг жами тарихи 3000 бошга яқин бўлган. Шуларнинг ичиде экстерьерни бўйича яхши бўлган қорабайир (айниқса Қўшкўшир туманидаги Хонавог қишлоғида), ва туркман отларининг бойталлари учраган. Худди шу бойталларда, уларга йirik суяклироқ айғир-қочирувчиларни танлаб Хоразм йилкчилигига асос қўйиш режалаштирилган.

Вилоятда 60 минг бошга яқин бўлган қоракўл зотли ва 46 минг бошга яқин думбали қўйларни урчитганлар. Хоразм вилоятида кейинги йилларда қўйлар сонининг анча камайиши 1924 йилдаги миллий чегараланишдан сўнг қўйларни боқишга лойиқ яйловлар ҚҚАССР ва Туркманистонга ўтгани билан тушунтирилади. Вилоятда 215 минг гектар яйлов бўлган, лекин бу рақамга қумлоқ, тўғай ва қисман маданий ерлар кирган (қумлар—101308 га, кўл ва ботқоқликлар—7247 га, тўғайлар—2938 га).

Хоразмда қоракўлчилигини яхшилаш мақсадида вилоят ср бўлими Ўзбекистон ССР ер назирлиги орқали Бухородан 40 бош қоракўл қўчқорларини сотиб олди ҳамда назират ол-

дида бу қўчқорларнинг яна янги тўдасини сотиб олиш юзасидан илтимос қилди. Бу қўчқорлардан унумли фойдаланиш учун вилоят ер бўлими 1928 йилга келиб 6 та қочирини пункти ташкил қилди, деҳқон подаларини энг яхши қоракўл қўчқорлари билан таъминлайдиган наслчилик қўйхонасини ташкил қилиш режалаштирилди.

Ишчи кучи сифатида фойдаланадиган эшаклар вилоятда анча бўлган. Хива зоти энг йирик ва чидамли ҳисоблансада Хоразмда эшакларнинг яхши насллари кам бўлган. Вилоят ер бўлими ўша йилларда Бухородан қочирувчи эшакларни бир нечасини вилоят учун сотиб олишга ҳаракат этган.

Туячилик бўйича наслчилик иши «Нар» турдаги туяларни мустаҳкамлаш йўналишида амалга оширилган.

Эчкичилик Хоразмда ҳеч қачон ҳам яхши ривожланмаган, бу соҳа жуда оддий усулда юритилган яъни ҳеч бир йўналишга асосланмаган. Шунинг учун ҳам сифат, ҳам маҳсулдорлик нуқта-назаридан паст даражада турган эди. Вилоят ер бўлими вазиятни ўзгартиришга ҳаракат, эътибор қилди, заанен зотли эчкиларнинг энг яхшиларини танлаш йўли билан эчкичиликни ривожлантиришга қарата чоралар кўрди.

1928 йил бошида 1927 йилдаги ишлар натижаси бўйича вилоят кенгаши ўтказилди. Чорвачиликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилиб кенгаш қўйидагиларни бажариши лозим деб топди: чорвачиликнинг озуқавий майдонини ва яйловларини текшириш ўтказиш, тажрибали мутахассислар ёрдамида вилоят экспедицияси оммавий равишда текшириш ўтказиши ва экспедициянинг ҳулосаси асосида чорвачиликни сифат томонидан яхшилаш тадбирлари тартибини кўриш кўзда тутилди.

Кенгаш йилқичилик масаласида қочирини пунктлари учун отларнинг йомуд, қорабайир ва така зотларидан фойдаланиш мумкин деб топди.

Мавжуд от заводидида бирданга келтирилган зотларни маҳаллий деҳқон отига наслик хусусиятларини ўтказишни ўрганиш бўйича ишларни бошлаш таклиф қилинди, шу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлари отлик аскарлар миннишига лойиқ йомуд отини кўнайитиришга айниқса эътибор қилинди.

Қорамолчиликда энг яхши буқаларни, маҳаллий молнинг сива подасини танлаш ҳамда «ўзини ўзида» яхшилаш йўллари ўтказиш лозим деб топилди. Туманларда бу йўналишга танлашни қаратмоқ, аҳолини махсус сўтчилик ўртоқликларда ва артелларда ишлашга жалб этиш мўлжалланди.

Бошқа зотларни ташқаридан келтириш бўйича кенгаш вилоят ер бўлимини бу қизиқишдан огоҳлантириб қўйди.

Миллий чегараланиш натижасида Хоразмда жуда кам яйлов қолганини эътиборга олиб, яйловларни катталаштириш мақсадида вилоят ер ва сув хўжалиги бўлиmlлари олдида қўлларда ўсимликлар ўстиришни бошлаш учун сув ўтказиш ва ҳамда вилоят ер бўлимига вилоят ижроия қўмитаси олдида ерлар давлат ер (Г. З. И) ва ўрмончиликдаги қишлоқ жамиятлари ихтиёрига мол боқиш учун ер ажратиш масаласини қўйишни тавсия қилди. 174

Ем-хашакнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, чорвачилик мутахассислари бундай ҳолатда мол бош сонини қўлайтириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, лекин қишлоқ хўжалигини тиклаш ва мустаҳкамлаш масаласида чорвачиликни сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича тадбирлар мумкин-дир ва кераклидир, деб кўрсатдилар.

Бу даврга келиб жамоа хўжаликларини барпо этиш зарурати вужудга келди ва 1927 йилнинг баҳорида Хива туманининг «Саёт» қишлоғида воҳада биринчи «Тоза ҳаёт» қишлоқ хўжалик артели ташкил бўлди. Жамоа хўжаликларини қуриш жараёнида жамоа чорвачилигини ривожлантириш бўйича янги бўғин—колхоз-товар фермаси пайдо бўлди.

Шунинг билан бир қаторда чорвачилик бироз ривожланган вилоятлардан қорамол ва чўчқаларнинг наслдор молларини келтириш бошланди.

1936 йилдан бошлаб сигирни бўлмаган колхозчиларни молли қилиш мақсадида Воронеж ва Смоленск вилоятларидан швиц зотига мансуб қочар ва хўкизчаларнинг анча боши келтирилди, лекин уларнинг бир қисми тейлерноздан, коңшолдан, ўпка, жигар яллиғланишидан, овсилдан нобуд бўлди. Швиц, симментал ва голланд зотларига мансуб молларни келтиришга, эҳтимол, бу моллар 1925 йилда Хивадаги наслдор молларни етказувчи корхонада сақланганлиги ва яхши мослашганлиги тўғрисидаги мутахассисларнинг фикрлари ёрдамлашган бўлса керак. Лекин улар бу мол ирапаълазмоздан кучли азобланишини огоҳлантирган эдилар.

Воронеж вилоятидан йирик оқ инглиз зотига мансуб 20 та эркек чўчқани ва 175 та урғочи чўчқаларни келтирилиши уша вақтга тўғри келади.

Маданий зотлар молларини келтирилиши ва сотиб олинишига қарамай, бу вақтга келиб, вилоят худудида наслдор

174. ХВДА. ф. 17. оп. 2. арх. д. 3. 394 варақ (1927 йил).

фермалар йўқ эди, наслчилик ишларини юритиш энди бошланган эди. 1936 йилда Урганч шаҳрида сигирларни сунъий қочириш пункти янгидан ташкил қилинди, пунктда 2 та соф зотли қочирувчи—буқалар сақланган: бириси—симментал, иккинчиси—голланд зотидан—шу йили вилоятда ҳаммаси бўлиб 29790 бош қочириладиган ургочи мол бўлган; сигирлар—25628, икки ёшдан катта ғунагани—2206, икки ёшдан катта қочар—1956 бош.

Қўйларни сунъий қочирилишига ҳам эътибор бера бошладилар. Масалан, 1940 йилги режа бўйича қоракўл зотининг 54,5 минг бош она қўйи қочирилиши лозим эди, шулардан 5000—боши — сунъий равишда. Бунинг учун 5 та пункт ташкил қилинди, улар учун Самарқанд шаҳридан асбоб-ускуна келтирилди. Биринчи марта Хивадаги ўқув комбинати қошида 1946 йилнинг 1 августидан қўйларни сунъий қочириш бўйича техник-қочирувчилар тайёрлаш курслари ташкил қилинди.

Колхозларни ташкил қилиниши билан фермалар сони кўпая бошлади. Масалан, агар 1935 йилда 1 та сутчилик, 10—от, 33—қўй, 6 та чўчқа фермалари бўлган бўлса, 1938 йилга келиб 1300 бош мол бўлган 50 га яқин сут-товар фермасига, 4367 бош от бўлган 133 от фермаси, 44922 бош қўй асралган 201 қўй фермаси ва 3018 бош чўчқаси бўлган 134 чўчқа фермасига етди.

Колхозларга ёрдам тариқасида бу йилларда кўп мол бериларди. Масалан, 1933 йилда 9882 бош, 1936 йили 245 бош, 1937 йилда—1462 бош қорамол берилди.

Колхозларда мол бош сони кўпайиши билан чорвачиликдан келган пул даромади ҳам кўпайди. Агарда 1933 йилда тармоқдан атиги 764,8 минг сўм даромад олинган бўлса, 1934 йилда бу рақам 951,6 минг сўмга 1936 йили—1376,7 минг сўмга етди. Чорвачиликдан келган зарар 1937 йилда 365 минг сўмни ташкил қилди.

1937 йилга келиб вилоят ҳудуди 4556 кв. кмни ташкил қилган, лаёқатли ер майдони 170,7 минг гектарга тенг келган; улардан 1939 йили 117,1 минг гектарга экин экинган (тармоқлардаги экинларсиз), экинган дарахтлар колхозларда 1,3 мингга, томорқалар — 13,7 мингга, ўзлаштирилмаган партов ерлар—38,6 мингга.

Вилоят таркибига 9 туман ва 2 шаҳар кирган. Агарда биринчи беш йиллик бошланганигача қишлоқ хўжалиги деҳқон—шахсий сектор қўлида бўлган бўлса, биринчи беш йиллик охирига келиб (1932 й) у 81,5 фоз, иккинчи беш йиллик охирида

(1937 й) — 39 фоз ва 1939 йилга келиб 100 фоз социалистик секторга тўғри келган.

Биринчи беш йиллик бошланишида (1928 й) вилоятда атига 5 гектар ери бўлган 1 та колхоз бўлиб, биронта МТС бўлмаган. Кўпроқ оддий қишлоқ хўжалик қуроллари билан ишланган. 1939 йилга келиб эса қишлоқ хўжалиги социалистик секторга тўла ўтиб, кучли трактор парки, бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига, қишлоқ хўжалик экинларининг юксак агротехникасига эга бўлди.

Биринчи беш йилликнинг охирига келиб (1932 й), вилоятнинг ўзида 51491 хўжаликни яъни деҳқон хўжаликларининг 84,5 % бирлаштирган 703 жамоа хўжалиги (колхозлар) ташкил қилинди.

1939 йилги жамоа хўжаликлар сони кичкина колхозларни қучдирилариغا қўшилиши натижасида 445 гача камайди.

1935 йилгача колхозчилар томирда участкаларига эга эмас эдилар ва ўзларини талабларини қондириш учун экин экмаганлар. 1935 йили ҳар бир хўжаликка 0,25--0,3 га, жаъми 6,0 минг га 1936 йили — 9,4 минг га, 1938 йилда — 12,2 минг га ер участкаси ажратилди. Ўзларининг томорқасидаги экинларден бошқа, колхозчилар 582 га мевали дарахтларга ва 262 га уаумзорларга эга эдилар. 52530 колхоз хўжаликдаги 1940 йил январидан маълумотларга қараганда ҳар бир колхозчи ўз ишқий хўжалигида молга эга бўлган, 37373 хўжаликда 1-2 сиғир, 938 хўжаликда қочарлар бўлган, фақат 5777 хўжаликда сиғир ва қочар бўлмаган.¹⁷⁵

1940 йил январида вилоятда колхозларга беририлган 220,8 минг га ер майдони, сугориладиган ерлар, шу жумладан бес ва иллиз, ўтзор ва ялловлар бўлган.

1930 йилдан 1935 йилгача бўлган даврда вилоятда чорва моллари умумий бош сони бўйича ҳам, айрим турлари бўйича ҳам эгча камайди. 1935 йилдан бошлаб чорвачиликнинг паёғини тўхтади, мол сони йил сайин кўнайиб, 1937 йилда чорва энг юксак ривожланган 1928 йилдаги бош сонидан ошди.

Қорамолчиликда, асосан, ишчи хўкизлар ва сиғирлар кўп бўлган. Қорамолнинг энг кўп сони 1928 йилга тўғри келган эки 148,7 минг бош бўлган. Ўскини 1929 йилдан бошлаб, 1935 йилгача унинг бош сони ҳар йили қисқариб келди, 1935 йилдан қорамол бош сони ўзи ҳиссига кўнайиб, 1939 йилда 135 минг бошга етди.

Отларнинг бош сони 1928 йилда энг кўп — 48 минг бош бўл-

¹⁷⁵ ХВДА, ф. 20, оп. 1, ед. хр. 23, 125 бет.

ган; шу даврдан кейин ҳар йили кескин қисқара борган. 1935 йили от бош сонининг пасайиши тўхтади ва келгусида 26,5 минг бош атрофида барқарорлашди.

Йилқичиликда, асосан, ўзидан кўпаймайдиган гуруҳ яъни Бойтол ва охта от кўпроқ бўлган, она моллар йилқичиликда кам салмоқни эгаллаган (бутун от сонининг 25 фонзигача), шунинг учун ҳам ўзидан кўпайиш ҳисобига отлар сонини тўлдиришни таъминламаган.

Вилоят қўйчилигида фақат қорақўл қўйлар урчитилган, бошқа турдаги қўйларнинг (думбалиларининг), салмоғи кам бўлган, 1929 йилдан 1935 йилгача вилоятда қўйчилик салмоғи пасайиб кетди ва фақат 1935 йилдан унинг пасайиши тўхтаб, қўй ва эчкилар сони ҳар йили, асосан ўз-ўзидан кўпайиш ва қисман Бухоро вилоятининг қорақўл совхозларидан келтириш ҳисобига (1935 йили 20 минг, 1936 ва 1937 йиллари 21,1 минг бошдан), ўсди ва кўпайди.

Жун маҳсулотини олишдан ташқари ҳар йили 40-55 фонз қўзилар тери учун сўйилган ва тайёрланган қорақўл терилари вилоятдан бошқа жумҳуриятларга чиқарилган.

Думбали қўйлар сони камайган ва 1939 йилда 1928 йилга қараганда 7,9 марта қисқариб кетган.

1932 йилгача вилоятда чўчқаларни урчитмаганлар. 1932 йилдан бошлаб, чўчқаларнинг маҳаллий зотлари колхоз ва давлат хўжаликларида биринчи марта асрала бошланди. 1936 йили колхозлар учун бошқа жумҳуриятлардан 190 бош йирмак оқ зот наслдор чўчқалар, 1937 йили 306 бош келтирилди. Шу даврдан бошлаб, чўчқачилик вилоят чорвачилигида ўз ўрнини эгаллади ва асосан колхоз—товар фермаларида келгуси етарли бўлган она моллар ҳисобига ўз-ўзидан ривожлантириш мақсадда тўпланган.

10-жадвал.

ЙИЛЛАР БЎЙИЧА МОЛ БОШ СОНИНИНГ ҲАРАКАТИ
(минг бош ҳисобида)

	Йиллар						
	1927	1928	1932	1935	1937	1939	
1. Қорамол, жами	138,7	148,7	99,4	88,7	127,8	135,0	
шу жумладан қолхозларда	0,03	0,1	34,2	31,2	35,1	35,2	
қолхозчиларда	—	—	48,7	51,0	84,5	95,4	
2. Отлар, жами	43,6	48,1	39,0	26,5	26,5	26,1	
шу жумладан қолхозларда	0,02	0,02	30,4	24,5	25,6	25,2	
3. Қорақўл қўйлар, жами	77,2	96,5	51,7	66,6	122	122,1	
шу жумладан қолхозларда	—	—	20,9	33,9	44,1	59	
қолхозчиларда	—	—	21,3	29,4	74,3	62,2	
4. Думбали қўйлар, жами	7,2	8,2	3,8	1,8	1,9	1,4	
шу жумладан қолхозларда	—	—	0,7	0,7	0,4	0,2	
қолхозчиларда	—	—	1,5	0,7	1,1	0,8	
5. Эчкилар, жами	4,7	5,7	3,9	6,9	19,8	18,8	
шу жумладан қолхозларда	—	—	1,6	1,6	2,5	2,6	
қолхозчиларда	—	—	1,5	4,6	15,9	15,3	
6. Чўчқалар, жами	—	—	0,8	1,1	2,7	3,8	
жуылдан қолхозларда	—	—	—	0,2	1,8	2,7	
7. Туялар, жами	8,1	9,1	11,0	7,0	8,3	7,2	
шу жумладан қолхозларда	—	—	9,3	6,8	7,5	6,7	
8. Энақлар, жами	28,2	32,4	29,7	21,8	32,1	37,9	
жуылдан қолхозларда	—	—	10,4	0,3	0,4	0,4	
қолхозчиларда	—	—	13,6	19,2	30,6	36,4	

1939 йилда вилоятда биринчи марта наслдор моллар ҳисобга олинди, шунга биноан қизил немис зотига мансуб моллар 1172 бош бўлган. Шундан соф зотли қочирувчи—буқалар 991 бош, швиц зотига мансуб моллар 234 бош, шундан 18 қочирувчи—буқа, голланд зоти — 51 бош, шундан 21 боши қочирувчи — буқа, 36 бош симментал зоти 3 қочирувчи—буқа билан, соф зотли бушув сигирлари 3 бош, қизил горбатов дурагайлари — 3 сигир. Жами вилоят колхозларида соф зотли ва дурагай 133 қочирувчи—буқа, 256 сигир бўлган. Ундан ташқари, колхозчилар 377 бош қизил немис зотли сигир, 63—швиц зотли, 117 бош—симментал, 87—голланд, 37—қизил горбатов, 21—герсфорд, 16 бош Тошкент яқинидан келтирилган бушув сигирларини сақлаганлар.

Колхозларда жами 56451 бош қорақўл зотли тўғқер, она ва тўғли қўй, 2 бош соф зотли хисор қўйлари сақланган.

Колхозларда 115 бош қерабайир бўлган, шу жумладан улардан 13 таси соф зотли, 59 бош йомуд зотли, улардан 11 таси соф зотли, ахалтақалар 16 бош, шу жумладан соф зотлилари — 4 бош.

Ўтказилган муайян ишларга қарамай, чорвачиликни олий бориш маданияти жуда паст даражада эди. Жамоат молини сақлаш учун молхоналар етишмаган ва колхозларнинг моли қўпинча шахсий хўжаликлар молхоналарида жойлаштирилган.

Колхозлардаги молларнинг умумий бош сони кам ўеди, унинг маҳсулдорлиги пастлигича қолди.

1939 йилда вилоятда 1811 бош сигирдан 752 та бузоқ, яъни ҳар 100 сигирдан 41 та бузоқ олинди. 1052 она чўчқадан 3247 чўчқа боласи, яъни ҳар она чўчқадан уч бола олинди. 44939 бош она қўй ва эчкидан 32541 қўзи ва эчки боласи, яъни 100 бондан 73,4 бош қўзи олинган. 1940 йил 1 январга уларнинг 12574 боши, яъни фақат 28 фонзи саглаб қолинди.

1939 йилда бузоқларнинг нобуд бўлиши 10 фонзни, чўчқа боласи нобудгарчилиги 22,3 фонзни ва қўзиларники 2,3 фонзни ташкил қилди.¹⁷⁶

Молларни рўйхатга олиш бўйича 1940 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга кўра, колхозчиларнинг 46525 шахсий хўжалигида 94 минг бош қорамол бўлган, яъни колхозчиларнинг ҳар бир хўжалигига 2 бондан тўғри келган. Қорамолдан ташқари колхозчиларнинг 19091 хўжалигида 76194 бош қўй ва эчки, яъни бир хўжаликка ўртача 4 боши тўғри келган.

¹⁷⁶ ХВДА. ф. 1. сп. 3. ед. хр. 62. 85 бет.

Чорвачиликнинг ривожланишида 1939 йил 8 июлда қабул қилинган «Колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш чоралари тўғрисида» СССР халқ комиссарлар Советининг қарори муҳим роль ўйнади. Бу қарорда гўшт топириш йиллик ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича давлат режаларини бажарган колхозларга колхозчиларнинг умумий мажлиси қарори билан колхозчиларга қўшимча меҳнат кунларини қўшиб ёзиш тавсия этилган. Колхоз аъзоси бўлган колхоз раисларига, зоотехникларга ва ветфельдшерларга—йил охирида режадан ташқари фермада бўлган ҳар бир бош сугир, она чўчқа ва қўй ҳамда бултургига қараганда ферма бўйича сут соғинини кўпайтиргани учун мукофот бериш ҳам тавсия этилган. Натижада 1940 йилда фермалар, қорамол ва қўй бош сонлари кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. 1940 йил 1 январига вилоятда қорамолчилик бўйича 364, қўйчилик бўйича 359, чўчқачилик бўйича 207, йилқиччилик бўйича 364 колхоз—товар фермалари бўлган; 140 колхозда сугир бўлмаган.

II-жадвал

1937—1940 ЙИЛЛАРНИНГ БОШЛАРИДА КОЛХОЗЛАРДА МОЛ БОШ СОНИНИНГ ҲАРАКАТИ (бош ҳисобида)

Мол тури	Йиллар				1941 й. 1. 01.	1938 й. 1. 01
	1938	1939	1940	1941	га % ҳисобида	
1. Қорамол шу жумладан сугир	34804	34463	35170	41672	118,0	
2. От шу жумладан бойтол	895	962	1811	4665	5,2	марга
3. Қўй га эчки	25154	25870	25170	24532	97,0	
4. Чўчқалар шу жумладан она чўчқа	6472	6257	5929	5712	89,0	
	45994	54543	61718	78996	172,0	
	1976	2908	2731	1999	101,0	
	930	769	1052	722	78,0	

Вилоятда отларнинг бош сони йилма-йил камайиб кетган. Масалан, 1932 йил 1 январда вилоятда 38055 бош от бўлган бўлса, 1940 йил 1 январга келиб, уларнинг 24950 боши қолган. 8 йил мобайнида отлар сони 14095 бошга камайган. От сониининг камайишини шу кўпгина туманларда бу пайтда ўтлоқлар деярлик бўлмаганлиги билан изоҳласа бўлади. Шу сабабли колхозлар отни қўпайтириш билан шугулланмасдан, Қорақалпоғистон ва Туркменистондан, асосан, айғирларни сотиб олинганлар. Мавжуд она моллар табиий бола олиш ҳисобига кам тўлдирилган. Шунинг учун ҳам 1940 йилга келиб она моллар сони, асосан 15-16 ёшдан катта бўлган. Масалан, Хива туманида 3 ёш атрофидаги катта отлар атиги 9,8% ни ташкил қилган бўлса, 16 ёшдан катта бўлган отлар 85,2 % бўлган. Вилоят колхозларида отга меҳр-шафқатли муносабат бўлмаган, улар жуда қаттиқ ишлатилган, уларга етарли қаралмаган. Одатда омухта ем берилмаган. Буларнинг ҳаммаси от бош сони камайишига сабаб бўлган.

Чорвачиликнинг қониқарсиз ривожланишига қарамай, ўша даврда ҳам мол маҳсулдорлиги бўйича дуруст натижаларга эришган колхозлар бўлган. Масалан, Урганч туманидаги «Коммунизм» колхозининг наслчилик фермасида 31 боз қорамол, шулардан 20 боши сигир бўлган. Бу ерда бир йилда соғиб олинган сүт 2550 килограммга етди.¹⁷⁷

Биринчи уч беш йиллик йилларида деҳқончилиكنинг ишлаб чиқариш йўналиши ва экин майдонларининг тузилиши техникий ва озуқавий экинлар фойдасига ўзгарди, деҳқончиликда пахта ва беда устунлик қила бошлади.

¹⁷⁷. ХВДА. ф. 1, оп, 3, ед. хр. 62, 127 бет.

12-жадвал
ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, МИНГ ГА

	1927 й		1932 й		1937 й		1939 й	
	ер май-Дони	умумий ер майдо-нига %						
Бутун экин майдони	115,7	100,0	128,9	100,0	118	100,0	129,3	100,0
шу жумладан догли	60,7	52,5	8,9	6,9	6,9	21,8	18,5	13,8
ва дуккакдилар	5,7	4,9	3,7	2,8	2,8	7,1	6,0	6,5
шундан шולי	28,6	24,7	92,2	71,5	71,5	81,3	68,9	79,3
техникавий экинлар	27,4	23,6	80,2	62,2	62,2	81,3	68,9	79,1
шундан пахта	22,1	19,1	26,4	20,5	20,5	12,2	10,3	31,4
Озуқавий экинлар	14,6	12,6	19,5	15,1	15,1	11,8	10,0	27,4
шундан беда								
Сабзавот - поллиз	4,2	3,7	1,4	1,1	1,1	2,7	2,3	4,8
экинлари								

Деҳқончилик ишлаб чиқариш тузилиши камайиши билан экин майдонларининг миқдори кўгайди.

13 жаadwal
ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ ҲАҲАМИ

	ЭКИН МАЙДОНИ, минг га					
	1913 й	1927 й	1928 й	1932 й	1937 й	1939 й
1	2	3	4	5	6	7
Бутун экин майдони	117,8	115,7	111,0	128,9	118,0	129,0
шу жумладан қолхозларда	—	0,1	0,1	193,8	106,4	116,8
Шулдан пахта жами	18,5	27,4	30,2	80,2	81,3	79,1
шу жумладан қолхозларда	—	0,07	0,2	70,2	81,1	79,1
Беда—жами	17,7	14,6	15,5	19,5	11,8	27,4
шу жумладан қолхозларда	—	—	—	11,6	11,6	26,6
шолі — жами	7,0	5,7	5,2	3,7	7,1	6,5
шу жумладан қолхозларда	—	0,02	—	2,6	6,2	6,0
жўхори—жами	26,1	16,9	17,7	2,7	9,2	4,6
шу жумладан қолхозларда	—	0,01	—	1,6	2,4	0,8
бугдой—жами	36,2	29,5	29,0	2,7	2,6	0,8
шу жумладан қолхозларда	—	—	—	2,4	1,3	0,3
арпа—жами	36,2	29,5	—	—	1,2	0,9

	1	2	3	4	5	6	7
шу жумладан кол- хозларда	—	—	—	—	—	1,0	0,8
арпа—жамин шу жумладан кол- хозларда	0,1	—	—	3,5	—	0,4	0,3
мош—жамин шу жумладан кол- хозларда	—	—	—	—	—	0,2	0,3
шу жумладан кол- хозларда	2,9	—	3,4	3,3	0,2	1,4	0,7
картошка — жамин шу жумладан кол- хозларда	—	—	—	—	0,1	0,1	0,6
сабавот—жамин шу жумладан кол- хозларда	—	—	—	—	0,2	0,3	0,8
сабавот—жамин шу жумладан кол- хозларда	2,6	—	0,8	2,4	0,1	0,1	0,2
поллиз—жамин шу жумладан кол- хозларда	—	—	—	—	0,4	0,5	1,1
поллиз—жамин шу жумладан кол- хозларда	3,6	—	3,3	3,4	0,2	0,1	0,3
бушқа озукавини экинлар жамин шу жумладан колхозларда	—	—	—	—	0,8	1,9	2,9
					0,3	1,3	1,1
			7,4	—	5,9	1,8	5,4
			—	—	2,9	1,6	2,0

Вилоят далачилигида пахтадан кейин беда—пахта алмашувида ва озуқа муаммосини ҳал қилишда беда иккинчи асосий экин бўлди. 1938 йили беда майдони ҳам экин ерида, ҳам пахта майдонига қараганда пахта-беда алмашувида ягона экин сифатида ва озуқа муаммосини ҳал қилувчи омил сифатида маълум салмоқли бўлди.

1913 йилдан 1927 йилгача бўлган давр ичида беда майдони камайди ва 3,1 минг гектарга тушиб қолди. 1927 йилдан бошлаб эса беда майдони кенгая бошлади ва 1932 йилда 19,5 минг га етди. 1932 йилдан бошлаб унинг майдони ҳар йили бирмунча кўпайиб ёки камайиб турди, лекин 1932 йилги майдон ўлчамига етмади ва фақат 1938-1939 йилларда унинг майдони кескин кўпайиб 21,5—27,4 минг гектарга етди. Сўнгра 2-3 йил мобайнида пахта-беда алмашувида ўтиб, уни жорий қилиш учун ва чорвачиликда озуқа муаммосини ҳал қилиш мақсадида беда экин майдонларининг тузилишида маълум ҳолатни эгаллади.

Беда чорвачиликнинг озуқа базасини ҳал қилиш манбаи ва пахта—беда алмашувидаги ягона экин сифатидаги аҳамиятидан бошқа, қиммати собиқ иттифоқнинг чегарасидан узоқ элларга маълум бўлган беда Хоразмда яна уруғ учун ҳам экинлади.

Вилоятдан бошқа жумҳуриятларга ва чет элларга уруғлик мақсадда ҳар йили 3-5 минг центнер беда уруғи чиқарилган. 1931 йилда 1412 центнер, 1932 йилда—2069, 1934 йилда 4161, 1938 йилда—4632, 1939 йилда—5389 центнер беда тайёрланган.

Қайд қилиш кераки, 1932 йилгача доғли ва дуквакли экинлар Хоразм вилоятининг деҳқончилигида етакчи экинлар бўлган ва бутун экин майдонининг 60 фоиздан зиёдини эгаллаган (асосан, буғдой, жўхори, шол и ва мош).

1932 йилдан доғли экинлар майдонини пахта сиқиб чиқарди, кейинчалик улар кескин камайди ва бутунги кунда уларнинг салмоғи экин майдонларининг тузилишида жуда камдир (шолдан бошқаси) ва деҳқончиликда улар иккинчи даражали аҳамиятга эга.

14-жадвал

ДОНЛИ ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИ ҚАТОР ИИЛЛАР
 МОБАЙНИДАГИ ҲОСИЛДОРЛИГИ, (ц/га).

Экинлар номи	1927 й.	1928 й.	1932 й.	1937 й.	1939 й.
Бугдой	12,1	14,4	9,5	11,1	7,6
Арпа	—	—	—	9,9	5,7
Шоли	10,1	9,9	9,4	13,5	14,3
Жўхори	17,0	16,4	15,4	23,5	24,3
Тариқ	11,3	11,9	7,0	9,9	7,4
(мош) дуккаклилар	8,8	6,7	5,8	8,1	7,3

Шу билан бирга экиннинг тупроқ унумдорлигини оширишда, чорвачиликни донли ем билан таъминлашда қатта аҳамияти бор, чунки мол ва паррандани озиқлантиришда донли емлар доимо етишмайди.

Илгор хўжаликлар тажрибаси шунини кўрсатдики, бугдой, арпаларни кузда ва эрта баҳорда экиш ва уларни йиғиштириб олгандан сўнг — макка силос учун, дон ва молга бериш учун жўхори экилганида озуқа манбаисини тўлдириш учун дуруст амконият яратилган.

Шундай бўлсада жамоат чорвачилигининг озуқа базаси яниф бўлиб қолаверди. Яхинки табиий ўсадиган озуқалар — қамиш, бўян, янтоқ кўп бўлган, улар 1939 йилда 186 минг тонна йиғиштирилди. Бўян, янтоқ гуллаш даврида, қамиш эса — ёш даврида йиғилган.

Беданинг умумий майдони 1940 йили 32,7 минг гектарни ташкил қилди, улардан 20,2 минг гектари эски беда бўлган. Бу йиллари 15 августгача бедани кузги экишнинг ўтказганлар, 1940 йили бундай экиш 1925 гектарни ташкил қилди, бундан ташқари баҳорда яна 10,6 минг га экилди. Шу йили ўз вақтида сув берилмаганлиги туфайли, бедани биринчи ўрими жуда қуруқ бўлди, у кам ўсди, кучли даражада фитосмус билан шикастланди.

Пичан ўриш механизмлари бўлмаганлиги ва колхозларда беда ўроқ билан ўрилганлиги туфайли ўрим жуда чўзилган. Ўрим чўзилишининг бошқа сабаби — кўпгина колхозларда ўрим пичан тайёрлаш учун эмас, балки молга кўклай едирини учун керагига қараб ўрилган.

Қайд қилиш керакки, бугунги кунларда ҳам бу масалада элдинчи хатолар қайтарилмоқда; ўрим бригадаларининг ёмон ишлаши сабабли, беда ўроғи чўзилади, кўк конвейер усули ташкил қилиниб, беда ўроғи ҳам чўзилади.

Бедаяларга ўз вақтида ишлов берилмайди, улар суг-
рилмайди ва шунинг учун ҳам, фитонормус 1989-1990 йиллари
беданинг биринчи ўрмига катта зиён етказди.

Лекин 1939 йилнинг ўзида бедазорлар майдони 4900 гек-
тарга кенгайди. 1938 йили бир гектардан ҳаммаси бўлиб 96
кг, 1940 йили—117 кг беда уруғи йиғилган.

Юқорида келтирилганидек, 1938 йилда 4632, 1939 йили—
5589 центнер беда уруғи тайёрланган. Бу маълумотларни
биз шунинг учун ҳам келтираймизки, ўша йиллари уруғ учун
катта майдонлар қолдирилган ва беда уруғи қолхозлар даро-
мадиниң анча қисмини ташкил қиларди.

1935 йилда вилоят ер бўлими мутахассислари биринчи
марта озуқаларни силослашни сошладилар. 1936 йилга 3 ту-
ман — Урганч, Хива Хонқа — бўйича 600 тонна озуқа силос-
лаш режалаштирилди, бунинг учун силос минораларини ку-
риш ва силослаш жараёнининг ўзи қаттиқ назоратга олинди.

1939 йилда ҳаммаси бўлиб 12 силос минораси қурилган,
1940 йили озуқаларни силослаш бўйича 6 та мутахассис тай-
ёрланди. Лекин озуқаларни силослаш ҳажми, ўғларни йиғиш
техникаси етарли бўлмаганлиги туфайли, увчалик кўп бўлма-
ди. Масалан, 1946 йили 1500 тонна силос бостириш режа-
си атиги 16 фезига бажарилди, фақат 250 тонна босилди.

1991 йили вилоят бўйича 255 минг тонна силос босилди.
Шуниси қизиқки, Хоразмда биринчи бўлиб озуқаларни силос-
лашни «Оқ-мачит» вишлогигаги исми-менюнитлар XIX аср
охирида бошлаганлар.

Хоразм шароитида паррандачиликни ривожлантиришга ўша
йиллари эътибор берилмайди ва ишларнинг бу қисми деярли
нутлақо ташлашиб қўйилди.

ЎзССР ХКС нинг 1939 йил 8 сентябрида қабул қилинган
«Колхозларда жамоат ҳисрвачилигини ривожлантириш тадбир-
лари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ биринчи марта Хоразм
вилоятида 25677 бош товуқ сақлайдиган 376 парранда ферма-
си барпо этиш топширини берилди. Бундан ташқари вилоятда
паррандачиликни ривожлантириш ва айниқса гоз ва ўрдаклар-
ни урчишни учун кўп миқдорда табиий сув ҳавзалари борлиги
туфайли жуда яхши имкониятлар бўлган. Қўлларнинг сув
сатҳи 416 кв. кмга тенг эди, вилоят умумий ҳудудини 9,67
фезини ташкил қилди, ҳаммаси бўлиб 34 қўл бор эди. Бу
қўлларда катта миқдорда ҳар милли балиқ яшаган. Чунинки:
судаг, зогоро балиқ, лашч, сазан, чўртан, сузан балиқ, оққаб-
роқ, лоққа ва ҳеказо.

Қўйд қилиш керак, Хоразм аҳолиси қадимдан бери балиқ-

ни ҳавас билан ейди, уни бу ерда ўзига хос усул билан пиширадилар; баллиқ майда бўлакка бўлиниб, унга буланади, кейинчалик қуйдирилган ўсимлик ёғига солинади.

Қирқинчи йилларнинг бошларида вилоят чегарасида қорамолга ҳам, қўйга ҳам яйлов етишмаётганлиги жуда сезила — бошлади; бор бўлган яйловлар 20 фоиз молини ҳам боқишни таъминлай олмадилар.

1939 йилда вилоят раҳбарияти Ўзбекистон ССР ХКС ва деҳқончилик халқ қўмитаси олдида, Туркменистон ҳукумати олдида яйлов ажратиш тўғрисида илтимоснома қилиш масаласини қўйди, лекин бу масала ҳал бўлмади.

Қаёт 1943 йилнинг 10 мартида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан Туркменистон раҳбарияти билан келишган ҳолда Хоразм вилояти колхозларига 509 минг га ярим қум ва қумлоқ яйловлари ажратилди, шу жумладан Туркменистоннинг Дарғонота массивида 200 минг га, Шаббоз массивида 100 минг га ва ҚҚАССР Тўртқўл массивида 209 минг га, Шу ерларда янгоқ, бўён, қамини ва бошқа дағал табиий ўтлар кўп бўлган 70 минг га пичалзор ажратилди.

Қайд қилиш керак, ажратилган яйловларда, айниқса Дарғонота массивида, қадимдан Хоразм ва туркман хўжаликларининг қорақўл қўйлари боқилган. Бу ерларда 1948 йил бошларида 11 та янги қудуқ қурилди, 27 та эски қудуқ ремонт қилинди, шулардан Дарғонота массивида — 3 та янгиси қурилди, 12 та эскиси ремонт қилинди, Тўртқўл массивида тегинча 4 ва 13, Шаббоз массивида — 4 ва 2.

Четдаги яйловларда 1944-1945 йилларда 500 бош от, 1200 бош қорамол, 45-50 минг бош қўй ва эчки боқилган. Кейинги йилларда қўзилатиш мавсуми бошланганига бўлган вақт ичида бу ерга яна кўпроқ қўйларни келтирардилар. Қўйларни ўтказишни бошлашга зооветмухассисларнинг кучи билан ҳар туманга ажратилган яйловларда қўйларни боқиш мумкинлиги, ўтлар қўламини аниқлаш ва сув билан таъминланиши бўйича текшириш ўтказиларди.

Янги туққан она қўйларни қўшимча озиклантириш учун боқилаётган ва қўзилатиш бўлиб турган жойга ҳар бир бошга 5 кг ҳисобидан қуижара олиб келинарди.

Қум яйловларига кўчирилаётган қўй подалари билан чўпон бригадалари тажрибали, қумда боқиш шаронглари билан қўпонлар билан тўлдирилган эди. Улар турмуш тарзига керак буюмлар, кийимлар, оёқ кийими ва озик-овқат маҳсулоти билан таъминланар эди. Маҳсулотларни келгуси келтириш ҳар бир бригадда бир ойдан зиёд вақтга етадиган запас билан,

қўйларни кўчириш жойларида доимий бўлиш ҳисоби билан амалга оширилди.

Бу йилларда ажратилган яйловларни ўзлаштириш, янги қудуқларни қуриб, мавжудларини таъмирлаб уларни сув билан таъминлашни тамомлаш режалаштирилди. Лекин маблағлар бўлмаганлиги учун бу режалар амалга оширилмади. Яйловлар ўзлаштирилмай, сув билан таъминланмасдан қолди. Шунинг учун қум яйловлари об-ҳаво шароитларига боғлиқ эди. Кўп ёмғир ёган йили ўтзорлар бирмунча яхши бўлган, ёмғир кам бўлса, яйловларда ўтлар ҳам кам бўлган.

Вилоят ер бўлими (облзо) ўша йиллари чорвачилик мутахассисларини тайёрлаш бўйича кўп тадбирлар ўтказди.

1939 йили 45 киши бонитер — қорақўлчилар, 3 киши техник — қочирувчи, 37 киши ферма мудирлари, (уларнинг 11 таси хотин-қиз), тайёрланди. Вилоят ер бўлими аппаратида штат бўйича 6 ўрин бўлган, лекин тайёрланган кадрлар бўлмаганлиги учун фақат икки киши ишлади. 1939 йили чорвачилик бўлимига Е. Н. Морозова мудирлик қилди.

1940 йилда вилоят ер бўлимида биринчи марта чорвачилик бошқармаси ташкил қилинди, унинг бешлиги қилиб зоотехник В. И. Шустрийский тайинланди.

1941 йил 22 июнда Улуғ Ватан уруши бошланди. Дўстлик, бирдамлик руҳида тарбияланган Хоразм меҳнаткашлари немис босқинчилари билан адолатли курашга отландилар. Чорвачиликда банд бўлган минглаб кишилар фронтга жўнади.

Урушнинг биринчи йилларида мол бош сони анча қисқарди. Масалан, қорамол 1941 йилда 1940 йилга қараганда 7,6 фоизга камайди, бунинг фронт эҳтиёжи учун гўшт етказиб бериш кўпайгани ҳамда хўжалик ичидаги истеъмолга чиқиб ўтган йилга қараганда анча кўпайгани билан тушунish мумкин эди.

1941 йили гўштга 26788 бош қорамол, шулардан колхозлар—3976 бошини, колхозчилар — 22758 бошини, 2903 бош қўй ва эчки, 164 бош чўчқа топширилди.

1941 йилда вилоятда ҳаммаси бўлиб 420 қорамол, 201 чўчқа, 420—қорақўл қўй, 316—от, 14—туя, 71—эшак, 397—парранда фермалари бўлган.

1941 йили чорвачилик маҳсулотларини фронтга топшириш масаласига алоҳида аҳамият бериб, СССР ХКС «Еш молларни сақлаш ва колхоз, совхозларда мол бош сонини кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Бу ҳужжатнинг асосий маъноси—олинган бутун наслини тўла сақлаб қолиш учун бўлган кураш, вояга етган молни сўйишни чегаралаш ва

чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборатдир. Ўз навбатида ЎзССР ХКС қарор қабул қилди, унга мувофиқ мол бош сонини тезроқ ўсишини, колхоз ва колхозчиларни жамоат чорвачилигидан келган даромадини кўпайтиришни таъминлаш мақсадида, колхозларга бир ёшгача бўлган қорамолни сўймаслик ва сотмаслик тавсия этилди, туман ер бўлимининг ветеринар - зоотехник ходимлари томонидан яроқсиз деб топилган ёш моллар бундан истисно.

Бу мол ўз колхозига ва сизирсиз колхозчиларга сотиш ҳамда ўз аҳтиёжи учун каттароқ ёшда гўшга сўйили мақсадида сақланмоғи зарур эди.

Колхозларда жамоа молини талон-тарожини тўхтатиш учун уруш даврида мажбурий сўйиладиган молдан бошқасини туман ер бўлиминини рухсати билан амалга ошириш мумкинлиги белгиланган. 6 ойдан 1 ёшгача бўлган бузоқни ўстириб, колхозга топширган колхозчига ҳамда қишлоқ ва шаҳарда яшайётган ишчи ва хизматчига, давлат харид нархлари бўйича бузоқ баҳоси тўланган.

Бундан ташқари, колхоз умумий мажлиси қарори билан ўз устига хўжаликка гўшт топшириш бўйича мажбуриятни бажаришни қабул қилиши мумкин. лекин колхозга етказиб берилган бу топширишни йиллик ҳажмидан ошмаслиги лозим эди. Ёш колхоз фондлари ҳисобига пул маблағига қўшимча сотиладиган ёш молни сифатига қараб 0.5 дан бир центнергача дои ёки ҳар бошга 5 дан 10 центнергача дагал хашак бериши мумкин бўлган.

Сизирларнинг қисир қолишини камайтириш мақсадида колхоз молбоқарларига мукофот тавсия қилинди: 100 сизирдан 100 бузоқ олингани учун режадан зиёд олинган ҳар бир бузоқ учун 10 меҳнат кунни билан; 100 сизирдан 80-90 бузоқ олингани учун — 5 меҳнат кунни билан, колхоз—товар фермалари мудирларини ва колхоз раисларини тегишинча 3 ва 2 меҳнат кунни билан мукофотлаш.

ЎзССР ХКСнинг қарори билан қорамолни дурагайлаш, колхозларда ва колхозчиларда сизирларни сунъий қочирини режалари белгиланган. Қорамолларни сунъий қочирини пунктларида ишлаган колхозчиларга сунъий қочирини режасини бажарганда сизирлар бўғозлигига боғлиқ миқдорда мукофот бериш таклифи иритилган.

Бу қарорда биринчи марта ҳокимият томонидан ер органлари ва колхозлар томонидан маҳаллий зебусимон молнинг генетик ноёб фонди етарли баҳоланмаганлиги қайд қилинган. Кейинги йилларда бу мол келтирилган зотлар билан тартиб-

сиз равишда қочирилгани оқибатида тахминан етмишинчи йилларнинг бошларига келиб, маҳаллий мол гуруҳлари деярли қолмади. Улар билан бирга бу молнинг қимматли хусусиятлари: қон касалликларини (гемоспоридиоз) юқтирмайдиган, зарарли (инфекцион) касалликларга чидамли, сутининг юқори ёғлиги, шароит танламайдиган факторлари йўқолди.

Шунинг билан бирга олдинги иттифоқнинг айрим ҳудудларида бугун ҳам эббусимон мол урчилади, (масалан, Озарбайжонда). Бу қимматли молнинг ўзи эббусимон молнинг юқори маҳсулдорли уругини вилоятга келтириб унинг билан келгусида чуқур селекцион наслчилик ишини юргизиш масаласини ҳал қилишнинг фойдаси бор деб ҳисоблаймиз. Бу тўғрида ўз вақтида биз маълум қилган эдик, («Чорвачилик», йили № 5, 1973 бет, ҳаммуаллифликда).

Ўшунинг билан бирга жун ишлаб чиқаришнинг қўлайтириш мақсадида жумҳурият ХКС колхозларга эркак қўзичоқлар ва бир ёшдан кичкина ахталанган қўзларини сўймай, уларни 2-3 ёшгача қолдиришни тавсия қилди.

Уруш йиллари отлар бош сонини сақлашга жуда катта эътибор бериларди. Зоветкомиссиялар актлари райижрком комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейингина колхозларга отларни бракка чиқаришга руҳсат қилинарди. Туман бўлимларининг мудирлари, райижроком раислари ва райком котиби фақат фавқулодда вазиятда хўжаликка яроқсиз отларни срак қилишни мумкин эканлиги тўғрисида огоҳлантирилганлар. Лекин бундай вихоятда қаттиқ чоралар ҳам отлар сонини сақлаб қолнишга имкис бермади.

Юқориде айтилганидек, вилоятда паррандачилик ривожланмаган эди, шунинг учун ҳам айрим тadbирлар бугунги кунда жуда эриш туюлади. Масалан 1942 йил чорвачиликни ривожлантириш давлат режасида ҳар колхозчига битта қўрқ товуздан кам деганда 7 жўжа олиш тавсия қилинган.

Ҳали ўша йиллари озуқавий пldиз меваликлардан гектаридан 300 центнергача, силос экинларидан—120 центнергача хосилни етказиш мўлжалланган.

Бу экинларни экиш тўла ўзлаштирилган, фермалар яқинида жойлашган, сув билан таъминланган ерларда амалга оширилиши лозим эди, бу тadbирларни бугунги айрим хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари эсига солиш фойдали бўларди деб ўйлаймиз, чунки бугун баъзи хўжаликларда гектардан 150-170 центнер кўклай маккажўхори ва 150 центнер лавлаги оли-

моҳда, бу ва бошқа озуқавий экинлар мелiorатив жиҳатдан кўнгилдагидек бўлмаган ерларда, алмашлаб экин массивларидан четда жойлаштирилган.

Уша йиллари мутахассисларнинг роли ҳам катта эди. Масалан, жумҳурият ХКС ўзининг 1942 йилги қарори билан молия назиратини, вилоят ижрокомларини чорвачиликни ривожлантириш режаларини бажарганликлари, мол бош сонларини сақлаб, уларнинг маҳсулдорлигини оширилганликлари ҳамда озуқа тўплаганликлари учун, зоотехника ва ветеринария ходимларига мукофот тўлашни таъминлашга мажбур қилди.

Туман ер бўлимларининг бош зоотехниклари туман келхозлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш давлат режаси бажарилиши, молни парварди қилишнинг аҳволи юзасидан давлат назоратини амалга оширганлар. Туман ер бўлими Сош зоотехниканинг тақдими билан келхозларга, келхозларнинг баъзоро раҳбарлари ва чорвачилик фермаларининг мудирларига райижрокомларига жарима солиш ҳуқуқи берилган эди: келхозларга 1000 сўмгача, айрим раҳбарларга (уларнинг шахсий жамғармаларидан) — 100 сўмгача.

Белгиланган тадбирлар чорвачиликни кескин ривожлантиришнинг таъмин этиши керак эди, лекин 1942 йилги қорамол бош сони 18,6 фозизга, қўйлар сони 17,2 фозизга кўпайган бўлсада кутилган натижага эришилмади. Молнинг кўпайиши келхозларнинг ютуғи эмас эди, чунки у ўз ўзидан кўпайиш ҳиссига бўлмасдан, асосан, хўжаликлар келхозлардан қиммат баҳода сотиб олиш ҳиссига амалга оширдилар. Келхозларнинг ўзида эса қорамол бош сони кўпайиш ҳиссига жуда кам ўсди.

Вилоят бўйича ўртача 1942 йилда пода тузилишида сигирлар атиги 11,1 фозини ташкил қилди.

1941 йили бор бўлган 5366 бош сигирдан, қочирини ёшидаги ёшарлардан 4968 таси қочиринди, улардан 3568 боши туғди, 13,3 фозиз ёш бузоқ нобуд бўлди. Буларнинг ҳаммаси қочирувчи—буқаларнинг жуда ёмон ҳолатда асралгани, она моллар паст семизлигида эканлиги, бузоқларни асраш ва боқиб шароити етарли бўлмаганлиги оқибатида рўй берди, булар эса уларни ҳар хил юқумли (инфекцион) касалликдан кўндал нобуд бўлишига олиб келди. Уша йили қорамолнинг нобуд бўлиши 4,7 фозини, қўйлар бўйича 11,1 фозини, отлар бўйича 7,7 фозини ташкил қилди.

Колхозларда маҳсулдорлик пастлигича қолаверди. Масалан, ҳар бир сигирдан атиги 346 кг, жами 1066 тонна сүт соғиб олинди, ҳар бир бош қўйдан 1,3 кг, жами 118,5 тонна жун қирқиб олинди, бир она товуқдан 22 дона, жами йил бўйича 859 минг дона тухум олинди. Давлатта 23077 дона қорақўл териси, 13024 кг қўй сүти, 64,8 тонна асал топширилди.

Уруш йиллари кўрилган чораларга қарамай мол бош сон, айниқса отлар бош сонлари анча камайди. Агар 1940 йилги жами отлар 22,6 минг бош бўлган бўлса, 1946 йилнинг 1 январига келиб уларнинг фақат 13 минг боши қолди.

Ватан уруши йилларида уруш эҳтиёжлари учун отлик кавалерия ҳарбий қисмларни тузиш мақсадида вилоят томонидан «Совет Армияси отлари» фондлари учун 7,2 мингдан зиёд юқори қонли миниладиган отлар етказиб берилди.

Вилоят меҳнаткашлари Улуғ Ватан урушининг охирида Украина колхоз ва совхозларига керакли моддий ёрдам кўрсатди, у ерга 4,2 минг бош қорамолни, шулардан 1,5-2 ёшли бичилган ҳўкизчалар ишчи мол сифатида беминнат юбордилар.

1946 йилда вилоят хўжаликларига 48150 бош қорамол, шулардан 5222 бош сигир, 13068 бош от, улардан 3915 бойтал, 115608 бош қўй, шулардан 76462 бош она қўй (булардан ташқари 16941 бош эчки, шу жумладан 8259 бош она эчки), 3423 бош туя, улардан 739 бош она туя, 18889 бош эшак, шундан 7371 бош она эшак, 68559 бош парранда асралган.

15-жадвал

1945—1946 ЙИЛЛАРДА ВИЛОЯТДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЕРЛАНИШИ

	Ўлчов бирлиги	Йиллар		± —
		1945	1946	
гўшт	тонна	2178	2317	+139
ёғ	тонна	72,8	115	+42,2
тухум	минг дона	941,6	989,6	+48
жун	тонна	127,6	136,6	+9,0
қорақўл тери	минг дона	—	40	+40

1945 йили ҳар бир бош сивирдан колхозларда атиги 219 килограмм сүт соғиб олинди. Ҳаммаси бўлиб 1053 тонна сүт қайта ишланиб, 42,1 тонна ўғ олинган, болалар муассасаларига 42,2 т, жамоат овқатланиш корхоналарига—34,7 тонна сүт берилди, бошқа сарфлар 8 тоннани ташкил қилди.

1947 йилги ем-хашак тайёрлаш мавсумида вилоят бўйича 4780 киши қатнашди. Отлик пичан ўрувчи механизмлар, хашаклар пичан ўримида қатнашмадилар, чунки уларни қўллаш жойи йўқ эди. Бедапоялар табиий ўтлар ўроқлар ва катманлар билан ўрилди.

Пичан ўримида 470 араба қатнашди. Беданинг биринчи ўрими 15 майдан 15 июнгача, иккинчиси—15 июлдан 5 сентябргача, учинчиси—6 сентябрдан 1 октябргача ўтказилди. Шу йили беданинг биринчи ўрими 13229 га бедапоялардан ўрилди, 7487 тонна ҳосил олинди, иккинчи ўрим 14896 га майдондан ўрилди, 10923 тонна йирилди ва учинчи ўрим 8612 га даи 4837 тонна йирилди, жами уч ўроқ бўйича 23242 тонна беда пичани йирилди.

Бедапоялар ҳаммаси бўлиб 26189 гектарни ташкил қилди. Эски бедаларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 18 центнерни, шу йилги беданики 9 центнерни ташкил қилди.

Пичан йиғувчи машиналар ўримда қатнашмадилар, витаминли пичан, пичан барги ва пичан уни тайёрлаш ташкил қилилмади, ўтларни димлаш амалга оширилмади.

5279 га бедапоялар уруғ олиш мақсадидида ажратилиб қўйилди: жами 220 центнер уруғ олинди, ҳар бир гектарнинг ҳосилдорлиги 55,8 кг ни ташкил қилди. Шу йили 133 минг тонна табиий ўтлар пичани жамғарилди. Ҳаммаси бўлиб 180,9 минг тонна дағал хашак, улардан 12,8 фоз беда пичани, 49,3 фоз—бўян, янтоқ, қамиш, бошқа турдаги ўтлар—19,2, пичан—18,7 фозини ташкил қилди.

Шаббоз ва Дарғонота массивларида ўтлоқлар бўлмаганлиги туфайли ўт тайёрланмади.

1947 йилда режадаги 1500 тонна ўрига 50 тонна силос тайёрланди. Қурилиш материалларини (айниқса, цемент), силос кесувчи механизмларнинг бўлмагани, энг муҳими колхозларда қизиқиш йўқлиги — силослашга тўсқинлик қилувчи асосий сабаблардир. Олдин қурилган силос миноралари фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган эди. Шу йили биринчи марта 23 га илдиз мевалилар экилиб, 2 тонна лавлаги йирилган. Кейинги йилларда ҳам чорвачиликда оғир ишлар механизациялаштирилмади.

Вилоятга келтирилган соғиш, қўйларни қирқинч агрегатла-

ридан фобдаланилмади, чунки уларнинг иши механик кучга мўлжалланган эди, лекин уларни вилоятга келтиришда—электродвигателлар ва электр агрегатлари ташиб келтирилмади, колхозларда эса улар йўқ эди. 155 колхозда дағал ўтлар ва омухта емлар қўлда бажарувчи сомон қираувчи ва кунжара майдаловчи механизмда қилишарди.

Табиийки бундай озуқа базасида чорвачилик жуда секин ривожланди, вилоят аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи кун сайин қийинлашди.

Бундай жуда оғир шароитда — (1941-1946 йилларда), чорвачиликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш учун кўп юқори малакали раҳбар—мутахассислар фидокорона меҳнат қилдилар.

Улар орасида бевосита чорвачиликка масъул бўлган область партия қўмитасининг иккинчи котиблари А. Б. Егоров, Н. Кузнецов, Н. Е. Тетерин—чорвачилик бўйича вилоят иккунья қўмитаси раисининг муовини, В. В. Шустрийский—чорвачилик бўлими бошлиғи, М. Исмоилов—бир пайти чорвачилик бўлиминини бошқарган, зоотехник — қорақўлчи Д. Бобоннзев, зоотехник — селекциячи Л. О. Демикова, зоотехниклар—М. Аҳмедов, М. Отабоев, Я. Г. Цой, зоотехник—отчи В. Байнов, ветеринария докторлари О. Отабоев, Р. Оташев, В. Г. Чаусова — Абдурахмонова, Е. Калугин, А. В. Гинценко, В. В. Пак, Урганч давлат отхонаси директори Виницкий, вилоят ер бўлимининг наслчилик асарлари хўжалигининг директори Даховский ва бошқалар.

Уруш йиллари чорвачилик бўлимини Ф. Ф. Эйспер бошқарган, кейинчалик у қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, ўрмонзор ва чўл илмий текшириш куллити (Украина), директорининг фан бўйича муовини бўлди.

1946 йили эски давлат отхонасининг биносида «Зоветснаб» вилоят идораси ташкил қилинди, унинг биринчи директори қилиб ветфельдшер Михаил Филиппович Плахов таъинланган.

Вилоят чорвачилигининг ўта қолоқ ҳолати давлатни 6 млн. сўм ёрдам пули ажратишга мажбур қилди. Натигада 1948 йили 1225 қочирувчи — буқа, 300 бош қизил немис зотига мансуб ситир, 1750 бош қочирувчи—қўчқорлар сотиб олинди, зооветкорхоналарни медикамент, асбоб-ускуна ва биопрепаратлар билан таъминлаш бирмунча яхшиланди.

Жумҳурият Министрлар Советининг 1948 йил 3 июлдаги қарори билан вилоятда ишлаш учун 3 та ветврач ва бир зоотехник юборилди.

Шу қарор билан 1949-1951 йиллар мобайнида ҳар бир туманда, туман ветеринария даволаш станциялари қошида марказий зооветсучастка ташкил қилиниши, зооветпункт шохобчалар сонини 35 га етказиб кўпайтириш, Урганч ва Хива шаҳарларида шаҳар ветеринария даволаш станциялари ташкил қилиш мўлжалланган.

Вилоят зооветеринария тармоғида 51 зототехник, 57 ветеринария ходими ишлаган.

Лекин йил давомида молларнинг туманлар ичида ботқоқлик ва кўл ўнидаги яйловларда сақланиши натижасида гижжа — инвазияс касалликлари, айниқса қўйлар ўртасидаги фасциолёз ва отларнинг параскариднози турғун касалликларга айланди. Бу касалликларга қарши тадбирлар бир томонлама ўтказилган. Ветеринария ишловлари вилоятдаги мавжуд яйловлар қумли ва ярим қумли яйловларга алмаштирилмаса фасциолёз инвазиясини йўқотиш ҳеч имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам тегишли озуқа базаси ва яйлов бўлмаганлиги туфайли мол боғлаб боғиш ҳолатига ўтказилди.

Моллардан бола олиш даст даражада бўлиб қолаверди. 1950 йили вилоят бўйича ҳар 100 она молдан 40 тадан бузоқ олинди, 35,4 таси сақланиб қолинди. 78,2 тадан қўзи олинди, 53,6 таси сақланди.¹⁷⁷

Бу йилларда молларни яйловда ва бўрдоқига боғиш масалаларига эътибор берилга бошланди. Масалан, 1951 йилда яйловда боқилган 6878 бош қорамол бўрдоқига қўйилди, бўрдоқидан 6088 бош олинди, қўйлар тегишинча 8985 ва 3614 бошини ташкил қилди. Бу молларнинг ҳаммаси бойлашиб боқилди, уларга беда пичани ва кўк ҳолатда, пахта шелухаси ва омухта ем бир бошга 1 дан 4 килограммгача берилди.

Кўпинча жамоа хўжаликларига бўрдоқига боқиладиган моллар сабзаот—поллиз бригадаларига берилтиларди, бу ерда моллар сабзаот — поллиз қолдиқларига бироз омухта емлар қўшиб боқиларди. Табиийки бундай усул билан озиклантирилган мол яхши семирмасди, шунинг учун ҳам давлатга топилтирилган мол ичида юқори семизликдаги мол жуда кам эди. Масалан, 1951 йили гўннга тоширилган 4889 бош қорамолдан атиги 7 боси юқори семизликда қабул қилинган.

Ўт ўришни механизациялан даражаси жуда пастлигича қолаверди.

1950 йили вилоятда 42 дона от қўшилган пичан ўрувчи механизм 2 дона тракторли, 2 дона—отлик хаскаш, 86—қун-

¹⁷⁷ УХВДА, арх. 113. 18 бет.

жара майдалагич ва битта илдиз кесувчи агрегат бўлган, хо-
жос. Шу техника билан 24356 тонна беда пичани, 132875 тон-
на табиий ўтлар пичани, 8745 тонна сомон, жами 165976 тон-
на ўт жамғарилган.

Жамоа молини таъминлаш учун 1950 йили 3200 мол
ўрнига маҳаллий турдаги оғилхона, қўйларга 11150 қўй — ўрни,
1105 от — ўрни қурилди.

Шуниг билан бирга, тўртинчи беш йиллик режалариниңг
(1946-1950 йиллар), жиддий хатоси шунда эдики, кўп молия-
вий ва моддий-техника манбаларини деҳқончиликда, кўпинча
пахтачиликда тўплади, бу ўз навбатида чорвачиликдек ҳаётий
муҳим тармоқдаги жиддий ҳолатни янада кучайтирди.

1950 йил охирига келиб, вилоятдаги ҳамма категориялар-
даги хўжаликларда 1941 йилга қараганда қорамол бош сони
36,5 минг бошга, сигирлар—18,4 минг бошга, чўчқалар—
1,1 минг бошга, қорақўл қўйлар—23,5 минг бошга, отлар—9,5
минг бошга, парранда—37,4 минг бошга камайди.¹⁷⁸

Тўртинчи беш йиллик натижалари қишлоқ хўжалик ишлаб
чиқаришини ривожлантиришни жадаллаштириш муаммоларини
ҳал этишни, аграр секторни ривожлантиришда олдиндан ке-
лаётган тарзни йўқотишни ва уни қатъий бошқариш зарур-
лигини кўрсатди. Бу йўналишда қилинган муҳим қадамлардан
бири 1950 йил баҳорда СССР Министрлар Советиниңг қарор-
и билан 1950-51 йилларда жамоа хўжалиklarини йириклаш-
тириш бўлди.

Хоразм вилоятида бу тадбир, мамлакатиниңг бошқа регион-
ларидан ўлароқ, алоҳида аҳамиятга эга эди. Гап шундаки,
1949 йилда вилоятда кичкина хўжаликни ифодалайдиган деяр-
ли 413 та ўртача ҳар бир жамоа хўжалигига 300 гектар экин
майдон, 217 бош қорамол, шу жумладан 50 сигир тўғри кел-
ди. Майда хўжаликлар моддий-техника ва молиявий манбала-
рини мақсадга мувофиқ тарзда, кўпроқ унум олишга, кенгай-
тирилган такрор ишлаб чиқаришни, ирригация-мелиорация
қуришини олиб боришга, қишлоқни ижтимоий ривожланти-
ришдаги муаммоларини ҳал қилишга имкон бермасди.

1951 йилда жамоа хўжалиklarини йириклаштириш нати-
сида уларнинг сони 213 гача камайди. Бу ҳодиса кейинги
йиллари ҳам давом этди.

¹⁷⁸ Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 1968 йилда, Тошкент
1969, 143-146 бетлар.

Бешинчи беш йиллик охирида (1955 йил), жамоа хўжаликлар сони 165 бўлди.¹⁷⁹ Ҳар бир хўжалиқда ўртача қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари 1949 йилга қараганда 3-3,5 марта кўпайди, қишлоқ хўжалик ерлари эса, ўтзорларни қўшганда — 850 гектардан кам эмас эди.

Жамоа хўжаликларини ташкилий-хўжалик жиҳатидан йириклаштириш уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг билан бирга у салбий ҳодисаларни ҳам келтириб чиқарди. Кўпгина раҳбарлар ва мутахассисларда йирик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришда етарли тажриба бўлмаганлиги молиявий интизом ва ҳисоб-китобнинг бузилишига сабаб бўлди. Кўлхоз — кооператив мулкни ўғирлаш, ерларни, қорамол, қўй ва паррандани гайри-қонуний равишда ўзлаштириш ҳоллари кўпайди. Масалан, 1951 йили текшириш натижаларида 376 бош қорамол, 99 от ва туя, 1898 бош бошқа турдаги мол, 1097 бош парранда — жами 324 минг сўмлик мол ўғирлангани аниқланди.

Албатта кўлхоз — кооператив мулкига кўз айлантириш фақат хўжалик раҳбариятининг савия даражаси паст деб қарамастек керак.

Шаҳарлар ва қишлоқларда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаганлигига ҳам боғлиқдир. — бу ҳол одамларни жиноятга улдатган.

Вилоят раҳбарияти ҳудудда яйловларнинг етишмаганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасига, Туркменистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг ерларида йил давомида қўйларни боқиб учун қўшимча равишда 500 минг гектар қумлик яйловни ажратиб тўғрисидаги масалани ечиш учун мурожаат этди. Хоразм вилоят жамоа хўжаликларини ет-ханақ билан таъминлашдаги қийинчилик ва жамоат молини яйловларда жойлаштиришдаги жуда оғир аҳволни инобатга олиб жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси 1948 йил 21 сентябрь 384/2 сонли қарорни қабул қилди.

ҚҚАССР Вазирлар Маҳкамаси «Хоразм вилояти жамоа хўжаликларига от ва қорамол боқиб учун ер участкалари ажратиб вақтинча ёрдам бериш тўғрисида»-ги ўзининг 1948 йил 5 октябрь, 21 банд қарори билан рухсат қилди:

1. Хоразм вилояти жамоа хўжаликларига от ва қорамолни ёт тайёрлаб боқиб учун Шаббоз ўрмон участкасида — Амударёнинг чап ғирғоғида, 3 йил муддат билан молни боқиб қондаларига риоя қилган ҳолда имкон бериш:

¹⁷⁹ ХВДА, ф. 20, он. 2, д. 86, 58 бет.

2. Хоразм вилояти жамоа хўжаликлари ҳоҳиши ва керак бўлган тақдирда давлат ер фондининг «Қизилжар» участкасида от ва қорамолни бутун йил давомида боқиш учун яйловларни тақдим этиш мумкин деб ҳисоблансин.

Хоразм вилоят ижроия қўмитаси раисининг мусовини И. Борисенко 1948 йилнинг октябрида ҚҚАССР Вазирлар Маҳкамаси раисининг мусовини П. Кириленико номига хат ёзиб, Қизилжарда 25 минг га, деярли мол чиқариб боқилмаган, шунинг учун ҳам ҚҚАССР чорвачилигини келгусида ривожланишига ҳеч қандай таъсир қилмайдиган ерларни ажратиб бўйича илтимосини бажо келтиришини сўрайди.

Қўнғирот ва Мўйноқ ижроия қўмиталари (тегишлича 10.03.49 ва 10.07. 1953 й), қарорлари билан руҳсат берилди ва вилоят жамоа хўжаликлари Қизилжар массивини ўзлаштира бошладилар.

Массив ҳудудида шу йиллари балиқ овлаш билан шуғулланувчи жамоа хўжаликларининг «Қизилжар» қишлоғи оидатра хўжалиғи, балиқ саноати қишлоғи, чигиртка билан қурашнинг экспедицияси — «Али-аул» ва «Тахтаканр» қишлоқларида жойлашган эди.

Ажратиб берилган ва бўлинган яйлов массиви Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида жойлашган. Ўнг қирғоқдаги массив Мўйноқ тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, «Ак-ўзак» ирмоғи бошидан бошланган, шарқ томонидан чегараланган, кейинчалик Оқдарё ва ҳоказо шимолга «Заир» қишлоғигача.

Чап қирғоқдаги массив Қўнғирот тумани ҳудудида жойлашган ва «Қизилжар» тепалигидан босилган — шимолда «Тахтаканр» қишлоғигача — ғарбда «Рашиан» дарё билан чегараланиб борган.

У даврда қудуқлар деярлик бўлмаган, шунинг учун ҳам ажратилган участкаларда жамоа хўжаликлари қудуқлар қура бослаганлар.

Ҳаммаси бўлиб, 73 минг га яйлов ажратилди, улардан 51 минг га Қўнғирот ва 22 минг га Мўйноқ туманлари ҳудудида. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра яйловларни ўртача йиллик ҳосилдорлиги бир гектардан 26 центнер хашакка тенг бўлган, йил фаслига қараб: қиш—бахор—7 центнер гектардан, ёз — куз—19 центнер.

1953 йилининг ҳисоб-китоби бўйича «Қизилжар» массивига ўтказиш учун тайёрланди: қорамол—20581 бош, от—6674 беш.

Эътирсиз этиш керакки, бу массивни ўзлаштириш бошланганиданоқ хатоликларга йўл қўйилди, бу ердаги яйловларда

хар доим жуда кўп сонда, ортиқча мол сақланди. йўқолган яйловлар ўрни қопланмади ва табиийки, уни ҳосилдорлиги камай бошлади.

«Қизилжар» массивида, асосан, катта намлик талаб қилувчи қамиишлӣ яйловлар кўп эди. 1953-1958 йилларда проқларда сув сатҳи пасая бошлади, кўллар қурди, булар табиий ўт ҳосилдорлигига таъсир қилди. Масалан, 1958 йил маълумотларига кўра, ўт ҳосилдорлиги бир гектардан 13 центнерга пасайиб қолди.

Шунинг учун яйловда 18 минг бош қорамол ва 4.5 минг беш от, жами 22.5 минг бош мол сақлаш мумкин эди, (амалда айрим йиллари 45 минг бош мол сақланди).

Мавжуд молни айниқса қиш даврида ўт билан таъминлаш мақсадида, мутахассислар қисқа муддатда шундай бўлган яйловларни қисман бўлсада суғориш шешимлич чораларини, яъни қамииш ўсини мумкин бўлган, қуриган кўллар ва пастликларни тўлдириниш таклиф қилдилар.

Келгуси йилларда Амударёда сув ҳажми кескин камайиниш натижасида Қизилжарда ортиқча молни сақлаш йил сайин кийин бўла бошлади, вилоят ҳудудида зса қумлар шолӣ совхозлари учун ер сифатида ўзлаштира бошланганидан сўнг кўйларни боқиниш учун қумлик яйловлар ҳам камай бошлади. Шу мунсабат билан вилоят раҳбарини юқори ташкилотларга яйлов ажратиниш бўйича илтимос қила бошладилар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси 1959 йил 9 ноябрда 841 сонли «ҚЎАССР ҳудудида Хоразм вилояти жамоа хўжаликлари учун яйлов ерларини ажратиниш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Шунга биноан учта, бир-бирдан алоҳида жейлашган, умумий майдони 903900 га бўлган яйловлар ажратилди, шу жумладан: Саримой массиви—майдони 228000 га ва «Қизилжар» массиви—63900 га (1948-1952 йиллар ажратилган чегарада), Тахтакўйир массиви—майдони 612000 га; вилоятга ажратилган яйловлар келгуси йилларда табиий озуқалар етарли бўлмаганлиги ва қум қисмини суғориш учун катта ҳажмда иш қилиниши лозимлиги туфайли жамоа мол беш сони ўсмади ва унинг маҳсулдорлиги ошмади. Шунинг учун Саримой массивидаги сув қувиридан фойдаланиш ҳамда Даргонота массивида 33 қудуқ қуриш режалаштирилди. (Даргонота ота массивини Туркманистон ҳукумати ўзининг қарори билан Хоразм вилоятига 25 йил мобайнида фойдаланишга ажратган. Фойдаланиш вақти 1992 йили тугаши мунсабати билан Туркманистон Президентига яна 25 йилга, яъни 2012 йилгача узайтириш учун илтимоснома ёзилди).

60-йиллар охирида яйловда боқиладиган гўштдор қорамолчилик учун яйловлардан фойдаланиш масаласи жуда кескин қўйилди. Шуларни инобатга олиб «Молларни тайёрлаш ва бўрдоқига боқиш» жумҳурият бош бошқармаси тузилди.

1969 йили «Қизилжар» массиви ҳудудида ЎзССР Вазирлар Маҳкамасининг 1969 йил 2 июлдаги, 316 сонли «Молларни ўстириш, яйловда боқиш ва семиртириш чоралари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ «Қизилжар» чорвачилик давлат хўжалигини ташкил қилиш тавсия қилинди.

74,5 миляг га ер вилоят жамоа хўжаликларига кўп йил фойдаланишга берикилди, шулардан 230 га сугорма ерлар, 34560 га — яйлов ва ўтзорлар, 39710—бошқа ерлар, 1974 йилгача бу ерларда жамоа хўжаликлари мол ва от сақлашни давом қилдирдилар. Лекин бу чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда ҳеч қандай ижобий натижа бермади, унинг устига молни доимо вилоят ҳудудидан Қизилжарга олиб бориш уни сил, бруцеллез, овсила ва ҳоказо юқумли касалликлар билан оммавий равишда касалланишига олиб келди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг 1974 йил 18 март 124 сонли «Ўзбекистон ССР Давлат хўжаликлари Вазирлиги тармоғида янги давлат хўжаликлари ташкил қилиш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ихтисослаш ва тўйлаш, ерлардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш мақсадида «Қизилжар» 2-чорвачилик давлат хўжалиги ташкил қилинди, унинг умумий майдони 30 миляг гектарни ташкил қилди. Кейинчалик у «Дўстлик» давлат хўжалиги деб номланди.

Массивда боқилаётган вилоят жамоа хўжаликларининг моллари янги давлат хўжалигига берилди.

1975 йилда Қизилжар массивидаги «Қизилжар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликларига 763 тонна гўшт етиштирилди. Кейинчалик массивни комплекс равишда ўзлаштиришга асос қўйилди, жуда катта капитал маблағлар сарфланди.

1992 йилининг 1 январига кўра «Қизилжар ва «Дўстлик» давлат хўжаликларининг асосий фондлари 28,7 миллион сўмни ташкил қилди, бу ерда 19,4 миляг бош қорамол, 685 бош от сақланган.

1991 йили гўштдор давлат хўжаликлари 1095 тонна гўшт етиштирди, бир центнер гўштининг таннархи 554 сўмга тенг бўлган. Қилинган чораларга қарамай давлат хўжаликлари зарар билан енлашни давом қилдилар, лекин гўшт етиштириш-

нинг бошқа манбаси бўлмаганлиги туфайли катта зарар бўлсада, вазият бу давлат хўжаликларини сақлаб, ривожлантиришни талаб қилади.

Амударё қўйи ҳудудида экологик ҳалокат содир бўлганлиги, сув етишмаганлиги туфайли Қизилжардаги давлат хўжаликлари ўз ишлаб чиқаришини кўпайтира билмайдилар.

И. Борисенко «Қизилжар» давлат хўжалиги ташкилотчиларидан бири бўлган (бир вақти у вилоят ижроия қўмитаси раисининг қорвачилик бўйича муовини ҳам бўлган). 1959-1960 йиллари директор бўлиб Абдулла Собиров, кейин Хасан Абдалов, 1955-1967 йилларда зоотехник Зиёвуддин Камолов, бош зоотехник бўлиб Саъдулла Иброҳимовлар ишлаганлар. Кейинчалик «Қизилжар» давлат хўжалиги Ўзбекистон ССР мол тайёрлаш ва боқиш бошқармаси Урганч бўрдоқчилик давлат хўжалигининг бўлими бўлган. Шу бўлимнинг мудирлиги бўлиб 1967 йилнинг охиридан 1970 йилнинг апрелигача зоотехник Саъдулла Иброҳимов ишлаган. 1970-1974 йилларда «Қизилжар» совхозининг директори бўлиб зоотехник Қодирберган Обидов, 1974-1981 йилларда—зоотехник Игорь Ким, 1981 йилдан бошлаб ҳозиргача мол доктори Султонмурод Худайбергенов ишлаб келмоқда.

«Дўстлик» давлат хўжалигига 1974 йилда ташкил қилинганидан 1985 йилгача иқтисодчи Раҳимбой Усмонов. 1985 йилдан бери мол доктори Нўлдош Бахтибоев раҳбарлик қилмоқда.

1961 йилдан давлат хўжаликларидан бошқа массивда «Урганч» жамoa хўжалигининг мол тайёрлайдиган пункти ишлади. 1987 йилдан у вилоят агросаноат уюшмаси қошидаги «Қизилжар» бўрдоқчилик пунктига айлангирилди. Шу йиллар ичида бўрдоқчилик пунктининг доимий директори бўлиб Ибодулло Сафоев ишлаб келмоқда.

Қизилжардаги мол кўпинча қизил зотлар ва уларнинг маҳаллий моллар билан дурагайларидан иборат. Шунинг билан 1975 йилдан бошлаб то 1989 йилгача массивга 100 бош қозоқ оқ бош, Санга-Гертруда буқалари келтирилган. Улар молнинг гўнгидорлик маҳсулдорлигига бирмунча ижобий таъсир кўрсатди, лекин давлат хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг бу қимматли молларни сақлаш шароитларига масъулиятсизлиги туфайли, уларнинг кўп қисми пубуд бўлди, бир қисми сўйилди ва 1992 йилнинг бошига келиб атғи 74 бош қозоқ оқ бошли зотининг буқалари сақланган, холос.

«Қизилжар» яйловларидан фойдаланишнинг дастлабки йил

ларида жамоа хўжаликлари молини дарахтдан, йилгиндан ва лойдан қурилган, шамол томондан пана қилинадиган иссиқ молхоналарда сақланганлар. Кейинчалик лойиҳа асосида 4000 бош молга мўлжалланган капитал молхоналар қурилди. Мақсад шундай эдики, давлат хўжаликларининг бўлимларидан бузоқлар онасидан ажратилганидан сўнг давлат хўжалиги марказида йилгилиб, у ерда ўстирилади ва бўрдоқига боқилади. Лекин буида гўштдор қорамолчиликнинг асосий устунлиги — тебиий эйлоода ўтлатиб фойдаланиш имкони йўқдир. Бундай вазият озуқавий майдонларнинг доимий ёмонлашишида, уларни паст ҳосилдорлиги натижасида вужудга келди.

Сувдан унумли фойдаланиш мақсадида давлат хўжаликларининг ҳар бирида лиман (қўлтиқ), суғориш тартиби билан 5000 гектарлик ўтзорлар яратилди, улар яхшигина қамиш ҳосилини беради.

70-йилларда эйловларни ўзлаштириш, уларни маданий далаларга айлантириш ишлари бошланди. Беда, маккамўхори, лавлаги ва бошқа озуқавий экинлар экила бошланди.

1992 йилга келиб Қизилжар давлат хўжаликлари 3148 га суғорма ерга эга эдилар.

1991 йили у ерлардан 6901 тонна беда ичгани йилгилиди. 10250 тонна силос жамғарилди. Бу озуқаларнинг бир қисми қишлоқ даврида узоқ бўлимлардаги мол қишлайдиган участкаларга етказилади, лекин ем-ханақининг кўп қисми давлат хўжаликларининг марказида сақланадиган молга сарфланади.

Эйловлардан самарали фойдаланиш ва массивда гўшт етказишни кўнайтиришнинг муҳим омил эйил сайни камалётган ишоначли сув билан доимо таъминлашидир. Чунки Амударё суви Орол денгизига деярли борма йолди. «Қизилжар» беа Ороздан 50 чақиримда жойлашган. Орол яқинида ишлар бошланди, бу — демак «Қизилжар»да ҳам сув бўлади деган гапдир.

Туркманистон ҳудудида, Хоразм вилоятининг жанубий Ғирбида жойлашган Даргон — ота массивидаги қумлик эйловлардан фойдаланиш вилоят учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг ҳам қайд қилиш керакики, қадимдан Хоразмнинг қўйлари Туркманистон қумлик эйловларида боқилган ва ҳозир ҳам у ерда хоразмликлар томонидан қурилган қудуқларнинг ривожланган шохсбчаси сақланиб келмоқда.

200 минг гектардан иборат эйловлар 1967 йили вилоят раҳбариятининг илтимосига кўра узоқ муддатга фойдаланиш учун Хоразмга ажратилган. Лекин 1974-1975 йилларда вилоят

қўйларининг ҚҚАССР хўжаликларига берилиши туфайли, бу яйловлардан анча самарасиз фойдаланилди, фақат Хива, Қўшқўпир, Богот, Янгирниқ ва Ҳазорасп туманларининг бир неча жамоа хўжаликларига қарашли тахминан 20 минг бошга яқин қўйлари боқилади.

Бугунга келиб бу массивда 5 та бургиланган қудуқ бор. 6 та гекисп қайта ремонт қилинди. (массивда жами 14 қўйи, 5 та бургиланган қўйи бор), янгиларини қуриш режалаштирилди. Шунинг учун ҳам, биринчидан, бу қумлик яйловлардан фойдаланишни яна 25 йилга чўзиш ҳамда уларни 500 минг гектарга етказиш масаласини ҳал этиш керак, иккинчидан, ўтларининг ҳосилдорлигини кескин кўпайтириш мақсадида яйловларни суғориш чораларини амалга ошириш лозим. Агарда мана шу икки масала ечилса, бу ердаги яйловлар дуруст ва у ерда 50 минг бошга яқин қўй асраш мумкин бўлади.

Кейинги йилларда вилоят аҳолисининг сови бир миллиондан ошиб кетди, йил сайин уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан гўшт, суг, тухум билан таъминлаш ийин бўлмақда. Ушбу масалани биров ҳал қилиш мақсадида жумҳурият ҳокимиятининг қарори билан 1983 йилда Саримой массивидаги ҚҚАССР ерларидан 50 минг гектар ва Туйроққалъа массивидаги Бухоро вилоятининг 100 минг гектар ерлари Хоразм вилоятига ажратиб берилди. 1983-1984 йилларнинг ўзидаёқ бу ерда 4 та дон-чорвачилик ва 1 та қорақўлчилик «Нукус» давлат хўжаликлари ташкил этилиб, массивни комплекс ўзлаштириш бошланди. 4 та давлат хўжаликлари Ҳазорасп, Хонқа, Хива ва Гурлан туманларига берилди, давлат хўжаликлари ўз номларини шу туманлар номларидан олдилар. Қисқа вақт ичида бу ерга газ, суг, йўл, алоқа ва бошқа воситалар келтирилиб, қўйлаб соғлигини сақлаш, таълим, чорвачилик, ижтимоий-маиший ва ҳоказо объектлар қурилди. Амударёнинг сув босадиган доирасидаги ҳамда Қумтепа ерларини ўзлаштириш бошланди.

Бу ерга Болтиқ бўйи зотларидан 1580 бош қорамол келтирилди.

«Нукус» қорақўлчилик давлат хўжалиги сурувлари Бухоро, Қашқадарёдан келтирилган қорақўл қўйлари билан тўлдирилди ва 1985 йилга келиб бу ерда 6,5 минг бош қўй бўлди. Лекин бу ердаги қумлоқ яйловлар ўтлоққа ўта камбағалдир, ҳеч бир ташкилот йиллар давомида ўт етказишни кўпайтириш билан шуғулланмаган, бу масалалар ҳисобга олинмаган эди ва тезда қўйларни озуқа билан таъминлаш масаласи кескин бўлиб

қолди. Масала ечилмади ва «Нукус» давлат хўжалигини тугатишга, қўйларни эса — «Гурлан», «Ҳазорасп», «Хива» ва «Хонқа» дон-чорвачилик давлат хўжаликларига беришга тўғри келди. Уларнинг бир қисми 1988-1989 йилларда нобуд бўлди ва 1992 йилнинг 1 январига келиб фақат 535 боши қолди.

Тупроққалъа массивида ҳаммаси бўлиб 4361 га суғорма ердан фойдаланилади, улар жуда кам ҳосилдидир. Масалан, 1991 йили бир гектар ердан атиги 73 центнер кўк маккажўхори олинди, бедазорлар 67 центнер пичан берди, холос.

Қорамолни тўйдирмай озиқлантириш режалаштирилган маҳсулот олишга имкон бермайди. Шунинг учун 4 та жамоа хўжалиги ҳам давлатга қўлаб зарар етказмоқда. Бу давлат хўжаликларининг барпо этилиши—давлат маблағларидан самарасиз фойдаланишнинг, ўйланмай ҳал қилишнинг, чуқур билимга эга бўлмай юқоридан раҳбарлик қилишнинг зарари мисolidир. Чорвачиликнинг ем-хашакга бўлган талаблари ҳисобга олинмади. Бу ерда жуда кам ерлардангина фойдаланилади, қум тепаликларни ўзлаштириш эса анча қимматга тунади. Ҳозирги кунда 4 та давлат хўжалиги атиги 135-140 тонна гўшт, 800-850 тонна сўт етказдилар, холос.

Уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича баъзи ҳаракатлар қилинмоқда. «Хонқа» давлат хўжалиги Ҳазорасп туманида жойлашган «Прогресс» чўчқачилик комбинетига қўшилди. «Гурлан» давлат хўжалиги эса Урганч шаҳар икрония қўмитасининг ўрдамчи хўжалиги қилинди. Лекин бу тадбир самара бермади. 1990 йилда вилоят ижрия қўмитасининг қарори билан вилоят агрессиват уюмисига бевосита бўйсунадиган «Тупроққалъа» бирлашмаси тузилди. Аммо унинг фаолиятида ҳам жуда кўп камчиликлар мавжуд. «Тупроққалъа» бирлашмасининг биринчи раиси килиб зсотехник Ахмаджон Раззоқов тайинланди. 1991 йили бирлашма бўйича 118 тонна гўшт, 880 тонна сўт, 135 тонна шели, 103 тонна сабзавот, 209 тонна полиз етиштирилди. Ҳар бир сипрдан 1545 кг сўт солиб олинди. Келгусида бу давлат хўжаликларини вилоят учун гўшт етказувчи ягона ташкилотга айлантириш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Қумлоқ ерларни суғориб, яйловларнинг ўт ҳосилдорлигини ошириб, қўйлар бош сонини кескин кўпайтирмоқ лозим. Ҳозирги бирлашма ҳудудидаги суғорма ерларда дон етиштиришни йўлга қўлиб, бу ерда гўштдор зотларга мансуб молларни келтириб, гўшт етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

1992 йилнинг бошларида бу ҳудуд вилоятда янги барпо

этилган Друзжба туманига қарайдиган бўлди. Табиийки бир-лашма тезда ўз фаолиятини тўхтатди. Туманда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи агроинженер уюшмаси тузилди.

1957 йилда вилоятнинг ҳамма категорияларидаги хўжалик-ларида 148 минг бош қорамол, шу жумладан 49 минг бош сўғир, 173 минг бош қўй ва эчки, 30 минг бош чўчқа ва 13 минг бош от бўлган.

16-жадвал

ВИЛОЯТДА ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ БЎЙИЧА МОЛНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ (1957 ЙИЛ МАЪЛУМОТЛАРИ БЎЙИЧА)

Мол тури	жами, минг бош	шу жумладан %			
		жамоа хўжа- ликлари	давлат ва бошқа хўжа- ликлари	колхоз- чилар	ишчилар ва хиз- матчилар
Қорамол шу жумладан сўғир	148	48,0	2,0	48,0	2,0
қўй ва эчки	49	30,4	—	65,2	4,4
чўчқа	173	87,0	—	11,0	2,0
от	8	62,5	12,5	12,5	12,5
	13	94,2	5,8	—	—

Жадвалдан кўриниб турганидек, жамоа ва давлат хўжалик-ларининг жамоа секторига бутун отлар, 75 фоиз чўчқалар, 87 фоиз қўй ва эчкилар тўпланган. Колхозчилар, давлат хўжа-ликлари ишчи-хизматчиларининг шахсий фойдаланишида 1957 йилда 50 фоиз қорамол, шундан 70 фоиз сўғир сақланган.

Олдинги йилларга қараганда вилоятда хўжалик категория-ларига қараб молни қайта тақсимлаш амалга оширилган.

Жамоа хўжаликларда бошқа хўжалик категорияларга қара-ганда мол бош сони тезроқ кўпайди. Натижада жамоа хўжа-ликларида молнинг салмоғи умумий подада қорамол бўйича 1940 йилдаги 28,3 фонздан 1957 йилда 48 фонзгача, сўғирлар бўйича тегишича 6,3 дан 30,4 фонзгача, қўй ва эчкилар бў-йича 49 дан 87 фонзгача ошган.

Вилоятда қорамол бош сони бўйича етакчилик қилган. Ви-лоят туманлари бўйича бироз ўзгаришлар билан шартли молга ўтказиб ҳисоблаганда қорамол 70,8 фоизни ташкил қилган. Иккинчи ўринда қўй-эчкилар (9,1 %), кейин—ишчи мол—туя ва эшаклар билан ишчи молнинг салмоғи ҳамма категориялар-даги хўжаликларда 18,0 фонздан зиёдроқини, ишчи хўкизлар

билан эса шартли молга ўтказилганини 25 фойзгачасини ташкил қилган.

Чорвачиликнинг тез етилувчан тармоқлари—чўчқачилик ва паррандачилик камроқ ривож топган. Уларнинг салмоғи 1,0 фойзга яқин бўлган. Қайд қилиш керакки, вилоятнинг илгор жамоа хўжаликларида чорвачиликнинг тузилиши ўртача вилоят бўйича тузилишга қараганда бироз бошқачароқ. Улар ишчи мол сонини камайтириши ҳиссбига ситир ва парранда салмоғини кўпайтирганлар.

Вилоятда шу йилларда даладан йиғилган ем-хашак, ўтлар ва топирилган пахта хом ашёси ҳиссбига бериладиган емлар озуқа базасининг манбаи бўлган. Табиий озуқавий ер-мулклар 150 фойздан зиёдини, топирилган пахта учун бериладиган қунара ва пахтанинг бошқа қолдиқлари озуқалар яқин чиқшининг 22 фойзга яқинини, қолган ем-хашаклар—40 фойз яқини озуқаларнинг далачилиқдан йиғилган ем-хашак ҳажмидир, буларнинг 30 фойзини беда ташкил қилади.

1956 йилда вилоят жамоа хўжаликларида озуқаларининг яқини чиқими озуқа бирлигида 100 минг тоннадан зиёдорини ташкил қилган, яъни ҳар 100 га қишлоқ хўжалик еридан 341 центнер озуқа бирлиги ҳосили олинган. Бу миқдордан 76,4 фойзи дала хашаклар, 22,9 фойзи омухта емлар ва фақат 0,7 фойзи ширали озуқаларини ташкил қилган (17 жадвал).

1956 ҮЙЛИНИҢ МАЪЛУМОТЛАРИ БУНИҢЧА ВЕЛОЯТ ЖАМОА ХУЖАЛИКЛАРИДА ОЗУҢА
 БАЗАСИНИҢ МИҢ-ДОРИ ВА ТАРКИБИ
 (ОЗУҢА БИРЛИГИДА)

Туманлар	жамин озуҗа бирлиги, миҗн	тонна	I гектардан озуҗа бир- лиги	шү жумладан		ширалан озуҗалар		омуҗта емлар	
				дағал	хашаклар	жамин	шү жум- ладан сигос	жамин	шү жум- ладан топ- ширалан пахта уҗуи
Богот	7,5		36,6	71,6	30,8	0,8	0,62	27,6	26,0
Гурлан	10,3		33,7	78,6	22,8	0,9	0,73	20,5	16,3
Күшкүшпр	11,7		42,2	71,2	26,0	0,5	0,5	28,3	26,6
Урганч	11,2		25,6	75,7	27,3	0,8	0,7	23,5	23,2
Хазорасп	11,4		47,6	78,3	21,7	0,4	0,4	21,3	20,4
Хонҗа	12,2		43,9	78,3	30,4	0,7	0,5	21,0	20,5
Хива	9,2		31,3	75,7	41,7	0,4	0,3	23,9	22,8
Шөвөт	9,0		26,3	75,7	41,5	0,3	0,2	24,0	21,7
Янғариҗ	10,5		46,7	77,7	40,1	0,4	0,35	21,9	21,0
Янғибозор	7,7		18,9	79,1	31,8	0,9	0,8	20,0	19,0
Жамин	100,8		341	76,4	29,9	0,7	0,46	22,9	21,6

17-жадвалда келтирилган озуқаларнинг етиштириш даражаси миқдори бўйича етарли эмас, таркиби бўйича қониқарсиз.

1956 йил маълумотларига кўра жамоа хўжалиги молининг ем-хашакга бўлган талаби умумий озуқавий фазилати бўйича 59,3 % га қондирилган, (талаб 171 минг тонна озуқа бирлиги, тайёрланган 102,5 минг тонна озуқа бирлиги), дағал хашак бўйича 72,5 % га, ширали озуқалар бўйича 9,8 % га ва омухта емлар бўйича 51,8 % га қондирилган.

Вилоят туманлари бўйича йиғилган ем-хашаклар миқдори ва молнинг озуқа билан таъминлаш даражаси ҳар хил, лекин озуқа базасида етишмовчилик ҳаммасига тааллуқли ҳодисадир.

Чорвачиликнинг муҳим тармоқлари қорамолчилик, чўчқачилик, паррандачилик фақат даладан олинadиган озуқалар, етказилган кўк, ширали ва омухта ем етарли миқдорда тайёрлангандагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Қўйларни кишида қўшимча озиқлантириш ҳам далачиликдан йиғилган озуқалар ҳисобига бўлиши мумкин. Бунга қўйлар яйлов ўтига тўла таъминланмаганлигидан бўлади, чунки йилга ҳар бир бош қўйнинг талаби 8 центнер пичан бўлса, у фақат 40 фонзгагина таъминланган, холос.

Далачиликдан йиғилadиган хашакнинг аҳамияти ҳал қилувчи бўлсада, унинг ташкил қилинишида жиддий камчиликлар бўлган. Йил давомида пахта майдонлари фақат янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгайтирилимай балки бедзорларни хайдаш ҳисобига ҳам амалга оширилган. Техникавий экинларнинг бир томонлама кенгайиши ва алмашлаб экиннинг йўқлиги натижасида пахта 1956 йилда 74,5 фонз экин майдонини эгаллаган, бедзорлар майдони—11 %, маккажўхори ва жўхори — 7,6 %, шу жумладан маккажўхори—4,3 % га тенг бўлган. Илдиз мевалиларга ва полиз экинларига экин майдонининг атиги 0,1 фонзгина ажратилган, холос.

Озуқавий экинлар ҳосилдорлиги жуда паст: вилоят бўйича эски беда пичанининг ҳосили 57,6 центнерга, сут—мум ҳолатдаги маккажўхори дони — 6,7 центнерга ва силос учун кўк пая—60 центнерга, тўла пишган жўхори дони—3,2 центнерга ва силос массаси—46 центнерга тенг бўлган.

Шу йилларда вилоятнинг илгор жамоа хўжаликлари—Шовот туманидаги Киров помли, Янгиариқ туманидаги Киров помли, Ҳазораспдаги Фрунзе помли—вилоят бўйича озуқавий экинлар ўртача кўрсаткичидан анча юқори ҳосил олдилар: гўвиш (жўхорининг кўклай ҳолатдагиси),—тахминан 300-400 ц/га, маккажўхори кўк массаси 200-300 ц/га, беда пичани 80-100 ц/га.

Молларни ййлов ўт-ўлани билан таъминлаш қийин бўлиб қолди. Вилоятда ўша йиллари 528,0 минг га табиий ўтзорлардан фойдаланилди. Шулардан вилоятнинг ўзида 52,0 минг га яқини кўпинча Амударё қайридаги тўқайлар ҳамда сугорма системаларининг ташландиқ сувларидан ҳосил бўлган қўлларнинг ботқоқ ва тузланган участкалари эди.

420,3 минг га ййлов вилоятдан ташқарида жамоа хўжаликларига узоқ муддатда фойдаланиш учун берилди. Ўзининг сифати бўйича улар қумоқ (Тахтакўпир ва Шаббоз массивлари) ва тўқай («Қизилар» массиви) ййловларга бўлинадилар. Бу ерлар Қорақалпоғистон АССР ҳудудидида жойлашган.

Тахтакўпир ва Шаббоз қумоқ ййловлари саксовул—эфемерли ва эфемеронд ўт-ўланлар билан ҳар хил даражада маҳкамланган қум билан ифодаланган. Қўмларда гипсли тупрас ҳам, ёвшан ва шўра ўсимликлари билан қопланган тақирлар ҳам навбатлашган. Бир гектар қумоқ ййловлардан (ййлов—мелиоратив трестнинг маълумоти бўйича) олинадиган ҳосил 2,9 ц/га тенг бўлган. Қумоқ ййловлар фақат қўйлар, асосан қоранўл қўйлари учун, лаёқатлидир. Улар ўт тўплами бўйича, етарли миқдорда ёмғир ёгса, айрим участкалар йил фасли аҳамиятига қараб йиллик бўладилар. 1956 йилда сугорилган қумлиқ ййловларининг умумий миқдори 42,24 минг гектарга тенг бўлган. Уларнинг энг катта ва энг яхши қисми сугорилмади.

Қумоқ ййловларнинг катта ҳудудидида фақат 20 та шахтали ва 2 га артезиан қудуқлар бўлган. Улардаги сув миқдори 30-35 минг қўйни таъминлашга мумкин эди, лекин 1957 йилнинг 1 январига вилоятда 173 минг бош қўй ва эчки бўлган.

Массивларнинг аста-секинлик билан сугорилиши ер ости сувларини жуда чуқур жойлашганлиги билан боғлиқдир. Гидрологик текшириш маълумотларига кўра уларни фақат артезиан қудуқлар ёрдамида сугориш мумкин.

Қумлоқ ййловлар ҳудудидида маданий хўжалик марказлар, асфальт, бетон кабилар ётқизилган катта йўллар, жиҳозланган қудуқлар, мол ҳайдайдиган йўллар бўлмаган булар мол ҳолатини ҳамда зооветеринария тадбирларини ўтказишда раҳбарлик ва назорат қилишни қийинлаштирган.

Амударё соҳилидаги ййловлар ва ўтзорлар ўсимлиги қисқ, қамишдан, шўрланган участкалар—акриқдан, сугориладиган ерлар четлари — бўён илдиридан иборат бўлган.

Вилоят тўқайлари бўйича ҳосилдорлик 12-15 ц/га (қуруқ масса), орасида бўлган. Лекин мол уларнинг 40-50 фонзидан энгидини емаган. Тўқай ййловларнинг озуқавий қиммати кўп

бўлмаган — 1 кг ўтда жуда кам миқдордаги хазм бўладиган оқсил бўлган.

Ўзининг хили бўйича тўқай яйловлари—бир йилликдир, уларда фақат қўйларни эмас, қорамолни ҳамда боқиладиган отларни ҳам боққанлар. 1951 ва кейинги йилларга бўлган маълумотларга кўра, «Қизилжар» массивида вилоятдан келтирилган 30-40 минггача от ва қорамол боқилган.

Молларни ҳаддан ташқари кўп сақлаш тўқай яйловларининг ёмонлашиб кетишига сабабчи бўлди. Енгил чўкинди тупроқдаги қамшизорлардан интенсив равишда фойдаланиш уларнинг ҳосилдорлигини анча пасайтирди. Ирмоқларда, моллар тўпланган жойларда, ўсимлик деярли қуритилган, мол камроқ бўладиган жойларда эса сийрақланган. Молни қишда боққанда тўқайларда доимий равишда оқсил етишмаслиги сезилган.

Моллар сақланадиган яйловларнинг жамоа хўжаликлари марказидан 300-400 км узоқликда жойлашганлиги ҳамда йўлсизлик ва Амударёнинг гарбий қирғоғидан Шарқий қирғоғига ўтарлик бўлмаганлиги туфайли омухта-ем келтириш жуда қийин бўлган.

Вилоят жамоа хўжалиқларига берилган ҳамма суғорилган яйловларда қўйларни ўт билан таъминланиши бошқа тур моллар еган ўтини ҳисобламаганда, вилоят бўйича 40 фоизга яқинини ташкил қилади. Яйлов хўжалигининг бундай ҳолатида—ўтларнинг паст ҳосилдорлиги, қумоқ яйловларнинг кўп қисми суғорилмаганлиги ва мавсумийлиги, яйловларнинг озуқавий ҳажми мол бош сонига номувофиқлиги, жумладан қорақўл қўйларининг кўплиги, шунинг учун ҳам жамоа хўжалиқлар отларни майда гуруҳларга бўлиб, бешқаларнинг қудуқлари ёнида ҳамда суғорма ерлар минтақасининг чети ва бўш жойларида боқишга мажбур бўлганлар. Майда гуруҳларни боқишда яйловнинг бўш участкаларини ўзлаштириш ва қудуқларда сув толиш енгил бўлган. Лекин буларнинг ҳаммасини бола олишда, маҳсулдорликда ва маҳсулот тапшархида таъсири қайд қилинган.

1956 ЙИЛДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИДА БИР ЦЕНТНЕР ОЗУҚАНИНГ ТАННАРХИ (1961 ЙИЛНИНГ ТАҚҚОСЛАМА БАҲОЛАРИДА)

Озуқалар турлари	таниархи, сўм	шу жумладан моддий пул сарфлари	меҳнат куни сарфи
Мақкажўхори—тўла пишган дон	15.9	4.53	12.4
Беда	1.5	0.5	0.8
Силос	1.61	0.5	0.9
Надиз мева	2.77	0.67	1.7
Яйлов ўти	0.69	0.2	0.4

Жамоа хўжаликларда ўстирилган, озуқавий экинларнинг ҳосили пастлиги, даладаги ўт йиғишда ва табиий пичанни тайёрлашдаги механизация воситаларининг йўқлиги меҳнат сарфи ва таниархининг юқори бўлишида асосий сабаблардир.

Вилоятдаги кўпгина фермаларининг порентабеллигининг бирдан-бир сабаби озуқанинг юқори сарфидир: чорвачилик маҳсулотларини сотишдан олинган ҳар бир сўмга вилоят жамоа хўжаликларида озуқага бўлган сарфлар 2 сўм 86 ти-йинни ташкил қилган.

ҚОРАМОЛ

1956 йилда сугирлар бош сони ҳамма категориялардаги хўжаликларда 1940 йил даражасига атмади, қорамол сони эса бу даражадан фақат 2% га ўсди. Жамоа хўжаликларда сугирлар бош сони 4.7 марта, қорамол бош сони—1.73 марта кўпайди. Қорамол бош сонининг ўсиши фақат ишлаб чиқариш ҳисобига эмас, балки қишлоқ аҳолисидан оммавий равишда мол сотиб олиш ҳисобига амалга ошган. Фақат 1956 йилнинг ўнда вилоят жамоа хўжаликлари томонидан 10 минг бош қорамол сотиб олинди.

19 жадвал
**ВИЛОЯТ ХҲЖАЛИКЛАР КАТЕГОРИЯСИГА ҚАРАБ
 ҚОРАМОЛ БОШ СОНИНИ ҲСИШ ДИНАМИКАСИ**

Хўжаликлар категориялари бўйича мол тури	1940 йил, мин бош	1940 йилга—фонзда, (%)				
		1950 й.	1953 й.	1954 й.	1955 й.	1956 й.
Қорамол, жамоа хўжаликларида	37,9	134,3	151,3	158,6	166,0	173,2
Хўжаликларнинг ҳамма катего- рияларида	135,3	73,5	84,2	89,0	95,9	102,1
Сигирлар, жамоа хўжаликларида	2,9	234,5	334,0	400,0	434,0	467,0
Хўжаликларнинг ҳамма категория- ларида	45,9	62,0	77,5	83,9	89,9	96,0

Вилоятда ҳар 100 бош сигирдан фақат 79 бузоқ олинган. 1956 йилда жамоа хўжаликлари сигирларни қисирлигидан 7 мингга яқин бузоқ олаолмадилар. Бутун қорамол сонининг 3,8 % нобуд бўлди. Вилоят бўйича подадаги сигирлар салмоғи 19 % ни ташкил қилди. Сигирларнинг подадаги кам салмоғи, юқори қисирлик ва ёш бузоқларнинг кўплаб нобуд бўлиши, қорамол чиқими ўзида етказиш ўрнига бўлмади, уни оммавий равишда сотиб олиш ҳисобига қоплаш такрор ишлаб чиқариш ишларини ташкил қилишдаги асосий етишмовчиликлар шулардан иборат бўлган.

1956 йил 1 январда ўтказилган рўйхатга олиш бўйича вилоят жамоа хўжаликларида 6,9 минг бош кўпинча қизил чўл зотига мәнсуб зотли мол бўлган—бу бутун молнинг 17 фоизига тенг.

Кўпгина хўжаликларда юқори маҳсулдорли молга етарли бўлган сақлаш ва озиқлантириш шароитлари ташкил қилинмади. Натижада келтирилган молнинг маҳсулдорлиги ва яшаш умри паст бўлган.

1956 йилда сут маҳсулдорлигининг даражаси озиқланувчи сигир ҳисобига вилоят бўйича ўртача ҳамма хўжаликлар категорияларида 724 кг ни, жамоа хўжалигидаги молнинг тузилиш бошига гўштининг чиқими—0,7—0,8 центнер гўштни олиш ўрнига тирик вазида атиги 0,22 центнер олинган, холос.

Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида боққадагилар, ўтлоқлар, тўғай ва қумоқ яйловларини ҳам ҳисоблаганда 100 га қишлоқ хўжалик ерларида қорамол бош сонининг зичлиги ба-

ланд—50 бошни ташкил қилади. Сигирлар зичлиги (боқиладиган ўтлоқлар бунга кирмайди) эса янада юқори бўлиб—100 га қишлоқ хўжалик ерига 25 бош тўғри келади, жамоа хўжаликларда эса қорамол ва сигирлар зичлиги паст, териниича 23 ва 7 бош бўлган.

Қорамол сонининг анча юқори зичлигига қарамай, ҳамма категориялардаги хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларининг 100 гектарига сут етиштириш 67,1 центнерни, жамоа хўжаликларига — 47 центнерни ташкил қилган. Қорамолчиликнинг гўшт — сут ихтисослаштиришидаги мол бош сонининг рационал тузилиши талаб этадиган миқдоргача (35-40 %), сигирлар бош сонини кўпайтириш ва уларни сут маҳсулдорлигини ошириш — сут ва қорамол гўштининг ялпи ишлаб чиқаришининг ўсишидаги муҳим манбалардир.

1956 йили жамоа хўжаликларда бир центнер сут етиштиришга кетган меҳнат сарфи вилоят бўйича 9,4 меҳнат кунига ва қорамол гўштининг 1 центнер тирик вазига 43 меҳнат кунига тенг бўлган.

Агарда меҳнат куни ўртача вилоят баҳосидан ҳисобланса (12,4 сўмдан), бир центнер сут етиштириш учун вилоят жамоа хўжаликларига кетган меҳнат тўлови 9,4 сўмни, қорамол гўштининг бир центнери тирик вазига—53,3 сўмни ташкил қилган (1961 йилнинг солиштирма баҳоларида).

Юқори сарф-ҳаражатлар сабаблари—молларнинг паст маҳсулдорлигида, фермалар ва озуқа жамғаришдаги механизацияни етарли эмаслигида, меҳнатни рационал ташкил этишининг йўқлигидадир. Кўпгина жамоа хўжаликлар молларни бирки-тишда техникавий ва иқтисодий жиҳатдан асосланмаган нормалардан фойдаланганлар ва меҳнат кунларининг олинган маҳсулотларга қараб тақсимланиши назоратига эътибор бермаганлар.

Меҳнатни тўғри ихтисослашга эътиборсизлик билан қоралиб меҳнат унумдорлигини ошириш резервларидан ёмон фойдаланилган. Маъмурий хўжалик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашдаги сарфлар жуда катта бўлган. Моддий рағбатлантиришни оширишдаги омиллар — ҳар ойда аванс бериш, етиштириш режасини ошини билан бажаришдаги моддий рағбатлантириш, хўжалик ҳисоби асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг илгор усулларидан етарли фойдаланилмади.

Озуқа етиштиришдаги юқори таннарх билан паст меҳнат унумдорлиги сотиш баҳоларининг сарфини, маҳсулот ишлаб чиқишига кетган сарфлар туридаги даромадга муносиб эмаслигига сабаб бўлган.

1956 йилда вилоят жамоа хўжаликларида бир центнер сутнинг таннарни 252,8 сўмга тенг, яъни сутнинг харид нархларидан 2 мартадан зиёдроқ бўлган.

Бир центнер тирик вазидagi қорамол гўштининг таннарни 1153 сўмни ташкил қилди. (1956 йил баҳолари). Бу сарфларнинг 50 фонзига яқинроғи меҳнат кунларини тўловига ва 50 фонздан зиёди моддий — пул сарфига тўғри келган.

МАЙДА ШОХЛИ МОЛ

1956 йилда ўтказилган рўйхатга олиш маълумотларига кўра вилоятда қўй ва эчки 173 минг бошни ташкил қилган, улардан кўп қисми—155 минг боши қўй ва 18 минг боши эчкидир.

Қўйлар кўпинча қоракўл қўйларидир, эчкилар—маҳаллий етлардан иборат. 1940 йилдан 1956 йилгача бўлган давр ичиде қўй ва эчкилар бош сони фақат 8,1 % га, жамоа хўжаликлариде 92,3 % га кўпайган. 1956 йилде 87 % қўй ва эчкилар жамоа хўжаликларде ва 11 % аҳолиде тўпланган.

Шу йилде вилоят жамоа хўжаликлариде 134 қўй фермалари бўлган. Ййловлар билан таъминланмаганлик сурувларнинг сувий равишде майдаланишига сабаб бўлган. Жамоа хўжаликларининг ҳаттоки ййрик қўй фермалариде ҳам қўй сони сз бўлган. Бунде жамоа хўжаликларининг кичик-кичик сурувлари узоқ ва ҳудудий тарқалган ййловларде боқилган. Майда отарларде гуруҳлар жинси ва ёшига қараб айрим боқилмаган. Бунде қочирини ва туғиш муддатларини бошқарини имконияти ййқолади, қўзиларнинг бир қисми ўстирини учун қулай бўлмаган фаслларга тўғри келади. Натижаде қўйларининг бош сони ва маҳсулдорлигини янаде кўпайишига тўсқинлик қилинган, маҳсулнинг бирлигига меҳнат ва маблағ сарфи юқорилигича қолаверди.

1956 йилде қўйлар нобудгарчилиги 3,3 % ни, эчкилариники —8,4 % ташкил қилди, 100 бош ойна қўйдан атиги 72 қўзи олийди, холос. Бир бошдан қирқиб олинган жун 1,3 кг ни ташкил қилди, бир бош ҳисобига гўшт чиқими тирик вазиде 5,2 кг га тенг келди.

Қўйчиликнинг паст маҳсулдорлиги ва подадеги она моллар бош сони юқори зичликде бўлса-де 60 фонзга тенг қисми жун, тери ва гўштини кам ишлаб чиқарилишига сабаб бўлган.

Озуқа базасининг заифлиги, такрорий ишлаб чиқарини бўйича ишларининг ҳам миқдори, ҳам сифатининг ёмон ташкил қилиниши, фермаларининг кичкиналиги, механизмлардан отарлигича

фойдаланилмастик, меҳнатни қониқаренз ташкил қилиниши — Суларнинг ҳаммаси қўйчиликнинг асосий маҳсулотини етиштиришда ҳаддан ташқари катта меҳнат сарфига олиб келди.

Кейинги йилларда қўйлар учун яйловлар ҳолати яхшиламади, лекин Соримой, Даргонота массивларида уларни суғориш бўйича ишлар олиб борилди, натижада қўй ва эчки бош сонлари кўпайди ва 1970 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида 155,7 минг бошга етди. Лекин вилоят ҳудудида ер ўзлаштирилиши ва шולי алмашлаб экишнинг ташкил қилиниши натижасида қўйларни сақлаш йил сайин қийинлашиб, тармоқ катта зарар кўра бошлади. Вилоят раҳбарияти Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон Вазирлар Маҳкамаларига Қорақалпоғистоннинг Тўққуш массивида 2 та ихтисослашган қўйчилик давлат хўжаликларини ташкил қилишни ва уларга ер ажратилиши сўраб бир неча марта мурожаат қилди. Лекин бу масала ижобий ҳал бўлмади. Шунинг учун 1974 йилда вилоятнинг қўйларини Қорақалпоғистонга берилиши маъқулланди.

1974 йилнинг 1 январида вилоят хўжаликларида 163,3 минг бош қўй ва эчки сақланган эди, уларнинг 121 минг боши Қорақалпоғистонга берилди. Қолган 42,3 минг бош қўйнинг кўчилиши такрор ишлаб чиқаришга ласқатенз бўлганлиги туфайли хўжаликлар ичидаги эҳтиёжлар учун фойдаланилди. Кейинги йилларда аҳолини гўшга бўлган эҳтиёжи йил сайин кийин бўлганлиги туфайли, айрим шахелар бошқа вилоятга қўйларни берилиши хато бўлди деб сўз юритмоқдалар. Лекин бундай фикрлар тармоқ ҳолатини чуқур билмаганларнинг худосасидир. Албатта қўйларни бериш керак эмас эди, лекин вилоят ичида бундай қўй сондаги қўйни сақлашнинг илоки ҳам йўқ эди. Шунинг билан бирга Туркманистоннинг қўй йиллик фойдаланиш учун ажратилган қумлоқ яйловларига яқин бўлган Қўшқўш, Хива, Богот, Янгариқ ва Ҳазораси туманлари бироз қўйларни сақлаб қолдилар. 1992 йилнинг 1 январига келиб вилоят жамоа ва давлат хўжаликларида 26,0 минг бош қўй ва эчки сақланмоқда. Аҳолининг шахсий хўжалигида эса уларнинг 116,1 минг боши мавжуд.

1953 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигини йўналтириш, аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ва уни бошқариш бўйича йнрик тадбирлар қабул қилинди. Жумладан, режалаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди, қишлоқ хўжалик маҳсулотига бўлган харид нархлари оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга ягона минтақаларга табақалаштирилган баҳолар бўйича сотиш тартибига ўтиш амалга оширилди, жамоа хўжаликларидан солиқ камай-

тирилди. Шунинг билан бирга ўзининг муҳим аҳамиятига қарамай, янги тартибда муҳим етишмовчиликлар бор бўлиб тақомиллашишга муҳтож эди.

Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш режалари жамоа хўжаликларига фақат бир йилга, бунинг устига анча тегиштириб етказилар эди. Улар хўжаликларга кўп марталик ўзгартирилиб, қўшимча топшириқлар ҳам бериларди.

Бундан ташқари киритилган харид нархлари пахта, дон, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш учун кетган ҳақиқий харжларни қопламасди, натижада жамоа ва давлат хўжаликларини ишлаб чиқариш фаолиятдан катта зарар кўрардилар.

50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларидаги аграр сиёсатнинг жиддий хатоси—қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва самарасини ошириш муаммоларига қарама-қарши ёндошилгани деб ҳисоблаш керак. 7 йиллик режада (1959-1965 йй), улар қишлоқ хўжалигининг ривожланишидаги бош йўл деб аниқланган эди. Лекин аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тезлатиш учун на моддий-техника, на моливий шарт-шароитлар яратилган эди.

Мантиққа зид, лекин ҳақиқат, 1959-1960 йилларда аграр секторга бериладиган капитал маблағлар анча қисқартирилди, бу қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулотларини ўсиш, деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаштириш суръатида дарров сезилди. Қишлоқ хўжалиги раҳбарлигида ва бошқаришда яна ғаразғўйлик ва ўзбошимчалик элементлари ифодалана бошлади, иқтисодий қонувларни, жамоа хўжалигининг демократияси инкор қилиниши аниқ сезилди. Буларнинг ҳаммаси ишга қатъиятсизлик киритди, хўжаликни режалаштириб олиб боришга тўсқинлик қилди, давлатга зарар, жамоа ва давлат хўжаликларининг иқтисодига путур етказди.

50-йилларда Хоразмда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бир экиннинг якка «ҳокимлигига» айлана бошлади. Бу пахтачиликни янада чуқур ихтисослаштиришида ифодаланди. Пахтадан экинладиган майдон 1960 йилда 1950 йилга нисбатан 9,3 минг гектарга кенгайиб, 98,4 минг гектарга етди ва бутун суғорма ерларнинг 52 фоизини эгаллади. Бундан Хоразм қишлоқ хўжалиги иқтисодида пахта амрини ўтказиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тузилишини ўзгартириш бошланди.

Ягона бир экин экиш учун қилинган ҳаракатни бошиқа далиллар ҳам кўрсатади. Масалан, 1960 йилда кўпгина экинларнинг майдонлари кам миқдорда кенгайди. Дон экинлари майдони деярли 3 минг гектарга қисқарди. Биринчи марта Хоразм деҳқончилигининг тажрибасида дон учун мажбуҳхорининг аг-

Ҳаммага равшанки, аҳолини, аввало шаҳарликларни гушит. сут ва тухум билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш учун мол ва парранда, айниқса она моллар сонини кескин кўпайтириш керак. Бу муносабатда кўпгина уринишлар бўлган, лекин мол бош сони кўпайиши у ёқда турсин, вилоятнинг айрим туманларида у камайди ҳам.

Нимага бундай бўлди? Аввало вилоят бўйича озуқавий экинлар майдонда кўпайиш бўлмади, лекин ем-хашак миқдоридан кўп мол сақлашнинг ўзи—хўжаликни билатуриб, зарар қилишига етаклаш деган гандир!

Шунинг учун ҳам жамоат секторида мол бош сонини кескин кўпайтириш имконияти бўлмади, бунга подани такрор ишлаб чиқариш масаласидаги айрим хатолар ҳам сабабчи бўлди.

Чорвачилик маҳсулоти етиштириш кўпинча мол бош сонини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқдир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсishi кўпинча бу ишни тўғри ташкил қилишига ҳамда молларни озиқлантириш ва сақлаш шароитининг қандай даражада эканлигига боғлиқ. Шароитлар етарли бўлмаган хўжаликларда молларнинг маҳсулдорлиги паст, уларнинг бола бериш қобилияти пасайган, сиғирларнинг қисирлиги кўпдир.

Хўжаликларда она молларнинг қисирлик сабаблари ўрганилганида шу нарса маълум бўлдики, улардан энг кўп тарқалгани сиғирларни тўла қимматли ва етарли бўлмаган озиқлантириш, сиғир ва қочарларни қочирish технологиясидаги нуқсонлар, янисиий органларнинг касалликлари ҳамда қариллик билан боғлиқ бўлган ёш ўзгаришлардир. Масалан, 1991 хўжалик йилининг охирига бориб, вилоят бўйича 3586 бош сиғир, 1557 бош қочар қисир бўлиб қолди, шулардан алиментар (озиқлантириш билан боғлиқ, «алиментум» сўзи—озуқа дегани), сабаблар ва хўжасизлик билан 2450 бош сиғир ва 1557 бош қочар ёки 68 ва 100 фоиз, қарилкдан 1041 бош сиғир яъни 29 фоиз. Жинсий органлар касаллиги туфайли қисирлик 3 дан 12 фоизгача тўғри келди.

Вилоятнинг кўпгина хўжаликларида сиғирларнинг қисирлиги аяча балиқдир ва у 25-39 фоизга етади.

1991 йили Хоразм жамоа ва давлат хўжаликларида ҳар 100 бош сиғирдан 76 бош бузоқ олинди. (Қизилқар ва Турроққалъа массивларидаги жамоа хўжаликлари бўйича маълумотлар бунга кирмайди). Айрим туманларда бу кўрсаткич яна ҳам кам бўлган. Масалан, Бөгет, Ҳазорасп, Урганч туманларида, Бөгет туманидаги Огаҳий помли жамоа, Янгибозордаги «Аму-

дәр» давлат хўжаликларида 57-65 бузоқ олинган, айрим ёшқа хўжаликларда бу миқдор ундан ҳам кам.

Қизилжар давлат хўжаликлари 1991 йилда ҳар 100 сигирдан атиги 61 бузоқ, Тупроққалъа массиви хўжаликлари 65 бузоқ олдилар, холос.

Шунинг билан бирга қайд қилиш керакки, она молларнинг қисирлик фойзи бўйича ҳисоблаш корхоналаридаги маълумотлар ҳақиқий ҳолатни ҳар доим ҳам тўғри фойдаламайди, чунки сигирларнинг бир қисми иккита бузоқ туғади, яна бир қисми—йилда икки марта туғади.

Вилоят бўйича қилинган таҳлил 100 сигирдан 16 таси қисир бўлиб қолганлигини кўрсатди. Жамоа ва давлат хўжаликларида 1991 йил 1 январидан 24094 минг бош сигир бўлган (Қизилжар ва Тупроққалъа массивларининг давлат хўжаликларидаги сигирлар бу маълумотларга киритилмаган), демак улардан 1991 йили 3856 минг бузоқ олинмаган.

Сигирларнинг қисирлиги вилоят chorвачилигига анча зарар келтирган. Сигирларнинг қисирлигидан келган иқтисодий зарар қуйидаги ҳолатларда кўринади: сигир ва қочирини ёшидаги қочарлардан кўп сонда бузоқ олмаслик; гўшт маҳсулотини—мол бош сони камайганидан, сут маҳсулоти—сигирлар қисирлигидан; қисир сигирларни озиклантириш, боқиб ва даволашга кетадиган фойдасиз сарфлар, қиммат наслдор қочарларни сотиб олиш, маҳсулот бирлиги сарфлари ва унинг таннархи кўпайиши, фермалар маҳсулдорлигининг пасайиши. Буларнинг ҳаммасини оқибати натижасида chorвачиликдан келадиган даромаднинг камайишига, маблағ тўпланишининг ўсишини тўхтатишга ва шундай қилиб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бош воситаси — жамоа ва давлат хўжаликларига биритилган ердан фойдаланишининг иқтисодий самардорлигини камайишига олиб келади.

Айрим зооветеринария мутахассислари ҳам, айниқса хўжалик раҳбарлари битта сигир йил давомида хўжаликка қанча иқтисодий зарар келтиришини аниқ билмаслигини таърибга кўрсатди. Умуман хўжалик бўйича қисирликдан келадиган зарарни энгиллаш учун ва бунга йўл қўймаслик учун улар бу камчиликларни билишлари шарт. Ҳисоб-китоб эса бундай:

1. Битта бузоқ олмасликдан хўжалик 158 сўм нам даромад қилади (1,5 центнер сутнинг баҳосига бир бузоқ баҳоланади, етиштирилган бир центнер сутнинг баҳоси 105 сўм—баҳолар 1982 йил 16 январдан қабул қилинган янги харид нархлари асосида олинган).

2. Сут кам олинганидан келган зарар, бу ферма бўйича бир сигирдан йилга ўртача соғиб олинган сут миқдоридан ҳисобланади ва қисир сигир 35-50 фоиш (қисирлик давомига қараб), сутни кам бериши эътиборга олинади. Масалан, жамса хўжалигининг фермасида ўртача йиллик соғим 2500 кг сутни ташкил қилди дейлик, агарда қисир сигир соғимни 30 фойга камайтирадиган бўлса, ундан йилда 750 кг сут кам олинган ҳисобланади. 1 центнер сутнинг шартли баҳоси 105 сўм бўлса, демак сигир келтирган зарар 787 сўмни ташкил қилади. (7,5 цнт x 105 сўм).

3. Озиқлантириш, сақлаш ва қисир сигирларни даволашга кетадиган фойдасиз сарфларни бир сигирга йилга кетадиган умумий сарфлар йиғиндисини билгандан сўнг аниқлаш қийин эмас. Ҳисоб-китоб фойдасиз сарфлар, умумий сарфларни тахминан учдан бирисини ташкил қилишини кўрсатди—396 сўмга яқин.

Шундай қилиб, йил давомида бир сигирнинг қисирлигидан келадиган умумий зарар 1288 сўмни ташкил қилар экан, (105+787+396).

Подадаги соғим 2800-3000 кг ва ундан кўп бўлганида сигирларни озиқлантириш ва сақлаш сарфлари яна кўпаяди, демак сигирнинг қисирлигидан келган зарар йиғиндиси яна кўп бўлар экан. Бир қисир сигирдан келадиган зарарни билгандан кейин молларнинг қисир қолганидан хўжалик, туман, вилоят бўйича кўриладиган зарарни аниқлаш мумкин. Масалан, агарда вилоят хўжаликлари 1991 йилда сигирлардан 6556 бузоқ ва қисир сигирларнинг ҳар биридан 750 кг сут олинмаган бўлиб, демак улардан жами 3680 тонна сут олинмаган бўлади ва сигирларнинг қисирлигидан жамми зарар тахминан 3,9 миллион сўмни ташкил қилади, (36800 центнер сут X 105 сўм).

Шуни эътиборга олиш керакки, олинган зарар йиғиндиси подадаги сигирларни ўрнини қоллаш учун қўйилган қочарларнинг қисирлигидан яна ошади. Ҳар 100 сигирга хўжаликда 30-35 подадаги сигирларни ўрнини қоллаш учун қочар ўстириш—умуман қабул қилинган қондадир. Лекин қочарларни йўнаштирган тарзда бузоқ ўстириш масаласи қониқаровчи қўйилганлиги туфайли хўжаликлар фақат 5251 та ремонт қочарни ўстирмоқдалар, улардан қочирилиб, бўғоз бўлганидан аниги 4270 тунажин гуруҳига ўтган, туғиб бир неча марта тулган сигирлар гуруҳига киритилган. Демак, ремонт қочарлар исроми 30 % ҳисобланса, 1991 йилнинг бошидаги 30471

60ш сизирга 9141 ремонт қочар бўлмоғи керак эди. амалда эса 5251 ремонт қочар бўлган.

1991 йили гунажинлардан сизирлар гуруҳига 4270 боши ўтган, яъни ҳар 100 бош сизирга 14 гунажин тўғри келган.

Демак, вилоят хўжаликларида қочарлар қисирлигидан яна 981 бузоқ ва анча миқдорда сут олинмади.

Шунинг учун ҳам сизирлари ва умуман она молларни қисирлигига қарши кураш агрономик, зоотехникавий, ветеринария ва ташкилий-хўжалик тадбирларнинг йиғиндисига боғлиқ бўлган ниҳоятда муҳим вазифадир.

Айрим пайтда бунга фақат зооветмутахассисларнинг иши деб қарайдилар. Бизнингча бундай фикр нотўғридир. Пуштензлиқ ва қисирлик ҳам зоотехниклар, ҳам ветврачлар, ҳаттоки агрономлар ва бошқа ет-хашак йиғувчилар шугулланадиган кўнгина ишларни ташкил қилинишидаги ва ўтказилишидаги жиддий хатоларнинг оқибатидир.

1970-1991 йиллар мобайнида вилоят бўйича ўртача ҳар 100 сизир гунажин ва 2 ёшли катта қочардан 72 бузоқ олинган. Бузоқларни кўп олинга хўжаликда мавжуд бўлган бруцеллез инфекцияси ҳам маълум даражада тўсқинлик қилган. 1985-1991 йилларда бу инфекция билан курашга вилоят ветеринария хизматининг кучи ташланди. Бузоқларнинг барчаси штамм 19 вакцинаси билан, кейинчалик—82 штаммдаги вакцина билан вакцинация қилинди. Натижада бу йиллар мобайнида бруцеллез билан касалланган моллар сонин кескин камайди. 1985 йилда олинган бузоқлар сонин 24945 боддан 1991 йилда 28816 бодгача етди.

Кўнгина хўжаликларда олдинги йиллари янги туғилган бузоқларнинг анча қисми нобуд бўларди, бу—8 дан 12 фоизга, ташкил қиларди. Янги туғилган бузоқларни ўлишини камайтиришга қарата шарт-шароитлар барпо этилди. Масалан, 1985-1991 йиллар мобайнида сизирларнинг туғини учун мулкжалланган 42 дона бокелар билан туғруқ бўлимлари қурилди.

Янги туғилган бузоқ икки сутка давомида она ёнида бўлган, кейин профилакторийга ўтказилган.

Вилоятда биринчи марта Шовот туманидаги «Гулiston», Гурлан туманидаги «Амударё» жамоа хўжаликларида, кейинчалик бошқа туманларда ҳам бузоқларни совуқ шароитда тарбиялаш усули жорий этилди, бу усул бузоқларни нобуд бўлишинин минимумга келтирди. Вилоят хўжаликларида бу янги усулларни жорий қилишида, шу йиллари вилоят агросаноат уюшмасининг ветеринария бўлимин бошлиғи бўлиб ишлаган А. А. Журавлёв катта ишлар қилди.

1952-1984 йилларда биринчи марта Хива туманининг барча хўжаликларига қорамол сақлашнинг узлуксиз—цеҳ системасини жорий қилиш бошланди. Бу тадбир сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун махсус цеҳларни ташкил қилишдан бошланди, чунки молнинг шу гуруҳига бунгача озиклантириш ва сақлаш шароити яхши таъмин қилинмаган эди. Олдинги йиллари бўғоз, сутдан чиққан сигирлар соғувчиларга беркитилган гуруҳда сақланарди. Табиийки ем-хашак жуда ҳам етишмаган шароитда сут соғувчи сутни кўпроқ соғиб олиш мақсадида озунани кўпроқ қисмини соғиладиган сигирларга берар эди, бўғоз сутдан чиққан сигирларга ҳар доим озунча етишмасди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, хўжаликларда махсус цеҳлар аввало сутдан чиққан сигирлар учун ташкил қилинди. Бу ерда сигирларга қаровчилар уларни туғишга тайёрлаш учун маош оладиган бўлдилар. Бу масалага етарли эътибор берган хўжаликларда бузоқлар йирикроқ вази билан, бақувватроқ, чидамлироқ бўлиб туғила бошлади. Натижада янги туғилган бузоқларнинг нобуд бўлиши бирмунча камайди.

1992 йилининг 1-январига бўлган маълумотларга қараганда, молларни узлуксиз — цеҳ системаси вилоятнинг 32 хўжалигини да жорий қилинди, уларда 8750 сигир сақланадиган эди.

Бу хўжаликлардаги сигирларнинг ўртача йиллик соғими 2678 килограмм сутга тўғри келган.

Шу даврга келиб олдда она молларни алмаштириш масаласи кўидаланг турди, айниқса сил ва бруцеллез касалликларини аниқланган хўжаликларда. Албатта, наслдор қочарларни фақат бешқа жойлардан келтириш йўли билан касалланган подани тўлдирини имконияти бўлмайди. Масалан, 1985-1991 йиллар ичида вилоятга қарийб 7600 бош наслдор қочарлар, кўпинча Болтиқ бўйи жумҳуриятларидан келтирилди. Булардан 5943 боши сигирлар гуруҳига ўтказилган. Лекин қонқарсиз озиклантириш ҳамда касаллангани натижасида келтирилган наслдор қочарларнинг бир қисми сўйилган, нобуд бўлган, гўшга тоширилган. Кўрсатилган 5 йил ичида фақат 70,5 фоиз келтирилган қочарлар сақланиб қолинди.

1984 — 1991 йиллар давомида вилоят жамоа ва давлат хўжаликларига 87537 бош қочар олинди, шулардан атиги 35890 боши сигирлар гуруҳига ўтказилган.

Юқоридагилардан хулоса шунки, хўжаликнинг ўзида тақрор ишлаб чиқаришни яхшилабгина сигирлар бош сонини кескин кўнатириш мумкин.

Шунинг билан бирга вилоятда 20-25 йил давомида битта ҳам наслдор қочар сотиб олмадан, бузоқларни ўстириш маса-

ласига алоҳида эътибор бериб, хўжаликнинг ички имконияти асосида ўзининг подасини тўлдириб келган хўжаликлар ҳам бор. Булар жумласига Шовот туманидаги Махтумқули номли жамоа хўжалигининг наслчилик фермасини кўрсатиш мумкин. Бу ерда қарийб 30 йил мобайнида Янгибой Маткаримов раҳбарлик қилган. Фермада бошланғич зоотехникавий ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилган, наслчилик ишлари етарли даражада олиб борилаёпти, бузоқларни йўналтирилган тарзда тарбияланиши жорий этилган.

31-32 килограмм тирик вазнда туғилиб бу фермадаги тоғалар 6 ойлигида 140-145 килограммга етадилар, биринчи марта қочирилиш пайти 17-18 ойлигида эса 330-340 килограмм тош босади. Наслчилик фермаси 1985 йилдан бошлаб вилоят хўжаликларига наслдор қочар етказиб бера бошлади. Лекин ҳамма жойда ҳам ишлар бундай эмас. Кўпгина хўжаликларда озۇқнинг ҳаддан ташқари камчилиги бузоқларни йўналтирилган тарзда тарбиялашга имкон бермайди. Кўпгина фермаларда бузоқлар ўртача 25-26 килограмм тирик вазнда туғилади, бу унинг онасининг тирик вазнини 6,3—6,5 фоизини ташкил қилади. Кейинчалик у суткасига 320-340 граммдан кўпаяди ва 6 ойлигида бузоқ 75-87 килограммга етади. Ундан сўнг қочар ҳар куни ўртача 400 грамм тош босиб ўз тирик вазнига қўшиб 18 ойлигида 230-235 килограммга етади. Мана шундай тирик вазнда ва каттароқ ёшда биринчи марта қочғирини ҳоёлари ҳам бўлиб турган, лекин кўпгина хўжаликларда қочарларни 270-280 кг тирик вазнга етганида, яъни 32-34 ойлик ёшда қочирар эдилар. Умуман айтганда, бузоқ тарбиясига кўп хўжаликларда етарли эътибор берилмади, бунинг асосий сабаби ем-хашакнинг тақчил бўлганидадир. Шунинг учун ҳам қочарлар ўз вақтида гунажинлар гуруҳига ўтказилмай, сигирлар гуруҳи етарли сонда тўлдирилмади. Натижада вилоятда йиллар мобайнида сигирлар бош сони кескин ўсмай кезмоқда.

Одатда хўкизчаларнинг кўп қисми хўжаликлараро бўрдоқчилик пунктларига берилар эди, хўжаликда қолганларига эса қочарларга қараганда бирмунча яхшироқ озиқлантириш шароити барпо этиларди. Шунинг учун вилоятнинг сут-товар фермаларида қорамол подасининг тузилиши 1991 йилда қуйидагича бўлган (умумий подага нисбатан %): қочирувчи—буғалар — 0,2, сигирлар—24,6, гунажинлар—2,5, 2 ёшдан катта қочарлар—4, 3, 1 ёшдан 2 ёшгача қочарлар—18,8, шу йилги тосналар—11,2, шу йилги хўкизчалар—11,7, 1 ёшдан 2 ёшгача хўкизчалар—17, 8, 2 ёшдан катта хўкизчалар—

8.9. Агарда умумий мол бош сонидан хўжаликлараёро бўрдоқчилик пунктларида боқилаётган хўкизча ҳисобдан чиқарилса, рақамлар бирмунча бошқачароқ бўлади ва 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган қочарлар яна ҳам кўпроқ фонни ташкил қилади.

Бу рақамлар ҳисоб китобининг етарли эҳсонидан далolat беради, бу, аввало, шунинг билан боғлиқки—чорвадорлардан сизирлар, улардан олинган бузоқлар сонларини сўрар эдилар, лекин уларнинг ўсиши ва ривожланиши раҳбарларни қизиқтирмас эди. Рақонлар тақчиллигидан бузоқлар нимжон бўлиб ўсганлар, ўз вақтида катта гуруҳга ўтказилмаган ва шунинг учун 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган гуруҳда улар бошланғич ҳисоб-китобни чалкаштириб тўхтаб қолганлар. Шундай қилиб сизирлар сони йиллар давомида ўзгармасдан қолган.

1990 йил 1 январдан бошлаб жумҳурийят бўйича ҳар бир фураж (см-хашак ёйдиган), сизирдан соғиб олинган сут миқдорини аниқлашнинг янги шартлари қабул қилинди. Бунда соғиб олинган сут миқдори йил босида бўлган сизир сонига бўлинадиган бўлди. Олдин см-хашак ёйдиган сизирлар сони ҳар ойда аниқланар эди, шунинг учун хўжаликлар соғини даражасини сақлаб қолиш мақсадида сунъий равишда сизирлар сонини камига кўра кўрсатишар, бошқача қилиб айтганда, улар сизирлар бош сонини қўвайтиришдан манфаатдор бўлмаганлар.

Эндилкида ҳисоб-китобдан катта гуруҳдаги қочарларни иширишига ҳожат қолмади, хўжаликларга тўлиқ мустақиллик берилган шароитда эса хўжалиқнинг ўзи бузоқларни нормал ўсиши ва ривожланишидан, уларда режалаштирилган суткалик қўшимча вази олишидан манфаатдордир.

Қайд қилиш керакли, 1975-1976 йиллардаёқ вилоятда биринчи марта Хива, Бобот, Шовот ва Хсика туманларида ремонт учун қочарлар ўстирадиган, ремонтдан энди бузоқларни соғиб ўстириши ва бўрдоқига боқини билан шугулланувчи ихтисослашган хўжаликлар ишлай бошлади. Лекин бу тадбир тўғри ташкил қилинган бўлсада, бунинг учун маълум қондаларга риоя қилиниши керек эди. Масалан, қочар етказиб берувчи хўжалиққа мутлақо соғлом бузоқ юборилиши лозим эди. Агарда хўжаликларда юқумли касалликлар билан касалланган сизирлар бўлиб, улардан ҳам касал бузоқ турилган бўлса, қочар етказувчи хўжалиқ, аксинча касал бузоқни тарқатувчи хўжалиққа айланадиган бўлди. Худди шундай вазият деярли ҳамма қочар етказувчи хўжаликларда рўй берди, шунинг учун ҳам улар тез вақтда ўз фаолиятини тўхтатдилар.

1985-1990 йилларда вилоят хўжаликларида бузоқ тарбиясига эътибор бирмунча яхшиланди.

Юқорида айтилганидек, шу йилларда кўп сонда бруцеллёз ва сил билан касалланган кўпгина мол борлиги аниқланди, уларни ўз вақтида гўштга топиришига тўғри келди. Лекин, бузоқлар тарбияси олдингидек қолаверса, табиийки, сигирлар бош сонини ҳеч қандай ўсиши бўлмас эди. Маълумотларнинг кўрсатишича, 1985-1991 йиллар мобайнида сигирлар сони ҳар йили оз бўлсада кўпая борган. Масалан, 1985 йили 29,5 минг бош сигир бўлган бўлса, 1991 йили уларнинг сони 30 минг бош эди.

Шу билан бирга жамоат чорвачилигининг заиф сн-хашак саваси тўлиқ мисрда чорвачиликни, биринчи навбатда қорамолчиликни ривожлантиришига имкон бермади.

Ўша йиллардаги аҳвол таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятнинг деярли ҳамма хўжаликлари гўшт етказишдан зарар кўрганлар. Масалан, 1988 йилда давлатга гўшт сотишдан вилоят жамоа ва давлат хўжаликларининг зарари 1577 минг сўми, 1989 йили—1207 минг сўми, 1990 йили—1261 минг сўми ташкил қилган. Қорамолнинг 1 центнер қўшимча олинган вазнига 1989 йили—2140, 1990 йили—2069 озуға бирлиги сарфланган.

Қорамолнинг бир центнер гўштининг тирик вазиде таннархи режадаги 256,4 сўм ўрнига 365,3 сўм, чўчқа гўшти тегишича 216,5 ва 362,2 сўми, парранда гўшти 193,2 ва 356,2 сўмини ташкил қилган, (1990 йилдаги баҳолар). Буларнинг ҳаммаси сн-хашак ва бошқа турдаги сарфлар таннархи юда баланд бўлганлигидан вужудга келган. Арзон давлат сн-лари—пахта шелухаси, (1 тонна шелуханинг баҳсси 1990 йилгача 2 сўм, шротиники—60-70 сўм эди) жамоа ва давлат хўжаликларига ажратилмади.

Мантиқда эид, лекин ҳуқудни ҳаддан ташқари марказлаштириши сабабли ўша йилларда маҳсулотни ўз ҳошишича давлат хўжайинчилиги қилишига ҳуқуқли эди. Масалан, Урганч сн-мой комбинати 1990 йили вилоят жамоа ва давлат хўжаликлари дeласида ўстирилган пахтадан олинган пахта чигитидан 100,0 минг тонна шрот ишлаб чиқди, шундан фақат 34,2 минг тонна сн яъни 34,2 фоизи вилоят чорвачилиги эҳтиёжи учун қолдирилди, 39,0 фоизи эса—собик СССРнинг бошқа регионларига—Белозик бўйи жумҳурияларига, Белоруссия, Молдовага хў-

натилди. Ишлаб чиқилган 54,7 миң тонна шелухадан вилоятга 22,1 тоннаси қолдирилди, бошқаси эса жумҳуриятнинг гидролиз заводларига, бошқа вилоятларнинг бўрдоқчилик, қорақўлчилик ва бошқа хўжаликларига юборилди. Қолдирилган шрот ва шелуханинг деярли ҳаммаси вилоятнинг бўрдоқчилик корхоналарига берилди, шунинг учун ҳам ихтисослашган хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналар фойдали ишладилар.

Шунинг билан бирга бу корхоналарнинг қувватидан тўла фойдаланилмади, кўп мол жойи бўш турди. Хўжаликлар томонидан бериладиган ёш молларнинг 1 кг тирик вазни паст баҳода бўлганлиги сабабли, жамоа ва давлат хўжаликлари хўжаликлараро корхоналарга тўла қимматли ёш мол беришдан манфаатдор эмас эдилар. Иккинчидан, гўшт тайёрлаш режалари жамоа ва давлат хўжаликларига етказилмайдиган эди, хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналари эса—ўзининг заиф етказиб бериш базаси туфайли кам қўшимча вазн олардилар, улар гўшт тошпириш бўйича режага эга эмас эдилар. Бу номувофиқлик ўзгартирилди ва 1991 йилнинг 1 январидан хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарига ҳам гўшт тайёрлаш режаси етказилмайдиган бўлди ва улар ҳам ихтисодий эркинликка эга бўлдилар.

Бундан ташқари, берилмайдиган ёш молларнинг харид нархлари ўзгарди.

Масалан, эндиликда 15-20 кунлик ёш молнинг 1 кг тирик вазнига 28-40 кг тирик вазнида бўлса—8 сўм 05 тийин (олдин 3,0-3,5 сўм), 6 ойлик бузоқнинг 1 кг тирик вазнига 81-125 кг тирик вазнида 5 сўм 59 тийин (олдин 1,6-2,0 сўм), тўланадиган бўлди (ёш бузоқларнинг келтирилган тирик вазни жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 5 сентябрь фармойишидан олинган). 1992 йилнинг бошларида ўзгарган харид нархлари эълон қилинганидан сўнг, бузоқнинг ҳар бир килограмм тирик вазнига 15 сўм 30 тийин, шу йилнинг 1 апрелидан сўнг гўшт нархи 2 марта ошди, бузоқларни бўрдоқчилик базаларига сотиш ҳам 2 марта ошди—30 сўм 60 тийинга тенг бўлди.

Бундай вазиятда жамоа ва давлат хўжаликлари хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарига гўштбоп бузоқни беришга, ўзларида эса фақат сигир, ғунажин ва қочарларни сақлашга манфаатдор бўлдилар. Бундан ташқари, 16 январь 1992 йилдан бошлаб сутнинг харид нархлари анча ошди, шунинг учун ҳам сигирлар бош сонини, сут ишлаб чиқаришнинг кўпай-

тириш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлди. Вилоят туманлари орасида Урганч тумани чорвадорлари биринчи бўлиб хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасига 15-20 кунлик бузоқларни бергани бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг суткалик қўшимча вази 1989 йилдаги 298 граммдан 1990 йилда 399 граммга етди. Шунга ўхшаш тадбир Хонқа ва Гурлан туманларида ҳам ўтказилди.

Шунинг билан бирга 1989-1990 йилларда вилоят хўжаликларарида ҳар хил сабабларни рўқач қилиб чўчқачилик ва парранда фермаларини тугатишга қўл урдилар. Масалан, вилоят жамоа ва давлат хўжаликларида чўчқалар сони 17,3 миңг бондан 1990 йили 17,0 миңг бошгача камайди. Хонқа, Гурлан, Янгибозор туманлари хўжаликларида умуман чўчқачилик йўқотилди. Шунга ўхшаш вазият паррандачилик фермалари бўйича ҳам юз берди, 1989 йилга нисбатан 1991 йилда парранда фермалари сони 115 дан 87 гача камайди.

Нимага бундай бўлди? Гап шундаки, кичик парранда, чўчқа фермалари ҳамма вақт ҳам зарарли бўлган ва эидаликда янги хўжалик шароитида уларни ҳеч ким ҳам сақламас эди. Шунинг билан бирга 1990 йилда Ҳазорасп туманида чўчқачилик комплекси, Хива туманида эса—тухум етказадиган Хива паррандачилик фабрикаси ишга тушди. Шу сабабли вилоят хўжаликларидан давлатга тухум сотишни режалаштирмаса ҳам бўлар эди, чунки Урганч ва Хива парранда фабрикалари тўлиқ қувват билан ишлаганида вилоятда тухумга бўлган эҳтиёжни тўла таъмин қилардилар. Лекин 1990 йил ноябрь ойидан бошлаб, ҳукумат тоширини билан ҳар куни 100 миңдан зиёд тухум Тошкент шаҳрига юборила бошланди. Натижада тухумнинг бозор нархи кўтарилди, бундай вазиятда паррандачилик фабрикалари аҳолини бу қимматли маҳсулотга бўлган эҳтиёжни таъминлай олмадилар.

Кўнгиша хўжаликларда парранда фермаларини йўқотишга иришиганидан сўнг, болалар боқчалари, касалхоналар ва бошқа корхоналарни тухум билан таъминлаш масалалари қийинлашди. Буларнинг ҳаммаси 1991 йили жамоа ва давлат хўжаликларини парранда фермаларини янгидан тикланга мажбур қилди, тухумнинг бир қисмини давлат буюртмаси ҳисобига тоширини зарурати туғилди.

Сигирлардан хўжаликда фойдаланиш давомийлиги—подави такрор ишлаб чиқиш системасидаги муҳим масалалардан бирidir. Иқтисодий ва наслчилик жиҳатдан хўжаликларда сигирларни узоқроқ муддат сақлаш фойдали. Бу тўғрида қатор муаллифларнинг адабий маълумотлари тасдиқлайди (А. П. Мар-

қўши, 1964, Л. К. Эрнст, 1968, С. И. Грядов ва бошқалар, 1982).

Биз бу масалани Хива тумани хўжаликларида ўргандик. Ҳаммаси бўлиб 2053 бош сизир ҳисобга олинди, улардан 5 ва ундан ҳам камроқ туққанлари 1238 бош ёки 60 %, 6 марта туққанлар 327 ёки 17 %, 7 марта — 232 ёки 11,2 %, 8 марта — 134 ёки 6,5 %, 9 марта—74 ёки 3,6 %, 10 ва ундан ҳам кўп—58 бош яъни 2,7 фоиз. Энг юқори маҳсулдорлик ўртача 4323 кг сут 5 ва 6-соғим даврида олинди, бу кўпгина муаллифларнинг қизил зотли моллар энг юқори маҳсулдорликка 6-соғим даврида эришадилар деган маълумотларини тасдиқлайди. 10 ва ундан ҳам кўп туққан сизирлардан умрбод соғим даврида ўртача 25,7 тонна сут соғиб олинган, ўзгарини 17 тоннадан 38 тоннагача.

Хўжалиқнинг ўзидаги такрор ишлаб чиқариш—ёш молларни йўналтирилган ўстириш рационларининг маълум даражада камчилиги билан тўхталиб турса, қачон хўжаликларда қочарлар ўз вақтида қочирилмай, сизир гуруҳига ўтказилмаса, қачон сизирларни сарф қилиниши уларни кирими билан тўлдирилмаса, натижада сизир сони кескин кўпаймадиган шароитларда хўжаликларда яхши сизирлардан иложи борича узоқ муддатлар фойдаланишга интиладилар.

Қарри сизирларнинг подадаги юқори фоизи пода ремонти учун кетадиган сарфларни камайишни таъминлайди, ремонт қочарларга бўлган талабни камайтиради. Ем-хашак базасидаги етишмовчиликларни муайян даражада юмшатади. Демак, чорвачилик фермаларида сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг соғим сизирлардан фойдаланиш муддатини узайтириб кўпайтириш мумкин экан.

Бунда яроқсиз деб топилган асосий мезон сизирларни ёш ва уларнинг маҳсулдорлигини тасдиқий насайиши эмас, балки яқуиланган соғим давларининг умумий баҳоланиши бўлмоғи лозим. Агарда сизирни бола бериш ва подадаги ўртача даражадан юқори маҳсулдорлигига эга бўлиш қобилияти бўлса, унинг қандай ёшда бўлишидан қатъий назар подада қолдирмоқ керак.

ХОРАЗМДА УРЧИТИЛАЕТГАН ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

Хоразм вилоятида районлаштирилган қорамолнинг сут йўналишидаги қизил чўл зоти урчитилади. Шу билан бирга Болтиқ бўйи қизил зотлари—латвия қўнғир, қизил эстония, қизил лятва зотли моллар ҳам боқилади.

Кейинги йилларда вилоятга англел ва қизил дания зотли

қочирувчи буқаларнинг уруги ҳам келтирилди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Хоразм вилоятида келиб чиқиши бўйича бир мил. асосида англер (ангельн) ва қизил дания зотларининг қони бўлган қизил зот моллар урчитилмоқда. Бу зотларнинг ҳаммаси сүт йўналишдадир. Улардан ташқари бу ерда ўз вақтида қора—ола, симментал, бушув, қизил горбатов зотларини ва карпат—қўнғир молларини урчитганлар. (31-жадвал).

ХОРАЗМ ВИЛЛОЯТИНИНГ ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХАЖАЛИКЛАРИДАГИ ЗОТЛИ
ҚОРАМОЛНИНГ УМУМИЙ СОНИ (1990 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГА БУЛГАН
МАЪЛУМОТЛАР).

Зотлар	қочқрувчи буқалар		сигирлар		2 ёшдан катта қочарлар			1985 йилнинг 1 январига бўлган		
	жаъми	шу жум- ладан соф зот- лилар	жаъми	ш. ж. соф зот- лилар	жаъми	ш. ж. соф зот- лилар	жаъми	ш. ж. соф зот- лилар	жаъми	ш. ж. соф зот- лилар
Қизил чўл	191	140	20118	11250	4311	2213	60107	30768	59921	32108
Қизил Литва	2	2	788	533	190	148	2386	1514	2238	1880
Қизил Эстония	22	14	1487	1251	372	322	3603	2864	9955	5010
Латвия кўнгир	9	6	1382	968	272	263	3074	2218	5853	4463
Қора-ола	2	2	354	205	82	36	942	366	1308	1246
Англэр	6	6	558	30	165	56	2276	92	2	2
Карнат кўнгир	—	—	30	30	4	4	110	110	964	863
Қизил горбатов	—	—	28	9	9	—	41	3	10	10
Қозоқи оқбош	441	102	3563	—	—	—	—	—	266	125
Литва қора-оласи	—	—	37	37	—	—	66	66	125	125
Эстония қора-оласи	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Симментал	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Қозоқи оқбош	441	102	3563	—	—	—	—	—	68	68
Сағна Гертуда	—	—	—	—	353	—	9176	102	4373	250
	—	—	—	—	157	—	625	—	45	15

ҚИЗИЛ ЧЎЛ ЗОТИ

Собиқ СССРда кенг тарқалган мол зотларидан бири—қизил чўл зоти—Ўзбекистоннинг маҳаллий зебусимон, кам маҳсул молини яхшиловчи зот деб қабул қилинган. У Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон жумҳуриятининг суғорма қисмида урчитилиб, Ўзбекистон жумҳуриятининг зотли молини анчасини ташкил қилади (22 % га яқин).

Хоразм вилоятида, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасининг чорвачилик бўлимининг маълумотларига кўра, 1967 йилнинг 31 июлида ҳаммаси бўлиб 1836 бош қизил чўл моли бўлган (соф зотли молининг 61,6 %), маҳаллий мол билан унинг ҳар хил поғонада бўлган дурағайлари—32051 бош (66,2 %).

1990 йил 1 январга бўлган зотли моллар ҳисоби маълумотларига кўра, вилоятда жами 30768 бош қизил чўл зотига мансуб соф мол, ҳар хил поғонадаги унинг дурағайлари 29239 бош бўлган, бу умумий зотли молнинг 72,8 % ини ташкил қилади.

Қизил чўл зотли моллар Ўзбекистонда 1928 йилда пайдо бўлган деб ҳисобланади. У кўпинча Азов—Қора денгизлари ўлкасидаги жамоа хўжаликларидан келтирилган. Шу йиллари уни урчитиш билан Мирзачўл туманидаги «Улкан—Салик» давлат хўжалиги, Оҳангарон тумани гўшт етиштириш давлат хўжалиги ва Самарқанд вилоятидаги Абалин тажриба станциясининг хўжалиги жамоалари шугулланганлар.

С. Г. Давидов кузатишлари асосида 1929 йилданок Ўзбекистонда кенг миқёсда қизил чўл зотини урчитиш тавсия қилинган. 180

Кам маҳсул маҳаллий мол наслини оммавий равишда яхшилаш учун 1936-1937 йиллардан бошлаб Ўзбекистонга бу зотли молларни режали келтириш бошланди. Уша йилларнинг ўзида Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятига 800 бошдан зиёд қизил чўл зотига мансуб буқалар келтирилди.

1939-1940 йилларда Ўзбекистонда 2 та наслчилик давлат хўжалиги — «Самарқанд» № 1 ва «Оқдарё» № 2 ташкил қилинди улар қизил чўл зотли моллар билан таъмин этилди. 1939 йилда Ўзбекистонга Украинанинг қизил чўл молини урчитадиган асосий туманларидан 450 қочар ва гунажин, 100 ситир ва 9 қочирувчи—буқа келтирилган эди (қочирувчи—буқа-

180. С. Г. Давидов. Ўзбекистоннинг маҳаллий молини яхшилаш масалалари. «Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун» ж-ли, № 2; 1929.

лар ва тахминан 70 % она моллар—соф зотли, қолган моллар—II ва III поғонадаги дурагайлар). Уларнинг деярлик ҳаммаси 2 наслчилик давлат хўжаликлари—«Самарқанд» № 1 ва «Оқдарё» № 2 га келтирилди.

Т. Ф. Тавилдарова келтирилган 12 ойлик ёшида қочарларнинг тирик вази 204 дан 343 килограмм (ўртача 233,5 кг), 24 ойлик ёшида—275 дан 450 килограммгача (ўртача 319,4 кг) бўлган деган маълумотларни келтиради.¹⁸¹

1941 йилда «Самарқанд» № 1 ва «Оқдарё» № 2 наслчилик давлат хўжаликларининг 236 бош биринчи марта туққан сигирлари соғим даврида 2509 кг сут, 20 бош иккинчи марта туққан сигирлар—3161 кг ва 91 бош, вояга етган келтирилган сигирлар 3700 кг, ёғлилиги 3,4—3,5 фонз сут берганлар.¹⁸²

1939 йили келтирилган молдан 4 бош сигир ва битта қочар Ильяч номидаги 8-наслчилик давлат хўжалигига берилади. Кейинчалик улар бруцеллез касаллигига мусфат таъсирланмиш берди ва Самарқанд вилоятидаги Охунбобоев номи (олдинги Абалин тажриба станцияси), бруцеллез хўжалигига ўтказилди.¹⁸³

1938 йил ташкил қилинган Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги Ильяч номидаги наслчилик давлат хўжалиги 1954 йилдан бошлаб қизил чўл зотли молларни урчиштиришга тўлиқ ўтди ва 80 йилларининг бошларигача уни такомиллаштириш билан шугулланди.

Н. О. Мавлонов ва Н. И. Бисеровалар билан биргаликда ушбу сатрлар муаллифи томонидан 1964 йилда Ильяч номидаги наслчилик давлат хўжалигида қизил чўл зоти билан селекция—наслчилик ишнинг режаси тузилди. Наслчилик давлат хўжалиги подасида соф зотли қизил чўл моли 97,8 фонзни, шу жумладан сигирлар—85,3 фонзни ташкил қилди. Сифатли баҳолаш тақвимланганида кўп сигирлар, ғунакинлар ва қочарлар элита бўлганлар (561 беш яъни 62,5 %). Наслчилик хўжалиги подасини тирик вази бўйича тасвирлангани шунини кўрсатдики, улар ўртача 494 килограмм тош босган, биринчи мар-

¹⁸¹ Т. Ф. Тавилдарова, Ўрта Осиё жумҳуриятларида қорамолини урчиғини, докторлик диссертациясининг автореферати, Олма-ота, 1952.

¹⁸² Н. О. Мавлонов, Ўзбекистон қорамолчилиги, Тошкент, 1966.

¹⁸³ Л. И. Кирина, № 1 наслчилик давлат хўжалигида қизил чўл зоти ўтказиладиган наслчилик ишнинг режаси, қўлёзма, 1940.

та туққан сигирлар 460 кг, иккинчи марта туққанлари — 493, весга етганлари — 528 кг га тенг бўлган.

Х. И. Классен маълумотларига кўра, қизил чўл моллининг Ватаидаги наслчилик фермаларида ҳар бир сигирдан ўртача 1:500 кг 3,78 % ёғлиликка эга сут оладилар.¹⁸¹

Ильич номидаги давлат наслчилик хўжалигининг подасидаги кўпчилик сигирлар 1964-1965 йилларда соғим даврида 2501-4500 кг сут берганлар, унинг ёғлилиги 3,6—3,9 % бўлган. Подада сутни ёғли, юқори маҳсулдорликка эга бўлган сигирлар ўстирилган. Масалан, «Проза» лақабли № 578 сонли сигир 7-соғим даврида 6500 кг, 3,85 %, «Находка» лақабли 140-сонли сигир 5-соғим даврида 7305 кг, 3,83 % ёғлиликда сут берди.

Шу йилларда наслчилик хўжалиги бўйича ҳар бир озиқ-лантириладиган сигирдан ўртача 3250-3400 кг сут соғилар эди. Шу вақтда хўжаликнинг бош зоотехниги бўлиб жумҳурият чорвачилигининг фахрийси, акайиб мутахассис, наслчилик ишнинг билимдони Мария Григорьевна Елизарова ишлаган.

Лекин 1980 йилларнинг бошларида Ильич номидаги наслчилик давлат хўжалиги чўчқачилик хўжалигига ўзгартирилди. Бундай ҳолат юқори фирқа раҳбарининг чорвачиликка тўғри қўйишмай аралашувидан юзага келди. Бунинг оқибатида жумҳуриятда қизил чўл зотига мансуб бўлган молларни урчишиб, тивомиллаштириш ишлари билан шуғулланувчи ягона наслчилик хўжалиги йўқотилди, жумҳуриятда бугун бундай бошқа хўжалик йўқ, бу зот билан ишловчи илмий раҳбарий марказ ҳам мавжуд эмас. Жумҳурият қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг бу масала бўйича принципиал фикри бўлмаган керак. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳам бу зот муаммолари билан яқиндан шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Архив ва адабий манбаларни синчиқлаб ўрганиш, «Оқ мачит» қишлоғининг кекса кишиларининг эслашлари бизга шунини аниқлашга имкон бердики, қизил чўл зотли моллар Ўзбекистонда 1983 йил, Хоразм вилоятида 1884 йилда биринчи марта пайдо бўлган. Бу ерга уларни Волга бўйидан немис—меннончилар келтирганлар, улар 1884 йилдан 1935 йилгача «Оқ мачит» қишлоғида (ҳозир Янгиариқ туманидаги «Оқ мачит» жамоа хўжалигининг ҳудуди), колония бўлиб яшаганлар, 1928 йилдан бошлаб бугунгача жумҳуриятга, вилоятга зот режалари

¹⁸¹ Х. И. Классен. Қизил чўл мол. «Колос» нашриёти, М., 1966.

бўлганлиги туфайли унга мансуб молларни режали келтириш амалга оширилмоқда.

Хоразмда урчишлаётган давр ичида қизил чўл моли маҳаллий зебусимон молини маҳсулдорлик сифатларини яхшилашга ва зотсиз молини зотлига ўзгартиришда катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда вилоятда зотли мол 93 фонддан зиёдроқдир.

Юқорида айтилганидек, 1937 йили Шовот ва Мангит (ҳозир Қорақалпоғистон жумҳурияти худуди), туманларига қизил немис зотига (1940 йилгача қизил чўл зоти шундай деб аталарди), мансуб буқаларнинг 161 боши келтирилган эди. Буқачалар Крим АССР, Одесса, Днепронетровск вилоятларидан келтирилган. Бу буқачаларнинг наслик гувоҳномаларини умумийлаштириш уларнинг оналари 300 кунлик соғим давр ичида ёшлилиги 3,71 % бўлган 2259 кг сүт, оталарининг оналаридаги соғим ёшлилиги 3,7 % бўлган 3125 кг сүт берганлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда вилоятга қизил чўл зотли молларнинг анчаси келтирилди. Масалан, 1966-1971 йилларда 2533 бош наслдор мол келтирилган, улардан 1972 йилнинг 1 июлига 1920 боши қолган яъни сақлангани 77 фонд, 6 йилда 573 боши исбўд бўлган, улардан 94-қон - паразитар касалликлардан, 183 боши сўйилган, 306-гўшга топширилган. Улардан 3769 бош бузоқ олинган, 2954 боши—сақланган, сақланиши—78 %.

60-йилларда молларни суткалик озиқлантириш рақибони баҳорги — ёзги даврда ўртача 7,5, кузги-қишқи даврда—8,3 озуқа бирлигига тенг бўлган.

Зотли молини етарли озиқлантирмаслик ва нотўғри сақлаш ислодан унумли фойдаланишнинг бошқа нуқсонлари билан қўтирилиб маҳсулдорлигини махсус даражада юзага чиқаришга имкон бермади.

1969-1970 йиллардаги бонитировка маълумотларига кўра қизил чўл соғ зотли сиғирларнинг соғими ҳамма туғилишлар бўйича соғим даврида 2407 килограмми ташкил қилган. 100 кг тирик вазига сутнинг чиқими 573 килограммга тенг бўлган (соғ зотли сиғирни тирик вазни 420 кг). Айрим сиғирлар соғим давр давомида 3500-4000 килограмм сүт берадилар.

ХОРАЗМ ВИДОЯТИНИНГ СУТ-ТОВАР ФЕРМАЛАРИ ШАРОНТИДА ҚИЗИЛ ЧУЛ ЗОТИГА
 МАНСУБ СИГИРЛАРИНИҲ МАҲСУЛДОРЛИГИ (ЎРТАЧА СОФ ЗОТЛИ ВА
 ДУРАҒАН МОЛЛАР МАЪЛУМОТЛАР 1969-1970 ЙИЛЛАР БУЙИЧА).

Хўжалик	Йиллар	Сигирларнинг ёши, туғиш сониди						пода бўйи- ча ўртача соғим	
		I-туғиш		II-туғиш		III-туғиш		бош сонни	Соғим кг
		бош сонни	соғим, кг	бош сонни	соғим, кг	бош сонни	соғим, кг		
Қўшқўнор ту- мандаги О. Яку- мановнинг ном- ли жамоа хўжалиги	1969 1970	93 21	1813 1801	75 29	1825 1825	13 145	1872 1875	181 195	1840 1834
Шоғот тумани- даги О. Хиди- ров номли жамоа хўжалиги	1969 1970	60 15	1475 1722	14 15	1766 1964	3 61	1910 2105	77 91	1717 1930
Урганч тумани- даги С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги	1969 1970	49 28	1766 1924	14 52	1838 2136	23 50	1910 2369	86 130	1838 2142
Вилоят бўйича ўртача	1969 1970	215 153	1654 1725	165 143	1795 1837	410 467	1852 2092	791 763	1767 1885

32-жадвал маълумотлари кўрсатадики, қизил чўл зотли биринчи марта туққан сигирлар вояга етган—3-ва ундан ҳам кўп туққан сигирларнинг — сут маҳсулдорлигини 82,4 % ни, иккинчи марта туққанлар 87,8 % ни ташкил қилганлар. 1969-1970 йиллар бўйича келтирилган маълумотлар 1989-1990 йиллардаги соғимга қараганда унчалик кўп бўлмагандек кўринади, лекин вилоят бўйича шу йиллардаги ҳар бир боқиладиган сигирга бўлган соғим анча кам эди: (1969 йил—1150 кг, 1970 йил—1240 кг). Шу маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, сут-товар фермалар шароитида қизил чўл зотли сигирлар дуруст маҳсулдорликка эга бўлганлар (Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги, 1970 йил—2147 кг).

Вилоятда бу пайтда анча дурағай мол бор эди. Ўтказилган текширишлар Хива туманидаги Р. Мадамшинов номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси шароитида маҳаллий зебуси-мон молни қизил чўл зоти билан чатиштиришдан олинган II-III поғонадаги дурағай сигирларидан соғим давр давомида $2,93 \pm 0,35$ % ни юқсри ёғлиликдаги 1506—53,4 кг сут соғиб олинган. Зотлиликни ҳисобга олган ҳолда сут ёғлигининг кўрсаткичлари таҳлил қилинганда қуйидаги аҳволни берди: соф зотли сигирлар ва IV поғонадаги моллар соғим давр бўйича ўртача 3,75 % ёғлиликка эга эди, III поғонадаги моллар 3,95 % II поғонадагилар — 4,01 ва I поғонадагилар—4,05 %, соф зотли ва дурағай қизил чўл мол сўтининг ёғлилиги 3,87 % га тенг эди.

Сигирларнинг бузоқ туғиш қобилияти нормал озичқили-риш ва асраш шароитида қониқарлидир.

Масалаи, Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермасида ҳар йили 100 сигирдан 90 дан зиёдроқ бузоқ олинди. Вақт ўтиши билан молларни боқиш ва сақлаш шароитлари, наслчилик ишлари қўйилгани, бузоқни ўстириш вилоят бўйича анча яхшиланди, натижада сигирларни маҳсулдорлиги ўсди.

1990 йили вилоят бўйича ҳар бир боқиладиган сигирдан 2352 кг сут соғиб олинди (1970 йил 1130 кг, 1980 йил 2264 кг).

Умуман айтганда 60-70-йиллари қизил чўл зотли ва мол-нинг бешқа зотлари билан ўтказилган наслчилик ишлари унча-лик яхши эмас эди. Жамоа ва давлат хўжалиқларининг сут-товар фермаларида бошланғич зоотехникавий ҳисоб китоб иш-лари суст қўйилган, молларни танлаш ва сарфлаш тартиби ҳар доим ҳам ҳисобга олинмасди, ваҳоланки шу йилларда Хоразм давлат наслчилик станцияси қизил чўл зотидаги маъ-

дум генеологик гуруҳларга мансуб Бенц—Удалой 463—Н, Премьер 357—Н, Злодей 459—Н, Апаш ва бошқалар элита—рекорд ва элита сифдаги соф зотли қочирувчи—буқаларга эга эди.

Шу даврда хўжаликларнинг деярлик ҳамма сут-товар фермаларида сунъий қочириш пунктлари бор эди, уларга ҳафта-нинг белгиланган кунинда Давлат наслчилик станциясидан уруғ етказиб бериларди. (ҳозирги вақтда давлат наслчилик станциясида қочирувчи—буқалар сақланмайди, уруғ график бўйича Марказий Жумҳурият давлат наслчилик станциясидан келтирилади). Лекин кўпгина подаларда келиб чиқishi маълум бўлмаган буқалар эркин қочиришга юборилади, улардан олинган Сузоқлар дурагай деб ёзилади. Шунинг учун ҳам вилоятда қизил чўл ва бешқа молларнинг соф зотлилари анча кам, шу билан бирга қизил чўл, латвия қўнғир, қизил эстония ва бошқа зотларнинг ўзаро чақиштиришдан олинган дурагай мол кўпдир. Қочириш натижалари етарли ҳисоб-китоб қилинмайди. Ҳозиргача давлат наслчилик станциясининг биронта қочирувчи—буқаси ҳам авлодининг сифати бўйича баҳоланмаган.

Қайд қилиш керакки, кейинги йилларда вилоятда наслдор қочарлар билан бирга шубҳали наслдор буқалар ҳам келтирилган эди. Айни пайтда булар сунъий қочиришни 100 % жорий этишга тўққонлик қилиб, кўпгина поданинг касалланиш манбаи бўлар эдилар. Уларни келтириш кам миқдорда бўлсада ҳозир ҳам давом қилмоқда.

Вақт ўтиши билан вилоятда молларни озиқлантириш ва асраш шароитлари, наслчилик ёшининг қўйилиши, бузоқ ўстириши анча яхшиланди, натижада қизил чўл зотли молларнинг маҳсулдорлиги бирмунча ошди ва уни соф зотли мол сифатида урчишиб ўзига такрор ишлаб чиқариш учун керакли шароитлар барпо этилди. Қатор хўжаликлар, масалан, Шовот туманидаги Махтумқули номли, Гурлач туманидаги «Намуна», «Вазир», Янгиариқдаги «Хоразм», Хонқадаги Охунбсбоев номли жамоа, ал-Хоразмий номли давлат хўжаликларининг сутчилик фермалари наслчилик, Ҳазораси туманидаги «Эркин» «Дўстлик», Хонқадаги «Олтин соҳил», Қўшқўширдаги О. Қурбонов номли, Хивадаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг фермалари наслчилик фермаларга номвод деб топилган. Ҳозирги пайтда ҳар йили бу хўжаликлардан 600-650 бош вилоят шароитида ўстирилган ва унга яхши мослашган наслдор қочарлар тайёрланмоқда.

Шовот туманидаги Махтумқули номли жамоа хўжалиги-

нинг фермаси виллоятнинг энг яхши наслчилик фермаси ҳисобланади. Бу фермада ҳар бир боқилган сигирдан 3300-3500 кг сут соғиб олинади, бу ердан бешқа хўжаликларга ҳар йили 100 бошдан зиёд наслдор қочар сотилади. Поданинг наслчилик ядросида 249 бош сигир бор, улардан 202 боши қизил чўл зотига мансуб моллардир. Ушбу хўжалиkning подасидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ўргандик.

33 жадвал

ЗОТЛИЛИКГА ҚАРАБ ҚИЗИЛ ЧЎЛ ЗОТИГА МАНСУБ СИГИРЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ (ШОВОТ ТУМАНИДАГИ МАХТУМҚУЛИ НОМЛИ ЖАМОА ХУЖАЛИГИНИНГ НАСЛЧИЛИК ФЕРМАСИ)

Сигирларнинг зотлилиги	моллар сони	соғим даврининг 300 кунлик сути, кг	ўзгарини	ўр %	ўзгарини
соғ зотлилар	189	3122	2308—4009	3,85	3,81—3,9
IV поғонадагилар	7	3553	3184—4436	3,84	3,82—3,89
III поғонадагилар	5	3353	2553—5049	3,88	3,82—3,96
II поғонадагилар	1	3340	—	3,83	—
ўртача	202	3143	2308—4436	3,85	3,81—3,96

Жадвалдан кўришиб турибдики Хоразм шаронтида қизил чўл зотли моллар юқори сут маҳсулдорлигига эгадирлар. ўртача соғим даврида бўлган уларнинг сути 3,85 % ёғлиликдаги 3143 килограммини ташкил қилади. Шовот туманидаги Махтумқули номли жамоа хўжалиги наслчилик фермасидаги энг сермаҳсул 812-сонли, IV поғонадаги сигир, 8-соғим даврида ёғлилиги 3,82 % бўлган 4436 кг сут берди. Қайд қилиш керакки, ҳали 1981 йилда Қ Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида қизил чўл зотига мансуб «Мая» лақабли, 6128-сонли сигир 9-соғим даврида 3,95 % ёғликда 5500 кг сут берган эди.

Махтумқули номли жамоа хўжалиги фермасида бузоқ тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Биринчи марта қочарларни 17-18 ойлигида, 320-330 кг тирик вазнига етганида қочарилар. Фермада сигирларни айниқса биринчи марта туққанла-

тини сутлик қобилиятини юзага чиқаришга қаратилган тадбирларни қўллайдилар. Шунинг учун ҳам улар юқори маҳсулдорликка эга. Қузатишлар шунини кўрсатдики, қизил чўл зотга мансуб сиғирлар энг юқори маҳсулдорликка 6-соғим даврида эришар эканлар.

Қизил чўл зотли сиғирлар келтирилганларидан бери шу зотга мансуб қочирувчи—буқалар уруғлари билан қочирилиб келди. Лекин кейинги ўн йилликда қизил чўл, латвия қўнғир, қизил эстония, қизил дания, англелар (ангелли) зотларининг келиб чиқиши бир хиллигини ҳисобга олиб, улар умумий «қизил зотлар» деб номланадиган бўлди. Бундан кейин қизил чўл зотини тақомиллаштириш мақсадида сиғирлар англелар қочирувчи—буқалар уруғи билан қочириладиган бўлди. Бундай биринчидан олинган моллар биринчи туғилгиданоқ IV поғонадаги қизил чўл зотли сиғирлар соғими 12 фойзга кўнайди (қизил чўл соф зотли биринчи марта туққан сиғирлар соғим даврида 2318 кг, англелар билан чатиштирилганда эса 2596 кг сут бердилар). Лекин бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш кучи бирмунча пасайган эди, гўштдорлик сифатлари эса қизил чўл соф зотли бузоқлариникига қараганда ёмон эмас.

Вилоят хўжаликларидаги қорамол подаси, асosan, сутчилик йўналишидагилигини ҳисобга олсак, уларнинг гўштдорлик маҳсулдорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, Давлат наслчилик станциясига бундан кейин жумҳурият давлат наслчилик станциясига қарашли қизил чўл ва қизил дания зотига мансуб қочирувчи буқаларнинг уруғига буюртма беришни тавсия қилдик, эндиликда шу зотлар уруғи ишлатилмоқда.

Бузоқларни тўғри боқиб тарбиялаш—поданинг келгусида сифатли яхшиланишидаги энг муҳим масаладир. Кўп сонли олдинги совет ва чет эл олимларининг ишлари асосида шу нарса тасдиқланганки, молнинг маҳсулдорлик сифатини яхшиланишига унинг ёшлигидан бошланган ўстириш шаронглари ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ёмон шаронгда ўстирилган моллар хаттоки кейинчалик жуда яхши боқилсада воляга етганда ўзининг максимал маҳсулдорлигини кўрсата билмайди. Шу нуқтани назардан қайд қилиш керак, вилоят жамоа ва давлат хўжаликларининг сут-товар фермаларида қорамол бузоқи йўналтирилган тарбиясига етарли эътибор берилмагани. Бош сабаб—бузоқнинг сут ичириш ва уни озиқлантириш мундарижасининг талабини айниқса бузоқ туғилганидан 6 ойликкага бўлган даврида бажармаслиқдир. Раҳбарият ва айрим мутахассислар ҳамда жумҳурият режалаштирувчи ташкилотлари айби билан, бузоққа

сут доимо етарли миқдорда берилмайди. Маълумки, бузоқнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун унга сут ичириш ва озидлантириш мундарижаси бўйича камида 300 кг нуқул ва 450-500 кг ёғ олинган сут (сбрат), ичирилмоғи лозим. Жумҳурият ташкилотларидан эса бузоққа 180-230 кг сут ичириш мумкин деган тавсиялар келади. Лекин кейинги вақтларда моллар маҳсулдорлиги ўсиши муносабати билан бундай тавсияларга қўлоқ солинмайди ва бузоқларга илгор хўжаликларда, айниқса наслдор қочарлар тайёрловчи хўжаликларда, етарли миқдорда нуқул сут ичирилмоқда. Бундай хўжаликларда бузоқлар 28-30 килограммлик ўртача тирик вазн билан туғилгачи, 6 ой давсида улар суткасига 450-500 грамм тош босмоқда ва 115-120 кг тирик вазнга, 12 ойликда 222-226 кг, 18 ойлигида 310-315 килограммга етмоқдалар.

1965 йилги маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятидаги Ильич помли наслчилик давлат хўжалигида қизил чўл зотли бузоқлар 29,2—30,6 кг тирик вазнда туғилиб, 6 ойлигида ўртача 152,8—154 кг тош босди ва 6 ой давомида суткасига 683 граммдан ўсиб борди.

Умуман Хоразм вилояти бўйича қизил чўл зотли бузоқлар 4 ойлигида 100-105, 12 ойлигида 115-189, 18 ойлигида 260-565 кг граммлик тирик вазнга эга бўладилар. Бу тирик вазнлар қизил чўл зотининг II синф стандарти талабларидан пастдир. Бундай қоқоқлик асорати мол бояга етганида ҳам қолади. Қизил чўл зотли сиғирларнинг ёшига қараб тирик вазнининг тақлили улар I-марта туғиш вақтига 340-345 кг, II-туғишда—420 кг, III ва ундан катта ёшида—450—452 кг тирик вазнга эга эканлигини кўрсатади. Подада 500-550 килограммлик сиғирлар камдан-кам учрайдилар.

Шунинг учун уларнинг маҳсулдорлиги ҳам унчалик юқори эмас. Буларнинг ҳаммаси бузоқларни қониқарсиз тарбиялаш натижасидир.

Юқорида айтилганидек, қизил чўл зоти Хоразм вилоятида режалани равишида 55 йилдан зиёд вақт ичида урчитилмоқда. Бу давр ичида у вилоят шароитига етарли мослашди. Уни келтириш учун жуда катта маблағ ва гоят катта меҳнат сарфланди. Ҳозирги вақтда вилоятда бу зотли молларни ўзида тақдорини чақариш ва уни тозалликда (соф зотликда) урчитиш учун шароит мавжуддир. Шунинг учун ҳам вилоятда наслчи-

лик хўжаликлар сонини кўпайтириш учун амалий тадбирларнинг ишга солиши керак. Агарда ўзида бузоқни такрор ишлаб чиқариш масаласи йўлга қўйилмаса, уни четдан келтириш масаласи кун тартибидан туширилиши мумкин эмас. Бугун бозор иқтисодиётига ўтилаётган пайтда, 1985-1988 йилларда 850-1000 сўм турган наслдор қочарга 15-20 минг сўм пул сўрамоқдалар. Албатта ҳамма хўжалик ҳам 50-100 бош бундай қочарларни сотиб олаолмайди. Шунинг учун ҳам, бузоқни йўналтирган тарада ўстириш масаласига хўжаликларнинг ўзларида катта эътибор берилмоғи лозим.

Наслчилик ишнинг яхшилашда, қизил чўл ва бошқа зотларнинг потенциал имкониятларини чуқур ўрганиш ҳамда чорвачиликнинг муҳим масалалари бўйича илмий текширишлар ўтказиш учун илмий-тадқиқот муассасалари катта роль ўйнаган бўларди, лекин вилоятда бундай идоранинг ўзи йўқ, бу масалалар бўйича шугулланувчи жумҳурият ташкилотлари эса вилоят чорвачилиги масалалари билан етарли шугулланмайдилар. Олдинроқ, 60-йилларда СоюзНИХИ вилоят қишлоқ хўжалик тажриба станцияси қошида чорвачилик бўлими бўлган, кейинчалик у бекитилган. Хоразмнинг жумҳурият илмий-тадқиқот марказларидан узоқ жойлашганини ҳисобга олиб, вилоятда чорвачилик бўйича таянч пунктини ташкил қилиш масаласи жибобий ҳал бўлиши мақсадга мувофиқдир.

ЛАТВИЯ ҚУНҒИР ЗОТИ

Латвия қунғир зоти маҳаллий қизил абориген молини 1862 йилда Лифляндия вилоятига академик А. Ф. Миддендорф томонидан келтирилган ангельн зоти билан чатиштириш йўли билан келиб чиққан. Ангельн зотидан ташқари маҳаллий молини яхшилаш учун шимолий шлезвиг ва қизил дания молдан фойдаланилган. Латвия қунғир зоти расмий равишда 1922 йилда деҳқонлар — чорвадорлар съездида эътироф қилинди.

Латвия қунғир зотли сигирларининг сут маҳсулдорлиги Ватанда анча юқоридир. Давлат наслчилик китобига 1970-1973 йиллари ёзилган сигирларнинг ўртача соғими 3828 килограмм, сўдлиги 4,24 % га тенг бўлган.

Ўзбекистонда, шу жумладан Хоразмда Латвия қунғир зотли моллар биринчи марта 1956 йилда пайдо бўлдилар. Кейинги йилларда уларни келтириш кўпайди. 1960 йилда Хоразмда ҳаммаси бўлиб 1272 бош бўлган.

1964 йилнинг 1 январига бўлган маълумотларга кўра Хоразм вилояти жамoa хўжаликларидa Латвия қўнғир зотли ҳам-ма ёшдаги моллар жами 3110 бош, улардан 333-соф зотлилар, сизирларнинг жами сони 441 бош, ундan 69-соф зотлилар бўлган. 1967 йилнинг 31 июлига бу зот молларнинг сони 6885 бошга етди, улардан соф зотлилар—326 бош, дурагайлар—6559 бош.

1966 йилдан 1971 йилгача бўлган давр ичида вилоятга 774 бош Латвия қўнғир зотли моллар келтирилган. 1990 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга кўра, уларнинг сони 3074 бош бўлди, шу жумладан 2278 бош — соф зотлилар (1985 йилда 5853 бош, шундан 4463—соф зотлилар бўлган). Вилоятда бу зотга мансуб сизирлар сони 1382 бошни ташкил қилади. Улардан 968 боши—соф зотлидир. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Латвия қўнғир зотли моллар сони кейинги йилларда бир мунча камайган, бу уларни Латвиядан келтиришнинг камайиши билан bogлиқдир.

Латвия қўнғир зотли моллар Хоразмда, айниқса озьклантйриш ва асрани шарoитлари яхши бўлган хўжаликларда ҳам етарли мослашмадилар. Бу уларнинг маҳсулдорлиги ёмон кўрсаткичидан ҳам кўриниб турибди. 1990 йил маълумотларига кўра, латвия қўнғир зотли 245 бош сизир 305 кунлик соғим даври мобайнида ёшлилиги 4,13 % 2385 кг сут бердилар.

Латвиядан зотли молларни келтириш йил сайини камайишсини ҳисобга олиб, сутнинг миқдори ва ёглилиги бўйича янада тақомилантиришни, зотнинг конституцияси пишиқлигини мустаҳкамлаш мақсадида бу зотли сизирларни қизил дания зотга мансуб қочирувчи—буқалар уруғи билан қочирини аҳтимол, тўғри бўлар.

ҚИЗИЛ ЛИТВА ЗОТИ

Қизил литва зоти маҳаллий Литва молни ангельн ва қизил дания зотлари билан чатиштириш натижасида яратилди.

50-йилларда қизил Литва молини яхшилаш учун қариндош зотлар—латвия қўнғир ва қизил Эстония молларидан фойдаланилди.

Қизил литва молининг конституцияси мустаҳкам, пишиқ, суяги енгил, мустаҳкамдир. Боши унчалик катта эмас, енгил. Бўйини ўрта узунлигида, танаси узун. Сизирларни ўртача тирин вазин 450—500 кг.

Қизил литва зотли сизирларнинг сут маҳсулдорлиги ўз Ватанида давлат наслчилик китобининг 1966, 1972 ва 1973 йил-

лардаги маълумотлар бўйича соғим даври мобайнида ёғлилиги 4,01 % бўлган, 3965 миллиграмм сутга тегиб бўлган. Зотнинг рекордчиси Слога 35 ЛЖ 2599 рақамли сиғир 5-соғим даврида ёғлилиги 3,97 % ли 9996 кг сут яъни 396,5 кг сут ёғини берди.

Хоразмда қизил литва зот моллари биринчи марта 50-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди.

1971 йили Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги мутахассслари билан биргаликда бизлар қорамолни беништровна қилдик.

34 жадвал

ҚИЗИЛ ЛИТВА ЗОТ СИГИРЛАРИНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

(Урганч туманининг С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги,
1971 йил)

Сиғирларнинг зотлилиги	сиғирлар сони	сиғирлар тирик вазни, кг	соғим дав- рининг давомийли- лиги, кун- лар	300 кунлик соғим дав- рида соғил- ган сут, кг	сутнинг Ургана зотлиги %
Соғ зотли си- гирлар	11	443	335	2431	3,87
IV поғонадаги моллар	8	420	313,5	2285	3,90
II поғонадаги моллар	5	405	300	2168	3,91
Ўртача	24	419	316	2295	3,89

1990 йилги маълумотлар бўйича қизил литва зотининг 287 бош сиғири Урганч тумани хўжаликларида соғим даврида ёғлилиги 3,91 %, сuti—2435 кг бўлган. Шовот туманидаги Махтумқули номли жамоа хўжалигининг шу зотга мансуб 47 бош сиғири ёғлилиги 3,85 %, 3505 кг сут бердилар.

ЎЗИЛ ЛИТВА ЗОТ СИГИРЛАРИНИНГ СУТ МАЎСУЛ- ДОРЛИГИ

(Шовот туманидаги Махтумқули номли жамоа хўжалиги)

Сигирларнинг зотлилиги	Ҳисобга олинган сигирлар сони	305 кунлик соғим дав-ридаги сут миқдори, кг	Ўзгариш	сут, ёғ %	Ўзгариш
Соғ зотлилар	29	3434	2397—4821	3,85	3,81—3,9
III поғонадаги моллар	5	3585	3566—3867	3,86	3,82—3,91
II поғонадаги моллар	13	3558	3087—4416	3,86	3,84—3,94
Ўртача	47	3559	2397—4821	3,86	3,81—3,94

Зотли молларини 1990 йилги ҳисоблаш маълумотларига кўра вилоят хўжаликларида ҳаммаси бўлиб 2386 бош қизил литва моли бўлган, шу жумладан 1514 боши соғ зотлидир. 788 сигир, уларнинг 533 боши соғ зоти (1985 йилнинг 1 январига 223 8 бош бўлган, улардан 1880 боши—соғ зотлилар).

Қизил литва зотининг сигирлари қизил дания зотига мансуб қочирувчи—буқалар уруғи билан қочирилмоқда.

ЎЗИЛ ЭСТОНИЯ ЗОТИ

Қизил эстония зоти ангельи, шимолӣ илсзвиг ва қизил дания зотлари билан яхшилашган маҳаллий молдан келиб чиқган. Зот сифатида 1928 йилда эътироф қилинган. Қизил Эстония молини қизил дания буқалари билан чатиштиришни дол-ғо яхшиламоқдалар. Сигирларнинг ўртача тирик вазни 500-550 кг.

Вояга етган соғ зотли сигирларнинг ёғлилиги 4,03 % га тенг, сут маъсулдорлиги 4416 килограммин ташкил қилади.

Қизил эстония зотли моллар Хоразмда 1956 йилда пайдо бўлди. 1967 йил 31 июлга бўлган маълумотлар бўйича хўжаликларда бу зотга мансуб 6236 бош мол бўлган.

1985 йилнинг 1 январидан улар 9955 бошга етган эди. 1990 йилнинг 1 январига келиб уларнинг сони 3603 бошни ташкил қилди, шуларнинг 2864 боши соғ зотлилардир. Эстония зотли моллар Хоразм шароитига яхши мослашдилар, уларни вилоятнинг кўчма хўжаликларида урчиштирилди. 3 ва ундан ҳам кўп туққан сигирлардан 1990 йили 2415 кг, 2 туққанлардан—

2285 кг, биринчи марта туққанлардан 2158 кг сут соғиб олинди, унинг ёғлилиги 3,87—4,08 %.

Бу зот сизирларни қизил дания зотли қочирувчи—буқалар уруғи билан қочираптилар.

ҚОРА—ОЛА ЗОТИ

Қорамолнинг қора—ола зоти—энг кўп тарқалган зотлардан бири. Юқори сут маҳсулдорлиги, озуқани ва маҳаллий шаронтиларга мослашиши туфайли кейинги йилларда бу зотдаги моллар сонини кўпаймоқда. Қора—ола сизирлар яхши хўжаликларда деярли катта тирик вазини (550—600 кг, қочирувчи—буқалар 1000—1200 кг), билан ажралиб туради. Моллар жадаллаштириб ўстирилганида ўртача суткалик қўшилган вазини 1000 грамм ва ундан ҳам кўп граммни ташкил қилади. Сўйилганидаги ықими 58—60 %.

Бу зот сизирларининг сут маҳсулдорлиги даражаси анча юқоридир. Ўзбекистон жумҳурияти бўйича биринчи марта туққан сизирларининг ўртача соғим миқдори 2726 кг, 3 ва ундан зиёд туққанлариники—2851 кг. Илгўр хўжаликларда, жумладан Тошкент вилоятининг «Чиноз» наслчилиқ давлат хўжалигида биринчи марта туққан сизирлар соғим даврида 3484 кг, иккинчи марта туққанлари — 4028 кг, учинчи ва ундан ҳам кўп марта туққанлар—4051 кг сут берганлар.

Хоразмга қора—ола зотли моллар XX асрнинг бошларида келтирилди. Янгириқ тумани ҳудудидаги «Оқ мачит» кишлоғида яшаган немис—меннонитлар уларни урчитганлар. Келгусида бу зотли моллар вақти-вақти билан келтирилган. Лекин шу даврда ҳеч ким молларни мослашини билан ҳисобланган эмас, чунки Хоразм шаронтида бу моллар жуда оғир мослашганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг маҳсулдорлик даражаси бешка келтирилган зотларининг маҳсулдорлигидан деярли фарқ қилмайди, озуқани маҳсулот билан қилаши бўйича улар, масалан, қизил чўл зотли сизирлардан қолишади. Ундан ташқари улар бу ерда тез-тез касалландилар. Шунинг учун бу зот Хоразм вилоятида зотларни туманлаш бўйича режалаштирилмаган. Лекин жумҳурият раҳбариятининг талаби билан Тошкент вилоятида урчитиладиган туманларидан Хоразмга қора—ола зот молларининг бир неча гуруҳи келтирилди. Улар энг яхши хўжаликлар—Богоғ туманидаги И. Дўсов номли ва Хива туманидаги Р. Мадаминов исмли жамоа хўжаликларида боқила бошланди. Бу хўжаликларда қора—ола моллар билан бирга бешка қизил зот моллари ҳам урчитилар эди. Бизнинг куза-

тишларимиз қора—ола зотли моллар бошқа зотларга қараганда озуданиш ва бошқа шароитларга биров талабчанлигини кўрсатди. Бир хил озидантириш ва асраш шароитларида эса уларнинг маҳсулдорлиги бошқа қизил зотли сиғирларнинг маҳсулдорлигидан устув эмас.

Масалан, Хива туманидаги Р. Мадаминов номидаги жамоа хўжалигида 3 ва undan кўп марта туққан қора—ола зотли сиғирлардан соғим даври ичида ёғлилиги 3,6 % 2605 кг сўт қизил зотли сиғирлардан эса ёғлилиги 3,87 % бўлган 2583 кг сўт соғиб олинди.

Сўтдаги ёғнинг пастлиги—бу зотнинг энг жиддий камчилигидир.

Вилоят давлат наслчилик станцияси маълумотига кўра вилоят хўжаликларида қора—ола моллар сонини 1960 йилнинг бошларида 168, 1964 йил бошида—675, 1967 йилнинг 31 июлига — 1007, 1985 йилнинг 1 январига — 1308, 1990 йилнинг 1 январига—942 бош бўлган. Кўришиб турганидек, кейинги 25 йил давомида қора—ола зотли моллар сонини деярли кўпаймаган, ваҳоланки давлат наслчилик станциясида ҳар دەрим бу зотга мансуб қочирувчи—буқаларнинг уруги бўлган.

1987 йилгача вилоятнинг айрим хўжаликларига эстония қора—ола ва литва қора—ола зотларининг қочарлари келтирилган. Лекин улар бу ернинг шароитига мослаша олмадилар ва 1990 йилнинг бошларига келиб, Эстония қора—ола моллардан умуман қолмади, литва қора—ола моллардан атиги 166 боши қолиб, шулардан 37 си сиғирдир.

1969-1977 йиллар мобайнида ўтказилган бошитировка маълумотларига кўра Урганч туманининг С. Қаландаров номидаги жамоа хўжалигида IV поғонадаги 10 бош литва қора—ола зотли сиғирлардан соғим даврида ёғлилиги 3,75 % бўлган 2093 кг сўт соғиб олинди.

БУШУЕВ ЗОТИ

1968 йили ўзининг урчитилаётган ҳудудидан Хоразм вилоятига Бушув зотига мансуб 1966-1967 йилда тутилган 107 бош наслдор қочар ва 5 та наслдор буқа келтирилди.

Уларнинг ҳаммаси Гурлан туманидаги (ҳозир Янгибозор тумани), «Бўстон» давлат хўжалигида жойлаштирилди. Бу хўжалик полиз уруғчилиги йўналишида.

Келтирилган наслдор қочарларининг кўпчилиги зотлилиги бўйича III-IV поғонада эди, қолганлари соф зотли синф бўйича I-III синф, 190 дан 221 килограмм тирик вазн билан. Буқа-

ларнинг ҳаммаси зотлилиги бўйича — IV поғонада, синф бўйича—4 таси элита, биттаси — 1-синф.

1971 ва 1972 йиллардаги бонитировка маълумотлари бўйича сиғирларнинг сут маҳсулдорлиги, (300 кунлик яъни қисқарган соғим даври бўйича), ўртача 1506,5, ўзгариш 502 дан 2480, килограммини ташкил қилди. Агарда соғим даврида биринчи марта туққан сиғирлар 901 кг сут берган бўлса, иккинчи марта туққанлардан 1386 кг, III-IV марта туққанлардан ўртача 1329 кг сут соғиб олинди. Энг қўн суткалик соғим 15-16 килограммга етди. Попада II-соғим даври бўйича ёғлилиги 4,0 % 2480 кг сут берган Малая 142 лақабли сиғир, II-соғим даврида ёғлилиги 4,1 % 2470 кг сут берган. Морковка 72 лақабли, соф зотли сиғир энг яхши сиғир ҳисобланади. (Марковка 72 Бутуз 316 лақабли буқанинг қавм-қариндошлигидан. Ундан ташқари Лимон 465, Атлас 31 қочирувчи—буқаларнинг қизлари ҳам сут берганлар).

Соғим даврининг давомийлиги ўртача пода бўйича 292,6 кунга, сутдан чиққан даврники—58, салт даври (сервис—давр)—49 кунга тенг бўлган. Сутдаги ўртача ёғлилик 4,05 % ни, (3,79 % дан 4,9 % гача ўзгариш билан), ташкил қилди. Сиғирларнинг тирик вазни 297,7 килограммга, 210 кг дан 371 кг гача тенг бўлган.

Бузоқ ўртача 21,4 кг тирик вазн билан туғилган, ўзгариш 12—30 кг. Бузоқларини бундай жуда кам тирик вазн билан туғилиши, аввало, сиғирларни туғишга тайёрлашдаги етишмовчиликлардан далолат беради.

Сиғирлар қўлда қочирилган. Уларни бузоқ бериши қоғиқардидир. 1971 йилда ҳар 100 сиғирдан 89 бузоқ олинди. Сиғирларнинг уруғлангани яхши бўлган, қўйга келганларнинг 70 фоизи туққанидан сўнг биринчи ойдаёқ уруғланган.

Хоразм шароитида бушув зотли молларнинг бундай иккинчи сифатларини қейд қилиш лозим. Маълумотлар улар Хоразм воҳасининг кескин континентал иқлимга, ҳси—юқумли ва бошқа касалликларга яхши мослашни қобилиятларига эга эканлигини кўрсатди. Лекин кейинчалик хўжалик ва туман раҳбарлари, мутахассисларининг назоратсизлиги, жавобгарлигини сезмасликлари туфайли бушув моллари касалланди ва 1972-1974 йиллари уларнинг ҳаммаси гўшга тенширилди.

Ҳозирги вақтда ҳам Янгибозор туманидаги аҳолида бушув зотли моллар ва бошқа зотлар билан уларнинг дурагайлари кўплаб учрайди.

Хоразм учун бушув зоти режалаштирилган зот бўлмаганлиги учун, уни бу ерга келгусида келтирмаслик керак деб ҳисоблаймиз.

ҚОЗОҚИ ОҚ БОШ ЗОТИ

Қозоқи оқ бош қорамоли 1950 йилда зот деб эътироф этилди. Бу зот қозоқи сигир ва қочарлар, қозоқи—қолмиқи дурагайлар ва қисман қалмиқи молларни герфорд буқалари билан чапиштириш йўли билан барпо этилган.

Наслдор молларнинг кўписи йирик, кенг танали, пишмоқ конституцияли, ривожланган кўкракли, бели, орқаси, думгаза қисми—кенг ва текис, тананинг орқа қисми яхши тўладирилган, мушакли. Учрайдиган ташқи тузилишидаги эҳстерьер нуқсонлар кўп жиҳатдан кам озиқлантириш ва бузоқни нотўғри ўстириш оқибатидир.

Молнинг туси қизил, ҳар хил ранг турлари ҳам мавжуд. Еши, кўкраки, қорни, елини, оёқлари ва дум попуки—оқ рангли.

Сигирларнинг тирик вазни 500-550 кг, буқаларники ўртача 650-950 кг.

Қозоқи оқ бош зотли сигирларнинг қимматли сифати—уларнинг юқори сутдорлигидир.

Ўтлоқда боқилиши ва бўрдоқи сифатлари яхши. Табиий чўл яйловларида боқилган, бичилган буқаларнинг тирик вазни 2-2.5 ёнда 450 кг ва ундан ҳам зиёд тош босади. Сўйилганда уларнинг нимталанмаган гўшти юқори сифати билан ажралиб туради. Сўйилгандаги чиқим 53 ва ундан зиёд фозни ташвиқ қилади.

Хоразмда қозоқи оқ бош зотли моллар 70-йилнинг ўрталарида пайдо бўлди. Қочирувчи—буқаларни давлат наслчилик станцияси орқали Қизилжардаги давлат хўжаликлари сотиб олдилар. 1985 йилнинг бошларига келиб, уларнинг сони 4873 бонга етди, шулардан 250 таси—соф зотлилар. 1990 йилнинг 1 январига «Қизилжар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликларида қозоқи оқ бош зотли 9176 бош мол бўлган, булардан 102 таси соф зотлилар.

Давлат хўжаликларида 441 бош қочирувчи—буқалар, 3563 бош сигир, 2 ёндан катта 353 бош қочарлар сақланган. Солиштириб кўрганда бу хўжаликларда Санта—Гертруда гўштидор зот молларининг сони атиги 625 бош бўлган.

Буқалар сотиб олинганидан сўнг, улардан қизил зотли сигирларни ва бонқа зотлар билан бўлган уларнинг дурагай-

ларидан қочиришда фойдаланилди. Ҳозирги пайтда Қизилжарда фақат 102 қочирувчи буқалар соф зотли, долган моллар эса — дурагайлар.

Кейинги йилларда «Қизилжар» массивидаги яйловлардаги аҳвол фойдалидир. Сувнинг кўп вақт бўлмаганилиги ҳамда яйловнинг ҳаддан ташқари мол билан тўлганлиги яйловларни таназаулга келтирди, уларда деярли ўсимлик қолмади, бунинг натижасида хўжаликлар молларни Қорақалпоғистон хўжаликлариди боқишга мажбур бўлмоқдалар. Бундай шароитда молларни озиклантириш жуда қийин бўлмоқда. Бузоқлар 15-20 килограммлик тирик вази билан туғилипти. Онасида ажратганда, 6-8 ойлигида хўкизчалар атиги 83-88 кг тош босадилар. 12-13 ойлигида улар ана шундай ўт-емга тақчил яйловларда боқиладилар, кейинчалик уларни марказий фермага ўтказадилар. («Қизилжар» давлат хўжалигида), бу ерда уларни жадаллаштириб бўрдоғига боқадилар ва гўштра 32-36 ойлигида 275—320 кг тирик вази билан топширадилар.

Бузоқлар — қозоқи оқ зотининг дурагайлари яхши қаралиб озиклантирилганида жадал ўсадилар ва 18-20 ойлигида 400-420 килограмм вазига етадилар.

Вазифа — яйловда қозоқи оқ бош молларига старли озиклантириш ва асраш шароитларини таъминлашдан иборат. Фақат шундагина улардан зотнинг потенциал маҳсулдорлигини олиш мумкин.

СИГИРЛАРНИНГ БИОЛОГИК ДАВРЛАРИ ВА УЛАРНИ ФОИДАЛАНИШ ДАВОМИЙЛИГИ

Сигирларни соғим, салт (сервис), ва сутдан чиққан даврларининг давомийлигини уларнинг ёши, озиклантириш, асраш ва бевжа сабабларга боғлиқлигини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Чунки сигирнинг биологик циклларидаги бу даврлар ўзаро боғлиқдир. Масалан, агарда соғим даврининг давомийлиги 300 кундан кам бўлса, сутдан чиқиш даври тегишлича узаяди. Самарқанд вилоятидаги Паст-Даргом туманидаги Илмич номли наслчилик давлат хўжалиги шароитида 1965-1968 йилларда ўтказилган тажрибалар сутдан чиққан давр билан салт (сервис), давр боғлиқ эканлиги исботланган. Туғилдан олдин яхши дам олган ва оптимал сутдан чиққан давомийлигига (45-50 кун), эга бўлган сигирлар бошқаларга қараганда туғилдан кейинги биринчи куйга тезроқ келганлар ва қисқароқ салт (сервис), даврга эга бўлганлар.

ЎЗИЛ ЗОТГА МАНСУБ СИГИРЛАРНИНГ ЁШИГА ҚАРАБ СОГИМ, САЛТ (СЕРВИС) ВА СУТДАН ЧИҚҚАН ДАВРЛАРНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ, КҮНЛАР (ХИВА ТУМАНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ЖАМОА ХҲЖАЛИДАГИ ЗООТЕХНИКАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ)

Даврлар давомиёлиги	туққанига қараб ёши					6- ва ун дан катта	пода бўйича ўртача
	1-	2-	3-	4-	5		
Соғим	287,5	299,0	300,6	306,0	326,5	304,0	308,0
Салт (сервис)	56,3	67,6	65,9	87,7	71,3	69,5	69,7
Сутдан чиққан	58,0	53,0	48,0	55,0	55,4	56,0	54,2

Жадвалдан кўрилиб турибдики, ёш сиғирлар (1, 2, 3 марта туққан), вояга етганларига қараганда бироз қисқарган соғим ва салт (сервис) даврларга эгадирлар. Бундай вазият биологик нуқтан-назаридан тушунарлидир. Ёши каттароқ сиғирлар йиллар ўтиши билан фенотипик факторга мослашадилар, шунинг учун ҳам соғим ва салт (сервис) даврлари уларда узалиш. Умуман пода бўйича Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида сиғирларнинг биологик цикллари нормалдир.

Сиғирлардан хўжаликда фойдаланишнинг давомиёлиги — муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Буларнинг кўзатишларимиз традицион технология шароитида сутчилик комплексларга қараганда сиғирлар хўжаликларда узоқроқ фойдаланилганлиги аниқланди.

27-жадвал

ХИВА ТУМАНИ ХУЖАЛИКЛАРИДА СИГИРЛАРДАН ҲОСИЛДЛАНИШ (МАЪЛУМОТЛАР ҲИЗАМТ БОТЛАР БУИЧА, 1986 ЙИЛ).

Ҳайвон хўжаликлари	Улардан туқилганлари					Ундан қабул қилинган			1982-1991 йилларда қилинган хўжалиқнинг %и	1982-1991 йилларда қилинган хўжалиқнинг %и	
	5 март ва ундан нам	6 март	7 март	8 март	9 март	10 март ва ундан қўй	10 март ва ундан қўй	10 март ва ундан қўй			
Хўбейлистон	371	255	64	18	5	4	25	25	24—26	6 с (2600 кг, 3,8%)	4 бош
Феруз	141	87	28	4	4	4	24	24	23—26	6 с (2310 кг, 4,0%)	—
Стахўй	125	37	24	12	12	22	29	29	26—32	6 с (2155 кг, 3,9%)	4 бош
«Хива»	165	71	35	9	13	11	25	25	17—28	5 с (3000 кг, 3,5%)	10 бош
В. Нуруллаев	217	128	36	15	8	7	22	22	20—23	6 с (2480 кг, 3,8%)	6 бош
П. Махауд	190	127	20	12	3	1	27	27	20—38	5 с (4500 кг, 3,7%)	1 бош
А. Хорезми	205	142	23	14	5	8	22	22	20—23	6 с (2250 кг, 3,8%)	2 бош
Р. Мадалинов	320	209	29	27	23	—	27	27	18—30	6 с (4020 кг, 3,8%)	6 бош
Беруний	319	172	68	23	1	1	30	30	22—32	5-6 с (4145 кг, 3,7%)	10 бош
Ҳамаи	2053	1238	327	134	74	58	17	17	—	(4245—4500)	43 бош
сигир	100	60	16	6,5	3,6	2,7	—	—	—	—	—

% ҳисобида:

Надвалдан кўриниб турибдики, хўжалик подасида 5 ва ундан ҳам кам туққан сигирларнинг салмоги анча—60 %, 10 ва ундан кўп марта фақат 58 яъни 2,7 % сигирдан фойдаланилмоқда. Улардан соғим даврида 17 дан 38 тоннагача сўт соғиб олинди.

Қизил зотли сигирлар энг юқори маҳсулдорликни 5-6 соғим даврида бердилар. Шунинг билан бирга, подада юқори маҳсулдор сигирлардан келиб чиққан моллар жуда камдир, бу уларни камроқ маҳсулдорликка эга бўлган сигирларга қараганда подадан чиқарилганлигини кўрсатади. Бундай келиб чиқадиган хулоса — моллардан узоқ муддатда фойдаланиш—селекцион — генетик ва иқтисодий муносабатларда жуда самарадорлидир ва чорвачиликни олиб боришда юксак маданийнинг бош кўрсаткичидир.

ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА АСРАШ ШАРОИТЛАРИ

1. Ем-хашак манбан

Мол ва паррандани тўғри, тўйимли озиқлантириш—чорвачиликни бошқаришнинг муҳим асосларидан биридир: бунга ширали, тежамли ва балансланган рационни тузиш учун мавжуд сўзқалардан сўлона фойдаланиш керакди. Ҳали молларни хонақиллаштириш ва уларни танлаш йўли билан наслини яхшилаш даврида чорвачилик маҳсулотларини етказиш учун ем-хашаклардан самарали фойдаланиш чорвадорлар учун юқори даражада муаммо бўлди. Бу муаммо ер майдони чегараланган ҳамда бир экин ҳокимлик шароитида айниқса ўткирдир. Бу икки омил айрим пайтларда Хоразм чорвадорлари томонидан қилинган жами ҳаракатларни пучга чиқарар эди. Тўғри, моллар маҳсулдорлиги ошинига тўсқинлик қиладиган бошқа сабаблар ҳам бўлган. Жумладан зотли мол сонининг камлиги озиқлантириш ва асраш илгор усулларининг йўқлиги ва ҳоказо.

Вилоятнинг жамоат чорвачилигида мустаҳкам озуқа манбан охири ҳисобда бўлмаган. Шунинг учун ҳам, келтирилган зотли қорамолнинг генетик имкониятини фойдаланиши мумкин бўлмади, натижада моллар маҳсулдорлиги пастлигича қолаверди. Лекин кейинги 20 йилда озуқавий экинлар майдони кенгайтирилди. Масалан, 1970 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида озуқавий экинларни экиш майдони 23,3 минг гектарга тенг эди, ҳар бир шартли молга 0,27 га тўғри келарди, 1980 йили озуқавий экинлар 31,7 минг гектарга етказилди, шартли молга 0,41 гектарга етди, 1990 йили вилоятнинг озуқавий майдони 58,0 минг гектари ташкил қилди, шартли мол-

га 0,60 га тўғри келди. Гўза ва шoли майдонлари камайиши натижасида 1991 йилда озуқавий экинлар майдони 60,8 миnг гектаргача етди ва шартли молга 0,63 га тўғри келди.

1985 йилга қараганда 1990 йили озуқавий экинларининг яхши ҳосили 1358 миnг тоннадан 2069 миnг тоннагача яъни 52 фoизга кўпайди. Шу йилларда вилоятда сиғирлар сони 922 бoшга яъни 3,1 фoизга кўпайди, ҳар беш сиғир соғими 1889 кг дан 2352 килограммгача, яъни 24,5 фoизга сут етиштириш 45,4 миnг тоннадан 57 миnг тоннагача яъни 25,6 фoизга кўпайди.

Келтирилган маълумотлардан ем-хашак миқдорининг кўпайиши сиғирлар маҳсулдорлигини ошишига ва сут етиштиришнинг ўсишига қанчалик таъсир қилганлиги кўриниб турибди.

Шу йилларда ем-хашак структураси ҳам анча ўзгарди. Масалан, 1980 йилда илдивли мевалилар фақат 486 гектарга экинган бўлса, 1990 йилда—1214 га экинди, 1980 йилда бедазорлар майдони 18209 га эди. 1990 йилда 31284 га етди. 1990 йилда 58 миnг гектарлик озуқавий экинлар майдонидан 2068945 тонна озуқа бирлиги етиштирилди. Ундан ташқари чорвачилик эҳтиёжи учун 37,4 миnг тонна шoли сомони, 200 миnг тонна чангалoқ, 29,2 миnг тонна табиий ўт ажратилди. Буларнинг ҳаммаси 17,3 миnг тонна озуқа бирлигини ташкил қилди. Демак, 1990 йилда жaъми далаалардан 2086,3 миnг тонна озуқа бирлиги—озуқа йиғилган эди. Чорвачилик эҳтиёжи учун 2739 га ерга дон учун маккажўҳори экинди, ҳар бир гектардан 35,5 центнер ҳосил олинди, яъни ҳосил эса 9,7 миnг тоннани ташкил қилди. Бундан ташқари 692 га ерга дон учун жўҳори экинди, бир гектардан олинган ҳосил 20,4 центнерни, яъни ҳосил эса 1412 тоннани ташкил етди.

Давлатдан жамоа ва давлат хўжаликлари 1990 йилда 26,1 миnг тонна аралаш ем, 17,2 миnг тонна пахта шротин, 18,3 миnг тонна пахта шелухасини олдилар.

Шундай қилиб, 1990 йил мобайнида чорвачиликка жaъми 2139 миnг тонна озуқа бирлиги ажратилган эди, бу ҳар бир шартли молга йилга 22,1 центнер озуқа бирлигидан, ҳар бир кунга 6,06 озуқа бирлигидан тўғри келди. Булардан ташқари, вилоят ҳудудида жойланган паррандачилик фабрикалари, чўчқачилик комплекси 1990 йилда давлат манбаларидан 43,5 миnг тонна аралаш ем олганлар. Юзорида айтганимиздек, чорвачиликнинг озуқа майдони кейинги 10 йил мобайнида анча кенгайди, лекин бу ерлардан фойдаланиш унчалик яхши эмас. Масалан, 1985 йилга қараганда 1990 йилда илдив мевалиларнинг ҳосилдорлиги 1 гектардан 31 центнерга, силос ва кўклай

едирин учун экилган маккажўхориининг ҳосили 80 центнер, яғни беда 8 центнер, эски беда 15 центнерга камайди, ҳолбуки вилоятда ер тузилиши ҳар йили яқинлашмоғи лозим эди. Афсуски бундай бўлмапти, чунки олданидек озуқавий экинлар янши учун унумдорлиги бўйича энг ноқулай ерлар аниқланмоқда ва энг ёмони—бу ерларнинг ҳақиқий эгаси йўқ эди. Озуқа етказувчи бригадалар чорвадорларга бўйсунмасдилар, ва озуқа етказилишидаги барбодликка деярли жавоб бермасдилар, натижада гектаридан 33-35 центнер озуқа бирлиги етказилган, озуқалар ветадиган сарфлар амалда таннарх бўйича ҳисобланар эди. У ҳаминша режадаги таннархдан анча зиёд бўлган. Озуқа — сарфлар тузилишида салмоғи катта бўлганлиги тўғрисида, чорвачилик зарар кўрадиган соҳа бўлиб қолган эди.

Озуқавий гектардан яхшироқ фойдаланиш, чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги бир неча хўжалиқларга тавсия қилдик: хўжалик раҳбарияти билан шартномаланиб ижара асосида ишлашни, буида озуқавий гектарлар чорвадорларга берилди, формада ҳам, далада ҳам бир хўжалик—ижара жамоасининг раҳбари бўлади. Эндиликда формадаги чорвадорлар ҳам, озуқавий гектарларда ишлаётган деҳқонлар ҳам ўз сўлик маошларини етказилган сут, тўшт ва туҳумнинг яқин даромадидан оладиган бўлади. Озуқа етказувчиларга сўлик маошни етказилган ҳақиқий озуқа миқдори ва унинг сифатига тўланадиган бўлади.

Олдинги йилларда озуқавий экинлар йиғилишига бошқа ишлаб чиқариш бригадалардан юзлаб ишчилар жалб этиларди. Энди эса, масалан, Янгиариқ туманидаги А. Утар жамоа хўжалиги чорвачилик ижара жамоасининг 7 механизатори бир мавсум мобайлида 1300-1500 тонна сенаж ва 2000-2500 тонна маккажўхори ва жўхори силсени жамғарадилар. Бундай мисоллар анча. Шунинг билан бирга янги иқтисодий муносабатларни барқарор этиш йўлида жиддий тўсиқларга дуч келинмоқда. Вилоятнинг ҳамма хўжалиқларида амалдаги алмашиш янши схемаси сабабли қатор қийинчилик туғилди. Маълумки, беда одатда, чингит экилган масивлар орасида жойлашган ва уларга зиён етказмаслик учун, бедазорларини энг зарур пайтда сугоришни тўхтатишга тўғри келади. Бунинг натижасида уларнинг ҳосилдорлиги пасайди. Ундан ташқари озуқавий экинлар алмашиш янши схемаси бўйича хўжаликнинг деярли бутун ҳудудида жойлашган ва ишларининг бақарилишини кузатиш ижара жамоасининг раҳбарига қийинчилик туғдиради. Булар-

дан ташқари ўстирилатган экинлар алмаштирилиши муносабати билан ижарага олинган участкаларнинг қайта тақсимланиши жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, агарда 200 гектарлик бедворни 8-10 оила 10-12 гектардан тарбия қилса, шу 200 гектарлик далага гўза экинса, эидалиқда 25-30 оила керак бўлади. Шундай қилиб ер етишмаган оилалар бошқа участкага уйдан уздорроқ жойланган участкага ўтишга мажбур бўладилар. Мана шундай вазиятдан жанжал чиқиши мумкин. Шунинг учун амалдоти алмашлаб экин схемаларидан воз кечиш лозим. Чунки улар бир экин яна ҳокимлик вақтларида жорий қилинган эди ва улар гўза экин шайдемлирининг камайишидан қўлиб чиққан янги имкониятларни ҳисобга олмайди.

1992 йил бошларидан ҳамма нарсанинг нархи кескин қимматлаб кетди, айниқса ёқилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, техника, уруғ ва ҳоказо. Эидалиқда озуқа етказувчи бригаданинг ўзини алоҳида, ихтисослаштириб, у етказмай эм-хашакни фермага ўлчаб бериш имконияти йўқолди, чунки озуқавий экинлардан олинадиган ҳосилнинг таннархи 15-20 марта ўсиб кетди ва ҳар сивгидан йилига 2000-2500 кг сут, сутқасига 250-300 грамм қўшимча вази олиб чорвачиликни юргизиш қийин бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ферма имкониятларидан, айниқса ундан чиқадиган гўндан унумли фойдаланиб, озуқавий экинлар таннархисини анча камайтириш имконияти туғдирилди. Шуларни ҳисобга олиб, чорвачиликка ажратилган озуқавий майдонни чорвадорларнинг ўзларига бериб, ягона ижара жаммасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди ва бу усул ҳамма хўжаликларга тавсия қилинди.

Хоразм шаронтида кузги рационлар энг тўйимли бўлиб, бироз камбағали эса—баҳорги рационлар ҳисобланади (38-жадвал).

Одатда март—апрель ойларида, кўк беда пайдо бўлишигача (5-10 майгача), айрим хўжаликларда озуқа етишмаганлиги таттиқ сезилади. Кейинги 10 йил мобайнида бундай вазият 1991-1992 йилларнинг баҳорги кунларида рўй берди, бунда Хазораси, Қўшқўшар, Янгибозор, Янгиариқ туманларининг кўпчилиги хўжаликларида ем-хашак март ойининг охири—апрель ойининг бошларида деярли тугаб қолди.

**ЙИЛ ФАСЛИГА ҚАРАБ СОФИЛАДИГАН СИГИРЛАРНИ
ОЗИҚЛАНТИРИШ РАЦИОНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ
(УМУМИИ ТУЙИМЛИЛИГИГА ҚАРАБ % ҲИСОБИДА).**

Ев-хашак тури	Йил фасли			
	баҳор	ёз	куз	қиш
Давал-хашаклар — жамъ	46,2	21,1	35,4	36,2
Шу жумладан				
беда шичани	13,8	12,3	11,4	15,9
Беда сенани	20,2	—	13,9	17,5
Бошқа дагал хашаклар	12,2	8,8	10,1	12,7
Ширали озуқалар— Жаъми	31,3	12,1	17,3	42,0
Шу жумладан маккажўхори				
силоси	25,2	12,1	11,2	33,5
Илдиз мевалилар	6,1	—	6,1	8,5
Кўк ўтлар	8,7	54,5	35,9	—
Омухта емлар	13,8	12,3	11,4	11,9

Жадвалдан кўришиб турибдики, йилнинг ёз ва куз фаслида сиғирлар рационининг тузилишида кўк ўтларининг салмоғи анча — 54,5 ва 35,9 фоиз, баҳорда эса фақат 8,7 %, хашаки эрта-роқ йўқолиб қолган хўжаликларда эса апрелнинг 25-30 число-ларидан бешлаб, бошқа турдаги ўт бўлмаганлиги туфайли то сентябрь—октябрь ойлариғача фақат кўк ўт—йўнгичқа, июль ойининг иккинчи ярмидан маккажўхори—фақат кўк ўт берилади. Бундай хўжаликларда рационнинг 80-85 фоизини кўк ўтлар ташкил қилади. Бу вазият молнинг организмда сут ишлаб чиқиши билан боғлиқ физиологик жараёвларни кескин ўзгартиради. Айниқса ёзнинг иссиқ ҳавоси мол организмга жуда қаттиқ салбий таъсир қилиб, маҳсулдорликни кескин пасайтириб юборади. Шунинг учун ҳам бир хил озиқлантиришга ўтиш тўғрисида йиллар давомида айтилади. Лекин чорвачиликка эътибор берилмайдиган хўжаликларда бунга риоя этилмайди.

Об-ҳаво қулай келган йилларда беданинг биринчи ўрими Хоразм шарҳотида 5-10 майларда бошланади, лекин молларни кўк беда билан озиқлантирилиши натижасида унинг ўрими 20-25 кунга қўзилиб, кетади. Няғор хўжаликларда эса бутун

мавжуд бедазорлардан беда 5-6 кунда тез ўриб олинади ва чайлаларга қўйилади. Молга чайлалардан олиниб қуруқ беда берилади. Шунинг натижасида бундай хўжаликларда беда тўла 5 марта ўриб олиниб, ҳосилдорлиқни гектаридан 150-170 центнерга етказадилар.

39-жадвал

ИКИ ФАСЛИГА ҚАРАБ 420-450 КИЛОГРАММ ТИРИК ВАЗНИ, СОГИМ ДАВРИДА
2200-2500 КИЛОГРАММ СУТ БЕРУВЧИ СОГИМ СИГИРЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ
ҚУНДАЛИК РАЦИОНИ

Ем-хашак тури	1 кг ем-хашакдан олувчи озуқа миқдори		баҳор		ёз		күз		күш	
	хашакдан олувчи озуқа миқдори	Ундаги озуқа миқдори, кг.	Унинг берилган миқдори, кг.	Ундаги озуқа миқдори, кг.	Унинг берилган миқдори, кг.	Ундаги озуқа миқдори, кг.	Унинг берилган миқдори, кг.	Ундаги озуқа миқдори, кг.	Унинг берилган миқдори, кг.	Ундаги озуқа миқдори, кг.
Бела шчани	0,46	1,35	3	1,35	3	1,35	3	1,35	4	1,8
Бела сенэки	0,33	1,98	6	1,98	—	—	5	1,65	6	1,98
Бошқа дағал-хашаклар	0,24	1,2	5	1,2	4	0,96	5	1,2	6	1,44
Маъжакўхори	0,19	2,47	13	2,47	7	1,33	7	1,33	20	3,8
Силоси	0,12	0,6	5	0,6	—	—	6	0,72	8	0,96
Озуқавий лавлаги	0,17	0,85	5	0,85	35	5,95	25	4,25	—	—
Кўк ўт	0,9	1,35	1,5	1,35	1,5	1,35	1,5	1,35	1,5	1,35
Омухта емлар	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Қундалик рациондаги жамми озуқа бирлиги	—	9,8	—	10,94	—	11,85	—	11,85	—	11,85

Ҳейд қилиш керакки, кундалик озиқлантириш раціони йил фасли бўйича ўртача қилиб олинган. Масалан, баҳорда кўк ўт молга сби-ҳаво ва бошқа шароитларга қараб 5-10 майдан берилди бошланади. Биринчи кун кўк беда 3-5 кг атрофида майдаланган дағал ўтлар билан аралаштирилган ҳолда бериллади, иккинчи кун 5-7, учинчи кун 10-12 кг кўк беда бериллади ва ҳоказо. Тахминан 7-10 кунга келиб кўк беданинг тўла нормаси, кунига 20-25 кг га етказилади. Шунинг учун ҳам баҳор кунларида ўртача 5 кг тўғри келади. (39 жадвал).

Беда пичани, бошқа дағал озуқалар, улар билан омухта емлар ҳам, йилнинг ҳамма фаслида молга деярли бир хил миқдорда бериллади, фақат қишда беда пичанининг салмоғи бирмунча юқори бўлиб 15,9 фоизни, баҳорда эса раціонни тўйимлилигини тўлдирини учун омухта емларни салмоғига қараб бирмунча кўпроқ беришга тўғри келмоқда—13,8 фоиз.

Малкажўхори силосидан қишги—баҳорги даврларда кўпроқ феёдаланадилар — 25,2—33,5 фоиз, лавлағи сақлаб бўлмаганлиги сабабли ёзги раціонларда йўқдир, бошқа вақтларда уларнинг салмоғи йилнинг ҳамма фаслларида деярли бир хил.

Бошқа дағал хашаклар тармибига шולי сомон, чаңалоқ ва ҳар хил табиий ўтлар кирган. Лекин кейинги 2-3 йилда (1990-1992 йй) шולי экинш майдони бир мунча намайиши ҳамда аҳоли хўжаликлари кўпроқ сомонни олаётгани оқибатида, раціонда унинг ва чаңалоқнинг салмоғи бирмунча намайди, сабаб — тўзани парварини қилаётган оилавий пудрат аъзолари ўзларининг молни боқини учун чаңалоқни кўп миқдорда олмақдалар. Йизилларда табиий ўт—қамиш, янтоқ ва бошқа тур дағал хашак яёловларда механизацияланган усул билан тайёрланарди.

Ундан ташқари, массивда қамишни табиий пичанзор—лимон сугормаси деб аталувчи пичанзорда тайёрлайдилар. Бундай пичанзор майдони «Йизиллар» давлат хўжалигида (ҳозир ижара усулида ишлайдиган жамоа)—3500, «Дўстлик» ижара жамоасида 2500 га мавжуддир. Бу пичанзорларнинг атрофи тўсиб қўйилган, уларга қишда ва қиш—баҳор пайтларида сув йўқилади, ўғитланади ва йилда 2-3 марта қамин ўрилади.

Юқорида келтирилган икки жадвалдан кўриниб турибдини, озиқлантириш раціонлари кунига 5-7 кг сут олинishi ҳисобидан тузилган. Сермаҳсул сугирлар раціони эса тўйимлироқ қилиб тайёрланади.

Лекин ем-хашак камчил бўлгани сабабли кўп ҳолларда молга тузилган раціонларга қараб ўт бериш иложи йўқ. Шу ўрин-

да хўжаликларда одатда рию қилинмайдиган бир ҳолатни ай-
тиб ўтиш керак. Гап шундаки, яқин-яқинларгача хўжаликда
1 онча мол сақланиши, унинг маҳсулдорлиги, яъни маҳсулот
ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳоказолар юқоридан бериларди ва
улар режаларни бажаришга мажбур эдилар. Озуқавий экинлар,
уларнинг ҳосилдорлиги ҳам режалаштирилиб бериларди. Қо-
ғозда ҳаммаси озиклантириш нормасига мувофиқдск туюлар-
ди. Лекин, одатда озуқавий экинлар алмашлаб экин далалари-
дан четда, кам унумли ерларга экилганлиги туфайли режалаш-
тирилган ҳосилдорлик олинмасдан, унинг устига режадаги
экинлар майдони экилмасди, натижада режалаштирилган озу-
қалар миқдори тайёрланмасди. Шундай қилиб режадаги мол
бош сони хўжаликда бор бўлгани билан, озуқа етарли бўлмас,
бундай ҳолат молдан режалаштирилган маҳсулотни олишга
имконият бермасди. Масалан, 1991 йили режалаштирилган 64,9
минг гектар озуқавий экинлардан 4,0 минг гектар экилмай
қолди, уларнинг ҳосилдорлиги паст бўлди, натижада 1991-1992
йиллардаги қишлоғга ҳар бош мол учун режалаштирилган 15
центнер озуқа бирлиги ўрнига фақат 13,7 центнер тайёрлан-
ди, холос.

Шунинг учун ҳам келгусида хўжаликларга давлатга гўшт,
сут, тухум топшириш буюртмасининггина етказиш керак, озуқа
учун қанча ер экин кераклигини, далалар ҳосилдорлигини,
қанча сизир сақлаш кераклигини ва ҳоказони хўжаликнинг ўзи
режалаштирсин.

Ем-хашақларни тўйимлилиги ва химиявий таркибини ўрга-
тиш хўжалик учун амалий аҳамиятга эга.

РИДОЯТ ХУЖАЛИКЛАРИДА МОЛГА ЕДИРИЛАДИغان ОЗУҚАЛАРИНИНГ ТЪЙИМЛИЛИГИ
ВА ХИМИЯВИЙ ТАРКИБИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ЛОИХАЛАШ-ТАДҚИҚОТ, ҚИШ ЛОҚ ХУЖА
ЛИГИНИ ХИМИЯЛАШ СТАНЦИЯСИНИНГ ҚАТОР ИИЛЛАР БУНИЧА МАЪЛУМОТЛАРИ).

Озуқа тури	1 кг озۇча ем- хашақдани	озۇча бирлиги	хазм бўладиган протин, г/кг	кальций, %	фосфор, %	калий, мг/кг	натрий, %	хон протин, %
Беда шичани	0,45		103	1,15	0,26	32,0	18,0	14,4
Яндоғ,								
бўён шичани	0,25		31	0,72	0,18	25,0	16,0	8,4
Шоли сомони	0,23		7,5	0,54	0,17	—	17,4	5,0
Бугдой сомони	0,27		32,2	1,06	0,17	—	15,2	7,4
Ўт уни	0,56		92,2	0,64	0,22	24,5	12,4	12,1
Беда сенали	0,33		50,0	0,71	0,16	35,0	53,0	9,2
Пахта шелухаси	0,22		26,0	0,31	0,24	—	12,0	7,0
Мақкажўхори силоси	0,19		8,8	0,20	0,06	11,0	3,3	2,1
Озқабоб								
лавлалч	0,12		10,0	0,09	0,03	—	33,1	1,62
Кўк беда	0,19		48,3	0,48	0,11	39,0	68,1	3,2
Аралаш-ем	0,91		123,0	0,95	0,61	—	10,2	17,0
Пахта шротли	0,94		261,6	0,63	0,61	—	10,0	27,0
Пахта қуникараси	1,02		291,0	—	0,78	—	10,0	36,0

Молларни қишлолда нормал озиқлантириш учун ҳар бир шартли қорамол ҳисобига ўртача 20 центнер озуқавий бирлигида ем-хашакка эга бўлиш керак. 1990-1991 йиллар қишлолда ҳўжаликларнинг умумий сонидан фақат 17 жамоа ва давлат ҳўжаликлари ёки 15,4 фоизда бутун боғлаб боқиладиган давр ичида червачиликни тўла таъминлаш ҳажмида озуқага эга бўлганлар, 79 ҳўжалик ёки 71,8 фоизи 12-15 центнер озуқага эга бўлдилар ва лиҳоят—14 ҳўжалик ёки 12,8 фоизи шартли молга 10 центнердан камроқ озуқа бирлигига эга эди. Бу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда кўпчилик ҳўжаликлар қишлов даври учун керакли озуқаларга эга бўлмаганлар. Бунинг устига, 1990 йилда юқори ташкилотларнинг қарори билан йилнинг III кварталидан бошлаб 1990 йилга ажратилган 52 фоиз омухта-ем фондлари қирғиб ташланди, шунинг оқибатида озуқа сифати анча пасайди.

Молларни тўла-тўқис озиқлантириш ва ем-хашакни кам сарф қилиб маҳсулот олиш учун бир озуқа бирлиги таркибига қамида 110-115 грамм ҳазм бўладиган протеннга эга бўлиши керак. Визнинг ҳисоб-китобимиз бўйича вилоят ҳўжаликларида тайёрланаётган озуқаларда ҳар бир озуқа бирлигига ўртача 78-82 грамм ҳазм бўладиган протени тўғри келади. Демак, ҳўжаликларда сарфланадиган ем-хашакларнинг бутун ҳажмига йилга тахминан 67,8 миң тонна оқсил етишмайди. Буларнинг ҳаммаси озуқа сифатининг яхши эмаслигидандир. Аслида вилоят ҳўжаликларида оқсил етарли бўлмоғи керак, чунки йил фаслига қараб беда, оқсилга жуда бой озуқа, молларни озиқлантириш рационининг 33,4 дан 66,8 фоизини ташкил қилади. Лекин бедани ўз вақтида ўрадиган, йиғадиган дуруст маҳашаклар бўлмаганлиги тўғриси хашак тайёрловчиларнинг уришилари бу вақтда нучга чиқади. Рационларда оқсилнинг етишмаётганлигининг асосий сабабларидан бири—дон олиш учун ўқилрилган маъкамҳорини силослашда уни дағаллашган полсидан фойдаланиш ва озуқани силосдан технологиясиздан нўқсонлардир.

Озуқаларнинг оқсил қисмининг бойлигини бўйича ҳўжаликларда озуқавий қўшимчалардан карбамид, баллиқ мойи, ЗЦМ ва доказолар қўлланилади.

Рационларда оқсил етишмаётганлигининг сабабларидан яна бири—рационларнинг омухта ем ва қўнжара талқони билан етарли таъминланмаганлигидир.

Йил давомида ҳар бош сиғирга суткада фақат 1,5 килограмм, маҳсулдорлиги юқори бўлган сиғирларга эса 3-4 кило-

рамдан омухта ем берилади, холос. Молларнинг бошқа гуруҳлари—6 ойгача бўлган бузоқларни такрор ишлаб чиқаришга қолдирилган қочарларга, бўғоз сутдан чиққан сизирларга—омухта ем юда кам миндорда берилади. Бундай вазият бузоқлардан, бўрдоқдаги молдан юда кам қўшимча вази олинишига сабабдир. Шунинг учун ҳам бузоқнинг ўсиши ва ривожланиши ёшигиданоқ тўхтайдди, чунки бузоқ туғилганидан 6 ойгача сутчасига 300 граммдан, 6 ойдан 12 ойгача 350 граммгача, 12 дан 18 ойгача—372 граммгача ўсади, холос. 18 ойлигида қочарлар тахминан 210-240 килограмм тош босадилар. Кўнгина қочарлар биринчи марта 22-24 ойлигида 260-280 килограмм тирик вазни етганида қочиралади. Бу уларни физиологик нуқтан-назаридан қочиринга ўз вақтида тайёрланмаслигига олиб келади, натижада уларни ривожланишида, айниқса сут безларида тўхталниш бўлади.

Молларни балансланган ҳолда тўла қимматли озиқлантириниш—бу нормал ҳолатни ва ҳаётини, потенциал маҳсулдорлигини, энергия, озучавий ва биологик фаол моддалардан мажмал самарадорлик билан фойдаланиш натижасида сифатли маҳсулот олишни таъминлашдир.

Фақат шуида моллар юқори даражада маҳсулдорлик бўйича ўзининг потенциал генетик имкониятини тозага чиқара олади. Шундай сабабларга кўра соғим даврида 6-8 минг килограмм этрсида сут берадиган она ва сталардан келиб чиққан ва соғиб олинган наслдор қочарлар вилоят хўжаликларда туққанидан сўнг соғим даврида фақат 2200-2500 килограмм сут берадилар, холос. Чунки хўжаликда молларни балансланган, тўла қимматли рацион билан озиқлантириниш таъмин қилинганга имконият йўқ.

Вилоят хўжаликларида ем-хашак балансини билиш катта аҳамиятга эга. 41-жадвалдан кўришиб турибдики, ем-хашакни бундай баланси—молларни бир хил озиқлантиринишга имкон бермайди. Одатда, озиқлантирини баҳор охирида ва ёз ойларида бузилади, чунки хўжаликларнинг кўпчилигида силос, сенаж, лавлаги деярли тамом бўлганлигидан моллар фақат кўк беда билан беради. Бундай ҳолат вилоят хўжаликларида 1988-1991 йилларда вужудга келди, чунки бедазорлар майдони кўпайиб умумий экиладиган майдоннинг 15-17 фоизини ташкил қилди. Ғўза яқна ҳосилини авжига чиққан йиллари атиги 19-25 гектар бедаси бўлган хўжаликлар ҳам бўлган (Қўшқўшир, Хива, Бөгет, Ҳазораси ва Янгиариқ туманларидаги айрим хўжаликлар).

41-жадвал
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХҲЖАЛИКЛАРИДАГИ 1990 ИЙЛГИ
ЕМ-ХАШАК БАЛАНСИ, МИНГ ТОННА

Ем-хашак тури	талаб қилинади		таъмин қилинади		таъмин- ланиш %
	натурда	озуқа бирлиги да	натурда	озуқа бирлиги да	
Омухта емлар	173,8	139,1	88,9	84,7	61
Шу жумладан					
хўжалиқда етказилган дон	78,0	55,8	13,2	17,7	32
Омухта ем (давлат манбада)	85,8	77,0	72,1	64,9	84
Витамин уни	10	6,3	3,6	2,1	33
Ширали озуқалар— жаъми	200,5	50,3	270,0	51,2	102
Шу жумладан					
силос	193	38,6	230,3	46	119
Озуқавий далаги	97,5	11,7	40	5,2	44
Дагал хашаклар жаъми	203,1	81,9	220,3	75,2	92
шу жумладан					
беда пичани	144,3	67,8	54	25,4	37
Сенаж	—	—	68	21,8	—
Сомон ва бошқалар	33,8	8,1	80	22,4	28
Шелуха	25	6,0	18,3	5,6	93
Езги кўк ўтлар	678,2	115,3	523,9	94,4	82
шу жумладан					
айлевинки	150,6	25,6	7,4	1,5	6
Кўк ўт билан боқини	527,6	89,7	516,5	92,9	6
шулардан энилган ўтлар пичани	527,6	89,7	516,5	92,9	103,5
жаъми ем-хашак озуқа бирлигида	X	391,6	X	305,5	78
Шу жумладан омухта емларсиз	X	232,5	X	220,8	87

Шубҳа йўқки, бундай хўжалиқларда моллар бедани даярлик кўрмаганлар. Эндиликда эса бунинг тескарсис бўлмоқда— молларга ўз ойларида фақат кўк беда берилади, бундай озиқ-лантириш сабабли кавшовчи молларнинг, айниқса, сиғирларнинг овқат ҳазм қилувчи органларида номақбул ҳодисалар рўй беради, натижада сут ва сут ёғини ишлаб чиқиш камаяди.

Янгиариқ туманидаги А. Утар номли, Хивадаги Огаҳий номли, Шовотдаги Махтумқули каби чорвачилик бўйича илгор хўжаликларда сизирларни йил давомида бир хил озиклантириш қабул қилинган, бу хўжаликларда молларнинг маҳсулдорлиги йил давомида деярли ўзгармайди.

42-жадвал

**ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИКЛАРИДА 1966-1990 ЙИЛЛАРДА
ЧОРВА ҚИШЛОВИ БОШЛАНИШИДАГИ ЕМ-ХАШАКЛАР
ЗАХИРАСИ, 1 НОЯБРГА — МИНГ ТОННА**

	ў р т а ч а					
	1966— 1970 йил- лар	1971— 1975 йил- лар	1989— 1990 йиллар	1990— 1991 йиллар	1990—1991 йил	1990— 1991 йилларга % ҳисобида
Дағал хашаклар— жаъми	99,8	144,8	233,5	204,4	87,4	
шу жумладан						
беда пичани	27,0	22,4	69,1	54,0	78,1	
Сенаж	—	56,6	62,4	68,4	109,6	
Бошқа дағал хашаклар	6,8	12,1	92,0	70,0	76,1	
Ширали озуқалар— Маккажўхори силоси	188,3	197,5	265	230	86,3	
Индиз мевалилар	0,1	1,24	50	40	80,0	
Омухта емлар	—	—	34,3	36,2	105,5	
жаъми ем-хашак— Озуқа бирлигига ҳисоблаганда	84,2	113,6	184,4	179,3	97,2	
Қорамолнинг ҳар бир шартли молига тўғри келадиган ем-хашак, центнер озуқа бирлиги	11,2	11,56	18,8	19,2	102,1	

Жадвалда келтирилгандек, ем-хашак билан таъминланиш 78 фоизни, омухта ем билан эса 51 фоизни ташкил қилган, холос. Худди шунда Хоразм чорвачилигининг оғир аҳволи ишти-риниб ётибди ва шунинг учун, агарда вилоят чорвачилигини келгусида ривожлантириш ниятида бўлинса, аввало, молларга бериладиган дон ва омухта емларнинг бошқа турлари билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам дон учун экиладиган маккажўхори ва жўхори майдонларини кенгайтириши, кузги жавдар, арпа, сули, тритикалеларни экин керак ва ularни йиғиштиришдан сўнг — маккажўхори ва жўхорини қайта эймоқ лозим.

Донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш тўғрисидаги масала алоҳида қўйилмоғи керак. Илгорлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдани, Хоразм шароитида ҳам бир гектар сугориладиган ердан 50-70 центнер маккажўхори ва жўхори донини олиш мумкин.

42-жадвалдан кўришиб турганидек, 1990-1991 йиллар қишловида ҳар бир шартли мол ҳисобига 1966-1970 ва 1971-1975 йилларга қараганда анча кўп ем-хашак тайёрланган. Лекин 1989-1990 йиллардагига қараганда дағал хашак 29,1 минг тоннага, шу жумладан беда пичани 16,1 минг тоннага, маккажўхори сиксен 25,0 минг тоннага, илдиэ моваллар 10 минг тонна кам тайёрланди. Ҳамма тур ем-хашаклар эса озуқа бирлигида ҳисоблаганда 5,1 минг тонна кам бўлган. 1991-1992 йиллар қишловида эса ундан ҳам кам ем-хашак тайёрланди, одибатда қишловининг ўтишида жуда катта қийинчиликларга дуч келишди. Буларнинг асосий сабаби — чорвачиликка енд бийиз асоссиз қарорлар қабул қилинишидир.

Урганч ёғ-мой комбинатида етиштириладиган охириги маҳсулот — шрот ва шелухани вилоятда қолдирилиши — чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашда катта кўмак бўлар эди, чунки завод вилоят жамоа ва давлат хўжаликлари далаларида етиштирилган пахта уруғида ишлайди. Лекин мана кўп йил бўлдики шротнинг 60-65 фоизи, шелуханинг 55-60 фоизи ҳар хил баҳоналар билан вилоят ҳудудидан чиқариб кетилади.

Шунинг билан бирга, хўжаликларда ем-хашак имкониятидан энди мол сақлаш хўжаликда чорвачиликни била-кўра фойдасиз тармоқ қилиш демакдир. Бунда шундай тартибга қаттиқ риоя қилинмоғи лозим: балансламаган бирер ҳам килограмм ем-хашак ва молни фақат сақлаб турувчи озуқа бир кун ҳам бўлмалиги тушунилади. Биринчиси — дала ҳолати чорвачилик талабига мос келмоғи, иккинчиси — мол бош сони ем-хашак манбасига мос бўлмоғи ва учинчиси — озиқлантириш рацисни молларни бутун озуқавий моддалар, айниқса ўрнини босиб бўлмайдиганларга бўлган талабига мос келмоғи лозим. Бу тартиб-қоидаларга риоя қилиниб, мустаҳкам ем-хашак базаси барпо этилмоғи керак.

Молларни боғида ўтларни тайёрлаб бериш масаласи, ай-

ниҳса ем-хашак билан кам татминланган шароитда жуда муҳамдир. 1991-1992 йилги қишлоқ бешларида вилоят хўжаликларарида—С-7, С-12 озуқа аралаштирувчи, КВ—300 буг ҳосил қилувчилар билан жиҳозланган озуқа цехлари, 10 та озуқавий линиялар—озуқа сиксоналари бўлган. Уларда майдаланган дағал хашакка иссиқлик юбориш йўли билан вилоқ берилди, озуқа линияларида эса маълум нисбатда дағал, ширали озуқаларни, микроқўшимчалар, озухта емлар ва ҳоказолар аралаштирилади.

80-йилнинг бешларида деярли ҳамма хўжаликларда озуқа майдаловчи техника, озуқа аралаштирувчилар ва буг ҳосил қилувчилардан фойдаланилган ҳолда озуқа цехлари қўрилди. 1976 йилининг 1 январига вилоят хўжаликларарида ҳаммаси бўлиб 81 та дағал хашак майдаловчи, 19 та буг ҳосил қилувчилар ва 20 та озуқа пиширувчи ускуналар бўлган, холос.

Теп шундеки, бу вақтга келиб вилоятда шол сёмони ва чангалоқ анча миқдорда тайёрланадиган бўлди, уларни дастлабки вилоқ бермасдан ва бойитмасдан туриб, мол шитаха билан синаган. Бунинг устига қўшима рақбарлар элманлиб экиш далаларига режалаштирилган озуқавий экишларни экиш ўринга сёмон ва чангалоқ билан боқилган молдан кўп маҳсулот олиш мумкин деб ҳисоблайдиган бўлдилар.

Эндилликда озуқавий экишлар режалаштирилган майдонларга экишолда, сёмон ва чангалоқ керагидан зиёд ишлатилмай қолди ва шунинг учун кам 80-йилларнинг охирига келиб хўжаликларда КОРК-15 агрегатидан фойдаланган ҳолда озуқа линиялари нурида бешланди. Ундан ташқари хўжаликларнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда чизилган схемалар бўйича озуқавий экишлар нурилди. Шундай озуқа линияларидан бири 1987 йилда Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигида қурилди. Лойиҳани тузишда жамоа хўжалиги бешқарувчиси Отаназар Пириязаров (у мутахассислиги бўйича инженер-механик), туман деҳқончилиги саноат ускумаси мутахассислари ва шу йилларда Хива тумани Совети икреня қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган, ушбу сатрлар муаллифи қатнашдилар. Озуқа линиясини йилгида 4 дена ҳисобдан чиқарилган КТУ-10 озуқа таркагичлардан фойдаланилди, уларга тарқамалардан ҳар кил ишлаб чиқарини гуруҳларидаги молларни озилантириш рақонларига мувофиқ хашак берилди. Озуқа маълум нисбатда лентали транспортга берилди, бунга аралаш ем ва микро-макроқўшимчалар қўшилди. Бу озуқаларнинг ҳаммаси КСК-3 майда-

лагичга келиб тушади, унда майдаланиб КТУ-10 озуқа тарқатгичларда йиғилади, (лентали транспортёрнинг охирида биронтаси тўхтаб қолганида иккинчисини ишлатиш учун, 2 дона озуқа майдалагич ўрнатилган).

Озуқа линиясига берилишдан олдин дағал хашаклар (личан, сомон, бошқа дағал хашаклар), дастлаб майдаланадилар.

Озуқа линияси юқорисида оператор хонаси ўрнатилган. бу жойдан у хашак турларини белгиланган нисбати бўйича берилишни бошқаради. Озуқа линиясида тайёрланган аралашма мол томонидан иштаҳа билан ёйилади ва енгил ҳазм бўлади.

1992 йилнинг бошларида вилоятда бундай озуқа линияларининг 23 таси ишлаб турди.

Кўпгина хўжаликларда майдаланган сомон, чанғалоқ ва дағал хашакнинг бошқа турлари билан тўлдириладиган чуқурчалар қурилди. Чуқурча тагида диаметри 10 дан 20 миллиметрга-ча тешикчалари бўлган қувурлар етказилган, уларга буг ҳосил қилувчи ускунадан буг берилади.

Бундай хашак сув билан енгил намланади, унга буг берилганидан сўнг, хашак 4-5 соатга брезент билан бекитилади. Шу усулда тайёрланган хашак чуқурдан юк тортгич ёрдамида чиқарилиб, озуқа тарқатгичга юкланади, бир пайтнинг ўзида аралаш см аралаштирилиб бойитилади.

Мол рацонида олдинги йилларда дағал табиий ўтлар—бўён, қамши, янтоқ ва ҳасказолар салмоғи анча юқори эди ва албатта бундай хашак молга мўйдаланмай, буг билан қайта ишламай берилгани сабабли истеъмол этилмай, кўп исраф бўлар эди.

Бунда шולי сомонини анча миқдорда ишлатилишини ҳам айтиш керак. Молни шундай турдаги ўтлар билан узоқ вақт ичида беқини молни маҳсулдорлиги паст бўлиб қолишига олаб келди ва келтирилган зотли мол ўзининг потенциал имкониятларидан тўла равишда фойдалана олмади. Озуқа тайёрлашнинг илгор усуллари—майдалани, буг билан ишлов бериши, бойитиши, гарамларда актив равишда шамоллатиши, хамиртуриши ва ҳоказолар, хўжаликларнинг зооветеринария мутахассислари ва раҳбарлари кучи билан жорий қилинди. Паррандачиликда кўпинча қишда ва эрга баҳорда бундоғани ўстиришнинг гидропон усули кенг қўлланилди.

Вилоят хўжаликларида молни озиклантириши кўпинча ем-хашак бериладиган майдончаларда амалга оширилган, шу ернинг ўзида моллар сув ҳам ичардилар. Фақат қишнинг совуқ кунларидагина молларни хоналарда боқардилар ва улар сувин инди-

видуал сувни авто ичиргич—ПА-1 ва гуруҳли сув ичиргичларда ичар эдилар.

1992 йилнинг бошларида барча сут-товар, чўчқачилик ва паррандачилик фермаларида моллар маҳаллий шароитларни ҳисобга олинган намунали лойиҳалар асосида қурилган молхоналарда сақланар эди.

Ҳар бирида 80-100 беш сиғирни боғлаб сақлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш хоналари биринчи марта 50-йилларнинг ўрталарида қурилган. Лекин уларнинг таги тупроқ ер эди. Гўнг ҳар куни олинар, шундан сўнг мол тагига қуруқ қум тўшалар. Молларга сув қўлда ичирилар эди. Кейинчалик 60-70-йилларнинг бошларида молхоналар тахта, сўнг бетон пол қилинди. Шу йилларнинг ўзида биринчи марта гўнгни чиқариш механизмлари ва стационар ТВК-80 озуқа тарқатгичлар ўрнатилди. Лекин бетон пол жуда совуқ эди, моллар сил ва оёқ касалликлари билан оғриди. Бу ҳолатларни ўрганиб, мол тагини гиштдан пол қилишдек хулосага келдик. Бундай гишт-пол вилоятда биринчи марта Бобоғ туманидаги И. Дўсов номли жамоа хўжалигининг сиғирхонасига 1974 йилда ётқизилди. Ҳозирги даврда вилоятдаги деярлик ҳамма молхоналардаги полга пишган гишт ётқизилган, яхши ҳамми гишт хўжаликларда тайёрланаёпти.

70-йилларнинг бошларида хўжаликларда тахтали полдан воз кечдилар, чуқки улар, аввало, қиммат турарди, иккинчидан санитария талабларига жавоб бермайди. Ваҳоланки, уларга сийдик сингиб, молхоналарда жуда бадбўй ҳид ҳосил бўлади. Бундан ташқари, бундай полларда мол кўнлаб травматик шикаст олади. Бундай молхоналарда келтирувчи—тортувчи вентиляция системаси кўзда тутилган, кейинчалик гўнгни чиқариш учун ерда рельефол йўллار, ем-машақни келтириш учун—сма рельефол йўллари ўрнатилди.

70-йилларнинг ўрталарида чорвачиликни ихтисослаш ва бир ерга йиғишнинг кучайиши туфайли вилоятда намунали лойиҳалар асосида 400 сиғирга мўлжалланган 9 та сут комплексларини қуриш режалаштирилди. Лекин фақат 4 та—Хива туманидаги Ўзбекистон номли, Гурланддаги «Вазир», Ҳазораспдаги Ё. Маркe номли, Шовот туманидаги «Москва» жамоа хўжаликларидagina сут комплекслари қурилди. Гап шундаки, бу намунали лойиҳаларда Хоразм вилоятининг табиий—иклим, хўжалик шароитлари ҳисобга олинмаган, чуқки бир молхонада 200 ва ундан кўп сиғир сақлашнинг ўзи катта қийинчиликларни туғдиради. Ушбу сатрларнинг муаллифи шу йилларда

(1973-1978 йй), вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича муовини бўлиб ишларди ва унга юқоридан жуда қаттиқ «искананика»га чидашига тўғри келди. Туманлар ва вилоят мутахассислари билан биргаликда қатъиятликни намойи қилиб вилоят жамоа ва давлат хўжаликларининг сўт-товар фермаларида молларни сақлаш масалалари бўйича ўзларининг фикрини ҳимоя қилишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам бугун кўпгина хўжаликларда 2-3 жойнинг ҳар қайсида 200-250 бош сиғир сақланмоқда. Қўллари 100 бош сиғирга мўлжалланиб қурилди. Бу молхоналар маҳаллий материалдан —пишган гинг, пахса ва ҳоказолардан қурилди. Молхоналар узунлиги 72 м атрофида, кенлиги 10,5-11 метр, хона ўртасида 2 қатор охурлар қўйилган, уларнинг ўртасида 240 сантиметрдан катта бўлмаган озуқавий йўл, сиғир турадиган жойнинг узунлиги 168-180 см. га тенг эди.

Молларни кичик фермаларда сақлаш эпизотик ҳолатни бирмунча барқарорлаштиради, иккинчидан—фермаларни ем-хашак воситаларига яқинлаштиради, чунки ўрни хўжалиқининг узорланган қисмдан келтиришни ўзи мушкул ишдир.

Шунинг учун ҳам биз 800 ва ундан ҳам кўп сиғир сақлашга мўлжалланган йирик сўт комплексларини қуришдан воз кечдик.

Ўрамола молхоналарда кузги-қилин ва ерта баҳорги сўларда сақлашлари, бу даврда яхши ҳавода моллар бостирма ва охурлар билан жиҳозланган сиғирхона ёнидаги майдонга чиқарилади. Кейинги йилларда бостирма остида вакуум қувурларни ўрнатмоқда киришилди, улар ёрдамида баҳорги—ёзен, кузги сўларда сиғирларни соғадилар, сиғирхона ва бошиқа молхоналар санацияда сақланади. Бу майдонлардаги ва сиғирхона ичидаги охурлар 70-йилларда КТУ-10 озуқа тарқаткичлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда қуришни бошладилар. Ҳозир деярли ҳамма хўжаликлар ишлаганида оддий, лекин бугун озуқаларни тарқатишни уларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмаган жуда ҳам керакли бу механизмга эгадирлар.

Молхоналарда 60-70 - йилларда ТВК-80 тарқаткичлар ўрнатилар эди. Лекин бироз вақт ўтиши билан улар фойдаланишидаги қийинчиликлар учун ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Сўтчилиқда молларни сақлашнинг тўғри ташкил қилинган системаси иқтисодий ва иқтисомий вазибаларин самарали ечишга, кедрлардан яхшироқ фойдаланишга, жамоа ва ижара пудратини жорий этишга, касбларни қўшимча ва кам сонли ишчилар-

нинг нормаллаштирилган меҳнатини таъминлашга имкон яратди, бу—чорвачиликни жадал ривожлантириш шароитида айниқса муҳимдир. Бу борада 1982-1988 йиллари Хива тумани хўжаликларида бирдунча ишлар қилинди.

Ушбу сатрлар муаллифи шу йиллари Хивада ишлаган. Туман ва хўжаликлардаги чорвачилик мутахассислари билан биргаликда, (туман агросаноати уюммаси раисининг чорвачилик бўйича муовини Отабой Бобошов, тумanning бош зоотехники Наримбой Матқонов), ташкилий-хўжалик тадбирларининг бутун комплексини ўзига мужассамлаган, молларни сақлаш янгича системаси ишлаб чиқилди.

«Хива» жамоа хўжалиги мисолида (жамоа хўжалигининг раиси, инженер-механик марҳум Матмурот Отабоев), махсус программа бўйича кадрлар—хўжаликларининг бош мутахассислари ва ферма мудирлари ўқитилди.

Хўжаликларнинг конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда ситирларни узлуксиз-цех системаси асосида сақлаш жорий қилинди, бунинг учун 1983-1986 йилларда сутдан чиққан ва янги туққан сиғирлар учун молхоналар қуриш тавсия этилди. Айрим вазиятларда етарли шароитлар борлигида сутдан чиққан сиғирлар ва туғин цехлари ҳамда сут етиштириш, сутини кўпайтириш («раздой»), ва қочирини цехлари бир сиғирхонада жойлаштирилди. Қайд қилиш кераки, сутдан чиққан сиғирлар учун молхонани алоҳида қилиш сиғир сақлашнинг ҳамма тегишлиликда ҳам албатта қилиниши лозим бўлган тадбирдир. Худди сутдан чиққан даврда ҳимиланинг кучли эмбрионал (она ичиде), шаклланиши юқори сифатли овуз сутни ва елинини кўп сут ишлаб чиқаришга тайёрлаш бошланади, худди сутдан чиққан даврдан сиғирни туққанидан сўнг сутини кўпайтиришга доир чораларга («раздойга») тайёрлаш бошланади.

Туман хўжаликларининг ҳар бир сут-товар фермасида бўлишмалар (боклар билан туғруқхона ва бузоқхона—профилакторийлар), ташкил қилинди. Янги туғилган бузоқлар уч кун мобайнида она билан бирга бокларда сақланадилар. Бу чоралар ҳамда молларни сунъий қочирини ташкил қилинишидаги етишмовчиликларни бартараф этиш, сиғирлар қисирлигини пасайтиришга ва бузоқ олишни кўпайтиришга имкон берди. Масалан, молларни узлуксиз—цех системасида сақлашнинг тўли жорий этилган. Р. Мадамшинов номли, Огаҳий номли, «Хива» жамоа хўжаликларида 1986-1988 йилларда ҳар 100 бош сиғир ва қочарлардан барқарор равишда 87-90 ва ундан ҳам кўп бузоқ олинди.

Янги туққан сигирларни сақлашни яхшироқ ташкил қилиш учун улар айрим молхоналарга жойлаштирилди. Ўзи бўлмаса сут ишлаб чиқариш цехи жойлашган сигирхонанинг бир қаторида улар сақландилар. Янги туққан сигирларни айрим сақлаш-уларнинг сутини кўпайтириш чрсалари («раздой») билан боғлиқдир, чунки бу даврда сигирларни озиклантириш рацциони молларининг бошқа гуруҳларини озиклантиришдан бирмунча ажралиб туради.

Лекин сигирларни узлуксиз—цех системаси асосида сақлашни жорий этишнинг ўзи ҳали чорвачиликни жадаллаштириш, айниқса, меҳнат унумдорлигини ошириш масаласини ҳал этмайди. Масалан, «Ўзбекистон» Р. Мадаминов номли, Огаҳий номли, «Хива» жамоа хўжаликларида ҳар бир центнер сутни етиштириш учун 8,2-8,98 киши—соат сарфланган, энг яхши кўрсаткич эса 3-3,5 киши—соат атрофида бўлмағи керак эди. Туман фермаларининг техникавий жиҳозланганлигини яхшиланлишига қарамай (1986 йилнинг бошларида 1980 йилга қараганда комплекс механизация бир ярим мартадан зиёд ўсди), меҳнат унумдорлиги оскинлик билан ўсди, ҳар бир сут—соғувчи қарайдиган сигир сони кўпаймади ва туман бўйича ўртача 20 сигирга тенг бўлган. Бундай вазият механизацияни жорий қилишдан кутилган фойда олинмаганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби — механизация даражасининг молларни сақлаш технологиясига мос келмаслигида.

Маълумки, энг юқори меҳнат унумдорлигини молларни боғламасдан боқиб технологияси таъминлайди, лекин бундай технология подани кўп хўжалик—фойдали белгилари бўйича текис бўлишини талаб қилади: яхши тўшмама, ем-хашак билан тўла таъминланиш ва ҳоказо.

Хоразмда қабул қилинган сут берадиган молни боғлаб боқиб усули сигирларни индивидуал қараш ва улар маҳсулотини кўпайтириш учун («раздой») яхши шароитларни яратади, лекин бунда бир центнер сутни етиштириш учун меҳнат сарфи боғламасдан боқибга қараганда 1,5-2 марта кўпдир.

Шундай қилиб, чорвачиликни жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва шу асосда ниш ва чорвадорларни дам олиши учун энг яхши шароит яратиб мақсадда, молни сақлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шу тadbирни ҳал қилиш устида 1985-1988 йилларда Хива тумани раҳбарлари ва мутахассислари қатъий ишлаганлар. Бу борада илгор фан ва тажрибани ўрганиш мақсадида ушбу сатрлар муаллифи ва Огаҳий номли жамоа хўжалигининг

раиси Отаназар Пирназаров Москва шаҳрида қишлоқ хўжалигини электрификациялаш Бутунитифоқ илмий-тадқиқот институтида, Москва вилоятидаги Шелковск туманидаги «Память Иллича» номидаги илғор хўжалигида, Новосибирск шаҳрида чорвачилик илмий-тадқиқот институтида, Латвияда бўлиб иш усулларини ўрганидилар. У жойлардаги мутахассисларнинг иш таърибасини умумлаштиридилар ва тумanning конкрет хўжалик шартонларини ҳисобга олган ҳолда сут берувчи молни сақлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бунда молни боғлашда ва уни бўшатишда автоматик боғлагич ишлатилди, сигирлар «Тандем» сут қурилмасида соғилди. Бу технологияни жорий қилиш учун маълум тайёргарлик ишлари ўтказилди, бунинг учун 100, 150, 200 беш сигирга мўлжалланган сигирхоналар қурилди ва қайта тикланди, бу молхоналар ўзaro соғиш зали билан бирлаштирилди.

Аниқландики, сигирлар стационар соғиш қурилмаларда («Тандем», «Арча» ва ҳоказо турларида) соғилса боғлашиб, турган жойида соғилганига қараганда анча кам вақт сарфланади. Сут соғувчиларининг меҳнат сарфи 1,5-2 марта қисқаради.

«Хива» жамоа хўжалигида УДА-8А «Тандем» соғиш қурилмасида сигирларни механизм ёрдамида соғиш, қолган сутни охиригача соғиб олиш вакуумметрик босимдан соғиш стаканларини кейинчалик тўхтатиб, уларнинг сигирни елишидан ажратилдек операцияларни бажарувчи МВ-Ф-1 манипулятор ўрнатилди. Янги технология барча чорвадор ходимларга маъқул бўлди, чунки бу улар меҳнатини анча енгиллаштирди, меҳнат ундумдорлигини ва маошини қўпайтирди.

Хива туманидаги хўжаликларда жорий этилган сут берадиган молни сақлашнинг янги технологияси комплекс жараёнда бошқа туманларда етарли равишда қўлланилмади. Чунки бу даврга келиб халқ хўжалигининг тармоқлари, олдинги иттифоқнинг жумҳуриятлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар бўлди. Хўжаликлар буюртмалари қондирилмади, ишлатилаётган агрегатларга эҳтиёт қисмлар етишмади.

Шунинг билан бирга автоматик боғлагич вилоят хўжаликларида кенг ишлатиладиган бўлди. Ҳозирги вақтда туғруқхоналар деярли барча сут—товар фермаларда мавжуд, лекин уларнинг қўйиси намунали эмас, шу ерлик мутахассисларнинг ишчи чизмалари асосида қурилган.

Юқорида айтилганидек, сутдан чиққан сигирларни туғиш цехларини сигирлар соғиш ўртача бўлган фермаларда қўйиш

мумкин. Бундай лойиҳалар Хива туманидаги сўт-товар фермаларининг деярли ҳаммасида бор. Масалан, Огаҳий номли жамоа хўжалигининг сўт-товар фермасида бизнинг лойиҳамиз бўйича сўздан чиққан сигирлар учун молхона қурилади. бунда сигирлар туғиш яқинлашини билан туғиш цехига, боксларга яқинлашадилар, туғиш—боксларда ўтади. Туғишдан сўнг сигирлар шу ернинг ўзида, лекин янги туққан сигирлар қаторида 16-15 кунгача сақланади.

Янги туғилган бузоқлар 2-3 кун мобайнида боксда омасининг ёнида сақланади, кейинчалик шу ернинг ўзида жойлашган профилакторийларга ўтказилади. Бу ерда улар натавқаларда 20 кун мобайнида сақланади. Кейинчалик улар майдончага ўтказилади, бу ерда уларни 8-10 бош қилиб, гуруҳлаб сақлайдилар.

Бу хўжаликда Хоразм чорвачилигида биринчи марта подани тўлдирish учун ўстирилайтган қочарлар хўжинчалардан профилакторий давридан, яъни туғилганидан 20 кундан сўнг авратиб, алоҳида сақланадиган бўлди.

Қайд қилиш кераки, Гурлан, Шовот туманларининг айрим хўжаликлариди 80-йилларнинг ўрталарида бузоқларни совуқ усумда тарбиялаш қўлланила бошлади, натижада бузоқлар орасидаги исбўдгарчилик камайди.

Бу молхоналарга яшиган шундан нол ётирилган, тўндан тозалаш механизми—ТСН-3В ускунаси ёрдамида Сестирма тагидаги, кўп хўжаликда эса молхоналарга ҳам нол қар қуви бу ерда етарли бўлган қум, рош билан ёйилади.

Қайд қилиш кераки, 1967 йилгача вилоятнинг кўпчилиги хўжаликлариди бузоқларни йўдириб боқish усули қўлланилар эди, лекин бу усул бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатарди, сигирларни вақтидан олдин сўздан чиқишига ва уларнинг кўл ҳолларда қисир қолишига, сўт ва тўнг мақсуддорлигини пасайишига имкон яратарди, хўжаликка сигирларнинг асосий подасини тўлдирish учун тарбияланаётган қочарларни йўналтирилган тарзда ўстиришига ва фермада меҳнатни тўғри ташкил қилишига йўл қўймайди. Натижада сувий равишда ҳар бир боқиладиган сигирга тўғри келадиган соғим миқдори ва уни янги етиштириш камаяр эди, сўт соғувчиларнинг меҳнат уқумдорлиги пасайиб, уларнинг меҳнатига яраша нол тўлаш имкони бўлмас, хўжаликлар ҳам бундан натавқалар зарар кўрардилар.

Кўпгина хўжаликларнинг қониқарсиз ом-хашак базаси, намунали бузоқхоналар, туғруқхоналар ва профилакторияларнинг

йўқлиги, туғишни ўказиш ва бузоқларни янгича тарбиялаш бўйича бузоқлар ва мутахассисларнинг тайёр эмаслиги, бузоқларни онасидан ажратиб боқиш усулини жорий этилишини тўхтатишнинг асосий сабаблари бўлди.

Вилоят ижроқўмининг 1966 йил 29 январдаги 37-сонли қарори билан ем-хашак базаси ҳолатини ва ишлаб чиқариш мол-хоналарининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда 1966 йилда—26, 1967 йилда—41 ва 1968 йилда—22 жамоа хўжалиқларининг фермаларида бузоқни онасидан ажратиб боқиш усулига ўтish режалаштирилди. Наслдор сигирлари бўлган хўжалиқларда бузоқларни ийдириб ўстириш усулини қўллаш қатъий таъин қилинди.

Хўжалиқларда наслдор сигирлардан олинган бузоқларга қуйидаги сут ва ёғи олинган сут (обрат) ичириш схемаси қўлланилди: нуқул сут—200 кг, обрат—425 кг, маҳаллий ва яхшилланган сигирларнинг бузоқларига—180 ва 330 кг. Даврлар бўйича бузоқларнинг суткалик ўсиши қуйидагича мўлжалланилди: туғилганидан 2 ойгача—суткасига 600 грамм, 2 ойдан 6 ойгача—500 грамм.

Режалаштирилган тадбирлар қарорга мувофиқ асосан 1956-1970 йиллар давомида бажарилди ва 1972 йилдан бошлаб кўпчилик хўжалиқларда бузоқларни онасидан ажратиб тарбиялаш усули жорий қилинди. Бузоқлар туғилганидан сўнг, 2-3 кун давомида, онаси билан бокларда сақланадиган, кейинчалик профилакторийга ўтказиладиган бўлди. Ёзги вақтда улар бостирма остида, қишда эса—бузоқхонада гуруҳлаб сақланадиган бўлди.

Олдин зоотехника қонуи-қондаларида бузоқларни 6 ойлигида жинси бўйича ажратмоқ зарур дейилган эди. Лекин уларни туғилганидан сўнг биринчи кунларда ажратмоқ зарур, айниқса такрор ишлаб чиқариш билан шугулланувчи хўжалиқларда. Туғилганининг худди биринчи куниданоқ бузоқлар ажратилиб қабул қилинган сут ичириш ва озиқлантириш схемаси асосида йўналтирилган тарзда тарбияланмоғи лозим. Хўкиичалар хўжалиқдан тезда чиқиб кетадилар, улар, одатда, бўрдоқчилик пунктларига берилади. Шунинг учун ҳам бундан кейин бу масалага алоҳида эътибор берилмоғи керак, чунки бугун хўжалиқларнинг кўпчилигида бузоқ тарбияси қониқарсиз даражада қолмоқда.

Сут ичириш ва озиқлантириш бўйича тузилган схемалар бузоқнинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш керак эди, лекин, одатда бу схемага кўпинча амал қилинмайди. Бу-

тоққа 200 дан 350 килограммгача нуқул суг, 300-350 кг обрат ва ЗЦМ (сутнинг ўрнини босувчи модда), ичирилади.

Бузоқхоналарда молларга сув ичириш ПА-1 автоматик ичиргичлар ёрдамида, агарда улар кечаси боғланмаса— тоғораде гуруҳли ичиргичларда амалга оширилади.

Хоразм шаронтида атроф-муҳит шаронтилари, ҳаво ҳарорати, қушнинг нур сочиши каби факторлар молларнинг ҳаётий фаолиятида катта аҳамиятга эга. Қорамол иссиққа нисбатан совуққа яхшироқ мослашади. Бизнинг қузатувларимиз шунни кўрсатдики, ташқаридаги юғори ҳарорат ва қуш радиацияси организмнинг физиологик системасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, йилнинг энг иссиқ фасли— ёзда қонда лейкоцитлар миқдори камайдиганда— 7269 миңгача (қузда— 7553 миңг) ва гемоглобин фонзи 57,82 гача (қузда— 59,48 %).

Ёзда ҳавонинг баланд ҳарорати бўғоз, сутдан чиққан ситирларнинг тана ҳароратининг бирмунча кўтарилишига олиб келади— $38,93 \pm 0,8$ градус шунинг билан бирга томир уриши ва нафас олишнинг такрорланиши анча кўтарилган— туғиш чоғида $66,56 \pm 0,38$ $20,98 \pm 0,71$ бўлади.

Қузатувлар шунни кўрсатмоқдаки, молларнинг айримлари ёзги иссиқни ва қушнинг нур сочишини жуда ёмон ўтказадилар, уларда гамгинлик ҳолат, ёмон иштаҳа ва табиийки, маҳсулдорликнинг пасайиши содир бўлади.

Атроф-муҳитнинг организмга бўлган салбий таъсирини бирмунча пасайтириш мақсадида ёз пайтида вилоятнинг кўпгина хўжаликларидида молларни ЛСД ёрдамида совуқ сув билан чўмилтирадилар. Олдин, 70-йилларда, вилоят хўжаликларидида молларни хлор эритмаси билан тўлдирилган ванналарда профилактик ювишдан ўтказар эдилар. Моллар узун чуқурчада 15-20 метргача масофани сузиб ўтардилар. Бундай чўмилтириш моллар организмга кучли иссиқ ва нурланишдан сақланишида иссиқ таъсир кўрсатарди, уларни каналар ва бошқа қон-паразит организмлардан ҳимоя қиларди, лекин кейинги йилларда хўжаликларда бундай чуқурчалар йўқ қилинди, унинг ўрнига молларни душ остида чўмилтирадилар, тўғрироғи— ювиштирадилар.

Олдинги йилларда Қизилжар давлат хўжаликларидида молларни сақлаш жуда оддий эди, ҳозир эса улар бўлимларда қорамолни шамол томонидан жангал ва тупроқ билан ўраб олинган иссиқхоналарда, бузоқлар эса ертўлаларда сақланади. «Қизилжар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликларининг марказий

бўлимларида молни сақлаш учун намунали, ҳамма қўлайликларга эга бўлган молхоналар қурилган.

Тупроққалъа массивидаги давлат хўжаликларида йилнинг деярли ҳамма фаслларида мол намунали молхоналарда, ёзда эса бостирмалар остида сақланади, фақат ёзда бузқлар Амурдарё ўтовларида жойлашган катта бўлмаган ййловларга чиқарилади.

НАСЛЧИЛИК ИШИ

Наслчилик ишини яхшилаш ва сунъий қочиришни ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида отлар зотини яхшилаш билан шуғулланган Хоразм давлат отчилик корхонаси базасида 1957 йилда наслчилик иши ва қишлоқ хўжалик молларини сунъий қочириш бўйича вилоят давлат станцияси ташкил қилинди, унга шу йиллари зоотехник, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Иброгим Матқаримов директорлик қилган.

Давлат наслчилик станцияси мутахассислари олдида вилоятда урчитилаётган мол зотларини насллик ва маҳсулдорлик сифатларини таксимлаштириш бўйича изчил иш олиб бориш, жамоа ва давлат хўжаликларида зоотехника ишини ва наслчилик ҳисоботини тўғри йўлга қўйиш, хўжаликлар мутахассислари билан молларни бонитировкасини (молларни сифатли баҳолаш), ўтказиш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, подоби ремонт ва сотиш учун юқори маҳсулдорлиқ молни ўстиришни ташкил қилиш, давлат наслчилик китсбига молларни ёзиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил қилишдек вазифа қўйилди.

Давлат наслчилик станциясининг режали зотларни районлаштиришга мувофиқ юқори баҳоланган қочирувчи—буқаларидан жамоа, давлат хўжаликлари, бошқа ташкилотларга ҳамда қолхозчилар, ишчи ва хизматчиларга қарашли молларнинг зотдорлиги ва маҳсулдорлигини сунъий қочириш усулидан тўғри фойдаланиш йўли билан оммавий равишда моллар сифатини яхшилаш ҳам давлат наслчилик станцияси ходимларининг вазифасига кирган.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг 1972 йил 31 октябрдаги, қишлоқ хўжалик ва давлат хўжаликлари вазирлигининг 1972 йил 24 ноябрь № 388 (506 сонли) «Чорвачиликга наслчилик ишларини яхшилаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори асосида давлат наслчилик станцияси ва давлат наслчилик бирлашмалари системаси 1973 йилнинг 1 январидан давлат наслчилик корхоналари системаси қилиб

явгидан тузилди, улар қишлоқ хўжалик молларини сунъий қочирин билан бирга наслдор ва насли яхшилашнинг бузоқни тайёрлаш, келтириш ва сотиш билан шугулланганидан бўлди.

Давлат отчилиқ корхонаси замида бошқа ташкилот тузилганидан сўнг Су ердаги қочирувчи—айгирлар йўқотилди; давлат наслчилик станциясининг сунъий қочирин бўйича марказий пункти эса уруғ олиш учун мутахассислар билан тўлдирилди. Бу ерда 7 та қимматли қочирувчи—буқалардан уруғ олинар эди, уларнинг 6 таси қизил чўл ва биттаси қизил эстони эсларидан эди.

Сунъий қочирин пунктларини ташкил қилиш учун 23 та хўжалик жумладан Урганч туманида—11 жамоа хўжалиги, Гурлан туманининг Янгибозор зонасида—4 та, Хонқа туманида—4 та ва Қўнқўнур туманида—4 та жамоа хўжалиги белгиланди. 1957 йилнинг охирига бориб вилоятда 15 та жамоа хўжалигида сунъий қочирин пунктлари жиҳозланди ва мутахассислар билан тўлдирилди.

Давлат наслчилик станцияси қошида ташкил этилган техник-қочирувчилар тайёрлаш бўйича 20 кунлик курсларда «қин ойнаси» ёрдамидаги микрошприц усули билан уларнинг биринчи тўруҳи ўқитилди. 27 киши курсни муваффақиятли равишда тамомлади, бунинг билан вилоятда сунъий қочирин бўйича биринчи қадамлар қўйилди. 1957 йилда 938 сигир сунъий қочирилди.

Кейинчалик яна кўп хўжаликларда бу илгор усулга ўта бошладилар, шундай бўлсада, сунъий қочиринни жорий этиш сезилмади билан олиб борилди. Пунктларни ташкил қилиш ва сунъий қочиринни жорий этиш даври 1962 йилда фақат Шовот тумани жамоа хўжаликларидан тўла якунланди. 1962-1964 йилларда вилоятни деярли барча хўжаликларининг марказий фермасида сигир ва қочирин бешдаги қочарларни сунъий қочирин пунктлари ташкил қилинди. 1992 йилнинг бошларига келиб уларнинг сони 127 га етди, шулардан 85 таси намуналидир.

Давлат наслчилик станциясининг сунъий қочирин марказий пунктида ҳафтада 2 марта қочирувчи буқалардан уруғ олинарди, уни глюкозали нитрат ИВТ эритувчи билан эритиб, пенициллин шиначаларига қўйиб, озниқ-овқат термосларида муз билан вилоят хўжаликларига автомашина ва мотоциклда ташинларди. Шундай қилиб, 1962 йилдан 1973 йилгача ҳар йили вилоят бўйича 16 мингдан 20 минггача сигир сунъий қочиринлар эди.

Сунъий қочирин билан сигирларни қамраб олиш 1973

йилда 96 фондни ташкил қилди, яъни 1957 йилга қараганда 81 фондга кўпайди. Бундан ташқари 1965 йилда барча туманлардаги ветеринария даволаш станциялари қошида туманлар марказларида яшовчи ишчилар ва хизматчиларнинг сиғир ва қочарларини қочирish учун сунъий қочирish пунктлари ташкил қилинди. Шу йилларда сунъий қочирish марказий пунктида 19 қочирувчи—буқалар сақланган, улар зотлар бўйича қуйидагича бўлган: қизил чўл—17, қора-ола—2 бош буқаларнинг 9 таси элита—рекорд ва 8 таси—элита синфига мансуб бўлган.

1991 йили вилоят хўжаликларида 40511 бош қочирishга лаёқатли мол қочирилди, ундан ташқари 6031 бош қочирилган мол аҳолиники эди. Вилоятда зотларни режалаштириш бўйича қизил чўл зот режали зот деб қабул қилинган, лекин 1972-1973 йилларда юқори ташкилотларнинг буюртмаси бўйича вилоятнинг айрим хўжаликларига 400 бош қора—ола зотли қочар келтирилган, шунинг учун сунъий қочирish марказий пунктида қора—ола зотига мансуб 1-2 қочирувчи буқа сақлашга ружхат берилди.

Қорамолни сифатли баҳолаш (бонитировка), 1964 йилдан қисқартирилган усул бўйича йилига 9-19 минг бошдан бошланди.

1967 йилда қисқартирилган бонитировка билан бирга Ургач туманидаги ҳозирги С. Қаландаров номи жамса хўжалигида 289 бош мол тўла бонитировка қилинди. 1968 йилдан бешлаб бонитировка тўла усулда ўтказилади. Вилоятнинг зоотехникавий ҳисоб-китоб олиб борилаётган энг яхши 12-14 хўжалигида йилига 3 минг бошдан зиёд сиғир бонитировка қилинди.

1967 йилдан бешлаб ҳар йили барча хўжаликларда қочирувчи—буқалар синьедан ўтади, бу тадбирнинг мақсади—наследорлик қобилиятини аниқлаш ва келгусида улардан қўлда қочирish учун фойдаланиш, лекин бугунгача биронта қочирувчи—буқа ўзининг авлоди сифати бўйича баҳоланмаган.

Давлат наслчилик станцияси барво этилган кунидан бешлаб бувоқлар келгусида ишлатиш учун танланади. Вилоят наслчилик бирлашмаси 1954 йилдан 1991 йилгача хўжаликларга бошқа минтақалардан келтириб 56493 беш қорамол сотди. Кейинги 10 йил мсбайнида вилоят ичида 5259 бош наслдор мол тайёрланди.

Чорвачиликда озуқа базаси ва наслчилик иши ҳолатини бирмунча яхшиланиши, сунъий қочирishни кенг жорий этилиши, наслдор ва насли яхшилانган молни келтириш ҳамда ви-

лоят хўжаликларида бузоқ тарбиясига эътибор берилиши қорамолни сифатли яхшиланишига ва унинг маҳсулдорлиги ошишига олиб келди.

1974 йилнинг 1 январига келиб вилоят чорвачилик фермаларида зотли молларнинг салмоғи 88 фойзни ташкил қилди ва 1957 йилга қараганда 83 фойзга кўпайди.

1990 йилнинг 1 январига бўлган маълумотларга кўра вилоятнинг жамоа ва давлат хўжаликларида зотли молнинг салмоғи 93,2 фойзни ташкил қилди, шундан жамоа хўжаликларида—96,7 фойз, Гурлан, Хива ва Янгиариқ туманлари хўжаликларида—100 фойз, шу жумладан сигирларнинг салмоғи 91,4 фойзга тенг, жамоа хўжаликларида 98,8 фойзга. 10 тумандан 7 тасида—100 фойз. Шундай қилиб, вилоят хўжаликларида қорамолнинг, Қизилжар массивидаги давлат хўжаликларидан бошқасида, деярли барчаси зотли молдир.

Вилоят хўжаликларида урчитилаётган қўйлар, чўчқаларнинг деярли ҳаммаси зотлидир.

Қорамолнинг зотлилигини ва чорвачиликнинг озуқа базасини яхшилаш бўйича кейинги 15-18 йилда ўтказилган катта иш мол маҳсулдорлигини анча оширишга имкон берди. Мисалан, 1974 йилда ҳар бир беқилаётган сигирдан 1121 кг сўт, 100 сигирдан—62 бош бузоқ олинган, давлатга сотилган ҳар бир бош қорамолнинг тирик вазни 221 килограмми ташкил қилган бўлса, 1991 йили ҳар бош сигирдан соғиб олинган сўт 2292 килограммга тенг бўлди, 100 сигирдан 80 бузоқ олинди, бир бош қорамолнинг тирик вазни 349 килограмми ташкил қилди.

1976 йилда вилоятда сигир ва қочарларни кучли музлатилган уруғ билан сунъий қочирish бошланди, бунинг учун валюта пулига бир неча марта Америка Дьюар идишларининг 100 донаси сотиб олинди, кейинчалик бундай идишларининг яна 50 донаси келтирилди ва бугунги кунда вилоят хўжаликларидаги сунъий қочирish пунктлари Дьюар идишлари билан тўла таъминланган. Бу идишларда музлатилган уруғнинг гранулалари—196 даража ҳароратда суюқ азотда сақланади.

Вилоят давлат наслчилик корхонаси шу йиллар ичида азот келтирувчи махсус ГАЗ-66 автомашиналари билан таъминланди.

Аҳолидаги молнинг зоти, маҳсулдорлик сифатини яхшилаш мақсадида жумҳурият Президенти Н. А. Каримов томонидан 1990 йилнинг май ойида аҳоли яшайдиган ҳамма пунктларда аҳоли молига зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобида ишлайдиган пунктларни ташкил қилиш бў-

йича фармон қабул қилинди. 1992 йилнинг бошларида бундай гунктларнинг сони вилоят бўйича 39 га етди.

Олий ўқув юртларини тамомлаганларидан сўнг Хоразм давлат наслчилик станциясида ўз иш фаолиятларини бошлаган кўп муҳандис — чорвадорлар, ҳозирги кунларда раҳбарий лавозимларда ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб — чиқаришининг турли тармоқларида самарали ишламоқдалар. Булар жумласига Мадамнисв Умирбек — вилоят давлат назорати раисининг биринчи муовини, Машарипов Маримбой — вилоят «Гўшт-сут саноати» биришмасининг бош директори, Солаев Султонбой — шу биришмасининг етакчи муҳандиси ва ушбу сатрлар муаллифи киради.

Кейинги даврларда — 1991 йилгача давлат наслчилик корхонасининг директори бўлиб Иниль Гарибович Сабиржонов, 1991 йилдан 1992 йилнинг октябр ойигача Исмоил Абдуқодиоров ишлаганлар.

СИГИРЛАРНИ ТУҒИШГА ТЎҒРИ ТАЙЕРЛАШ. СУТДАН ЧИҚҚАН ДАВРНИНГ СИГИР ОРГАНИЗМИ УЧУН АҲАМИЯТИ

Чорва молларидан рационал фойдаланишнинг тўғри йўллариин излаш тарамолчиликда энг муҳим масалалардан биридир.

Бу масаланинг энг муҳим қисмлари — сигирларнинг сут маҳсулдорлигига уларнинг ёши, соғим даврининг ва у билан боғлиқ бўлган сутдан чиққан ва сервис — даврларининг давомийлиги, сигирнинг маҳсулдорлик ва сергўштлик сифатларига таъсир қилувчи озуқа ва иқлим шарт-шароитлари даражасини ўрганишдир.

Узоқ давомли маҳсулдорлик учун сигир сут ишлаб чиқишга бўғозликдан сўнг маълум вақт дам олиши лозим. Маълумки, ҳомиланинг сигир организмида ривожланиши учун ҳаётний ва муҳим озуқа моддаларининг баъзилари сарфланади. Лекин бу ҳаражатлар сут ҳосил қилинишига кетадиган ҳаражатларга караганда бирмунча кам миқдорни ташкил қилади. Сут ишлаб чиқариш жараёни қанчалик жиддий эканлигини қўйидаги миқдорлардан ҳам кўриш мумкин: бир килограмм сут ҳосил бўлиши учун сигирнинг сут безидан ўз таркибида тегишли моддаларга эга бўлган 500 килограммга яқин қон оқини керак. Сут безида ҳар минутда 0,7 грамм ёғ, 0,8 грамм сут шакари ва 0,6 грамм оқсил барло бўлади. 184

184. П. В. Кугенев. Соғлом бузоқларни ўстириш учун аччиқ-сут маҳсулотлари, Россельхозиздат, М. 1966.

Шартли равишда сигирнинг икки тур дам олиши мавжуддир: биринчидан — интенсив соғим даврининг бошланишида. Бу сервис — давр, яъни туққанидан натижалли қочирнишгача бўлган давр, у сигирни бўғозликдан дам олиши ҳисобланади. Иккинчидан — соғим даврининг охирида, туғишдан олдин, ҳомиланинг интенсив шаклланиш даврида — бу сутдан чиққан давр; у эса сигирни сут ишлаб чиқишдан дам оладиган вақтни. Икки давр ўзаро боғлиқдир. Демак уларнинг организм учун аҳамиятини назарда тутиб мақсадга мувофиқ давомийлигини белгилаш моллардан рационал фойдаланишда муҳим тадбирдир.

Сутдан чиққан давр деб сут ишлаб чиқаришнинг туғишдан сддин батамом тўхталанишидан туғишгача бўлган давр, сигир умуман соғилмайдиган вақтини ҳисоблайдилар. Бу давр сигир ҳаётида, унинг сут ва наслий маҳсулдорлигини кучайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди. Сутдан чиққан давр соғим даврида сигир организмидаги физиологик ўзгаришларни нормаллаштириш ҳамда келгуси соғим даврининг дастлабки кунларида сарфланадиган озуқа моддаларини тўйлаш учун керак бўлади.

Сутдан чиққан даврда, айниқса бевосита туғишдан олдин сигирнинг, семизлиги ўртадан юқори бўлиши лозим, чунки фақат шундай ҳолатдагина сигир организми туғишга тайёрланган деса бўлади. Ҳисоблашлар шунини кўрсатадики, сигир туғиш пайтида бирданига тирик вазнининг 60-65 килограммини йўқотгани (30 кг — буёқнинг ўртача вазни, 30-35 кг эса ҳомилани атрофидаги суюқлик ва «йўлдош» оғирлиги). Агарда сигир туққанидан сўнг ўрта семизлик ҳолатида бўлмаса, у бўлажак соғим даврида юқори маҳсулдорлик бера олмайди, албатта.

Эсада тутиш керакки, одатда серсут сигирлар сут бериш билан организмга кирган озуқа моддаларига қараганда кўпроқ модда сарфлайдилар. Маълумки, озуқанинг тўйимлигидан тахминан 24 фоизи сут ҳосил бўлиши жараёнида сарфланади, 29 фоизи — нуқул сутга айланади, фақат 47 фоизи мол ҳаётини бевосита сақлашга кетади. Шунинг учун агарда сутдан чиққан даврда сигир танасида озуқа моддаларининг керакли аҳтиёжини тўйланмаса, келажак соғим даврининг бошланишиданоқ сигир кўп сут бера олмайди ва зарур семизлигини сақлай олмайди.

Бундан ташқари, бўғозликнинг охири билан бир вақтга туғри келадиган сутдан чиққан давр мсбайнида ҳомиланинг айниқса интенсив эмбрионал ривожланиши рўй беради (ҳомиланинг вазни 2 мартадан зиёдроқ ўсади).

Сутдан чиққан давр давомида сигирнинг сут безидаги физиологик жараёнлар ўзгаради, бу овуз сутни ҳосил бўлиши би-

лан боғлиқдир. Маълумки, сут ишлаб чиқиш даврида сут безининг безсимон тўқимаси доимий ўзгармас бўлиб қолмай, безининг хўжайралари бузилади, уларнинг ўрнига янгилари ташкил бўлади, ана шу пайтда бузилиш жараёни тикланишдан устунлик қилади. Соғим даврининг охирида сут безларининг безсимон тўқимаси ҳажми бўйича анча камаяди, сут ишлаб чиқариш аста-секин пасаяди, энг охирида эса унинг бутунлай тўхталишига олиб келади.

Бўғозликнинг кейинги кунларида елининг безсимон қисмида қайта тикланиш жараёни рўй бера бошлайди, яъни олдинги жараённинг тескариси—тикланиш бузилишдан устунлик қила бошлайди. Сут безидаги бундай ўзгаришлар одатдаги сисир сuti таркибидан анча фарқ қиладиган овуз сuti ҳосил бўлиши учун организмда ўтадиган биологик жараёндир.

43 жадвал

СУТ ВА ОВУЗ СУТИ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ (% ҲИСОБИДА, ҚИЗИЛ ЧЎЛ ЗОТЛИ СИГИРЛАР БҮЙИЧА).

Кўрсаткичлар	овуз сuti, (охирича соғим),	сут (туғилдан кеин 10-кундаги)
Қуруқ модда	31,23	12,48
Ёғ	5,91	3,74
Оқсил	22,4	3,39
Шу жумладан казеин	9,81	2,69
Альбумин—глобулин	12,54	0,71
Сут шакари	2,53	4,39
Қул	1,21	0,78

Тўла қимматли овуз сutiнинг ҳосил бўлиши янги туғилган бузоқ ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Овуз сuti бузоқнинг меъда-ичак трактига тушадиган касаллик келтирувчи бактерияларни нобуд қиладиган даражада таъсир қилади, иммунитетлик ҳолати ва бузоқ ичагини дастлабки ахлатдан тозаланишига ёрдамлашади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шарафотида соғим даврида 4000 кг гача сут берадиган, войга етган қизил чўл зотли сиғирларнинг сутдан чиққан даври 45-50 кун давом этиши энг оптимал ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ўсиши ва ривожланишини тўхтатмаган, ёш, нимжон ва серсут сиғирларнинг сутдан чиққан даврини 50-60 кунга етказиш лозим.

Конкрет шаронда сугирларни сутдан чиққан давр давсвийлигини уларнинг семизлигини, соғлигини, ёшини, индивидуал хусусиятини, маҳсулот даражасини, олдинги соғим даврининг давсвийлигини, хўжалик озуқа базасининг ҳолатини, келгуси соғим даврида мўлжалланган сут миқдорини ва ҳаказоларни назарда тутиб белгилаш лозим.

Сугирни туғишга тайёрлаш одатда уни сутдан чиқаришдан бошланади.

СИГИРЛАРНИНГ СУТДАН ЧИҚИШИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Сугирларнинг сут ишлаб чиқишини мажбурий тўхтатиш учун қўлланиладиган ҳар хил ёра-тадбирларни сутдан чиқариш усуллари деб атайдилар. Сутдан чиқариш—сутдан чиққан давр бошланишининг дастлабки босқичидир. Бу тадбир елди мастит билан касалланишнинг олдини олишда, сугирлар сут маҳсулотини қўпайтиришда амалий аҳамиятга эга.

Машҳур зоотехник С. И. Штейман шундай ёзади: «Сугирларни тўғри ва ўз вақтида сутдан чиқариш—подаларни яхшилаш ишларида ва уларнинг маҳсулдорлигини қўпайтиришда катта аҳамиятга эга... Сугирларни тўғри ва ўз вақтида сутдан чиқариш—уларни янги соғим даврига тайёрлайди, соғим қўлайишига имкон беради, аксинча сутдан чиқариш—сут безининг нормал фаолиятини бузади».

Маълумки, сут эмизувчиларда, жумладан сугирларда, сут ишлаб чиқариш ички секретция безларининг гормонлари ёрдамида амалга ошади. Бу безларнинг иши соғиш ҳаракати билан нисман рағбатлантирилади. Соғим даврининг биринчи ярмида безларнинг табиий функцияси бундай рағбатлантиришдан устунлик қилади, chunki уларнинг функцияси лактоген (сут), гормонлари ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу пайтда сугирни сутдан чиқариш тўғри.

Бир неча ойдан кейин соғиш ҳаракати билан сут ишлаб чиқишнинг рағбатлантирилиши ҳал қилувчи роль ўйнай бошлайди, кейинчалик эса устунлик қилади. Бундай вазиятда сугирни сутдан чиқариш мумкин. Бундан ташқари, соғим даври охирида сут ташкил қилувчи механизм келажакдаги туғиш билан боғлиқ бўлган мол организмдаги ўзгаришлар йиғиндисини таъсирида қийналади.

Қорамолнинг ёвойи ва маҳаллий кам маҳсул турларида табиий «ўзи сутдан чиқиши» юз беради. Соғиладиган серсут

сигирларни сутдан чиқариш енгил эмас. Афеуски айрим ҳолларда бунда қўпол хатоларга йўл қўйилади. Қўпинча сутни охиригача соғиб олмасдан, уни елинда қолдирадилар. Натижада елин тезда сут билан тўлади ва уни яна соғиб олишга тўғри келади. Бу елинга табиий уқалаш (массаж) бўлиб, сут бези фаолиятини ва сут ажралишини кучайтиради. Демак, ҳоҳлаган натижага тескари вазият юзага келади ва сутдан чиқариш янада қийинлашади.

Сутдан чиқариш давомийлигига қараб сигирларни 4 турга ажратиш мумкин: биринчисига 7-9 ой соғилиб соғим даврининг охиригача бориб «ўзи сутдан чиқиб кетадиган», яъни сут ажралишини табиий тамом қиладиган сигирлар киради. Бундай сигирларда фақат елининг ҳолатини қузатиб бориш кифойдир. Бу сигирларнинг кўниси кесқарган соғим даври бўлади. Улар мақсадга мувофиқ бўлмаган сигирлар типига кирадилар.

Иккинчи тур—серсут, текис соғим даври, енгил сутдан чиқадиган сигирларни бирлаштиради. Бундай сигирларни 10-12 кунда сутдан чиқариш мумкин. Бу—хўжалик учун энг қулай тип.

Учинчи турга—серсут, текис соғим даври, лекин қийин сутдан чиқадиган сигирлар киради. Уларни 20-30 кун давомида сутдан чиқарадилар. Сигирларнинг эҳтимолга яқин тип.

Тўртинчи турга—сутдан чиқаришнинг охиригача сут ажралишини бутунлай тўхтатиб бўлмайдиган сигирлар бирлашади. Улардан соғимни 3-4 килограммгача пасайишига эришадилар ва қийин соғмай қўядилар, лекин албатта доимо елининг ҳолатига қараб юрадилар. Бундай сигирларнинг сут бези қолган сутдан бузиламайди, иккинчи ва учинчи типдаги сигирларда эса соғиб олинмаган озгина сут ҳам елини қотиради ва касаллаштиради.

Сутдан чиқаришдан олдин сигирнинг бўғозлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилиш лозим. Хўжаликларда қўпинча сигирни фақат урчитиш ва туғиш журналларидаги ёзилмаларга асосланиб сутдан чиқаришни бошлайдилар. Аммо ҳар бир урчитиш ёки суғий қочирини ҳам бўғозликка олиб келмаслиги мурдорларга маълум. Бевақт сутдан чиқаришда қилинган хато тузалмайди, чунки бунда қўпинча сут йўқолади. Шунинг учун ҳам сутдан чиқаришни бошлашдан олдин бўғозлигини тажрибали ветеринария ходими ректал текшириш билан аниқлаши керак.

СИГИРЛАРНИ СУТДАН ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ

Ҳозирги замон қорамолчилиқ тажрибасида сиғирларни сутдан чиқаришнинг бир неча усуллари бор. Оддий, яъни аста-секин сутдан чиқариш усули 15-20 кун давом этиб сутқада бир соғимни қолдириш усули билан соғимлар ўртасидаги муддатни узайтиришга, яъни соғим сонини камейтиришга асосланган.

Сиғирни сутдан чиқаришни бошлашдан олдин, аввало, сут миқдорини сақлашга имкон берадиган ем-хашакларни рақшондан аста-секин четлаштириб, озуқа таркиби ўзгартирилади. Бундай ем-хашакларга силос, илдизмава, барра ўт қиради. Улар сутдан чиқариш бошланиши билансқ молларга берилмайди. Шу пайтни ўзида кучли концентрат озуқалар бериш ҳам камейтирилади. Агарда хўжалиқда сиғир уч марта соғилса, сутдан чиқаришнинг оддий усули қуйидагича ўтказилади: 5-7 кун мобайнида уч мартадан 6-8 кун эса бир мартадан алмаштирилади. Кейинчалиқ сиғир бир кундан кейин, сўнгра, яъни, уч кунлардан ва шундай қилиб сутни батамом тўхтатишга қадар соғилади. Охириги соғилганидан 3-5 кун ўтказиб, еlining ҳолати текширилади (охирги сут соғиб олинади), шундан кейин сиғир тўла сутдан чиққан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган сутдан чиқариш тартиби умумийдир. Уни ҳамма сиғирларда ўзгартирмасдан қўллаш мумкин эмас. Ҳар бир сиғирнинг индивидуал ҳолатини батафсил текшириб, ёшикрет равишда ўтказиш лозим. Сиғир узоқ вақт сутдан чиқмаса, бироз вақт рақшондан кучли ва ширали озуқаларни бутунлай чиқариб ташлаб, фақат пичан билан боқилади. Айрим ҳолларда эса ҳатто сувдан ҳам чегаралаш керак.

Сиғирларни сутдан чиқаришни бошлашнинг бошқа усули ҳам бор: бу—вазирни ва сизидантиришни ўзгартиришдир. Маълумки, соғиладиган сиғирлар ўзларининг оғилдаги жойларига шунчалиқ ўрганиб қоладиларки, уларни бошқа жойга ўтказиш ҳатти-ҳаракатини ўзгариши соғимнинг камейишига олиб келади. Нерв системасининг доимий фаолияти (стереотипини) бузилиши сут ташкил толиш жараёни бузилишига, демак сиғирнинг тезроқ сутдан чиқишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим сут соғувчилар бўғоз сиғирларни сутдан чиқаришдан олдин молхонадаги ўз жойларидан бошқа, кўпинча четки жойларга ўтказадилар. Бундан ташқари, улар бу ерда соғиладиган сиғирларни соғиш ва озиқлантириш билан боғлиқ бўлган молхонадаги ҳаракатлардан камроқ таъсирланадилар. Бунда сут соғувчи уларни озиқлантириш сонини ҳам ўзгартиради.

Келтирилган сутдан чиқариш усуллариини узоқлиги бўйича учинчи ва тўртинчи турга кирадиган сийирларда қўллашни мумкин.

Сутдан чиқаришнинг оддий усулидан ташқари, ҳар томонлама қўлай, тезлаштирилган усули ҳам бор. Бундай усулда сутдан чиққан давр бошланганидан 6-8 кун олдин ширали ва концентрат озуқалар бериш бутунлай тўхтатилади, вазият, соғиш вақти ва сони ўзгартирилади. Икки-уч кун ўтгандан кейин сийир бир марта соғилади. Яна икки-уч сутвадан сўнг соғиш бир кун ўтказиб ва ундан сўнг бутунлай тўхтатилади. Шундай қилиб, сийир 6-8 кунда сутдан чиқади. Шунинг ҳам айтиш керакки, сийирнинг индивидуал хусусиятларига қараб рацциони камайтириш ҳар доим ҳам шарт эмас. Соғиш сони камайтирилса ва сийир одатдаги вақтдан бошқа вақтда соғилса сутдан чиқариш сиғиллашади. Сутдан чиқаришнинг тезлаштирилган усули фойдасига қуйидаги вазиятлар сабаб бўлади. Биринчидан, елининг безсимон қисмида инволюция (бузилиш), жараёни соғишни тўхтатгандан кейин тезроқ тамом бўлади. Иккинчидан, аста-секин сутдан чиқарилганда сийирга узоқ давом этган вақт ичида (10-20 кун), ширали ва концентрат озуқалар бериш чегаралавади. Натжиада сут ишлаб чиқиш тўхташи билан бир пайтда моллар жуда озиб кетадилар; шундан кейин уларни туғишига қараб етарли семизликка откашиш учун айниқса яхши боқишга тўғри келади; бу эса ҳар доим ва ҳамма ерда ҳам қилинавермайди. Лекин шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, тезлаштирилган усулни фақат елини соғлом бўлган сийирларда қўллаш мумкин.

Батамом сутдан чиқарилгандан кейин сийирлар елининг ҳолатига диққат билан қараш лозим. Агарда елини шишмаса, сут йиғилмаса, сутдан чиқариш амалий равишда тамомланди деб ҳисоблаш мумкин. Лекин соғишни тўхтатгандан бир неча кун кейин елини анчаланса, тўлвишса ёки шишса ва текшириб соғганда сариқ рангли сут, баъзан ёқимсиз ҳидли бўлиб ажралса, сутдан чиқариш жараёнини яна бир кунга узайтириш керак.

Айрим ҳолларда етарли даражада кузатиш бўлмаган тақдирда, елининг бир ёки бир неча паллалари яллиғланади. Организмнинг ҳимоя кучлари жуда ҳам кучсизланган бир пайтда бу оғир касалликни даволаш анча қийинлашади ва қўлингча сийирларнинг сут ишлаб чиқариш қобилияти бутунлай йўқолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам сийирларни сутдан чиқариш усуллариини мукаммал ўрганиш лозим. Агарда сийир-

нинг елини мастит ёки бошқа касаллик билан зарарланмаса ва кунига атиги 2-3 килограмм сут бераётган бўлса, соғиншни хоҳлаган вақтда тўхтатиш мумкин. Бундан ҳеч бир зарар бўлмайди. Бир неча кун мобайнида ели тўлиб юриб, кейинчалик зарарсиз ҳолатда аста-секин йўқолиб кетади. Агарда сут миқдори кўпроқ бўлса, юқорида таърифлаб ўтилган усуллارни қўлланиш тавсия қилинади.

Айрим вазиятларда мутахассисларнинг айби билан туғишгача 10-15 кун қолишига қарамай сигир соғилаверади. Натижада унинг сuti аста-секин кўная бошлайди. Бу пайтда сutiнинг қўлайиши, эҳтимол, лактоген (сут ҳосил бўлишида иштирок қилувчи), гормонлар ишлаб чиқарадиган безларнинг табиий вазифаси қайтадан бошланса керак. Шунинг учун сигирларни туғишидан 10-15 кун олдин сутдан чиқариш тавсия этилмайди ва уларни туғишгача соғиш керак.

Сигирни муваффақиятли сутдан чиқариш муҳим тадбирлардан бири бўлиб, бу иш сuti соғувчиларнинг малака даражасига ҳам боғлиқдир. Айрим ҳолларда эса сuti соғувчидек муҳим ишга етарли тажрибаси бўлмаган кишилар қабул қилинади ва уларга сигирлар гуруҳи ишониб тоғширилади. Бундай қилиш албатта ярамайди. Тажрибаси етарли бўлмаган сuti соғувчини янгор сuti соғувчига беркитиб, малакаси ошганидан сўнг унга сигирлар гуруҳини бериш мумкин бўлади.

Сут соғувчига сигирни сутдан чиқаришни бошлаш тўғрисида ветеринария ходимининг кўрсатма бериши тавсия қилинади. Лекин ветеринария ходими ҳар бир сигирнинг индивидуал ҳолатини яхши биладиган сuti соғувчи билан албатта маслаҳатлашмоғи, бригадир эса—соғим-ҳисобот журналида сигирнинг ҳақиқий сутдан чиққан кунини ёзиб қўйиши керак.

Муваффақиятли сутдан чиқарилгандан кейин сигирни туғишга тайёрлашнинг энг масъулиятли пайти бопланади.

СУТДАН ЧИҚҚАН БУГОЗ СИГИРЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Сутдан чиққан даврда сигирларни яхши озиқлантириш ва қўлай асраш шароитлари яратилиши муҳимлигига етарли баҳо бермаётган хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар катта хатога йўл қўядилар. Бу даврда яхши озиқлантириш—келгуси соғим даврида сигирдан юқори маҳсулот олиниши туфайли албатта иқтисодий самара беради.

«Қатъий қилиб айтганда,— дейди Е. А. Богданов,—олинмаган бузоқларнинг келажакда исталган майда ўстириш она қорнидаги даврида бериладиган парварнишга боғлиқ. Молнинг

келажакда соғлом, касал, заиф, қувватли, келишган бўлишига ва бошқа камчиликлар билан туғилишига мана шу даврда асос солинади. Чунки бунда она танасида жинсий элементларнинг шаклланишида бу ҳодисалар, яъни эмбрион ривожлана бошлаганда ва ҳатто уруғлангунча рўй берса-да, келгуси молининг тақдирин учун бсфарқ эмас». ¹⁸⁵

Сутдан чиққан даврда бўғоз сигирлар парваришини тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир. Туғиш вақтида сигирнинг тирик оғирлиги анча камайишини ҳисобга олиб сутдан чиққан давр мобайнида, унинг давомига қараб, ўргача тирик вази 25-50 килограмм ва ундан ҳам кўпга яъни тирик оғирлигининг 5-10 фоизга кўпайиши ва сигир туғиш вақтига келиб ўртадан юқори семизликда бўлишини таъминлаш лозим. Бўғоз сигирнинг вазини бу даражага кўпайтириш фақат нормали ва тўла нимматли озиқлантириш асосида амалга оширилади.

Бўғоз сигирларни тўйдирмай боқишдан ҳам, кўп тўйдириб юборишдан ҳам сақланиш керак. Етарли тўйдирмаслик она қориндаги ҳомиланинг ривожланишини бироз тўхтатса ва келгусида маҳсулдорлигини пасайтирса, сигирларга кўп озуқа бериш ҳомиланинг ҳаддан ташқари ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида туғиш жуда қийин ўтиб, ҳатто бузоқ эмас, сигирнинг ўзи ҳам небуд бўлиши, соғин даврида аса—сут камайиши, сигир ўз вақтида куйга келмаслиги мумкин.

Сигирларни туғишга яхши тайёрлаш учун сутдан чиққан сигирлар озуқа рационлари таркибида етарли миқдорда протейн, углевод, минерал моддалар (кальций ва фосфор), витаминлар бўлиши керак.

Бўғоз ва сутдан чиққан сигирларни озиқлантириш даражаси уларнинг соғлиғига, семизлигига ва кутилаётган соғим миқдорига боғлиқдир. Агар сигирдан юқори сут маҳсулоти кутилаётган ва ўтган соғим даврида улар ўз вазини йўқотган бўлсалар, қормадан кўпроқ озиқлантириш керак.

Сутдан чиқарин пайтига келиб сигирлар организмиде озуқа моддалари запаси бўлса, улар ўртача озиқлантирилади. Агар сигир семизлиги ўртадан юқори даражада бўлса сутдан чиққан даврда сигир организми ва унинг фаолиятини сақлаб турадиган рацион сал ошқроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундай сигирларга энг яхши озуқа сифатида дуюккакли пичан, бироз маккажўхори силоси бериш ёки серўт ййловда боқиш тавсия этилади.

¹⁸⁵ Е. А. Богданов, Бузоқларни ўстириш принципларини асслан, М. Сельхозгиз, 1947.

Бўғоз сигирларнинг озуқа раціони силос, илдиэ мевалилар, концентрат аралашма ва сифатли дўккакли пичандан ташкил топади. Бундай раціонда етарли даражада протени, минерал модда ва витаминлар бор.

Ем-хашакларда кальций ва фосфор элементлари етишмаганда раціонга тегишли қўшимча: бўр, преципитат, суяк уни қўшилади. Ош тузи нормаси сигирнинг ҳар 100 килограмми тирик овирлигига 8-10 граммдан тўғри келиши керак. Агарда пичан бутунлай йўқ бўлса, уни юқори сифатли ёзлик бугдой сомон билан алмаштириш мумкин.

Сутдан чиққан сигирларни боқишда махсус нормалардан фойдаланиш тавсия этилади. Уларда молларнинг ҳаётини сақлаш, ҳомилани ривожлантириш ҳамда сигир танасида озуқа моддаларни йиғиш талаблари ҳисобга олинган. Бу нормалар сутдан чиқиш даврида ўртача семизликда бўлган сигирларга мўлжалланган. Ёш, ўсаётган, ўртадан паст семизликдаги сигирлар учун озиқлантириш нормаси ҳар бир озуқа бирлигига 110-120 грамм хазм бўладиган протени, 9-10 грамм кальций, 5-6 грамм фосфор, 40-50 миллиграмм каротин бўлган 1-2 озуқа бирлигидан кўпайтирилади.

4-жадвал

БУҒОЗ ВА СУТДАН ЧИҚҚАН СИГИРЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ НОРМАЛАРИ (СУТДАН ЧИҚҚАН ДАВР ДАВОМИ 60 КУН).

сигирларнинг тирик вазни, кг.	озуқа бирлиги	суткада бир бошга талаб қилинади				
		хазм бўладиган протени, г.	ош тузи, г.	кальций, г.	фосфор, г.	каротин, мг.
3000 кг-гача бўлган планли соғимда						
300	5.0	600	30	45	25	200
350	5.5	660	35	55	30	220
400	6.0	720	40	60	35	240
450	6.5	780	45	70	40	260
500	7.0	840	50	80	45	280
3000 кг.-дан 5000 кг.-гача бўлган планли соғимда						
350	6.5	780	40	65	35	325
400	7.0	840	45	70	40	350
450	7.5	900	50	80	45	375
500	8.0	960	55	90	50	400
550	8.4	1010	60	95	55	420
600	8.7	1050	65	100	60	440
650	9.0	1080	70	110	65	450

44-жадвалда сутдан чиққан даврда сигирни озиқлантириш учун зарур бўлган ем-хашак нормаси ва миқдори кўрсатилган. Айрим кунларда эса сигирларни озиқлантириш ўртача ҳар бир сутка учун белгиланган нормалардан бошқачароқ бўлиши мумкин.

Озиқлантиришни қуйидагича ўзгартиш тавсия этилади. Сутдан чиққан даврнинг биринчи декадасида норма 10-15 фоизга камайтирилади, иккинчисида—тўлиқ норма берилади, учинчи ва тўртинчи декадада—норма 10-20 фоизга кўпайтирилади, бешинчида—5-10 фоизга камайтирилиб, туғишдан бир ҳафта олдин норма яна 10-15 фоизга камайтирилади (бешинчи ва олтинчи декадаларда озиқлантириш нормасини камайтириш яхши семизликдаги ва серсут сигирлар учун, ўрта семизликдаги ва нимжон сигирларга рационни камайтириш шарт эмас).

45-жадвал
Бўтоз, сўтдай чўддан ёй. ирларнинг озуға моддаларига бўлган талаби нормалари (бир бошга, бир суткада)

Кўрсаткичлар	Вояга етган сигирлар учун (3 ва ундан кўп туўқан)		Биринчи марга туўқан	
	400	500	400	500
Тўрик вази (кг)	8,3—10,1	10,5—12,0	12,0—13,8	11,1—12,6
Кўриқ можда (кг) энергетик озуға	7,5—8,6	8,9—10,2	10,2—11,7	11,1—12,7
бўрлинч	1,15—1,31	1,34—1,56	1,56—1,79	1,44—1,64
протеин (кг) хом	0,80—0,91	0,95—1,08	1,08—1,24	1,18—1,35
ҳазми бўладиган	2,48—2,82	2,94—3,20	3,36—3,86	3,10—3,53
клетчатка (кг)	0,62—0,71	0,74—0,90	0,84—0,97	0,91—1,05
соф кул (кг)				
макроэлементлар ва тузлар ош тузи	44—51	53—60	60—69	55—63
фосфор	44—51	53—60	60—69	55—63
кальций	56—64	63—82	75—87	70—79
магний	10,6—12,1	12,6—14,4	14,4—16,5	13,3—15,1
калий	62—71	73—84	84—97	78—88
микроэлементлар (мг)				
мис	89—101	105—120	120—138	111—126
кобальт	4,4—5,0	5,2—6,0	6,0—6,9	5,5—6,3
руҳ	178—202	210—240	240—276	222—252
марганец	534—606	600—720	720—828	666—756
темир	620—710	735—840	840—970	777—880
йод	887—1010	1050—1200	1200—1380	1110—1260
каротин	355—404	420—480	480—552	444—504
витами АД (миг) интернационал				
бирлик)	5,3—6,1	6,3—7,5	7,2—8,3	6,7—7,6
кислоталик эквивалентларини				
нишқорларга бўлган	0,6	0,6	0,6	0,6
нисбатини				
				13,1—15,0
				9,4—10,7
				1,70—1,95
				1,18—1,35
				3,67—4,20
				0,91—1,05
				65—75
				65—75
				82—100
				15,7—18,0
				91—105
				131—150
				6,5—7,5
				262—300
				786—900
				910—1050
				1310—1500
				524—600

Сутдан чиққан сизирларни нормал озиқлантириш уларга тўла қимматли, етарли ем-хашаклар, (сифатли пичан, маккажўхори силоси ва илдиш мева), бериш ҳисобига эришилади. Пичан, айниқса, бошоқли - дуккаклилар, сизирни тўла қимматли протени, шакарлар, минерал моддалар, Д-витамини ва қисман ғаротин билан таъмин этади.

1975 йили 200 минг беш туғадиган товуқга мўлжалланган паррандачилик фабрикасининг қурилиши тўла ҳажмда тамом бўлди. Шу йилнинг ўзида жумҳурият ҳўкумати бу фабрикада ўтти бўйича қайта жиҳозлаш лойиҳасига тошшириқ берди қарор қабул қилди, бу тадбир товуқхоналардаги технологик асбоб-ускуналарни алмаштириш ҳисобига туғадиган товуқлар сонини паррандачилик фабрикасида туғадиган товуқлар учун 38 товуқхона, жўжалар учун 19 жўжа хона қурилган. Фабрика ишлаб чиқариш қувватини кўлайитириш натижасида қайта жиҳозлаш кубация цехи қурилиши мўлжалланган эди. Фабрикани қайта жиҳозлаш ишлари, асосан, 1982 йилда тамом бўлди, унинг умумий смети баҳоси 11 миллион сўми ташкил қилди.

500 минг туғадиган товуқга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси йилига 100 млн. дона тухум, 1000 тонна парранда гуштини етиштириши лозим. Лекин кейинги йилларда фабрика 65-68 млн. тухум етиштиришди, холос, чунки туғадиган товуқ

1982-1984 йилларда фабрика директори бўлиб Саъдулла Жабберганов (мол доктори), ишлади. 1984-1991 йилларда зоотехник Отаназар Жуманиёзов, 1991 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб олим-зоотехник Янгивбой Рўзметов директор қилиб тайинланди, олдинроқ у фабрикада зоотехник бўлиб ишлаган эди.

Кўриниб турибдики, 1-паррандачилик фабрикасида директорлар тез-тез алмашиб турдилар, лекин 1991 йилнинг октябрь ойида 10 дан зиёд товуқхона тугадиган товуқ бўлмаганлиги туфайли бўш қолди, чунки фабрикада кейинги йилларда подани такрор ишлаб чиқариш бўйича деярли иш қилинмади.

1991 йили фабрика тухум ишлаб чиқариш ва тайёрлаш режасини bajармади. Бир тугадиган товуқдан 195 тадан тухум олинди. Режадаги 70 млн ўрнига 65,6 млн дона тухум етиштирилди.

Олдинроқ фабрикада оқ рус товуқ зоти урчиқлар эди. Кейинчалик «хайсекс — оқ» линияси, ҳозир эса «Белорусь-9» дарагай товуғи боқилмоқда.

120 минг тугадиган товуқга мўлжалланган Хива паррандачилик фабрикаси қурилиши 1984 йилда бошланиб, 1989 йилда аяқланди.

Қурилатган паррандачилик фабрикасининг биринчи директори қилиб Рустамбой Мадримов тайинланди. Қурилиш қилинадиган жой Қизилқумнинг барханлари ўрнида, Хива туманидаги «Дошёқ» қишлоқ Совети ҳудудидан танланди. Бу парранда фабрикасида ВКМ-3 катакчалар турида — жўжалар, ВКН турида тугадиган товуқлар ва КБР—2 қаватли турида — она пода сақланади.

Фабрикада Фаргона паррандачилик фабрикасида келтирилган «Белорусь» крессидagi паррандани урчиқдилар.

1991 йили фабрика режадаги 24 млн дона ўрнига 31,8 млн дона тухум етказди, ҳар товуқдан 192 дона тухум олинди. Ундан ташқари фабрика 439 тонна парранда гўшти етиштирди. Шундай қилиб, Урганч ва Хива паррандачилик фабрикалари 1991 йили 96,0 млн дона тухум етиштирдилар. Бу тухум вилоят аҳолиси эҳтиёжига етарли деб ҳисобланиб хато қилинди, чунки кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлариди бирданга паррандачилик фермалари тугатилади. Шу йилнинг ўзида 10 млн дона тухум Тошкент шаҳрига иборилиши натижасида вилоятда тухум етишмай қолди, шунинг учун ҳам 1991 йилда жамоа ва давлат хўжаликлариди парранда фермаларини қайта тиклашга тўғри келди.

1992 йилнинг январига келиб, 127 жамоа ва давлат хўжа-

лигидан 97 тасида парранда фермасига эга едилар ва улар 1992 йили давлатга 11,0 млн. дона тухум топширишлари лозим. Бу хўжаликларда парранда бош сонининг ўсмайтганлигининг асосий сабаби — паррандачилик аралаш ем билан қоний-карсиз таъминланганлигидир. 1991 йили вилоят хўжаликларига жами 569 минг бош туғадиган товуқ сақланди. 1991 йили улар 106,0 млн. дона тухум ишлаб чиқдилар.

Хўжаликлар парранда аралаш емини деярли олмайдилар, чунки бу тур озуқа паррандачилик фабрикаларига ҳам етишмайди. Парранда аралаш емига қўшимча компонентлар етишмаганлиги туфайли Хонқа дон комбинати вилоятнинг товар хўжаликларига парранда аралаш емини етказиб бериш имкониятига эга эмас. Келажакда бу масала иқтисодий ҳал бўлмоғи керак. Вилоят жамоа, давлат ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳам парранда аралаш емини олишлари керак.

Ишда 3,4 млн. бройлерга мўлжалланган Урганч бройлер паррандачилик фабрикасининг қурилиши 1979 йилда бошланди. 1981 йилнинг июнь ойида фабриканинг биринчи навбатини қуриш якунланди ва йил охирида 14,2 тонна парҳез бройлер гўшти етиштирилди. 1982 йили фабрика 935 минг дона тухум ва 261 тонна гўшт, 1983 йили 2254 минг дона тухум ва 557 тонна гўшт етиштирди.

1983 йилининг охирида парранда фабрикасининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. 1986 йилдан бошлаб фабрикада тухум ишлаб чиқариш тўхтади, лекин бройлер фабрикалари насличлик тухумсиз қолдилар, бу бройлер гўшти етиштиришидаги қийинчиликларнинг бирдан-бир сабаби бўлди. Тухумлар жумҳуриятнинг бошқа региондаги бир неча парранда фабрикаларидан келтирила бошлади. Кондицион тухумлар деярли йўқ эди, шунинг учун жўжа очирини фойзи 1989 йилда кескин камайди, асбоб-ускуна — механизмлар ишида тез-тез узиллишлар, уларга эҳтиёт қисмлар етишмаслиги, иссиқ иқлим $+32 \pm 40$ даража С ҳароратда КИО — 12,5 кондиционерлар ҳавони маълум даражада сақлаш имкониятига эга эмаслар), сабабли парранда пубудгарчилиги кескин кўнайдди. Маънаф етишмаганлиги туфайли 1989 йили 27 товуқхонадан 6 сени қайта жиҳозлаш учун бошланган ишлар 1991 йилда ҳам якунланмади.

Нормал сақлаш шароити бўлмаганлиги бройлерни технологиядаги 70 кунда сўйиш ўрнига 50-55 кунда сўйишга мажбур қилди, уларнинг сўйилишидаги тирик вазни режадаги 1,3 кг ўрнига 1,1-1,2 килограмми ташкил қилди.

1981 йилдаёқ бу масала жумҳурият ҳокимияти ва «Узптицепром» олдига қўйилган, у ижобий ҳал бўлган эди, лекин кейинчалик бу масала қандайдир сабабларга кўра бажарилмай қолган. Шундай қилиб 4 та бройлер паррандачилик фабрикаларини наслик тухум билан таъминлайдиган наслик парранда репродукторини вилоят ҳудудида қуриш масаласи қаттиқ туриб ҳал қилинмоғи лозим.

Муҳимлигида бундан кам бўлмаган иккинчи масала—жуда кўп маънавий эскирган асбоб-ускуналар тўпланиб қолган паррандачилик фабрикаларини қайта жиҳозлаш масаласини кун тартибига қўймоқ лозим. Бунинг учун етарли маблағ ажратилмоғи даркор.

Қурилаётган Урганч бройлер паррандачилик фабрикасининг биринчи директори қилиб Назар Юсупов тайинланган. Унинг мутахассислиги инженир-қурувчи, ўрта махсус зоотехникавий маълумотига ҳам эга бўлган. Ундан сўнг фабрикада Бахтиёр Рўзметов (зоотехник), Комилжон Маткаримов (мол доктори), В. В. Снежков (қурувчи), 1989 йилдан бери Каримов Раҳимбой (зоотехник), директорлик қилганлар. 1990 йилда Урганч шаҳрида 2-Урганч паррандачилик фабрикасининг гриль-барни ишга тушди, шунга ўхшаш гриль-барлар Хива ва Дўржа шаҳарларида ҳам қурилди.

1988 йилгача бройлер паррандачилик фабрикада «бройлер-6» кросс-линияга мансуб тухумлардан жўжа очиб урчи-тизди. Ҳозир эса наслик тухум турли жойдан олинганлиги туфайли, топилган наслик тухумлар счирилади—«гидро-6», «Смена» ва ҳоказо.

1992 йилнинг март ойида «Узптицепром» Хоразм вилоятидаги 6 дан 4 та парранда фабрикасида инкубация ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилгани учун товухсналар сана-цияга қўйилди. Сабаб—парранда еми йўқлиғидир. Шундай бўл-сада паррандабоқарлар халқни парранда гўнитига бўлган эҳтиё-жини қондириш мақсадида астойдил меҳнат қилдилар.

Паррандачилик соҳасида ишларни муваффиқлаштириш, тех-нологик сиёсат бирлигига риоя қилиш, вилоят паррандачилик хўжаликларининг давлат мулкни бошиқариш мақсадида 1992 йил 30 сентябрьда вилоят «Хоразмпарранда» паррандачилик ассоциацияси тузилди. Унинг биринчи раиси этиб Б. О. Аб-доллиёзов тайинланди.

ҚУЧИЛИК

Хоразм вилоятида жамоат секторида 1974 йилнинг бешла-рида ҳаммаси бўлиб 168,6 минг бош қўй ва эчки бўлган.

уларнинг кўпчилиги қисми Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Тахтақўпир туманидаги қўмқ ййловларда, Туркменистоннинг Дарғонота туманида, Қорақалпоғистон ва Бухоро вилоятининг «Саримой» ййловларида боқилган.

Вилоятда қўй боқиш учун ййлов мутлақо бўлмаганлигини ҳисобга олиб, жумҳурият ҳокимиятининг қарори билан 121 минг бош қўй-эчки 1974 йида Қорақалпоғистон хўжаликларига берилди. Вилоятда қўм билан чегарадош бўлган хўжаликларгина қўйларни сақлаб қолдилар.

1992 йилнинг 1 январига вилоят хўжаликларида 26,0 минг бош қўй-эчки бўлган, улар вилоят ҳудудида ҳамда Туркменистоннинг Дарғонота туманидаги қўмли ййловларда сақланган, чунки бундан 25 йил илгари 1967 йида Туркменистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Дарғонота массивида 200 минг га қўмли ер вилоят хўжаликларига 1992 йилнинг июль ойиғача фойдаланиш учун берилган. Эндиликда шу муддат ўтмоқда, шунинг учун муддатни яна маълум вақтга чўзиш тўғрисида Туркменистон ҳокимиятида руҳсат олмақ даркор. Чунки 35-50 минг бош қўй-эчкини вилоят ҳудудида сақлаш иложи йўқдир.

Хўжаликдаги мавжуд қўй-эчкидан 1991 йили 197 тонна қўй гўшти, 4005 дона қорақўл териси, 30,3 тонна жүн етиштирилди. Қўйлар жуда яқин шаронда боқилмоқда, чунки Дарғонотанинг қўмли ййловлари сугорилмаган, кафолат берадиган озуқа йўқ, қудуқлар кам, қўйлар ичадиган сув 50-60 км масофада қўмининг ичига ташилади.

Қуз қушларида, маккажўхори ва бошқа эчкиларни ййғиштириб бўлгандан сўнг, қўйлар қўмдан жамоа ва давлат хўжаликларининг ҳудудига ҳайдаб келтирилади. Баҳсрнинг бошларида, вилоят ерлари шўрини ювини учун сугорилгандан сўнг, қўйлар яна қўмга ўтказилади. Албатта озиклантириш мавбан бўлмагандан сўнг, хўжаликларда қўйлар сонини кескин кўпайтиришга имкониёт йўқ, шунинг учун уларнинг есин кейинги йилларда 27-29 минг бош атрофида қолмоқда.

Асосан қорақўл зотига мансуб қўйлар урчитилиди, лекин товоқи думбали, маҳаллий туркман зотлари билан бўлган ҳар хил чатинидадаги дурагай қўй ҳам мавжуд. Вилоятда қўйчилик бўйича умумий селекция—наслчилик режаси йўқ. Вилоят давлат наслчилик корхонаси олдинги йилларда қорақўл зотига мансуб наслдор қўйларни келтириб, хўжаликларга сотарди, лекин кейинги 2-3 йида жумҳурият Давлат наслчилик корхо-

гаги томонидан режали равишда қўйларни келтириш мўлжалланмапти.

Ҳар бир хўжалик қўйларни қочирини вақтини ўз шароитларига қараб режалаштиради, лекин умуман бу тадбир сентябрь ойининг ўрталари—охирда ўтказилади, бу тадбир февраль ойининг ўрталари—охирда—март ойи бошларида, қиш тамом бўлиб, совуқ бирмунча пасайганида қўзилатини ўтказиш билан боғлиқ. Айрим хўжаликлар эса она қўйлар подасига қочирувчи—қўчқорларни октябрь ойида юбориб қўядилар, бундай хўжаликларда қўзилатини иссиқ баҳор кунлари келиши, ўтлар ўсиши билан бошланади. Она қўйдан камидан биттадан қўзи олинга интиладилар. Лекин жуда кўп хўжалик етишмовчилик (она қўйлар сонини қўзилатинининг бошланганига қараб келганини, уларнинг нобуд бўлиши ва ҳоказо), умуман вилоят бўйича ҳар қўйдан биттадан қўзи олишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам 1989 йили ҳар 100 она қўйдан 87, 1990 йили—85, 1991 йили 88 қўзи олинди.

1991 йили ҳар қўйдан ўртача 1100 граммдан жун қирқиб олинди, бу жун тайёрлов ташкилотлари ҳамда Келес фабрикасига топширилади. 1 кг жун баҳоси 7 сўмдан 12 сўмгача тенг бўлган. 1992 йил март ойида қабул қилинган харид нархлари бўйича 1 кг жун 120 сўмга, битта қорақўл териси—600 сўмга сотиладиган бўлди.

Жамоат қўйдан ташқари, вилоят ҳудудида аҳоли шахсий хўжалигида 100 мингдан зиёд қўй бор, бу қўйларнинг сони йил сайини кўпаймоқда.

Шундай қилиб келгусида Дарғонота массивидаги 200 мингга қумли яйловлар вилоятда қолдирилмаса ёки бўлмаса қўшимча шунга ўхшаш ерлар ажратилмаса, қўй бош сонини кўпайтириш имконияти бўлиши қийин. Тўғри Тунроққалъа массивида қўй боқиб учун 110-130 минг га зиёд қумли яйлов бор. Лекин бу яйловларда ўт-гиёҳ жуда кам. Уларни сугориш, ўт-ўлан билан бойитиш ишлари тезроқ амалга оширилмоғи зарур.

Иккинчидан, вилоятдаги ҳар хўжалик 500-600 бош қўй сақлаш имкониятига эга. Бу имкониятдан ҳам фойдаланиш керак. Қўй бош сонига, қўй гўшти, қорақўл териси, жун бўйича хўжаликларга бизнингча режа белгиланмаслиги лозим, хўжаликлар эса ўзларининг ички ҳаракатларида фойдаланишга ҳақлиқлар.

Аҳолининг айрим шахсий хўжалигида ўзининг урчитини ватанидан келтирилиб, гиссар қўйлари ва ангор зотидаги эчкилар

свқлвнмоқда. Лекин жамоа ва давлат хўжаликлари шароитида уларни урчишни муваффақиятли бўлмади.

НИЛҚИЧИЛИК

Механизация воситаларининг кўпайиши ҳамда вилоят ҳудудида озучавай ййловларининг йўқлиги кейинги йилларда отлар бош сонининг кескин камайиб кетшига олиб келди.

1992 йилнинг 1 январига бўлган маълумотларга кўра вилоят хўжаликларидида жами 1058 бош от, «Ўзилжар» массивидидаги ижара хўжаликларидида 692 бош от бўлган. Бу кўрсаткичлар олдинги йилларга қараганда отлар бош сонлари, айниқса бойталлар анча камайиб кетганлигини кўрсатади. Вилоят хўжаликларидида 1970 йилда 575 бош, 1980 йилда—303, 1992 йилнинг 1 январига келиб, 204 бош бойтал қолган, холос.

Шунинг билан бирга, эсда тутиш керакки, қишлоқ хўжалик ишларида механизация даражасининг ривожланишига ва автотранспорт воситалари кенг қўлланишига қарамай, эндиликда ҳеч бир хўжалик отларсиз иш юритиб бйламайди. Чунки олдингига қараганда ёқилги-моёлаш маҳсулотлари, механизация воситаларининг эҳтиёт қисмлари 70-90 марта қимматлаб келди. Бундан ташқари хўжаликларда, чорвачилик фермаларида унчалик катта бўлмаган юкларни ташини, машиналар ишлашига ноқудай жойларда отларни ишлатиш фойдали ва қулайдир.

Ҳозир хўжаликларда бор бўлган отлардан қорамолни боқишида транспорт воситаси сифатида фойдаланадилар. Улардан айниқса «Ўзилжар» хўжаликларидида унумли фойдаланилмоқда. Фермаларда арбаларга қўшилган отлар кичик ишларда ишлатилмоқда.

Отлар подасини такрор ишлаб чиқариш даражаси пасаймоқда. «Ўзилжар» ижара хўжалигида ҳар 100 бош бойтолдан 1991 йили 87, «Дўстлик» ижара хўжалигида 84 той, бошқа хўжалигида ундаи ҳам кам той олинди.

Вилоятда отларнинг кўписи қорабайир, йомуд ва қозоқ оти билан четлаштириб олинган дурагай зотлардир.

Қорабайир зотга мансуб отлар ҳар томонлама ишчанлиги билан ажралиб туради. Қўшича у минтақадиган отлар жумласига кирса-да, Хоразм вилоятида улардан ишчи от сифатида фойдаланилади. Қорабайир отлари маҳаллий ййловда боқишга, айниқса «Ўзилжар» массивига яхши мослашган. Бу зотга мансуб отларнинг энг яхшилари 152-154 см баландликка эга, улардан сифати наслари 140 см га зўрға етади.

Ҳар йили «Ўзилжар», «Дўстлик» хўжаликларидан 350-400

бош боқилган отлар Урганч гўшт комбинатига топширилмоқда, бу ерда ўш отларнинг гўшtidан бошқа тур маҳсулотлар билан бир қаторда «қози» ҳам тайёрланади.

Хўжаликларда отчилик бўйича бошланғич зоотехникавий хисобот олиб борилмапти, чуқур наслчилик иши ўтказилмаётир. Шундай бўлсада ишчанлиги, ташқи тузилиши ва бошқа кўрсаткичлар бўйича яхши отлар наслга қолдирилиб, улардан бола олишга ҳаракат қилинади.

Вилоят аҳолисида 1991 йилнинг бошида 168 от бўлган. Улар асосан мишиладиган отлардир, лекин айрим пайтда уларни арваларга қўшиб ҳам фойдаланадилар. «Қизилжар» массивида бойталларни соғиб сут оладилар, ундан аҳоли ўртасида кенг истеъмол қилинадиган «қумис» ичимлиги тайёрланади.

Урганч тумани ҳудудида 30 га яқин спорт отлари сақланадиган ипподром хўжалиги бор. Бу отлар жумҳурияда ўтказиладиган ҳар хил от спорти мусобақаларида қатнашмоқдалар. Улар орасида соф зотли инглиз, қорабайир ва соф қонли мишиладиган зотларга мансуб отлар бор.

Келгусида «Қизилжар» йилловларидан, Тупроққалъа массивидаги ерлардан фойдаланиб, отлар сонини кескин кўпайтириш керак. Ундан ташқари, вилоят ҳудудида уларни урчитиш иқтисодий жиҳатдан фойдали; чорвачилик фермаларида, фермер хўжаликларда улардан кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

ТУЯЧИЛИК

1992 йилнинг бошида вилоят хўжаликларида атиги 102 бош туя сақланган. Хоразмда уларни бош сони қисқаришининг асосий сабаби—виллоят ҳудудида туялар қадимдан яшайдиган қумли йилловларнинг деярлик йўқлиғидир. Туяларнинг қарийб ярми Қўшқўпир туманида урчитиради, бу туманда анча бош қўйлар ҳам сақланиб қолган ва бу ерда туялар юк ҳайвони сифатида ишлатилади.

«Қизилжар» массивида ургочи туяларни соғадилар, сутидан «шибат» тайёрланади. Кейинги йилларда туялар сонининг зўттасил камайиши кузатилмоқда. Масалан, 1970 йили уларнинг сони 750 бошдан зиёд бўлган бўлса, 1975 йили атиги 205, 1980 йили—262 боши, шулардан Богот туманида 162 боши боқилган. 70-йилларда Богот туманидаги «Коммуна» жамoa хўжалигида туячилик—сутчилик фермаси барпо этилган эди. Бу ерда вакуум қувурида ургочи туяларни соғиш ташкил этилди. Ҳар туядан кунига ёғиллиги 4,2-4,5 % бўлган 6-7 кг сут соғиб олинган. Афёуски, кейинчалик ферма йўқ қилинди

(1982 й), чунки у ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлаб билмади.

Қизилжарда туялар гўшт олиш мақсадида деярли йил бўйи яйловда сақланади. Лекин уларнинг сони камлиги туфайли кейинги вақтларда қаррилиги ҳамда юк ташин қобилияти йўқолганидан сўнг уларни сўядиган бўлдилар. Гўшт учун туяларнинг кўпчилигини Бухоро вилоятида тайёрлаб, уларни Урганч туманлараро бўрдоқчилик базасида бўрдоқига бсқадилар, кейинчалик сўйишга топширадилар.

Туялардан жун олинади, уларни йилда бир марта эрта баҳорда қирқадилар. Кузда туя жун қирқилмайди, чунки туялар шамоллаш касалликларига жуда кўп дучор бўладилар. Туядан йилга 2,5-3,0 кг жун олиш мумкин.

Одатда, ургочи туя 2 йилда бир бош бўталоқ туғади ва шунинг учун ҳам уларнинг соғим даври 18 ойгача давом этади.

Хсразм вилоятида, асосан, дромедарларин— бир ўркакчи туяларин сақлайдилар, лекин икки ўркакчи— бактрианлар ҳам гоҳо-гоҳо учрайди. Дромедарларин бактрианлар билан қўшилиши натижасида дурагай олинади, биринчи поғонадаги дурагай туялар ўзбекча ва қозоқча «Нор туя», ургочилари— «нор моя» дейилади. Дурагайлар одатда бир ўркакчи бўладилар, лекин уларни ўркакчи дромедарлариникига қараганда узунроқ бўлади.

Келусида Даргонота массивидан яна маълум вақтга фойдаланиш масаласи ҳал бўлса, туяларин урчинти бўйича йўналтирилган иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, бу иш билан Тупроққалъа массивида ҳам шугулланса бўлади, бу ердаги Саримойнинг қумли яйловларида кўлаб қўйлар боқилади ва туяларин уларнинг хизматида сақлаш мумкин.

Туя—сутчилик фермасини барпо этиб, даволаш хусусиятига эга «пшбат» ишлаб чиқаришни ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

АСАЛАРИЧИЛИК

Асаларичилик — Хоразм халқ хўжалигининг қадимги тармоқларидан бири. Араб саҳҳатчиси ал-Мақдиси (X аср), Халифат давлатларига Хоразмдан келтирилган товарлар рўйхатида асаларичилик маҳсулотлари—асал, мум ҳам бўлганини келтиради. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, Хсразмда асал—«бал» сўзи билан юритилади.

XX - аср бошларида асаларичилик индивидуал хўжаликларда тўпланган эди.

1935 йили Самарқанд вилоятидан 100 асалари уyesi келтирилди. 1936 йили асаларичи Қутлимурод Исқандаров шу вило-

ятдан яна 100 асалари уясини келтирди.

1935 йили вилоятда асалари корхонаси ташкил қилинди. унинг биринчи директори қилиб Липатов тайинланди. Шу йилларнинг ўзиде асалариларни қўнайтириш ва уларни жамоа хўжаликларига сотиш ташкил қилинди. Корхонада битта араба бўлган, 1941 йили автомашина сотиб олинган. 1946 йилга келиб бу корхонада 400 га яқин асалари уyesi сақланган, арилар ўрта рус зотига мансуб бўлган.

1946 йилдан то 1958 йилгача асалар корхонасининг директори бўлиб Некандаров, 1958-1964 йилларда—Колейкин ишлаганлар.

1964 йилдан бошлаб директор лавозимида Раҳимберган Абдуллаев ишлаб келмоқда; вилоятда асаларичиликнинг ривож топиши шу мутахассиснинг номи билан боғлиқдир.

1968 йили асалари корхонаси асалари етказувчи асалари хонаси деб номланадиган бўлди.

1972 йили асалари давлат хўжалиги ташкил қилиниб, Р. Абдуллаев унинг директори қилиб тасдиқланди. Давлат хўжалигига асалари уялари Фарғона вилоятидан келтирилди. Кейинчалик вилоят туманларида ҳам бир неча асалари давлат хўжаликлари ташкил қила бошланди.

1981 йили Хоразм асалари бирлашмаси ташкил бўлди. унинг таркибига Богот, Гурлан ва Хоразм асаларичилик давлат хўжаликлари кирди. Бошқа туманларда ҳам асаларичилик давлат хўжаликлари ташкил қилинди.

1981 йилда Қўшкўтюр, Ҳазораси, 1982 йилда—Хива, Хонка ва Шовот, 1983 йилда—Янгибозор ва 1987 йилда—Янгиариқ асаларичилик давлат хўжаликлари Хоразм ишлаб чиқариш асаларичилик бирлашмаси, 1991 йилдан бери Хоразм вилоят «Асалчи» фирмаси таркибига 10 та асаларичилик давлат хўжаликлари кирди.

1981 йили асаларичилик бирлашмаси ташкил қилини вақтига келиб, 5 та давлат хўжаликлариде 10393 асалари уyesi бўлган. улар 4120 центнер асал ишлаб чиқдилар, унинг 2121 центнери давлатга сотилган. 145 минг сўм соф фойда олинган.

1991 йилнинг бошида «Асалчи» фирмасида 38897 асалари уyesi, шундан «Богот» ва «Хоразм» давлат хўжаликлариде—5000 асалари уyesидан зиёдроги бўлган.

1990 йили «Асалчи» вилоят фирмаси 11650 центнер ялли, 5269 центнер товар асал, 269 кг прополис (асалари елими), 120 центнер мум етиштирган, 2,5 млн. сўмлик асалари маҳсулоти сотилган фирманинг ишлаб чиқариши яна 2,5 млн. сўм даромад қилди.

1990 йилда фирманинг жами даромади 6577 минг сўмга етди. ссф даромади эса 930 минг сўмни ташкил қилди.

1983 йилдан бери асалари бирлашмаси қошида йиллик қуввати 300-350 тонна асалга тенг бўлган қадоқлаш цехи, йилга 10 мингдан зиёд асалари яшиги, 100 минг рама—детал тайёрлайдиган дурадгорлик цехлари ишлаб турибди. Қайд қилиш керакки, асосан, фақат Хоразмда 16 ва 20 рамали уя—ётқичдан фойдаланилади, чунки доимо тунаш натижасида уларда тунамоғи қулай (бошқа жойларда йирик кўп корпусли яшиклардан фойдаланадилар).

1991 йили бутун вилоят эҳтиёжи учун вашина тайёрловчи завод ишга туширилди.

Ҳозир «Асалчи» фирмаси қошида тикувчилик ва сетка тайёрловчи цехлар ишламоқда. 6 гектарлик иссиқхонанинг бир цесми ишга тушди.

Асалари сақлашнинг ўзига хослигини қайд қилиш керак. Уларни озиқлантириш Хоразм вилоят ҳудудида, Амударё тўқайларида ва Тошқовуз вилоятида амалга оширилади. Эрта баҳорда асалари уларнинг 80 фоизидан зиёди Қорақумга, июнь ойидан — Тошқовуз вилоятидаги япроқга, гуллаши билан ва қишлар учун вилоят ҳудудига кўчирилади.

Асаларичиликда тажрибали мутахассислар — Раҳимбергев Абдуллаев, Отабой Юнусов, Қўзибой Хожиев, Абдрим Матвиёзов, Амин Аҳмедов, Сайдамуд Тўраев, Ўринбой Яхшибоев ва бошқалар ишлайдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар йили асаларичилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш кўпаймоқда.

Бирлашмада кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилган. Асаларичилар Чолиш ҳунар-техника билим юртида ва 17-Бексбод ўқув юртида тайёрланмоқда. Бирлашманинг кўп мутахассислари ўзларининг билимларини Москвадаги Тимирязев қишлоқ хўжалик академиясида, Москва ветеринария академиясида, асаларичилик мутахассисларининг малакасини ошириш институтида (Рязань вилоятидаги Рибное шаҳри), ошир-делар.

Келажакда ҳар бир асаларичилик давлат хўжалигида 5000 дан зиёд асалари уясини сақлаш, асаларичилик бирлашмасида 50.000 гача асалари уяни етказиш режалаштирилган.

Ҳар бир асалари уяси 2 марта кўпайиши лозим. 100 минг-гача асалари уясига эга бўлиш режалаштирилмоқда, шу ҳисобдан пакетлар тайёрлашнинг ўзидан камида 6,5 млн. сўм маблағ топишга имкон бўлади.

Хоразм асалари бирлашмаси «Асалчи» фирмаси Ўзбекистон жумҳуриятидаги йирик корхонадир, у жумҳуриятда етказиладиган асалнинг 25 фоизини ишлаб чиқаради.

1982 йили бу ерда асаларичиликни ихтисослаш ва йириkläштириш масаласи бўйича асаларичиларнинг Бутуниттифоқ Симпозиуми ўтказилди. Лекин тармоқда озуқа ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хўжаликка мустақиллик бериш, харид нархларини ошириш ва ҳоказолар билан боғлиқ кўп ечилмаган муаммолар бор. Ҳозирги вақтда «Асалчи» фирмаси «Ўзасалари саноати» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига киради. Бу ташкилот деярлик ҳеч нш қилмай маҳсулётнинг анча қисмини паст баҳода сотиб олади. Эндиликда ва келгусида асаларини урчитиш, селекцион ишларини чуқурлатиш масалалари билан жиддий шугулланиш талаб этилади.

ҚУЁНЧИЛИК

Қуёнчилик—жамсат чорвачилигининг муайян тармоғи сифатида қўштни кўпайтириш резерви ва мўйна хом ашёси олиш манбаидир.

Қуён қўшти мазали ва тўйимли. Пархез хусусиятлари бўйича ларранда қўштидан қолишмайди.

Қуён терисидан арзон ва чиройли мўйна тайёрланади. У табиий турда фойдаланишга лойиқдир, бу мўйнадан хотин-қизлар ва болаларнинг теллаклари, пўстиллари ва ёқалар тайёрланади.

Вилоят жамоа ва давлат хўжаликларида қуёнлар 1971 йилдан урчитила бошланди. Лекин аҳолининг шахсий хўжалигида улар қадимдан бўлган. Бөгёт туманидаги И. Дўсов (олдинги Нариманов) номли жамоа хўжалиги йирик қуёнчилик фермасини ташкил қилишда нафақат вилоятда, балки жумҳуриятда ҳам кашфиётчидир. 1974 йилдаёқ бу ерда шу хўжалик даргаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов ташиб-буси билан Қозондаги давлат хўжаликларидан насадор қуёнларнинг биринчи партиялари келтирилди. Уларнинг ибрати билан вилоятнинг кўпгина жамоа ва давлат хўжаликларида қуён фермалари ташкил қилинди.

1975 йили вилоятда 13358 бош қуён сақланган бўлса, 1980 йилда 21721 ва Бөгётда — 10000 бош қуён сақланган. Лекин қуёнлар учун озуқа базаси етарли бўлмаганлиги, кичкина фермаларнинг иқтисодий жиҳатдан зарарлилиги жамоа ва давлат хўжаликларда қуён фермалари йўқолишига олиб келди ва 1988 йилнинг бошларига келиб қуёнлар фақат И. Дўсов жамоа

хўжалигидагина қолди. 1992 йилнинг 1 январига келиб хўжаликда 1520 қўён сақланган, улардан 490 она қўён.

1991 йили давлатга 20 тонна пархез қўён гўшти топширилди.

Олдинроқ қўён мўйнаси тайёрлов ташкилотларига топширилар эди. 1988 йили жамоа хўжалигида бу мўйнали қайта ишлайдиган ва хотин-қизлар, болалар дўстинини, тешиакини тайёрлайдиган цех қурилди. Бу цех хўжаликка анча даромад келтиради.

Ёввойи ва уй қўёларининг табиий қўёнлар билан, айниқса жун қоплами билан ўхшашлиги бор. Улар бир қўёнлар оиласига, кемирувчилар туркумига, сўт эмизувчилар синфига қарайдилар. Шунинг билан улар орасида чуқур биологик айирмалар ҳам бор. Ўхшашлик бўлсада, уй ва табиий қўёнлар бир-бири билан чатишмайди. Уй қўёсининг боласи яланғоч, қўр, 40-70 г вазн билан туғилса, табиий қўёнча жун билан қопланган, кўзи очиқ, 150-200 г атресида бўлиб туғилади.

Қўёнларни уришганда қўидаги биологик хусусиятлар айниқса қимматлидир: серпуштлилик—ҳар туққанида она қўён 6-9 гача қўён туғади, ҳомиладорлик даври қисқа—ўртача 30 кун давом этади. Пил мобайнида она қўён 4-8 марта болалашни мумкин; тез етилувчанлик физиологик ва хўжалик етилишига 4-6 ойлигида келади. Қисқа ҳомиладорлик даври ва серпушлилик—бир она қўёдан, унинг қизлари ва невараларидан йилига 200 гача қўён туғилган боласини олишга имкон беради. Бу йилига 3,5 центнер гўшт ва 200 тери демакдир.

Ихтисослашган гўштдор зот қўён болаларини 45 кунлигида сўйиш мумкин, бу вақтда улар 1,3 кг гача етади, уларнинг сўйилганлигидаги чиқими 80 % гача бўлади, 1 кг қўшимча вазнга 4,5-5 озуқа бирлиги сарфланади.

Ҳозирги вақтда Богот туманидаги Н. Дўсов номли жамоа хўжалигида нормал жунли зотларга мансуб қўёнлар—улкан қулранг ва улкан оқ (серий ва белий великан), қўёнлар урчи-тилади. Бу зотлардаги қўёнлар йирик, одатда 5,6-6 кг тош босади, уларнинг тана узунлиги 56-57 см.га тенг. Қўёнлар тез етилувчан ва серпушт. Қулранг улкан зотли қўён жун қопламининг ранги—қулранг қўёникидек (агути), қорамтир—қулранг (сеитураникидек), темирли—қулранг ва қора.

Оқ улкан зотли қўён—Бельгия қўёни. Юнг қопламининг ранги—оқ, белгисиз. Қўёнларнинг кўзлари қизил. Оқ улкан қўёнлар—альбинослар, (Альбинос—организмда нормал ранг берувчи пигментлар етишмаган жонивор)

И. Дўсов номли жамоа хўжалигининг қўён фермасида қўёнларни гўшт, тери ва тивит олиш учун сақлайдилар. Так-
рор ишлаб чиқариш учун танланган қўёнлар ўртасида жуфт-
лари индивидуал шаклда саралайдилар, бундай сараланиши
мақсади—авлодда ота-онасини ижобий сифатларини кучайти-
ришдир. Фермада бошланғич зоотехника ҳиссоти олиб бо-
рилади.

Она қўёнларни қочиришни хўжаликнинг озуқавий шаро-
итига қараб ўтказадилар. Одатдагидек она қўёндан йилига 3
гача туғиш оладилар. Кўпроқ туғдириш учун хўжаликда ем-
хашак йўқ.

Вояга етган қўёнларни индивидуал катакчаларда, қўёнча-
ларни эса 3-4 бошдан иборат гуруҳли катакчаларда сақлайди-
лар. Бу ерда қурама катакчаларда сақлаш усули қўлланилади,
бунда катаклар қишда — қўёнхоналарда, ёзда эса ташқарида
сақланади.

Қўёнларни сақлашда хоналарнинг ҳарорати ҳамда ҳавосининг
тезалигига алоҳида эътибор берадилар, чунки зарарли газлар—
аммиак, олтингугурт, водородларнинг кўп миқдорда бўлиши—
тери сифатини ёмонлаштиради.

Қўёнларни озиқлантириш тўла қимматли бўлмоғи зарур
яъни энг юқори маҳсулдорликни юзага келтиришга ва қўёнлар-
ни соғломлигини сақлашга имкон берадиган бўлиши керак.
Тўла қимматли озиқлантириш натижасида қўён маҳсулотини
етиштиришга кетадиган меҳнат ва воситалар сарфи камайти,
демак уни таннархи пасаяди.

Қўёнларни боқиб учун хўжаликда кўк, ширали ва дағал
хашакларни, омухта емларни, овқатликлар қолдигини, минерал
озуқаларни, антибиотикларни ишлатадилар. Қўёнлар макка-
жўхорини яхши ейишини ҳисобга олиб, маккажўхори уларга
ётаси билан берилади, лекин маккажўхори ўзагини улар
одатда емайдилар. Маккажўхори силосини ейишга қўёнларни
онасидан ажратиб биланоқ ўргатадилар. Вояга етган қўёнлар-
га кунига 0,4—0,5 кг гача силос берадилар. Хўжаликда хаша-
ки лавлагини етиштиришга катта эътибор берилади. Лавлагини
қўёнларга хом турда, кунига 500 граммгача берадилар. Қў-
ён рационига кўк беда, қиш даврида эса—яхши беда шичани
бўлиши алоҳида ўрин тутати.

Қўёнларнинг гўшт маҳсулдорлигини кўнайитириш учун улар-
ни бўрдоқига қўядилар. 3-4 ҳафта ичида мўл-қўл озиқлантириш
натижасида уларнинг вазни 30 фунтгача кўпаяди. Гуруҳлар

танлашда катакларда қуёнлар жинси, ёши, вази ва семизлигига қараб қўйилади.

Қуёнларни бўрдоқига боқиш тажрибаси шуни кўрсатдики, қуёнларни маккажўхори дони, маккажўхори сўтаси соф турда, хашаки ва шакар лавлаги, дон дуккаклилар, сули билан озиқлантириш яхши натижа беради. 85-110 кулигидаги қуённинг ёзги рационни, бўрдоқига боқилганда 60 г дондан 500 г қўк бедадан ва 1,2 г ош тузидан, қишқи рацион 50 г дондан, 150 г лавлагидан, 130-140 г маккажўхори силосидан, 60 г беда пичанидан, 1,2 г ош тузидан иборат.

Ҳисоб-китоб шуни кўрсатяптики, қуён фермасида камида 10.000 бош она қуён сақлаш, йилига 2,0 кг гача бўлган 10.000 бош қуённи сўйиш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Озуқалар арзон, юқори сифатли бўлмоғи лозим.

Фермада механизация воситалари қўлланмоғи керак, лекин улар бугун ишлаб чиқаришда йўқ ва шунинг учун кўп сонли ишчиларни сақлашга тўғри келмоқда. И. Дўсов номли жамоа хўжалигининг қуён фермасида 10 одам ишлайди.

Келажакда ҳар бир туманда 1200-1500 она қуён сақланадиган биттадан йirik қуёнчилик фермасини ташкил қилмоқ зарур, шуида туман аҳолисининг мўйнага бўлган талаби таъминланарди. Лекин бунинг учун озуқа базасини барпо этиб, айниқса қуён ейдиган доннинг—маккажўхори, сули ва ҳоказо керакли миндорини ишлаб чиқмоқ лозим.

БАЛИҚЧИЛИК

Хоразмда яқин даврларда ҳам кўп кўллар бор эди. Уларда балиқнинг ҳар хил тури—сазан, зогорабалиқ, сазанбалиқ, лаққа балиқ ва бошқа турлари яшаган. 60-йиллар бошларида катта кўлларни тенглаштирувчи коллектор ишга тушди, шу себабдан кўлларнинг қўпчилиги қуриди. Лекин вилоятда балиқ миндори анча кўпайди, чунки Хива туманининг жанубидаги Янгиариқ тумани билан чегарадош бўлган бўш ерларда 70-йилларнинг бошларида Хоразм балиқчилик комбинатини қуриш бошланди. Бундан ташқари жамоа хўжаликларида ҳам суғий хавзалар қурилиши бошланди. Масалан, Хива туманидаги Р. Мадамшинов номидаги жамоа хўжалигининг балиқ ҳавзаси 200 га зиёд сув сатҳига эга, Туямўйин сув ҳавзасида кўп балиқ тутилади. Жуда мазали балиқ Амударёда бор.

Вилоятда балиқ етиштиришни кўпайтиришнинг катта резерви ва имконияти мавжуд, лекин вилоят хўжаликларига шу

тур омухта ем деярлик ажратилмагани бу имкониятни тўхта-
таяпти.

Вилоят аҳолисининг балиққа бўлган эҳтиёжи, асосан, балиқ
комбинатининг маҳсулоти билан таъминланмоқда.

Хоразм балиқ комбинати 1974 йилдан бери ишламоқда.
Ҳозирги вақтда бу йирик тўла системали, иссиқ сувли хўжа-
лик — балиқни тирик совутилган ҳолатда ҳамда совуқ дуд-
ланган тайёр маҳсулот етказишга ихтисослашган корхонадир.

48-жадвал

**ХОРАЗМ БАЛИҚ КОМБИНАТИНИНГ 1975-1990 ЙИЛЛАР
БЎНИЧА ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ**

	Ўлчов бир- лиги	Йиллар			
		1975	1980	1985	1990
Балиқ тутиш	тонна	765	2651	3315	3871
Шу жумладан					
ҳавзада	тонна	650	2413	3005	3543
кўлларда	тонна	115	238	310	182
Товар маҳсу- лоти	минг сўм	611	3513	4481	5788

Комбинатда 3 та балиқ боқиладиган ва битта ўстирадиган
участкалар ҳамда ташкилот ва ёрдамчи бўлимлар мавжуд
(ишлаб чиқариш лабораторияси, автомобил ва трактор парки,
совутгич, дудлаш цехлари ва ҳоказо).

Балиқ комбинати ҳавзаларининг умумий майдони 1484 га,
шундан товар балиқ ўстириладиган ҳавзалар 1276 гектарли.
Ўстириш материали етказувчи ҳавзалар 208 гектарни ташкил
қилади.

Комбинатда зогорабалиқ ўстирувчи материални йилга
(8-9 млн. донга), оқ чипор хумбош балиқни, оқ амур (учар), ба-
лиқни (йилга 3,5-4,0 млн. донга), ўз эҳтиёжи ҳамда бошқа хў-
жаликлар, вилоят жамоа ва давлат хўжалиklarининг ёрдамчи
корхоналари эҳтиёжи учун ўстирадилар.

Хўжаликда зогорабалиқ ва ўсимлик ейдиган балиқ етказув-
чилар бор. Баҳорда, апрель ойида, зогора балиқ етказувчилар-
ни инкубация мавсумига тайёрлайдилар, уларни баҳолайдилар

(бонитировка ўтказилади), жинсига қараб бўладилар, катта бўлмаган ҳавзаларга юбориб, қўшимча озиқлантирадилар.

Ўсимлик ейдиган балиқлар етиштирувчиларни ёзи оналик хавзаларига юборадилар, шу ерда уларга инкубация мавсумига тайёрланиш учун қулай шароит яратилади.

Балиқ куртаги завод усулида олинади. Инкубацион цехда зогора балиқ ўғилдириқини инкубациялаш учун Вейс аппарати ва ўсимлик ейдиган балиқлар ўғилдириқини инкубациялаш ва куртакни сақлаб туриш учун ИВА—200 аппарати бор.

Зогорабалиқ инкубацияси май ойининг иккинчи декадасида сув ҳарорати 13° С га етганида, ўсимлик ейдиган балиқ инкубацияси эса—июнь ойининг бошларида бошланади. Куртакни бевосита ўстирувчи ҳавзаларга юбориб, тирик озуқа билан боқадилар. 10-12 кунлигида зогорабалиқ чавақини рацион бўйича боқадилар. Зогорабалиқ чавақи учун озуқани вегетацион давр ойлари бўйича қуйидагича тақсимлайдилар: май—5 %, июнь—15 %, июль—20 %, август—25 %, сентябрь—25 %, октябрь—10 %. Балиқни кунга 3-4 марта озиқлантирадилар. Емлар бузилишига йўл қўймаслик, ҳавзаларда сувнинг газли режими ёмонлашмаслиги учун емларнинг балиқ томонидан етилиши қаттиқ назоратга олинади.

Ўстирувчи ҳавзаларнинг маҳсулдорлиги—гектаридан 22-28 центнердир. Зогорабалиқ сеголеткаларининг (шу йил очирилган балиқчалар), ўртача оғирлиги 18-23 грамм, оқ хумбуш балиқининг 30-40 граммни ташкил этади. Сувнинг ҳарорати—10° С бўлишигача, октябрь ойининг биринчи ярмигача балиқни озиқлантириш давом этилади. Сеголеткаларни қишлоғга ўстириш ҳавзаларининг ўзида қолдирадилар, қишловдан олдин ўстириш, ҳавзаларида сув 50-60 % гача тозаланади. Бевосита ўстирувчи ҳавзаларда қишлаш қишлов даврида бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Вегетацион даврининг охирида интенсив озиқлантириш ва ўғитлаш натижасида, ҳавзалар органик моддалар билан инфлосланади ва сувнинг оқидлигини ошади. Агарда қишлов даврида сувнинг ҳавзага тушиши бўлмаса, ҳавзаларнинг гидрохимиявий режими ёмонлашади.

Ўстирувчи ҳавзалардан балиқ март ойининг бошларида тузилади ва йил охири балиқлар боқиладиган (нагульгий), ҳавзаларга ўтказилади. Юборилишидан олдин барча балиқ бриллиант ёшили билан (0,15-0,2 г/м куб. сувга), профилактик ишланади. Ўстирувчи ҳавзаларда балиқ полимаданий ҳолатда ўстирилади. Боқув ҳавзаларга балиқ юборишнинг ўртача зичлиги қуйидагича: зогорабалиқники—1 га майдонга 5,5-6,0 минг дона.

Бир зогорабалиқни боқини охирида режалаштирилган оғирлиги — 350-400 грамм, хумбошники — 1000-1500 грамм.

Хўжаликда боқув ҳавзалари ўртача 80-100 га майдонга, 1,5 метр чуқурликка эга. Айрим ҳавзаларда 10-20 % сувнинг сатҳи сув ўсимлиги билан қопланиши мумкин, шунинг учун ҳам унга норматив миқдорда оқ амур (учар), балиқни қўшадилар. Ҳавзаларни озиклантириш ва ўғитлаш, асосан, умумий қабул қилинган нормалар бўйича амалга оширилади.

Товар балиқни ўстиришнинг вегетацион даври — апрелдан октябрь ойигача. Июлдан бошлаб катта сувда тутиладиган товар ҳавзали балиқ сотилади, сентябрь ойидан эса сув чиқариб, ҳавзадаги бутун балиқни тутиш бошланади. Товар балиқ вилоят савдо шохобчаларига ва қайта ишловга юборилади.

Хоразм балиқ комбинатининг биринчи директори Бекчон Ҳаббаров бўлган, у хўжалиқни оёққа туришида ва янада ривож топишида кўп меҳнат қилди. Қисқа муддат комбинат раҳбари бўлиб Икром Пўлдошев ишлади. 1989 йилдан бошлаб балиқ комбинати директори қилиб вилоятда ёшилқ хўжалиғи ишлаб чиқаришнинг ташиқлотчиларидан бири Пўлдош Сатторов тайинланди.

Комбинатда балиқ етиштиришни ривожлантириш келажакни гоят катта, лекин бу режага маълум даражада қатор муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Масалан, вилоят аҳолисини йил давомида балиқ билан таъминлаш учун комбинат ҳавзалари тоза сув билан тўлдирилмоғи керак, лекин сув хўжалиқ ташиқлотлари қатор сабабларга қўра ноябрь—декабрь ойларидан бошлаб, сув беришни тўхтатиб қўядилар, шунинг учун ҳам бу пайтгача бутун балиқни тутиб олишга тўғри келади. Тоза балиқни солиш билан боғлиқ бўлган кўп тушунмовчиликлар мавжуд. Келажакда бу тўсиқлар йўқотилмоғи зарур, чунки вилоятда тажрибали балиқчилар ишламоқдалар, улар бу қимматли маҳсулотни аҳолига ўз вақтида етказиб бера оладилар.

1992 йили Ҳумҳурият Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ташиқлотчиларнинг «Ўзбалиқ» концерни қошида Хоразм республикалараро балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш бирлашмаси ташиқлот қилинди. Унинг Бош директори қилиб Н. Сатторов тайинланди.

Келажакда жамоа, давлат, фермер ва ижара хўжалиқларида ҳам шароит ва имкониятларга қараб балиқ етказишни кўпайтирилишига йўл очилмоғи даркор.

ИПАКЧИЛИК

Бутун Ўзбекистондагидек, Хоразм вилоятида ҳам ипакчилик динилас ҳўжалигининг қадимги тармоқларидан биридир.

Хоразмнинг III-IV асрлардаги жанубий чегаралари тўғрисида кўрсатиб ўтиладики, «Араблар келишидан (VII аср), анча олдин, бу ерда пилла қўртларининг маданияти бўлган ва ипакчилик Хитсийдан Ғарбга Гиланга Урта Осиёдан ўзи ўтганида, бу ерда у бош манзилларидан бири эди (сўз улуг Ипак йўли тўғрисида), у Урта Осиёдан, жумладан Хоразмдан ўтган, Япония ва Хитсийни Урта ер денгизи билан боғлаган».¹⁸⁶

«Китоб муъджем ал-булдан» деб номланган китобида араб сайҳатчиси Якут Хоразм тўғрисида ёзади: «..Буларнинг ҳаммаси дарахтларнинг сероблигида, улардан кўпчилиги тут ва тол бўлган. Улар қурилиш учун ва ипак қўртларининг боқиси учун эҳтиёж сезадилар».¹⁸⁷

Шарқ ва Шимол ўртасида бор бўлган қадимги савдо алоқаларининг ёруғ ҳужжати бўлиб ана бир араб сайёҳи ал-Макдиси томонидан келтирилган товарлар рўйхати хизмат қилади; бу товарлар Халифат давлатларига Хоразмдан келтирилган. Улар орасида гўзал нимхоб, «Мульхам» қонлагичи, гўлдер кийимлар, булар кўписи ипакдан қилинган.

Кейинчалик ипакчилик тармоқ сифатида ривож топган, лекин бир қўти уруғдан олинган ҳосил унчалик юқори бўлмаган, масалан, XX асрнинг бошларида 21-24 кг атрофида пилла олинган. 1928 йилдан сўнг тармоқда бирмунча жонланish бошланган ва оз даврдан пилланинг яъни маҳсулоти ҳар йили то 1936 йилгача фақат бир қўти уруғдан олинган ҳосилнинг кескин ошиши ҳисобига кўпайган, (ҳар йилги уруғ сотиш миқдорининг барқарорлигида).

Пилла ҳосилдорлиги 1930 йилга қараганда уч баравар, 1931—1932 йилларга нисбатан—икки баравар кўпайган.

1937 йилдан бошлаб пилла қўртини қайта боқилиш билан

¹⁸⁶ П. Н. Иванов ва А. К. Боровков, XVI-XIX асрлардаги туркманлар тарихий маббалари бўйича бир неча умумий ҳулосалар, Туркманлар ва Туркменистон тарихи бўйича маълумотлар, Шарқшунослик институти асарлари, VIII, ФА нашриёти, М-1, 1938.

¹⁸⁷ Туркманлар ва Туркменистон тарихининг маълумотлари. 1. I/VII - XV асрлар), Шарқшунослик институтининг асарлари. XXIX. М. Л. 1939.

шугулланмиш бошланди (ёзги ва кузги), бу тадбир билан бунгача мутлақо шугулланмаганлар.

Вилоят ҳудудида 1937 йили 586,6 тонна, 1938 йили—710, 1939 йили — 675,7, 1940 йил—583,2 тонна хом пилла тайёрланган. Бир қути уруғлик пилланинг ҳосилдорлиги 1937 йилнинг баҳорги қурт боқишидан 41,6 кг, қайта боқишдан 15,2 кг, жами 56,8 килограмми, 1938 йили—64,7 кг, 1939 йили—61 кг, 1940 йили—60,7 кг ни ташкил қилди. Шу йиллари баҳорги боқишда 14,1 минг дона қути уруғ ва 1,2—1,8 минг қути—қайта боқиш учун ҳар йили уруғ тарқатилган.

1930 йили Урганчда пилла уруғи заводи қурилган, у ҳар йили 7 минг қути атрофида наслдор уруғининг етарли миқдорини тайёрлаган. Заводни уруғ билан таъминлаш учун Урганч туманида ҳар йили 28-34 минг килограмм насли хом пилла тайёрланган.

1932 йили 675 қути уруғ, 1937 йили 480, 1939 йили—541 қути уруғ тарқатилган, бир қутидан ҳосилдорлик тегишича 29, 03 кг, 60,36 кг ва 62,8 кг ни ташкил қилди. Яъни маҳсулот 1932 йили—19,6 тоннага, 1937 йили—29,0 тоннага, 1939 йили—34 тоннага тенг бўлган.

Зсотехникавий тадбирлардан бу йилларда уруғ 100 фоиз илқубация қилинган, бу тадбир олдинги йиллари бутунлай бўлмаган (ки кам миқдорда қилинган).

1967 йили Урганч шаҳрида янги уруғчилик заводи ишга туширилади, унинг қуввати йилга 65-70 минг қути уруғини ташкил қилади.

1930 йили вилоятда хўжаликларини юқори сифатли кўчат уруғдан кўкартирилган кўчат, тут дарахтини уруғи билан таъминлайдиган Давлат тут кўчатчилик хўжалиги (тут питомни), ташкил қилинди. Ундан ташқари 1939 йили 8 та жамоа хўжалигида тут кўчатзори ташкил қилинди, (Урганч туманидан бошқа ҳар туманда биттадан жамоа хўжалиги), уларнинг умумий элмашлаб экин майдони билан 280 гектарга тенг эди. Агарда тут кўчатзори 1930-йилларда 200-300 минг дона кўчат берган бўлса, ҳазир унинг маҳсулоти 2,5—3,0 млн. донга етди.

1940 йили биринчи марта пилла қуртининг жамоа бўлиб боқиш бўйича катта иш қилинди. Бу тадбир билан 202 жамоа хўжалиги шугулланди, улар ўртасида 2269 қути уруғи яъни бу умумий тарқатилган уруғининг 17,5 фоизи ва бу жамоа хўжаликлар 73,1 тонна хом пиллани давлатга топширдилар. Бу умумий яъни ҳосилдан 14,2 фоизни ташкил қилди. Бир қути уруғдан 33,1 кг ҳосил олинди. 1941 йили бундай жамоа

хўжаликлар сони 325 гача кўпайди, уларга баҳорда боқич учун 7411 қути уруғ тарқатилди, бу умумий режанинг 59 фоизини ташкил қилди. Жамоа хўжалиklarнинг ҳар бирида 1934 эвено билан битта пиллачилик бригадаси ташкил қилинган, курсларда 284 пилла бригадаси, 174 пайвандчи ва 174 уруғ очирувчилар (инкубистлар), тайёрланган.

1941 йилда 1600 минг дена баландпояли тут дарахти пиллачилигининг озуқа базасини ташкил қилди, улардан 885,7 минг денаси ишлатилди. Бутазор плантациялар 1184 гектар бўлган, улардан маданий навларга 484 га ўтказилди.

Солиштириш учун айтиш мумкинки, ҳозирги даврда вилоятда йирик жамоалаштирилган шакчилик хўжалиklари ташкил қилинган. 1991 йилнинг бошида вилоят хўжалиklарида 9585 минг дена баланд пояли тут ва 3412 га тут плантацияси бўлган.

Урганч кўчатчилик участкаси асосида вилоят хўжалиklарини юқори сифатли тут кўчати билан таъминлайдиган пиллачилик давлат хўжалиги ташкил қилинди. Пилла озуқа базасини беғайтириш ҳосилдорлигини ошишига ва пилланинг ялпи ҳосили ўсишига олиб келди. Бир қути уруғнинг ҳосили 1991 йили 1932 йилга нисбатан уч марта, 1940 йилга қараганда 1,4 марта снди, пилланинг ялпи ҳосили 1932 йилдаги 307 тоннадан 1991 йилдаги 2217 тоннага етди. 1932 йилга нисбатан боқиландиган уруғ миқдори деярли 2 марта кўпайди. Шунинг билан унинг сифати ҳам ошди. Агарда 1940 йили юқори навли пилла тайёрлаш 60 фоздан ошмаган бўлса, кейинги йилларда 90-91 фоз атрофида юқори навли пилла тайёрланади.

Вилоят бутун жумҳуриятдагидек юқори маҳсулдор оқ пилла сотларини боқичга тўла ўтди, бу ҳам пилла ҳосилдорлигининг ошишига ёрдам қилди. Пилла ҳосилдорлигини ва унинг сифатини ошириш учун уруғни очирининг оптимал муддатини топиш катта аҳамиятга эга. Боқичнинг бошланиши агарда бир неча кун кейинроқда ўтказилса, каcalaк сифатли пишган барг билан яхшарoқ таъминланади ва уни ҳар хили касалликлардан nobуд бўлиши деярли кузатилмайдди. Бу ва бошқа илгор усуллари қўллаб қатор туманлар пиллачилигини ривожланишида бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Урганч, Хонқа, Хива, Шовот, Қўшкўшир ва Янгиариқ туманлари бир қути уруғдан олинадиган ҳосилдорликни 70-72 килограммга етказдилар, кўп илгор пиллакорлар ҳар бир қутидан 100 килограмдан ҳам зиёд ҳосил олдилар.

Вилоят хўжалиklарида бугун 379 пилла бригадаси 680 уруғ очирувчи, 74 тут бригадирини ишламоқда. 1991 йили 21359 пил-

лакорга 33920 қути уруги тарқатилди. Давлатга 2217 тонна пилла топширилди, бир килограмм пилланинг ўртача харид нархи 20 сўмга тенг келди. (1991 йил баҳосида).

Кейинги йилларда пиллага дастлабки ишлов бериш бир-мунча яхшиланди. Вилоятда ҳозирги вақтда пиллани 11 та бошланғич ишлов берувчи базалари ишлаб турибди. Пилла тайёрлаш мавсумида вақтинча 50 га яқин тайёрлов пункт ташкил қилинади, улар пиллани пиллакорлардан қабул қиладилар. Бошланғич ишлов берувчи базаларда пилла қурти ўлдириб қуритилади, шундан сўнг сақланади ва саноат корхоналарига топширилади.

Бошланғич ишлов берувчи базалар махсус ўлдириш—қуритиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Яқин вақтларда амалда пилла қуртини ўлдиришнинг 2 та усули қўлланилар эди: буг билан, кейинчалик ҳавода қуритиш ва иссиқ ҳаво билан. Буг билан ўлдириш ҳозирги вақтда қўлланилмайди. Пилла қуритиш корхоналарида пилла, асосан, иссиқ ҳаво билан ўлдирилади — буни КСК-4,5 турдаги механик қуриткичлар ишлатилади (Янгибозор, Карвак пилла қуритиш корхонаси, СК-150 к турдаги янги қуриткичлар).

Кейинги йилларда пиллага бошланғич ишлов берувчи базалар майдони кўнаймоқда. Янгибозор, Урганч ва Карвак пилла қуритиш корхоналаридан бошқа ҳамма туманларда янги пилла бошланғич ишлов берувчи корхоналар қурилди.

Пиллани давлатга сотишдан хўжаликлар даромадлари бир-мунча кўшайди, чунки пиллага бўлган харид нархлар оширилди. Фақат 1991 йилнинг ўзида давлатга пилла сотишдан вилоят жамоа ва давлат хўжаликлари 20 млн. сўм даромад қилдилар, шундан 2,5 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ пилланинг ипақчилигидан олинди. Маълумки, олдин пилланинг кўп қисми бошланғич ишлов беришдан кейин вилоятдан четга юборилар эди. 1976 йилдан бери вилоятда Урганч пиллакашлик фабрикаси муваффақиятли ишламоқда, тез йилларда ипақни қайта ишлаш бўйича тўқувчилик, тикувчилик фабрикалари ишга туширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Вилоятда ипақчилиқни ривожлантиришда Абдулла Алипақбаров, Уллубий Мадаминова, Анабий Матжонова, Августа Петрова Назарова, Раззоқ Оллаберганов, Пирназар Раҳимов ва бошқа мутахассис ва етакчи пиллакорлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Шунинг билан бирга, тармоқда ечилмаган муаммолар кўп. Маълумки, пилла ипақи фақат тўқимачиликда кенг фойдала-

нишмай, медицина, электротехника, мудофаа саноатида ҳам фойдаланилади. Мўъжизасиз келишда ҳам шилла инагисиз иш қилиш қийин. Бу маҳсулотга бутун дунёда талаб унга бўлган нархдан баланд. 1 кг хом ашёга 60 долларгача пул тўланади, лекин уни деҳқон қандай меҳнат билан яратади! Технологияда ҳеч қандай янгилик йўқ. Товар маҳсулот, асосан, шахсий хўжаликларда, тўғрисиини айтганда, деҳқонларнинг хонадонларида етказилади. Иқоулайлик, антисанитария, оғир меҳнат шароити ва ҳоказо. Эктенсив технология озуқавий манбалардан фойдаланишдагина хўжасизликка олиб келмайди. Масалан, тут барги дунёдаги ривожланган ипакчилик давлатларига қараганда бизда учдан бир қисм кўп фойдаланилади. Бунинг ҳаммаси шундаки, тут барги ҳозиргача ипак қурти учун ягона озуқавий ем бўлиб қолмоқда. Табиийки, сарфлар кўп, фойда кам. Лекин «Ипак» жумҳурият бирлашмаси, ипакчилик илмий-тадқиқот институти, вилоят шиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқаришга деярли ҳеч нима бермайtir. Холбуки тармоқни саноат асосига ўтказиши пайти келганига анча вақт бўлди.

Буида озуқавий базани ривожлантириш, наслчилик иши, иқтисодий механизмни такомиллаштириш, бозор иқтисодиётини қўлланишда янги йўналишларга ўтиш ва ҳоказолар назарда тутилади.

Вилоятда Богот туманидаги Нариманов номи жамоа хўжалигидаги тажрибани кенгроқ ёйиш лозим. Бу ерда тикувчилик цехи қурилган, хон-атлас етиштириш йўлга қўйилган. Ипак ва ундан ишланган нарсалар халқ истеъмол молларини чиқаришни қўлайтиришга имкон берди ва кўпинча аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилди. Шунинг учун давлат буюртмаси 65-70 фонз атрофида бўлмоғи лозим, қолган шилла-ни жойларда қайта ишлаш жуда фойдалидир.

Бу муаммолар яқин йилларда ҳал бўлмоғи, ипакчилик халқ хўжалиги тармоқлари орасида ўзига муносиб ўринни эгалламоғи керак.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

Юқори сифатли чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш-ни кўпайтиришга ёрдамлашадиган муҳим омиллардан бири— уй моллари ва парранда касалликларининг профилактикаси бўйича ветеринария тадбирларини яхшилашдир. Бу ишда вилоят ветеринария хизмати ходимларининг катта хизмати бор.

Вилоят миқёсида битта, 3 та зонал, битта туман

ветеринария лабораториялари, 2 та диагностика кабинети, молларнинг касалликлари билан курашувчи 11 та туман ветеринария станциялари, шаҳарларда 2 та ветеринария станцияси, 63 та ветеринария участкалари, 13 та ветсанэкспертиза лабораториялари, 5 та ветеринария пункти, эпизостияга қарши отряд, гельминтоз касалликлар, қишлоқ хўжалик молларининг бруцеллез ва сил касалликлари билан курашувчи экспедицияси ишлаб турибди. Бу идораларни вилоятда ветеринария бўлими бошқаради; бундан ташқари бу бўлим вилоят матлубот жамиятининг бошқармалараро ветеринария хизмати, зсоветтаъминоти, Давлат наслчилик корхонасини, парранда фабрикаларини, Хоразм асаричилик бирлашмаси, «гўшт-сут саноати» системасидаги корхоналарни, «Узхладсавдо» ва Ўрта Осиё темир йўлининг Урганч бўлимидаги қошидаги транспорт ветеринария хизматида ишнинг назорат қилади.

Вилоятнинг давлат ветеринария муассасаларида 1992 йилнинг бошларида 155 мол доктори ва 119 ветеринария фельдшерлари, жамоа, давлат, бошқа ташкилот ва корхоналарда 75 мол доктори, 111 ветеринария фельдшери меҳнат қилганлар.

Вилоятда тегишли ветеринария — санитария тартибини ўрнатиш ва сақлаш учун қўриқлаш — карантин ветеринария милицияси ташкил қилинган, унинг таркибида 14 та милиция ходими ишламоқда. Улар асосан вилоятни Туркменистон ва Қорақалпоғистон жумҳуриятлари билан бўлган чегарада ташкил қилинган постларда кеча-қундуз навбатчилик қилишади.

1986 йилдан 1992 йилгача бўлган даврда вилоят ветеринария корхоналарига Самарқанд қишлоқ хўжалик илмгоҳи ва Хива қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаган 32 мол доктори ва 250 ветеринария фельдшери ишга келиб, улар вилоят хўжаликлари ва идораларида ўз ихтисослик бурчини муваффақиятли адо этмоқдалар. Шундай бўлсада вилоятда мол доктори мутахассислиги билан таъминланиш 81,5 фоизни ташкил қилмоқда. Шу йиллар ичида олдинги иттифоқ илмгоҳлари ва жумҳурият ветеринария лабораториясида 29 ветеринария мутахассиси ўз малакасини оширди.

Вилоят ветеринария хизмати ривожлантиришга Ражаб Оташев, Вера Григорьевна Абдурахиснова, — Чаусова, Абдушарип Жуманиёзов, Анатолий Александрович Журавлёв, Қодир Матёқубов, Мунаввара Собирова, Раҳим Хожиев, Тамара Васильевна Фирсова ва бошқа кўп фахрийлар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Вилоят лаборатория хизматида 28 нафар мол доктори иш-

ламоқда, улар хўжаликлар ва давлат ветеринария хизматининг ветеринария мутахассисларига мол ва паррандаларни профилактикаси ҳамда касалликларни йўқотишда методик ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Мутахассисларнинг режали, мақсадга қаратилган иши вилоятда эпизоотик ҳолатни бирмунча яхшилашга ёрдамлашди.

1991 йили фермаларнинг кўпчилиги бекитилган турдаги корхона бўлиб ишлади, уларнинг санитария аҳволи яхшиланди. 133 сутчилик фермаларидан 121 чегараланган, уларда санитария—ўтказиш хоналари, дезинфекцион тўсиқлар жиҳозланиб амал қилди, фермаларнинг кўпчилиги сутчилик лабораторияларига, суғиш чочириш пунктларига, ветеринария аптекалари, гўнхоналар ва бошқа объектларга эга. Фермаларда ҳафтанинг белгиланган кунларида санитария кунлари ўтказилади.

Қишлоқ хўжалик моллари ва парранданинг зарарсиз касалликлардан нобудгарчилиги йил сайин камайиб бормоқда. Кейинги бир неча йиллар мобайнида нобудгарчилик технологик нормалардан ошмаётир.

Хоразмнинг ўзига хос табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ветеринария жиҳатидан кўп янгиликлар жорий этилди. Масалан, барча молни ўзги даврда бостирма остида сақлаш тавсия қилинди, шу давр ичида молхоналар санацйига қўйилади, синчиклаб тозаланади ва бир неча марта дезинфекция қилинади. Ер ости сувларни яқин жойлашганлиги кўп йиллар мобайнида бизни молни сақлаш учун энг маъқул турдаги полни ахтариш масаласи билан шугулланишга мажбур қилди. Натижада бетон ва тахта полдан воз кечилди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, мел боғлаб боқилганида пишган гиштдан ўтқизилган пол энг яхши натижа бермоқда. У нам тортиш хусусиятига эга, ўзида иссиқлик сақлайдиган, санитария-гигиена жиҳатидан яхши ва энг арзон, узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган материалдир. Ваҳоланки вилоятнинг деярлик ҳамма хўжаликларига гишт заводлари бор. Бундай полда оз-моз қипиқ, гўза чангалогн ва ҳоказолар тўшама бўлиши мумкин.

Қайд қилиш керакки, Хоразм шаронтида молларнинг бир қисми боғланмасдан мослашган молхоналарда сақланади. Уларга ҳар кун ташланадиган қум, рош тўшама бўлиб хизмат қилади. Бундай сақлашда йилига 2 марта тозалаб олиннадиган чуқур тўшама ҳосил бўлади: аввал—қишлоқ бошланганида, кейин у тамом бўлганида, молни бундай сақлаш дезинфекция қўлланмаси асосида ўтказилади, инфекциянинг тўлиқ йўқоли-

шига имкон бермайди. Гўнг ҳар куни олиниб, қум, рош солинса, бундай пол совуқ бўлади ва, эҳтимол, шундай вазият молни сил касаллиги билан касалланишига сабаб бўлса керак. Шунинг учун ҳам гўнгни қишда ҳар куни мол тагидан олмайдилар, тайёрланган қум, рош билан унинг устига ёйиб қўядилар.

Ёзда бу молхоналар, айтилганидек, санацйага қўйилади, дезинфекция қилинади. Мол бундай сақланганида молхонада касаллик чиқарувчи микроблар бирмунча кам бўлади.

Вилоят хўжаликларида қорамол ва майда шохли мол бруцеллезига қарши ўтказиладиган диагностик текширишлар олдин серологик усуллар билан амалга оширилар эди. 1975 йилдан бруцеллез бўйича касал ва хавfli хўжаликларда «Невский-12» штаммида бруцеллезга қарши вакцина қўллаш бошланди. 1979 йилгача вакцина ёрдамида бруцеллез этиологиясидаги иш ташлаш камайди, лекин 1979 йилдан сўнг хўжаликларга бирмунча сифатсиз вакцина кела бошлади. Шунинг учун ҳам ундан фойдаланиш самараси анча пасайди ва бруцеллездан ижобий равишда таъсирланадиган анча мол борлиги аниқланди.

Қайд қилиш керакки, «Невский-12» вакцинаси билан ишлаган илмий ходимлар ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Вазирлигининг ветеринария бош бошқармаси ўртасида бу вакцина қўллаш бўйича умумий фикр бўлмади. 1981 йили 8 ойлик қочарлар иммунизацияси № 19 штаммидаги вакцина билан мажбуран ишлана бошланди.

1971-1981 йиллар мобайнида жами 16379 бош мол, қўнча ча сизир, бруцеллезга жиддий равишда таъсирлангани аниқланди, улар гўнга топширилди ва бу билан вилоят чорвачилигига анча моддий зарар етказилди.

Сил молларин бўлиши хўжаликларга кўп зарар етказди. Тўғрисини айтганда, 1973 йилгача кўзга туберкулиноз қилиб диагностика текшириш вилоят ветеринария хизмати бошлиқларининг айби билан расмий жиҳатдан ўтказиладиган эди, айрим новок ветеринария мутахассисларни сил инфекцияси борлигини яшириб келдилар. 1973 йилдан бери сил бўйича ўтказилган комиссия текширишлар ва бу тадбирлар бўйича назоратнинг кескин кучайиши натижасида сил билан касалланган анча мол борлиги аниқланди. 1975 йилдан 1981 йилгача вилоятда сил бўйича 43 касаллик пункти, 8751 бош касал мол борлиги аниқланди. Кўрииб турибдики, бу касалликлар сабабли молнинг анча қисми йўқотилди. Шунинг билан бирга, 1982 йилдан 1991 йилгача вило-

ят ветеринария хизмати эпизоотия билан курашиш бўйича анча иш қилди. 1982 йилда вилоят ветеринария бўлимининг бошлиғи қилиб ажсейиб инсон ва моҳир мутахассис Анатолий Александрович Журавлёв тайинланди. Унинг раҳбарлиги остида вилоят ветеринария хизмати сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Молининг бруцеллёз касаллигига қарши № 82 штаммдаги вакцина қўлланиш бошланди, бу тадбир бруцеллёз билан касалланишнинг камайишига олиб келди. У бола олинган анча кўпайтиришга ёрдамлашди.

Масалан, агарда 1980 йили 26845 бош бузоқ олинган бўлса, 1991 йили бу рақам 28816 бошга етди, шу билан бирга бузоқ олин ҳар йили 463—457 бошга кўпайди.

1992 йилнинг 1 апрелига бўлган ҳолатга қараб, вилоятда 6 та пункт бруцеллёз бўйича касал ва 6 та — сил касаллиги бўйича ҳисобга олинган инфекциянинг бу ўчоқларини тезда йўқотиш чоралари кўрилмақда.

Ҳар йили ветеринария тадбирларини ўтказиш ва вилоят давлат ветеринария хизмати аппаратини сақлаш учун давлат сўғурта бошқармаси ва вилоят молия бўлими 1,5 миллион сўм атрофида маблағ ажратарди. 1992 йил бошларида ветеринария системасида ҳамма воситалар кескин қимматлаб кетганидан сўнг бу рақам 5,5 млн. сўмга етди.

Кўп иш қилинди, лекин ветеринария мутахассисларининг меҳнат самарадорлигини янада оширишга тўсқинлик қилувчи муаммолар ҳам бор.

Вилоят давлат ветеринария хизмати идораларининг моддий-техника таъминоти бугунги талабларга жавоб бермайди ва бу маълум даражада мутахассислар ишини қийинлаштиради. Кўпгина ветеринария идоралари, лабораториялар, участкалар, пунктлар автотранспорт билан етарли таъминланмаган, кўп машиналарини ҳисобдан чиқармоқ зарур. Ҳамма ветеринария идоралари ҳам талабларга жавоб берадиган хоналар билан таъминланмаган.

Вилоятда 100 ветеринария идораларидан ва 167 жамоа, давлат хўжаликлари, бешта лорхоналар, ташкилотларнинг муассаса хизматларидан фақат 11 таси намунали хоналарга эга, 26 таси — ижарага олинган, ёмон мосланган хоналардир, қолган 230 таси — деярлик хоналарга ҳам эга эмаслар. Бундай ҳолат биопрепаратлар, медикаментлар, дезинфекция воситаларининг қониқарсиз сақланишига олиб келади, бу ҳол эса улар сифатига салбий таъсир кўрсатади, шунинг билан ветеринария тадбирларининг самарадорлигини пасайтиради.

Бундай оғир шароитда ишлаб иқтимоий жиҳатдан ҳимояси етарли бўлмаган, аввало ойлик маошлари ўта паст бўлсада, чорвачилик маҳсулдорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, аҳоли соғлигини сақлаш борасида кўп ветмутахассислар ўзларининг мутахассислик бурчини сидқидилдан бажармоқдалар.

Ветеринария уставида касалликларни чиқариш ва тарқатишининг олдини олиш бўйича тадбирлар йиғиндисини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш хўжалик, ташкилот ва корхона раҳбарларининг ветеринария-санитария ва бошқа объектларни қуриш бўйича вазифалари аниқланган. Лекин бу ва бошқа тадбирларни бажармай маъмурият айрим ҳолларда бутун айбни ветеринария мутахассисларига юклашга интилади. Шунинг билан бирга, ветеринария хизмати ўз-ўзини молиявий таъминлаш, хўжалик ҳиссоти принципига ўтказиш зарурияти вуҷудга келди. Буни улар профилактик, диагностик ва даволаш тадбирларининг бутун йиғиндисини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича шахсан жавобгарликни зиммаларига оладилар.

Келгусида ветеринария хизмати буюртмалар асосида дори-вор препаратлар, вакциналар, антибиотиклар, ювини ва дезинфекциялаш воситалари билан таъминланиши лозим. Лекин олдинги мамлакатда иқтисодий алоқалар бузилиб кетганлиги туфайли 1991 йилга келиб вилоят зооветтаъминот бирлашмаси ветеринария бўлимининг буюртмасини қондира олмади.

Вилоятда молларнинг қутиришига қарши курашни ташкил қилиш муаммоси жиддий бўлиб қолмоқда. Олдин (1982 йилгача), бу масала билан тўла ветеринария бўлими шугулланар эди. Аммо 1982 йили жумҳурият Вазирлар маҳкамаси қарори билан ишлаётган ит тутувчи отрядлар ишчиларининг бутун штати, автотранспорт билан қўшиб, коммунал хўжалиги органларига берилди, лекин бу ташкилот ана шу муҳим тадбирлар билан қониқарсиз шугулланмоқда. Шу сабабли итлар томонидан молларни, ҳаттоки одамларнинг тишлаш ва қутуриш билан касалланиш ҳоллари бор.

1992 йилнинг 1 майида вилоятда 5 та қутуриш бўйича касал пунктлар сони 11 тага етди. Шунинг учун қутуриш билан курашни вазифасини ветеринария бўлимига қайтариб бериш лозим. Шунда бу тадбир бир қўлда тўпланади.

Аҳолининг шахсий хўжалигида бор бўлган мол ва паррандага зооветеринария хизмати кўрсатиш муаммо бўлиб қолмоқда. 1990 йилнинг май ойида Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг фармонида мувофиқ аҳоли яшайдиган ҳар бир қишлоқда бундай пункт ташкил қилинмоғи лозим.

1992 йилнинг 1 майига келиб 45 та бундай янги пунктлар ташкил қилинди. Лекин бу масалада жуда кўп ҳал қилилмаган муаммолар, жумладан автотранспорт, пунктларда телефон тоқаси, уруғ сақлайдиган Дюъар идишларини, молларни қочириш ва даволаш учун керакли қўлғина препаратларни йўқлиги ва ҳоказо. Лекин бу масалаларни ҳал қилиш бўйича кўп уришишлар қилинмоқда.

Келажақда зооветеринария хизмати кўрсатувчи пунктлар аҳоли яшайдиган барча қишлоқларда ташкил қилинмоғи керак.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛИШИ

Чорвачиликда оғир меҳнат жараёнларини механизациялаш воситалари вилоят фермаларида 50-йилларнинг бошларида пайдо бўлди. Даставвал сомон-силосни кесувчи РСС—6 ускуналарнинг биринчи гуруҳи келтирилди. Худди шу йилларда ситирхоналарда озуқа тарқатиш учун осма изли вагончалар ўрнатилди.

60-йилларда фермаларда механизация ва электрлаштириш воситаларидан вакуум ўтказгич агрегатлари, ҳар хил маркадаги сув иситкичлар пайдо бўла бошлади.

1971 йилга келиб оғир меҳнат жараёнларни механизациялаш даражаси қуйидагича бўлган (%): сув билан таъминлаш—33,5, соғиш—15,8, озуқа тарқатиш—3,7, гўнгни йиғиш—2,3.

70-йилларда фермаларда гўнгни йиғишда ТСН-3 ускунаси-дан, КТУ-10 озуқа тарқаткичлардан, «Волгарь-5», ИКГ-30 озуқа майдалагичлардан фойдалана бошланди.

Ем-хашак тайёрлашда биринчи марта 1974-1975 йилларда хашакларни йиғиб-прессловчилар қўлланила бошланди. Уларни ишлаб чиқаришда техника фаилари номзоди Эгамберган Абидович Хакимов иштирок қилган; у 1976-1978 йилларда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг механизация ишлари бўйича муовини бўлиб ишлаган.

1974 йилга келиб вилоятда 55 минг бош парранда ўрнига мўлжалланган бир типдаги паррандахоналар бор бўлиб, улардан 50 минг парранда ўрни комплекс равишда механизацияланган эди. Бу вақтга келиб вилоятда бўлган 157 та бир типдаги ситирхонадан 48,10 та паррандахона ва 1200 бош молни бўрдоқига боқнига мўлжалланган битта ферма механизацияланган эди.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН
ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА УРНАТИЛГАН ВА ФОЙ-
ДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН АСБОБ-УСКУНА ВА МЕ-
ХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Асбоб-ускуна, машина ва механизмларнинг номлари	1974 йилнинг 1 январига бўлгани	улардан ишлагани	фойдаланиш %
Соғиш механизмлари	67	48	71
Озуқа тарқатгичлар	60	52	87
Ўзини йиғувчи транспортёрлар	32	31	97
Автоматик сув ичиргич	3660	3202	84
Совутиш механизмлари	33	27	82
Озуқа цехлари	61	51	83

Бу пайтларда мамлакатда АВМ-0,4 маркали витаминли ўт уни тайёрловчи ускуналар ишлай бошлади, улардан вилоят хўжаликларига 9 донаси сотиб олинди. Улардан ташқари 1973 йилда 2 та донадор озуқа тайёрловчи ОГМ-0,8 ва ОКЦ-15 маркали озуқа цехлари, «Молокопровод»—100 ускунасидан бир нечаси ўрнатилди. «Узсельхозтехника» туман бирлашмаларида чорвачилик асбоб-ускуналарига техникавий хизмат қилиш пунктлари барпо этилди.

1978 йили «Узсельхозтехника» вилоят бирлашмаси қошида чорвачилик фермаларини механизациялаш учун махсус кўчма механизациялашган колонна ташкил қилинди, унинг биринчи бошлиғи бўлиб Барди Каримов тайинланди. Бу ташкилотнинг ишини яхшилашда ва хўжаликларнинг чорвачилик фермаларини механизациялашда унинг хизмати каттадир. Буларнинг ҳаммаси фермаларда ишларни механизациялаш даражасини кескин кўтаришга ёрдам берди.

1978 йилнинг бошларига келиб, соғинни механизациялаш даражаси 55,4 % га, сув билан таъминлаш 96,5 % га, сузқа тарқатиш 61,2 % га, гўнг йиғиш 60,5 % га етди.

1990 йили «Узсельхозтехника» кўчма механизациялашган колоннаси вилоят хўжаликларида 1 миллион 200 минг сўмлик иш бажарди. 2910 ўринга сигирхоналар компеке механизациялаштирилди, 7 та озуқа тайёрловчи цех қурилди. 15 соғиш ва 5 совутиш асбоб-ускуналари, кўнгина бошқа механизмлар

ўрнатилди. Шу йилнинг ўзида сув билан таъминлаш бўйича 3,7 минг мол ўрин, озуқа тарқатиш бўйича 3,65 минг ўрин, гўнг чиқариш бўйича 2,8 минг ўрин ва сигирларни соғиш бўйича—1,5 минг ўрин техникавий жиҳатдан қайта таъмирланди.

1992 йилнинг бошларига келиб вилоят хўжаликларининг чорвачилик фермаларида 313 соғиш, 283 озуқа тарқатувчи, 428 гўнг чиқарувчи агрегатлар ва механизмлар, 644 озуқа пайдаловчи, 307 сув иситгич, 88 электростанция, 47 совутиш ускуна, 158 озуқа тайёрловчи цех, улардан 15 таси озуқа линияси, 185-озуқа ошхоналари бўлган. Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» жамоа хўжалигида механизацияланган сайр (мощин), йўли қурилган.

1990 йили Гурлан, Шовот хўжаликларида бўрдоқчилик пунктларида, ал-Хоразмий номли давлат ва Хива туманидаги «Ўзбекистон» номли жамоа хўжаликларида 4 та кичик аралаш сит тайёрловчи цехлар ўрнатилди. Фақат кейинги 4 йил ичinda (1987-1990 й) 80 сигирхонада, 14700 мол ўрнига сигирларни боғлайдиган ва бўшатадиган мослама ОСП-26 ўрнатилди. Бу ишларни амалга оширишда инженер-механиклар Ражаббой Саттiev ва Комилжон Машариповлар бош-қош бўлиб турдилар.

Қилинган катта иш сув билан таъминлениш механизациялаштириш даражасини 94,7 % га, озуқа тарқатиниш 85,6 % га, гўнг чиқаришини 94,8 % га ва сигирларни соғишни 62,5 % га етказишга ёрдамлашди. Механизация воситаларини қўллашни ўз навбатида фермаларда меҳнат унумдорлигини бирмунча кўтарди, чорвадорлар меҳнатини енгиллаштирди.

Шунинг билан биргаликда, бу масалада кўп ҳал қилинмаган муаммолар бор, айниқса агрегат ва ускуналарни аҳтиёт қисмлар билан таъминлашда, кичик механизация ва совутич воситаларини сотиб олинди ва ҳоказолар, булар устида жиддий ишланга тўғри келади.

ЧОРВАЧИЛИК ИҚТИСОДИ

Кейинги йилларда вилоят чорвачилиги ялпи маҳсулоти қиймати бирмунча кўнайди. Масалан, 1970 йилда чорвачилик маҳсулотларини сотишдан 14321 минг сўм, 1975 йилда—21875 минг сўм даромад қилинган бўлса, 1990 йилда бу миқдор 79674 минг сўмга етди. Бу қишлоқ хўжалиги ялпи даромадининг 13,6 % ини ташкил қилади (1965-1970 йилларда 8,1-10,3 % бўлган).

Чорвачиликда пул даромадининг кўпайиши маҳсулот ишлаб

чиқариш ва уни давлатга сотиш миқдори, моллар маҳсулдорлигининг ўсиши, маҳсулотларни харид нархларининг ошishi ҳисобига бўлди.

Пиллачиликдан вилоят жамоа ва давлат хўжаликлари 1990 йили 18,9 млн. сўм даромад қилдилар, (1989 йилда—19,3 млн сўм).

1989 йили хўжаликлар чорвачилик маҳсулотлари сотишдан 387 минг сўм зарар кўрдилар. Тармоқдан олинган фойда Гурлан тумани хўжаликларида 215 минг сўми, Урганч туманида—69 минг сўми, Хенқа туманида—134 минг сўми, Хива туманида — 207 минг сўми, Янгиариқ туманида—64 минг сўми ва Янгибозор туманида — 80 минг сўми ташкил қилди. Бу туманларда ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги (рентабеллик), 1,6 дан 7,0 % ни ташкил қилди.

Вилоят жамоа хўжаликлари чорвачиликдан 421 минг сўм фойда олган бўлсалар, давлат хўжаликлари—313 минг сўм зарар кўрдилар.

Юқорида келтирилганидек, 1990 йили маҳсулот сотишдан 79,7 млн. сўм даромад қилинган, етиштирилган маҳсулот таннархи 80,5 млн. сўмга тенг бўлди, демак чорвачиликдан олинган зарар 0,8 млн сўми ташкил қилди. (1965 йили зарар жамса хўжаликларда 2,4 млн. сўмга, 1970 йили—5,5 млн. сўмга тенг бўлган). Фақат Хонқа, Хива ва Янгибозор туманларининг хўжаликлари фойдали ишладилар.

Қорамолчиликнинг маҳсулотидан олинган даромад 51,5 млн. сўми ташкил қилди, бу чорвачиликдаги ялпи даромаднинг 65,2 % ни ташкил қилди, лекин маҳсулот таннархи 51,8 млн. сўмга тенг бўлди, зарар 343 минг сўми ташкил қилди.

Қўйчилик 45 минг сўм, хўжаликлардаги паррандачилик—56 минг сўм, тухум сотишдан — 633 минг сўм зарар кўрилди.

Хўжаликлар фақат сут сотишдан 1989 йили 2,9 млн. сўм, 1990 йили—1,6 млн. сўм фойда олишди.

Бу маълумотлар вилоят хўжаликлари бор муносабатлари шароитида маҳсулот сотишдан албатта фойда олиши зарурлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам тезроқ гўшт етиштириш ихтисослаштирилиши керак. Чунки 1990 йилда давлатга гўшт сотишдан вилоят жамоа ва давлат хўжаликлари 1,3 млн. сўм зарар кўрдилар.

Юқорида кўрсатилганидек, моллар ейдиган озуқаларнинг сифати паст, озиклантириш рационлари тўла қимматли эмас, натижада озуқа зиёд сарфланади. Сарфлар тузилишида озуқалар салмоғи катта бўлганлиги туфайли, уларнинг ортиқча сарф

бўлиши каттадир. Масалан, 1990 йили бир центнер сут етиштириш учун 183 озуқа бирлиги, қорамолнинг орттирилган бир центнер вазига 2061 озуқа бирлиги сарфланган, бу сарфлар нормадан анча зиёддир.

Чорва молларининг nobуд бўлишидан ҳам катта зарар қурилади. Масалан, 1990 йилда nobуд бўлган молнинг баланс қиймати 671 минг сўмга етган.

Ҳали ҳам меҳнат унумдорлиги паст, етиштирилган чорвачилик маҳсулотининг таннархи юқори бўлиб қолмоқда (бир центнер сутнинг таннархи—36,7 сўм, қорамол гўштини—365,3, чўчқа гўштини — 362,2 сўмга тенг).

Юқоридики келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойдасиз ишлаш қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиши кескин кўлтирилишига қаратилиши ҳамда маҳсулотнинг ҳамма турига харид нархлари уларни етиштириш учун кетган сарфга мос келиши керак.

ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИДАГИ АЙРИМ ИБОРАЛАР

Чорвачилик соҳасига оид ўзбекча иборалар жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидагидек Хоразм шеvasида ҳам ўзига хос ифодаланади. Масалан, янги туғилган молларнинг болалари қўйидагича айтилади: «бажик» (қўзичоқ), «ужак» — бузоқ, «тона» — ургочи бузоқ, «курра» — эшак боласи ва ҳоказо. Қўйчиликда айниқса иборалар кўпдир: «гангрў», «тўғир» — қўйғиреқ, «боги» — қўй бўйига боғланадиган ил, уни иккинчи томони ухлаётган чўпон қўйига боғланади, «гечи» — эчки, «нурматигардон» — қуй ва эчкиларни, умуман молни бўғилмаслиги учун бўйинбоги ва пастдаги ишлар ўртасида турадиган жиҳоз ва ҳоказо.

ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЙўЛЛАРИ

Юқоридики кўрсатилганидек, вилоятда аҳоли бош сонига чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, истеъмол қилиш, медицина нормаларидан анча камдир. Масалан, 1991 йилда ҳар бир киши бошига ҳамма категориялардаги хўжаликларда ишлаб чиқилди: гўшт 24,4 кг (сўйилган вазиде), сут 242,6 кг ва тухум 131,6 дона яъни истеъмол қилиш нормаси қондирилди: гўшт бўйича 40,6 фоизга, сут бўйича 96,6 фоизга ва тухум бўйича 79,7 фоизга. Табиийки, келгусида бундай вазият бўл-

маслиги керак. Бунинг учун мол ва парранда бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини кўтаришга ташкилий—хўжалик тадбирлар йнғиндисини амалга ошириш лозим.

Қайд қилиш кераки, сутчилик қорамозлигининг янада жадал ривожлантириш, гўшт ишлаб чиқаришини кўпайтириш, чорвачиликда наслчилик ишини яхшилаш мақсадида вилоятда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бундай мураккаб соҳасини ривожлантиришнинг узоққа мўлжалланган комплекс мақсадли дастури ишлаб чиқилди. Лекин бу программаларнинг биронтаси ҳам тўла бажарилмади. Уларнинг ҳаммаси вилоят қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг амалдаги ҳолати ҳисобга олинмаган ҳолда тузилган эди, чунки вилоятда шу даврда пахта якка ҳошимлиги ҳукм сураётган, хўжаликларга чорвачилик маҳсулотларини етказиш фойдали эмас эди, уларнинг харид нархлари маҳсулот еттиштириш учун кетган сарфларини қоплайдиган даражадан анча past бўлган. Шунинг учун ҳам чорвачилик кўпчилиги хўжаликларда иқтисодий зарар келтирар эди. Масалан, 1990 йилгача бўлган даврга вилоятда чорвачиликни ривожлантириш программасига мувофиқ (Хоразм вилоят иқтисодиётининг 1987 йил 26 ноябрда № 389/20 сонли қарори), ўн йилликнинг охирига бориб чорвачилик объектларини тўла қайта қуриш, кўн меҳнат талаб қилувчи жараёнларни комплекс механизациялаш ва фермаларни техникавий қуrollантириш, жамоат секторида гўшт ишлаб чиқаришини 16,9 минг тоннага, сутни 61 минг тоннага ва тухумни 100 млн. донага етказиш мўлжалланган эди. Амалда эса 1990 йилда жамоат секторида ишлаб чиқилди: гўшт—13,3 минг тонна, сут—57 минг тонна ва тухум 103,4 млн. дана.

Озуқавий экинлар майдони 63,8 минг гектарга, шу жумладан бедани — 39,6 минг га кенгайтириш, жами ем-хашак етиштириш 527 минг тонна озуқа бирлигига етказиш назарда тутилган эди. Сугориладиган ҳар гектар ер 79 центнер озуқа бирлигини бериши лозим эди.

1991 йили амалда 58,0 минг гектар ерга озуқавий экинлар экилди, беданоилар 31,3 минг гектарни ташкил қилди. Бир гектар сугориладиган ердан 35,2 центнер озуқа бирлиги ҳосил йиғилди.

Лекин даврлар ўзгармоқда, жумҳурият бозор мунсабатлари шароитида ишланга ўтмоқда. Эндиликда ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғи, корхосанинг қайси тури бўлмасин улар фойдали ишланга мажбур, чунки зарарни бошиқа ҳеч бир ишлаб чиқариш қоплай олмайди.

Чорвачиликнинг бошқаришнинг тармоқини фойдали соҳага айлантирадиган системаси ишлаб чиқишлини лозим, аввало энг муҳим тадбир—чорвадорларнинг ўзларига ем-хашак етиштириш учун керакли бўлган ер беришни амалга ошириш зарур. Вилсютда бу борада 1990-1992 йилларда анча иш қилинди. жамоа ва давлат хўжаликлари таркибдаги ижара жамоаларининг ишлари бўйича дастлабки маълумотлар озуқавий экинлар ерини бошқа бригадалар эвкан, фермаларга улар берган. олдинги шартномада ишлаган жамоаларга қараганда маълум устуңликка эгаллигини кўрсатади.

Вилоят чорвачилигини ижара пудрати асосида ишлашга ўтказиш режалаштирилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини ижарага олишга асосланган пудрат унинг энг тақомиллашган шакли ҳисобланади.

Агросаноат ишлаб чиқаришида ижара иқтисодий муносабатларни инфодалайди, бунда ижарачи узоқ муддатга фойдаланиш учун маълум тўловга жамоа, давлат хўжаликдан, бошқа корхонадан ижарага ерни, маҳсулдор молни, техникани ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг анча кўнайитириш, уни сифатини яхшилаш, асосий восита ва ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида олади. 1991 йилда вилоят жамоа ва давлат хўжаликларининг 89 ёки 61 фоиздан зиёд чорвачилик фермалари ижара жамоаси бўлиб ишладилар. Тўғри уларнинг айримлари йилни зарар билан яқуллашди, улар хўжаликларнинг марказлашган ажратмалари ҳисобига қоланди. Лекин бу зарарлар ижара жамоалари ҳисобига ёзиб қўйилди ва улар хўжалик маъмурияти, ижара жамоаси раҳбари билан тузилган шартномада кўзда тутилган вақт ичида қопланмоғи зарур.

Қайд қилиш керакки, кўпгина хўжаликларда ижара жамоаси раҳбари бош зоотехниклар ёки ферма мудирлари бўлдилар, уларга чорвачилик ва деҳқончиликка бирданга раҳбарлик қилиш, далачилик бўлинималарнинг бригадирлари, одатда, агрономлар бўлсаларда аввало жуда қийин бўлди. Шундай бўлсада, уларнинг кўписи виждонан, тинимсиз хўжаликнинг бошқа тармоқлари билан бўлган кўп сонли англашилмовчиликларини бар-тараф этиб ишладилар. Лекин бундай қийинчиликлар вақтинча эди ва бунга бардеш берилди, айрим пайтда уларга туман ва вилоят агросаноат уюшмалари мутахассислари томондан ёрдам бериб турилди.

Шундай бўлсада, 1991-1992 йиллар кўп чорвадорлар учун кескин ўзгартиш даври бўлди, озуқавий экинларга ажратилган

ерга битта чорвачилик ижара жамоасининг аъзолари ишлов бердилар ва муносабатнинг бу турини вилоят хўжаликларининг барча чорвачилик бўлимларида жорий қилиш режалаштирилди.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш юқори сифатдаги озуқаларни барқарор етиштиришни таъминлайдиган озуқа базасини режали мустаҳкамлашни кўзлайди, у хўжаликларни дағал, кўк, ширали ва смухта емларга бўлган талабни тўла таъминлашни ва ривожда моллар бош сонининг ўсишидан олдинроқ юради.

Назарда тутиш керакки, чорвачилик маҳсулдорлигининг тахминан 60 фонзи озиқлантириш даражаси ва сифатига, 20 фонзи молларнинг генетик имконияти, уларнинг селекция сифати ва яна 20 фонзи—уларни сақлаш шароитига боғлиқдир.

Сугориладиган ерларда мол озуқаси етказиш ҳозир ҳам, келажақда ҳам вилоятнинг маданий қисмида жойлашади ва озуқавий экинлар, одатда, хўжаликнинг йўналишига қараб пахта, сабзавот-озуқавий ва ихтисослашган озуқавий алмашлеб экин далаларида ўстирилади. Пахта алмашлеб экин далаларида, қабул қилинган схемага қараб, сугориладиган ерларнинг 25-30 фонзини озуқавий экинларга ажратмоқ зарур.

Сабзавот — сут йўналишидаги хўжаликларда (Шовот туманидаги СССР 60 йиллиги давлат хўжалиги), шаҳар яқинидаги доирада озуқа етказиш учун 30-37 фоз сугориладиган ер, шולי ўстирадиган хўжаликларда — 25 фозгача, ихтисослашган чорвачилик хўжаликларида («Қизилжар» ва «Тупроқ-қалъа» массивларининг давлат хўжаликлари, туманлараро ва хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналари)—кўп йиллик ўсимликлар, сабзавот ва полиз экинлари ерларидан бошқаси амалда барча сугориладиган ер озуқавий экинларни ўстириш учун фойдаланилади.

Интенсив технология—чорвачиликни барча турдаги ем-хашак билан таъминлашнинг бош омилдир. Бу технология асосида сугориладиган ерлардаги далаларда озуқавий экинларни ўстиришнинг асосий шароитлари қуйидагилар:—пахта—беда, сабзавот, ем-хашак, шולי—ем-хашак ва бошқа алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш:

—мўлкалланган ҳосилини олинч учун тупроқни агрохимиявий баҳолаш;

—озуқавий экинларининг районлаштирилган энг яхши сортларидан фойдаланиш;

—озуқавий экинларни оралиқ, қайта ва аралаш экинларда

жойлаштириш йўли билан алмашлаб экишнинг озуқавий қисмида сугориладиган ерлардан рационал фойдаланиш;

—технологик картада назарда тутилган операцияларни ўз вақтида ва сифатли қилиб қисқа муддатда бақариш;

—минерал ва органик ўғитларни ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рационал равишда қўллаш;

—ремонт базаси ва моддий-техникавий таъминлашнинг аниқ иши асосида юқори меҳнат унумдорликни таъминлайдиган қишлоқ хўжалиқ техникасидан интенсив фойдаланиш.

Келтирилган талабларни тўла амалга ошириш ҳамма турдаги ем-хашакни етиштиришга интенсив технологияларни жорий этишнинг юқори самарадорлигини таъминлайди, сугориладиган гектарнинг фсйдасини кўпайтиради, олинadиган ем-хашакнинг таннархини камайтириб, уларнинг сифатини яхшилайди.

Барча технологик жараёнлар ўз вақтида ўтказилганда эски бедардан беш йўла қимматли ўрм, 180-200 центнерга пичан ҳосилини, илдиз меваилардан—800-1200 ц/га (интенсив типдаги сортлар—ўзбек ярим қандли ва сариқ эккендорф), силос учун маккажўхори ва жўхори—500-700 ц/га (ўзбек—100, кремнистая сариқ, ўзбек оқ тишсимон маккажўхори сортлари; ўзбек 18, чилляки яхшилланган, Тошкент оқ дсилли—жўхори сортлари).

Сабзавот, пелиз, маккажўхоридан бўшаган далаларга қуздаги кузги экинларни экиш тавсия этилади:

—ВАХШ 116 жавдар сорти, Праг—I третикале сорти, Тошкент — 1 сули сорти.

Кузги экинларни хўжаликларнинг ем-хашак билан таъминлашига қараб, айниқса моллар қишловининг охирида фойдаланиши керак. Агарда ем-хашак етарли бўлмаса ва моллар рационал камбағаллашса апрель—май ойининг бошларида уларни ўриб, бироз сўлдириб молга бериш тавсия этилади.

Агарда мол тўла қимматли рацион билан таъминланган бўлса кузги жавдар, третикале ва сулидан молларга бериш учун дон олиш, улардан озод бўлган далаларга қайтадан маккажўхори ёки жўхори экин мақсадга мувофиқ бўлади.

Вилоят чорвачилигида аралаш ем қилиш учун дон етиштиришни таъминлаш муаммоси энг ўткирдир, чунки моллар мақсулдорлиги пастлигининг асосий сабаби—омухта емлар етарли эмаслигидадир. Вилоят хўжаликларида молга берилadиган, хўжаликнинг ўзида етказилган омухта ем билан таъ-

минлигини 15-30 фоиз, давлат ресурслари ҳисобидagi емлар ҳам ҳисобланса 45-60 фоиз атрофида бўлмоқда.

Келажакда молга бериладиган дон хўжаликларнинг ўзида етиштиришга алоҳида эътибор берилиши лозим, бунинг учун дон учун экиладиган маккажўхори, жўхори экинлар майдонини кенгайтирмоқ керак. Экинларнинг энг серунум сортларидан экиб, ўсимликларни ўстириш барча агро-техникасига, аввало уларни экиш муддатларига риоя қилинмоғи керак. Масалар, вилоят шароитида маккажўхори довнини ҳосил бўлиш пайти йилнинг энг иссиқ вақтигача—июль ойига тўғри келмаслиги керак. Демак дон учун маккажўхори, аввало, эрта баҳор, қолган қисми бўлса 20-30 май мезоинида экилмоғи лозим.

Экиладиган ерга етарли миқдорда минерал ва органик моддалар сепилиши, ўсимликларнинг сони оптимал, гектарига 50-55 минг ўсимлик атрофида бўлмоғи керак.

«Қизилжар» массивидаги ййловларни сув билан таъминлаш масаласи жуда муҳимдир. Чунки кейинги ййловларда Амударёдаги сув миқдори етарли бўлмаганлиги туфайли ййловлар деярли ишдан чиқиб, уларнинг кўп қисмида мол ейдиган ўтлар йўқолиб қолган. 1991-1992 ййловларнинг бошларида, Амударёнинг кўйи оқимини боғлаб, Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Мўйноқ тумани ҳудудидаги кўллар тўлдирилиб, кейинги 2-3 ййловга қамши тайёрлаш замини вужудга келтирилди. Шунинг билан бирга «Қизилжар» массивидаги ййловларга режалли сув келиши, бунинг учун сувнинг керакли лимити ҳам мутасадди ташкилотлар томонидан ажратилиши лозим.

Юқорида айтилганидек, Даргон ота массивидаги қум ййловларидан фойдаланишнинг вақти 1 июль 1992 ййлда туғди. Яна 25-50 ййловга бу массивдан фойдаланишга руҳсат олинган тақдирда, бу ййловни белгиланган қисми сугорилиб, ундан самарали фойдаланиш керак.

Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш системасида озуқавий экинлар учун етарли ҳажмда сугориладиган ер ажратилиши, ундан самарали фойдаланиш масалалари билан бир қаторда ем-хашак тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш технологиясига риоя қилиши алоҳида ўрин туғди. Ўт тайёрлашнинг ҳозиргача бўлган анъанавий усуллари кам самарали. Бу жараёнда озуқавий моддаларнинг анча қисми йўқоляпти. Масалан, вилоятнинг кўпчилиги хўжаликларида энг оқилли кўп бўлган беда пичани очик тарамларда, тўла бутун ёки майдаланган ҳолда сақланади. Бунда қуруқ модданинг

йўқолиши 30-35 фоизни, протеинники—40-45 фоизни ташкил қилади. Ғарамлар сомон қатлами билан бекитилади, бу тadbир моддалар йўқолишини бутунлай тўхтата олмайди.

Агарда беда бостирма остида ёки саройларда сақланса, қуруқ модданинг йўқолиши 5-10 фоиз атрофида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам барча хўжаликларда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, енгил турдаги бостирмалар қурилиб, беда уларнинг остида ёмғирдан, қуёшдан, шамолдан сақланган ҳолда ғарамланиб қўйилмоғи лозим.

Юқори сифатли беда озуқавий моддаларга бой ва моллар учун жуда қimmatли озуқа ҳисобланади.

Юқори сифатдаги пичанни етиштириш учун ўриш вақтини тўғри аниқлаш керак. дуккаклиларни—ғунчалаш—гуллашни бошланиш пайтида, бошоқли экннларни—бошоқ чиқариш, табий ўтларни — ўсимликлар гуллашнинг бошланишида ва ҳоказо.

50-жадвал

Ривожланиш дарага қараб беданинг химиявий таркибини ўзгариши (қуруқ моддага % ҳисобида)

Беданинг даррага	Ҳисобнинг қисмлари	Процент	БВВ (оқсил эстратив моддалар)	Минерал моддалар	СР	Бириктирувчи туғилма	каротин, мг
Гунчалаш- гача	поя	13,1	42,8	8,1	3,5	32,5	70
гунчалаш	барглр поя	25,1 11,9	45,2 42,9	14,4 6,9	3,2 2,8	12,0 35,5	— 65
Гулани бошланиши	барглр поя	24,6 10,9	46,0 40,9	14,1 6,6	2,7 2,8	12,5 38,8	— 6,5
Тула	барглр поя	24,9 10,5	46,8 38,7	12,2 6,5	3,2 2,6	12,9 41,7	— 50
Ловиллар	барглр поя	24,5 10,2	46,7 36,4	1,7 5,8	3,2 2,3	12,9 45,3	— 42
Ҳосил бўлиши- нинг бошла- ниши	барглр	24,3	45,6	14,0	3,0	13,1	—
Тула пилган ловиллар	поя барглр	8,3 24,3	35,8 45,7	9,0 14,0	2,2 3,0	48,7 13,4	30 —

Беда пичанини гайёрлашда энг такомиллашган ва иқтисодий фойдали усул—бу уни пресслашдир, у озуқа йўқолишини гарамлаш, гарамларни кўзга тишдек технологик жараёнларни киямаслик ҳисобига қисқартирилади. Пичанини пресслашни ПС-1.6, ПСВ-1.6 маркали пресс йиғиштириб олувчи ҳамда ўрам пресс — йиғиштириб олувчи механизм ёрдамда, айниқса «Қизилжар» массивида қамиш тайёрлашда, амалга ошириш керак.

Прессланган пичанини албатта омборхоналарда, бостирма остида, жуда бўлмаса сомон ёки полиэтилен плёнка билан бекитиб сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар хил ширали озуқаларни узоқ муддат сақлаш учун уларни бузилмайдиган қилиб қўйишнинг бирдан-бир самарали усули—бу уни силослашдир. Сут-ачиткич бактерияларнинг ривож топиши учун силосланаётган озуқанинг оптимал намлиги 70-75 фоиз бўлмоғи керак. Ўсимликларнинг ўсиш даври силоснинг мундориға, сифатиға ва тўйимлилигиға жиддий таъсир кўраётди. Силос учун эрилган маккажўхорини мум пишишининг бошланиш босқичида йиғиштириш керак.

Силосланаётган модда етарли зичланган бўлмоғи ва ундаги ҳарорат 35 даражадан ошмаслиги лозим. Хом ашёни майдалашнинг алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Кесикнинг оптимал катталиги енгил силосланувчи ўсимликлар учун 1.5-2.0 см бўлиб, силос хандакларининг катталиги бир хандакни бекитиш вақти 2-3 кундан ошмаслигини ўйлаб қилиниши керак.

Вилоят шаронтида бедадан сенаж босиш—уни бузилмасдан сақлашнинг энг тўғри йўлидир. Бунда озуқавий моддалар йўқолиши анча камайд, озуқанинг ўзи ҳам табиий ҳолатда сақланади. Лекин бунинг учун сенаж бостирлиш технологиясининг ҳамма талабларига, аввало унинг намлигиға, риоя қилинмоғи лозим. Намлик 50-55 фоиз атрефида бўлиши керак. Сенаж учун беда ўриш эрталабдан кундузги соат 10-11 гача ва кечки соат 17-18 дан кеч оқшомгача ўтказилади.

Сўриктирилган бедани кеч пайти йиғиштириш тўғри бўлади. Буларнинг ҳаммаси озуқавий моддаларининг йўқолишиға йўл қўймасликка қаратилган.

Хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислар витамин—ўт уни, донатор ва брикетланган озуқа аралашмаларини тайёрлашдаги илғор технологик жараёнларни қўллашға алоҳида эътибор беришлари керак.

Вилоят хўжаликларида ҳар хил кам озуқали ўтлар, шу шумладан шолли сомони, маккажўхорининг қуруқ пояси, мак-

кажўхори сўтасининг ўзаки, чанғалоқ, қамши, янтоқ ва қўлгина бошқалари тайёрланади. Бу ўтларда 26 дан 51 фоиз бириктирувчи тўқима (клетчатка), мавжуд. Уларни албатта тайёрлаш лозим, лекин уларнинг тўйимлилик қимматини оширишнинг физик, химиявий ва биологик усулларини қўллаш— майдалаш, намлаш, емлар билан бойитиш, бошқа озуқалар билан аралаштириш, буғлатиш, гидролизни (мураккаб моддаларнинг сув таъсирида таркибий қисмларга ажратилиши), ва озуқаларни ачитишни қўллаш керак.

Ем-хашакни сақлаш ва унинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг текширув натижалари асосида исботланганки, ҳар бир тонна гарамланган пичандан, сомондан камида 200-250 килограмми, вақтинча ер ишшоотига бостирилган ҳар бир тонна сенаждан яъни силосдан молга 300-350 кг етиб бормади. Шунинг учун ҳамма хўжаликларда намунали ем-хашак сақлайдиган ҳовли қурилмоғи керак. Бундай технологик комплекс жумласига қўйидагилар киради: дағал, ширали, омухта, минерал озуқалар ва озуқа қўшимчаларини сақлайдиган жой, озуқа цехи, ўт уни ва қирқилган ўтин тайёрловчи агрегатлар, аралаш ем тайёрлаш цехи, катта бўлмаган химиявий лаборатория, юкловчи техника, тарози хўжалиғи. Ҳовли худуди ўраб олинган, асфальт ёки бетон йўллари бўлмоғи керак.

Чорвачиликдаги энг муҳим масалалардан бири—сифатли ўт тайёрлашдир. Ўт ҳамма технологик жараёнларга риоя қилинса ва бушнинг учун ўсимликларни ўришни бошлашдан олдин бу тadbир билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар яхши ўйланиб чиқилсагина сифатли бўлади. Ўт тайёрлашда ишлайдиган кишилар сифатли ўт тайёрлашга қизиқишлари керак, уларга тайёрланган ўтнинг сифатига қараб ҳақ тўлавиши лозим, чунки ўт сифти ва уни тўйимлиги бир-бирига билан боғлиқдир.

СИФАТ СИНФИГА ҚАРАБ ОЗУҚА ТУЙИМЛИЛИГИ
(кг ўтдаги озуқа бирлиги)

Ўтнинг сифат синфи	Беда пичани		сенаж		силос	
	озуқа бирлиги	ҳазм бўладиган протени, грамм	озуқа бирлиги	ҳазм бўладиган протени, грамм	озуқа бирлиги	ҳазм бўладиган протени, грамм
I	0,47	42,5	0,32	32,0	0,18	15,0
II	0,42	37,8	0,29	30,9	0,16	13,4
III	0,36	32,7	0,25	26,9	0,13	10,8
сифтсиз	0,28	25,5	0,20	21,4	0,09	7,5

Юқорида таъкидланганидек, вилоят чорвачилигининг ҳамма ишкали ем-хашак етишмаганлигидадир. Хўжаликлар юқоридаги кўрсатмалар асосида режали мол ва парранда бош сонини сақлашга мажбурлар, ваҳоланки улардан бундай маҳсулотни олиш учун етарли миқдор ва сифатдаги ем-хашак бўлмаслиги мумкин. Келгусида бундай қилиб ишлаб бўлмайди. Шунчалик мол сақланмоғи керакки, шундай маҳсулдорлик режалаштирилмоғи лозимки, буларнинг ҳаммаси хўжаликдаги озуқа базасининг даражасига мос келиши. Шу асосда вилоят бўйича бизнинг ҳисоб-китобимизни келтираемиз.

Вилоятни 2010 йилгача бўлган иқтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ишлаб чиқилган концепциясига асослансак, чорвачилик эҳтиёжи учун 75 минг гектар ер майдони ажратилиш кўзда тутилган, бу бутун суғориладиган ерларнинг 33,3 фоизини ташкил қилади.

Озуқавий экинларнинг ҳар гектари 100 центнер озуқа бирлигидаги ҳосил бермоғи лозим, шунда жами ҳосил 750 минг тонна озуқа бирлиги бўлади, шундан 40 фоизни яъни 300 минг тоннани гўшт ишлаб чиқаришга, 55 фоизини яъни 412,5 минг тоннани — сўт етиштиришга ва 5 фоиз озуқанинг яъни 37,5 минг тоннасини — тухум ишлаб чиқаришга сарфлаш мумкин. Бу озуқалардан фойдаланиб 21,4 минг тонна гўшт (1 кг гўшт етиштириш учун 14 озуқа бирлиги сарфланади), 275 минг тонна сўт (1 кг сўтга 1,5 озуқа бирлиги сарфланади), 18 млн. дона тухум етказиш мумкин.

Урганч ёғ-сей комбинатининг бутун қўшимча маҳсулоти-

нинг ҳаммаси қолдириладиган шароитда (завод йилига 90-100 минг тонна шрот, 45-50 минг тонна шелуха етказида), шрот ва шелуха жами 76,6 минг тонна озуқа бирлиги бўлади, шундан 70 фонзи яъни 53,6 минг тоннаси гўшт ва 23 минг тоннаси яъни 30 фонзи — сут ишлаб чиқаришга кетади, бешқача қилиб айтганда, Урганч комбинатининг шроти ва шелухаси билан 3800 тонна гўшт ва 15300 тонна сут етказиш имконияти бўлади.

Шундай қилиб, жамоа, давлат хўжаликлари, хўжаликлар аро бўрдоқчилик қорхоналарининг ажратилган ер майдонларини ҳамда Урганч ёғ-мой заводиди шрот ва шелуханинг ҳаммасини вилоятда қолдирилишини ҳисобга олиб 2010 йилга қараб 25,2 минг тонна (тирик вазиди), 13,4 минг тонна (сўйилган вазиди, 53 %) гўшт, 180 минг тонна сут ва 18 млн. дена тухум ишлаб чиқиш режалаштирилади (жамоа ва давлат хўжаликларига давлат томонидан ажратиладиган омухта емлар миқдори йил сайин камайишини кўзга тутиб, биз уларни ҳисоб-китоб қилмадик).

Лекин вилоят ҳудудида қурилган давлат қорхоналари 2010 йилга келиб шубҳасиз ишлаб турадилар ва озуқа давлат маъбаларидан ажратилади. Бу вақтга келиб уларнинг ҳаммаси лойиҳадаги қувватга чиқиб: уларда парранда гўшти етказилади, бройлер йўналишидаги паррандачилик фабрикаларда: 2-Урганч фабрикасида — 4500 тонна, Шовот ва Қўшқўпирда — 6000 тонна, Хонқа паррандачилик хўжалигига — 300 тонна, Урганч ва Хива тухум етказувчи паррандачилик фабрикаларда — 1500 тонна, Ҳазораспдаги чўчқачилик комплексида — 5000 тонна чўчқа гўшти. Шундай қилиб, давлат қорхоналарида жами 17,3 минг тонна гўшт (тирик вазиди), яъни 12,1 минг тонна (сўйилган вазиди) ишлаб чиқилади.

Аҳолининг шахсий қўшимча томорқасида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш янада ривож топиши кутилмоқда. 2010 йилга келиб ишлаб чиқилади: гўшт — 41 минг тонна (сўйилган вазиди, 53 % — 21,7 — минг тонна), сут — 225 минг тонна ва 78 млн. дена тухум.

Шундай қилиб, 2010 йилга келиб ҳаммаси бўлиб 83,5 минг тонна (тирик вазиди) яъни 57,2 минг тонна (сўйилган вазиди), гўшт, 405 минг тонна сут ва 90 млн. дена тухум етказилиши мўлжалланмоқда. 2010 йилда вилоят ҳудудида тухум етказадиган иккита — Урганч ва Хива паррандачилик фабрикалари ишлайди, улар бу йиллар мобайнида лойиҳа қувватига етади ва ҳар қайсида 90 млн. дена тухум етказилади.

Шундай қилиб, вилоятда йилга ҳаммаси бўлиб 280 млн. дона тухум ишлаб чиқарилади.

52-жадвал

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА 2010 ЙИЛГА КЕЛИБ ҲАР БИР КИШИ ХИСОБИГА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистоннинг рационал овқатланиш нормаси (бир кишига, йилга)	вилоятда ҳар бир кишига йилда ишлаб чиқарилади
гўшт	кг	60	34,2
сут	кг	251	243
тухум	дона	165	161,7

ЭСЛАТМА: Хоразм вилоятинда 2010 йилга келиб тахминан 1670 минг киши яшайдиган бўлади.

Ҳисоб-китоблар шунинг кўрсатадики, 1985-1990 йилларга Ўзбекистонда мўлжалланган овқатланиш нормаси 2010 йилда қуйидагича қондирилади: гўшт бўйича—57 фозга, сут бўйича—97 фозга тухум бўйича—98 фозга. Шундай қилиб, аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашдаги таъғлик 1990 йиллардагидек сақланади ва бу масалани ҳал қилиш учун қатъий чоралар кўришга тўғри келади.

Агар пахта майдони 90-100 минг га атрофида қондирилса, бошқа ҳеч қандай ўзгаришлар қилнимаса, аҳолини гўштга бўлган талабини вилоят ҳудудида уни ишлаб чиқиб ҳал этиб бўлмайди. (бошқа экиладиган ер қўшилмаган тақдирда). Шундай экан ҳар қандай вазиятда ҳам четдан 25-30 минг тонна гўшт келтирилиши лозим. Тўғри, аҳоли хонадонинда гўшт етиштиришни ўстириб, Турроқалъадаги 4 та давлат, Бобоғ туманидаги «Зарбдор» давлат хўжаликларини ва «Урганч» давлат хўжалигини — гўшт етказувчи хўжаликларга ўзгартириб, «Прогресс» чўчқачилик комплекси, «Қизилжар» иккара хўжаликлари ва гўшт тайёрловчи корхоналар фаолиятини яхшилаб, бу рақамни бирмунча камайтириш мумкин бўлади.

Вилоят аҳолисини сут ва сут маҳсулотлари ҳамда тухум билан таъминлаш муаммоси амалда ҳал бўлади.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА 2010 ЙИЛГА КЕЛИБ РЕЖАЛАН-
ТИРИЛГАН МОЛ ВА ПАРРАНДА БОШ СОНЛАРИ (минг
бош).**

Мол ва парранда тури	мол ва парранда бош сони	
	ҳамма категориюлардаги хўжаликларда	жамоа, давлат хўжаликларо хўжаликларда
Қорамол	340,0	135,0
шу жумладан сизир	150,0	60,0
чўчқа	55,3	55,3
қўй-эчки	165,0	50,0
вояга етган парранда	4000	3500

Шу йиллар мобайнида жамоат секториди ҳар бир сизирнинг маҳсулдорлигини 3000 килограммгача, аҳоли хўжаликларида— 2500 килограммгача, ҳар бир тугадиган товуқдан 181 донагача тухум, 100 бош она молдан камида 90 тадан бузоқ, 2500 чўчқа боласи ва 100 қўзи олиш, ҳар бир бош гўштга тошириладиган қорамолнинг тирик вазини 450 кг, чўчқаларни—115 кг, қўйларни—40 килограммгача етказиш мўлжалланмоқда.

Келтирилган кўрсаткичларни амалга ошириш учун Хоразм вилоятида ўзига яраша шароитлар яратилган. Лекин бу имкониятлар ишга солиноғи лозим, бунинг учун чорвачиликни тармоқ сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши талаб этилади.

Гўшт ва сут ишлаб чиқаришни янада кўнайитириш чорвачилик тармоқларини, айниқса, қорамолчилигини тўғри ташкил қилишни талаб қилади, бунинг учун қуйидагиларни амалга оширмоқ зарур:

—қорамолчилигини ички ва хўжаликларо иختисослашни янада чуқурлаштириш;

—ихтисослашган қорамолчилик фермаларининг энг мувофиқ катталигига эришиш;

—молларни озиқлантириш ва сақлашни яхшивлани;


—селекцион — наслчилик ишини ўтказишни чуқурлаштириш;

—фан ва илгор тажриба ютуқларини жорий этиш ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатилганидек, вилоятдаги ерлар ҳаддан ташқари чегараланган шариқта жамсат чорвачилигини кескин ривожлантиришнинг балки, ягона имконияти бор—бу ҳам бўлса хўжаликлараро бўрдоқчилик пунктларининг фаолиятини яхшилашдир. Бу пунктларга молнинг бутун гўшт учун боқиладиган қисми берилиши лозим. Шунда жамоа ва давлат хўжаликларига сизирлар бош сонини анча кўпайтириш (20 йил мобайнида деярли 2 марта), имконияти яратилади. Лекин бунинг учун хўжаликлараро бўрдоқчилик пунктларига қўшимча равишда камида 7-8 минг гектар суғориладиган ер ажратиш лозим.

Сут қорамолчилигини чуқурлашган хўжаликлараро, хўжалик ичидаги ва технологик ихтисослашнинг келажакдаги ўзаро боғлиқлари схемада келтирилган.

СУТЧИЛИК ҚОРАМОЛЧИЛИГИНИ ЧЎГУРЛАШГАН ХЎЖАЛИКЛАРАРО, ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ
ВА ТЕХНОЛОГИК ИХТИСОСЛАШНИНГ АСОСИИ ИЖОДАШЛАРИ ВА УЗАРО АЛОҚАСИ



Бунда бизнинг хўжаликларда бугунги қунда бўлмаган назорат ҳовлиси звеносини ташкил қилиш қўзда тутилган. Юқори маҳсулдорли сигирлар ўстириш масаласида буни жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Буннинг учун ремонтбоп бузоқларни ўстириш масаласига алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Сутчилик подасидаги салмоқ қуйидагича бўлмоғи керак: сигирлар—45 %, назорат ҳовлидаги биринчи марта туққан сигирлар—3,5 %, гунажинлар—14,5 %, 16-18 ойлик қочарлар—8,5 %, 12-15 ойлик қочарлар—11 %, 6-12 ойлик қочарлар—12,0 %, 6 ойгача қочарлар—12,5 %, 2 ойгача гўштга кетадиган бузоқлар—3 %, жамоа ва давлат хўжаликларининг товар фермаларида сигирлар—50 %, назорат ҳовлидаги биринчи марта туққан сигирлар—3 %, гунажинлар—3,5 %, 18-24 ойлик қочарлар—9 %, 12-18 ойлик қочарлар—10 %, 6-12 ойлик қочарлар—10,5 %, 6 ойгача бўлган қочарлар—11 %, 2 ойгача бўлган гўштга топшириладиган бузоқлар—3 %.

Ҳам сут, ҳам гўшт товар ишлаб чиқишни сақланадиган хўжаликларда пода тузилиши қуйидагича бўлади: сигирлар—45 %, назорат ҳовлидаги биринчи марта туққан сигирлар—2,5 % гунажин—4,5 %, 18-24 ойлик қочарлар—8,5 %, 12-18 ойлик қочарлар—11 %, 6-12 ойлик қочарлар—12 %, 6 ойгача бўлган қочарлар—12 %, гўштга кетадиган бузоқлар ва брак қилинган моллар 3,5 %.

Хўжаликларда молларни урчиши усули—соф зотли урчиши бўлади. Қизил зотли молларни зотли—маҳсулдорлиги сифатларини яхшилаш мақсадида, энг яхши молларни чуқур селекциясини олиб бормоқ зарур. Шунинг билан бирга, чамаси, қизил—ола голштинифриз зотли қочирувчи—буқаларнинг уруғи билан бир марта қочирини тўғри бўлса керак.

Қочарларни биринчи марта қочирини вақти уларнинг физиологик тайёрланганлигига боғлиқ. Қочарлар камиди 300 кг (яхшиси 330-340 кг), тирик вазнига етганида, яъни 17-18 ойлигида қочирилиши тўғри бўларди.

Наст маҳсулдор сигирларни (2500 килограммдан камини), туққанидан сўнг биринчи куйга келганида, 3000 килограммдан анд маҳсулдорли сигирларни 2-3 куйга келганида қочирини яхши натижа беради. Бунда энг муҳим мезон—сигирдан йилга битта бузоқ ва энг юқори маҳсулдорлик бўлмоғи керак.

Сигирлар йил давомида бир текис қочирилишини ва туғишини ташкил қилиш керак.

«Қизилжар» массивидаги хўжаликларда сигирларни қочирини ва уларнинг туғиши мавсумий бўлади. Қочиринини энг

яхшиси апрель—август ва тугиши январь—майга режалаштириш тўғри бўлади.

Вилоятда сигирларни хўжаликда фойдаланиш давомийлигини масаласи ҳал бўлган. Хўжаликда сигирдан фойдаланишнинг бош мезони—унинг маҳсулдорлигига боғлиқ. Хўжаликда юқори маҳсулдор сигирлардан 12-13 ва ундан ҳам кўп йил фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлади, фойдаланишнинг ўртача давомийлиги 9-10 йилдир.

Вилоятда келгусида ҳам молларни сақлашнинг қуйидаги системасини қўллаш мақсадга мувофиқдир: кўпинча сут етиштирувчи хўжаликларда — қишда—боғлаб, ҳаво очиқ қушлари—бостирма остида, сайр майдончаларда, ёзда—бостирма тагида, сайр майдончаларда. Соғим механизациялашган—қишда сигирхонада, ёзда—бостирма тагида ўрнатилган вакуум—қувур ёрдамида челакага соғган ҳолда яъни сут қувурига. Молхоналар ёзда албатта санақияда бўлиши шарт. Хўжаликларда соғимни 2 марта ўтказиш тавсия қилинади.

Гўшт етиштирувчи хўжаликларда—молларни қишда молхоналарда боғламасдан, ҳаво очиқ қушлар—ййловга чиқариб, ёзда (6-8 ой). — ййловда боқни мўлжалланган. Молни озиқлантириш, асосан, ййлов ўти ҳамда далада етказилган мол ўти билан амалга оширилади. Гўшт етиштирувчи хўжаликларда сигирлар соғилмайдилар, бузоқлар опасининг ўсида тарбияланади, ўзи 6-8 ойлигигача опасини эмади.

Келгусида ҳам қозоқи оқ бош ва Санта—Гертруда зотлари вилоятнинг гўшт етказувчи ижара хўжаликлариде режали зотлар бўлиб қолиши керак. Бу хўжаликлардаги поданинг тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин: сигирлар—45 %, ғунажинлар—6 %, 6-13 ойлик қочарлар—10 %, 6 ойгача бўлган қочарлар—14 %, гўштга тошириладиган бузоқлар ва брак қилинган моллар — 25 %.

СУТ ҚОРАМОЛЧИЛИГИ СИСТЕМАСИ

Молларнинг зотли — маҳсулдорлиги ва наслдорлик сифатларини янада оширишга кўп сонли молларда фан ва илгор тажрибанинг охириги ютуқларидан фойдаланиб ўтказиладиган йирик миқёсдаги селекция йўли билан эришилади. (Китобда чорвачиликни бошқариш системасида жумҳуриятнинг етук мутахассислари томонидан 2000 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқилган қондалардан фойдаланилди).

Сут қорамолчилигида наслчилик ишининг асосий шартлари

қўйидагилар бўлиши керак: вилоят давлат наслчилик қорхонаси, жамоа ва давлат хўжаликларининг наслчилик фермалари, сутчилик комплекслари, жамоа ва давлат хўжаликларининг товар фермалари.

Вилоятда урчитиладиган зотларни янада такомиллаштириш учун, юқори сифатли наслдор қочарларни мўлжалланган жойлардан режали тартибда келтиришни давом қилдириш зарур. Лекин келгусида жамоа ва давлат хўжалиklarининг ўзларида бузоқни йўналтирилган тарзда тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилмоғи керак. Вилоятнинг кўпгина хўжаликларида қочарларни ўстиришга ўргандилар, улар ҳеч бир томондан келтирилган қочарлардан паст эмас.

Жумҳурият миқёсида бутун наслчилик иши Ўзбекистон жумҳуриятининг чорвачиликдаги наслчилик ишлари бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (ЎЗРНИО), Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти томонидан бошқарилмоғи керак. Лекин бугун бундай раҳбарлик сезилмаётир, қизил зотлар билан наслчилик ишларини бошқарадиган Кенгаш ҳам йўқ.

Молларнинг маҳсулдорлик сифатини тўлароқ юзага чиқаришга имкон бўлган Хоразм вилояти шароитида урчитиладиган зотларни яъни зотни тўғри, илмий асосланган танлаш муҳим аҳамиятга эга. Зотларни табиий—иқтисодий минтақалар бўйича районлаштириш қўйидаги тартибларга риоя қилинган ҳолда тузилади: — режалаштирилган зот чорвачилик маҳсулотларини кам меҳнат ва моддий воситаларни сарфлаб энг кўп миқдор олиншини таъминлаши лозим, режадаги зотга мансуб бўлган моллар маълум минтақанинг табиий ва иқтисодий шароитларига яхши мосланган бўлмоғи керак. Шу қондаларга асосланиб зотларни районлаштириш режаси бўйича вилоят шароитига режали зотлардан қизил зотлар—қизил чўл, латвия қўнғир, қизил эстоңия, қизил дания, англелар танланди. Бу зотларни зотли маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш бўйича қилинган ишларни умумийлаштириш вақти келди. Вилоят давлат наслчилик қорхонаси бу ишни бошқармоғи лозим, бу зотлар билан ўтказиладиган селекция — наслчилик ишларининг илмий асосланган режаси бошқа тармоқлар мутахассислари билан биргаликда тузилиши керак. Лекин бу молнинг яшрини имкониятларини юзага чиқармоқ учун чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини яратмоқ лозим. Худди шундай база йиллар мобайнида вужудга келтирилмади. Шунинг учун ҳам, қанчалик меҳнат аъзаига барпо этилган қизил зотлар подаси ўзининг яхши томондан кўрсата билмаётир. Бу тўғрида билиш, эслаш ва бу

хатолар келажакда такрорланмаслиги учун маълум чоралар қўлланилмоғи лозим.

Келтирилганидан бўлак вилоят давлат наслчилик корхонаси хўжаликлари сунъий қочириш пунктларининг иштини ҳамда бошланғич зоотехника ва наслчилик ҳисоботида аниқлиқни таъминлашни керак.

Ўзининг қимматли сифатларини авлодига барқарор ўтказиш қобилиятига эга бўлган молларни ўстириш мақсадида, барча хўжаликларда ссф зотли урчиғиш қўлланилмоғи зарур. Шунинг билан бирга вилоят давлат наслчилик корхонаси оммавий равишда яқин қариндошлик қўшилишининг олдини олиш мақсадида уруғ келтирилишини қаттиқ назорат остига олмоғи керак. Зотни таксимлаштириш—зот ичидаги селекция йўли ватандаги ва хориждаги энг яхши генетик маъбалардан фойдаланган ҳолда янги турларни барпо этиш ҳиссбига амалга оширилмоғи лозим.

Барча туманларда наслчилик иши ва сунъий қочириш бўйича туман хўжаликлараро бирлашмалари тузилиб, улар хўжаликларда селекция—наслчилик режаларининг бажарилишини, молларда бонитировка ўтказишни ташкил қилишни, сизирларни наслик ядрога ажратишни, сунъий қочириш пунктларининг иштини яхшилашни, ремонтфон бузоқни танлаб ўстиришни, зоотехника ва наслчилик ҳисоботни юргизишни таъминлашни лозим. Товар хўжаликларда наслчилик системаси—уларнинг асосий вазифасига мос келмоғи, бу вазифа сифатли сўт ва гўштининг энг қўп миқдорини ишлаб чиқаришга қаратилмоғи керак. Ҳўйгина хўжаликларда ссф зотли ва зотлилиги юқори бўлган моллар анча, бу табиийки, чуқур селекция—наслчилик иши ўтказилишини талаб этади.

Товар хўжалиқнинг она подаси 3 гуруҳга ажратилмоғи лозим: наслчилик ядроси (55 %), ишлаб чиқариш гуруҳи (30 %), брак қилинадиган гуруҳ (15 %).

Товар хўжалиғи подасининг ремонти наслчилик ядро ва ишлаб чиқариш гуруҳига кйрган сизирлардан олинган гунажнлар ҳиссбига амалга оширилмоғи керак. Молни танлаш гуруҳ бўйича қилинади: подага бир линиядаги (надаги), 1-2 буқанинг уруғи биркигилади, уруғ ҳар 2-2,5 йилда алмашинади. Қочирувчи буқаларнинг уруғини алмашлаш тартиби (ротацияси), селекция—наслчилик режаларга мувофиқ вилоят давлат наслчилик корхонаси томонидан амалга оширилади.

Шунинг билан бирга, вилоятда бир неча наслчилик хўжалиқларини тузиш жуда зарурдир. Шовот туманидаги «Шовот»

давлат хўжалигининг вазифасини қайта тиклаш керак ва бу хўжаликда вилоятда урчитилаётган зотларни такомиллаштиришга ва уларнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга қаратилган чуқур селецион иш билан шугулланиш лозим. Уларда фан ва илм ўр тажриба ютуқларини жорий этиш бўйича катта иш олиб борилиши керак.

СУТ БЕРУВЧИ МОЛНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Сут берувчи молни сақлашнинг бир неча усули бор. Бу системаларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятларига, устунлигига ва етнимовачилигига эгадир. Шунинг билан бирга вилоят шароитида иқтисодий жиҳатдан маъқул, молларни биологик талабларини ва технологик ечимларни тўлароқ ҳиссбга оладиган усулга афзаллик берилмоғи лозим.

Молларни боғлаб боқилишнинг афзалликлари шундаки, ситирларга қараш бўйича асосий ишлаб чиқариш жараёнлари улар ситирхонада турган пайтида бажарилади, молларни озиклантириш ва қараш—нормаллашган, индивидуал, турган жойида соғиш—вакуум—қувурга.

Ситирхона ёнида сайрга мўлжалланган сояли бостирма билан озудавий майдонча жиҳозланади. Бу ерда ситирларга ичкан, еснаж, қўк ўт ва сидос берилади, бошқа ем-хашакларни улар ситирхонада боғлашиб турган жойларида оладилар.

Бундай сақлаш усулида ситирларни соғишнинг энг яхши усули — «Тандем» қурилмаси ёки бошқа соғиш майдончаларида ўтказишдир.

Ўзини ситирхонадан чиқариш ҳар хил шаклдаги транспортларда амалга оширилади.

Ем-хашак тарқатиш учун КТУ-10 туридаги ҳаракатчан озуда тарқатгич қўлланилади.

Молларни сугориш—индивидуал автотиргичлар орқали амалга оширилади.

Молларни ситирхоналар ичида сақлаш технологияси бундай сақлаш усулига мос келмоғи лозим. Масалан, охурлар ораси—220-240 см, гўнг йўли—100—120 см, охурлар кенлиги—70-80 см, мол турадиган жойининг узунлиги 165-170 см атрофида бўлмоғи керак. Бундай технологияда 100 бош молга мўлжалланган ситирхонанинг кенлиги 10-10,5 метрга тенгдир.

Моллар турган полни пишган гинт билан қиррасига ётиқ-зиш яхши натижа беради.

Охурлар бўйлаб сув қувурларини маҳкамлаш вакуум яъни сут қувурлари, автобоғлагичлар ва ҳоказолар учун тиргаклар ўрнатилади.

Молларни бирлаштирилган усул билан сақлаш тўғри бўларди. Бундай усулда мол қишда, тунда сигирхонада—боғлаган ҳолда сақланади, кундузи—бостирма остига, сайр майдончасига чиқарилади, ёзда, куннинг иссиқ пайтида—сигирларни яхши шамоллатиладиган молхонада сақлайдилар, кечаси эса—сайр майдончасига чиқарадилар. Сайр майдончаларини, бостирмалардан ташқари сигирларни соғиш қурилмаси билан жиҳозлаш ва уларни ёзда донм шу майдончаларда сақлаш керак. Лекин бунда бостирмалар кенглиги анча бўлиши зарур, чунки шундагина улар молларни иссиқдан ва қуёш нуридан сақлаши мумкин. Булар шунинг учун қилинадикки, сигирхоналар апрель ойидан октябрь ойигача бўлган давр мобайнида санақияда турмоғи дарвор.

Сигирларни бирлаштирилган сақлаш усулида автоматик боғлагичлардан фойдаланиш қулайдир, бунда сигирларни боғлаш ва бўшатинидаги меҳнат сарфи амалда йўқолади. Молларни бошқа гуруҳлари сигирлардек сақланаверади: қишда—молхонада, ҳаво очиқ кунларда—очиқ бостирма остидаги майдончаларда. Кескин совуқ кунлари бузоқларни майдончага чиқариш тавсия қилинмайди.

СИГИРЛАРНИ САҚЛАШДАГИ УЗЛУКСИЗ—ЦЕХ СИСТЕМАСИ

Сигирларни сақлашдаги узлуксиз—цеҳ системаси вилоят хўжаликларидида биринчи марта 1982-1984 йилларда жорий қилинди. Ҳозирги вақтда сут-товар фермаларининг 70 фонзидан зиёди бундай илгор технологияга риоя қиладилар. Бу қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

—молларни физиологик ҳолатига қараб уларни ферма ичида ихтисослашга;

—молларни физиологик ҳолатига ва уларни ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қараб цехдан - цехгача бўлган ҳаракатини таъминлайдиган физиологик хизматни ташкил этишга;

—сут соғувчи — операторларни, сигирлар гуруҳини соғим даврида доимо қараш учун бирктишга, бу сигирларни қарашдаги эгасиз қолдиришни йўқотади ҳамда ҳар бир операторнинг ўз меҳнати натижасига жавобгарлигини кўтаради;

—ем-хашакдан самарали фойдаланишга;

—ветеринария-профилактик ва даволаш тадбирларни такомиллаштириб режалашга ва уларни тўлиқ ўтказишга;

— тармоқни фан ютуқлари ва илғор тажриба асосида бошқариш маданиятини кўтаришга;

— ишлаб чиқилган маҳсулот таннархисини камайтиришга;

— селекция — наслчилик ишини чуқурлаштиришга ва асосда поданинг сут маҳсулдорлигини кескин кўтаришга.

54-жадвал

**УЗЛУКСИЗ—ЦЕХ СИСТЕМАСИДА СИГИРЛАРНИНГ
ЖОЙЛАШИШ СХЕМАСИ**

Цех	Мол ўринининг сонини (пода сигирларининг сонига қараб, % да).	бўлимлар	сақлаш усули	шу цехда бўлиш муддати, кунлар
Сутдан чиққан сигирлар	15	—	боғлан-масдан қишда — сигирхона, боғланган ҳолда	50—60
Туғиш	10	туғишдан олдин туғиш, туғишдан кейин	қўшма	8 2 10
«Раздой» ва қочирин, сут ишлаб чиқариш	75	—	қўшма	290

ЭСЛАТМА: Йирик фермаларда сигирлар 4 та цехда ҳам сақланиши мумкин («раздой» ва қочирин цехи, сут ишлаб чиқариш цехи алоҳида ажратлади).

Вилоятда келажакда 400, 800, 1200 сигирга мўлжалланган йирик сут комплексларини барпо этмаелик керак. Сут-товар фермасида 200 дан зиёд сигир сақланмаслиги лозим, бу — эпизотик ҳолат ҳамда сигирлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир. Бундай вазиятда фермада ҳар бириси 100 бошга мўлжалланган 2 та ўзаро бирлашган сигирхона бўлиши, сигир-

хона қаторларининг биттасида янги туққан сигирларни сақлаш ўринлидир (уларни 200 бошга мўлжалланган сигирхонада шундай қилиб сақлаш керак). Сунъий қочириниш пунктини шу цехга яқин жойда яъни шу сигирхонанинг ён томонида жойлаштириш керак.

Янги туққан сигирларнинг бир қаторда жойлашиши уларнинг ҳар бирини қарашга, алоҳида озиқлантиришга имкон беради. Бу «раздой» даврида айниқса муҳимдир. Шу ернинг ўзида сигирларни ўз вақтида қочириниш имконияти бўлади.

Бошқа қаторларда яъни бошқа сигирхонада фақат бўғоз сигирлар ва узайган соғим даврига эга бўлган брак қилинган сигирларнинг бир қисми сақланади. Кейингилар соғим даври тамом бўлганидан сўнг бўрдоқига жўнатилади.

Барча сўт-товар фермаларида етказиладиган сўт юқори, экологик тоза сифатда бўлиши лозим. Унинг олиниши учун ҳамма бсеқичларда, бошланғич ишлов беришда, сақлашда ва ташинишда технологик, зооветеринария ва санитария талабларига риоя қилиниши ва бажарилиши, узоқ давр ичида сўтнинг бактерицид хусусиятларини сақлаб, унинг йўқолишини қисқартиришга эътибор берилмоғи керак. Бунинг учун шаҳарга яқин доирада барча фермаларда намунали сўт бўлиналари қурилиши, уларда сўтга бошланғич ишлов берилиши, пастеризация қилиниши ва, эҳтимол, қоғоз халтачаларда бевосита савдога юборилиши мумкин. Келажақда айрим хўжаликлар технологик асбоб-ускуналар бўлган тақдирда шу ернинг ўзида ҳар хил сўт маҳсулотларини тайёрлашни мумкин. Шунинг учун ҳам, сўт блоклари ва бу мақсад учун хоналар мўлжалланмоғи лозим.

Сўтга узлуксиз равишда бошланғич ишлов бериш, уни тозалаш, пастеризация қилиш, совутиш учун сигирларни «Тандем» УДА—8а ва бошқа турдаги қурилмаларда соғини мақсадга мувофиқдир.

Сўт тозалаб, совутилганида унинг бактерицид даври давийлиги узайди ва уни бевосита фермаларда тошириш—қабул қилишни ташкил қилиш имконияти пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тайёрловчининг транспорти билан сўтни марказлашган равишда ташиниш амалга ошириш мумкин. Бу—видоят хўжаликларини сўтни сотиш учун сарфланадиган анча кичи кучи ва транспорт воситалари сарф-ҳаражатларидан бовод қилади.

Сўтни марказлашган равишда ташини маълум иқтисодий самара билан унинг сифатини оширишга имкон беради. Лекин сўтни марказланган усулда ташиниш ташкил қилиш учун бар-

ча хўжаликларда совутгич асбоблар самарали ишламоғи керак. Унинг бўлиши ҳам хўжаликка, ҳам тайёрловчига фойдалидир. Ундан ташқари, бундай усулни ташкил қилиш сут саноати корхоналарига сутни бир маромда келишига, корхоналарнинг ускуналаридан яхши фойдаланишига, пастдаги тайёрлов шохбчаларини қисқартиришга имкон яратади.

Сутни соғиб олишда, уни бошланғич ишлашда, сақлаш ва ташишда санитария ва ветеринария қондаларига қаттиқ риоя қилинмоғи лозим. Сут асбоб-ускуналарига санитария ишлов бериш — соғиш тамом бўлиши биланоқ ва уларни сутдан озод қилиш, «жамоа, давлат ва қўшимча хўжаликларининг сут-товар фермалари учун санитария ва ветеринария қондалари» ва «соғим қурилмалари ва сут идишларига қарашининг санитария қондалари, уларнинг санитария ҳолати ва сутнинг санитария сифатини назорат қилиш» (1985 й), қондалари асосида амалга оширилиши керак.

РЕМОНТБОП БУЗОҚЛАРНИ ЎСТИРИШ ВА СОҒИМ ПОДАСИНИ ТЎЛДИРИШ

Ҳар бир хўжаликда наслчилик ишлари режасини ҳисобга олган ҳолда бузоқни йўналтирилган равишда ўстириш режаси тузилмоғи лозим. Бунда бузоқни ҳар хил ёшлик даврларида режалаштирилган ўсиш ва тирик вазни, озиқлантириш ва сақлаш шароитлари ўз аксини топиши керак. Натижада маъқул турда ўстирилган мол қўплаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлмоғи керак.

Яқин йилларда ва келажакда қочар ва гунажинларни ўстиришни, асосан, ҳар бир хўжаликда ихтисослашган фермаларда ёки бригадаларда амалга ошириш кўзда тутилади.

Молларнинг наслдор сифатларини такомиллаштириш ва ихтисослашган бригадаларда ўтказиладиган гунажин ва биринчи марта туққан сиғирларни йўналтирилган тарзда ўстириш бўйича қилинадиган иш, сиғирлар сонини режалаштирилган суръатда ўсишини ва кам маҳсулдор, қисир ва машина соғимига лабқатсиз сиғирларни систематик равишда алмаштириш ҳамда сут-товар фермаларини юқори маҳсулдорли мол билан тўлдиришини таъминланга имкон яратади.

Ҳозирги вақтда соғим подасини янгилаш даражаси ремонт-боп бузоқларни ўстириш технологиясига йўл қўйиладиган бузилишлар билан ихтисослашган фермаларнинг йўқлиги, биринчи марта туққан сиғирларни «раздой»нинг қониқарсиз ташкил қилиниши ва уларни юқори сифатли ем-хашаклар билан кам таъминланганлиги туфайли тўхтатишда.

Сигирлар подасни тўлдириш учун сифатли наслдор қочарларни ўстиришни тартибга тушириш мақсадида ҳар бир жамоа ва давлат хўжалигида ҳозирги пайтда ва келгусида жамоа ва оила лудратига асосланган хўжалик ичидаги хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригада, звенолар ташкил қилиш тавсия этилади, уларга керакли подага қўшилиши керак. Ўсиш режаси бўйича қочарлар 17-18 ойлигига келиб 330-350 килограмм тош босиши лозим. Янги туғилган бузоқларни 2 ойлигига қадар индивидуал уйча — профилакторийларда сақлашнинг (совуқ усулда тарбиялаш), афзаллиги исботланган, буида бузоқ организми чиқиқди, уларнинг сақланиши ошади.

Ремонтбоп қочарларни ўстириш шундай ҳисоб-китоб билан қилинмоғи керакки, ҳар йили 25-30 фоз биринчи марта туққан сигирлар подага қўшилиши керак. Ўсиш режаси бўйича қочарлар 17-18 ойлигига келиб 330-350 килограмм тош босиши лозим. Янги туғилган бузоқларни 2 ойлигига қадар индивидуал уйча — профилакторийларда сақлашнинг (совуқ усулда тарбиялаш), афзаллиги исботланган, буида бузоқ организми чиқиқди, уларнинг сақланиши ошади.

Уйчанинг узунаси 150 см, кенлиги—120 см атрофида бўлади. Уйчанинг олдинги қисмининг томи 120 см, орқадагисиники—110 см. Қиш даврида уйча ташқаридан полиэтилен қатлам билан қопланади. Уйча бутун томондан 110 см баландликдаги тахта ёки металл тўсиқ билан ўралмоғи, уни олдинги деворида эшик бўлмоғи лозим.

Сайр майдончанинг (вольер), ичидаги деворга уч хоначали охурча мақамланади (омухта эм учун катталиги 20x20x20 см дағал ўт учун — 30x20x20 см, минерал қўшимчалар учун—15x15x15 см). Бузоқ танаси инфлоксанмаслиги учун тўшама сифатида сомонни 1-2 кг миқдорда тўшайдилар.

Витамин озуқа сифатида сут ичадиган бузоқларга А, Д, Е витаминлар препаратларини, витамин—ўт унини бериши, охурларда ҳар доим туз, фосфор, кальций қўшимчалари бўлмоғи керак.

6 ойдан катта бўлган қочарлар рақциони вояга етган моллар рақисига мумкин қадар яқин бўлиб, кўпроқ дағал ва ширали озуқалардан, камроқ омухта емлардан иборат бўлмоғи керак.

Рақционлар 550-600 граммдан кам бўлмаган ўргача суткалик ўсишни таъминлаши лозим, интенсив ўстиришда—12 ойгача 700-750 г ва 18 ойгача 550-600 г. Шундай озиқлантиришда ва интенсив ўстиришда қочарлар 18 ойлигида 345-400 килограмм тирик вазига етадилар.

ТОВАР ХУЖАЛИКЛАРДА 2 ДАН 60 КҮНЛИГИДАГИ БУЗОҚЛАРИНИҢ СУТ ИЧИРИШ
ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ СХЕМАСИ (БИР БОШГА, КҒ).

Күнлар	кинши даяр					экти даяр						
	нүчүл сүт	ЭНМ	апараштан	сма	беда	минерал озу- қалар, г		апарашма	сүт ичирит- кан күн	сүт	минерал озуқа- лар, г	
						Туз	бор				Туз	бор
2-10	5,0	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
11-20	5,0	1,0	0,2	0,2	0,2	5,0	5,0	—	0,4	—	5,0	5,0
21-30	5,0	2,0	0,2	0,2	0,2	5,0	5,0	0,2	0,5	—	5,0	5,0
31-40	4,0	3,0	0,4	0,6	0,4	10	10	0,4	1,0	—	10	10
41-50	3,0	4,0	0,6	1,0	0,6	10	10	0,6	1,5	—	10	10
51-60	3,0	4,0	0,8	1,5	1,0	10	10	0,8	2,5	—	10	10
жамин	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
2 ойда	250	140	22	35	400	400	400	20	59	400	400	400

56-жадвал
**ТОВАР ХУЖАЛИКЛАРДА 2 ДАН 6 ОЙГАЧА БУЛГАН БУЗОҚЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ
 СХЕМАСИ (БИР БОШГА, КГ)**

Бузоқнинг ёши	Ўш даври			Қиш даври			Ез даври										
	Ойлар	Давр охири-даври типик	ЗЦМ	Омухта ем	Беда	Макарбухори ситоси	Ярмқ қанд лавлати	Туз	Бор	Преципитат	ЗЦМ	Омухта ем	Беда	Сўлдиритан муқ ут	Туз	Бор	Преципитат
111	7 ний	6.0	1.0	1.0	1.0	2.0	0.5	10	10	15	6.0	1.0	0.5	4.5	10	10	15
	8 ний	5.0	1.2	1.0	1.0	2.0	1.0	10	10	15	5.0	1.2	1.0	6.0	10	10	15
	9 ний	4.0	1.5	1.0	1.0	2.5	1.0	10	10	15	3.0	1.3	1.0	10.0	10	10	1.5
IV	Жами	150	37	30	65	25	300	300	450	140	35	25	205	300	300	450	450
	3 ойда	3.0	1.5	2.0	4.0	1.0	15	15	20	15	—	1.3	1.0	10	15	15	20
	10 ний	3.0	1.5	2.0	4.0	1.0	15	15	20	15	—	1.3	1.0	10	15	15	20
	11 ний	3.0	1.5	2.0	4.0	1.0	15	15	20	15	—	1.4	1.0	10	20	15	20
	12 ний	15.2.0	1.5	2.0	5.0	1.0	15	15	20	15	—	40	30	300	450	450	600
V	4 ойда	80	45	60	130	30	450	600	450	—	—	—	1.5	1.5	11	20	20
	13 ний	140	1.5	2.0	6.0	1.0	20	20	20	—	—	—	1.5	1.5	11	20	20
	14 ний	140	1.5	2.0	6.5	1.0	20	20	20	—	—	—	1.5	1.5	11	20	20
	15 ний	140	1.5	2.0	7.5	1.0	20	20	20	—	—	—	1.5	1.5	11	20	20
VI	Жами	45	60	195	30	600	600	600	600	—	—	45	45	330	600	600	600
	5 ойда	5.0	1.5	2.0	7.0	1.5	20	20	25	—	—	1.3	1.5	12	20	20	25
	16 ний	5.0	1.5	2.0	8.0	1.5	20	20	25	—	—	1.3	1.5	12	20	20	25
	17 ний	160	1.5	2.0	8.0	1.5	20	20	25	—	—	1.0	1.5	12	20	20	25
4 ойда	Жами	45	60	230	45	600	600	750	750	—	—	35	45	360	600	600	750
	Жами	230	175	210	620	130	1950	2400	1950	140	155	145	1195	1950	1950	2400	

Қочарларни индивидуал уйчаларда ўстиришдан сўнг 60 кунлигидан 24 ойлигича гуруҳлар бўйича уч деворли хоналарда сайр—озиқлантириш майдончаларда ва имконияти бўлса—иссиқдан, қуёш нури ва ёмғирдан сақлайдиган кичик бос-тирмаларда сақлаш тавсия этилади.

Ғунаажинларни 6 ойлик бўғозлигидан сўнг аста-секинлик билан елиини уқалашга ўргатиш лозим. Бунинг учун ҳар хил тузилишдаги электрик уқалайдиган асбоблардан фойдаланиш мумкин. Улар ҳўжаликда бўлмаган тақдирда, ғунаажинлар индивидуал охурлар билан чегараланган жойга киритилади. бу ерда уларга 0,5-0,7 килограмм омухта ем берилади. 7-8 марта шундай сеанслар ўтказилгандан сўнг ғунаажинларнинг фолери хонага кира босилайдилар, бу ерда уларнинг елиини қўл билан уқалашни бошлаш мумкин.

Қиш даврида боғлаб сақланганида ғунаажинларни бевосита турган жойида соғиб ашпаратлар ишига ўргатадилар. бунда соғиш агрегатини 3-4 минутга ишлаган ҳолда ёнида кўндилар. Шу вақтнинг ўзида уларнинг елиини ҳам уқалайдилар.

Туғишдан кейин биринчи 2 кунда биринчи марта туққан сигирларга 2-3 кг яхши беда пичани бериб, атала ичирадилар (1 кг арадаш ем 10 л қайнаган сувга). Тахминан туққанидан 8-10 кун сўнг сигирларга нормадаги ҳамма озуқа берилади.

Биринчи туққан сигирлар «раздой»га алоҳида эътибор берилади. Уни сигир туққанидан сўнг 5-кундан бошлайдилар ва 40-45 кундан сўнг тамомлайдилар. Чунки бу муддатларни чу-зиш «раздой» самарадорлигини камайтиради. Бу даврда озиқ-лантиришда олинган энг юқори соғимни яна 30-45 кун сақ-лаш учун ўтказадилар.

«Раздой» учун озуқалар билан рағбатлантириш 2-3 озуқа бирлигини ташкил қилади. Мўл-қўл озиқлантириш елиини тўғ-ри уқалаб жадал соғиш билан кечади.

**400-500 КГ ТИРИК ВАЗЛИ, 3,7—4,0 % ЕҒЛИ РЕЖАДА
3000—3200 КГ СУТ БЕРУВЧИ БИРИНЧИ МАРТА ЯНГИ
ТУҒҚАН СИГИРЛАРНИ ТАХМИНАН СУТКАЛИК РАЦИОНИ**

Ем-хашак тури, кг	Суткалик соғим			
	Қишги давр		Езги давр	
	10 кг	15 кг	10 кг	15 кг
Беда пичани	2	3	—	—
Бошоқли - дувкакли				
Пичан	2	2	—	—
Сомон	2	2	2	2
Макажқўхори силоси	25	30	—	—
Озуқавий лавлаги	12	15	—	—
Омухта ем	3,5	4,5	3,5	4,5
Сўлдирилган кўк ўт, ўртача	—	—	40	50
Рационда озуқа бирли- га мавжуд	11,1	13,7	10,08	12,58

**СОФИЛАДИГАН СИГИРЛАРНИ ТўЛА ҚИММАТЛИ ВА
БАЛАНСЛАНГАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
СИСТЕМАСИ**

Чорвачиликни жадаллаштиришнинг асоси — моллар маҳсулдорлиги, тирик вази ва ривожланишига қараб тўғри озиқлантиришни ташкил қилишдан иборатдир.

Аввалдан тузилган нормалар бўйича молларни озиқлантириш энг тўғри ва ҳўжалик нуқтаи-назаридан фойдалидир. Озиқлантириш нормаси молни озуқавий ва биологик актив моддаларга бўлган талабига қараб ўрнатилади. Озуқаларни молга бериш самарадорлиги маълум даражада норма ва озиқлантириш технологияга мувофиқ тўғри тузилган озуқавий рационлар билан аниқланади.

Рационнинг тўла қимматлилиги фақат ундаги пичан, силос, сенаж, ўсимлик ва бошқа озуқаларнинг миқдори билан аниқланмай, маълум органик озуқавий моддаларни, аминокислоталар таркибидаги даража бириктирувчи тўқима, енгил ҳазм бўлувчи углеводлар, микроэлементлар ва витаминларни етарли миқдордаги йиғиндис билан ҳам аниқланади.

Рационда бу моддаларнинг ҳаммаси маълум нисбатда ва ситимал миқдорда бўлиши керак.

Озуқалар сифатига алоҳида эътибор берилмоғи керак. Улар хилма-хил, рационнинг қуруқ моддаси бирлигидаги озуқавий моддаларнинг юқори концентрацияланган ҳолида бўлмоғи лозим.

«Раздой» учун озиқлантириш албатта ўтказилмоғи керак. Бунда асосий рационни бериб бўлгандан сўнг, озуқаларни бериш нормаси бир мунча қўпайтирилади. Агарда сугир рацион нормаси қўпайганига соғимни ошириш билан жавоб берса, озуқа қўшишни сугир соғимни қўпайтириб бўлганича давом қилдириш лозим. Агарда сугир кейинги эришилган даражани сақласа, рацион ҳам шу маҳсулдорлик даражасида олинган миқдорда берилмоғи керак.

58-жадвал

400—500 кг ТИРИК ВАЗНЛИ СОҒИН СИГИРЛАРНИ ЁЗГИ ВА ҚИШКИ ДАВРДА ТАХМИНАН ОЗИҚЛАНТИРИШ РАЦИОНИ (БОШГА, СУТКАСИГА, КГ)

Озуқа турн	суткалик соғим					
	ёзги давр			қишги давр		
	6-10 кг.	10-15 кг.	15 ва юқори, кг.	6-10 кг.	10-15 кг.	15 ва юқори, кг.
Беда пичани	2	2	3	5	5	5
Бошоқлилар сомони	2	2	2	3	3	3
Беда пичани	—	—	—	3	4	5
Маижажўхори силоси	—	—	—	18	25	30
Озуқавий давлагн	—	—	—	4	5	8
Сулдирилган кўк беда	38	45	50	—	—	—
Аралаш ем	2	3	3,5	2	3	3,5
Рациондаги озуқа бирлиги	9,44	11,63	13,33	9,43	12,0	14,08

Рационда минерал озиқланиш элементларининг етарли бўлишига алоҳида эътибор берилмоғи керак, у макроэлементлардан (кальций, фосфор, магний, натрий, калий, олтингурут) ва микроэлементлардан (темир, мис, рух, кобальт, марганец, йод) иборатдир. Молларга минерал озуқалар ем-хашак ва тисман сув билан берилди. Улар орган ва тўқима қурилиши, суяк тў-

кимаси шаклланиши, ферментатив жараёндарда, метаболизмнинг бошқаришида, осматик босим, организм суюқликлари ва туқималаридаги ачитқи—ишқор тенгликни сақлашда қатнашади, сув ва органик моддаларнинг алмашинувида овқат хазм қилиш трактидан озуқавий моддаларнинг сўрилишида муҳим роль ўйнайди, нерв системаси ва айрим органларнинг ишлашига нормал шароит яратиб беради.

Рационда айрим элементларнинг етишмовчилиги ёки зиёд бўлиши сут ва гўшт маҳсулдорлиги пасайишига олиб келиб бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини секинлаштиради, бола бериш қобилиятини бузади, озуқадан фойдаланишни ёмонлаштиради ва ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради.

Рационларни етишмайдиган минерал озикланганининг элементлари бўйича тенглаштириш учун саноат кенг ассортиментда озуқавий фосфатлар ва микроэлементларнинг ҳар хил тузларини ишлаб чиқади.

59 жидвал
ФОСФАТЛАРНИНГ МОЛГА БЕРИШ НОРМАЛАРИ
(ҲАР БОШГА, СУЛКАДА, ГРАММ)

Моллар тури	Монокальций фосфат	преципитат (дигалций фосфат)	трикальций фосфат	дигатрий фосфат	монаммоний фосфат	диаммоний фосфат
Сигир	30—130	70—200	70—200	50—150	30—90	30—100
Бузоқ	15—35	20—55	20—70	10—40	10—30	10—40
Қочқурағичи— бука	30—80	50—100	75—150	40—80	30—70	30—80
Она чўчиқа	20—60	50—100	50—100	—	—	—
Еш чўчиқа	—	—	—	—	—	—
От боласи	10—15	20—40	20—50	—	—	—
Кўй-эчки	30—60	50—100	50—100	—	—	—
Туғадиган товуқ	3—5	5—10	5—10	5—15	5—10	7—15
	2—3	3—4	3—4	—	—	—

Қайд қилиш керакки, рационга ҳар хил минерал моддалар ва ферментларни қўшиш уларни бериладиган ем-хашакда борлигини аниқлагандан сўнг амалга оширилади.

Уларни нормал миқдори рационларни тўла қимматлилигини таъминлайди.

ПОДАНИ ҚАЙТА ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СИСТЕМАСИ

Хўжаликларда чорвачилиқни нормал олиб бориш—тўғри ташкил қилинган подани қайта такрор ишлаб чиқаришсиз тасаввур қилиш қийин. Бунинг учун зооветеринария хизмати мутасаддилари ташкилий-хўжалик, зоотехникавий ва ветеринария—профилактик тадбирлар йиғиндисини амалга оширадilar. Уларнинг асосий мақсади—йилда сиғирдан бир бузоқ олишидир. Бунинг учун хўжаликда мустаҳкам ем-хашак базаси яратилмоғи, моллар тўла қимматли озуқа билан таъминланмоғи керак. Мутахассислар, техник—қочирувчилар ва бошқа кадрлар танланиши ҳал қилинмоғи лозим. Хўжаликда барча асбоб-ускуналар, молларни қочиршидан олдин ва қочиршидан сўнг сиғирларни сақлаш учун молхона ва бостирма билан сунъий қочирининг намунали пункти бўлмоғи керак.

Хўжаликда бутун она моллар 100 фоз сунъий қочирилмоғи зарур, чунки бу усулнинг иқтисодий самарадорлиги юқоридир.

60 жадвал

Хужаликда бўқаларни қисқарттириш ҳисовига сунъий қопришни қўлланишдан
олинган шўксодий самардорлик ХИСОВИ
(1 йилда, Ўргача)

Мавқуд сирлар, сон	Ўргачи моллар бунда бизан қоприлганда			сунъий қоприш қўлланилганда												
	табақ қилинади	бунлар, бот	бир бунани бақсати, сўм	маши сўм	техник — қоч- қилинади,	қоч- қилинади,	хар. бир техник — қоч- қилинади	ўргача қилин- қилинади, сўм	пункти сақ- лаш учун сарфлаган	маблаг, сўм	ўрғи сотиб олинган бақсоди (хар ботга 2,5 роза ҳисобда,	бир дованни бақсоди, сўм	ўрғининг маши, сўм	ўрғининг маши, сўм	бақсоди, сўм	маши, сўм
200	7		3000	21000	1	3000	200	500	4 с. 40 т.	2200	5400	15600				
300	10		3000	30000	1	3200	250	750	4 с. 40 т.	3300	6750	23250				
400	13		3000	39000	1	3400	300	1000	4 с. 40 т.	4400	8100	30900				
500	16		3000	48000	1	3600	350	1250	4 с. 40 т.	5500	9450	38550				

ЭСЛАТМА: Ҳисоб-китоб 1930 йили қўлланилган бақсодар бўйича.

Маълум зот ва зотлилиги бўйича қочирувчи—буқаларнинг юқори сифатли уруғи бўлган тақдирда буқаларни сақлаш учун зарурият қолмайди, лекин бунинг учун техник-қочирувчилар маълум малакага эга бўлишлари, улар ўзаро ўрнида ишлайдиган бўлиши керак.

Хўжалиқда нега буқа сақлайдилар? Агарда техник-қочирувчининг малакасига ишонмасалар, иккинчидан техник қочирувчи касалланса, дам олишда бўлса ёки умуман техник-қочирувчи бўлмаса, унинг ўрнида бошқа малакали қочирувчи бўлмаса буқа сақланади.

Техник—қочирувчи фермада марказий ишчи ҳисобланмоғи зарур, чунки фермадаги барча ходимларнинг иш натижаси унинг яхши ишлашига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам унинг нормал ишлаши учун керакли шароит яратилмоғи керак, аввало унинг меҳнатига яраша сўлик маошини тўғри ва аниқ ҳал қилмоқ лозим, чунки чорвачилик мутахасссларининг сўлик маошлари бўйича мавжуд қўлланмалар ҳамма вақт ҳам техник—қочирувчининг иши ўта муҳимлигини ҳисобга олмайдди. Ниҳоят, унинг меҳнатиини баҳолаб, тегишли ойлик маошини ижара жамоасининг ўзи ҳам белгилаши мумкин.

Подани қайта такрор ишлаб чиқариши ташкил қилинишини яхшилаш бўйича зоотехника тадбирларидан фермада молларни узлуксиз—сех тузилишини, сигирлар ва гунажинларини туғишга тўғри тайёрлашни жорий қилишни қайд қилиш керак. Сутдан чиққан сигирлар ва гунажинлар тўла қимматли рацион ва уларни яхши сақлаш шароитлари билан таъминланмоқлари зарур. Фақат шундай шароитда сигирлар туққанларидан сўнг нормал давомийликдаги салт (сервис), даврга эга бўладилар.

Сигир ва қочарларни илғор ректо ва моноцервикал усуллар билан бир қуюқишга келганида 2 марта қочирини керак, бунда қуюқишни ўтказиши анча камаяди.

Хўжалиқ техник қочирувчи қабул қилинган қондаларга мусфиқ керакли ҳужжатларни юргизиш, айниқса туғилган бузоқни ўз вақтида ҳисобга олиши иш ташлаш ўлик туғилиши ҳодисаларини қайд қилиши керак. Бу педагогаи касалликларни аниқлашда жуда муҳимдир.

Хўжалиқ раҳбарлари аҳоли хонадонидagi сигир ва қочарларни ўз вақтида қочирини ташкил қилиш учун керакли тадбирлар қабул қилмоқлари лозим. Бунинг учун барча йирик аҳоли яшайдиган жойларда аҳоли молига зооветеринария хизмати кўрсатувчи пунктлар барпо қилинмоғи зарур. Бундай пунктлар 1992 йилнинг бошида вилоятда 39 эди, лекин улар-

нинг самарали ишлаши учун пунктларни транспорт билан таъминлаш, телефон ўтказиш каби тадбирлар бажарилмаган.

Ҳар йили давлат наслчилик корхонаси қошида энг яхши техник-қочирувчиларни аниқлаш бўйича конкурслар, сунъий қочириш техникларини тайёрлаш ва қайта аттестация қилиш ўтказилади. Уларнинг илгорларига «Чорвачилик устози» малакаси берилади. Келажакда ҳам бундай конкурслар ўтказишни давом эттириш ва молларни сунъий қочириш соҳасидаги ишни яхшилаш учун янги усулларни топиш лозим.

ГҲШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СИСТЕМАСИ

Вилоятда аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи келгусида ҳам мураккаб бўлиб қолади. Шунинг учун бу ишга етарли эътибор бермоқ керак. Аввало хўжаликларо бўрдоқчилик корхоналарини 1 гектарда 3 бош мол боқиш ҳиссбидан озуқавий экинларга ажратиладиган ер майдонини таъминлаш масаласи ҳал этилмоғи керак. Иккинчидан, Урганч ёғ-мой экстракция заводининг охириги қолдиқлари—шелуха, шрот вилоят аҳтиёжи учун қолдирилмоғи, учинчидан—хўжаликларо бўрдоқчилик корхоналарида 15-20 кунлик бузоқларни сақлаш учун молхоналар қурилмоғи, қолган молхоналар эса—ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш учун мослаштирилмоғи лозим. Тўртинчидан—«Урганч» давлат хўжалиғи асосида молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш, олдин 5, келажакда 10 минг бошга мўлжалланган саноат комплексини қуриш. Бешинчидан—ҳамма бўрдоқчилик корхоналарига ёш бўлган гўштдор бузоқлар площини берица 15-20 кунлик ёшида берилиши керак.

Бўрдоқчилик корхоналарида 15-20 кунлик бузоқлар ўстирилмоғи керак, бўрдоқига боқилган ёш мол ва 18-20 ойлигида 450 ва ундан ҳам катта тирик вазнда сўйилмоғи лозим.

Сутлик зотларини бузоқларини комплексларда тарбиялаш, ўстириш ва бўрдоқига боқиш системаси қўйидаги даврлардан иборат:

1. Бузоқларни 15 кунликдан 145 кунгача (130 кун мсбайнида), тарбиялаш;
2. Бузоқларни 145 кундан 415 кунгача (270 кунлик давомида), ўстириш даври;
3. Бузоқларни 415 кунгача (150 кун мсбайнида), яқунловчи бўрдоқига боқиш.

БУЗОҚЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛ ҒУШТИНИ ЕТИШТИРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ УЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ

Сутчилик қорамолчиликда мол ғуштини етиштириш техно-логияси жамоа ва давлат хўжаликларининг сут-товар фермала-ридан келтириладиган бузоқ билан бўрдоқчилик корхонала-рини тўлдиришдан бошланади. Бу ишда бузоқларни келтириш графигига қаттиқ риоя қилиши, бузоқларнинг соғлиги, ривожла-ниш ҳолатига қараб уларни синчиклаб танлаш билан ўтказадилар. Келгусида улардан жинси, ёши ва тирик вазнига қараб бир хил технологик гуруҳлар тузилади.

Корхоналар турига ва технологияга қараб комплексларга ва хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарига ҳар хил ёшде-ги гуруҳлардаги мол келтирилади. Саноат технологияси ишлаб чиқаришни бир маромда ишлашини назарда tutиши сабабли, у йил давомида бўрдоқчилик корхонасини бир маромда келти-риш графигига қаттиқ риоя қилишига асосланади.

Ҳар хил хўжаликлардан бузоқларни йиғиш ва бўрдоқчи-лик корхоналарида уларнинг кўп сонли йиғилишини таъмин-ловчи хўжаликларга катта талаблар қўйилади. Биринчи нав-батда улар юқумли касалликлардан холи бўлмоғи, соғлом, ях-ши ривожланган ва чидамли бузоқларни беришлари керак. Таъминловчи хўжаликлар қўйидагиларга мажбурдилар:

— она молларни сақлаш гигиенаси бўйича умумий талаб-ларни бажаришига;

— бўғоз сигирларни, айниқса бўғозликнинг иккинчи ярми-да ва сутдан чиққан даврда озиқлантириш ва сақлаш бўйича зооветеринария талабларига риоя қилишига;

— комплексга, хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасига бергунча бузоқларни ўстириш қондаларига амал қилишига;

— бўрдоқчилик корхонаси билан бўлган шартнома муноса-батларига риоя қилмоққа.

Бўрдоқчилик корхонасига бериш учун бузоқни танлашни комплекс ёки хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасининг ва-кили, қўнинча мол доктори, таъминловчи хўжалик мутахассе-лари иштирокида ўтказди.

Айниқса сут ичувчи бузоқларга қаттиқ талаблар қўйилади. Уларни 15-20 кунлигида 35-40 кг тирик вазнда гуруҳлар қилиб танлайдилар. Ҳар бир бузоқ бунда клиник томондан термомет-рия қилинади. Юқори ҳароратли, диспепсия белгилари билан, тушмаган киндик билан, кам ҳаракатчан, диккайган жулиқ ва бурнидан суяклик оқаётган бузоқлар бўрдоқчилик корхонасига

лоїлқ эмас ҳисобланади. Хўжаликда танланган бузоқлар гуруҳи, тирик вазни, ёши, ривожланиши бўйича бир хил ва сутни бевосита челақдан ичишга ўргатилган бўлмоғи лозим.

Таъминловчи — хўжалиқдан бўрдоқига жўнатишдан олдин бузоқларнинг жун қоламини чўтка билан тозалайдилар, туёқларини 10 % ли мис сульфати эритмаси ёки 5 % ли формалин эритмаси билан ишлайдилар.

Ажратилаётган бузоқларда ишончли бириктирилган ва узоқдан яхши кўринадиган инвентар рақам бўлиши жуда муҳимдир. Таъриба шуни кўрсатдики, хўжалиқларни тамғалаш учун қулоқ пластмассали, оч рангли (сарик оқ), қора рақамли бир-калардан фойдаланиш яхшидир.

Автомашинга юклашдан олдин бузоқлар 3-4 соат давомда оч қўйилади, жўнатишдан олдин эса уларга 38 даража С даги 2 л сувда эритилган 125 г глюкоза ичирадилар. Мушак ичига 500 минг бирликли тетрациклин ёки окситетрациклин ва 3 мл тривитамин (А, Д, Е), киритилади. Бузоқларни автомашинада жўнатишга бундай тайёргарлик йўлда овқат ҳазм қилиш бузилишининг олдини олади, бўрдоқчилик хўжалиқига келиши билан ноқулай вазиятлар таъсирга чидамни кучайтиради ва молларнинг физиологик ҳолатини яхшилайди.

Таъминловчи — хўжалиқлардан бузоқлар махсус транспорт билан ташилади. Алоҳида қаттиқ талаблар 15-20 кунлик сут ичадиган бузоқларни ташинга қўйилади. Транспортга юклаганидан бўрдоқчилик корховасига келтириш учун кетган умумий вақт 3 соатдан зиёд бўлмаслиги керак.

Еш бузоқларни ташини учун корхона ихтиёрида ҳар хил слитимдаги ўграчани (15-50 бош), бир неча тур машина бўлмоғи лозим. Бузоқларни камроқ гуруҳини (12-15 бош), ГАЗ-51 юк ташувчи автомобиль асосида мослаштирилган ёниқ ўграчада ташини мумкин.

Сут ичадиган бузоқларни ташувчи автотранспорт маълум зоогигиеник ва ветеринария-санитария талабларига жавоб бериши керак. Юқори ўта олиш қобилиятли ва амортизацияли машина ўграчаси — ишончли иссиқликнинг йўқолишига йўл қўймайдиган ва самарали мажбурий ҳавони алмаштириб, тозалаб турадиган бўлмоғи лозим.

Илнинг совуқ пайтида келувчи ҳаво қиздирилмоғи керак. Қишда машина тўла тўлганида ўграчада ҳарорат 15-16 даража. Ҳавонинг нисбий намлиги 50-70 % ҳаво ҳаракатининг тезлиги — 0,1 м/сек. гача бўлиши керак. Ёздаги юқори ҳароратда иссиқлик таъсири бўлмаслиги учун ўграча ичини яхши шамоллат

моқ маъқул (ҳаво ҳаракатининг тезлиги 25-27 даражада — 0,3-0,5 м/с).

Ҳарорат ва ҳаво намлигини назорат қилиш учун датчик ҳайдовчи кабинасига ўрнатилади. Ўғрача ичида чиқиб турган бурчаклар ва молларга шикаст етказувчи бошқа парсалар бўлмаслиги керак.

Энг яхши зоогигиеник шароитлар, тозалик ва қуруқлик — бузоқларни йirik катакчали тўрда жойлаштирганда таъмин бўлади, ахлат ундан ўғрача тагига тушади. Тўр полдан 20-25 см юқорида жойлашади.

Бир ойгача бўлган бузоқларни ташқида нормал шароитни таъминлаш учун 0,3-0,6 м² жойда бир молни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир, (масофа узоқлиги ва бузоқларни тирик вазнига қараб). Бир неча хўжаликлардан ёки фермалардан олинган бузоқлар гуруҳларини кўчма тўсиқ билан бўладилар. Машиналарни енгил олиндиған зиналар билан жиҳозлайдилар. Ҳар бир қатновдан сўнг уларни сичиклаб тозалайдилар ва дезинфекция қиладилар.

Бўрдоқчилик корхонасининг технологияси молхонани аста-секинлик билан тўлдириш ва озод қилдириш қондасига риол қилишда ёки бўлақларни «ҳаммаси банд—ҳаммаси бўш» қондаси билан бирданига бўшатиш ва тўлдиришга асосланган. Бузоқларни кўзда чамалаб қўриб, тозалаб, камроқ алоқа қилиш қондасига риоя қилиб, бўлақларга жойлаштирадилар. Келтирилган моллардан тирик вазни ва ёшига қараб гуруҳлар шаклланади. Бузоқлар тирик вазнидаги фарқ 10-15 %дан зиёд бўлмаслиги керак.

Шаклланган гуруҳлар ишлаб чиқариш (технологик), гуруҳ ҳисобланади, бунда моллар ўстириш ва бўрдоқига боқилишнинг ҳамма босқичларида бир хил озиқлантириш ва асран шароитларида бўладилар. Молларни ортнча безовта қилмаслик учун, айниқса, 6 ойдан катта ёшдагиларни, бузоқларни аралаштириш тавсия қилинмайди. Айниқса бу ахталамаган хўкизчалар гуруҳига уларни жинсий етилишигача ва ундан кейин ҳам бўлган даврга тааллуқлидир.

Асосий гуруҳларга янги 9 ойдан катта бўлган моллар қўшилганда тирик вазни 20-25 % гача йўқолиши мумкин. Бунда молларнинг кўниси жароҳат олишдан исбуд бўладилар.

Бўлақлардан ёки хоналардан молларни фақат давр ёки технологик жараён ягулангандан сўнг бошқасига ўтказадилар. Бунда гуруҳдаги барча молларни тирик вазнига қарамай ўтказадилар. Молларни фақат бир хонанинг ичида ўтказиш тавсия

этилади. Молларни бешқа хоналарга ўтказишда махсус лагерлар бўлмаган тақдирда ва масофа 150 метрдан зиёд бўлса, бузоқларни автомашиналарда ёки транспорт аравачаларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Молларни ўтказиш—уларнинг физиологик ҳолатларига салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, уларнинг вазнини тарозидо ўлчаш давр ёки технологида жараён тамом бўлганидан сўнг ўтказиш тавсия қилинади, яъни бир бўлакдан иккинчисига ёки бўрдоқни тамом бўлганида.

Молларнинг ўсишини ва озуқадан фойдаланишни назорат қилиш учун назорат катаклар бўлиши лозим (тахминан умумий мол бош сонининг 10 фоизи).

Ихтисослашган хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарида мол гўшти етиштиришни ташкил қилувда уларнинг таъминловчи хўжаликлар, биринчи навбатда бузоқларни харид нархларидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар муҳим ҳисобланади. Нархлар бўрдоқчилик корхонаси учун ҳам, таъминловчи—хўжаликка ҳам фойдали бўлмоғи керак деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам бу жойда аниқ нархларни келтириб бўлмайди.

Иккинчи муҳим масала—бузоқларни сут билан таъмин қилишидир. Бунда 2 ҳол бўлиши мумкин: биринчиси—бўрдоқчилик корхонасида маълум бош сивирларга эга бўлиш, иккинчиси—келишилган баҳода яқин жойлашган фермадан ёки барча туманлар марказида мавжуд сут қабул қилиш пунктларидан пастеризация қилинган сутни сотиб олиш.

Бр майдони жуда чегараланган вилоят шароитида хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналари сутни соғлом фермадан ёки сут қабул қилиш пунктдан пастеризация қилинган сутни сотиб олиш тўғри бўларди деб ҳисоблаймиз. Хўжаликлараро корхонасига келтириладиган сутнинг сифатига энг жиддий, инфекция киритилишига йўл қўймайдиган талаблар кўрсатишмоғи лозим.

Хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарига келгусида нода ремонтига ва сут етиштиришга лаёқатсиз, стандартсиз қочарларни қабул қилиб, бўрдоқига боқиб, гўшгга тошшириш мумкин. Лекин бу тadbирга ўта берилиш керак эмас, чунки қочарлар, одатда унчалик жадал ўсмайди. Улар тез етилади, лекин уларнинг тирик вазни 18-20 ойлигида 350-370 килограмдан ошмайди. Стандарт қочарларни келишилган баҳода аҳолининг шахсий хўжалигига сотиш ҳам мумкин.

Сут қорамолчилигида молларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида кезажақда ҳам кам маҳсул сивирларни тез етиلدучан гўштдор Санта—Гертруда, қозоқни оқбош зотларига

мансуб қочирувчи—буқаларнинг уруғи билан чатиштириш кўзда тутилади, бунинг учун уларни қорамол бузоқини ўстириш ва бўрдоқига боғиш хўжаликлараро бўрдоқчилик қорхонасига йиғиш лозим. Шу чатиштириш натижасида олинган хўкизчалар жадал боқилади, қочарларни эса—товар подасини кўпайтириш учун гўшт етиштирувчи ижара хўжаликларига бериш мақсадга мувофиқдир.

ГҲШТДОР ҚОРАМОЛЧИЛИКДА ГҲШТНИ ЕТИШТИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИСТЕМАСИ

«Қизилжар» ва «Дўстлик» ижара хўжаликлари ва, эҳтимол, Тупроққалъадаги хўжаликлар келажакда ўзларини кучларининг юқори сифатли арзон мол гўшти етиштиришга қаратмоқлари керак. Бунинг учун ҳозирги кунда хўжаликлар ҳудудида деярли қолмаган яйловлар ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозим.

Яйловларни сугориш, уларни қайта қуриш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашни пухта ҳал қилиш керак. Бўлимларда молларни қиш даврида сақлаш учун керакли молхоналар солинмоғи керак.

Яйловларни сугориш, уларни қайта қуриш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашни пухта ҳал қилиш керак. Бўлимларда молларни қиш даврида сақлаш учун керакли молхоналар солинмоғи даркор. Шунинг билан бирга хўжаликлар раҳбарияти ва мутахассислар подани такрор ишлаб чиқариш масалалари билан жиддий шуғулланишлари лозим. Чунки «Қизилжар» масивидagi хўжаликларда сигирлар салмоғи 29,3 фозини ташкил қилади; 100 бош она молдан фақат 60 бузоқ олинмоқда.

Янги туғилган бир ойгача бўлган бузоқларнинг жуда кўпсини нобуд бўлмоқда, бундай ҳодисанинг асосий сабаби—сигир ва гунажинларни туғишга қониқарсиз тайёрланишидир. Шу сабабдан бузоқлар жуда нимжон бўлиб туғилмоқда, иккинчидан, бу ерда уларнинг нормал ўсини ва ривожланиши учун оддий шароитлар яратилмаган. Ўз ўзидан мълумки, бу етишмовчиликлар бартараф этилиши ва подада она моллар салмоғи 35-40 % га етказилиши лозим.

Мавсумий туғилишни қўлланиш тавсия қилинади. Бузоқларни эрта баҳор (февраль-апрель), ойларида олин мақсадга мувофиқдир, чунки улар апрель ойи охири—май ойида она сути билан бирга яйловнинг арзон кўк ўтидан самарали фойдаланадилар. Онаси ёнида бўлиб бузоқ ундан кўп сут эмиб оли-

чи керак, шунинг билан бирга онасининг ҳолатига қараб уларни ҳар бошига 0,5-1,0 кг ҳисобидан омукта ем билан қўшимча озиқлантирадилар. Бундай озиқлантириш бузоқларнинг ўсиш-нини сутлик даврида суткасига 500 г даражасида таъминлайди.

Тугилганидан 8 ойлигигача бузоқга 900-950 кг озуқа бирлиги сарфланиши, суткалик сарф эса 3,8-4,0 кги ташкил қилиши керак. Бузоқ онасидан ажратилганидан сўнг қиш даврида камида 400 г суткалик ўсишини таъминлаш лозим, шунда у кейгуси йилнинг баҳорида яйловга чиққанида 190-220 кг тирик вазига етиши керак, бунинг учун бузоқларга 3-4 кг беда личани, 2-3 кг сомон, 5-6 кг силос ва 1,0-1,2 кг омукта ем берилиши керак. Ёз даврида яйловда боқилиши, сувни, қўшимча озиқлантириши шундай ташкил қилиш керакки, камида 500 грамм қўшимча вазн олиноғи лозим. Кейинчалик бузоқни якуловчи бўрдоқига — марказий фермага ўтказиш керак — бундай усул «Қизилжар» ижара хўжалигида ташкил қилинган. Якуловчи 90 кунлик давомли бўрдоқи даври ичида ўртача суткалик ўсини камида 700 граммни ташкил қилмоғи керак. Ўстириш ва бўрдоқи бундай қилиб ташкил қилинса бузоқ 20-22 ойлигида камида 350 кг тирик вазига етади (ҳозир хўкизчалар гўштга 360 кг атрофида топширилмоқда).

Яхши яйловлар барпо этилганида бузоқни яйловда боқиб, 60 кундан узоқ бўлмаган якуловчи бўрдоқини ташкил қилмоқ лозим. Лекин бунда суткасига камида 1,0 кг қўшимча вазн олиноғи керак, унинг 1,0 килограммига — 7,5-8,0 озуқа бирлиги сарфланиши мумкин.

Гўшт йўналишидаги «Қизилжар» ва «Дўстлик» ижара хўжаликларида ихтисослашган гўштдор — Саита — Гертруда, қозоқчи оқ бош зотлари билан йўналтирилган насличилик ишлари олиб борилиши лозим. Зотлар ичида мақсадга мувофиқ белгиларни мужассамлайдиган энг яхши турларини йўналтирилган танлаш ва саралаш ишларини олиб бормоқ ва келгусида личияли урчиштида уларнинг авлодида мустаҳкамлаш зарур. Копирувчи — буқаларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Такрор ишлаб чиқариш учун уларнинг энг яхши, ўзидә мустаҳкам конституция, яхши ривожланган гўштдорлик шакллари мужассамлаган нуسخалари қолдирилади.

Сигирлар оиласи билан ишни уларнинг сутлилигини кўпайтириш йўналишида олиб борилиши керак, унинг миқдори бузоқларни сут эмиш даврида ўсиши ва ривожланишига боғлиқ.

Гўштдор қорамолчилик ўзига хос сақлаш шароитига қараб озиқлантиришда айрим хусусиятларга эга. Буқаларни озиқлан-

тириш узоқ вақт давомида уларнинг жинсий активлигини сақлаб қолишга қаратилмоғи керак. Бундай талабларга фақат биологик тўла қимматли озиқлантириш жавоб беради.

Қочирувчи—буқаларни озиқланишнинг асосий элементларга бўлган талаб нормалари уларнинг тирик вазнига ва фойдаланиш жадаллигига боғлиқ. Қочирувчи—буқаларни озиқлантиришнинг умумий даражаси бўйича ҳар 100 кг тирик вазига 0,9-1,2 озуқа бирлиги, ҳар озуқа бирлигига 140-150 г ҳазм бўладиган протеин ҳисобидан ўрнатилади. Ёш ўсаётган буқаларга озиқлантириш нормалари режалаштирилгандан қўшимча вазига 0,5-1,0 озуқа бирлигига оширилади.

Она молларни озиқлантиришга алоҳида эътибор берилмоғи керак. Хайвон бузоқ олиш учун бўғоз сигирларнинг озиқланиши тўла қимматли бўлмоғи лозим. Умумий озиқлантириш даражаси бу даврда ҳар 100 кг тирик вазига 1,26-1,45 озуқа бирлиги ҳисобидан ўрнатмоқ зарур. Бир озуқа бирлигида 108-112 грамм ҳазм бўладиган протеин, 9,5-10 грамм кальций, 5,5-6,0 г фосфор ва 40-45 мг каротин бўлмоғи керак.

Сут бераётган сигирларни озиқлантиришда энг ҳасъулиятли давр туққанидан сўнгги биринчи 3-4 ойлар бўлади. Бу пайтда сут бузоқ учун асосий озуқавий маҳсулот ҳисобланади. Соғим даврининг бешларида ҳар 100 кг тирик вази учун сигирга 1,5-1,9 озуқа бирлиги, 7,0-7,5 г кальций, 4,0-4,5 г фосфор ва 37-40 мг каротин керак бўлади. Бир озуқа бирлигига 95-100 г ҳазм бўладиган протеин бўлиши керак. Соғим даврининг иккинчи ярмида сигирларни сутдорлиги анча пасайди ва бузоқларни онасидан ажратгандан сўнг сигирларни озиқлантиришнинг умумий даражаси ҳар 100 кг тирик вазига 1,40-1,45 озуқа бирлиги, ҳар бир озуқа бирлигига 82-85 г ҳазм бўладиган протеин, 6,5-7,0 г кальций, 3,5-4,0 г фосфор ва 30-35 мг каротин атрофида ўрнатилади.

Ёз даврида сигирлар яйловдаги ўт билан кифолланадилар. Шунинг эътиборига олиш кераки, бу пайт озиқланишнинг умумий даражаси қишдагига қараганда юқори бўлмоғи—100 кг тирик вазига 1,8-2 озуқа бирлиги тўғри келиши керак. Бу молларга қишлоқ даврида камайган тирик вазини ўринини тўлдирishга ва организмда маълум миқдорда керакли бўлган озуқавий моддаларни эҳтиёт қилиб қўйишга имкон беради.

Яйловлардаги ўтлар қўйганида ёки яйловда ўт етишмаганида сигирларни экилган ўтларнинг кўк массаси билан озиқлантириб турмоқ керак.

Ўшш етиштирувчи хўжаликларда подани такрор ишлаб

чиқаришига алоҳида эътибор берилмоғи лозим, чунки айниқса гўшндор қорамолчиликда қисир сигирларни сақлаш жуда фойдасиздир. 6 ой мобайнида қочирилмаган сигирларни брак қилиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун товар подаларида ҳар 100 сигирга 25-30, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда 35-40 гунажин ўстириш тавсия қилинади.

Ҳозирги вақтда «Қизилжар» массивининг хўжаликларида қочиринида қатнашаётган 405 бош қочирувчи—буқаларни сақламоқдалар. Шунинг билан биргалликда хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар ва вилоят наслчилик корхонаси бу ерда сигир ва қочарларни сунъий қочирини бўйича конкрет чораларни қабул қилишлари зарур.

Йилловларни кейинги йилларда аҳволи жуда ёмон ҳолатдалигини эътиборга олиб, «Қизилжар» массивида ҳўкизчаларни омасидан ажратиб, ўстириш ва бўрдоқига боқини учун Урганч туманида жойлашган корхоналарга келтириш масаласи ҳам кўрилиши мумкин.

ВЕТЕРИНАРИЯ—ПРОФИЛАКТИКА ВА САНИТАРИЯ ТАДБИРЛАР СИСТЕМАСИ

Молларни касалликлардан, айниқса одам ва молларга умумий бўлган юқумли ва инвазион касалликлардан ҳимоя қилиш, ветеринария мутахассислари ва чорвачилик барча ходимларининг бош вазифаси бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу касалликлар билан бўлган қурашнинг профилактик тадбирлари ветеринария Уставига мувофиқ амалга оширилади. Уларни баъзири қайси идора бўлишидан қатъий назар хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларга мажбурийдир.

Хўжаликларни эпизootик соғломлигини таъминлашда ва молларни соғлигини сақлашда чорвачилик фермалари ва комплексларидан фойдаланишда ветеринария—санитария қондалари катта аҳамиятга эгадир.

Микроклиматли оптимал кўрсаткичларини сақлаб туриш, профилактик дезинфекция, дератизацияларни ўз вақтида ўтказиш ва тозалаш, иншоотларда ветеринария-санитария назоратини амалга оширишдек ҳамда меҳнатни ташкил қилишда ветеринария-санитария нормалари ва технологик жараёнларга риоя қилишдек омиллар подани соғлом ҳолати ва унинг маҳсулдорлиги ўсишини таъминлашда асос бўлади.

Касалликларнинг олдини олиш ва молларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчи микробларни йўқотиш учун чорвачи-

лик объектларини ва яқин жойлашган ҳудудни дезинфекция қиладилар. Профилактик дезинфекция режалли тадбир сифатида йилга камида 2 марта ўтказилиши лозим. Технологик жараён, дезинфекция воситалари ва услубини танлаш хўжалик ветеринария мутахассиси томонидан назорат қилинади. Ҳозирги вақтда дезинфекция сифати улар томонидан жуда кам назорат қилинади ва шунинг учун ҳам ветеринария мутахассислари инфекцияни касалликнинг авж олишига биринчи навбатда жавобгардирлар.

Фермаларда тегишли ветеринария-санитария даражасини сақлашда ўз вақтида тозалаш, ўлик молларни ва уларнинг қолдиқини йўқотиш ҳамда зарарли кемирувчилар билан кураш ёки дератизация катта аҳамиятга эга.

Кўп инфекцияни ва инвазион касалликларни келтирувчи микроблар молларнинг касал организмидан тазак ва сийдик билан ажралади. Шунинг учун эсда тутиш керакки, ҳар хил касалликлар билан бўлган қурашнинг ташкил қилиш чоралари ичида гўнгни зарарсизлантириш катта профилактик аҳамиятга эга. Афсуски бу тадбирга вилоят хўжаликларининг кўпчилиги етарли эътибор берилмаётир, гўнгни зарарсизлантириш қисдаларига риоя қилинмайди, ваҳоланки уларга мусвофиқ касалликдан ҳоли бўлган хўжаликларда гўнгни чорвачилик биологаридан яқин жойлашган махсус гўнг сақлайдиган жойда сақлаш лозим.

3-4 ой мобайнида уни аэроб (фақат эркин кислород бўлган шароитда яшай оладиган), сақлаш ҳолатидан сўнг, гўнг ноябр қилинадиган жойга чиқарилади, бу ерда у яна 6-8 ой мобайнида сақланиши керак. Деярли бир йил мобайнида сақланганидан у касал келтирувчи микроблардан зарарсизлантирилганидан сўнг, гўнгни далаларга чиқариш мумкин бўлади. Гўнг шундай сақланганда патоген микроорганизмларнинг нафақат вегетатив турлари, кўпгина гелментлар ва уларнинг тухумлари нобуд бўлади, айрим бегона ва захарли ўсимликларнинг уруғлари ўзининг ўнувчанлигини йўқотадилар. Шунинг билан бирга, гўнгни биологик усул билан зарарсизлантириш органик ўғит сифатини оширади.

Хўжалиқда айниқса хавфли юқумли касалликлар борлигида гўнг химиявий воситалар ёрдамида зарарсизлантирилади (ки ёқиб ташланади).

Давлат ветеринария хизмати, жамоа, давлат хўжаликлари ва ташкилотларнинг ветеринария мутахассислари гўнг комбинатларида, қушхонада ва хўжаликларда сўйиш мўлжалланган

Моллар тайёргарлигини, тайёрлов пунктлари ва заводларга гўшт, сўт, тухум ва асал юборилиши бўйича, бозорларда сотиладиган чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини экспертиза қилиб, ветеринария—санитария назоратини амалга оширадilar. Жамоа, давлат хўжалиқларидан, чорвачилик комплекслари ва бошқа хўжалиқлардан мол жўнатилишидан олдин уни мол доктори синчиклаб кўриши керак. Молнинг ҳар бир гуруҳига улгуржи ахборотнома тўлдирилади ва ветеринария гувоҳномаси берилди. Гўшт комбинати фақат соғлом молни қабул қилмоғи даркор. Юқумли касалликлар билан оғриган молларни топириб қабул қилиш вилоят қишлоқ хўжалиғи бошқармаси ветеринария бўлими томонидан, махсус қўлланмага риоя қилган ҳолда, рухсат қилинади. Бунда мол тасдиқланган график асосида гўшт комбинатининг санитария кунинда топирилади.

Молни хўжалиқнинг ўзида истеъмол қилиш учун мол сўйиш жамоа, давлат хўжалиқларида, комплексларда ҳамда мажбуран сўйиш—махсус жиҳозланган сўйиш—санитария пунктларида амалга оширилади.

Сўтнинг сифати бўйича ветеринария-санитария назорати уни сўт-товар фермаларида этиштиришдан башланади ва сўт саноати корхоналарига сотишгача давом қилади. Сўт 13264-70 ГОСТ стандарти асосида тайёрланади.

(Ушбу боб Ўзбекистон чорвачилигини 2000 йилгача тасдиқланган бошқариш системасига асосан ёзилди).

ЧОРВАЧИЛИК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ

Чорвачилик шиоотларини қуриш намунали лойиҳалар асосида Хоразм вилояти шаронтин ҳисобга олган ҳолда олиб бориламоғи керак. Сигирхоналар учун намунали лойиҳалар оғир меҳнат жараёнларини 100 фойз комплекс механизациялаштиришни кўзда тутмоғи лозим. Шу билан бирга фойдаланишда ўнғай бўлмағи ҳамда молларни касалликлардан ҳимоя қилиб, сақланишида ҳар жиҳатдан қулайлик вужудга келтириши керак.

1991-2000 йиллар даврида қурилиш учун қўйидаги намунали лойиҳалар тавсия этилади:

— 400 бош сигирни боғлаб боқишга, сўт этиштиришга, ремонтбон бузоқ ўстиришга мўлжалланган ферма. «Ўзгипросельстрой», инвентар номери 89, 1990 й.

— 400 бош сигирга, узлуксиз—цех технологияси билан сўт

етиштиришга мўлжалланган, ферма сутни йил давомида бир маромда етиштиришга, ремонтбоп бузоқларни ўстиришга (6-7 ойлик бўғоз гунажинлар, 15-20 кунгача бўлган хўкизчалар ва ремонтдан зид қочарлар). Фермада 3 кунлигидан то 2 ойгача, бузоқни майдончада, махсус уйчаларда, қалин тўшамда, ремонтбоп бузоқни — 3 деворли бостирмаларда ўстириш.

Молларни озиклантириш сайр—озуқавий ҳовлиларда амалга оширилади.

Лойиҳанинг гўнгни биологик тозалаш асбоб-ускуна комплексини қўллаш ва «Ксбос» биогазни олиш варианты ҳам ишланган.

—25, 50, 100 бош сугирни боғлаб сақлашга, бузоқлар ва ремонтбоп ёш моллар хоналари билан ёрдамчи ва фермер хўжаликларга мўлжалланган сугирхоналар, III—3846, 3847, 3848, «Узмежколхозпроект, 1984 й.

Сугирхоналар корхоналарнинг ёрдамчи ва фермер хўжаликларидида қуриш учун тавсия этилган. Сугирхоналарда сугирлар сақлайдиган хоналар, чуқур бўғоз сугир ва гунажинларнинг туғиши учун оғилхона, профилакторий, бузоқ ва ремонтбоп ёш моллар учун хоналар жойланган. Сугирлар ДАС-25 соғиш агрегати ёрдамида соғилади. Сутни дастлабки тозалаш сугирхонада амалга оширилади.

Ем-хашакни ташини, гўнгни чиқариш ТСН-160 куракчали транспортёр ёрдамида қилинади.

—100 бош сугирга мўлжалланган, маҳаллий қурилиш материалларидан (деворлари пахсадан), сугирхона, «Узгипросельстрой», 1986 й.

Ишлаб чиқариш технологик жараёнда сугирларни ҳар куни сайр қилдириб сақлаш ва соғиш кўзда тутилган. АД-100 А соғиш агрегати ёрдамида сугирларни соғиш мўлжалланган. Ем-хашак тарқатиш механизациялашган, гўнгдан тозалаш куракчали транспортёр ТСН-160 ёрдамида.

Чорвачилик молхоналарини қуришда технологик лойиҳалаш нормаларига амал қилиниб, қуйидаги минимал параметрлари тавсия этилади.

ҚОРАМОЛГА МУЛЖАЛЛАНГАН МОЛХОНАЛАРДАГИ МИКРОИҚЛИМ ПАРАМЕТРЛАРИ

Кўрсаткичлар	Бузоқхоналар	Сигирхоналар
Ҳаво ҳарорати, С даража	18	10
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	70	75
Қишдаги ҳаво алмашши, ҳар бошга м ³ куб соатига	20	17
Корбонат кислотасининг сақланиши мумкин бўлгани, %	0.25	0.25
Аммиак сақланиши мумкин бўлгани, %	0.0020	0.0025
Сероводород сақланиши мумкин бўлгани, %	0.001	0.001
Ёруғланиш коэффициенти (ойналар майдонининг пол майдонига нисбати)	1/10—1/15	1/12—1/15
Ҳаво ҳаракатининг тезлиги, м/с.	0.3	0.3—0.5

Қайд қилиш керакки, айрим жойларда сигир ва гунажинлар, чўчқалар ва ёш молларни сайр майдончалари бўлмаган ҳолда лойиҳалаб қуриш давом қилмоқда. Бу зоотехника ҳамда ветеринария-санитария ва, ниҳоят, иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди. Шунинг учун фикримизча молхоналар лойиҳаларини намуналарга ўтказиш фақат уларни илмий-нишлаб чиқариш, текширишлар ва зооигиеник асослашдан кейингина бўлмоғи лозим.

ФЕРМЕРЛАР ҲУҒРИСИДА

Келгусида, эҳтимол, мулкчиликнинг ҳар қил турлари—жамоа ёки давлат сектори, ижара жамоалари, фермер хўжаликлар ва ҳоказолар—бирга бўлса керак. Юқорида кўрсатилгандек ижара жамоалари ўзларини ижобий томондан кўрсатдилар, уларда жамоат секторига қараганда моллар маҳсулдорлиги юқори, маҳсулот таннархи паст, олинадиган даромад ва меҳнатга ҳақ тўлаш юқоридир.

Хоразм фермер хўжаликларида 1990-1991 йилларда ишлар мулжалланганидек юришиб кетмади. Хўжалик раҳбарлари уларни қўллаб-қувватлаган, ёрдам қилган жойларда вазият ёмон бўлмади ва фермерлар ўз хўжалигида анча сўт ва гўшт

етиштирдилар. Ўз-ўзига ташлаб қўйилган ерларда аҳвол жуда мураккаб бўлиб қолди, фермерларда ем-хашак етишмас эди, уларнинг кўписи емин қаердандир, қандайдир йўللар билан тошардилар, уларда маблағ етишмасди, молни озиқлантириш ва асраш шароитлари қониқарсиз бўлиб, маҳсулдорлик паст, маҳсулот сотиб даромад топиш кам ва қийин ҳолатга тушди, натижада бошлагачи шундан кўнгил совишдек кайфиятлар бўла бошлади.

Хоразм вилояти шароитида ер майдони ўта чегараланганлиги туфайли, хўжаликларда фермерларга кўп экин майдонини ажратиб имконияти кам эди. Лекин 1992 йил бошларида деҳқон (фермер), хўжаликлари бўйича жумҳурият Президентининг фармони эълон қилинди ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бу фармонга мувофиқ туманларда деҳқон (фермер) хўжаликлари учун ҳар бир хўжаликда ер фонди ажратилди. Фармида алоҳида қайд қилинганки, ер деҳқон (фермер) хўжаликлариغا пахта, шолч майдонларини қисқартириш ҳисобига ажратилган дейилган. Эндиликда кимдан-ким фермерлик билан шугулланмоқчи бўлса, ариза беради ва маҳсул комиссия уларнинг фермерлигини олиб бориш қобилиятини ўрганиб, масалани хўжаликнинг умумий мажлисига қўяди. Розилик олганидан сўнг, қишлоқ Совети ҳам ўз розилигини беради. Натижада фермерлик хўжалиги туман ҳокимиятида рўйхатдан ўтади, давлат банкида унинг жорий ҳисоби очилади. Фермерларга айрим имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, улар икки йил мсбаъида ҳамма тур солиқлардан озод қилиндилар.

Қайд қилиш керакки, деҳқон (фермер) хўжалиги фақат чорвачилик билан шугулланиши шарт эмас. Қишлоқ хўжалигининг бешқа тармоқларида ҳам бу хўжаликлар фаоллик кўрсатишлари мумкин.

Янги шароитда туман ва хўжалик раҳбарлари деҳқон (фермер) хўжаликларига ёрдам қўлларини чўзиндилар. Чунки бу янги хўжаликлар оёққа тургунча улар албатта мададга қўллаб-қувватланишга муҳтождирлар. Фермерлар эса, қанчалик қийин бўлмасин, қурилган молхоналарни ва бошқа қийин ишларни комплекс механизациялаштиришга имкон топишлари керак. Бинобарин бу оғир меҳнатни енгиллаштириш чораларини кўрмасдан туриб, ишларни кенг миқёсда олиб бориш қийин, иккинчидан — фермер хўжаликларида ишлаётганларга, айниқса ёшларга бу ишлар ҳаддан ташқари кўп қийинчиликлар

туғдириб, уларни бу яхши тадбирдан безиб қознишларига олиб келиши табиий.

Келажаkning ўзи мулкчиликнинг қайси тури яшашга қодирлигини, бозор иқтисодиёти шароитида қайси фаолият кўрсатади ва ҳоказоларни яққол кўрсатади, муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдамлашади.

КАДРЛАР

1992 йилнинг бошида вилоят жамоа, давлат хўжаликларида, хўжаликлараро корхоналарда, туман агросаноат уюшмаларида, ветеринария хизматида ва чорвачиликка хизмат қилувчи бошқа ташкилотларда 388 олий, 461 ўрта махсус маълумотли чорвачилик мутахассислари ишлашган, улардан 158-олий, 229-ўрта махсус маълумотли зоотехник, 230-мол доктори — олий маълумотли, 232-ветеринария фельдшери бўлган.

Жумҳуриятда чорвачилик мутахассисларини Самарқанд, Ташкент қишлоқ хўжалик, кейинги вақтларда Андижон пахтачилик илмгоҳлари, ўнлаб қишлоқ хўжалиги техникумлари, Хоразм вилоятида—Хива қишлоқ хўжалик техникуми тайёрлашга қарамай, ишлаб чиқариш жараёнида мутахассислар доимо етишмайди. Масалан, вилоятда зоотехниклар бўйича таъминлашни 79,8 мол докторлари бўйича—81,5 фонзини ташкил қилмоқда. Ингибозор тумани жамоа ва давлат хўжаликларида фақат олий маълумотли 6 зоотехник ва битта мол доктори ишламоқда, 3 та участкада—мол докторлари етишмайди.

Бу туманда кўп ферма мудирлари тажрибали ишчилардирлар ва шунинг учун ҳам табиийки бундай туманларда чорвачиликни бошқариш маданияти пастдир.

Шундай бўлсада, вилоят хўжаликларидан жумҳурият олийгоҳларида чорвачилик мутахассислиги бўйича жуда кам талабалар ўқийдилар, олийгоҳларга вилоятлар бўйича талабаларни қабул қилиш жумҳуриятнинг мутасадди ташкилотлари томонидан бўш назорат қилинади. Йил сайин абитуриентлар илмгоҳларнинг чорвачилик куллийётларига кириб ўқиш учун намдан-кам ариза бермоқдалар. Бунинг сабаби тушунарли, хўжаликларда мутахассис—чорвадорларга ишлаш қийин бўлмоқда, ойлик маоши паст, шароитлар огир, ишда маънавий рағбатлантириш йўқ ва ҳоказо. Фақат кейинги вақтда ижара шароитларини киритиш муносабати билан, фермер хўжалиklarини барпо этиш, талабаларнинг стипендиялари анча оширилиши, чорвачилик маҳсулотларига

дазлат харид нархларини кўпайтириш натижасида чорвадор—
ходимларни, шу жумладан мутахассисларнинг яхши ишнини
рағбатлантириш шароитлари яратилаёпти.

Вилоят чорвачилигидаги оғир иш шароитига қарамай ўзини
мутахассислигига садоқатли бўлиб қолиб, фидокорона меҳнат
қилган ва қилаётган кўпгина мутахассислар бор. Улар жумла-
сига Боготдан—Машариф Бобоев, Эркин Бекқонов, Саъдулла
Иброҳимов, Матқурбон Искандаров, Шоназар Мавлонов, Қўч-
қор Хайитбоев, Рўзбой Юсупов; Гурландан—Сафарбой Қа-
ландаров, Зиватдин Камолов, Зариф Назаров, Қурол Сафоев,
Зариф Ўскинов, Озод Чаудирбаев; Қўшқўпирдан—Қўчқор Абд-
римов, Маматсолій Оллаёров, Аминбой Жуманиёзов, Отабой
Жуманиёзов, Ибодулла Зариев, Озод Мадиев, Раҳим Маша-
рипов, Иван Терентьевич Павленко, Собир Полёзов, Отабой
Собиров, Умар Саъдуллаев, Урганч тумани ва шаҳридан—
Раҳимберган Абдуллаев, Исmoil Абдиқодиров, Ильдир Агеев,
Собир Оллаберганов, Сафарбой Оллаберганов, Отабой Аҳме-
дов, Махмуджон Аҳмедов, Икром Бобожонов, Назир Бойжо-
нова, Пўлдош Бахтибоев, Жуманиёз Бекқонов, Ф. С. Головац-
кий, Саъдулла Жабберганов, А. А. Иқуравлиев, Абдулла Қурон-
боев, М. Е. Киселева, Ахметжон Қурбонов, Бобожон Қурбонов
Умирбек Мадаминов, Ибрагим Маткаримов, Қодир Матқубов,
Марихбой Машарипов, Шекир Нурмухамедов, Тўрабой Раҳим-
бердиев, Саъдулла Рўзметов, Н. Г. Собиржонов, Султонбой
Солаев, Зарип Сафоев, Ганижа Ҳажиев, Эгам Хўжаев, Султон-
мурод Худойберганов, В. П. Школин; Ҳазорасидан—Отахон
Абдуллаев, Баҳодир Абдуллаев, Абдулла Аброров, Отахон
Артиқов, Матчон Отабоев, Жуманиёз Бобожонов, Виктор Ни-
лифорович Байгин, Ражаб Қурбонов, Сафо Қурбонов, Сейил-
хон Қурбонов, Мадамин Ёқубов; Хонқадан — Пўлдош Ами-
нов, Кўпал Аҳмедов, Кўпал Жуманиёзов, Нурмамат Қурамбо-
ев, Уктам Назаров, Сувоиберди Рўзметов, Маматжума Сатта-
ров, Абдулла Юсупов; Хивадан—Қадамбой Абделниёзов, Қа-
дамбой Бобожонов, Отабой Бобожонов, Абдулла Отабоев,
Машарип Отабоев, Хударган Отажонов, Давлатёр Бекчонов,
Газизжон Гайбиев, Бахтиёр Ганиев, Эркин Жуманиёзов, Султон
Исmoilов, Каримбой Матқонов, Рўзмат Отаев, Барди Раҳи-
мов, Тожибой Рўзметов, Арслон Собирев, Ширин Шарипова,
Рустан Ёқубов; Шовотдан—В. А. Адияни, Раҳим Отажонов,
Даврон Искандаров, Янгибой Маткаримов, Рўзмат Раҳимов,
Марке Ражабов, Нормат Рўзимов, Нормат Қаримов, Ботир
Юсупов; Янгиариқдан — Қўчқор Абдуллаев, Полвошназир Ва-

паев, Рустам Қутлимуратов, Омонбой Ниёзматов, Гаффор Оллаберганов, Шомурод Саидов, Отабой Солаев; Янгибозордан — Султонбой Отажонов, Наримон Камолов, Нормат Қорабоев, Юсуф Матназаров, Эгамберган Тўшев, Раҳим Хайитбоев, Бобожон Ёдубов ва кўпчиликлари бошқаларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалигини, жумладан чорвачиликни янада ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган вилоят, туманлар, хўжаликлар, корхоналар раҳбарларининг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олмоқчимиз — Амин Вафоев (Гурлан), Исқандар Дўсов, Ибрагим Жаббаров (Богот), Марк Жуманиёзов (Урганч), Агабой Жуманиёзов (Қўшқўшир), Ибодулла Ибрагимов (Янгиариқ), Раҳим Ишчонов (Урганч), Николай Васильевич Ким (Хонқа), Гайрат Машаринов, Ҳасанбой Матрасулов (Урганч), Бакир Ибодуллаев, Рўздат Мадаминов, Абдушариф Мадримов, Махмуд Нуниёзов, Матмурат Отабоев, Отаназар Пирназаров (Хива), Қаландар Сафоев (Урганч), Оллаберган Сувоңулов (Ҳазораси), Раҳимберган Тахиров (Шовот), Мадиср Худайберганиев (Урганч), Аҳмадиқон Юсупов (Хонқа) ва бошқалар.

1992 йилда вилоятда жами 207 ферма бўлган, улардан 141 таси сўт-товар фермаси. Икки сменалик иш услубида 11 та, бир сменали икки циклдаги услубда 124 та ферма ишлаган. Жамоа, давлат хўжаликларидан, хўжаликлараро корхоналаридан жами 4381 чорвачилик ходими ишлайди, улардан 179 киши қайта тайёрлаш курсларида малакасини оширдилар.

185 чорва ходими «I-синфдаги чорвачилик устаси», 292 таси — «II-синфдаги чорвачилик устаси» унвонига эгадирлар. Вилоят хўжаликлари оммавий касб эгалари билан таъминланганлар.

Червадорлар вақти-вақти билан медицина кўригидан ўтадилар: улар тармоқ нормалари асосида махсус кийим-кечак билан таъминланганлар.

1992 йилнинг 1 январига вилоят жамоа, давлат хўжалиқларидаги чорвачилик фермаларини кадр-лар билан таъминлагانлиги тўғрисида маълумот

62-жадвал

	таълаб қилди	б о р н						« Чорвачилик уста-си » унвони борлар	
		жадди	шу жум-ладан хоти-нлар	шу жумладан маълумотга эга		Махсус қайта тайёр-латанлар	1-синф	II-синф	
				олиғ	ўрта				
Зоотехниклар	137	136	3	92	44	23	—	—	
Мол докторлари	120	85	—	62	23	9	—	—	
Ветфельдшерлар	134	114	6	—	114	13	—	—	
Ферма мудирилари	159	158	1	29	102	27	—	—	
Хисобчилар	117	108	4	1	77	17	—	—	
Сут соғувчилар	1320	1321	1311	—	—	—	91	149	
Молбоқарлар	1380	1374	113	—	—	—	36	95	
Бузоқбоқарлар	362	361	260	—	—	—	23	34	
Қўчабоқарлар	128	128	30	—	—	—	5	4	
Қўлонлар	113	116	—	—	—	—	3	5	
Товуқбоқарлар	156	149	73	—	—	—	6	5	
Сунъий қўчириш техниклари	129	122	1	11	98	51	—	—	
Механик - қиланлар	163	153	—	7	122	27	—	—	
Электриқлар	61	46	—	2	28	12	—	—	
Вилоят бўйича	4479	4381	1802	204	608	179	185	292	

88 фермада медицина пунктлари бор, Шовот туманидаги Махтумқули, Гурландаги «Намуна», Хивадаги «Хива» жамоа хўжаликларига медицина профилактикалари ташкил қилинган.

1992 йилга келиб, деярли ҳамма сўт-товар фермаларида чорвадорлар уйлари ишлаб турди, бу ерда яхши дам олиш учун шарт-шароитлар барпо этилган эди.

Шунинг билан бирга, 1990 йилдан бошлаб туман ва хўжаликлар раҳбарлари чорвадорлар эҳтиёжларига эътиборни пасайтирдилар. Бу, эҳтимол, чорвачиликка ижара муносабатларининг ташкил қилиниши билан боғлиқдир. Чорвадорларга медицина, савдо ва маншій хизмат кўрсатиш бирмунча ёмонлашди. Кўпгина ходимлар, айниқса хотин-қизлар, сўт-соғувчилар дам олиш қўнларисиз ишлашган, уларга ўз вақтида отпускаи берилмаган. Бу етишмовчиликлар касаба уюмалари ходимларининг етарли бўлмаган ишларининг оқибатидир, улар раҳбарларнинг хўжалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмадилар, меҳнаткашларнинг истакларини ҳимоя қилишда уларга қонун билан берилган ҳуқуқлардан фойдаланмадилар.

Кадрларни тайёрлаш масалалари вилоят, туманлар агро-саноат комплекси раҳбарларининг доимо диққат марказида бўлмоғи лозим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲАМДА ТУРКМАНИСТОННИНГ ТОШХОВУЗ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ; ҲОЗИРГИ АХВОЛИ

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон жумҳурияти ва Туркменистоннинг Тошховуз вилоятида чорвачилик янада ривожланмоқда. Масалан, 1985 йилда аҳоли бош соғига Қорақалпоғистонда 21,7 кг гўшт, 124,4 кг сўт етиштирилган бўлса, 1990 йилда 26,4 кг гўшт, 136,8 кг сўт ишлаб чиқилган. 1985 йили ҳар бир соғни сизгидан 1319 кг сўт, 1990 йили эса 1964 кг сўт соғиб олинди.

1990 йили Қорақалпоғистоннинг ҳамма категориядаги хўжаликларига 54,2 минг тонна, шу жумладан жамоа, давлат хўжаликларига, хўжаликлараро корхоналарида 24,7 минг тонна ва аҳоли хонадонларида 29,5 минг тонна гўшт; жумҳуриятда 172,3 минг тонна, шундан жамоат секторида—30,6 минг тонна, аҳолининг шахсий хўжалигида 131,7 минг тонна сўт етиштирилди. Лекин ҳар бир киши ҳисобига амалда етказилган чорвачилик маҳсулотлари овқатланишнинг илмий асосланган нормаларидан ҳали ҳам анча орқада қолмоқда.

63-жадвал

Қорақалпоғистон жумҳуриясида, Тошхўвўз ва Хоразм вилоятларида чорвачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариши, (1992 йилнинг 1 январига бўлган маълумотлар)

	Гўшт — минг тонна			Сўт — минг тонна			Тухум — млн. Дана		
	Барча категориялар хўжалиқлари	Шу жумладан		Барча категориялар хўжалиқлари	Шу жумладан		Барча категориялар хўжалиқлари	Шу жумладан	
		камона, давлат хўжалиқлари	аҳолининг корхоналар		камона, давлат хўжалиқлари	аҳолининг корхоналар		камона, давлат хўжалиқлари	аҳолининг хўжалиқлари
Қорақалпоғистон	54,2	24,7	29,5	172,3	40,6	131,7	95,9	52,9	43,0
Тошхўвўз вилояти	32,4	10,7	21,7	125,2	30,4	94,8	46,7	27,4	19,3
Хоразм вилояти	44,5	17,2	27,3	238,4	58,0	180,4	141,9	103,8	38,1
Жами	131,1	52,6	78,5	535,9	129,0	406,9	284,5	184,1	100,4

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистонда аҳоли хўжаликларида етказилган гўштининг салмоғи 54,4 %, сутники—70,6 %, тухумники—44,8 % ни ташкил қилмоқда.

Жумҳуриятда гўшт, сут, тухумдан ташиқари, 1990 йили барча категориялардаги хўжаликларда 1910 тонна, шундан аҳоли хўжаликларида 1477 тонна жун, 762 тонна асал, шундан аҳоли хонадониди 400 тонна, 101,6 минг дона қорақўл тери олинган, шундан жамоа ва давлат хўжаликларида—86,6 минг дона.

Тошҳовуз вилоятида 1990 йилда чорвачилик маҳсулотларини топшириш бўйича барча режалар ошини билан бажарилган. Ҳар бир соғини снгир ҳиссбига соғиб олинган сут 2644 килограмми ташкил қилди. Давлатга топширилган ҳар бир қорамол 396 килограмм, қўй—41, чўчқа 97 кг тош босган.

Вилоят ҳудудида 4600 бош мол боқишга мўлжалланган 7 сут комплекси муваффақиятли ишламоқда. Сут етиштириш билан 98, гўшт билан—112 ва тухум билан—103 хўжалик шуғулланади.

1990 йилда Тошҳовуз вилоятининг қишлоқ хўжалиғи 597,5 млн. сўмга ялли маҳсулот етиштирган, шундан чорвачилик маҳсулоти 60,7 млн сўмлик, яъни 10,2 %.

Қорақалпоғистон жумҳурияти Туркменистон жумҳурияти
худудидаги қишлоқ хўжалик молларининг бош соқлари, 1991

Вилоят	Қорамол			Қўй ва эчки		
	барча категориялардаги хўжаликлар	шу жумладан		барча категориялардаги хўжаликлар	шу жумладан	
		жамса, давлат хўжаликлари корхоналар	аҳолининг хўжаликлари		жамса, давлат хўжаликлари корхоналар	аҳолининг хўжаликлари
Қорақалпо- ғистон	373,2	141,0	232,2	530,0	322,9	207,1
Тошхөвүз вилояти	186,9	64,9	122,0	427,1	300,3	126,8
Хоразм вилояти	350,1	126,3	223,8	136,4	37,0	99,4
Жами:	910,2	322,2	578,0	1093,5	660,2	433,3
Хива хонлиги худудида 1886—1910 й. ўртача бўлган	157,1	—	—	822,2	—	—
1990 йил—1896— 1910 йилларга	+753,1	—	—	+271,3	—	—
	+,—					

Тошхөвүз вилояти ва Ўзбекистон жумҳурияти Хоразм вилояти йилнинг 1 январига бўлган маълумот, минг бош

Чучқалар			отлар			туялар		
барча категориялардаги хўжалиklar	шу жумладан		барча категориялардаги хўжалиklar	шу жумладан		барча категориялардаги хўжалиklar	шу жумладан	
	жамоа, давлат хўжалиklаро қорхоналар	аҳолининг хўжалиklари		жамоа, давлат хўжалиklаро қорхоналар	аҳолининг хўжалиklари		жамоа, давлат хўжалиklаро қорхоналар	аҳолининг хўжалиklари
31,0	29,0	2,0	13,8	9,6	4,2	5,2	2,7	2,3
27,5	27,4	0,1	24,2	23,9	0,3	10,3	8,8	1,5
23,5	22,9	0,6	1,5	1,3	0,2	0,3	0,3	—
82,0	79,3	2,7	39,5	34,8	4,7	15,6	11,8	3,8
—	—	—	101,6	—	—	97,1	—	—
+82,0	—	—	-62,1	—	—	81,5	—	—

Жадвалдан кўришиб турибдики, Қорақалпоғистон жумҳуриятида 1990 йили барча категориялардаги хўжаликларда 373,2 минг бош қорамол, 530 минг бош қўй-эчки сақланган. Жумҳурият қишлоқ аҳолисининг ҳар 10 шахсий хўжалиғига 20 бош қорамол, шулардан 9 та сигир, 19 бош қўй-эчки сақланаётган бир пайтда Хоразм вилоятида 16 бош қорамол ва фақат 8 бош қўй-эчки сақланмоқда, холос.

Амударё қўйи қисмидаги вилоятларда 1990 йили 1896-1910 йилларнинг ўртача маълумотларига кўра 753,1 минг бош қорамол ва 271,3 минг бош қўй-эчки кўп сақланган. Лекин отлар 62,1 минг бошга ва туялар 81,5 минг бошга камайиб кетган. Хива хонлиги ҳудудида шу йилларда аҳоли 18,1 минг бошга яқин эшак ва хачир сақлаган. 1990 йилда эса улар Амударёнинг қўйи қисмида 19,0 минг бошни ташкил қилганлар.

Агарда молнинг ҳамма тури ўтказиш коэффициентлари асосида ҳисобланиб шартли молга ўтказилганда ўртача 1896-1910 йиллар бўйича ўлкада 422,0 минг бош мол сақланган, 1990 йили эса бу ерда 880 минг бош мол бўлган. Ўлкада ҳозир мол олдингига қараганда 2 баравардан зиёд кўпдир. Шундай бўлсада, воҳа аҳолисининг сони кескин кўпайиб кетганлиги туфайли ҳар 100 кишига мол 4,8 марта кам сақланмоқда. (Хоразм вилояти, 1991 йил—11,2 бош, Хива хонлиги, XIX аср охири—53,3 бош).

Кейинги вақтларда мол маҳсулдорлиги ошди, шунинг учун чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайди. Лекин аҳоли бош сони ўсганлиги туфайли чорвачилик маҳсулотларини ҳар бир киши сонига озиланиш нормасига қараганда анча кейиндадир.

Қорақалпоғистон ва Тошхўвўз вилоятида кўпинча қизил зотлар молларини — қизил чўл, латвия қўнғир, қизил эстония ва уларни англерлар ва қизил дания зотлари билан дурагайлари урчитилади. Ундан ташқари, Тошхўвўз вилоятида 15 % га яқин зотли мол—қора сла, тахминан 5 %—швиц зотларига мансуб моллардир.

Шу йиллар мобайнида бу ерда молни бўрдоқига боқувчи 2 та хўжаликлараро корхона, битта—қўйларни бўрдоқига боқишга ва 12,0 минг бошга мўлжалланган чўчқачилик комплекси ташкил қилинди. Қорамолнинг 4 та наслчилик фермаси, қўйчилик бирлашмасининг битта наслчилик фермаси ишламоқда. Бундан ташқари 120 минг туғадиган товуқга мўлжалланган битта паррандачилик фабрикаси ишлаб турибди.

Қорақалпоғистонда тухум етиштириш йўналишидаги Тахнатош, бройлер етиштириш йўналишидаги Нукус, наслик тухум етказувчи Беруний паррандачилик фабрикалари муваффақиятли ишламоқда.

«Хатен» давлат хўжалигида қўшни туманлардан гўштга мўлжалланган молларни қабул қиладиган йирик бўрдоқчилик комплекси қурилган. Қорамол ва қўй-эчкиларни бўрдоқчилик давлат хўжаликлари етиштирмоқда. Шу йилларда бу ерда маҳсулотни қайта ишловчи бир неча корхоналар қурилган.

Келгусида Қорақалпоғистонда ва Тошхўвўз вилоятида чорвачиликнинг озуқавий базасини мустаҳкамлаш, насликлик ишларининг қўйилишини яхшилаш ва шу асосда гўшт, сўт, тухум етиштиришни кўпайтириш мўлжалланган.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ

1. Л. Адамец. Умумий зоотехния, М. 1936.
2. В. В. Бартольд. Қадим замонлардан XVII асргача Орол денгизи ва Амударё қуйи ерлари тўғрисидаги маълумотлар, Т. Ш. «Фан» нашриёти М, 1965.
3. С. Н. Биковский. Ҳайвонларни хонакилаштириш масаласига доир. «Совет этнографияси» журнали, № 3, Ленинград, 1934.
4. Н. Я. Бичурин. Ўрта Осиёда қадим замонларда яшаган халқлар тўғрисидаги маълумотлар, II, 1950.
5. Е. А. Богданов. Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, М. 1937.
6. Е. А. Богданов. Бузоқларни ўстириш принциплари асослари, М, Сельхозгиз, 1947.
7. М. Н. Богданов. Хива воҳаси ва Қорақум саҳроси табиётининг очерки, Тошкент, 1882.
8. С. Боголюбовский. Е. А. Богдановнинг «Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши» китобига изоҳлар, 1947.
9. Ю., Э. Врегель. Хоразм туркманлари XIX асрда, М. 1961.
10. Е. В. Бунаков. XIX асрда Россиянинг Ўрта Осиё хонлиқлари билан муносабатларининг тарихига доир. «Совет шарқшунослиги», II, СССР ФА нашриёти, М-Л. 1941.
11. З. М. Бунятов. Хоразмшоҳлар тарихи тўғрисида маълумотлар, 1987.
12. Н. И. Вавилов. Хива воҳасида экиладиган ўсимликлар (ботаника-агрономик очерки), амалий ботаника, генетика ва селекция бўйича асарлар т. XX, Ленинград, 1929.
13. Ч. Ч. Валиханов, Танланган асарлар, Олма-Ота, 1958.
14. А. М. Вамбери. Ўрта Осиёга саёҳат, М. 1865.
15. Н. И. Веселовский. Хива хонлигининг қадим замонлардан ҳозиргача тўғрисидаги тарихий-географик маълумотларининг очерки, СПб, 1877.
16. А. К. Гейнснинг адабий асарларининг тўплами, 1 том, СПб, 1897.
17. Гиршфельд ва Галкин. Хива хонлигининг ҳарбий-статистик тасвири, II қисм. Тошкент, 1902.

18. В. И. Громова. Ўрта Осиё қадимги уй ҳайвонларини ўрганишдаги манбалар, Тошкент, 1940.
19. Б. Г. Гафуров. Тожик халқининг тарихи, 1 том, 3 нашр, М, 1955.
20. Я. Ғуломов. Хоразмда сугоришнинг тарихи, Т, 1957.
21. С. Г. Давидов. Ўзбекистоннинг маҳаллий молини яхши-лашга доир масалалар, «Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун» журнали, № 2, 1929.
22. Г. М. Данилевский. Хива хонлигини тасвири, Спб, 1851.
23. М. П. Данилевский. Қорақалпоғистоннинг қадимги сугор-ма ерлари ва уларни ўзлаштириш истиқболлари, «Қара-калпакия» тўплами, С, 1934.
24. В. В. Донченко. Қорақалпоғистон туялари. «Совет ўлка-шунослиги» № 1. М, 1936.
25. Т. А. Жданко. Патриархал—феодал муносабатлар, СССР ФА нашриёти, 1957.
26. Ю. А. Заднепровский. Фарғонанинг қадимги ершунослик маданияти (СССР археологияси бўйича манбалар ва ку-затишлар, № 118). СССР ФА нашриёти, М.—Л, 1962.
27. Ибн—Фадлан саёҳати... текст.
28. М. И. Иванов. 1839-1840 йй. Хивага қилинган қишги сафарининг баёни, Спб, 1874.
29. П. П. Иванов ва А. К. Боровков. XVI-XIX асрлардаги туркманлар тарихий манбалари бўйича бир неча умумий хулосалар, Туркман ва Туркменистон тарихи бўйича маъ-лумотлар. Шарқшунослик институти асарлари, VIII, СССР ФА нашриёти, М-1, 1938.
30. П. П. Иванов. Қорақалпоқлар тўғрисидаги янги маълу-мотлар, «Совет шарқшунослиги», III, М, Л, 1945.
31. П. П. Иванов, Ўрта Осиё тарихи бўйича очерклар (XVI-XIX асрнинг ўргаси), «Шарқий адабиёт» нашриёти, М, 1958.
32. С. Камолов. XVIII-XIX асрдаги қорақалпоқлар (Ўрта Осиё хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлар тари-хига сўз), «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968.
33. У. Камолов. Чорвачиликни ривожлантириш резервлари. Тошкент. 1971.
34. А. В. Каульбарс. 1873 йили шаҳсий кузатишлар бўйича тасвирланган Амударёнинг қуйи қисми. Рус император жиграфик жамият ёзувлари, 9 т. Спб, 1881.
35. Л. Кирина. № 1 наслчилик давлат хўжалигида қизил чўл

- зоти билан ўтказиладиган наслчилик ишининг режаси, қўлёзма, 1940.
36. Х. И. Классен. Қизил чўл моли, «Колос» нашриёти, М, 1966.
 37. Қорақалпоғистон АССР тарихининг очерклари, 1-том, Тошкент, 1964.
 38. Қорақўлчилик бўйича раҳбарлик, М, 1972.
 39. Р. Қасбегенов. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Хива хонлигида қорақалпоқ аҳолисининг аҳволи. Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг асарлари, Ш, Т, 1965.
 40. П. В. Кугнев. Соғлом бузоқларни ўстириш учун аччиқ сут маҳсулотлари, Россельхозиздат, М, 1966.
 41. А. Л. Кун, 1873 йилда Хива хонлигига сафар, РГЖ хабарлари, X., 1874.
 42. В. Лобачевский. Хива тумани. Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий статистик тасвири, Тошкент, 1912.
 43. Н. О. Мавлонов. Ўзбекистон қорамолчилиги, Тошкент, 1965.
 44. Маданият нимадан бошланади. «Билем-куч» ж.ли, № 1, 1974.
 45. А. Мадрахимов. «Хоразм» сўзининг маънолари, «Фан ва турмуш», № 2, 1974.
 46. ал—Мақдисининг «Аҳсан ат-тақасим фи—маърифат ал-акалим» китобидан парчалар, ТТТМ (МИТТ).
 47. М. Е. Массон. Жанубий Туркманистон комплекси—археологик экспедициясининг асарлари, Т. II. Ашхабад, 1951.
 48. П. М. Михайлов. Қорақалпоғистон АССР эшакчилиги, Туркманистон КХИ асарлари, 1. IV. 1940.
 49. К. Б. Мухамедбердиев. Хоразм революциясининг тарихи, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966.
 50. Б. О. Обдоллиёзов. Ўзбекистон шароитида қизил чўл зотли сиғирларининг сут маҳсулдорлигига ва янги туғилган бузоқлар вазнига айрим ҳолатларининг таъсири, номзодлик диссертация, 1969.
 51. От тўғрисидаги китоб, М, 1947.
 52. И. В. Погорельский. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги (1873-1917), Хива хонлигининг иқтисодий ва сиёсий тарихи очерклари, Ленинград дорилфундузининг нашриёти, 1968.
 53. И. Г. Полкошников. Қорақалпоғистоннинг қорақўлчилиги, 1927 йилдаги Жетисуй вилояти чорвачилиги ва Қорақал-

- поғистон автоном вилоятининг қорақўлчилигини текшириш бўйича УОДД экспедициясининг маълумотлари, УОДД асарлари, Хсерия, 2 чиқариш, 1930.
54. Л. П. Потапов, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг қўчманчи халқларидаги патриархал—феодал мунсабатларининг мезҳияти тўғрисида, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1955.
 55. А. А. Рахимов. Ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши. «Фан ва турмуш» ж-ли, 12, 1970 г.
 56. А. С. Содиқов. Революциядан олдинги Хивада деҳқонларнинг аҳволи тўғрисидаги айрим маълумотлар. УОДУ асарлари, янги серия, 140 нашр, 1958.
 57. К. И. Саковский, Қорақалпоғистон АССР нинг отлари, эшаклари қорамоли ва эчкилари тўғрисида. Т. IV, 1940.
 58. В. И. Сарнаиди. Қорақумнинг йўқолган санъатининг сирлари. М., 1967.
 59. Б. С. Сивчик. СССР да зебусимон мол, М, 1948.
 60. Сирдарё вилоятининг 1911-1913 йиллар бўйича маълумотлари, Тошкент, 1913.
 61. Сирдарё вилоятининг Амударё бўлимидаги қўчманчи ва ўтроқ маҳаллий хўжаликни ва ердан фойдаланиш бўйича қилинган текшириш маълумотлари, 1-2 нашр, Тошкент, 1915.
 62. Г. Н. Снесарев. Хоразм ўзбекларининг мусулмончилигидан олдинги диний эътиқодлари ва маросимларининг реликтлари, М. 1969.
 63. СССР қорақўли, «Союзпушнина», 6/6 М. 1971.
 64. В. И. Стояновская. Кулранг қорақўл қўйларини урчишти, 1966.
 65. Т. Ф. Тавилдарова. Ўрта Осиё жумҳуриятларида қорамолни урчишти, докторлик диссертациянинг автореферати, Олма-ота, 1952.
 66. С. П. Толстов. Қадимги Хоразм, М. 1948.
 67. С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятининг изидан, СССР фа нашриёти, М.—Л. 1948.
 68. ТТТМ, П. Т. 1961.
 69. Туркистондаги халқ хўжалигининг таърифлаш учун маълумотлар, 1-қисм, 1-бўлим, С. П. 1911.
 70. Тўпланма. «Ўрта Осиё иқтисодий тумани». Тошкент, 1922.
 71. Ж. Уббиниязов. Қорақалпоқлар хўжалиги. Тошкент, 1962.
 72. Форс шохзодаси Риза-Кули-Мирза томонидан тузилган Амударё вилоятининг қисқача очерки СпБ. 1875.

73. ибн-Хауқалнинг «Китоб ал-месалик ва л-мемалики» дан парчалар. ТТТМ (МИТТ), 1957.
74. Хоразм вилоят давлат архиви ҳужжатлари (ХВДА).
75. В. И. Цалкин. Антик ва эр ўрта асрдаги Хоразм фаунаси. СССР ФА Хоразм археология—этнографик экспедициясининг илмий асарлари, Т. 1. М. 1952.
76. В. И. Цалкин. Шарқий Оврўпо ва Ўрта Осиё қабилаларининг қадимги чорвачилиги, М. 1966.
77. У. Х. Шалекенов. Амударё қўйи қисмидаги қозоқлар, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966.
78. Ф. Энгельс, Оила, хусусий мулкчилик ва давлатни келиб чиқиши, М. 1970.
79. ЎзССР тарихи, III т. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1967.
80. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 1968 йилда, Тошкент, 1969.
81. Ўзбекистон халқларининг тарихи, II т, Тошкент, 1947.
82. ЎзССР Марказий Давлат архиви ҳужжатлари (МДА).
83. Ўрта Осиё от зотлари, М. 1937.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Хоразм бўйича умумий маълумотлар	4
Хоразмнинг қадимги чорвачилиги	6
Қорамол	13
Майда шохли мол	20
От	28
Туя	32
Молларни илк ўргатиш ва хонакилаштириш	
Хоразм чорвачилигининг ривожланиш босқичлари	34
XIX аср ахири ва XX аср бошларидаги	
Хоразм чорвачилиги	62
Қорақалпоқлар чорвачилиги	66
Қўйи Амударёдаги қозоқларнинг	
чорвачилик хўжалиги	69
Хоразм туркманларининг чорвачилик хўжалиги	71
Қорамол	77
Майда шохли мол	80
Қорақўл қўйи	81
Пилқичилик	83
1920 йилдан ҳозиргача бўлган давр ичидаги	
чорвачиликнинг аҳволи	90
Чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи	158
Қизил чўл зоти	197
Латвия қўнғир зоти	207
Қизил литва зоти	208
Қизил Эстония зоти	210
Қора-ола зоти	211
Бушув зоти	212
Қозоқи оқ бош зоти	214
Сигирларнинг биологик даврлари ва улардан	
фойдаланиш давомийлиги	215
Озиқлантириш ва асраш шароитлари	218
Наслчилик иши	243
Сигирларни туғишга тўғри тайёрлаш, сўтдан	
чиққан даврнинг сигир органими учун аҳамияти	247
Сигирларнинг сўтдан чиқишини тўғри ташкил этиш	250
Сигирларни сўтдан чиқариш усуллари ва	
техникаси	252
Сўтдан чиққан бўғоз сигирларни озиқлантириш	254
Бўғоз сўтдан чиққан сигирларни асраш	260
Янги туғилган бузоқларни ўстириш	264

Янги туққан сигирларни озиқлантириш ва асраш	267
Мол етиштириш, тайёрлаш, бўрдоқига боқиш системаси	269
Чўчқаччилик	276
Паррандачилик	280
Қўйчилик	286
Илқиччилик	289
Туячилик	290
Асалариччилик	291
Қўёнчилик	294
Балиқчилик	297
Ипакчилик	301
Ветеринария хизмати	305
Чорвачиликнинг механизациялаштирилиши	311
Чорвачилик иқтисоди	313
Хоразм чорвачилигидаги айрим инборалар, Херазм чорвачилигини ривожлантириш истиқболи ва уни бошқариш йўллари	315
Сут қерамолчилик системаси	322
Сут берувчи молни сақлаш усуллари ва сут ишлаб чиқариш технологияси	335
Сигирларни сақлашдаги узлуксиз— цех системаси	336
Ремонтбоп бузоқларни ўстириш ва соғим подасини тўлдириш	339
Соғиладиган сигирларни тўла қимматли ва балансланган озиқлантиришни ташкил қилиш системаси	344
Подани қайта такрор ишлаб чиқариш системаси	348
Гўшт ишлаб чиқариш системаси	351
Бузоқларни тайёрлашни ташкил этиш ва мол гўштини етиштирувчи корхоналари улар билан тўлдириш	352
Гўштдор қорамолчиликда гўштни етиштиришни ташкил қилиш системаси	356
Ветеринария-профилактика ва санитария тадбирлар системаси	359
Чорвачилик объектларини қуриш	361
Фермерлар тўғрисида	363
Кадрлар	365
Қерақалпоғистон ҳамда туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида чорвачиликнинг ҳозирги аҳвали	369
Фейдаланилган адабиётлар	376

ИЛМИИ ОММАБОП НАШР

Ўзбек тилида

Бахтиёр АБДОЛНИЕЗОВ,
Қишлоқ хўжалик фақлари номзоди

**ХОРАЗМ ЧОРВАЧИЛИГИ — ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН
ҲОЗИРГАЧА**

Муҳаррир **С. НОДИРМАТОВ,**
Техник муҳаррир **Р. ҚОДИРОВ,**
Мусахҳиҳ **М. ХОЛМЕТОВА.**

Теринга берилди 20x92 й. Бессига рухсат этилди 12 1
93 й. Формати 84x108 1/16 офсет қоғози. Юқори боёма. «Ли-
тературная» гарнитураси шартли боёма табоғи 24.

Нусхаси 3000 Шартнома № 93. Буюртма № 3130 384-бет.

Баҳоси шартнома асосида.

Хоразм вилоят матбуст бошқармасининг «Хоразм» Таҳририят
нашр бўлими. Урганч шаҳри. А. Герман кўчаси 16 уй. 740000.

«Хоразм чорвачилиги—қадим замонлардан ҳозиргача» монографиясидаги ёзилган хато сўзлар тубандагича тузатилиб ўқилсини.

Бет	Сатр боши (абзац) ёки жадвал	Қатор	Босилгани	Ўқилиши керак
9	пастдан 4-нчи	пастдан 16-нчи	конструкцияга	конструкцияга
18	пастдан 1-нчи	пастдан 1-нчи	қу	қўй
50	пастдан 3-нчи	пастдан 16-нчи	тошлари	тишлари
64	пастдан 1-нчи	пастдан 1-нчи	—	101
67	юқоридан 2-нчи	юқоридан 9-нчи	1914	1911
75	5 жадвал	6 устун	исобига	ҳисобига
77	пастдан 1-нчи	пастдан 1-нчи	138 Г. М. Данилевский	139 М. Н. Богданов
166	21 жадвал	1 устун, пастдан 6-нчи	сут	сут, кг
170	23 жадвал	2 устун, 4-нчи	103,9	1039
174-175	27 жадвал	юқоридан	990	1990
194	юқоридан 3-нчи	дан 4-нчи	қўлаймадиган	қўлаймайдиган
196	31 жадвал	юқоридан 20	—	10 устун 266,
		10-11 устун		11 устун—125,
199	пастдан 1-нчи	пастдан 6-нчи	1983	1883
201	32 жадвал	юқоридан 3-нчи	моллар	моллар
204	33 жадвал	4-нчи устун, 3-нчи	маълумотлар	бўйича маълумотлар
208	пастдан 4-нчи	пастдан 11-нчи	5049	4049
210	юқоридан 1-нчи	юқоридан 4-нчи	молни	молни
220	юқоридан 2-нчи	юқоридан 22-нчи	зоти	зотли
222	38 жадвал	1-нчи устун, 1-нчи	чорвадорлар	чорвадорлар
230	41 жадвал	6-устун	Давал	Дагал
241	юқоридан 4-нчи	юқоридан 21	28	276
			1956	1966
330	схема	юқоридан 5	туғиш чоғида	тегишича,
242	юқоридан 4-нчи	юқоридан 13-19	«раздой» а	дақиқада
342	56 жадвал	2-нчи устун	Декаллар	«раздой» да Декаллар

